


№17869
39



А. Гамб

ХАЁТ
БУСТОНИ



ЎзССР ДАВЛАТ
БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1960




А. Бамб

ХАЁТ БУСТОНИ

*Алишер Навоий
хақида повесть*

1960 | ГБ УзССР | N 1 | 1786
44449 | 39



Детгизнинг 1956 йилги нашридан
АБДИВОҲИД АБДУЛЛАЕВ
таржимаси

Биринчи қисм



БОЛАЛИК ЙИЛЛАРИ

*Булбулаға баланд айла хурӯш,
Сол хурӯши била улус аро жӯш...
Лаҳнин эл кўнгли ичра мақбул эт,
Ҳарне мақбул иш они машғул эт!*

Навонӣ. „Сабъи сайёра“.



ҚУШЛАР ТИЛИ*



ахро шамоли қумларни учириб келар ва кўнгилни ғаш қиларди. Туялар тинмай бўкиришади. Болаларини эмизаман, аллалайман деб аёлларнинг жон-ҳоли қолмади. Эркаклар чарчаганларини билдирмасдилар; қум эса кўз очиргани қўймас, юзларга келиб урилар, тишлар орасида ғижирларди.

Йўловчилар кечга яқин Тафт шаҳри яқинидаги катта хонақоҳ олдида тўхташди. Бу — дарвишлар макони эди. Таркидунё қилиб бу ерда яшовчи, жанда кийган одамлар орасида ўз замонасининг машҳур олими, тарихчи Шарафиддин Али Яздий ҳам бўлиб, у енгилмас, тошбағир Темур тарихига оид «Зафарнома» номли буюк асарини тугаллаш мақсадида хилватга чекинган эди.

* Ҳурматли автор Лидия Григорьевна Батнинг розилиги билан таҳрир давомида асарнинг айрим ўринларига баъзи ўзгаришлар киритилди. (Ред.)

Дарвишлар йўловчиларни илтифот билан қарши олишди. Аёллар ва болаларга алоҳида ҳужра берилди. Булар ҳашаматли, фаровон ҳаётга одатланиб қолган кишилар экани, фавқулодда вазиятгина уларни бу машаққатли сафарга мажбур этгани сезгир Шарафиддинга аён эди, булар қувғинга учраган кишилар эканини у тушуниб турарди.

Улуғ олим янглишмаган эди; бу Хуросондан қувғин қилинган амалдорлар оиласи бўлиб, Темурнинг ўғли Шохруҳ Султон ўлиmidан сўнг бошланган ўзаро урушлар туфайли ватанни тарк этган эдилар. Улар Ироққа боришарди.

Кечаси шамол босилди, йўл азобидан ҳориган кишилар қаттиқ уйқуга кетишди. Бироқ оқара бошлаган осмонда юлдузлар сўниши билан бир неча бола ташқарига чиқди-да, дарвишлар яшайдиган бинонинг табаррук эшиклари олдига югуриб келди. Улар қўрқа-писа ичкарига мўралашди ва ичкаридан овоз эшитилиши билан ура қочишди. Оёқларидаги жажжи этикчаларини чанг босган болалар ҳам қизиқ, ҳам бир оз қўрқинчли туюлган хонақоҳ олдидан пилдираб узоқлашишди. Шарафиддиннинг ўзи эшикка яқинлашганда болалардан фақат биттаси йўл устида хотиржам тўхтади.

— Исминг недур, чироғим?

— Алишер, Фиёсиддин Кичкинанинг ўғлимен. Ҳиротдан келурмиз.

— Бу каби доно жавоб айтган бола илмда ҳам пешқадам бўлур. Мактабга борурмусен?

Боланинг кўзлари чақнади:

— Борурмен.

Унинг камзули остидан китоб кўриниб турарди.

— Чироғим, қўйнингга яширган китобингни ол-чи, бир кўрай.

Бола гўё биров тортиб оладигандай чўчиб, китобини маҳкам бағрига босди.

— Бу мен ўқиган китобларнинг энг дурусти.

Шарафиддин кулди:

— Етти ёшингда нималарни ҳам ўқишга улгура қолдинг?

— Тақсир, ёшим саккизда,— улуғворлик билан жавоб қилди бола.—«Гулистон»ни ёд биламен; ушбу китоб эса, мени жуда қизиқ тил била ошно қилди.

У ишониб, китобни олимга узатди.

— О! «Мантиқуттайрми»?* — деди олим ҳайрон қолиб. — Уғлим, сен бу китобдин бирор нима англар-мусен?

— Бирор нимани тушунтириб беролмаймен, аммо ҳаммасини ёд биламен. Сўраб кўрсинлар.

Олим ўнг келган бир саҳифани очди-да, дастлабки мисрани ўқитди. Бола бир оз қизариб, давомини бурро тил билан ёддан ўқий бошлади. Аввал паст овоз билан ўқиди, бора-бора овози баландлашди. Ниҳоят, шеърнинг ўйноқи вазнига мафтун бўлгандай хониш қила кетди. Агар дарғазаб бир овоз уни тўхтатмаганда, албатта бутун дostonни ўқиб туширарди.

— Бу нимаси! Яна эс-ҳушингдан айрилдингми? Олим амакинг қаршисида қуръоннинг табаррук оятларини ўқиб бермоқ ўрнига уялмай-нетмай қушлар тилида сўзлайдирсенми!

Алишернинг орқасида қора соқолли киши пайдо бўлди. Отасини кўриши билан боланинг сўзи оғзида қолди. Шарафиддин Али Яздий бошини кўтарди, китобни Алишерга берар экан, унинг отасига мурожаат этди:

— Муҳтарам зот, худо хақи, ўғлингизнинг зеҳни бағоят ўткир экан!

Ғиёсиддин Кичкина дарғазаб эди.

— Тақсир, бу зеҳни уни телба қилиб қўймаса деб қўрқамен! Фикру-ёдини тушуниб бўлмайдиган мана шу китобча чулғаб олган. Қани, буёққа бер китобни!

Алишернинг ранги ўчди. Бироқ бўйин товлашга журъат этмади. Китобни бир лаҳза бағрига босди-да, сўнг таъзим билан отасига узатди. Отаси китобни аввал узунасига, кейин кўндалангига шартта йиртди. Сўнгра бурда-бурда қилиб ташлади. Ғазаб уни ақлдан оздирган эди. Бироқ ҳали ҳозиргина бус-бутун турган китобнинг саҳифалари бурдаланиб, хазон сингари қум узра уча бошлагач, Ғиёсиддин дарҳол жаҳлидан тушди.

Узининг тезлигидан хижолат тортган Ғиёсиддин Шарафиддинга таъзим қилди-да, ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтмай нари кетди.

Алишер йиғидан ўзини зўрға босиб турарди. У чўнқайиб, жажжи қўллари билан бурдаланган саҳифаларни йиға бошлади. Кейин уларни юзига яқин келтириб

* «Мантиқуттайр» («Қушлар тили») — Эрон шокири Фаридиддин Аттор (1119—1230) нинг дostonи.

ёқимли, таниш бўйини зўр ташналик билан ҳидлади. Бироқ энди улардан бирор нимани ўқиб олиш маҳол эди. Китоб нобуд бўлди. Бола кўзини юмиб, китобнинг турли ерларидан бутун-бутун саҳифаларни ёд такрорлай бошлади. Лабларига табассум югурди: китоб йўқолгани йўқ, унинг қалбига жо бўлиб қолди: Алишер тирик экан, унинг хотирида яшайди.

Алишер қувонч ва ҳаяжон билан ўрчидан турди. Боядан бери болаини кузатиб турган Шарафиддин меҳр билан унинг бошига қўлини қўйди-да:

— Илмингни камол топдир, илм зеб-зийнатинг бўлсин, зероки илм — инсоннинг йўлчи юлдузидир,— деди.

ТЕМУР ҲУКМРОНЛИК ҚИЛГАН ЕРЛАРДА

Замин яқингинада бошидан кечирган момагулдираддан ҳамон ларзада эди. Ҳиндистондан Озарбайжонга қадар оқсоқ Темурнинг ўтли қадами топтаб ўтди.

Темур жаҳонни забт этиш йўлида ҳар қандай тўсиқни босиб-янчиб ўтган бениҳоя шижоатли ва зolim ҳукмдор эди. Унинг сира қўлидан қўймай тақиб юрадиган узуги кўзига: «Одил бўлсанг — олам сеники» деб ёзилганди.

«Бир жаҳонга икки подшо ортиқча» — дерди у ва ана шу бир жаҳонга ўзи подшо бўлмоқчи эди.

Ешлигида у муваффақиятсизликларга учради: бошидан кўп мусибатларни кечирди. Ҳокимиятга эришиш йўлида ҳар гўлоҳга кириб чиқди: гоҳо ўзига ишончли навкарлар билан қароқчилик қилди, гоҳо турли амир ва хонлар қўлида ёлланма сарбозларга бошлиқ бўлиб хизмат этди. Ўзидан кучли рақиблар таъқибидан қочиб, юртини икки марта тарк этди. Бироқ булар уни йўлдан қайтаролмади. Темур ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, тадбирли, абжир киши эди. У ўзига керакли кишилар билан дўст тутинар, кейин кечагина дўсти бўлган кишиларига ўз манфаати йўлида хоинлик қилар, уларни ўлдириб юборарди. У Балх амири Ҳусайини шундай қилди. Самарқаддаги ҳунармандлар исёнини бостирганда улар қалин дўст эдилар; ораларидан қил ўтмасди! Икковлари қон кечиб курашдилар. Тинимсиз уруш ва жабр-ситамдан тинкаси қуриган халқ бош кўтарганди; исёнчилар орасидан кучли ва жасур саркардалар чиқиб, халойиқни ўз орқаларидан эргаштирган эдилар. Улар-

нинг бири пахта тозаловчи, оқ кўнгил паҳлавон Абубакир Қалавий, иккинчиси — тор елкали, кўринишдан ювош, аммо баҳсда ўтдай қизишиб кетадиган самарқандлик муллавачча эди. Қўзғолон ғоят шафқатсизлик билан бостирилди; Темур билан амир Ҳусайн қўзғолон бошлиқларини қаттиқ жазоладилар.

Темур учун Ҳусайн ҳокимиятга эришиш йўлида бир поғона эди, холос. У ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиши биланоқ, Ҳусайн асир олинди ва ўлдирилди. Темур кимки йўлида ғов бўлса тап тортмай ўлдириб юборар, қаршилик кўрсатгудай бўлса бутун-бутун шаҳарларни йўқ қилиб ташларди. Халқ қўзғолон кўтарган Сабзаворда у орасига ганч ва оҳақ қуйдириб, уч минг кишининг жасаидан минора ясатдирди. Империянинг турли ерларида одамлар калласидан миноралар қад кўтарди. Темурнинг қандай макр-ҳийла ишлатишини ҳеч ким олдиндан билолмасди. Қамал қилинган шаҳарлардан бири узоқ қаршилик кўрсатди. Шунда Темур шаҳар таслим бўлса, аҳолининг қонини тўкмасликка ваъда берди, фақат катта бож талаб қилди. Олтин ва кумушларни унинг олдига шаҳарнинг казо-казолари келтиришлари керак эди. Шаҳар дарвозасидан чиқишгач, уларни чуқур ўра ёнига олиб бордилар. Улимдан хабар топган кишилар: «Бизга қон тўкмаймиз деб ваъда қилинган эди! Наҳотки, улуғ Темур ўз сўзининг устидан чиқмаса?» — деб нидо қиладилар. Шунда Темур совуққонлик билан: «Сизлар жуда узоқ қаршилик кўрсатдинглар. Қон тўкмайман деб ваъда берганим рост. Ҳечқиси йўқ, бўғиб ўлдиртираман», дейди-да, жаллодларга ишора қилади.

Ёвуз жаҳонгирнинг қудратли қиличи ҳаммага даҳшат соларди. Темур қўшинлари Суриядаги Ҳалаб шаҳрини олганда шаҳар ҳокимлари томонидан унинг истиқболига чиқарилган кишилар орасида машҳур бир олим бўлган. Темур олдига келгач, у дағ-дағ титраб, бир оғиз ҳам сўз айтолмаган. Темур дарғазаб кўзларини унга тиккан-да, кулиб:

— Ҳа, бу ерга қалтирагани келганмисен? Гапир! — деган.

Аммо олимнинг тили гапга келмаган.

Шунда Темур илтифотсизлик билан баковулига:

— Ҳаммасига овқат беринглар! — деган.

Мағлублар енгил тортиб хўрсинганлар. Бу нарса — Темур уларнинг қонидан кечганини англатарди.

Темур ана шундай эди. Уни ёмон кўрар, аммо қаршисида зир титрардилар. Унинг бир неча юз минг қўшини бор эди. У ўз қўшинига бойлик ва шон-шуҳрат келтирди. Навкарлар унинг енгилмаслигига тан берардилар. Темурнинг душман қўшини аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиши кишини хайратда қолдирарди. У изипи чалкаштириб кетишга, тўсатдан ҳеч ким кутмаган ерда пайдо бўлишга уста эди; у қуюндек бостириб келар, довулдай елиб ўтиб кетарди. Темур жанг илмида жуда топқир эди. У жангчиларига маҳсус қалпоқ ўйлаб чиқарган бўлиб, сарбозлари буйруққа биноан сира кутилмаган ерларда пайдо бўлар ва бир-бирларини бошларидан ана шу қалпоқларидан таниб олардилар. Шундай қилиб, улар турли ерларда тўп-тўп бўлиб йиғилишар ва душманни кутилмаганда қуршаб олишарди.

Темурнинг макр-ҳийласига ҳам чек йўқ эди. У икки марта ўзини ўлди деб овоза тарқатди; бундан мақсади бу овоза қўл остидагиларга қандай таъсир қилиши ва меросхўрларига қарши кимлар бош кўтариб чиқишини билиш эди. Темурнинг «тирилиши» янги-янги қон тўкишларга сабаб бўларди.

Темурнинг феълени англаш жуда мушкул эди. Баъзан у бегуноҳларни ҳам, гуноҳкорларни ҳам фарқ қилмай ўлдириб юборар, баъзан тасодифий марҳамати билан ҳатто душманларини ҳам танг қолдирарди.

Вайрон этишда шафқатсиз бўлган Темурнинг янги бинолар солишга ҳам иштиёқи зўр эди. Ҳиндистондан Волга соҳилларига қадар чўзилган ерларда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, у донг чиқариш учун янги шаҳарлар барпо этиш, эскиларини эса, ажойиб бинолар билан безашга киришди. Бироқ ҳашаматда Темур давлатининг пойтахти Самарқандга ҳеч қайси шаҳар тенг келолмасди. Самарқанд атрофида улуғвор саройлар бино этилди. Саройларни қуршаган боғлар шу қадар катта бўлар эканки, улардан бирида йўқолган отни ярим йилдан сўнггина топган эканлар. Саройларнинг деворига Темурнинг зафарларини тасвирловчи суратлар ишланган.

* * *

Темур ўз қўли остидаги ерларни ниҳоятда қаттиққўллик, Чингизхон сингари шафқатсизлик билан тутиб турарди. Ҳамма ерга ишончли, ўзига содиқ кишилардан

ҳокимлар тайинлаганди, улар Темурнинг бало-қазодай пайдо бўлиб қолишидан чўчиб, муттасил қўрқув остида яшардилар. Агарда у бирор кимсанинг содиқлигига заррача шубҳа қилса, шубҳа қилинган кишигина эмас, балки унинг бутун уруғ-аймоғи ҳам жазога тортиларди; Темур ҳатто ёш болаларни ҳам аямасди.

Шунинг учун Темур ўлгач, у барпо қилган империянинг пароканда бўлиб кетиши, талайгина ўғил ва набиралари орасида талон-тарож қилиниши таажжубланарли ҳол эмас; жанг майдонига чиққанларнинг ҳар бири ўзининг Темурнинг вориси бўлишга лойиқ эканини даъво қилар, бироқ ҳеч қайсиси куч-қудратда Темурга тенг келолмасди. Темур ўз ўғилларига ишонмас эди. Унинг катта ўғиллари ўлиб кетган, Хуросон ҳокими Мироншоҳ эса, телба сифат эди. У ўз отасидан бузгунчиликнигина мерос қилиб олганди. Вайроналарни томоша қилиш унга лаззат багишларди. Бир нафаслик кўнгил ҳуши учун ва ўзи тўғрисида халойиқ: «Мирза Мироншоҳ ўзлари ҳеч қандай иш қилмаганлар, бироқ жаҳоннинг энг подир ёдгорлигини бузишга фармон берганлар» деб гапирсин учун Табриздаги улуғ тарихчи Рашиддиддиннинг мақбарасини бузишни амр қилганди.

Темур кенжа ўғли Шоҳруҳни қобилиятсиз деб билар, бутун умидини невараларига тиккан эди. Энг истеъдодлиси тахтни эгалласин учун шаҳзодаларнинг барчаси бир хилда тарбияланди. Бироқ у кутгандай бўлиб чиқмади. Темур вафот этди, унинг авлодлари, темурийлар эса, империяни қонга белаб, парча-парча қилиб юбордилар. Темурнинг невараларидан энг истеъдодлиси Улуғбек эди. Унга бобосининг пойтахти Самарқанд тегди.

Мироншоҳдан сўнг Хуросонда Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ ҳукмронлик қилди. Хуросон бу даврга келиб бирмунча қудратли давлатга айланган, унинг пойтахти Ҳирот ҳатто Самарқандни ҳам ортда қолдирган эди. Машҳур олимлар, меъморлар, санъаткор ва шоирлар шу ерда яшардилар. Ҳиротнинг довуғи шу даражага етдики, Шоҳруҳ вафотидан сўнг турли ўлкаларнинг ҳокимлари Шоҳруҳ Мирзо тахтига ўтирган султонгагина итоат этажакларини эълон қилдилар. Пойтахтни эгаллаш учун қонли курашлар башланиб кетди. Асосий кураш Шоҳруҳнинг набиралари—оғани Муҳаммад Султон билан Абулқосим Бобир ўртасида бўлди.

Бебошлик авжга минди; ҳар икки томондан берила-

ётган қурбонлар шу қадар кўп эдики, Хуросоннинг кўпчилиги аҳолиси, айниқса унинг пойтахти Ҳиротдагилар жон сақлаш мақсадида чекка ўлкаларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Алишерлар оиласи ҳам шу туфайли Ҳиротдан чиқиб кетган эди.

БОЛАЛИК

Ғиёсиддин Кичкина баджаҳл одамлардан эмасди. У ўғлини севар, лекин Алишернинг ёшига номуносиб даражада етук ва идрокли бўлиши уни ташвишга соларди. Бир вақтлар у ўғлининг қобилияти билан фахрланарди. Ҳиротдаги бахтиёр кунлари унинг ёдида. Кўпинча унинг шинам ва кенг қўрасига меҳмонлар йиғилишар, улар орасида шоирлар, олимлар, ҳарбий кишилар бўларди. Кўпчилиги чет мамлакатларни кўрган бу кишилар баъзан ярим кечагача ўтиришиб, ўз саёҳатлари ҳақида ҳикоя қилиб беришарди. Хитой ва Ҳиндистондан савдогарлар келарди. Улар шоҳи, қиммат баҳо тошлар ва фил суягидан ишланган анвои турли буюмлар келтиришарди. Кекса навкарлар Темурнинг юришларини ҳали-ҳали хотирлардилар. Бу бадавлат хонадоннинг осойишта шароитида улар ҳикоя қилган қиссалар афсонадай туюларди.

Бундай кечаларда музика садолари тинмай янграб турарди.

Олим ва шоирлар Ғиёсиддиннинг айниқса азиз меҳмонлари эди. Ўтиришлар шеър ўқишсиз ўтмас, шеърлар уч тилда: араб, форс ва туркий тилларида ўқиларди. Узоқ замонлардан бери араб тилида ёзилган шеърлар нафис, форс тилида ёзилган шеърлар ўткир маъноли, туркий тилида ёзилган шеърлар эса ростгўй бўлади деб ҳисоблардилар.

Ғиёсиддин Кичкина қиш кечалари ўз уйида бўлган ўтиришлардан бирини ҳеч эсидан чиқармасди. Анчагина меҳмонлар йиғилди. Манғал атрофида, юмшоқ кўрпачаларга ясланиб ширин суҳбат қуришди. Хушбичим йиғитчалар хизмат қилиб туришар, дастурхон оғизга олса эрийдиган ҳолва, хушбўй шарбат, қанд-қурс, туршакмағиз, бодомлар билан безалган эди.

Суҳбат қизиб кетди.

— Азиз меҳмонлар, бугун мен сизларга санъатнинг нодир асарини кўргизамен.

Ғиёсиддин шундай деди-ю, токчадан ажойиб бир қўл ёзма китобни олди. Китобга хаттотнинг ҳам, наққошнинг ҳам, муқовасознинг ҳам хийлагина меҳнати сингани кўриниб турарди. Шоҳидек силлиқ қоғоз бетига зўр маҳорат билан зархал нақш чизилган. Саҳифанинг кенг ҳаво ранг ҳошиялари зархал ва кумуш расмлар билан безалган: сершоҳ дарахтга афсонавий бир қуш қўниб турибди. Китобга зийнат бериб турган лавҳаларнинг бирида паст-баланд тизма тоғлар тасвирланган бўлиб, тоғ ортидан қуёш чиқиб келмоқда. Расмга қараган кишининг қуёш нуридан кўзлари қамашгандай бўларди.

Қўл ёзма қўлдан-қўлга ўтар экан, юқориданми, ўймакор эшик ортиданми, майин музика овози эшитилди. Куй гоҳ яқинлашар, гоҳ яна узоқлашарди. Уйга найчи кириб келди. Унга жавоб қилгандай уйнинг у бурчагида ўтирган яна бир созанда ғижжак чалиб юборди. Ҳамма жим бўлиб, мунгли, хазин куйга қулоқ солди.

— Мусиқи мутафаккирга ҳам, навкарга ҳам ором бахш этади,— деди Шоҳруҳ султоннинг зафарли юришларида неча бор қатнашган бир мўйсафид барлос беги.

— Бутун умри қилич жаранги остида ўтган кишига тинч ҳаёт нашъаси ўзгача лаззат бахш этар. Шундай эмасми? — деб сўради ёш бир шоир назокат билан.

Бу ўтиришда биринчи бор қатнашаётганидан, у бунда айтилаётган гапларнинг ҳаммасини эслаб қолишга интиларди.

— Мухтарам бек, Сеистон, Бағдод ва Шероз устидаги қонли жанглар ҳақида сўзлаб берсалар.

— Саҳродаги шернинг гўштга ўчлиги шоир қалбининг таассуротларга ўчлиги олдида ип эшолмайди,— деди аччиқ сўзлари билан танилган киши; у ҳалиги ёш шоирнинг ҳамроҳларидан эди.

Мезбон шахмат солиғлиқ қутини олди. Бек шахматга ишқивозлиги билан донг чиқарган эди.

— Бу ўйин менга ҳарб майдонини эслатади,— дерди у кўпинча.

— Буни қаранглар,— деди Ғиёсиддин: — ушбу сатранжни каминага Ҳиндистондан келтирибдилар. Фил суягидан ясалган; доналарининг кўркамлигини айтмай-сизми: катта ҳам эмас, кичик ҳам, кўриб кўзингиз қувонади.

Бек доналарни тахтага териб бўлди. Тахтанинг нариги тарафига атоқли бир кекса шоир ўтирди; Ғиёсиддиннинг меҳмонлари бу кеча ана шу шоирнинг ҳурмати учун йиғилишган эди. Шоир «Э сабо, ёрим жамолин тонги шабнамдин сўра...» қўшиғини аста хиргойи қилиб, биринчи пиёдани сурди. «Жанг» бошланди. Бек шоирнинг асбини оларкан, ғолибона оҳангда байт ўқиди:

Бир ишгаки жазм этиб, тугатмаса ҳар инсон
Элу юрти ўртасида ўлгани шу, бегумон.

Шу пайт ичкарининг ўймакор эшиги очилиб, тўқ қизил камзул кийган бир бола югуриб кирди. Уйда талай одам ўтирганини кўриб тўхтади ва кўзларини ерга тикди: юмалоқ юзларига қизил югурди; таъзим қилиб, салом берди-да, одоб билан юриб, отасининг ёнига келди. Ҳамма унга ўгирилди.

— Алишер, номингдан айланай, бери кел!— деб чақирди уни шахмат ўйнаб ўтирган шоир.— Мана шу асбини юрайми, йўқми?

Алишер шоирнинг ёнига бориб, ўйчан қора кўзларини шахмат тахтасига тикди. Шоир қалин духоба кўрпача устида чордана қуриб ўтирарди. Бола унинг елкасига суянди.

— Кунингиз ёш боладан сўрашга қолган бўлса, ҳолингизга вой,— деди бек мазақ қилиб.

— Ёш бола ҳақ гапни гапиреди.

Алишер диққат билан тахтага тикилиб алланималарни чамалаб кўрди-да, бирдан ишонч билан:

— Юринг! — деди.

Атрофни қуршаб ўтирганлар кулиб юборишди.

— Алишер, бу ёққа кел! — деди тўрда ўтирганлардан аллаким.— Ашула айтиб бер!

— Алишер, ўйнаб бер, ўғлим!

— Алишер, най чалишни ўргатиб қўяйми?

Болани гоҳ у меҳмон, гоҳ бу меҳмон олдига чақирар, бағрига босиб, эркаларди. Ниҳоят, у чарчади, отасининг олдига борди-да, пинжига суқилиб, тиззасига бош қўйди.

Сайёралар ҳақида баҳс очилди. Ўтирганлар орасидаги бир мунажжим олим султон Улуғбек номини ҳаяжон билан тилга олди

— У кишига ўз диллари қанчалик аён бўлса, осмон ҳам шунчалик аён эди. У киши сайёраларнинг ҳаракат қонуини ўрганишга йўл очдилар. Осмон биз-

га яқинлашди. Султон Улугбек ана шундай ишлар қилганлар.

Алишер бошини кўтариб қулоқ солди. Унинг кўзларида шам шуълалари акс этарди. Суҳбат бир маромда давом этди. Катта даврага шоир ва бек ҳам келиб қўшилишди. Шахмат ўйини дуранг бўлиб тугади. Шоир хониш қилиб, бир неча янги шеър ўқиб берди. Утирганлар ўқилган шеърларини қизгин муҳокама қилдилар. Энг дуруст чиққан ўринларини таъкидлаб кўрсатдилар. Унинг шеърларини машҳур форс шоирларининг шеърлари билан таққосладилар. Кимдир Қосим ал Анварийнинг* номини тилга олди. Шу пайт анчадан бери катталарнинг суҳбатига қулоқ солиб ўтирган Алишер қўлини кўтарди-да, ингичка товуш билан хониш қилиб Қосим ал Анварийнинг шеърларини ўқий бошлади.

Кутилмаган бу ҳолдан ўтирганлар ҳанг-манг бўлиб бир-бирларига қарашди.


Меҳмонлар алла-паллагача ўтиришди. Бир неча марта ичкарининг эшиги қия очилиб, кимнингдир Алишерни чақиргани эшитилди. Бироқ ота қўли билан имо қилиб бола унинг ижозати билан ўтирганини англатди. Утириш охирида Алишернинг кўзлари юмилиб кета бошлади, аммо у ўзини зўрлаб бўлса ҳам катталардан қолишмасликка тиришарди. Ҳар бир меҳмон кетар элдида чин кўнгилдан Алишерга оқ фотиҳа берди. Уғли билан фахрланиб, кўнгли тоғдай кўтарилган Фиёсиддин Кичкина меҳмонларнинг каромат қилиб айтган сўзларини мамнуният билан тингларди:

- Бола улғайиб, саркарда бўлгуси.
- Олим бўлгуси.
- Шоир бўлгуси.

* * *

Жаҳл устида ўғлини севимли китобидан маҳрум этган ва кўнглини ранжитган Фиёсиддин Кичкина аста-секин ховуридан тушар экан, шу ҳақда ўйларди. Ахир ۷ Алишерга аллақачоноқ «Мантиқуттайр»ни ўқима деб

* Қосим ал Анварий — форс шоири (1432 йилда вафот этган).



айтмаганмиди? Энди бу тақиқлашнинг сира нафи тегмагани ва боланинг ўжарлигини кўриб, унинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Бунинг устига мамлакатда рўй бераётган ҳодисалар, ватани тарк этиш уни дилгир этган эди. У келажакда оиласининг аҳволи нима кечишини билмас, бегона юртларда ўглининг қобилиятини завола бўлишидан чўчирди. Унинг назарида ҳаёт аччиқ-чучукларини тотиб кўрмаган Алишер тажрибасизлик қилиб ноҳўя йўлга кириб кетадигандай эди. Унинг одамовилигини ҳатто мактабдаги болалар ҳам пайқашган эди: Алишер ўйинни ёқтирмас, ўртоқларидан ўзини четга олиб қочар, китоб ва шеър ўқишни афзал кўрарди. Ота, ўғлим телба бўлиб қолмаса эди, деб кўрқарди. Ғиёссиддин даҳшат ичида ўглининг ўртоқларидан бирининг: «У Мажнунга ўхшайди» деган сўзларини эслади.

УЙГА ҚАЙТИШ

Узоқ курашлардан сўнг Хуросон тахтига Шоҳруҳнинг набираси Султон Абулқосим Бобир ўтирди. Мамлакатда тинчлик қарор тониб, Абулқосим Бобирнинг қувғинда юрган тарафдорлари ватанга қайтиб келиш имконига эга бўлдилар. Туғилиб-ўсган диёрини соғинган дарбадарлар тезда йўлга тушдилар.

Карвон икки кундан бери йўл босар, Ироқдан Хуросонга аввалги йўл билан қайтмоқда эди; уйга қайтаётганларидан йўловчиларнинг кайфлари чоғ.

Август ойи, кундуз кунлари жазирама иссиқ, тунлар — анча салқин, саксовул ва янтоқ қалаб, гулхан ёқишади.

Йўловчилар кундузлари зўр машаққат билан, терлаб-пишиб бута ва саксовул кесишарди. Тунлар совуқ, кўрпа остида ҳам, пахталик чопон кийиб ҳам бадан исимас, ташналик кечасию кундузи тинкани қуритарди. Онда-сонда қудуқлар учраб, одамлар югуришиб қолар, туя ва отларга ҳам жон кирар, болалар севиниб қичқиришарди. Катта-катта мешлар сувга тўлдириб олинарди. Отлар бебаҳо сувни бош кўтармай, ютоқиб, сачратиб-сачратиб ичишарди. Гулханлардан қолган бир сиқим кул ва ана шундай қудуқлар карвон йўлини кўрсатиб турарди. Бу бир си-

қим кул ва қудуқлар олдин ўтганларнинг машаққатли йўл босиб, ўз изларидан келаётганларга қолдирган ҳароратсиз саломи эди.

Кечаси дам олишди; тонг ёришмасданоқ ҳаммалари оёққа қалқдилар. Гиёсиддин, тун салқини кўтарилмасдан, эртaroқ йўлга тушишни буюрган эди.

Ироқда Алишер яхшигина от минадиган бўлиб олди. Отаси унга бўйи пастроқ асов йўрға совға қилганди. Алишер отни ўзига ром қилмоқ учун уни обдан миниб ўргатди. У от миниб узоқ сайрларга чиқмаган кун кам бўларди. Ора-сира Алишер уни жонидан азиз кўрган кекса хизматкор Ҳошим бобо билан йўлга чиқар, аммо кўпинча ёлғиз ўзи сайр қиларди. Ҳошим бобо кўринишдан бадбашара бўлиб, девдай кучи бор эди. Бир кўзи кўр, лаби дўрдоқ, гавдаси жуда бесўнақай Ҳошим бобо газабда даҳшатли, аммо ўзи меҳрибон, мулойим киши эди. Бир вақтлари Гиёсиддин уни қозининг ноҳақ ҳукмидан қутқариб олган экан, ўша-ўша Ҳошим бобо унинг содиқ хизматкори бўлиб қолганди. Ҳиротга қайтаётганларида карвонни қўриқлаш унга топширилди. Катта карвон йўлларида қароқчилар тез-тез ҳужум қилиб турарди. Ҳошим бобонинг кўзи битта бўлса ҳам ниҳоятда ўткир эди; қулоғи эса, бархонлар ортида қумнинг шувиллашини ҳам пайқарди. Кунларнинг бирида Алишер ундан: «Ўтларнинг ўсаётганини ҳам эшитасизми?» деб сўраган эди. Ҳошим бобонинг қўллари қилич уришга моҳир эди. Бобо йўлни билиб келиш учун тез-тез илгарилаб кетар, қудуқларни ҳаммадан олдин тонар, тунаш учун қулай жой танлар, саксовул бор ерларни аниқларди.

Алишер энди Ҳошим бобони кам кўрарди. Аммо эрталаблари уни аввалгича Ҳошим бобо уйғотар, унинг учун яшириб қўйган сувдан ичирар ва йўрғасини эгарлаб берарди.

Бугун эрталаб ҳам шундай бўлди. Алишер кечаси тинч ухлай олмади; гулхан бир ёнбошинигина иситгани учун совқотиб чиқди, Теварак-атрофни совуқ қум қоплаган. Шу қумнинг бир неча соатдан сўнг қизиб-ловиллаб кетишига кишининг ишонгиси келмайди. Алишер чодирда, ойисининг олдида ухлашни истамди. Она ўғлидан шикоят қилган эди, отаси: «Тўққизга қадам қўйди, ўргансин; менинг ўғлим аза-

мат бола бўлади, латта базмга тобим йўқ» деб жавоб берди.

Ҳошим бобо йўрғага эгар уриб келди. Эрталабки совуқдан жунжикаётган, ҳали кўзларидан уйқу аримаган Алишер отга минди. Қарвон аста йўлга тушди.

Тонг шафағи ҳамма ёқни саргимтир-қизғиш тусга беллади. Ҳатто осмон ҳам сарғиш тусга кирди. Аста-аста ранглар ўзгариб, осмон мовий тус олди. Бироқ қум тўзони ҳамон кўз очгани қўймасди.

Бир қум тепадан ошиб ўтишди. Йўрғасини миниб олган Алишер каттакон бир туяга яқинлашди. Салобат билан бораётган туянинг ўркачига катта-катта тойлар ортилган бўлиб, Алишернинг онаси улар орасига ўрнашиб олган эди. Бола бошини орқага ташлаб, жарангланган овоз билан:

— Ассалому алайкўм!— деди.

Она юзига тутиб олган чодрасини сал кўтарди, Алишер унинг жуда қийналиб кетганини дарҳол пайқади.

— Алишер, юраккинам эзилди-ку сени деб, болагинам, овқат едингми?

— Ҳа, Ҳошим бобо овқат ҳам берди, сув ҳам. Қорним тўқ, руҳим енгил, отим ҳам тетик. Гижинглаб туришини қаранг.

Алишер ҳақиқатни яширди. Кечадан бери бирорта ҳам сучук сувли қудуқ учрамаган эди. Йўловчилар биргина қудуққа дуч келдилар, унинг ҳам суви тахир ва шўр экан. Бу сувдан туяларни суғоришди, холос. Одамлар ва отлар ташналикдан жуда толиққан эди. Қолган озгина сув ўртада жуда тежаб тақсимланди. Бироқ Алишер отасидан ибрат олиб, сувдан бош тортди:

— Аёллар билан ёш болаларга беринглар.

Ҳошим бобо зўр-базўр уни бир қултум сув ичишга кўндирди. Аммо бу унинг ташналигини баттар зўрайтирди.

Қарвон турна қатор тизилиб борар, Ҳошим бобо анча илгариди эди. Алишер қарвоннинг ортида келарди. Олдинда туялар лапанглаб боришар, унинг назарида қарвоннинг поёни йўқдек эди. Кун борган сари қизир, қум кўз очиргани қўймасди. Алишер кўзларини юмар, кейин ўзини зўрлаб яна очар, бироқ уйқусини қочиролмай саранг бўларди. Охири у тизгинни бўшатиб, отни ўз ихтиёрига қўйиб юборди.

Алишер туя миниб олдинда чайқалиб бораётганларга, туяларга ортилган той-той юкларга қараркан, ўзича бир оҳангда: «Олға, орқага, олға, орқага, олға, орқага...» деб такрорларди. Томоғи қақраб кетди. Бирдан Ҳиротдаги ҳовлилари, боғдаги зилол сувли ҳовуз кўз олдига келди. Қани энди шундай энгашса-ю, чанқоқ лаблари билан қониб-қониб симирса! Алишер отнинг бўйнига энгашди-да, мадорсиз, уюшган қўллари билан унинг ёлига ёпишиб олди. От безовта бўлиб, бир силкинди-да, юришини тезлатди. Алишер сирғаниб эгардан тушиб қолди, бироқ ўзи буни пайқамади. У донг қотиб ухлаб қолган эди.

* * *

Ҳошим бобо сув қидириб жуда илгарилаб кетди. Шамол бархонлар тепасини учуриб, қумни тўзита бошлади. Ҳошим бобо «Наҳотки бўрон бўлса?»— деб ўйлашга ҳам улгурмасдан кучли ва иссиқ шамол турди. Бир неча лаҳза ўтар-ўтмас ҳаво қум билан тўлиб, ҳеч нарса кўриб бўлмай қолди. Кун қоронғилашди, қуёш кичкина хира ойдек бўлиб қолди. Умрида бунақа бўронларни кўп кўрган Ҳошим бобо бу ҳол узоққа чўзилмаслигини дарҳол пайқади. Фақат чопонга бурканиб олиб, қимирламай ётиш керак. Отни тинчитиб қийин бўлди. Ҳошим бобо чопонининг этаги билан унинг кўзини беркитди, бироқ от жонивор ҳамон типирчиларди.

Қуюн четлаб ўтиб кетди, энди у узоқларда қутириб ўкирарди.

Ҳошим бобо карвондан узоқлаб кетган эди, бўрондан сўнг у ҳадемай бир қудуққа дуч келди. Аввал отини суғорди, кейин ўзи қониб ичди. Сув ниҳоятда тоза ва тоғли бўлиб, самум* уни лойқатиб улгурмаган эди. Кейин у иккита катта мешни сувга тўлдирди, жойни эслаб қолиш учун теварак-атрофга синчиклаб назар солди-да, орқага, карвон сари жўнади.

Ташналиги қонган от жадал йўртиб кетди ва Ҳошим бобо тезда саҳрода чўзилиб келаётган карвонни кўрди. У етиб келганда ҳамма саросимада эди: бир соатча аввал Алишернинг йўрғаси ёлғиз чопиб келибди. Отни

* Африка ва Ғарбий Осиё чўлларида — қум уюрмалари, иссиқ қуруқ шамол.

тутишибди-ю, аммо болани ҳанузгача топишолмабли. Бобонинг лаблари бўзариб кетди.

— Менинг кўзим битта бўлса ҳам жуда ўткир. Тақсир, менга бир одам беринг, қасам тангригаким, Алишерни қош қорайгунча топиб келамен.

* * *

Динг-динг-динг-динг!.. Динг-динг-динг!..— қулоғи остида алланима худди чвиндек тинимсиз гингиллайди. Кейин бу ғашни келтирувчи дингиллаш тинади-да, узоқда музика янграйди. Оғизда тотли шаробнинг таъми. Аъзойи бадани совуқ сув оғушига чўкади, аммо шу заҳотиёқ сув қайнаб, қўлларини куйдиради.

Алишер кўзини очди. Қизиб кетган саҳрода ёлғиз ўзи ётарди. Қуёшнинг тиғидан яширинадиган ер йўқ. Карвон кўринмайди, оти кетиб қолибди. Яна ташналиги кўзиди. Бирдан Алишерни қўрқув босди, ўзидан-ўзи хижолат бўлди, эсига дарҳол Ҳошим бобо келди, у бўлганда Алишерни хавф-хатардан қутқарарди; кейин у онасини эслади.

«Тангрим,— деб илтижо қилди Алишер,— мени онам ёнига қайтар, ҳеч қачон уни ёлғиз қолдирмаймен!» Қўллари билан икки кифтини маҳкам чангаллаб олган Алишер ўпкаси тўлиб тебранаркан, йиғлаб юбормаслик учун ўзини ўйламасликка қарор қилди. Ҳар қачонгидек, машаққатли онларда севимли китоби — «Мантиқуттайр» ни эслаш унга мадор бўлди. Шунда у китобдаги қушлар тилидан айтилган талайгина қиссалар ичида ўзининг ҳозирги аҳволига жуда ўхшаб кетадиган бир ҳикояни эслади. Қушлар каттакон сувсиз саҳродан учиб ўтишлари керак экан. Машаққатли йўл уларни қўрқитади, шунда қушлар ичида энг чидамли ва тадбирлиси бўлган попушак: «Саҳро — мисли йўқ гўзал қасрларга кириб бориш йўлида бир остонадир», дейди ва қушларга кечаси саҳрода адашиб қолган, аммо умидсизликка тушмаган жасур сайёҳ Боязид Бастомий қиссасини ҳикоя қилиб беради.

«У кечаси адашган эди, ҳозир эса кундузи», деб халёлидан ўтказди Алишер.

Кейин ўрнидан турди-да, қизиб ётган қумга тиззасидан ботиб, олға юрди. Назарида, карвон йўлидан бораётгандай бўлди. Ҳаммасидан ҳам ташналик қаттиқ

азоб берарди. Алишер тупугини ютиб кўрди, бироқ тупуги ёпишқоқ ва қум аралаш эди. Қовжираб кетган лаблари ловиллайди. Бурни ҳам қумга тўлган. Қуёшнинг яллиғи кўзини қамаштиради. Теварак-атроф хасталик вақтида кўриладиган тушга ўхшайди. Ноғиҳон у қисилган кнприклари орасидан яқингина ерда, ўнг тарафда атрофини хурмо дарахтлари ўраган ям-яшил воҳани кўрди. Алишер ўша тарафга қараб тез юриб кетди. У қаттиқ толиққанига қарамай жадал юриб борар, бир оз дам оларди-да, туриб яна йўлга тушарди. Аммо воҳа яқинлашай демасди. Ям-яшил хурмо дарахтлари, зилол сув кўриниб турарди. Алишер тоқати тоқ бўлиб, инграб юборди ва югуриб кетди. Иссиқ ҳаво гуп этиб урилиб, юзларини ловиллатди. Мадори қуриб, оёқлари чалишди, у йиқилиб қолди. Бир неча дақиқадан сўнг ўрnidан туриб, кўзини очган эди, қарши-сида ҳеч нарса кўринмади. У қўлини соябон қилиб, теварак-атрофга қаради, бироқ сароб ном-нишонсиз йўқолган эди. Тинкаси қуриган Алишер қаттиқ фарёд чекди:

— Сув дейман, сув! Ташналикдан ўлиб бўлдим!

Кейин у ўзини тутиб олди; кўзларини юмиб, бир дақиқа тек қолди; яна кўзини очганида олдинда каттагина қора нарса кўринди. «Ўлиб, саҳрода қолиб кетган отмикан?— деб ўйлади бола.— Йўқ, қояга ўхшайди. Бу ерда қоя нима қилсин? Е дарахтмикан-а?»

Алишер шу қадар қизиқиб кетдики, ҳатто ташналикни ҳам унутди. Бу ҳам воҳага ўхшаб бирдан ғойиб бўлиб қолмасин деб қўрққанидан қора нарсадан кўзини узмай унга томон юра берди. Қора нарса ўша жойида қимирламай турарди. Қизиқ! Алишер яқинлашган сари у кичрайиб бораётганга ўхшарди*. Бола бу ғалати нарса ёнига ғоят тез етиб борди-ю, кўзларига ишонмай, тепа-сида қотиб туриб қолди. Бу — карвонлар сув олиб юрадиган меш эди. Алишер мешни қўлига олар экан, эфирлигидан унинг сувга тўла эканини пайқади.

— Бу бизнинг меш, демак, карвон шу ердан ўтибди! Тўғри бораётган эканман.

Алишер пишиқ чарм чилвирни зўр-базўр счди, мешнинг оғзини очди-да, сувга аввал қўлини тикди, ҳўл

* Бу — саҳрода учрайдиган физик ҳодиса: нарсалар ҳажми унга яқинлашилган сари кичрайгандай бўлиб кўринади.

бармоқларини шимди ва нам қўлларини юзига суртди. сўнг дўпписини ечди-да, лиммо-лим қилиб тўлдириб, илиб қолган сувни ютоқа-ютоқа ичди. Сув унга жаннатнинг оби замзамидек туюлди. Кейин иккинчи марта дўпписини тўлдирди, яна ичмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тийди. Дастлабки ташналиги қонган эди. «Сув ҳали яна керак бўлади. Отам ҳамма вақт, очкўзликнинг оқибати ёмон бўлади, деб айтардилар»,— ўйлади Алишер ўзини.

Қониб сув ичгач, Алишер танасига қувваг кириб карвон кетидан чопгиси келди. Бироқ мешни гашлаб кетишга кўзи қиймади. Кўтариб кўрди, лекин бундай огир юкни кўтариб уч қадам ҳам юролмаслигини англади... Бунинг устига, назарида бирдан яна йўлни йўқотиб қўйгандай бўлди. Тоқатсизлик билан атрофга аланглаб, қўрқув ичида тик қотиб қолди.

Қуёш ҳали анча тиккада, бироқ энди унинг ҳарорати баданни унча куйдирмасди. Узоқда иккита отлиқ кўринди. Улар қумни тўзитиб, шиддат билан елиб келишарди. Алишердан икки юз қадамча нарида тўхтаб, атрофни кўздан кечира бошлашди. Бири Ҳошим бобо эди. Меш билан унинг ёнида турган болани биринчи бўлиб ўша кўрди.

— Ё қудратингдан, парвардигор; ўзингга минг қатла шукур, худо!— деб ўкириб юборди у ва ўқдай учиб Алишер томон кела бошлади.

— Ҳошим бобо! Ҳошим бобо!

Алишер отлиқларга қараб югурди. Ҳошим бобонинг меҳрибон қўллари уни ердан кўтариб олди. Алишер содиқ хизматкорнинг бағрига суқилиб, бир зум жим қолди, фақат Ҳошим бобо уни отга миндиргандан кейингина ўзига келиб:

— Отим қани?— деб сўради.

— Хотиржам бўл, чироғим, отинг соппа-соғ. Ҳозир карвонга етиб олурмиз...

БОБИР САРОЙИДА

Атрофига садоқатли кишиларни тўплаш мақсадида Абулқосим Бобир кўпгина уруғ-аймоқлари ва дўстларини ўз пойтахти Ҳиротга торта бошлади. Бобирнинг яқинлари ичида Темурнинг чевараларидан бўлган Султон Ҳусайн ҳам бўлиб, Алишер у билан дўст тутинган эди.



Султон Ҳусайннинг отаси Фиёсиддин Мансур билан Алишернинг отаси жуда қалин эдилар: улар бир кўк-ракдан сут эмиб катта бўлган ва табиатан бир-бирларига яқин кишилар эди.

Фиёсиддин Мансур на ҳокимият ва на бирор мавқега эришолмай, оро йўлда қолган темурийзодалардан эди. У анъана бўйича «давлатхона» деб аталган ҳовлисида камтаргина ҳаёт кечирар, қудратга эга бўлиш у ёқда турсин, ҳатто рўзғори ҳам маъмур эмасди.

Хотини Фирузабегим ҳам Темур уруғидан бўлиб, бундай ҳаётга сира кўниколмасди. Эридан қўлини ювиб қўлтиғига урган шуҳратпараст Фирузабегим ҳамма орзу-умидларини ўғлининг келажакига тиккан бўлиб, уни ёшлиқдан улуғ мақсадларга гайёрларди. Бу мақсадни ҳали унинг ўзи ҳам равшан тасаввур қила олмас, бироқ қизиққон бу аёл ўғлида ҳокимиятга қизиқиш ҳиссини уйғотишга тиришарди. Фирузабегим ўғлига Темур ҳақида ҳикоя қиларди; Темурнинг ўлиб кетганига ярим асрдан ошган бўлса-да, унинг номини эшитганлар ҳали-ҳали кўрқа-писа атрофга аланглардилар.

Ҳусайн Алишердан икки ёш катта эди, бироқ бу фарқ кўпда сезилмасди. Иккаловлари бир ерда ўқишар, қуръоннинг сураларини барабар ёдлашар, эрталаб азонда ним-қоронғи, совуқ мадрасага бирга келишарди.

Алишер ва Ҳусайн мактабда ўқитиладиган фанларни аллақачоноқ ўқиб олишганди, улар гоҳо ўз саволлари билан домлани доводиратиб қўйишарди.

Болаларнинг истаклари бир бўлиб, иккаловлари ҳам шеър ёзишар, от чопишни севишар ва Ҳиротнинг шаън-шавкатга эришувини орзу қилишарди. Мактабдан озод бўлгач, сарой боғида сайр қилиб юришар экан, улар бу ҳақда кўп гаплашардилар. Султонга қарашли жуда бой китобхонанинг эшиги Алишер ва Ҳусайн учун очиқ эди, улар бу ерда соатлаб улуғ ёзувчиларнинг асарларини мутолаа қилишарди.

— Мен подшо бўлганимда,— деди кунларнинг бирида Ҳусайн,— сен бош китобдорим бўласен.

— Сен подшо бўлурмусен?

Ҳусайннинг кўзлари чақнаб, лаблари орасидан йиртқичники сингари майда ўткир тишлари кўриниб кетди.

— Подшо бўлишимга ишонмайсенми? Куч-қудратим бор, буни ўзим ҳам сезиб турурмен...

Алишер унга диққат билан боқди:

— Ҳа, сен, албатта, подшо бўлурсен. Мен эса, жоним билан китобдоринг бўлурмен. Бироқ сен мени бундан бўлак ишга тайинламасликка ваъда бер!

— Англай олмадим, бу сўзларинг ила не демоқчисен?

— Мен кишилар устидан ҳукмрон бўлмоқни истамаймен. Каминанинг бирдан-бир орзуси аларга ақл-идрок нури сари йўл очиб бермоқ ва ўзи ҳам ўқиб-ўрганмоқдир.

— Фурурингга боқ, мени йўлда қолдирадиган кўринасен.

Аммо унинг охирги сўзларини Алишер эшитмади. Шу чоғ шаҳар тепасидан бир гала турна учиб ўтди. Қушлар учбурчак ҳосил этиб, шимол томонга учишарди. Мақсадга томон оғишмай интилаётган қушларнинг эркин ва дадил қанот қоқаётганликлари сезилиб турарди. Алишер уларнинг учишини узоқ кузатиб турди-да, мамнунлик билан жилмайди. Кейин Ҳусайннинг елкасига қоқди-да:

— Қани, менга етиб ол!— дея қичқирди.

Бироқ болалар ёшлари ва мавқеларининг фарқини ҳис этадиган вақтлар ҳам келди. Алишер ҳали ёш бола эди, Ҳусайн эса, саройда хизмат қиларди. У Абулқосим Бобирнинг Самарқандга қилган юришида қатнашди, бу даврда Самарқанд ҳокими Мироншоҳнинг набираси Абусаид эди. Бобир Темур давлатини битта ҳукмрон қўли остига бирлаштирмоқчи эди. Алишер юришга қатнаша олмаганидан ўксиб, яширинча аччиқ-аччиқ йиғлади. Дўсти Ҳусайннинг Бобир билан ярашган Абусаид хизматида қолганини эшитиб, у баттар қайғурди. Ҳали у Абулқосим Бобирнинг давлатни бошқаришга ноқобил, бўшанг киши эканини билмасди. Султоннинг улар оиласига, шахсан ўзига ва Султон Ҳусайнга кўрсатаётган илтифоти учун Алишернинг олижаноб ёш қалби Бобирга миннатдорлик туйғулари билан тўлиб тошганди. Дўстининг макри ҳақида ўйларкан, Алишер қаттиқ изтироб чекарди. У ўз ҳужрасига қамалиб олди, чеҳрасига ташвиш кўлка солди ва бирдан, кутилмаганда бутун ҳис-туйғуларини шеър мисраларига тўкди:

Хажр шомидин қоронғироқ тун ўлғайму экин?
Ераб, ул тундин халос ўлғон кун ўлғайму экин?
Гул масаллик, тоза қонлиғ доғлар бирла танним,
Дард боғимда очилғон гулбуи ўлғайму экин?

Бундай чуқур маъноли, ҳаяжонли сатрларни ёшгина бола ёзганига ким ҳам ишона оларди? Алишер қалбида илҳом булоғи очилгандай бўлди. У қарийб ҳар куни янгидан-янги байтлар ёза бошлади...

ЗАМИРА

Алишер ўзи ёлғиз қолишни истаб, кўпинча боғнинг ичкарисига кириб кетар ва бирорта дарахт панасига яшириниб олиб, шеър битарди.

Саратон иссиғида пашшалар ҳолсиз гинғиллар, енгил шабада безовта қилган дарахт барглари шивирлашар, қаердадир эшакнинг ҳанграгани эшитиларди. Шу тобда Алишер ўзини дунёда бутунлай ёлғиз ҳис этар, гўё янгидан саҳрода адашиб қолган-у, тепасидан, юксак мовий осмондан севимли китобидаги таниш қушлар учиб ўтмоқда эди. «Мантиқуттайр»! Отаси бурдалаб ташлагандан бери неча-неча мартабалаб эсламади бу китобни! Қушлар подшоси Семурғнинг афсонавий мамлакати Алишерга адолат ва бахтиёрлик тимсоли, илм-маърифатнинг маконидек туюлар ва бу диёрга у бутун вужуди билан талпинарди. Алишер, киши бахтга меҳнат орқали, машаққатлар чекибгина эришмоғи мумкин, деб билар, шунинг учун тинмай меҳнат қилар, ўзининг фикр ва туйғуларини яққол ифодалаш учун сўз хазинасидан энг зарурларини ахтариб топишга, уларни маънога пурта етказмасдан бирортасини ҳам олиб ташлаш мумкин бўлмайдиган қилиб, сатрларга теришга интиларди. Улар бино деворларига ётқизилган ғиштлар сингари шеърнинг нафислигини ва бир бутунлигини ташкил этишлари лозим эди.

Баъзан у бир байт шеър устида бир неча соатлаб ўтириб, вақтнинг қандай ўтиб кетганини билмай қолар, қорни очганини сезмас, тушликни унутарди. Арзандаси қаерга яширинганини фақат Ҳошим бобоғина билар, у Алишерга овқат келтирарди. Гоҳо бобо билан унинг олти ёшлик набираси Замира ҳам келарди. Замира яқинда қишлоқдан келган эди. Унинг бева онаси, қўлида қолган етим болаларни боқишга қийналганидан кенжабойи, севимли қизи Замирани бой хонадонда шу қизчага лойиқ овқат топилиб қолар деган умид билан бобосига юборган эди.

Ҳошим бобо Алишерни кўпроқ овқат ейишга қистар, қизча ўтлар орасида югургилаб ўйнар, капалаклар тугтар, гуллар терар, қўшиқлар айтарди. Қизғалдоқ ранг кўйлак кийиб олган қизчанинг ўзи ҳам капалакка ўхшар, жажжи бошини сарак-сарак қилиб юриши ўзига жуда ярашар, ўн иккита кокил ўн иккита ялтироқ илончалардек унинг елка ва орқаларига ёйилган эди. Бобо уни катталар олдида одобли, камгап бўлишга ўргатган эди, бироқ Алишер ўз акаларидан бирига ўхшаганидан, қизча тортинмасдан унга яқинлашди-да, дадил гапира кетди. Алишер ҳам у билан бажонидил гаплашди.

Қизча баъзан унинг олдида содиқ итлари Йўлбарсни бошлаб келар; қари ит Замиранинг қўнғироқдай овозига доимо итоат қиларди.

Замиранинг ўткир зеҳни Алишерни танг қолдирарди.

— Бизникида зерикиб қолганинг йўқми, бу ер уйингдан жуда узоқ-ку?— деб сўради бир куни Алишер.

Қизча қоп-қора кўзларини унга тикиб:

— Бу ерда гўшт, нон кўп... Чиройли боғ бор... Иннайкин, бобом бирам яхшики!— деди.

Бироқ, онасини эсларкан, ҳар қалай кўнгли бузилгандай бўлди, кўзлари намланди, лаблари пир-пир учди. Упкаси тўлиб, йиғисини яшириш учун чопа кетди. Ит ҳам кетидан югурди. Алишер сакраб ўрнидан турди. У қизил кўйлаги энди хийлагина жойда липиллаб кўринаётган қизчани қувиб етмоқчи эди. Алишер йўл бу ёқда қолиб ўтлар орасидан чопиб кетди.

Замира узоқлашгандан-узоқлашиб борарди; энди у боғнинг ўзи ҳали сира бормаган нариги чеккасига кетиб қолган эди. Ноғиҳон қизчанинг рўпарасидан катта ҳовуз чиқиб қолди. Замира чопиб бораётган ерида ўзини тўхтатишга улгурмай, ҳовузга тушиб кетди. Унинг қизил кўйлаги сув бетида бир лаҳза кўриниб турди, қизча дод деб қичқирди-да, чўка бошлади.

Алишер югура келиб, энди этигини еча бошлаган ҳам эдики, Йўлбарс Замирани кўйлагидан тишлаб, сувдан олиб чиқди.

Ҳамма ёғи жиққа ҳўл Замира Алишер қаршисида қалтираб турарди.

— Бобомга айтманг, хўпми?— деб илтимос қилди қизча кокилларини серкиллашиб.

— Кўйлагинг нима бўлади? Жиққа ҳўл-ку.

— Ёмғир ёғди дейсиз.

Алишер жилмайди.

— Езда ёмғир ёғиши қулоқ эшитмаган гап-ку. Бунинг устига, Ҳошим бобо биздан сал нарида холос, у ерда эса, ҳеч қандай ёмғир ёққани йўқ! Эсингда бўлсин: ҳеч қачон ёлғон сўзлама! Қўрқоқларгина ёлғон сўзлайди, сен ботир қизсан-ку, ўзингни сувга отмоқдан ҳам қўрқмадинг.

— Вой, энди сира ундай қилмаймен!

— Бўлмаса энди дарров уйга бориб, бошқа кийим кийиб ол. Қани, ким тез чопишга!

Улар яна чопиб кетишди, аммо бу сафар олдинда Алишер борар, унинг ортидан ит ва кичкина Замира сакраб-сакраб келишарди.

Қуёш қизиғида кўйлак бирпасда қуриди, Ҳошим бобо набирасининг ҳовузга тушиб кетганини пайқагани ҳам йўқ. Алишер қизчани аяб, бобога ҳеч нарса айтмади, фақат Замирадан энди сира бундай қилмасликка сўз олди.

— Энди ҳечам бундай қилмаймен!— деб сўз берди қизча.

— Орқангдан жинлар қувласа ҳамми?

Қиз бир лаҳза иккиланиб тургач:

— Жинларданам қўрқмаймен; барибир сувдаям жин бўлади,— деди.

Алишер қизиқсиниб:

— Сувда нима бор экан?— деб сўради.

Замира бичиб-тўқий бошлади:

— Эртақлардагига ўхшаган каттакон сарой бор экан, ой ҳамма ёқни сутдай ёритиб турибди...

— Ие, сен ҳовузга йиқилганингда боғда чарақлаб офтоб чиқиб турувди-ку?

— Сувнинг тагида эса ой чиқиб турган экан,— деб туриб олди қизча.— Атрофида жинлар ўйин тушишаётган экан. Шунақа кўпки, асти қўяверасиз. Мени имлаб олдиларига чақиришди...

— Хўш, нимага бормадинг?

Замира ўйланиб қолди.

— Вақт бўлмади,— деди у, бир оз жим тургач.— Йўлбарс этагимдан тишлаб, олиб чиқди, кейин сиз мени сувдан тортиб олдингиз.

— Мен ҳамма вақт сенинг халоскоринг бўлурмен!— деди Алишер жўшқинлик билан.— Мен бирла туз тотиб, ака-сингил тутунмоқни истайсенми?

Замира бунинг қандай бўлишини билмасди, шунинг учун Алишер унга батафсил тушунтирди:

— Бир кун туз ичган ерингга қирқ кун салом бер, дерлар. Туз жуда азиз нарсадир.

Гувоҳ керак бўлгани учун бола бу ишдан Ҳошим бобони ҳам хабардор қилди.

Эртасига Алишернинг боғдаги сеvimли шийпончасида ака-сингил тутуниш маросими бўлди. Ҳошим бобонинг чеҳрасидан нур ёғарди. У Алишернинг қўлига туз бераркан:

— Олинглар, чироғларим, табаррук ота-боболар ҳақи, таомилга кўра туз билан ака-сингил тутининглар,— деди.

Алишер Замирага тантана билан таъзим қилди-да, тузни унга бера туриб:

— Шу ҳалол туз ҳақи, қиёматлик синглим бўл,— деди.

Замирага булар ҳаммаси қизиқ бир ўйиндай туюларди. У ҳам Алишер сўзлаган оҳангда олдиндан ёдлаб олган сўзларини айтди:

— Мана шу оппоқ туз ҳақи, қиёматли акам бўлинг.

Бу йил ёзда Алишер ана шундай, Султон Ҳусайдан йироқда, танҳо яшади. У янги дўст изламади. Юрагида тўлган меҳр-муҳаббат билан кичкина Замирани ардоқлади. Уни кўраркан, қўшиқ айтгиси, шеър битгиси, расм солгиси келарди. Кунларнинг бирида у қизчанинг капалак кетидан югуриб бораётган расмини чизди ҳам.

Ҳаммадан кўра уни китоблар қувонтирар эди. У, ўзига ёқиб қолган шеърларни қайта-қайта ўқир, қалбида уларга жавоб мисралар қўйилиб келарди. Бундай жавоб шеърлардан талайгина ёзиб қўйди, аммо бирор кимсага кўрсатишга ҳали журъат этмас эди.

Ота-онаси сафарда эдилар. Отаси Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланди. Алишерни ўқишини бўлмаслик учун Ҳиротда қолдиришди. Хуросон пойтахтида илмда ўткир устозлар бор эди. Шоҳруҳ замонида тўпланган китобхона эса, жаҳонда энг бой китобхоналардан саналарди.

Султон Абулқосим Бобир боладан шахсан ўзим хабар олиб тураман деб ваъда берган эди. Фиёсиддин Кичкинанинг Ҳиротдаги ҳовлиси ва боғи ҳам муттасил парвариш талаб қиларди. Алишерни ҳам, ҳовли жойни ҳам содиқ Ҳошим бобо ихтиёрида қолдирдилар. Ҳошим бо-

бо бор экан, боладан сира хавотир олинмаса бўларди. Шунга қарамай севикли фарзандини ўйларкан, онанинг юраги эзиларди: онаи зор ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, ўғлига мактуб ва совғалар йўлларди. Шундай мактублардан бири Алишернинг кўнглини айниқса зўр қувончга тўлдирди. Отаси Сабзаворда ўз ғазаллари билан элга танилган шоир Амир Шоҳий билан яқиндан танишганлигини ёзган эди. Алишернинг шеърятга ҳаваси баланд эканини эшитган Амир Шоҳий янгигина ёзиб тугатган бир ғазалини болага юборишни сўрабди.

Алишер жавоб ёзаман деб кечаси алла-паллагача ўтирди. Тонг отганда у савағич қаламни қўлида маҳкам ушлаган ҳолда қўл ёзмага мук тушиб ухларди. Ҳошим бобо боланинг эрталабки ширин уйқусини бузмаслик учун уни қулайроқ ётқизиб қўйишга ҳам уринмади, бироқ бола шу қадар қаттиқ уйқуда эдики, уни ҳатто дераза ёнида қўшиқ айтаётган Замиранинг кўнгироқдек овози ҳам уйғатолмади.

СУЛТОН ҲУСАЙННИНГ ҚАЙТИШИ

Кутилмаганда Самарқанддан, Ҳусайннинг амакивачаси Султон Увайс Абусаидга қарши қўзғолон кўтарибди, деган даҳшатли хабар келди. Дарғазаб бўлган Абусаид Ҳусайн ва унинг ўн уч қариндошини қалъага қамаб қўйибди.

Фирузабегим саройга келди-да, фарёд чекиб, Бобирдан уни Самарқандга юборишни сўрай бошлади.

— Темурнинг чевараси бўла туриб, ўғлимнинг банди қилинмоғига чидаб туролмаймен! Болани нега Самарқандга ташлаб келдингиз?

Фируза Абусаиднинг қудрати ва бойлигига ишониб, ўзи ўғлининг ўша ерда қолишини истаганлигини ҳозир унутган эди, Бобир айюҳаннос солаётган аёлга нафратомуз боқди:

— Илтимосингизнинг амалга ошишига ишонсангиз, Самарқандга бора қолинг. Уруғимизнинг аслзода аёлларига муносиб дабдаба билан жўнатурмен.

— Мен Ҳусайнни қошингизга келтирамен, у яна сизнинг содиқ мулозимингиз бўлур,— деди Фирузабегим тезда ўзига келиб.

Абусаид холаваччасининг илтижоларига қулоқ солди. Ҳусайн озод этилди. Фирузабегим ўғлим ҳеч қачон сизга қарши бош кўтармайди, деб Абусаид олдида қасам ёд қилди.

Ҳусайннинг қайтиши муносабати билан Бобир катта зиёфат берди.

Алишер ва Ҳусайн учрашарканлар, сир бой бермаслик мақсадида ўзларини шод-хуррам кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Айрилиқда ўтган вақт ичида ҳар иккисид ҳам хийла ўзгаришлар юз берган, аммо улар ҳамон бир-бирларига интилардилар. Улар ўртасидаги суҳбат тишдан самимий кўрингани билан аслида бир оз мужмалроқ бўлди. Ҳусайн балоғатга етган, юришлари, овози ва хатти-ҳаракатлари билан ҳарб кишисига ўхшаб кетарди. Алишер эса, ўз ҳисларига чуқурроқ берилгандай, теварак-атрофдагилардан баттар узоқлашгандай туюларди; у ҳатто дўстига янги шеърларини ўқиб беришдан ҳам тортинди. Ҳусайннинг овозида истеҳзо пайқагандай бўлди. Уйчан ва вазмин Алишер ёлғизликни севар, аввалдагидек боғда, қоғоз ва қалам тутган ҳолда соатлаб ўтирарди. Бироқ бу саратон жазирамасида дов-дарахтлар унга нималар шивирлашганини, шилдираган ипак қоғоз саҳифаларига шавқ-завқ билан нималар ёзганини у ҳеч кимга айтмас, ҳатто Ҳусайндан ҳам сир тутарди. Алишер аввалгича дўстликни ҳар қандай туйғудан юксак қўйса-да, ўзининг ёлғизлигидан қувонарди. Бир вақтлар Ҳирот йўлидаги Тафт манзилида Шарафиддин Али Яздий ҳазиллашиб, Алишернинг дафтарчасига: «Майга муккадан кетганларни зинҳор таъна қила кўрманг, негаким қадаҳда дўстнинг сиймоси акс этур», деб ёзиб берганди.

Алишер доно тарихчи билан учрашувини эсларкан, ҳамиша: «Дўстлик туйғуларига лойиқ бўлмоқ лозим, дўстлик қуруқ сўздангина иборат эмаслигини исботламоқ лозим. Дўстлар бир-бирларидан узоқда яшасалар ҳам яқин бўлмоқлари мумкин», деб ўйларди.

Алишер бу ҳақда Султон Ҳусайнга бир неча бор сўзлаган эди, бироқ Ҳусайн бундай фикрлар билан бош қотириб ўтирмасди. У Алишерни самимий севар, у билан бўлса зерикмас, аммо дўстлик туйғулари ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилмасди.

Алишер ўз уйларида бўлган шоирлар ва уларнинг шеърлари ҳақида шу қадар мароқ билан ҳикоя қилардики, кулларнинг бирида Султон Ҳусайн ҳам шеър ёзиш иштиёқи уйғонди. Сабр-тоқатсиз Ҳусайн ҳамма нарсани бир зумда битириб ташлашни севарди. У кечки осмонда дастлабки юлдузлар кўрина бошлаганда газал бошлаб, хуфтонга бормасдан ёзиб тугатди. Газални ҳам кечки юлдузга бағишлади. Алишер шеърни нафислиги учун мақтади, бироқ унда янги фикрлар йўқлигини қайд этди.

Султон Ҳусайн ранжимоди ҳам, жаҳли ҳам чиқмади, фақат лоқайдлик билан деди:

— Қусурн бўлса бордир, нима, мен файласуф бўлармидим? Менимча, шеърият—киши ҳиссиётига лаззат бағишловчи нарса, холос. Менга қаранг, Алишер! Яхшиси, қаламни камонга алмаштирамиз. Кўпдан бери шикорга чиққанамиз йўқ. Ҳозир айни жайрон ов қиладиган пайт. Йигитларни тўплаймиз-да, эртагаёқ йўлга чиқамиз.

О В

Ғата-ғата-ға-ға-ғу-у! Каллаи саҳарлаб, оқимтир осмон тобора мовий тус ола бошлаган паллада карнайлар ғатиллади.

Абулқосим Бобир Ҳусайннинг Алишер билан бирга овга борнш ҳақидаги илтимосига эътироз билдирмади. Бобир бу йигитчага алоҳида меҳр қўйганди. Йигитчадаги ўз кучига ишонч ва қатъият уни мафтун этар, афсуски, бу сифатлардан унинг ўзида йўқ эди. Ҳали қанот чиқармаган Ҳусайн Султонга мустаҳкам таянчдай туюларди. Баъзан у ўз давлатини кенгайтириш, бўлиниб кетган ерларни қайтариб олишни хаёл қиларкан, Ҳусайн сиймосида ўзига садоқат билан хизмат қилувчи баҳодир саркардани тасаввур этарди.

Энди Алишер ҳам давлат хизматиға қабул қилинган эди, шунинг учун овга қатнашишға ижозат олғали шахсан ўзи Абулқосим ҳузуриға келди.

— Эҳе, Ғиёсиддин Кичкинанинг ўғли!— дея қарши олди уни Бобир.— Агар сен ҳам бизнинг хонадонға отангдек садоқат билан хизмат қилсанг, олло-таоло ўз марҳаматидан қуруқ қўймайди. Бора қол, энг семиз жайронни отиб кел.

Султон овчиларга ўзининг севимли шикор бегини* қўшиб жўнатди. Шикор беги — баланд бўйли, бақувват, кўринишдан гоят баджаҳл киши эди. Айтишларига қараганда, ҳатто йўлбарс ҳам унга рўпара келса, қўрқувдан каловлаб қолар, ёввойи фил эса, хартумини қуйи солиб, жойидан жилолмас экан.

Алишер Султон Ҳусайн билан ёнма-ён борарди. Абулқосим Бобир унга бошдан-оёқ ясатиғлиқ яна бир от инъом қилди. От ҳали минишга у қадар ўргатилмаган бўлса-да, Алишер бундан асло қўрқмаслигини таъкидламоқчидай эгарда бамайлихотир ўтирарди. Чехрасида хаёлчанликдан асар ҳам қолмаган. Кўзлари янги тассуротларга зўр чанқоқлик билан ёнади. Бундай катта овда у биринчи марта қатнашаётгани учун катта овларни кўп кўрган Султон Ҳусайнга эҳтиром билан қараб-қараб қўярди. Султон Ҳусайн моҳир овчилардан бўлиб, саройда кўпинча у отиб келган жайрон ва ёввойи ўрдакларнинг барра гўштларидан таомлар тайёрларди.

Овчилар билан бирга келаётган хизматкорлар орасида Ҳошим бобо ҳам бор эди. Алишер бошқаларнинг унга хомийлик қила беришларини ёқтирмас, буни билган Ҳошим бобо унинг кўзига камроқ кўринишга уринар, бироқ ҳамма вақт узоқдан кузатиб борар эди.

Тоғда бир неча кун қолиш мўлжалланганидан улар ўзлари билан чодир, идиш-товоқ ва ҳар хил анжомлар ола борардилар.

Эрталаб азонда куздагидек салқин бўлган эса-да, қуёш чиқиб ёйилгач, ёздагидек кун исиб кетди.

Чўлга чиқиб, дам олиш учун биринчи марта чодир тикканларида кун яримдан оққан, отлар ҳам, одамлар ҳам очикқан эди. Гидамлар тўшалиб, овқат тайёрланар экан, Алишер билан Султон Ҳусайн атрофни томоша қилгани кетишди. Улар одамларнинг ола-товур шовқини эшитилиб турган манзилдан тобора узоқлашиб бордилар. Ёз қуёшининг шафқатсиз нуридан ер бети очик жароҳатдай торс-торс ёрилиб ётарди. У ер-бу ерда пимжон ўт-ўланлар кўзга чалинар, аччиқ эрман ҳиди анқирди.

— Ер сувга ташна,— деди Алишер.— Қани энди ушп

* Шикор беги — подшолар саройида бв кишларини бошқарувчи киши.

қондириб сугорилса; мана бу ўт, янтоқлар ўрнига мўлкўл дон тўкарди.

Аммо Алишернинг сўзлари Ҳусайннинг қулоғига кирмас, у чеккароқдаги алланарсага диққат билан тикилиб турарди.

— Уни қараиг, Алишер, илонми?..

Янтоқлар орасида алланарса жадал ўрмалаб борарди.

— Дарҳол бошини янчмоқ керак!— деди Алишер.— Чўл илонлари заҳарли бўлади..

Бу орада илон биланглаб бориб, бир кавакка кириб кетди.

— Бу ерда тунамоқ хатарли,— деди Алишер хавотирланиб.— Илон кўп бўлса керак..

— Тўхтанг,— деб унинг гапини бўлди Султон Ҳусайн,— менинг хаёлим ҳозир бошқа нарсада: ростки бу ерда илон кўп экан, шу яқин орада хазина бўлмоғи керак. Ривоятларда илон хазина қўриқлайди дейилади, ривоятлар эса, ҳеч қачон алдамайди.

Алишер кулиб юборди.

— Ривоятлар ўша ривоятдаги қаҳрамонларнигина алдамайди. Менимча, бу ердан хазина ахтариш бефойда, илон чақиб олса ажаб эмас.

Султон Ҳусайн қовоғини солди— у шаштини қайтарган кишини ҳуш кўрмасди: бунинг устига Алишернинг овозида истеҳзо акс этарди. Дўстининг одатини яхши билган Алишер у билан айтишиб қолишни истамай, хушчақчақлик билан деди:

— Келинг, қидирсак-қидирибмиз-да, биздан нима кетди. Бу ерларда вайронагарчилик урушлари шу қадар кўп бўлганки, одамлар ўз бойликларини чиндан ҳам ерга кўмган бўлишлари мумкин. У вақтда жуда ёш бўлсам ҳам эс-эс биламан, бир маҳаллар Султон Шоҳруҳ ҳазратлари ўлганларида Ҳиротдан келаётган бизнинг қарвон шу орадан ўтган эди. Кўплар ўз уйлари, туғилиб-ўсган юртларини ташлаб, йиғлаб-йиғлаб мусофир юртлардан бошпана излаб кетган эди.

Қоринлари яхшигина очган йигитчалар манзилга қайта бошлашди. Бирдан қаршиларида қизил бир нуқта кўринди, у ҳилпираб улар сари келарди. Яқинлашгач, бу қизил кўйлак кийган қизча экани маълум бўлди.

— Замира!— деб қичқирди Алишер.— Ҳа, синглим? Қаердан келиб қолдинг?

Замира Алишер томон тобора тез югуриб келарди. Бирдан у тўхтаб, ўт узаётгандай ерга энгашди, кейин сапчиб ўзини орқага ташлади-да, қаттиқ қичқириб юборди. Қизчага бирор нарса бўлганини пайқаган Алишер бор кучи билан унга қараб югурди.

Оғриқдан афти-башараси буришиб кетган Замира ўнг қўлини баланд кўтариб силкирдан:

— Оғрияпти, вой, оғрияпти, илон..!— деб қичқирарди.

Алишер қизчанинг устига энгашиб, ўнг қўлининг бош бармоғи мўматалоқ бўлиб шишиб кетганини кўрди ва дарҳол бор кучи билан қонини сўра бошлади. Йўлбарс зўр бериб вовиллаб, улар атрофида айланарди. Ҳадемай Султон Ҳусайн ҳам етиб келиб, хайрат билан дўстига боқди.

«Бу қиз бизнинг манзилга қаердан келди? Алишер уни қаердан танийди? Нима учун у қизчанинг бармоғини сўрмоқда?»

Султон Ҳусайн ҳайрон бўлди, чеҳрасида енгилгина истеҳзоли табассум акс этди, бироқ қизиқсиниш ҳар нарсадан устун чиқди. Султон улар олдида туриб қолди.

— Ана, энди бўлар,— деди ниҳоят Алишер.

У Замиранинг этагидан энсизгина қилиб, бир парча латта йиртиб олди-да, бармоғини юқорисидан маҳкам бўғиб боғлади. Бармоқ баттар кўкариб кетди, учидан бир томчи қон чиқди.

— Менимча, энди зарар қилмаса керак. Қон билан илоннинг заҳри ҳам чиқиб кетди.

Қизча энди йиғламас, фақат билинар-билинемас қалтирарди.

— Ўзи нима гап?— сўради Султон Ҳусайн.

— Илон чақиб олибди, мен дарҳол чаққан ерининг қонини сўриб ташладим. Менимча, у энди фалокатдан қутулди. Замира, сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

Қизчанинг ёшдан хиралашган кўзлари жонланди:

— Бобом ойингга олиб бораман деб бирга олиб келаятувдилар.

Ит энди ҳурмас, қаттиққўл, аммо севимли бекасини хавфдан қутқарган Алишерга кўзларини тикканча турарди.

Султон Ҳусайн бўлса, ҳаяжонланиб:

— Ана, кўрдингизми, бу ерда ҳам илон бор экан! Балки бу худди ҳалиги илондир. Шу орага албатта хазина кўмилган,— деди.

Вақт намозасрга яқинлашиб қолганди. Гулханда тайёрланаётган таомлар иси димоққа урилди. Йигитчалар манзилга ошиқишди. Алишер Замирани қўлидан етаклаб борар, Султон Ҳусайн эса, қизчага қайрилиб ҳам қарамасди. Гидамлар устига ёзилган дастурхонлардаги анво турли таомлар овчиларга махтал эди. Ҳошим бобо даштдан Алишерни чақириб келиш учун энди отга минган ҳам эди, Алишернинг ўзи кўриниб қолди. Енида йиғлаб, Замира келарди. Қизчанинг бармоғига яна оғриқ кирди, унинг аъзойи бадани қалтирар, кўз олди қоронғилашиб борарди.

— Оҳ, пешонамининг шўри қурсин!— деб қичқирди Ҳошим бобо, қизчани илон чақиб олганини эшитиб, сўнг Султон Ҳусайнга мурожаат қилди:— тақсир, ижозат берсангиз, табиб келиб фалокатнинг олдини олса.

Овчилар билан бирга бораётган табиб қизчанинг кўлини келиб кўрди.

— Кўлингни чаққан илоннинг рангги қанақа эди?

Замира эслолмади. Кўрқув ва оғриқнинг зўридан қизча ҳушидан кетаёзган эди. Табиб секин Ҳошим бобога:

— Кесиб ташлаш лозим...— деди.

— Нима? Бармоғини-я?— қайғу-аламдан ўзини билмай қичқириб юборди Ҳошим бобо.

— Йўқ, ҳозирча бир бўғинини. Лекин тезлик билан кесмоқ зарур. Катта пичоқни келтиринг.

— Оҳ, пешонам қурсин менинг, пешонам!— деб гўлдиради Ҳошим бобо, набирасини қўрқитиб юбормасликка тиришиб.

Қизчага дуд ва дашт ҳиди анқиб турган тахир дори ичиришди, у ҳушидан кетди.

Табиб бир зумда ўз ишини бажарди. Замира дод деб қичқирди-ю, яна ҳушидан кетди. Кўлини маҳкам боғлаб, қонни тўхтатишди, жароҳатга шифоли ўтлар қўйишди. Қизча кўзини очганда, оғриқни деярли сезмасди. Унга яна дори ичириб, ухлатиб қўйишди. Аста-секин иссиғи тушди. Табиб, хатар ўтди, деди. Лекин қизча қувватга киргунча бир неча кун ётиши керак эди.

Ҳошим бобо уни қишлоққа олиб бориб қўяжagini

айтди. Қизчанинг онаси овчилар йўлидаги бир қишлоқда турар, бобо Замирани шунинг учун бирга олиб келаётган экан. Замира оиланинг арзандаси эди, қашшоқликдан боши чиқмаган оила лоқақал Замира муҳтожлик кўрмай ўссин деб уни Ҳошим бобо олдига юборган эди.

Юлдузлар билан қопланган осмон чўл тепасига улкан қора чодирини ёзди. Чия бўрилар увлашарди. Бу увлаш Алишерга баъзан Замиранинг йиғисидай туюларди. У қаттиқ хавотирланар, сингисининг ҳаёти хавф остида қолганини ўйларкан, ичини ит тирнарди. «Ёш болани бирга олиб келиб нима қиларди-я. Ҳошим бобо!»— деб ўйларди Алишер. Бироқ у кекса хизматкорга ҳеч нарса демади, чунки бобо бусиз ҳам дилгир эди.

Султон Ҳусайннинг эса, аксинча, кайфи чоғ эди. Мириқиб овқатланганларидан сўнг кимдир маҳорат билан рубоб чалди, кейин булбул ноласидек най овози янгради. Навбат танбурга келди. Узоқ ўтириб оёқлари увишиб қолган йигитлар ўйинга туша кетдилар.

Кечқурун шикорбеклари ов қилинадиган ерни кўриб қайтишди. Улар жайронлар изини топган эдилар: тонг отиши билан бир оз жанубга юриб, овни бошлай бериш мумкин.

— Ҳазрат султон олдиларида жайронлар серкасини отиб келаман деб онт ичганман, отиб бораман ҳам!— деди керилиб Султон Ҳусайн.

Я ҳайқирар, гулхандан-гулханга ўтар, йигитларни жони-ҳолига қўймай беллашар, улар билан қурол кўтариб чопишар эди. Ниҳоят чарчаб, гулхан оловига хаёлчан тикилиб ўтирган Алишер ёнига келиб чўкди.

— Олов ёнига ўтириб олиб, жинлар билан суҳбат қурыпсизми?— Истеҳзо билан сўради Султон Ҳусайн.— Чўл илонлари кўриқлаётган хазина қаерга кўмилган экан? Қидирайлик десам унамадингиз, эҳтимол топиб олармидик.

— Бир йўла икки ишни қилмоқ мумкин эмас,— деди Алишер ўйчан.— Биз ов қилгани келганмиз, хазина қидирсак айланишиб қоламиз. Бир китобда ўқиб эдим. аллақайси шоҳ овга қизиқиб кетиб, ўзининг саркардалик бурчини унутиб қўйган ва душман қўлига асир тушиб қолган экан. Ақл билан идрок эҳтиросдан устуи турмоғи лозим.

Султон Ҳусайн чунонам қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулдики, бир неча киши қизиқсиниб, улар олдига йиғилиб келди.

— Ўзи нима гап?

— Ҳеч гап йўқ,— деб жавоб берди Султон Ҳусайн ҳамон кулар экан.— Ёш дўстим ўз фикрларини панд-насиҳат пардасига ўраб, менга таълим бераптилар.

Яқин келганлар орасида Абдукарим деган бир олим ҳам бор эди. У қўлидан ҳар иш келадиган, қобилиятли киши бўлиб, шеър ёзар, ҳар хил созлар чалар, шу билан бирга зўр ишқивоз овчи ҳам эди. Ҳаммадан ҳам у лочин овини севар, ўзи беш юздан ортиқ қушни овга ўргатган эди.

Бир вақтлари Алишер ва Султон Ҳусайннинг мураббийси бўлган Абдукарим ёшларни жуда севар, улар билан бажонидил суҳбатлар қуради. Мана ҳозир ҳам, йигитчалар ўрниларидан туриб, иззат-икром билан қарши олишгач, у гиламга ўтирди-да, ёшларни ёнига таклиф қилди.

У буюк шоирларнинг асарларидаги ов тасвирларини алоҳида завқ билан ўқир, овчилар ҳаётидан кўп ҳодисаларни биларди.

— Сиз билан биз ҳозир зулмат диёрига тобора ичкари кириб бормоқдамиз,— деб гап бошлади Абдукарим,— бироқ эртаги лаззатлар ҳаёли барибир ҳеч кимга уйқу бермайди. Келинлар, ҳикоя айтишиб вақтни қисқартайлик.

Алишер жоиланди. Ҳусайн одоб билан қулоқ осди.

— Гап каттадан. Сиз бошланг,— деди у, Абдукаримга мурожаат қилиб.

— Мен моҳир овчи Баҳромшоҳни хотиригизга солмоқчиман. Шоҳ шунингдек яхши ашулаларни ҳам севарди. Бутун бўш вақти ов қилиш ва кўшиқ тинглаш билан ўтарди. Шоҳнинг қуллари ичида Озода исмли бир чўриси бўларди. У шу қадар нафис куйлардики, ҳатто булбуллар ҳам лол қолардилар. Баҳром Озодадан сира ажралмасди; сафарда ҳам, овда ҳам доим бирга олиб юрарди. Кунларнинг бирида ов қилар экан, Баҳром ўқ-ёй ётишда ўз маҳоратини намойиш қилиш учун икки учли ўқ билан серка жайронинг иккала шохини узиб туширади; урғочи жайроннинг бошига эса бамсоли иккита шох ўсиб чиққандай қилиб,

икки ўқ қадайд; учинчи жайронни эса жуда аломат қилиб қулатади...

Абдукарим алланарсага қулоқ солгандай бир оз сукут қилди; чия бўриларнинг гўдак йиғисига ўхшаш увлаши ва бойқушларнинг қийқириши энди жуда яқиндан эшитиларди.

— Хўш, кейин нима бўлди?— деб сўради Султон Хусайн сабрсизлик билан.

— Фирдавсийни ўқимоқ керак,— деди Алишер на-сиҳатомуз.

— Тўғри,— деди Абдукарим, бир вақтлар ўзи уларга «Шоҳнома»даги бу ҳикояни ўқишга тавсия қилганини эслаб.— Алишер, балки бу ёғини сиз айтиб берарсиз?

Алишернинг ёноқлари мамнуниятдан қизариб кетганини гулхан ёруғида кўриш қийин эди.

— Айтиб бермоғим мумкин,— деди у, ҳаяжондан бир оз энтикиб.

Султон Хусайн тоқатсизлик билан елкаларини сал учирди-ю, аммо ўрнидан қўзғалмади: у кейин нима бўлганини билишга ошиқарди.

— Шоҳ Баҳром учинчи жайроннинг оёғини бир ўқ билан қулоғига биркитди.

— Тасанно!— деди Султон Хусайн.— Хўш, гўзал ашулачи нима дебди?

— Шоҳнинг маҳоратига таҳсин айтиш ўрнига жайроннинг ҳолига ачинибди. Шоҳ беодоблик қилгани учун Озодани отнинг туёқлари остига ташлаб, мажақлаб юборибди.

— Боплабди! Эркакнинг раъйига қарши чиққан ҳар бир аёлни шундай қилмоқ даркор! Тағин кимга денг — шоҳга-я!

— Менимча,— деди Алишер жиддий,— бундай ҳушовоз қўшиқчи ва юмшоқ кўнгил аёлни ўлдирмаслик лозим эди.

Абдукарим мунозарани бўлди:

— Бундай қисса Низомийда ҳам бор. Лекин унда қўшиқчининг номи Фитна. У шоҳнинг маҳоратини кўриб ажабланмайди, балки ҳар бир ишда кўп машқ қилган одам албатта муваффақиятга эришади, дейди... Энди овда ўз бошимдан кечган бир воқияни ҳикоя қилиб бераман...

Ҳикоя ва хотиралар айтиш билан вақт ўтиб борди.

Ниҳоят Абдукарим чарчаб, ўз чодирига йўл олди. Алишер ва Султон Ҳусайн ҳам кириб ётишди.

Ов бутун тартиб-қондаси билан бошланди. Овчиларнинг асосий вазифаси жайронлар ёнига мумкин қадар сездирмасдан яқинлашиш эди. Сезгир ва ҳуркак жайронлар хатарни пайқаши биланноқ шамолдек учиб, бир зумда гойиб бўлардилар.

Овчилар жой-жойларига тарқалишди; улар бир-бирларидан хийли узоқ туришар, аммо уларни эгри чизиқ билан бирлаштирилса, расман давра ҳосил бўларди. Аста-секин баъзилар иккинчи ички тор давра ҳосил қилиш учун катта даврадан елдинга ўта бошлашди. Дастлаб улар оҳиста юришди, кейин узоқда, тоғ этакларида қорайиб жайронлар подаси кўрингач, отларининг бошини қўйиб юборишди.

Қути ўчган жониворлар тоғ сўқмоғи бўйлаб қушдай учиб қоча кетди. Бироқ от милиб олган Султон Ҳусайн улар йўлидаги пистирмада яшириниб турарди. У жайронлар йўлини кесиб чиқди, жайронлар яна даштга бурилишди, аммо дашт томондан ҳам уларни овчилар ўраб келарди.

Алишер биринчи сафда эди. У эгарда қуйиб қўйгандай ўтирар, хаёлчанлиги эрталабки шабада билан бирга учган эди. Лозим бўлган дақиқада жадал ҳаракат қилиш учун унинг бутун вужуди кўз ва қулоққа айланган, қўлларини камон ва ўқга кўникмаган эса-да, ҳозир уларни шавқ билан, маҳкам тутиб борарди.

Рўпарасидан елиб келаётган Султон Ҳусайнни кўргач, Алишер отни унга томон сурди. Султон Ҳусайн ҳаяжондан энтикиб:

— Ҳайдаб келинган жониворни отишнинг инма қизиги бор?— деб қичқирди.— Уни мана шундай, қочиб кетмоқчи бўлиб, ўқдай учиб бораётган ерида отиш керак. Алишер, ҳў анови жайронни кўряписизми? Ҳозир мен уни олдинги икки оёғидан отаман.

Султон Ҳусайн жайронни нишонга олиб, ўқ узди.

Алишер таажжубдан ҳанг-манг бўлиб қолди. Жайрон бир лаҳза таққа тўхтади, кейин олдинги оёқлари букилиб, мук тушди-да, тўлғана бошлади. Алишернинг эса бирдан дўстининг жигига теккиси келиб қолди, у Низомийнинг «Ҳафти пайкар» достонидаги Фитна сингари:

— Бунинг танг қоладиган ери йўқ, ҳазратлари камон отишни озмунча машқ қилганмилар,— деди.

Султон Ҳусайн истеҳзо билан жилмайди. Бироқ Алишер унинг қиёфасидаги ҳар бир ўзгаришни биларди: Султон Ҳусайн кулги билан ғазабини босди, холоҳ. Алишернинг шўхлиги қўзиб, гапида давом этди:

— Умид қиламенки, ҳазратлари Баҳром шоҳга ўхшаш мени саҳрога ташлаб кетмаслар?..

Султон Ҳусайннинг кўзлари Алишерга ништардек қадалди:

— Ана шундай дағаллик қила берсалар бир кунмас, бир кун ташлаб кетишдан ҳам тоймаймен.

У шундай деди-ю, овга қизиқиб кетиб, айтганларини ўша заҳоти унутди.

Бу орада овчилар дастлабки отилган жониворни тантана билан қуршаб олишди. Жайронлар даштда ўзларини ҳар ёққа уриб кўришди, кейин бир-бирларининг пинжига суқилиб, гуж бўлиб олишди, бу эси уларнинг ҳалокатини тезлаштирди.

Абдукарим овни ишонч билан бошқарар, унинг йўғон овози чўлнинг гоҳ у чеккасидан, гоҳ бу чеккасидан эшитиларди.

Қуёш тиккага кўтарилган сари қаттиқроқ қиздирапидай, кўпчиликнинг кайфиятига берилган Алишер ҳам ов қизиган сари қизиқиб борарди. У ов суронига араллашиб, гоҳ отини елдек учирай, гоҳ таққа тўхтаатарди; унинг тўхтаганини кўрган жайрон ҳам тўхтарди. Бир неча бор шундай қилгач, ниҳоят Алишер бир жайронни қувиб етди. Отайми, йўқми деб ўйлашга улгурмасданоқ, қўлидаги камондан ўқ учиб кетди. Жайрон йиқилди. У ўқ еган эди.

— Бу сизнинг ўлжангиз!— деб қичқирди ноғиҳон Алишер ёнида пайдо бўлиб қолган Султон Ҳусайн.

Ҳадемай ҳолдан тойган жайронларнинг ҳаммаси қуршаб олиб отилди. Фақат битта ёшгина урғочи жайрон тепаликнинг нариги тарафига қочиб қутулди. Унинг ортидан ҳеч ким қувмади, усиз ҳам ўлжа етарли эди. Энг яхши жайронлар султонга деб ажратилди, қолганларини шу ернинг ўзидаёқ сўйиб едилар. Эртасига овчилар қоринни роса тўйғазиб олиб, орқага қайтдилар. Замирани қолдириб кетишган қишлоқ, йўл ёқасида эди.

Шу қишлоқда дам олгани кўнишди. Алишер Ҳошим бобо билан бирга Замираларниқига борди. Уларнинг

қашшоқлигини кўриб, юраги эзилиб кетди. Пастаккина уйнинг шарти кетиб парти қолганди. Замира ифлос бир пўстак устида ётар, ёнида кексагина бир хотин ил йигириб ўтирарди. Бу Замиранинг бувиси экан. Бошқалар ҳаммаси далада эканлар.

Замира рангги кетган, озган эса-да, кўзлари қувонч билан чақнарди.

— Гамхўр аканг Алишерга раҳмат дегин,— деб тантана билан гап бошлади Ҳошим бобо.

Бироқ Алишер имо билан уни тўхтатди.

— Йўлбарс сени кўрса жуда қувонади-да! Ҳошим бобо, Замирани тезроқ олиб чиқинг. Мана бу холамларга эса, мен отган жайронни келтириб беринг, мен уни султонга ваъда қилган эдим, бироқ ўлжамиз усиз ҳам етиб-ортади, буларга эса у жуда асқотади.

Кампир бошини кўтарди. У юзини рўмол билан тўсиб олганди. Ешланиб турган кўзларини Алишерга тикди:

— Олло таоло мартабангизни улуғ қилсин, болам! Худога шукур, ҳаммамиз соғ-саломатмиз, тенг шерикликка бўлса ҳам ишлаб ётибмиз. Тўғри, уйимиз эски, томимиз сувалмаган, ёмғир ёққудай бўлса уйимизда ўрдак сузади. Ҳечқиси йўқ, қишгача ё олло, ё насиб.

Алишер белбоғига осиглиқ ҳамёнини қоқиштириб, бир неча танга топди-да:

— Мана бунинг олинг, онажон,— дея кампирнинг олдига қўйди. Кампир дарҳол пулни ердан олди.

— Иқболинг баланд, мартабанг улуғ бўлсин, болам!

Ҳошим бобо Замирани кўтариб олди. Кампир певарасини қайтиб кўрмайдигандай ҳўнграб йиғлай бошлади; яна тугилиб ўсган уйдан узоққа кетаётганини пайқаган қизча ҳам кўз ёши қилди.

Кўчада овчиларни увадаларга беланган оч-яланғоч болалар қўраб олишди. Улар Замирага ҳавас билан боқишарди. Алишер бор-йўгинч болаларга улашиб берди. Қишлоқдан чиқиб жўнашаркан у анча вақтгача отлиқлар кўтарган чанг тўзонини ортида кўздан ғойиб бўлаётган пастак-пастак хароба кулбаларга қараб-қараб борди. Оч-яланғоч болалар тиланишиб, улар кетидан яна анча ергача эргашиб келишди.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Ҳиротга яқин қишлоқлардан биридаги оддийгина кулбада улуғ шоир Лутфий истиқомат қиларди.

Тўқсон ёшли мўйсафид ўзининг узоқ умри давомида фалак гардишининг бевафолигини кўп кўрган эди: у Темурнинг ҳашамати ва шафқатсизлиги, бошқа турли шоҳ ва амирлар тахтга келиши ва инқирозга юз тутишига шоҳид бўлди, ҳокимларнинг маккорлигини кузатди.

У бутунлай ижодга берилиш учун шовқин-суронли сарой ҳаётидан кўримсизгина кулбасининг осуда қучоғига чекилган эди. Лутфий тарихчи Шарафиддин Али Яздий томонидан битилган Темур ҳаётига оид катта асарни назмга кўчириш учун анча вақтини сарфлади.

У айниқса ғазаллари билан машҳур эди. Лутфийнинг ғазаллари оғиздан-оғизга кўчиб юрар, Алишер улардан кўпини биларди. Лутфийнинг маҳоратига қўйил қолган ёш Алишер у билан учрашишни орзу қиларди. Қунларнинг бирида ана шу орзу ушалди.

Алишернинг истеъдоди ҳақидаги овозалар Ҳиротда кўпларнинг қулоғига етганди. Ундан Лутфий ҳам хабар топди. Ёлғизликда умр ўтказишига қарамай, у аҳён-аҳёнда султон саройида ҳам бўлар, саройда уни иззатикром билан қарши олишарди.

Бу сафар келишининг асосий боиси ёш шоирни кўрмоқ истаги эди.

Алишер улуғ шоир билан кўришар экан, ҳаяжондан ранги оқариб кетди. Лутфий унинг чеҳрасига меҳр билан тикилиб:

— Шеър битишингизни билурмен, ўғлон. Бирортасини ўқиб берсангиз,— деди.

Алишер қизариб, дўриллаган овоз билан муҳаббат ҳақидаги бир ғазалини ўқий бошлади.

Оразин ёпғоч кўзимдин сочплур ҳар лаҳза ёш,
Бўйла ким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш.

Ғазалдаги ўхшатиш ва образлар шу қадар янги, вази шу қадар оҳангдор эдики, кекса Лутфийнинг кўзлари чақнаб кетди; у ғазални завқ билан, бошини

аста тебратиб ўтириб тинглади, кейин Алишерни бағрига босиб, қизгин хитоб қилди:

— Қасам тангригаким, имкон бўлса, мен ўзимнинг форсий ва туркийда битган ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмашар эдим ҳам ўзимни бахтиёр ҳис этар эдим! Баракалло, ўғлим, ўз она тилингизда шеър битишингиз бағоят мақбул! Туркий тилида ёзганим учун мени неча-неча мартабалар камситдилар. Қора халқ тилида шеър битасен деб мазақ қилиб кулдилар. Лекин мен меҳнатларимга ачинмаймен. Биздан олдин ўтган мавлоно Хоразмий* туркийда битган шеърлари билан донг таратди. Мен ҳам шу тплда ҳоли қудрат ижод этдим, энди сиз буни давом эттиргусисиз.

Алишер ихлос билан Лутфийнинг қўлларини пешонаси ва юзига суртди, шоир тагин уни ўз фарзандидек бағрига босди. Кекса шоир билан бўлган бу учрашув Алишернинг қалбида бир умрга ўчмас из қолдирди. Ушандан бери у ўз она тилида шеърлар яратиш ҳақида ўйларди.

* * *

Алишер Лутфийни яна қайтиб кўролмади. Кекса шоир кун сайин дармондан кетиб борарди.

Саройга келиб кетгач, кўп ўтмай Лутфий ётиб қолди. Аммо тўшакда ётиб ҳам у ижод этишдан тўхтамади. Энг яқин дўстлари ва шогирдлари шоир ўз умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам қоғоз ва қалам сўраб, мадорсиз қўллари билан шеър битганини айтишади. Ушанда дастлабки байтни битгач, қалами қўлидан тушиб кетади, лаблари қимирлайди: у бирор кимсанинг энгашиб, қулоқ беришини сўрайди. Шогирдларидан бири қулогини жон талвасасида ётган шоирнинг оғзига тутадн ва униинг шивирлаб:

— Кўзларимнинг нури сўнмоқда. Зулмат дунёсига сафар яқинлашур. Ушбу ғазални... Жомий тугалла-

* Хоразмий — туркий тилида биринчи бор ижод этган шоирлардан бири: XIII асрда яшаган. «Муҳаббатнома» асарини билан машҳур.

син... хам ўз девонига киритсин,— деганини эши-тади.

Лутфийнинг дўсти, ўша даврдаёқ элга танилиб қолган шоир Абдурахмон Жомий титроқ қўллари билан ғазалнинг дастлабки байти битилган қоғозни олади-да, жон бераётган шоир устига эгилиб:

— Муҳтарам зот ва улуғ шоирнинг илтимоси унинг дўстлари учун қонундир. Албатта бажо келтирур-мен,— дейди.

Лутфий уйқуга кўз юмгандай, тинчгина жон беради.

Дўстлар шоирнинг васиятнини адо этиб, уни ўз боғига кўмдилар. Қабр устига атир гул экдилар, унга келиб қўнган булбул севги ҳақида куйларкан, ўз навоси билан гул остидаги тупроқ қаърида ётган кимсанинг ҳуш-оҳанг ғазалларини эслатарди.

* * *

Кузга келиб Султон Абулқосим Бобир сарой аёнла-рига вақтинча Машҳадга бориб туражагини маълум қилди. У тинч ҳаёт кечирмоқчи эди. Бу вақтга келиб мамлакатда осойишталик қарор топган, Бобир Абусаид билан ярашган, Абусаид ҳатто унга Улуғбекнинг астро-номик жадвалини совға қилиб юборган эди.

Бобирни Машҳадга узатиб борган яқин кишилари орасида Алишер билан Султон Ҳусайн ҳам бор эдилар. Машҳадда Алишер бутун вужуди билан ўқишга берил-ди. Уни айниқса астрономик жадваллар қизиқтирарди. Қаршисида осмон юзини очди, у осмоннинг сир-асрори-ни ўқишга ўрганди ва бу фанни умрбод севиб қолди. У Ҳусайн билан тез-тез учрашар, бироқ улар ўзларини бир-бирларини кўрмаганликка солардилар. Ҳусайн са-ройдаги базмларга муккасидан кетган эди. Алишер эса, асосан ўқир ва шеърлар ёзарди.

Юз берган муҳим бир воқиа уларни яна бир-бирига яқинлаштирди. Абулқосим Бобир қора безгак бўлиб ётиб қолди, охири бу касал Хуросон ҳукмдорини қабр-га элтди.

Саройда бебошлик авж олди. Султоннинг яқинлари орасида унинг ўрнини эгаллайдиган бирор қудратли кимса йўқ эди. Низо ва ўзаро урушлар давлатни яна парчалаб юбориши аниқ эди.

Х А Й Р Л А Ш У В

Бобирни дафн этганларидан сўнг Алишер билан Хусайн кечаси аллавақтгача гаплашиб ўтиришди. Бу улар ҳаётида энг дўстона учрашув эди. Суҳбат чоғида айтилган ҳар бир сўз икковининг ҳам хотирида абадий сақланиб қолди.

— Бугун биргамиз, эртага эса мен узоқларда бўламен,— деди Хусайн.

— Машҳаддан кетмоққа қатъий қарор қилдингизми?

— Ҳа! Бу ерда қиладиган ишим йўқ.

— Яъни мен. . .

— Ҳа, сиз бу ерда ўқишингиз, юртнинг тинчишини кутишингиз мумкин, мен эса ҳаракат қилмоғим керак!

Липиллаб ёнаётган шам уларнинг чеҳрасини ёритиб турарди. Хусайннинг ништардай ўткир кўзлари билан Алишернинг ўйчан кўзлари бот-бот тўқнашиб қоларди. Йигитчалар ёстиққа суяниб ўтиришар, олдиларидаги қўй ёғига пишириб келинган қатлама совиб қолганди. Овқатга қўл уришмади, аммо Хусайн май тўла каттақон қадаҳни дамба-дам оғзига олиб борарди.

— Қай тарафларга йўл тутмоқчисиз, кимлар билан?

— Машҳадга кела туриб Жомда қўниб ўтганимиз эсингиздадир. Ана шу шаҳар Марв ва Макон билан бирга Мирзо Санжарга теккан эди. У ернинг халқи тартибдан норози, бироқ Санжар кучли; маҳрум султони-миз унга хомийлик қилардилар. Бунинг устига унинг улуғ Санжар* деган номи бор, у бу номнинг бундан уч аср муқаддам ўчиб кетган шон-шуҳратини тиклашга уринмоқда. Камтарлик либосини кийиб, ҳеч қандай даъвоси йўқ кишидай қошига борсам, ёмон қарши олмас.

— Хатарли иш бошляяписиз,— деди Алишер.

— Ҳали нима бўлишини билмаймен. Шунчаки тева-рак-атрофдаги ишлардан огоҳ бўлиб, бирор қудратли ҳукмдорга яқин туриш даркор, дейман.

* Санжар (1086—1157) — салжуқийлар сулоласидан бўлган султон.

— Афсус, минг афсус; Хуросонга, фан ва санъат, илм ва маърифат гуллаб яшнаши лозим бўлган севикли шаҳримиз Ҳиротга ачинамен. Элга қудратли ва адолатли шоҳ керак, шундагина халойиқ озод ва тўқ яшайди.

Ҳусайн Алишерга диққат билан, жиддий назар солди. Шунда у тасодифан дўстининг улғайиб қолганини англади; Алишернинг кўзларида чуқур фикр акс этар, лаблари юрак сўзларини изҳор қилган кишиникидай қимтиниб турарди.

Узоқ сукутдан сўнг Ҳусайн гап бошлади.

— Биламен, йўлимда ҳисобсиз тўсиқлар учрагай. Огир синовлардан ўтмоғим лозим бўлур. Аммо мени шон-шуҳрат ва тахт кутмоқда. Қўл қовуштириб ўтирган билан бир нимага эришиб бўлмайди. Фурсат ғанимат. Энди мен ёш бола эмас, эр йигитмен.

Унинг овозида кибр-ҳаво акс этарди. Алишер қўл ишораси билан уни тўхтатди:

— Икки дўст — Муқбил ва Мудбир қиссасини хотирланг. Бир илмга етишишни орзу қилади, иккинчиси вақтичоғлик ва дилиҳушликни ўйлайди. Улар ажралишади: Муқбил дарвишлар қошига, Мудбир майхонага йўл олади. Муқбил барча фанларни эгаллаб, олим бўлиб етишади, шоҳ уни инъомларга кўмиб юборади. Мудбир эса, кечаю кундуз майхўрлик қилавериб бошдан-оёқ шишиб кетади. Кунлардан бир кун бир кимса уни исқирт деб атайди, Мудбир уни кайф ичида уриб ўлдиради. Бунинг учун Мудбирни қатл этишади, Муқбил эса, узоқ умр кўради, унинг меҳнати туфайли илм-фан равноқ топади.

Ҳусайн қовоғини солди.

— Бу билан нима демоқчисиз? Мана бунга ишора қилиясизми?— у ижирғаниб май тўла қадаҳни кўрсатди.— Аммо сиз менинг ичган билан маст бўлмаслигимни биласиз-ку.

— Дўстим Ҳусайн, мен фақат бу тўғридагина эмас, йўқ, умуман инсонни ҳақиқий ишлардан узоқлаштирадиган нарсалар ҳақида гапиряпмен.

Деразадан елиб кирган шабада шамни ўчирди. Хонага зулмат чўкди, шунда улар журъат этиб, ёруғда бир-бирларига айтолмайдиган гапларни айтдилар.

— Ҳеч қачон бир-биримизга хиёнат қилмаймиз,— деди Ҳусайн.— Қаерда бўлмай, сизга хабар қилғумдир.


Кимгаки иқбол олдин кулиб боқса, дўстини ёнига ча-
қириб олгай!

— Албатта!— деб жавоб берди Алишер қатъий
қилиб.

У қоронғида Ҳусайннинг қўлини излаб топди-да,
бир лаҳза уни манглайига босди.



Иккинчи қисм



ЙИГИТЛИК ЧОҒЛАРИ

*Улармен то етармен мақсадимга, ёнмоқ имкон йуқ,
Бадам зағфи била йўл шиддатидин гарчи толғаймен.*

Навоий. Ғазалларда.



АЛИШЕР МАШҲАДДА

Кўм-кўк осмон кишининг баҳри-дилини очади. Баҳор айни гуллаган пайт. Кечалари ҳали рутубатли, совуқ бўлсада, кундузлари қуёш намни ташналик билан сўради; унинг ёрқин нурлари гунчалардан гул очади, майсаларни қулоғидан тортқилайди. Баҳор фасли нақадар инжиқ; кундузи пессиқдан тананг яйрагани билан, кечаси совуқдан дийдираб чиқасан киши. Айниқса камбағал бечораларга қийин. Алишер эрталаб кўримсиз ҳужрасидан чиқар экан, ана шуни ўйларди.

Бобирнинг яқин кишиси бўлгани учун Алишер камкўстсиз, беташвиш яшарди; ўз ҳомийсидан ажрагач, унинг ҳаётида беқиёс ўзгаришлар юз берди. Уруш Хурсонни яна ларзага солди, бироқ Машҳад бу урушлардан четда эди. Мамлакатда Абусаид ҳукмронлик қиларди. Қаердадир узоқларда Султон Ҳусайннинг шон-шуҳратга эришнш йўлида қилич ўйнатаётгани ҳақида олашовур овозалар тарқалмоқда эди. Алишер бошқа йўлни танлади. У Машҳадда шон-шуҳрат, мол-дунё ташвишини чекмай, ўзаро урушлардан узоқда яшар, ёлғиз ўқиш ва ижоднигина ўйларди.

Кунлар бир-бирига ўхшаб ўтар, агар Алишердан Хусайн билан қачон хайрлашгани, қачон ҳашамдор қасрни тарк этиб, муқаддас қабр яқинидаги бу кўримсиз ҳужрага кўчиб ўтганини сўралса, «кеча» деб жавоб берган бўларди. Алишернинг қуюнли воқиаларда иштирок этган отаси чопар кетидан чопар юбориб, уни Ҳиротга чорлар, муносиб лавозим ва мавқе ваъда қиларди. Алишер ҳали бунга фурсат етгани йўқ, ўқишни тугатмоғим даркор, деб одоб билан рад жавобини йўлларди. У отасига турмушим яхши деб ёзар, мактублари бошдан-охиргача фарзандлик садоқати туйғулари билан тўла бўларди.

У кўплаб шеър ёзар, бироқ уларни яқин дўстлари ўртасидагина ўқирди. Алишернинг дўстлари унинг ўзига ўхшаш билим кетига тушган юпун, камтар толиби илмлар эди. У Бобир саройидаги эски танишларига кўришмасликка ҳаракат қилар, бирор кимсанинг ўзига хомийлик қилишини истамасди. Гарчи Алишер донг таратиш ва шуҳрат қозонишни ўйламаса-да, шеърлари ғоят яхши бўлгани ва осонгина хотирда қолганидан, кўпчилик машҳадликлар унинг шеърларини ёддан такрорлаб юрар, аммо шоирнинг ким эканини билмасди.

Кўпинча унинг бир кунлик озиги бир сиқим ёнғоқ мағиз ва суви қочган кулчадан иборат бўларди. Алишер бўйига чўзилиб, бир оз озди. Юпун камзули келишган қоматига ёпишиб турар, қора кўзлари ўйчан ва маъноли боқарди. Бироқ баъзан у кўзлари чақнаб, теварак-атрофига ўткир назар ташларди: қаландар ҳам, бўшанг харидорнинг кўзини шамғалат қилиб, тарозидаи ураётган мевафуруш ҳам, менга тузукроқ қаранг, дегандек эпчил қўллари билан бошидаги епинчигини ноз билан елпитган сарвқомад қиз ҳам Алишернинг назаридан қочмасди. Баҳор ёмғири ювиб ўтган бугунги тонгда ҳам шундай бўлди. Алишер мадрасада таҳсил бошлангунча бозордан бир товоқ қатиқ билан нон олиб келишга ошиқарди.

Қурбон ҳайитнинг биринчи куни. Ҳар бир ўзига тўқ хонадонда қурбонлиққа қўй ёки қўзи сўйилар, бойроқлар эса, от сўйиб қурбонлик қиларди. Қўни-қўшни, ўтган-кетганлар ва зиёратчиларга турли нози-неъматлар улашиларди. Қурбонда айтилишича, қурбон ҳайитида қўй ёки от сўйиб қурбонлик қилган киши ўлгач, тўппа-тўғри жаннатга борар экан. Тўғри, бунинг учун дўзах устига қурилган пулсирот кўпригидан ўтишга тўғри келаркан.

Ушанда қурбонлиққа сўйилган жопиворларни миниб утиларкан.

Деворлар ортидан кўкимтил дуд кўтарилиб, атрофга қовурилаётган гўштнинг тотли иси тараларди. Бир неча хонадондан Алишерни қурбонлиққа таклиф этишди, бироқ у тоби келишмай турганини баҳона қилиб, боролмаслигини айтди. Чиндан ҳам унинг бир оз эти увишиб турарди.

Шаҳар ҳали уйқуда, аммо атрофи пастак девор билан ўралган бозорда шовқин-суронли ҳаёт бошланган, ғовур-ғувур авжида эди. Эшак, от ва туяга юкларини ортиб келаётган деҳқонларнинг кети узилмайди.

Ажиб бир лавҳа Алишернинг диққатини жалб этди. Олдиндаги ушоққина оқ эшакда оппоқ соқолини серкиллатиб бир чол келарди. Бошидаги кўк салла ажин босган қора мағиз бетини яна ҳам қора қилиб кўрсатади. Яланг оёқлари кенг иштонининг почаларидан чиқиб турибди. Чол ортидан саман от минган чўққи қора соқоли, ўрта ёшлардаги, бўйчан киши келмоқда, эгнига олача гуппи чопон, оёғига баланд пошна этик кийган бу киши гулдор дўпписини бошининг учгинасига қўндириб олганди. Ҳаммадан кейинда эса, бояги чолнинг эшагига ўхшаган ушоққина қора эшак минган ўн ёшлар чамасидаги бир бола келарди.

Улар бозор дарвозаси олдида тўхташди. Чол эпчиллик билан эшакдан сакраб тушди-да, уни шу ердаги устунга боғлай бошлади. Алишер келганларни салом билан қаршилади.

— Айёмларинг муборак бўлсин.

— Тақсир, қаерда тунаса бўлади?— сўради чол.— Бозор-ўчарни кечгача битказолмасмиз, узоқдан келганмиз.

Алишер арзон ҳақ оладиган карвонсаройни айтиб, йўлини тушунтириб қўйди.

— Барака топинг, иним! Қовун қоқиға қалайсиз? Дунёда тенги йўқ Марв қовунидан солинган. Мана бу тўнғич ўғлим Нуриддин қовун экишнинг жуда машқини олган-да.

— Марвданмисизлар? — қизиқсиниб сўради Алишер.— Муқаддас шаҳарингиз ҳақида сўзлаб беринг, бўлмаса.

— Нимасин айтасиз!— деб гапга аралашди Нуриддин.— Марвда уруш, тагин бир нимани бўлишолмай қо-

либдилар, чоғи. Бизнинг Санжар Мирзо қизини Султон Ҳусайин Бойқарога берди. Иккаловлари баҳамжиҳат давр суришса-ю бўладп-я, аммо улар ҳокимиятни бир-бирларидан тортиб олиш учун суяк талашган итлардай гажишяпти. Бу талон-тарожнинг хуни эса бизнинг бўй-нимизга. Йўқ, бизга урушнинг кераги йўқ. Бизга ер, сув, от-улов керак. Қимки шуларни берса, ўша биз учун яхши подшо. Номи Санжарми ёки Ҳусайинми — бизга барибир. Санжарнинг феъли-атворини биламиз. У бор-йўғимизни шилиб олди, Ҳусайин бўлса, ҳозирча фақат ваъда қиляпти... Отам шунча йилнинг бадалида биринчи марта тугилиб ўсган қишлоғини ташлаб чиқди, энди бошқа юртларда одамлар қай аҳволда яшаётганини кўрмоқчи, иложи бўлса шу ёқларда туриб қолсам дейди...

Алишер қайғуриб бош чайқади. «Демак, Ҳусайин Санжар билан уруш бошлабди! Одамлар ўз уйларини ташлаб, бошқа ерларга бош олиб кетишга мажбур бўлган шаҳарда ҳаётнинг қандай экани маълум», — деб ўйлади у, кейин йўловчиларга қараб деди:

— Дон сочганлар барчага ҳаёт бағишлагуси. Бу меҳнатга ҳалал етказиш — камоли бадбахтликдир.

Алишер бу сўзларни ўзинча гапирётгандай, секин айтди, бироқ Жаҳон чол уларни эшитди ва мароқ билан такрорлади.

— Мусабек акамларни урушга олишди, — деди бола. — Акамлар менга урушдан яхши от олиб келаман дедила.

— Салим, катталар гаплашаётганда жим тур! — деб унинг гапини бўлди бобоси.

Эшитган янги хабаридан ҳаяжонланган Алишер йўловчиларни карвонсаройга ўзи бошлаб кетди. Сўнг бозордан харид қилмоқчи бўлган нарсаларини ҳам унутиб, ўйга ботган ҳолда мадрасага йўл олди. У чол ипъом қилган қовун қоқини бир чеккага қўйиб, яна китоб ўқишга берилиб кетди.

* * *

Алишер мадрасадан чиқиб, уйга қайтаётганда салқин тушиб кеч кира бошлаганди. Тиниқ ҳавода дарахтлар қомати кўзга айниқса кўркам кўринади. Уйларнинг яси томларида майсалар сабза уриб ётибди. Ботаётган қуёш уларга заррин шуъла ёйган. Юксак мовий осмон

паға-паға булут билан қоплапган. Бутун коинот киши нигоҳига ҳузур бағишлаш учун бир лаҳза сукут этгандай. Алишер тўхтаб, узоқ-узоқларга кўз тикди. «Гўзаллик ер юзидаги ҳаёт яглиғ абадий, локин уларга эътиборсиз қаралса, на гўзаллик қолади, на ҳаёт.»— Бу сўзларни у кўнгил дафтарига битди ва эҳтиёткорлик билан хотира хазинасига жойлади.

Кўча-кўй байрам шодиёнаси билан тўлган. Кўпгина ҳовдиларда ясаниб-тусанган кишилар кўринади. Мусиқи, кулги, қўшиқ овозлари янграйди. Бостирмалар остида гоҳ-гоҳ ранг-баранг либосларга беланган қиз-жувонлар кўзга ташланиб қолади: уларнинг ўз куйлари, ўйин-кулгилари ва меҳмондорчиликлари бор.

Қадди-қомати келишган бир қиз Алишернинг ёнидан илдамлик билан ўтиб, тор кўчага бурилди. Алишер бу қизни кўп марталаб учратган; у Алишерга аксари худди шу ерда учрар, бозордан қайтаётган пайтлари бўлса керак, бошидан савати аримасди. Алишернинг қиз кетидан боргисн, қаерда туришини билиб олгиси келди. Қиз бу сафар ясаниб олган бўлиб, нозик билакларида кумуш билакузуклар жаранглар, бармоқларида узуклар жилва қилар, ҳар хил тошлар қадалган катта кумуш бўйин тумор кўкрагини безаб турарди. Ёноқлари тепасидан фирўза попуқлар осилиб тушган, бошидаги тилла қошга қадалган уқпар ҳилпираб борарди. Қиз тобора юришини тезлатиб, бирдан икки девор орасидаги тор йўлакка кирди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Қиз кириб кетган эшикдан майин кулги ҳамда шивирлашган овоз эшитилди. Сўнг ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Алишер бир неча марта у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрди. Тиқ этган товуш бўлмади. У яна аъзойи бадани увишиб, қўллари совқотганини сизди, бироқ сира кетгиси келмасди. Юрак сўзлари шеърин мисраларга қуйилди:

Гар жафо қил, гар вафоким, дилистоним сен менинг,

Гар мени ўлдир-у, гар тиргуэки, жоним сен менинг.

Алишер қиррали бир тош олиб, пахса деворга шу сатрларни битди. Ўз шижоатидан ёш боладек қувониб, ҳужрасига ошиқди, чунки кучайиб бораётган шамол унинг юпун эгнидан ўтиб, тобора баттарроқ қалтиратмоқда эди.

Кеч кириб келмоқда эди. Алишер ҳориб-чарчаб уйга қайтган мана шундай чоғларида яқин, сирдош кишиси-

нинг йўқлиги айниқса асар қиларди. Мана, у ўз ҳужрасининг эшигига яқинлашди. Чигирткалар чириллар, қушлар эринибгина чирқилларди. Нарироқдаги авлиёнинг қабри олдидан одамлар бирин-кетин ўтиб турибди. «Зиёрат қилгани келишган бўлса керак,— деб хаёлидан ўтказди Алишер.— Қурбон ҳайит кунлари одам ниҳоятда гавжум бўлади бу ерда! Балки улар бошқа шаҳарлардан хабарлар келтиришгандир?» Алишер улар истиқболига чиқмоқчи бўлган ҳам эди, ноғиҳон танасида қаттиқ хорфинлик сизди, боши айланди; аъзойи баданини титроқ қоплади. У ҳужрасига илдам кирди-да, бурчакдаги кигизга чўзилди. Эшикдан шамол елиб кирар, ботаётган қуёшнинг сўнгги шуълалари тушиб турарди. Ҳужра ичи ғира-шира бўлишига қарамай у ўқишга тутинди. Унинг ўрини ёнида ҳамма вақт Низомийнинг бебаҳо қўл ёзма китоби турар, Алишер машҳур «Хамса»ни такрор-такрор мутолаа қиларди.

«Ақл-идрок ва шеърнат чўққиси,— дерди уни Алишер, бир вақтлар келиб ўзи ҳам ана шундай «Хамса» яратишни орзу қилар экан.— Бундай назм одамларга яшаш, эзгулик ва гўзалликлар ижодчиси бўлишда кўмаклашади; унда сўз ва маъно ажиб бир тарзда уйғуллашиб кетган».

Узоқ ўқишнинг имкони бўлмади: бадани тобора қақшаб бормоқда эди. Алишер чопонига бурканди, оёгига кигизнинг четини қайириб ёпди-да, кўзини юмди. Астасекин исиди, титроқ қайтди, қўшни кўчалик ҳалиги қиз кўз олдидан ўтди. Алишерни мудроқ босди. Қўққисдан шундайгина ҳужранинг эшиги тагида бир неча кишининг ғўнғир-ғўнғир гаплашган овози эшитилди.

— Тақсир, бу ерда ҳеч ким йўқ, киришга ҳам арзимайди.

— Бирорта қашшоқ толиби илм истиқомат қилган тақдирда ҳам ҳозир у мутолаа қилиб ўтирган бўлиши мумкин, безовта қилишнинг ҳожати йўқ.

— Ҳарқалай кирамиз,— деди кимдир вазмин, салобатли овоз билан,— авлиёнинг қабри ёнидан дуч келган кимсага жой беравермайдилар. Бу ерда истъедодли талабалар истиқомат қилишади. Улар билан суҳбатлашиш ҳам мароқли, ҳам ибратли.

Янги тўн кийиб, катта салла ўраган ҳалиги киши ҳужранинг пастак эшигидан энгашиб ичкарига кирди. Кетидан бошқалар ҳам эргашишди. Алишер ўрнидан

туришга мадори келмай ётар, говур-гувурдан қулоқларни сирқираб оғирди. Меҳмонлар фақир ҳужранинг курум-сизгина жиҳозларини кўздан кечирдилар. Тўсатдан улардан бири:

— Деворга қаранглар! Жуда ибратли шеърлар битилибди. Лоақал мана бу байтнинг ўзини олинг,— деди.

У Алишернинг тўшаги қаршисидаги деворга яқинлашди-да, қироат билан қуйидаги байтни ўқиди:

Кимики ҳақиқат водийсини гар ихтиёр этди,

Дамо-дам юз машаққатлар чекиб мақсадиға етди.

Биринчи бўлиб кирган киши девор тагига келиб, байтни ўзи такрор ўқиди.

— Дарҳақиқат,— деди у ўйчан,— бу ёруғ оламда машаққат чекмай, жаннатдаги бахт водийсига етишмак мумкин эмас.

Соқол-мўйлови энди сабза уриб келаётган чақир кўзли ўспирин баланд овоз билан деди:

— Тақсир, бу ўринда гап севги водийси ҳақида бормоқда, киши ишқ водийсидагина машаққат чекмоғи мумкин.

Бироқ шайх оҳиста, қатъий қўл ҳаракати билан уни тўхтатди:

— Фикрларингиз ҳақиқат йўлидан адашди. Сизнинг бугунги хислатингиз — ҳаётга юзаки муносабатда бўлмоқ, ёшликка хос кўрликдан иборатдир. Сабр қилинг, ҳадемай камолат босқичига кўтариласиз-да кўзингиз очилиб, теварак-атрофни аниқ кўрасиз. Ушанда, ўз ўзингиздан кулгайсиз.

— Тақсир,— деди жанда кийган киши,— камина бу ўринда гап ёруғ дунёдан кўз юмилган, аммо ҳали жаннатул мукаррамга тушилмаган ондаги йўқлик водийси ҳақида бормоқда деган фикрдамен. Бу водийга қатъиятсиз кишиларгина тушадилар.

— Ҳақиқат фақат оллонинг даргоҳига олиб боради,— деб эътироз билдирди шайх.

— Ҳақиқат водийсига тушган киши машаққатларни енгиб ўтиб, чинакам бахтга эришади,— деди савдогарларга хос ҳашамдор либос кийган тўртинчиси.

Шу пайт Алишер бошини кўтариб гап қотди. Баҳшашувчилар шундагина унга эътибор беришди.

— Фақир ҳужрамга қадам ранжида қилганларнинг донишманди каминани узр этгайлар,— деди Алишер

шайх томонга енгил таъзим қилиб,— аммо фикримча ҳамроҳларингиз барчаси маълум даражада ҳақлидирлар. Чиндан ҳам ҳақиқат водийси кишини муҳаббатга, илм-маърифатга, бахт-саодатга олиб боргуси.

Алишер ишонарли қилиб, оҳиста сўзларди; юзлари ҳароратдан қизариб кетган, бироқ кўзларида тиниқ ақлзаковат акс этарди. Шайх унга яқинлашди.

— Беговта қилганимиз учун узр. Ҳали вақт эрта бўлганидан бирор кимсанинг оромига ҳалал берармиз деб ўйламагандик.

— Бу беқарор баҳор кунда узоқ сайр қилиб, шамоллабмен, чоғи. Бугун барвақт ётгандим... Сиздек табаррук меҳмонларнинг қадам ранжида қилишларини билганимда бетобликка қарамай истиқболингизга чиқардим.

— Шеърнинг маъноси бобида фикрингизга қўшилмоққа тайёрман. Сиз қизишмай, хотиржам, ишонарли гапирдингиз. Қизиққонлик билан ифода этилган рад жавобидек кишида баҳслашув иштиёқини уйғотувчи нимарса бўлмас. Фикрининг ҳақлигига ишонган киши беҳуда қизишиб ўтирмайди; сиз мени инонтирдингиз, йигитча. Номингизни хотирамда олиб кетсам дегандим.

Алишер бошини кўтариб, ёстиққа ёнбошлади.

— Исмин Алишер, шеърларимни «Навоий» тахаллуси билан битурмен. Она тилимизнинг бутун хушнаволигини ифодалаш менинг орзумдир.

Алишер ушбу сўзларни айтиб улгурмасданоқ, шайх қўлларини чўзган ҳолда, унга ташланди.

— О, бу ном менга таниш! Бу учрашувни мен ўз фарзандини кўпдан бери кўрмаган отадек орзиқиб кутардим. Лекин сиз шу қадар камтарсизки, бирор ерда учратиб ҳам бўлмайди. Мен сизнинг «Фоний» тахаллуси билан форсийда битган шеърларингизни ҳам билармен.

— Бу тахаллус, дарҳақиқат, ўз маъносидек муваққатдир. Одамлар хотирнда яшаб қолгудек бахтга муяссар бўлсам, ўз она тилимда ижод этган шоир Навоий номин билан яшашни истардим. Ижозатингиз бўлса, кулбамга қадам ранжида қилган муҳтарам зотнинг кимлигини билсам?

— Камиланинг номлари Камол Турбатий,— деди меҳмон.— Бу киши — ҳамроҳим, ёш шоир Саҳоб, бу киши эса — Машҳаднинг энг бадавлат бойларидан хўжа Ғулом Али бўладилар.— Турбатий жанда кийган қалан-

дарни кўрсатди.— Аммо бутун мол-мулкларини бўлашиб берганлар...

— Мана энди ҳаммадан боймен,— деб унинг гапини бўлди қаландар.— Энди эркин қушмен, бундан ортиқ давлат борми...

— Мана бу киши эса,— деб гапида давом этди Турбатий,— ироқлик савдогар бўладилар, қабрни эиёрат қилгани келганлар.

Алишер ҳаяжон билан қаддини кўтарди. Наҳотки бу киши отоқли шоир Камол Турбатий бўлса? Алишер кўпдан бери у билан учрашмоқни, унга ўз шеърларини ўқиб бермоқни орзу қиларди. У севинчдан тутилиб-тутилиб деди:

— Сиздек улуг шоирни кўриш билан бахтиёрмен! Овозингиз ва кийимларингизнинг шилдирашини эшитмаганимда, буларнинг ҳаммасини туш деб ўйлардим.

— Бу туш эмас. Қўлингизни беринг, кўришайлик,— деди Турбатий.

Алишер саросима ичида ҳамма билан қўл олишиб кўришди.

— Ўрнимдан туролмадим, айбга санамайсизлар, азиз меҳмонлар, бошим айланиб, нафасим қисилиб кетяпти.

Камол Турбатий сездирмай ташқари чиқди-да, авлиёнинг қабрига қараб турадиган шайхни чақириб, бир нималар деб шишиди, кейин ҳужрага қайтиб кириб, Алишернинг ёнига келди:

— Азизим, мен қачонлардан бери сиз билан учрашиш орзусида эдим, энди бундан буён сизни эътиборсиз қолдирмаймен. Эртага табибим келиб ҳолингиздан хабар олади. Соғайишингиз билан уйимнинг азиз меҳмони бўласиз, китобхонам сизнинг ихтиёрингизда, боғимиз соясалқин. Худо шифо берсин, тезроқ соғайиб кетинг, энди ётиб дам олинг.

Алишер Турбатийнинг булбул ва гул ҳақидаги ғазалларидан бир неча байтини хониш қилиб ўқиди. Ғоят мамнун бўлган шоир Алишерга меҳр билан узоқ боқди, кейин бошқалар билан бирга ҳужрадан чиқди.

Таассуротлардан толиққан Алишер тезда уйқуга кетди. Бир соатдан сўнг Турбатийнинг хизматкорлари унинг тўшаги ёнига ноз-неъматлар тўла катта сават келтириб қўйишди. Саватнинг устида вайча қилиб ўралган қоғоз

бўлиб, унда: «Доиоликка фақат илмгина олиб борур, озодликка тарки дунё қилибгина эришилур, фақат шеърятгина кишига бахт келтирур», деб ёзилган эди.

ҲУСАЙННИНГ МАРВГА КЕЛИШИ

Шу уч йил давомида Султон Ҳусайн тамомила бош-қача ҳаёт кечирди. У ҳокимиятни қўлга киритишга интилди.

Бобир вафотидан бир неча кун кейин кўчалардан елиб келиб, Мирзо Санжар саройи олдида тўхтаган бир тўда отлиқ Марв аҳолисининг диққатини жалб қилди. Олдиндаги отда қиёфасидан қатъий ва ўжар экани сезилиб турган бир ўспири келарди; у теварак-атрофга ўз қўли остидаги ерларни кўздан ўтказаётгандай, қовоғини уйиб боқарди. Саройнинг катта дарвозасига яқинлашгач, у отлиқлардан бирига эшикни қоқишни буюрди. Эшик анчадан кейин очилди, остонада эгри қилич тутган соқчилар туришарди. Усмир газабдан тутоқиб кетди-ю, бироқ ўзини босиб, кескин деди:

— Санжар Мирзога кириб, Султон Ҳусайн ўз йигитлари билан паноҳингизга бош уриб келибди, денгиз. Мен қайғули хабар олиб келдим: Султон Абулқосим Бобир қазо қилдилар.

Бу сўзлар кўз очиб юмгунча бутун саройга тарқалди. Санжар Мирзо, барча йигитларни иззат-икром билан кутиб олиб, Султон Ҳусайнни менинг ҳузуримга олиб киринглар, деб буюрди.

— Ассалому алайкўм!— эҳтиром билан салом берди Султон Ҳусайн.

У уч марта тиз букди. Санжар ҳам ўрнидан туриб алик олди. Султон Ҳусайн таомилга кўра орқага тисланиб, яна тиз чўккач, Мирзо унга қўл берди-да, юқорига чорлади.

— Манзилга етиб келган йўлчи аввало туз-намак тотмоғи керак. Машҳаддан Марвгача озмунча йўлми. Марвга йўл олганларнинг кўпи адашиб ҳам кетган.

— Мақсади аниқ киши йўлдан адашмайди. Қамина бу ерга шунчаки кўнгил ёзиш учун келгани йўқ: гоят муҳим ишлар бор. Ҳокимиятни қўлда маҳкам тутмоқ даркор. Раҳматли султон ўн бир яшар ўғли Шоҳ Маҳмудни ворис қилиб қолдирдилар. Унинг номидан юртни сўрайдиган азаматлар ким?

Санжарнинг тўла юзига қизил югурди. У фотиҳа ўқигандек кафтлари билан ёноқлари ва соқолини силади-да, ўзини вазмин тутиб деди:

— Мен ҳаёт эканман, ундай бўлмайди. Марв, Макон ва Жом меники. Бу ерларнинг ҳокими мен, менинг ишларимга ҳеч ким аралашолмайди.

Ҳусайннинг ўтли кўзлари учқунланди, бироқ у дарҳол буни яшириб, тилёғламалик билан деди:

— Тахтнинг даъвогари бор — у Бойсунқаранинг набираси Султон Иброҳим. Тўғри. Бобир вақтида у зиндонда эди, аммо ҳозир, афтидан бош кўтарганга ўхшайди, бутун уруғ-аймоғи ҳам у билан. Қашқирлар!

Султон Ҳусайннинг кўзларида ғазаб чақнади, Санжар Мирзо эса саросима ичида кафтини-кафтига ишқади:

— Бошим омон экан, мен ҳеч кимга бўйсунмаймен!

Тавончилар катта тобоқларда таом келтирдилар. Санжар меҳмондўстлиги билан машҳур эди. Қўлига узун чарм кийган тавончи қўй этини тўғраб қўйди. Овқат устида мезбон ва меҳмон ўз мақсадларидан гаплашдилар. Уларнинг режалари бир-бирларига монанд эди. Султон Ҳусайн ишонч билан ўзини ва йигитларини Санжар Мирзо ихтиёрига топширди. Улар бирлашиб, ҳокимиятни баҳамжиҳат қўлда сақлашга аҳд қилишди.

— Бир-биримизга қанча яқин бўлсак, орамиз шунчалик мустаҳкам бўлгай,— деди бирдан Санжар Мирзо маъноли қилиб.— Каминанинг саройида қолинг. Темур авлодининг иззатини жойига қўюрмиз. Уйимизнинг тўри сизники.

Санжар Мирзо мулозимига зарбоб тўн келтиришни буюрди. Муътабар совғани кўриб, Ҳусайннинг чеҳраси ёришиб кетди. У эпчиллик билан тўнни кийди-да, чуқур таъзим қилди.

— Энди кириб дам олинг.

Санжар Мирзо қарс чалган эди, ер остидан чиққандай бир зумда иккита барваста йигит пайдо бўлди. Улар товуш чиқармай юришга ҳаракат қилиб, Ҳусайнни талайгина ҳашамдор хоналардан бошлаб ўтдилар. Хоналарнинг бирида гилам тўсиқ ортидан аёлларнинг овози эшитилди. Ноғиҳон оғир гиламнинг бир учи кўтарилиб, ҳаво ранг саллача ўраган, қора мағиз юзли бир қиз кўринди. Унинг икки чаккасидан қиммат баҳо тошлар

қадалган шокилалар осилиб турар, кўксида эса шода-шода марваридлар қадалган зебигардон порларди.

Султон Ҳусайн бир дақиқа тўхтади; унинг қийиқ қора кўзлари қизнинг шаҳло кўзларига тикилиб қолганди. Қиз:

— Вой!— деди-да, гиламнинг четини туширди.

Т У Я

Мирзо Санжарнинг Султон Ҳусайнга нисбатан ўз режалари бор эди. Унинг тажрибали кўзи Ҳусайннинг келажакда катта саркарда бўлиб етишишини кўролди. Йигитнинг сўзларидаги шижоат ҳам, унинг абжир, пишиқ гавдаси ҳам шундан далолат берарди. «Султон Ҳусайн чинакам темурийзода»,— дерди Санжар Мирзо. У ўн беш ёшли қизи Бекани Султон Ҳусайнга беришга қарор қилди.

«Бу никоҳ иттифоқимизнинг муҳри бўлиб тушади,— дерди ўзича Санжар.— Уларнинг тўнгич фарзандини ўзимга ворис қилиб тайинлаймен. Бутун Хуросон бизнинг қўл остимизга бирлашади».

Шуҳратпараст Санжар тасавурида келажакдаги буюк галабалар манзараси намоён бўлди.

Ҳусайннинг Марвга келганига бир ой тўлди деганда тўйдан, оғиз очилди.

Ҳусайн баланд каптархонага чиқиб, узун савағич билан каптарларни учирар эди. Каптар боқишга ишқивоз бўлган Ҳусайн ҳар куни эрталаб шундай қиларди. Оқ, чипор, кўкимтир каптарлар тиниқ осмонда чарх уриб учишар, қанчалик баланд кўтарилиб, қанчалик узоқ учмасинлар ҳамма вақт ўз ошёнларига қайтиб келардилар. Улар орасида Ҳусайннинг яхши кўрган каптарлари бўларди. Айниқса кўкраги новвот ранг катта чипор каптар унинг эътиборини жалб қиларди. Ҳусайн уни меҳр билан кафтига олар, баъзан эса, лочиндек қўлига қўндириб, бежирим боши ва ялтироқ патларига суқланиб боқарди. Кейин қулочини ёзиб, уни осмонга отар, каптар аввал хўжасининг боши устида давра ясаб, сўнг кўкка парвоз этарди.

Санжар Мирзо меҳмонининг беозор машғулотини узоқ кузатиб турди-да, кейин уни чақириб, гаплашмоқчи эканини айтди.

Султон Ҳусайн истар-истамас томдан тушди. Бироқ суҳбат у ўйлагандан қизиқроқ бўлиб чиқди; саройга келган куни бир кўриниш бериб, ғойиб бўлган қиз дарҳол унинг ёдига тушди. Қаранг-а, худди ўша қиз Бека бўлиб чиқди. Ҳусайн унинг ялт этиб боққан ўтли кўзларини эслади ва Санжар Мирзонинг таклифи унга алла-нечук жозибали туюлди. Бунинг устига, Санжарга куёв бўлиш тож ва салтанат учун курашида унга катта фойда келтириши мумкин эди.

Санжар билан Ҳусайн дарҳол бир гапга келишди.

Тўйни рамазон ойи тугаши биланоқ ўтказишга қарор қилинди. Беканинг қиёфаси йигитнинг қалбидан мустақкам ўрин олди. Ҳусайн шеърлар ёза бошлади. Алишер билан баҳслашиб, ҳар куни бир неча байтдан ғазал тўқиган чоғлари хотирига тушди. Алишер кўпинча у битган сатрларни мақтарди.

«Ҳаммадан ҳам ёнимда Алишеримнинг йўқлиги кўпроқ сезиляпти»,— деб қўярди Ҳусайн ўхтин-ўхтин ўзига.

Кипригимдин, э кўнгил, ҳар дам қанотлар соз қил,
Хажр даштидин висоли кўйига парвоз қил,

деб ёзди у. Шу кунларда Ҳусайн қарийб соат сайин бир байт битар, кўпроқ севимли ёрининг кўзлари, нозик қўллари, висол дамларининг қувончи ҳақида ёзарди. Аммо бу унинг аввалгидек мароқ билан каптарлар парвозини кузатиши, қўчқор уриштириши, от миниб йигитлар билан узоқ масофаларга пойга қилишига ҳалал бермасди. Султон Ҳусайн навқирон ёшликнинг лаззатини қониб-қониб сипқирмоқда эди.

Тўй кунлари етиб келди. Марв бундай тантанани ҳали сира кўрмаганди. Бу тантаналарда бутун шаҳар иштирок этди. Тўйдан бир кун аввал барча амир, қози ва мансабдорларга шоҳона саруполар юборилди. Улар ана шу саруполарни кийиб, тўй базмида иштирок этишди.

Саройнинг барча қиз-жувонлари эрталабдан бошлаб келиннинг хабгоҳига йиғилишди. Бекани ясантиришар экан, мунгли қўшиқлар айтишди. Келин ғамгин кўринар, бироқ қалби қувончларга тўла эди. Нотаниш йигит билан бир нафасли учрашув Беканинг ҳам ёдида эди: бугун у худди ўша йигитга узатилмоқда. У йигитнинг

қора кўзларидаги қатъиятни эслар, ўзи ҳам худди шундай шижоатли барно йигитни орзу қилган эди. Аммо одоб юзасидан келин ўзини ғамгин кўрсатиши керак, шунинг учун Бека маъюс эди.

Тўй саруполари ва қиммат баҳо безакларни келтиришгандагина унинг кўзларида қувонч порлади. Марвнинг энг моҳир чеварлари оч пушти шоҳи рўмолга кашта тикишган эди. Гул солиб тикилган бежирим кавушлар ҳам ўша чевар қўллардан чиққан. Пушти ранг саллачага қадалган жигадаги ҳаво ранг олмос жилва қилади. Келиннинг бўйин ва кўкраклари яшил Эрон фирузаси билан безалди. Қўлларига таққан билакузукларнинг ҳар бири минг ксбек дишордан ортиқ туради. Бекага кийгизилган либос ва қиммат баҳо безаклар хийлагина оғир эди, бироқ у ҳеч қандай оғирлик сезмас, хабгоҳ ичида қушдек учиб юрарди.

Куёв тўранинг хабгоҳида ҳам тайёргарлик борарди.

Гидамлар тўшалган каттагина хонанинг бир четига қават-қават бахмал тўшаклар солинган; Ҳусайнни пар тўшакка ўтқазиди. Совға-салом, тўяналар кела бошлади. Санжар Мирзо куёвга араб тулпори билан дамашқ пўлатидан ясалиб, қини фируза ва ёқут тошлар билан безалган шамшир ҳадя қилди.

Ҳусайн Санжарнинг олдига қуп-қуруқ келганди. Билакдаги куч-қуввати, жанговар шижоати ва бир тўда отлиқ йигит — унинг Марв ҳокимига совға қилиши мумкин бўлган нарсаси ана шу эди. Бир вақтлар Темур Ҳиндистондан келтирган қизғиш бриллиант Ҳусайннинг фахри ва унинг қўлидаги бирдан-бир қиммат баҳо буюм эди. Бу тош авлоддан-авлодга ўтиб келарди. Ҳусайн Бекага ана шу тошни совға қилди. Совғани кўрган Бека ҳанг-манг бўлиб бармоғини тишлаб қолди.

Кейин ҳаммаси тушдагидек бўлиб ўтди. Бекани хонага олиб киришгани ва оқ саллалли барваста йигит унга қараб юргани қизнинг ёдида. Келинчак бетидagi юпқа шоҳи парда орқали йигитнинг чеҳрасини зўр-базўр таниди, куёв унга яна ҳам барно кўринди. Шайхулислом фотиҳа берди. Сўнгра келин-куёв устидан сочқи сочдилар. Зиёфат бошланиб, тонггача чўзилди; бир оз ором олингач, яна давом этди.

Тўй шу аллозда сурункасига уч кун давом қилди.

СУЛТОН ҲУСАЙННИНГ МАРВДАН КЕТИШИ

Султон Ҳусайн тез орада қайнотасининг ишонган кишиси бўлиб қолди; Санжар Мирзо ёзда Машҳадга жўнаркан, Марвни куёвига топшириб кетди. У Ҳусайнни ўз ўрнига тўла ҳуқуқли ҳоким қилиб қолдирди. Ёш Мирзо дарҳол ўзининг шижоати ва қаттиққўллигини кўрсатишга киришди. Саройда ва шаҳарда «Ҳусайн ҳокимиятни ўз қўлига олиш пайида эмиш» деган овозлар тарқала бошлади. Бу миш-мишлар вазир Ҳасандан чиққан гап эди. Бу овозларнинг тарқалишига аввал ғалати бир ҳодиса сабаб бўлди.

Тўйдан кейин дастлабки кунлар Султон Ҳусайн Бека айтиб берган эртакларни мароқ билан тинглади. Бу эртаклардан бири Ҳусайннинг бутун хаёлини чулғаб олди. Бека бундан уч юз йил муқаддам ўтган машҳур бобоси Санжар ҳақида ҳикоя қилган эди. Унинг даврида Марв гўзал шаҳарга айланганди. Мўғуллар босқинидан қолган вайроналар ҳам бино ва хиёбонларнинг ниҳоятда кўркамлигидан далолат берарди. Фақат зангори гумбазли бир мачитгина бешикаст қолган. Афсона ҳам мана шу мачит ҳақида эди.

— Кунларнинг бирида,— деб ҳикоя қилди Бека,— султон бир парига уйланибди, хотини унга учта шарт қўйибди, шартга биноан султон ҳеч қачон хотини сочини тараётганида қарамаслиги, унинг белидан қучмаслиги ва юрганда товонига боқмаслиги керак экан. Султон узоқ вақтгача шартга риоя қилиб юрибди, аммо кунларнинг бирида сабри чидамай, хотини сочини тараётганида қарабди. Қарабди-ю, ҳангу-манг бўлиб қолибди: хотини бошини курси устига олиб қўйиб, узун қора сочларини олтин тароқ билан тараётган эмнш. Султон шу кунидек хотинидан «нега ундай қиласан?» деб сўрабди. Пари қаттиқ ғазабланибди ва яна бир шартни бузгудай бўлсанг, сени ташлаб кетаман, дебди. Аммо орадан бир қанча вақт ўтгач, султон хотинининг белидан қучибди. Қўлига суяги йўқ юмшоқ парса илинибди. Шунда у: «Белингда суягинг йўқми?»— деб қичқириб юборибди. Пари шу заҳотиёқ учиб кетибди. Шаҳарнинг домлалари тўққиз кечаю тўққиз кундуз дуо ўқиб, парига илтижо қилибдилар. Ниҳоят, пари султоннинг гуноҳини кечиб, қайтибди, бироқ эрига: «Бордию учинчи шартни бузсанг бутунлай ғойиб бўламан» дебди. Султон узоқ

вақт — роппа-расо тўққиз йил ташини-тишига қўйиб юрибди. Бироқ кунлардан бир кун сабри чидамай севимли париси юриб кетаётганда унинг оёғига боқибди, қараса: пари оёғи ерга тегмай, ҳавода сузиб бораётган эмиш. У жон ҳолатда: «Пари, учиб кетма!» деб қичқирибди. Аммо пари шу заҳотиёқ бутунлай учиб кетибди. Султон қайғуриб, ётиб қолибди. Бир оз қувватга кириб, бошини кўтаргач, катта мачит қурдира бошлабди... Кўрдингизми? Ҳув анави мачитни ўша қурдирган, — деб мачитни Ҳусайнга кўрсатди Бека. — У мачитни осмон баробар қилиб қурдирмоқчи экан; аммо мана шу охириги қаватини қўндириб энг тепасига кўтарилганда, пари даричадан қарабди. Унга мулойим бош эгибди-да, ҳар жума куни намозшомдан сўнг олдинга келиб тураман дебди. Шу-шу султон жума кунини орзиқиб кутадигап бўлиб қолибди. Пари унга эртақлар сўзлаб берар, қўшиқлар куйлар, ҳатто унинг олдида узун қора сочларини тарар экан. Кунларнинг бирида у олтин тароғини қўлидан тушириб юборибди. Султон ундан ўша тароқни эсдалик қилиб қолдиришни сўрабди. Пари рози бўлибди. Ҳалими яқинлашаётганини сезган султон тароқни мачитнинг шипига қўйиб, шуваб юборишни буюрибди. Ушандан бери тароқ мачитнинг шипида экан, — деб тугаллади Бека эртагини.

Султон Ҳусайннинг миясига бўлмағур бир фикр келди:

«Балки эртақда жиндек бўлса-да ҳақиқат бордир? Ҳарқалай, мачитнинг гумбазини бир текшириб кўриш керак».

Ҳусайн мачитда ҳеч ким йўқ вақтни пойлаб туриб, унинг тепасига чиқди-да, гумбазнинг гиштарини кўчира бошлади. Бунни кўрган сўфи воқиани оқизмай-томизмай Санжарнинг вазири Ҳасанга етказди. Ҳасан бўлса, Султон Ҳусайн Санжарлар авлодига мансуб тилсимни ўғирламоқчи, Мирзони ағдариб, Марвга ўзи ҳоким бўлиб олмоқчи деган овоза тарқата бошлади. Ҳусайнни ёмон кўрган Ҳасан бу миш-мишларни тарқатиш билан бирга уни асир олишга ҳозирлик кўрди. У фақат бир нарсадан чўчирди: Бека эрини севар, Ҳусайннинг жонини ҳамда эркинига қасд қилншга журъат этган ҳар қандай кимсанинг кўзига чанг солишни турган гап эди. Санжар Мирзо эса, қизини жондан севар, ҳар кимдан кўра унга кўпроқ ишонарди.

Юз берган вазият Ҳасанга қўл келди. Ҳусайн ҳам-ма йигитлари билан овга чиқиб кетган эди. Ҳасан яширин кенгаш йиғиб, амалдорларга: «Ҳусайннинг овга чиқиши кўзни шамғалат қилиш учун кўрилган тadbир, унинг бу сафардан асосий мақсади қўшин тўплашдан иборат,— деди.— Султон Ҳусайн қўшин йиғиб, орқага қайтади-да, Марвни босиб олади».

Ҳасан Бекадан яширинча Марвни мудофаага тайёрлай бошлайди.

Қалъа деворини қўриқловчиларнинг барчаси алмаштирилди, чунки уларнинг сафида Ҳусайн тарафдорлари кўп эди.

Султон Ҳусайн уч кун ов қилди. Учта тоғ эчкисини орқасидан қувиб бориб отди.

Овчилар катта ўлжалар билан қайтишди. Аммо шаҳарга етиб келиб, дарвозаларнинг тақа-тақ бекитиб қўйилганини кўрдилар. Овчиларнинг чақиригига ҳеч ким овоз бермади. Деворга тирмашиб чиқишга уринган йигитни шаҳар ичидан отилган ўқ ҳалок этди.

— Бу — уруш!— деди Ҳусайн ва йигитларига дарвозаларни жанг билан очишни буюрди.

Жанг бошланди, аммо кучлар тенг эмасди. Марвни ҳимоя қилаётганлар уч кун тайёргарлик кўргандилар. Ҳусайн эса, бу жангни мутлақо кутмаганди. Ҳусайннинг Марвдаги тарафдорлари зиндонга ташланган, ҳатто Беканинг ўзи ҳам назорат остига олинган эди. Ғазаб Ҳусайннинг кучига куч қўшди. У олдинга отилди-да, бошқаларни ҳам орқасидан эргаштириб кетди.

Ҳасан навкарларига: «Ким Ҳусайнни ўлдирса, катта мукофот олади», деб эълон қилди. Ўқ-ёй ва пилта митқлар билан қуроолланган соқчилар қалъа деворларини ишғол қилдилар.

— Ҳой итлар! — деб қичқирди Ҳусайн.— Аблаҳ Ҳасанга сотилдингларми, жаззангни тортларинг бўлмаса.

У шундай деб, камончиларга ўқ узишни буюрди. Бироқ овдан сўнг йигитларнинг ўқи тамом бўлаёзган эди. Шунда Ҳусайн девор олдидаги хандақларни тўлдириб, шаҳарга тикка ҳужум қилиш учун йигитларининг бир қисмини шох-шабба ва харсанглар келтиришга юборди. Ўзи эса, тоқати тоқ бўлиб, девор ортидан дастлаб бошини чиқарган навкарга қарата ўқ узди. Шу заҳотиёқ отилган жавоб ўқи оз бўлмаса ўзининг бошига келиб санчилай деди. Ҳусайн зўрға чап бериб қолди.

Бу ўқни яқиндагина омон сўқани ташлаб, қўлига садоқ ва ўқ-ёй олган Мусабек исмли бир ёш навкар отган эди. Санжар қўшинига зўрлаб олинган Мусабек ташлаб келган уйини қўмсаб қайгурарди. У мукофот олпш умидида Ҳусайнга қараб ўқ узишга узди-ю, лекин ўқининг бориб тегмаганидан суюниб, яна ўзи енгил тортди. Рост-да, бу ёш Мирзо унга нима ёмонлик қилибди? У довюрак ва кучли саркарда бўлса. Бундайларнинг қадрига етадиган Мусабек унга завқланиб боқарди.

Ҳусайннинг йигитлари унинг ёнига тезроқ етиб келишга ошиқишарди. Бироқ харсанг ва шох-шаббалар кўтариб олган йигитлар хандаққа яқинлашди дегуича уларнинг боши устидан бараварига отилган юзлаб ўқ визиллаб учиб ўтди. Йигитлар таққа тўхташди. Ҳазабидан туютқан Ҳусайн:

— Кўйрикка, катта дарвоза томонга!— деб қичқирди.

Бироқ шу пайт думи калта човкар от минган қора соқолли кекса бир бек Ҳусайннинг ёнига югуриб келди (юзи аёлларники сингари туксиз бўлганидан, жангчилар ўзаро уни кўса деб аташарди). Бек апил-тапил Ҳусайнга юзланиб:

— Тўхтанг, улуғ султон! Уни қаранг!— деди.

Ҳусайн бек кўрсатган тарафга қаради. Дарвоза тепасига беш-олти навкар сигадиган катта сандиқ чиқариб қўйилганди. Сандиқнинг ҳамма тарафидан ўқ узиш ва тош отиш учун тешиклар ўйилган. Сандиқ осма бўлганидан уни гоҳ баланд кўтариш, гоҳ пастроқ тушириш мумкин эди. Бек уни Ҳусайннинг бақирганини эшитган заҳоти пайқаб қолди.

— Ҳозир ҳар қанча жасорат кўрсатмайлик, нафи йўқ.— деди кўса бек:— Афтидан, шаҳардагилар бизни жанг билан кутиб олишга тайёрланган кўринадилар. Деворни бузиб бўлмайди, дарвозага яқин йўлатмайдилар. Уқ ва тошлар отиб, бизни кўз очиргани қўйишмайди. Садоқларимиз бўш. Ўзимизни эҳтиёт қилиб, беҳуда қурбон бермаслик учун жангни тўхтатиш лозим.

— Гапларинг рост, Музаффар!— деди Ҳусайн, ғазабидан тушиб.— Гаплашиб кўраимиз. Қанизлари билан Бекани шаҳардан чиқариб юбормоқларини талаб қиламен. Бека мендан ажралмайди. Ҳасан кўнмайдиган бўлса шердек олишамен, Марвга катта қўшин тортиб келамен.

Бека эри билан кетишга қарор қилди, Ҳасан ҳам қаршилик кўрсатмай уни чиқариб юборди. Қайта унга яхши: Санжар Марвга қайтгач, Бека отасига ҳеч нарса дедилмайди, Ҳасан эса, Султон Ҳусайнни ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлди деб айблайди.

САНЖАР БИЛАН УРУШ

Энди Ҳусайн билан Санжарнинг келишиши мумкин эмасди. Ҳусайн Мурғобга ўрнашиб олиб, Марв атрофларига тез-тез ҳужум қилиб турди. Унинг йигитлари билан Санжар Мирзонинг йигитлари ўртасида бир неча марта тўқнашишлар бўлиб ўтди. Бека қатъий зарба бериб, Марвни эгаллашга қистарди. Бека ҳам эрига ўхшаши шижоатли бўлиб, Ҳусайннинг куч-қудратига, келажакда зафар қозонишига ишонарди. Бу ҳақда гапирар экан, Беканинг қора қошлари бир-бирига туташиб кетар, силлиқ манглайда ажинлар пайдо бўлар, бурун катаклари керилар, устки лаби кўтарилиб, тишлари кўришиб кетарди. Султон Ҳусайн хотинининг гапларига диққат билан қулоқ соларди. У хотинининг ғазаби ва шуҳрат-парастлигидан руҳланар, лекин ҳамиша ўз билгича иш тутарди. Кеч кузда у Марв ва Хива ўртасидаги чўлга бориб чодир тикди ва шу ерда қишлади. Шу саҳрода тўнғич ўғли тугилди, унга Бадиуззамон деб исм беришди. Ўғил кўриши муносабати билан у газал ёзди ва Санжар Мирзо тортиқ қилган араб тулпорига анча вақтгача лашкаргоҳни айланиб чопди.

— Ворис тугилди, ворис! — деб қичқирарди у.— Темурий! У подшо бўлади!

Султон Ҳусайн ўглини баланд кўтарганда бир кулик чақалоқнинг қиқирлаб кулганини хотинлар анча вақтгача гапириб юришди.

Ҳусайн ўша кунни Санжар Мирзога қўпол бир хат ёзди.

Санжарни набира кўриши билан қутлади ва «мени маҳрум қилмоқчи бўлган ерларингга шу гўдак ҳукмрон бўлади» деб олт ичди. Ҳусайн абжир бир чопар орқали мактубни Марвга жўнатди. Аммо чопари қайтмади: Санжар унинг бошини кесдириб ташлади.

Қиш охирлаб қолганди. Қандай қилиб бўлса ҳам ҳар тарафдан қўшин тўплаётган Санжарнинг кучини қирқиш керак эди. Ҳусайн энг тажрибали, чапдаст йигитларини йиғди-да, лашкарнинг қолган қисмини қароргоҳда қолдириб, айланма йўл билан ғарбга, Тажанга қараб юрди. У ўз вақтида етиб борди: Санжарга ёрдам бериш учун Марвга ҳар тарафдан тўда-тўда навкарлар йиғилмоқда эди. Уша тўдалардан бири Ҳусайнга дуч келди. Қўққисдан қилинадиган ҳужумни ғалабанинг йўлдоши деб билган Султон Ҳусайн тўдага ташланди, Санжарнинг навкарлари тор-мор келтирилди.

Енгилганларнинг бир қисми қочиб яширинди, аммо кўпчилиги Ҳусайн томонга ўтди. Қўшин бошлиғини Султон Ҳусайн қатл этди. Дастлабки ғалабадан маст бўлган Ҳусайн базм берди. Улжа олинган отлар, туркман бедовлари, айниқса уни қувонтирарди.

Тажандан кейин Неса шаҳрини, ундан сўнг эса Астрободни олди. Ўзида куч-қувват сезган Ҳусайн, бошқалардан ўзига бўйсуншни талаб этди. Шу мақсадда у бир-бирига душман бўлган икки султонга: Марвдаги дайнатаси Санжарга ва ўзининг эски душмани, Ҳирот ҳукмдори Абусаидга элчилар юборди.

Тўини тескари кийиб олган Санжар ҳамон қаттиқ турарди. У қизини оқ қилиб, унинг авлод-аждодини бир умрга лаънатлади. Ҳусайннинг элчисини эса, олдига солиб қувди.

Абусаид Ҳусайннинг элчиларини шоҳона қабул қилди, бироқ дарҳол жавоб бермади, вазиятнинг пастибаландини мулоҳаза қилиб бир оз вақт сабр этмоқчи бўлди. У бир вақтнинг ўзида бир неча султон билан жанг қиларди. Улар орасида Санжар ҳам бор эди.

Орадан кўп ўтмай Ҳусайн қувончли хабар олди. Серахс остонасидаги жангда Санжар Абусаид томонидан асир олиниб, ўлдирилибди. Санжарнинг боши найзага кўндириб Ҳиротга келтирилганини эшитган Султон Ҳусайн ўзида йўқ қувониб муштларини қисди-да:

— Ҳа-а, ана! — деб қичқириб юборди.

Душмандан қутулгани шарафига уч кечаю кундуз зиёфат берди. Отасининг ўлимини эшитиб, Беканинг ранги қув ўчиб кетди. Бу шум хабар унга яна талайгина янги фалокатлардан хабар бераётгандай эди. Бир

вақтлар у отасидан осонгина кечиб, севган эри ортидан кетган эди. Энди бўлса, Ҳусайнни кўргани кўзи йўқ. Яқиндан бери Ҳусайн Бекага дағал, совуқ муомала қиладиган бўлиб қолган эди.

Сафарларда ўтказилган кўчманчи ҳаёт Ҳусайнни бағритош қилиб юборди. Бунинг устига у шунча кўп хиёнатни кўрдик, энди хоинлик кўпларга хос хислат деб ҳисоблай бошлади. Яқин-яқинларда газаллар битиб, Беканинг ҳусни-жамолини куйлаган Ҳусайн қаёқда қолди! Энди у Бекага шубҳа билан боқарди. Агар хотини чарчадим деб шикоят қилса, Ҳусайн: «Бека саройдаги ҳузур-ҳаловатни қўмсаепти», деб ўйлар ва назарида хотини шу туфайли уни ташлаб кетишдан ҳам тоймай-дигандай туюларди. Хотини келиб эркалик қилса, буни у мунофиқликка йўярди. Бека энди Бадиуззамонни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилди, чунки ўғлини кўрганда Ҳусайннинг кўнгли юмшарди.

* * *

Уруш йўли ёқасидаги қишлоқларнинг ҳоли жуда хароб эди. Ҳар иккала томон ҳам заррача гуноҳи йўқ аҳоли устига ёпириларди. Меҳнаткаш деҳқонлар тер тўкиб етиштирган ҳосил оч навкарлар томонидан таланар ва пайхон қилинар эди. Ҳамма ёшлар қўшинни тўлдириш учун олилар, баъзан оға-ини бир-бирига душман икки қўшинга тушиб қолиб, бир-бирларига қарши жанг қилишга мажбур бўлишарди.

Замин ўт ичида қолди. Кексайиб қолган Жаҳон қовжираб кетган ерларни кетмон билан юмшатмоқда. Сувни узоқдан келтириш керак бўлар, набираси Мусабек рўзғордаги биттаю битта отни урушга миниб кетгандан бери, ишлар эшакларнинг зиммасига қолган эди: оқ эшак жуда ҳам ориқлаб кетган, чол охирги бурда нонини у билан баҳам кўрди. Мусабекнинг отаси Нуриддин мевалар териладиган пайтгача тўқиган саватларини сотиб улгуриш учун қишлоқма-қишлоқ кезарди. Оёғи синиб ётган онанинг онлага ёрдами тегмайди. Тўғри, у сават тўқийди, бироқ кейинги пайтларда жуда мадордан кетиб, беш куннинг бадалида аранг битта саватни тўқиб битирди. Фақат ўн ёшли Салимгина елиб югуриб бобосига ёрдамлашади. У эшакка ем-хашак солар, сув келтирар, сават тўқиш учун онасига ҳўл новда тайёрлаб берар, гапи эса, сира тамом бўлмасди. У ҳали-ҳали ота-

си билан Марвдан Машҳадга қилган саёхатини унутмасди.

— Биз нақ жаннатдан оқиб чиқадиган дарёнинг бўйидан ўтдик,— дерди у Мурғобнинг сувлари эсига тушиб.

— Ҳа, нимасини айтасан,— дерди хўрсиниб чол,— у ерларнинг сувини сув деса бўлади, бу ернинг суви — бамисоли елкамнинг тери.

— Экин қилишнинг фойдаси ҳам йўқ,— деб минғирлади соф ҳаводан нафас олиш учун зўр-базўр судралиб эшик олдига чиқаркан она.

— Ерга дон экилмаса, ўт-ўлан ҳам унмайди,— деб тўнғиллади чол.

— Уруғликни ўзимиз ея қолганимиз яхши эди.

— Учир овозингни, эси пас! Янаги йилга нима ейсан?

— Барибир солиқчилар дон етилгунча ҳаммасига эга бўлиб олишади.

Турмуш кундан-кунга огирлашиб борарди.

Қўшниларнинг аҳволи ҳам шу, бир сиқим уруғлик қарз қилиб турадиган одамни топиб бўлмайди.

Теварак-атрофдаги ерларнинг эгаси бўлган бой заминдор бу ерларга сув чиқармоқчи бўлиб, ариқ қаздира бошлади, бироқ уруш ишнинг белига тепди. Бек ҳамма йиғитларни олиб, Санжар Мирзога бориб қўшилди. Мирзо ўлдирилгач, унинг ўғли Умарга хизмат қила бошлади.

Одамлар қишлоқда қолаётган аёллар ва болаларни ўйлаб, ариқни қазиб тугаллаш учун бекдан ёлбориб ижозат сўрадилар, бироқ бек уларни жеркиб берди:

— Ҳар ишнинг ўз мавруди бор. Уруш вақтида қамиш фақат найзага ишлатилади, шакар қамиш ҳақида кейин бош қотирамиз.

Одамлар: «Мана шу «кейин» келгунича ҳаммамиз бошимиздан жудо бўламиз»,— деб ўйлашар, аммо ботиниброқ бир нима дейишга журъат этишолмасди.

Уларнинг бахтига, узоқ вақтгача уруш бу қишлоқдан четда бўлди. Мусабек доми-дараксиз кетганидан, онаси унга аза тутди.

Кунлардан бир кун ярим кечада отлар дукурдан ҳамма уйғонди. Бир тўда отлиқ от чоптириб келди. Йўлни машъалалар билан ёритиб келаётган отлиқлар қишлоқнинг ўртасига келиб тўхташди.

— Шу ердами?

— Шу ерда, тақсир, мана бу бизнинг уй.

— Яхши, шу ерда тунаб, дам оламыз-да, эртага яна йўлга тушамиз. Айт, отларни қантаришсин.

Йигитлар отлардан тушишаркан, шанғиллаб гап-лашишарди. Қишлоқ аҳолиси уларнинг кимлигини билишга қизиққан бўлса-да, тагин бир балони бошлаб келишган бўлмасин, эҳтимол ҳализамон жўнаб кетишар, деб уйдан чиқмай ётаверди. Аммо узоқ йўл юриб ҳориган навкарлар кетишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Улар Санжар ҳалок бўлган Серахсдан келишмоқда эди. Омон қолган бу тўдага Санжарнинг ўғли Умар бошчилик қиларди. У ўн тўққиз ёшда, Бекадан бир ёш катта бўлиб, дунёда яхши кўрган иши лочин ови эди. У султон бўлишни мутлақо ўйламас, шунинг учун Ҳусайнга таслим бўлишга қарор қилган эди; Ҳусайнга Марв ҳокимлигини топшираман-да, ўзимнинг саройида тинч умр кечираман, дерди у. Умар синглиси Бекани яхши кўрарди. Ёшликда улар тепкилашиб, бирга ўсишганди. Ҳусайн ўзининг жасорати ва қатъияти билан унга ёқарди. Умар ҳам довурак йигит эди-ю, бироқ ҳокимият уни ҳеч бир қизиқтирмас эди.

Умар Мирзо ҳали: «айт, отларни қантариб қўйишсин», деб буюрган навкар келиб, Жаҳон отанинг эшигини қаттиқ тақиллатди. Ичкаридан аёл кишининг қўрқув ичиди:

— Худо ҳақи айтинг, ким бўласиз?— дегани эшитилди.

— Ойи, бу мен, қўрқманг.

Кампир Мусабекнинг овозини таниди.

ҲУСАЙН УМАРНИНГ АСКАРИНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРАДИ

Санжар мағлубиятга учради деган хабар олинганидан бир неча кун кейин Умар ўз тўдаси билан Астрободга, Ҳусайн ҳузурига келди. У қурол-яроғини Ҳусайннинг оёғи остига ташлаб, ўз қисматини итоаткорона кута бошлади. Ҳусайн ўйга толди: «Ҳозир у кучсиз, шунинг учун бўйни хам. Аммо бу хўрликни сира ёдидан чиқармайди, негаки у Санжар уруғидан. Агар қўлига навкар берсам, у менинг ўзимга қарши чиқиши мумкин. Қабул қилмасам, ўзимга ортиқча душман ортдир-

ган бўламан. Менинг унга ҳеч бир кеким йўқ, лекин у вақти келиб, хавфли одамга айланиши мумкин, шунинг учун уни йўқ қилмоқ даркор».

Ҳусайн Умарни ўлимга буюрди.

Бахти қаро йигит билан келган тўда бир чеккада ўз бошлигини кутиб узоқ турди. Очиққан, толиққан отлиқларга ўтган-кетганлар ҳайрон бўлиб қарашарди.

— Узоқдан келдингларми?— деб сўради кўчанинг нариги бетидан судралиб ўтиб келган кекса қаландар.

— Қўшинимиз Серахс остонасидаги тенгсиз жангда тор-мор бўлди.— жавоб берди майда ҳалқалардан ясалган совут кийиб олган бир ёш жангчи. Бу Мусабек эди.— Бироқ биз беҳуда қон тўкилишини истамаймиз. Биз қудратли ва одил ҳукмдор қўли остида яшамоқ истагидамиз, шунинг учун Султон Ҳусайн аъло ҳазратларига бош уриб келдик; у киши бизга ва бизнинг оилаларимизга уй-жой ва ризқи-рўз берадилар деган умиддамиз. Санжар Мирзонинг муфтий ва қозилари бизни алдаб келишди; улар бир сават узум ўғирлаш учун бутун бошли боғга ўт қўйишдан ҳам тойишмас эди. Солиқларни тўлаб бўлгач, бечора деҳқоннинг ўзига бир кап дон қолмасди. Бир йил бадалида хўжайиннинг ерида юз кун, ҳатто икки юз кун ишлаб беришга тўғри келарди. Йўқ, бас энди. Биз доно ва одил подшо бўлсин деймиз.

Қаландар бошини маъюс тебратган эди, соқоли кулгили бир тарзда диккайиб, юқорига қараб силкинди.

— Астрободда орзуларим ушаллади деб ўйлайсизми? Ҳа, чироғим-а, бу ерда урушсиз ўтган кун йўқ. Ҳамма ерда уруш. Одамлар бу ёруғ дунёнинг нозу-неъматларидан воз кечмагунча уруш бўлаверади.

Йигит эндигина бир нима демоқчи бўлган эдики, ҳозиргина аранг юриб келган чол чўққи қалпоғини бостириб кийиб, жадаллик билан ундан узоқлашди.

Саройдан қуролли кишилар югуриб чиқиб, тўдани қуршаб олди, Умарнинг йигитлари гангиб қолишди.

— Ҳой навкарлар,— дея гап бошлади каттакон эгри қилич таққан кўса соқол Музаффарбек,— Султон Ҳусайнга хизмат қилгани келдингларми? Аммо сизларнинг орқадан пичоқ уриб хонлик қилмай, садоқат билан хизмат қилишингизга ким кафил бўла олади?

Музаффар навкарларга, уларнинг чангга беланган, толиққан, аммо кучли отларига тикилиб, сукут қилди.



Бир оз жимликдан сўнг дубулга кийган бир навкар сўз қотди:

— Бошлиғимиз Умар Мирзо кафил бўладилар. У киши шу ерда, қурол-яроғларини Султон Ҳусайн ҳазратларининг оёғи остига ташлагани саройга кириб кетдилар.

— Бошлиғингиз қурол-яроғидангина эмас, бошидан ҳам жудо бўлди. Султонимиз кечагина ашаддий душманимиз Санжар қўли остида бизга қарши урушган кишига ишонмайдилар.

Ҳамманинг кўксидан «оҳ» деган нидо чиқди. Навкарлар отларига ташланишди. Бироқ Музаффарбек қўли билан имо қилиб уларни тўхтатди. Кейин ўдағайлаб гапира бошлади:

— Султонимизнинг иродаси будир! Ораларингиздан бирортангиз менинг ишорам билан от миниб чопади. Ортидан ўқ узилади. Ўқ бориб тегмай, у бешикаст қочиб қутулса — бахтингиз, омон жўнайсизлар. Мабодо у ўлар экан, сизларнинг ҳам қисматингиз — ўлим. Қани, ким чопади?

Орага бир дақиқа сукунат чўкди. Сўнг бирдан Мусабек олдинга чиқди.

— Мен чопамен!— деди у ўт чақнаган қора кўзларини бекка тикиб, хотиржамлик билан.

— Мусабек чопмоқчи, Мусабек...— деб шивирлашди навкарлар.

Мусабек отининг айилини тортиб боғлади-да, сакраб устига минди.

— Қарс чалишим билан чопасен,— деди Музаффар, мийиғида кулиб; ёш навкарнинг зум ўтмай ҳалок бўлишига бекнинг ишончи комил эди.

От тоқатсизланиб депсинар ва сўйлиғини чайнар эди. Бир неча лаҳзадан сўнг қарс овози янгради. От бир ўйноқлади-ю, қушдай учиб кетди. Ортидан ўқ узилди. Шу захотиёқ орқадан аёл кишининг «Дод!» деб чинқиргани эшитилди, оломон ичида турган бир қиз қўли билан юзини беркитди.

Ўқ ғув этиб учиб, узоққа бориб тушди. Ҳамон бурқсаб кўтарилаётган чағи тўзони ёш навкарнинг омон-эсон қутулиб кетганидан далолат берарди.

Ҳамма енгил тортиб:

— Хайрият, омон кетди!— деб хўрсиниб қўйдн.

Бек эса қовоғини солиб:

— Бахтинглар бор экан, қани, вақт ғаниматда отингларни «чу» деб қолинглар! Менга қолса-ку, отларни қўлдан чиқармаслик керак эди-я,— деди.

Навкарлар буйруқнинг яна такрорланишини кутиб ўтирмай жадал йўлга тушдилар.

«Қушдай учадим-я,— деб қўйди Музаффар биринчи бўлиб от чопган навкарни эслаб,— тагидаги оти ҳам бамисоли ўт. Бундай отни қўлдан чиқариш увол, бироқ Султон Ҳусайннинг раъйини қайтариб бўлармиди».

Бек шундай деб хаёлидан ўтказди-ю, бироқ ўзи дарҳол қўрқа-писа атрофга аланглади, чунки Султон Ҳусайннинг иродасига қарши бирон нарсани ўйлашнинг ўзи даҳшат эди.

* * *

Ғалабалардан маст бўлган Султон Ҳусайн эски гиналарни вақтинча унутиб Абусаид билан ярашди. Ҳатто танга пулларни ҳам Абусаид тамғаси билан зарб қилдира бошлади. Яъни Ҳусайн Абусаидни ўз ҳукмдори деб таниди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Забт этган ерлари унга торлик қила бошлади. Ҳусайн катта қўшинни боқиши керак эди. Унинг навкарлари орасида босқинчилик билан кун кечириб келган очкўз, таъмагир кишилар кўп эди. Улар Мозандарондан* Хуросанга бир неча марта босқин қилишди. Хуллас охири Абусаид билан бўлган муносабатлар яна бузилди. Ҳусайннинг қўшинлари Сабзавор ва Нишопурга етиб борди. Тўғри, бу муваффақият мустаҳкам эмасди. Бир йил ўтар ўтмас душман қўшинининг тазйиқи остида Ҳусайн Астрободни ташлаб чиқишга мажбур бўлди.

МУСАБЕК ВА ДУРСУЛТОН

Астробод тепасида баркашдай ой сузади. Уйлар узун-узун кўлка ташлаган. Баланд кўтарма устида соқчи у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Совути ой нурида ярақлайди. Денгиз тарафдан енгил шабада эсмоқда. Теварак-атроф жимжит. Бирдан кўтарма остидан аёл кишининг шарпаси лип этиб ўтди-ю, тўхтаб соқчини кузата бошлади. Соқчи уни пайқаб қичқирди:

* Мозандарон — ҳозирги Эроннинг Каспий денгизи жанубий қирғоғига жойлашган вилоят.

— Ким у? Бу ерга ёмон ният билан келган ҳар бир кимсанинг бошини танасидан жудо қиламен!

Қиз журъат қилиб, жадаллик билан унинг ёнига чиқди. Бошидан оёғигача чодрага ўралиб олган қиз даф-даф титрарди.

— Мен — Дурсултонмен. Сизга нон келтиргандим.

— Сенмидинг бу, жасур қиз! Қандай журъат эдинг?

— Бошимга қилич келса ҳам йўлимдан қайтмасдим. Эрталаб сизга «Астрободни тарк этасен!»— деб буюрганларини эшитиб эдим.

— Тушимми ё ўнгимми? Булар ҳаммаси ойдин тунда хаёлим яратган эртакка, сен эсанг, фалакдан тушган парига ўхшайсен.

— Афсуски, Боғдоддан келган савдогарга хотин қилиб сотилаётган оддий бир қизмен. Аммо ўлсам ўламэн-у...

— Мана бир неча кундирки, яқинингдамен, боғда ва ариқ ёқасида сени кўриб турамен. Кўзинг кўзимга кўп тушди. Мен сенинг снгил одим отишингни, «Содиқ отим кўп айёр...» деб қўшиқ айтган овозингни, Дурсултон деган исмингни, севиб қолдим. Ҳатто сенга атаб шеърлар ёздим. Сен менинг исминни биласенми?

— Ҳа, биламен: исмингиз Мусабек. Бултур ортингиздан ўқ узганларида мен халойиқ ичида эдим.

— Ушанда чинқириб юборган сенмидинг? Овозинг шамолнинг шувиллаши ва ўқнинг визиллашини босиб кетган эди.

— Мен ўқни қўрқитиб юбормоқчи эдим, истаганимча бўлиб, ўқ ёпингиздан учиб ўтди. Мана энди, Султон Абусаиднинг қўшини билан қайтиб келганингизда эса, навкарлар орасидан сизни дарҳол таниб олдим.

Дурсултон жим қолди, унинг чарос кўзлари юзининг пастки қисмини беркитиб турган рўмол тепасидан Мусабекка ғамгин боқарди.

— Мана, энди яна кетяпсиз...

— Менга қара, Дурсултон, бошимдан кечганларни айтай. Ана шу бир йил мени кўп нарсага ўргатди. Султон Ҳусайн бизга жавоб бериб юборгач, отам билан бобом ўргатгандай ер ҳайдаб экин қилиш мақсадида Марв яқинидаги қишлоғимга қайтиб бордим. Аммо қишлоқ вайронага айланибди. Ҳовли-жойим, кулбама куйиб кул бўлибди. Ота-онам, сингилчам очдан ўлишибди. Қа-

ри бобом билан укам Салимгина бу офатдан омон қолишибди. Кўздан қолиб, гадо бўлган бобом бир вақтлар ҳовлимизнинг атрофини ўраб турган деворнинг харобасида ўтирган экан. У атайдан мени кутгандай вассият қилди: «Ўғлимнинг ўғли, набирам, бизнинг ерларимиз бир вақтлар бамисоли гуллаб-яшнаган боғ эди. Чингизхон келиб уни поймол этди. Кейин Темурланг давр сурди: беҳисоб тўкилган қонлар ҳамон хотиримда. Мана энди еримиз яна ўт ичида қолиб, хонавайрон бўляпти. Ога инисига қарши от суряпти. Ҳаммалари меҳнаткашнинг охирги бурда нонини тортиб олишмоқда. Ҳамма қон тўкиш иштиёқида ёнади. Болаларим ва набираларимнинг ўлимини кўриш мен шўрлик чолнинг пешонамга ёзилган экан. Қачон олло-таолонинг раҳми келади-ю, омонатини олади?! Оҳ, пешонам қурсин, шўр пешонам! Гўзал Хуросонимиз қачон мустаҳкам давлатга айланаркин, уни ичдан кемирувчи ўзаро қон тўкишларга қачон чек қўйиларкин?..» Бобом шундай деди. Тангри илтижосини қабул қилиб, тиззамга бош қўйганча жон берди. Укам оёқларига бош уриб йиғлади. У бобом учун тиланчилик қилар экан, энди у овунчоғи ва суянчиғидан ажралган, тиланчиликка ҳам ҳожат қолмаганди.

Мен вайрон бўлган кулбамизни тикламоқчи, укамни бағримга олиб, ўз меҳнатим билан тинч яшамоқчи бўлдим. Харобага айланган ҳовлимда бир неча кун яшаганим ҳам йўқ эдики яна Абусаиднинг қўшинлари бостириб келди ва мени султонга хизмат қилишга мажбур этишди. Уларга менинг отим ва қиличим керак, ҳозирча билагимда кучим бор, шунинг учун ўзим ҳам ярайман. Бироқ Абусаид яхшиликни билмайди. Мен қўшинга укам Салимни ҳам олиб келишга ижозат сўрадим; укам ўзи кичкина бўлса ҳам эпчил, чайир бола; фойдаси тегиб қоларди, катта бўлса ботир йигит чиқади. «Бизга тирранчалар керак эмас» деб жавоб беришди менга. Иложим қанча, Абусаид қўшинида хизмат қила бошладим. Салимни Ҳирот яқинида бир хонадонга жойлаштирдим; у ғайратли бола, бир бурда нонни бекорга емайди. Хўжайинлари камбағаллик, етимлик нима — яхши билишади; ўзлари ҳам ошиб-тошиб кетган одамлар эмас. Дурсултон, агар мен подшо бўлганимда бутун бойлигимни оёқларинг остига тўкиб солардим. Аммо мен оддий бир навқармен. От билан қиличдан

бошқа нарсам йўқ. Сенга мен қалбимни ҳады этамен, отим ва қиличим эса, Хуросоннинг бахти ва қудрати учун курашадиган кишига хизмат қилади. Сиримни сенга ишониб айтяпмен. Биронтасига айтсанг, мени ўлдирадилар!..

Дурсултон бу ҳақда ўйларкан, юраги орқасига тортиб кетди, қўллари билан юзини беркитди. Мусабек энгашиб, унинг қулоғига нимадир шивирлади. Кейин иккала қўлини унга узатди-да, баланд овоз билан:

— Бир йил кут, сўнг қайлиғим бўласен,— деди.

Дурсултон жавоб қилди:

— Бошимга нималар тушмасин, ҳатто ўлим келса ҳам, албатта кутамен. Эсингиздами, эртақлардан бири-да бир қиз: «Мен узоқ юртлардан мени деб келган, минг қадамдан танга пулни урган азамат мерганга, курашда тўқсон алпни йиққан паҳлавонга тегамен» дейди. Сиз—ўша азамат мерган, энг кучли, энг довюрак, энг ҳимматли йигитсиз. Майли, бориб жанг қилинг. Йигитнинг сараси жангда билинади.

МУСАБЕК ҲУСАИН ДАРҒОҲИГА КЕЛАДИ

Бағри кенг Амударё сарғимтир лойқа тўлқинлар отади.

Тонг чоғи дарёнинг ўнг қирғоғида бир даста отлиқ пайдо бўлди. Султон Ҳусайннинг лашкари бир неча кундан бери кечаю кундуз йўл юриб келарди; улар шимолга, Хоразмга йўл олишганди. Ҳусайн у ерга бориб, ўзини обдан ўнглаб олмоқчи ва куч йиғиб, яна Абусаидга қарши қўшин тортмоқчи эди.

Олдиндагилар қувонч билан:

— Сув, сув!— деб хайқирашди.

Амударёнинг сарғимтир суви қуёшнинг дастлабки шуълаларида олтиндай товланарди. Лашкар шовқинсурон билан дарё ёқасига қўнди.

Дарёдан ўтиш режасини тузиш учун Ҳусайн ўз чодирига барча бек ва қўшин бошлиқларини йиғди. Чекка-чеккадан ҳадиксираган овозлар эшитилди; кимдир «дарёдан ўтиш хатарли, биз бунинг учун етарли тараддуд кўрмаганмиз, қайиқларимиз ҳам оз» деб ғудранди. Султон Ҳусайн тараддудланиб турганларнинг гапини кесди:

— Буюк саркарда Темур бундай тўсиқлар қарши-сида тўхтаган эмас. Таваккал қилмаган киши ҳеч қачон зафарга эриша олмайди. Дарҳол дарёдан ўта бош-ламасак, бизни қуршаб, тор-мор этадилар. Кўлимизда меш ва терилар бор. Қайиқларни бир-бирига боғлай-миз. Навкарларимиз кечувга қулай жой қидириб топ-синлар. Қарабсизки, қуёш найзага келмасдан дарёнинг нариги қирғоғида бўламиз.

Султон Ҳусайннинг сўзлари буйруқ эди. Беклар ит-аткорлик билан унинг амрини бажо келтиргани чиқиб кетдилар.

Лашкар қирғоққа жойлашди. Кимлар отини тараш-лар, айилпўштонларни тикар, кимлар қилич ва ханжар-ларини қум қайроққа қайрар, дуд ўчоқларга ўт ёқиб, қатлама ва лочиралар пишироқда эди. Йўл-йўлакай ов қилишга улгурган баъзи омади келганлар отиб ол-ган жайрон ва паррандаларини кабоб қилмоқда эдилар.

Кечиб ўтишга қулай ер қидириб жиққа ҳўл бўлган ва ҳориган бир неча навкар қароргоҳга қайтаётган эди. улар қаршисидан қора араб тулпори минган нотаниш бир йигит чиқиб қолди.

— Қаердан кечиб ўтиш кераклигини мен биламен,— деди у дўстона оҳангда хотиржамлик билан.— Бек ҳузурига олиб боринлар.

Навкарлар бир-бирларига қараб олишди. Кейин маслаҳатлашиб, бекнинг ғазабини шу билан бир оз бо-сармиз деган ўйда рози бўлишди. Шундай бўлса ҳам, эҳтиёт шарт, ундан:

— Узинг ким бўласен?— деб сўрашди.

— Буни мен бекка айтамен.

Ҳадемай Ҳусайннинг навкарлари бу нотаниш йигит билан қароргоҳга яқинлаб келдилар; ҳашамдор чодир-га кира беришда Музаффарбек ўз навкарларини то-қатсизлик билан кутмоқда эди. У қўлини кўзларига соябон қилиб, узоқларга тикилар, чап қўли каттакон қиличнинг сопини маҳкам қисиб турарди. Навкарлар етиб келиб, кечиб ўтадиган ер тополмадик дейишган эди, бекнинг кўзлари чақнаб кетди. Вақт ўтиб борар. Султон Ҳусайн эса, кутишни ҳуш кўрмасди.

— Мана бу йигит: «Саёз ерни биламен, бироқ уни бекнинг ўзигагина кўрсатамен», деяпти.

«Бу отни қаерда кўрган эдим-а?— деб ўйлади бек.— Йигитнинг ўзи ҳам таниш кўринади».

— Кимсен?— шубҳали, дағал овоз билан сўради бек.

— Исмим Мусабек. Бундан бир йил муқаддам Астрободда менинг ортимдан отилган ўқ ёдингиздами? Ушанда ўқ тегмай ўтиб кетган эди, мана энди мен ўз хоҳишим билан ҳузурингизга қайтиб келдим. Орада ўтган ана шу бир йил менинг кўзимни очди. Абусаид содиқ навкарларининг қадрига етмади. У, қилган ишингдан миннатдор бўлишни билмайди. Султон Ҳусайннинг қўшини Астрободдан чекинганда, мен яширинча сизларнинг ортингиздан йўлга тушдим. Менинг отим дурбошлар* тўдасидаги отларнинг энг чопқир.

— Дарҳақиқат, отингнинг баҳоси йўқ.

— Мен Абусаид ҳузурига қайтмасликка аҳд қилдим: Султон Ҳусайнга хизмат қилмоқчимен. У довиюрак ва қудратли ҳукмдор. Мени лашқарингизга қабул қилинг: тангри номига қасамёдим, содиқ навкарингиз бўламен.

Бек унга мамнуният билан боқиб, нима ҳақдадир узоқ мулоҳаза қилди.

— Яхши,— деди у ниҳоят.— Сени ўз тўдамга оламен. Саёз ерни кўрсат.

* * *

Султон Ҳусайн тепаси оқ, қора чодир ичида, юмшоқ тўшакда ўтирарди. Сафар вақтида у аксар вақт почаси калта кўк чолвори билан баланд пошнали этигини киярди. Бугун эрталаб кун салқин бўлганидан, у шоҳи тўни устидан елкасига чакмон ташлаб олган эди; ёқасига савсар мўйнаси солиб тикилган бу чакмонни унга узоқ шимол мамлакатидан келган ва Баҳри Хазардан** сузиб ўтган бир рус савдогар совға қилган эди. Бошидаги оқ саллага қора жиға қадалган. Энлик оқ камар келишган қоматини қисиб турарди. Ҳусайн оғзига қисмлаб мағиз солар ва катта қадаҳдан бухоро қирмизи майини сипқорарди. Ёнидаги тўшакда яроқ-аслаҳалари: совути, дубулғаси ва қиличи турарди.

Бурчакдаги пастаккина курси ёнида ўтирган котиб савағич қалам билан нимадир ёзар, чодирга кираверишда икки навкар қимир этмай туришарди.

* Дурбош — разведкачи. (Тарж.)

** Баҳри Хазар — Каспий денгизининг ўша вақтдаги номи,

Ҳусайн қаршисида қирқ ёшлар чамасидаги шоирона кўзли ва олимона манглайли киши — Кобилий тахаллу-си билан шеър ёзувчи амир Саид ака ўтирарди. У но-зик бармоқлари билан битта-биттадан мағиз олиб, ор-зига солар ва оҳиста чайнарди; шарбатни ҳам қултум-лаб ичарди.

— Ҳечқиси йўқ, яқин фурсатда Астробод яна ме-нинг қўлимга ўтади; бу сафар қайтиб бермайдиган қилиб оламен. Сабр-тоқат ва абжирлик бўлса бас. Қан-ча меш шайланганидан хабарингиз борми?— деди Ҳу-сайн ва болалардек севиниб кулди.

Сўнгра ўрнидан турди-да, гилам устида йўлбарс сингари товуш чнқармай, энгил одим отиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Улуғ султон,— хотиржам жавоб қилди Саид ака,— сиз тахту-тожга эришгайсиз. Бу — қуёшнинг ҳар куни шарқдан чиқиб, ғарбга ботганидай мухаққақдир. Биз жонажон ерларимизни бойитамиз, Хуросоннинг ҳуснига ҳусн қўшамиз, Мавороуннаҳрни унга бирлаш-тирамиз.

— Кобилий, Ҳиротга етиб борган кунимизоқ, сиз буларнинг ҳаммасини ғазал ва қасидаларда мадҳ эта-сиз!

— Оҳ, Ҳирот!— деди Саид ака, ширин орзуларга чў-миб.— Пойтахтлар пойтахти Ҳирот!

— Шундай шаҳарга Абусаиддек жоҳил ҳукрон-лик қилса, бу қандай гап!— тутқиб қичқирди Ҳусайн.— Сизнинг жиянингиз, менинг дўстим Алишернинг ҳоли не кечдийкин? Мен уни охири марта бундан тўрт йил муқаддам, Машҳаддан чиқиб кетатуриб кўргандим. Би-роқ Алишернинг қиёфаси қалбимда мангу ўрин олган. Фақат Алишергина давлатнинг энг пешқадам шоири бўлғусидир. Алишернинг форси ва туркидаги шеърлари баб-баравар гўзал. Биз ажралишганимизда у ёш бола эди, аммо ўша вақтдаёқ жонкуяр давлат арбобидек му-лоҳаза юритарди.

— Улуғ султонимнинг тожларида у бебаҳо олмас янглиғ порлағусидир.

— Яна бир қадаҳ май кетир,— деб амр қилди Ҳу-сайн қулига ва мулозимининг таънали нигоҳини пай-қаб, шодон қўшиб қўйди:— Мулки Жам истар эсанг чек жоми сабуҳ!» Бу Навоийнинг бир вақтлар менга бағишлаб ёзган ғазалидан. Мен дўстимнинг насиҳатини

бажо қиялпмен,— дея ҳазиломуз сўзини тугатди Хусайн, сўнг тўсатдан дағал овоз билан котибдан сўради:— Қўшин бошлиқларига буйруғим кўчирилдими? Бу ялқовбаччаларга бирор ишни жадал бажартиришдан тошбақани югуртириш осонроқ!

Хусайннинг қовоғи солинди, ўз мақсади йўлида олиб бориши лозим бўлган курашларнинг бутун машаққати кўз олдига келгандай, чехраси қоронғилашди.

Чодирнинг юпқа девори ортидан ғовур-ғувур эшитилиб, кимдир:

— Кечув топилди, кечув! Султон олий ҳазратларига маълум қилинлар!— деб ҳайқирди.

Шу заҳоти гилам тўсиқ очилиб, Музаффар кирди. У тиз чўкди-да, ер ўпиб таъзим қилди:

— Улуғ султон, Абусаид қароргоҳидан бир навкар келди. У ҳазрат олийларига садоқат билан хизмат қилишга қасам ичди ва кечиб ўтадиган ерни кўрсатиб, содиқлигини исбот ҳам этди.

— Олиб кирилинг!— деб амр қилди Хусайн.

Мусабек кирди. Қора кўзларининг хотиржам боқишида салобат акс этар, хатти-ҳаракатида ҳушомад ва саросима кўринмасди. Хусайн уни мамнуният билан кўздан кечирди.

— Не мақсад сени биз тарафларга келтирди?— деб сўради у улуғворлик билан.

— Улуғ султон, аминменки, сиз халққа бахт-саодат келтирурсиз. Мен Санжар ва Абусаид қўшинида хизмат этдим. Улар ҳукмронлик қилган ҳамма ерда эркакларнинг қони ва аёлларнинг кўз ёши тўкилди, бола-чақанинг дод-фарёди фалакни тутди. Тинч ҳаёт иштиёқида Хуросоннинг тинкаси қуриди.

— Аммо бунга эришмоқ учун яна кўп курашиш даркор.

— Улуғ султон, бу йўлда жонимни фидо этишга, қиличим ва отим билан хизмат қилишга тайёрмен. Мен Астрободда кўзимнинг нури, аҳдлашган севгилимни қолдириб келдим. Мен унинг ёнига қўшинингиз галабага эришгачгина қайтамен.

— Хўш, Саид ака, сиз нима дейсиз?— сўради Хусайн.

Саид ака кўз узмай Мусабекка тикилиб ўтирарди.

— Мард йигит экан. Кўзларига, олижаноб қиёфасига қаранг. Улуғ султон, унга ишонса бўлади!

— Майли, айтганингиздай бўлсин!— деди Ҳусайн мамнуният билан.— Сени илғорга бошлиқ тайинладим. Кечувдан бошлаб ўт!

* * *

Шундай қилиб, Султон Ҳусайн яна Астрободни забт этди. Кейин Ҳусайн яна бир қанча шаҳарларни олди. У қуюндек елиб, катта-катта масофаларни жуда тез бошиб ўтар, гоҳо саҳрога шўнғиб кетар, гоҳо катта карвон йўлларида пайдо бўлиб қоларди. Ниҳоят у Ҳиротни қамал этишдек қалтис ишга жасорат қилди. Қамал бир неча ҳафта давом этди, аммо Ҳусайн чекинишга мажбур бўлди. Серахсда Саид ака бошчилигида қўшиннинг бир қисмини қолдирганди. Ҳамма тарафдан қуршалган Серахс қаршилиқ кўрсатишга ожиз эди. Қамалдагиларнинг ҳаётини сақлаб қолишни шарт қўйиб, қўшин таслим бўлишга қарор қилди.

Серахсни эгаллашга ошиққан Абусаид бу шартни қабул қилди, бироқ ўзидан Ҳусайнни афзал билган Саид акани кўриб, ваъдасини унутди ва бекни ўлдирди.

Бу хабар ҳадемай Ҳусайннинг қулоғига етди. Хабарни омон қолган Мусабек олиб келди.

— Азиз дўстимизнинг қони учун қасос олинур! Унгача қанча ёз ва қанча қиш ўтишини айтолмаймен, аммо аминменким, Абусаид шармандаларча ҳалок бўлади!— деди Ҳусайн.

У Хоразмга ўрнашиб олиб, ўша ердан Абусаид қўли остидаги вилоятларга дамба-дам ҳужум қилиб турди.

Кейин уч йилгача ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди. Шер зўр ҳамлага тайёрлана бошлади.

МАШҲАДДАН ҲИРОТГА

Кеч кириб келарди. Кун бўйи йиққан ҳароратини энди уфураётгандай, ҳамон ердан иссиқ кўтарилмоқда, бироқ тунги салқиндан дарак бериб, шабада эса бошлади. Тупроғи бўрсиб ётган йўлдан аста-аста бораётган икки отлиқ отларига қамчи беришди.

— Ҳадемай шаҳарга етамиз,— деди чол, йигирма беш ёшлар чамасидаги ҳамроҳига мурожаат қилиб.

— Муҳтарам шайх, бу гапни бугун ўн мартадан ор-тиқ эшитган бўлсам ҳамки, умидвормен, шаҳарга етиб олурмиз,— деди ҳамроҳи кулиб, чолдан илгариларкан.

— Шаҳри Тайободда кўркам карвон сарой бор. У ерда пиширилган қўй эти ва палов бўлади, яхшигина овқатланиб олишимиз мумкин.

— Кўп вақтдан бери саёҳат қилганим йўқ эди,— қувноқлик билан давом этди йигит.— Ҳали бола экан-мен, катта карвонлар билан бир неча бор сафар қил-гандим. У вақтда хизматкорлар ҳар бир истагимни оғ-зимдан чиқмасидан бажо келтиришар, ўзимни меҳри-бонларим ихтиёрига топширмоқдан ўзга иложим қол-масди. Мана энди мен қаердан егулик таом ва ётгулик ўрин топсам экан деб ўйламоғим даркор.

— Азал бошданоқ қашшоқ бўлиб туғилиб, пулнинг ҳукмини билмай ўтиб кетмоқ афзал эмасмикин?— деди чол.— Мен ўз умримда кўп марта бойиш имконига эга бўлдим. Отам диёнатли савдогар эди, қўли ҳамма вақт баян бўлди, менга ҳам шу касбни васият қилди. Аммо мен сотиш имкони бўлган барча моллар ичида инсон та-факкурининг хазинаси бўлмиш олим ва шоирларнинг қўл ёзмалари билан савдо қилмоқни танладим. Эвоҳ, бу савдо менга бойлик келтирмади. Талайгина толиби илмлар бу молларни мендан бепул олишди.

— Камитангизга ишорат қилаётган бўлманг, муҳта-рам шайх Абдуллоҳ?— деб сўради йигит кулиб.

— Сизни ўглим деб аташни ўзимга шараф деб би-ламен. Сиз каби тиниқ ақл соҳибини бойлик ва шон-шўхрат кутади. Сизни ажойиб диёрингиз Ҳиротга куза-тиб бораётганимдан бахтиёрмен. Улуғ шоир Жомий остонасида бирга бўлурмиз.

— Хўб айтдингиз, агар Жомий ҳазратларини кўрмоқ иштиёқи бўлмаса,— деди ўйчанлик билан йигит,— ҳозир Ҳирот сафарига эҳтимол бел боғламаган бўлурмидим.

Йўловчилар шундай дўстона суҳбат билан бўлиб шаҳар чеккасига етиб келишганини пайқамай қолишди. Пахса девор, ясси томли пастак уйлар тез-тез учрай бошлади, ниҳоят ёнма-ён тизилиб, кўча тусига киришди. Бир четда чоққина ариқ оқарди. Пахса девор орқаси-дан тутун кўтарилар, йўлда тупроққа қорилиб болалар ўйнашарди; тўқ-сариқ, қизил, яшил кўйлак кийган аёл-лар катта мис кўзаларда ариқдан сув олиб оҳиста кў-тарганча ўз ҳовлиларига кириб кетишарди. Ёз оқшоми,

Ҳамма ёқ тинч ҳаёт оғушида. Бирдан кимнингдир газаб билан ҳайқиргани сукуватни бузди. Сайёҳлар яқин боришди. Деворлари оқланган узун уй олдида узун-узун ҳасса тутган, жулдур кийимли, бошида кир оқ салла, икки киши бақириб-чақириб учинчи бир киши билан баҳслашарди.

— Бу работнинг олий ҳиммат Аҳмад Али томонларидан ўткинчи сайёҳ ва ҳожиларга вақф қилиб берилганига салкам бир йил бўлади. Худо насибамизни қўшиб, биз ўзимиз ҳам шабон* оғи шу ерда тўрт кун турганмиз. Пайгамбарнинг инояти билан мунаввар бўлган вақфни тортиб олишга кимнинг ҳадди бор?

— Мен ҳеч нимани билмаймен,— деб тўрс жавоб қилди тўладан келган учинчиси. Унинг яшил камзул устидан боғланган кўк белбоғи тирсиллаб турган кажаводай қорнига зўрға дош бериб турарди.— Аҳмад Али ҳазратлари олло-таолонинг омонатини топшириш олдидалар, мен эса, у кишининг қонуний меросхўрлари бўламен, шунинг учун ўзимга мерос қоладиган ҳамма нарсани қайтариб оламен. Бу уйни ҳазрат солдирганлар, демак меники!

— Ахир вақф-ку бу, вақф!— бу хуноб бўлиб бақира бошлашди дарвишлар.— Намоз ўқиётганларни маҷитдан қувиб бўлмаганидек, сен кофир ҳам ҳожиларни бу уйдан ҳайдаб чиқаролмайсен.

Семиз киши бу гапларни парвойига ҳам келтирмади.

— Ёз! — деб шартта буйруқ қилди у чаккасига сабоғич қаламини қистириб, эҳтиром билан унинг амриши кутиб турган котибга.— Ёз: шаҳар четидаги тош ва паҳса девордан солинган уй...

Бироқ шу он баҳслашувчилар ёнига шайх Абдуллоҳ билан бирга келган йигит гапга аралашди.

— Йўқ, йўқ, ундай эмас! Вақфга ўтган мулк қайтарилмайди, қонун шундай. Мулкдорнинг ўзига ҳам, унинг меросхўрларига ҳам қайтарилмайди. Бу жой ибодатгўй жумла мўминнинг мулкидирким, унга фақат подшо ва қозикалоннинггина ҳадди сиғади.

Ўспирин қонунни яхши билган кишилардай ишонч билан, вазмин гапирарди. Унинг баъзи ерларига ямоқ тушган юпун либоси келишган қадди-қоматини яшира

* Ш а б о н — мусулмонлар календарига оғининг номи.

олмас, тусини йўқотган бинафша ранг салла остидан кенг, ясси пешонаси яққол кўриниб турарди. Кўзларида ақл-идрок ва енгил истеҳзо порларди.

Семиз киши қип-қизариб кетди. Мўйлови ҳурпайди. У соқолининг учини асабий тутамларди.

— Бир камим сендақа дайдиларинг гапига қулоқ солиш эди! Бундан кўра аввал ўзингнинг гамингни қилсанг-чи! Бутун бисотингни йиғиштириб келганда бир танга турмайди.

— Менинг гапларимга қулоқ осмасангиз, ҳаммамиз ҳозир қозининг олдига борамиз, унинг айтганига кирурсиз?— деди йигит аввалгидай вазминлик билан.

— Қозига борамиз, қозига! — деб шаңғиллай кетишди жимиб қолган дарвишлар.— Бу йигит жуда донишманд экан!

Семиз киши қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо шу пайт гапга шайх Абдуллоҳ аралашди:

— Ҳамонки гап шундай экан, қонун бўйича бўлсин. Мен ораларингизда энг кексангизмеп. Менимча ҳам қозига бормоқ даркор.

Худди шу кун маҳкамада қатор ишлар очиқ кўрилаётган бўлиб, у ерга шу атрофдан талайгина одам йиғилганди. Улар етиб борганда ишнинг авжи қизиган пайти эди. Йигит турли-туман кийинган халойиқни қизиқсиниб кўздан кечирди. Тап жазоси ҳақидаги баҳс анча вақтга чўзилди. Айбланувчини даргадан ўтказиш ҳақида ҳукм чиқараркан, қози жазо беришдан мақсад гуноҳкорни мажруҳ этиш эмас, тўғри йўлга солиш экани ҳақида узундан узоқ ваъз қилди.

Қози ёши қайтиб қолган киши бўлиб, кийимига жуда зеб берган эди. Бошидаги кўк салла бежирим қилиб, расмга кўра тўрт марта айлангариб ўралган, печичап қоши устига тушиб турарди. Қози салобат ва улугворлик билан гапирарди.

Тухмат ва ўғирлик ҳақидаги икки иш, харид қилган молини тап олмаган бир киши тўғрисидаги учинчи иш юзасидан ҳукм чиқарилгач, ниҳоят вақф ери ҳақида баҳслашувчиларга навбат келди.

Қози бу ишдан манфаатдор бўлганларни диққат билан кўздан кечиргач, бир оз тараддудга тушди. Аҳмад Алнинг меросхўри шаҳарда энг бой ва энг хасис кишилардан бўлиб, қози у билан чаплашиб қолишни истамасди. У ишнинг ҳамма тарафларини ҳисобга олгач, бу маса-

ла гоят мураккаб ва чалкаш, аввал алоҳида текшириб кўриш зарурати тугилади, деб узундан-узоқ ваъз ўқиди. Семиз савдогарнинг лўппи юзларига мамнуниятдан энди қизил югура бошлаган эдики, шайх Абдуллоҳ билан бирга келган йилит сўз олди. Қонун ва маҳкама ишларини ипидан игнасига қадар билган йигит масалани чуқур таҳлил қилди ва дарвишларнинг ҳақлигини ишонarli қилиб исбот этди. Гувоҳ ўз нутқининг охирида қозилар адолат қай тарафда эканини зудлик билан ҳал қила билишлари керак, ўзига ишончи бўлмаган киши эса, қозиликка сайланмаслиги лозим, бу ўз-ўзидан равшан, деб айтди. Қозилик жуда мушкул иш, пайғамбаримиз: «Қози тайинланган киши ўтмас пичоқ билан сўйилган жониворнинг азобини тортади», деб бежиз айтмаганлар.

Оломон орасидан говур-гувур эшитилди:

— Қози билан бундай гаплашаётган довюрак йигит ким экан? Ким у, а, ким?

Қозидан сал нарида турган бир заминдор енгидан тортаётган ҳамроҳига энгашиб:

— Исми Алишер экан, Машҳаддан келяпти,— деб шивирлади.

Бу аснода Абдуллоҳ билан Алишер ҳамон адолат талаб қилиб қози билан баҳслашардилар.

Тутоқиб кетган савдогар қонунни ҳар йўсинда талкин қилиб кўрди, барибир иш чиқмади. Қозининг ҳукми ҳожиларни тўла қониқтирди ва улар ўз гувоҳлари билан бирга маҳкамадан чиқиб кетишди.

— Худди мана шу работда тунаймиз,— деди шайх Абдуллоҳ.— Мен шу ерлик бир қарияни биламен, қулинг ўргилсин қилиб ёғлиқ палов пишириб келади.

Чуқур хаёлга толган Алишер отини тизгинидан етаклаб борарди.

— Адолатдан нақадар узоқмиз! — деди ниҳоят у.— Қозиларимиз сариқ чақа тамасида мингларча ҳақиқатни ёлгонга булғашдан тоймайдилар, арзимаган пора деб кўпларни хонавайрон қилишга тайёрлар.

Бир соатлардан сўнг йўлдан очиқиб келган сайёҳлар эски бўйра устида ўтириб, катта лаганда келтирилган паловга қўл урдилар. Паловни пишириб келган чол Алишерни адолат жўраси деб атади: Алишернинг маҳкамадаги ваъзини қувониб тинглаганлар орасида у ҳам бор эди.

ЯНА ҲИРОТДА

Тонг отар-отмас Алишер ва шайх Абдуллоҳ Ҳирот дарвозасига яқинлашдилар. Алишер тўққиз йилдан ортиқ муддат туғилиб ўсган юртида бўлмаганидан, юраги хапприқиб, вужудини алланечук ҳаяжон чулгамоқда эди. Ун беш ёшлик ўсмир экан, ота-она қучоғидан чиқиб кетатуриб, бегона юртларда шунча узоқ қолиб кетарман, бошимга шунча ишлар тушар деб ўйлаганмиди?

Ҳиротга яқинлашганлари сари Алишер тобора ўйга ботиб, сукутга чўмарди. Уни бунда нималар кутаётганини яратганнинг ўзи билади. Ота-онаси фарзандларини шу-шу қайтиб кўролмай ўлиб кетишди. Иниси Дарвиш Али ҳам қайдадир узоқларда, қариндошларининг қўлида тарбияланмоқда. Уйларида ҳозир ким тураркин? Шаҳарда яқин кишиларидан кимни учратаркин? Тоғалари амир Саид ака ва Муҳаммад Али Султон Ҳусайн қароргоҳида эмиш, деган миш-мишлар бор. Уларнинг иккови ҳам ўз она тилида қалам тебратувчи шоир эди. Ғарибий тахаллуси билан шеър ёзувчи Муҳаммад Али машшоқ ва ҳаттот ҳам эди. Алишер тоғаларини фахр билан эсларди. Кейинроқ у Саид аканинг Серахсда жаллод қўлида фожиали ҳалок бўлганини эшитди. Муҳаммад Али ҳам ана шундай фожиали ҳалок бўлди.

Алишернинг кўпгина қариндош-уруғлари Ҳусайн хизматида эдилар. Шунинг учун Абусаид Алишерга илтифот кўрсатар деб кутиб бўлмасди. Шунга қарамай, Султон унинг Ҳиротга келишига ижозат берди.

Алишер кўп йиллар давомида жонажон шаҳарига қайтиш орзуси билан яшади. Мана энди у шаҳар дарвозаси олдида.

Тонг ёруғида мовий осмон яна ҳам тиниқлашган, дарахтларнинг барглари ва Ҳиротнинг кўркама оқ уйлари кўзга янада яққолроқ ташланади. Кўчалар гавжум. Шаҳарнинг тўрттала очиқ дарвозасидан бозорга деҳқонлар тизилишиб келмоқда. Ким аравада, кимлар юк ортилган эшагини тизгинидан етаклаган, баъзи бировлар туянинг устида тебраниб келишади.

— Уғлим, — деди шайх Абдуллоҳ Алишерга, — қаерда қўнмоқчисиз? Мен Мунис Дарвиш минораси яқинида, қалъа ёнидаги карвон саройни мўлжаллаяпман, илгари ҳам у ерда икки марта қўнган эдим. Қиммат ҳам эмас.

Жомий ҳазратлари истиқомат қилаётган Хиёбон мовзунга ҳам яқин.

— Билолмадим,— ўйчан жавоб берди Алишер.— Бир оз кезиб, у ёқ-бу ёқни кўрай, қўнишга жой топсам, хабарини етказурмен. Мавлоно Жомий нечун шаҳардан ташқарига кўчиб чиқибдилар?

— Хиёбон — кўркам манзил, у ерда дашт шамоли эсиб туради. Устоз ўзлари ҳақида сўзлар эканлар, кўпинча: «Мен дашт кишисимен, қишлоқликмен», дейдилар.

Хайрлашарканлар шайх Абдуллоҳ Алишернинг иккала қўлини маҳкам қисиб:

— Ёдингизда бўлсин, менинг кулбам — сизнинг ҳам кулбангиз. Ҳамма вақт хизматингизга тайёрмен,— деди.

Алишер ҳамроҳига қизғин миннатдорчилик билдирди, сайёҳлар ажралишдилар.

Танҳо қолгач. Алишер отдан тушди-да, уни тизгинидан етаклаб, теварак-атрофни суқланиб томоша қила кетди. Таниш кўчалар, атрофини боғлар қуршаган уйлари... Ихтиёридин қалъаси аввалгидек улугвор қад кўтариб турибди. Янги майдонлар ва бинолар, тўққиз йил мобайнида ўсган ёки қартайган дарахтлар кўзга ташланади. Аста-секин онгидаги вақт тасаввури йўқола бориб, у ўзини Ҳиротдан ҳеч қаёққа жилмагандай ҳис эта бошлади. Лекин Алишер кўчаларда бирорта танишини учратмади. Мана шугина унга орадан кўп йиллар ўтганини эслатиб турарди.

Бирдан Алишерни даҳшатли ёлғизлик туйғуси чулғаб олди. У тезроқ одамларни кўришга ошиқди. «Ўзимизнинг уйимизга бир бормаименми? Эҳтимол эски хизматкорлардан бирор кимса қолгандир — деди у. Машҳур Гавҳаршодбегим мадрасасига яқинлашиб борди, боғдан муллабаччаларнинг овозини эшитди-да, кириб бир оз дам олишга қарор қилди.

— Ассолому алайкўм, толиби илмлар!— деди Алишер йўл-йўл чопон кийган бир неча муллабаччани кўриб.

Улар нонушта тараддусида угра ниширардилар.

— Воалайкўм ассолом, келнинг сайёҳ!— деб ҳаммалари барабар жавоб қилишди.

Алишер отини боғлади, усти ўйма гулли чарм жуздони* ва таёғини ўт устига қўйди; сўнг бирдан қаттиқ очиққани ва толиққанини сизди.

* Жуздон — папка,

— Биз билан нонушта қиласиз,— дейишди мулла-баччалар меҳмондўстлик билан.— Унгача бир оз дам олинг.

Талабалар одоб юзасидан унинг ҳол-аҳволи, сиҳат-саломатлиги, қаердан келаётгани ва қаёққа бораётганини сўрашди. Алишернинг ҳам ўзлари каби толибни илм эканини билишгач, меҳрлари яна ҳам товланиб кетди. Кимдир чўзилиб хордиқ чиқариш учун унга ўз наматыни тўшаб берди, кимдир отига ем солди. Алишер мудраб кетди, бироқ у муллабаччаларнинг ҳамма гапини эшитиб ётди. Улар фанларнинг қай бири муҳим: мантиқми ёки нотиклик деган масалада узоқ баҳслашишди. Кимдир Низомийнинг қуйидаги сатрларини қироат билап ўқиди: «Ўқигач, уқигач барча фанларни, етишдим уларнинг сир-асрорига».

Бошқа бирови байтни илиб олиб, Низомийнинг камтарлиги, ор-номусли киши экани ва мол-дунёга қизиқмагани тўғрисида гапира бошлади.

— Бу ҳақда устоз Жомий ҳазратлари сўзлаб эдилар! — деди товуши эндигина дўриллаб келаётган муллабачча, қувонч билан.

Жомий ҳақида гап кетди, унинг шеърларини, сахийлиги, олижаноблиги, ўткир ақлини мақташди. Фақат биттасигина қўққисдан норози, чийилдоқ овоз билан деди:

— Тавба, намунча кўкка кўтариб мақтамасаларинг! Ким бўпти у, Ҳиротдаги шунча шоирнинг бири-да. Мулоҳазалари айтарли қизиқ эмас.

— Наҳики, у сени шоир деб ҳисобламайди ҳам, шунинг учун унинг мулоҳазалари сенга қизиқ туюлмаса керак-да.

Наҳики деб аташган муллабаччанинг башараси бошидаги дўпписидан ҳам қизариб кетди.

— Ҳамманглар Жомийнинг тамагирларисиз, шунинг учун тилингизни бир қарич қилиб хушомад қиласиз.

Бу сўзлар ҳамманинг нафратини қўзғади. Бақирик, чақирик, кулги эшитилди.

— Қани, келинглр Наҳики ҳақида устоз нима деганини ўқиймиз,— деди кимдир бошқаларга таскин бериб.— Мана устоз Жомийнинг китоблари; одатимиз бўйича, дуч келган бир саҳифасини очамиз.

— Бўпти, кўрамиз! — қий-чув билан рози бўлишди бошқалар.— Бироқ уни ким очади? Бирор бегона одам очсин.

— Менга беринглари— деди Алишер.

— Ҳа, ҳа,— дейишди қувониб ҳаммалари.— Сайёҳ
оча қолсинлар.

Алишер туриб ўтирди-да, каттагина қўл ёзма китоб-
ни қўлига олиб шарт очди.

— «Кишининг ақли озгайму, эшакнинг қанграшидин
ҳеч?»— ўқиди у.

Муллабаччалар яйраб кулишди, Нахики бўлса, га-
забдан тутоқиб, мадрасанинг ўймакор эшигини тақ этиб
очди-да, ичкарига кириб кетди.

Ҳордиқ чиқариб, тамаддиқ қилгач, Алишер яна йўл-
га тушди; талабалар уни кузата туриб, оқ йўл тилади-
лар ва устоз Жомий ҳузурида учрашишга умид бил-
дирдилар. У хушманзараликда Ҳиротнинг бошқа талай
кўчаларидан қолишмайдиган Шафтолизор хиёбонига
чиқди. Кўчанинг икки бетида қатор саф тортган сарв ва
чинор дарахтлари тик қоматларини кўз-кўз қилиб, бир-
бирлари билан рақобат қилишаётгандай. Боғлар ичидан
катта мансабдорларнинг жимжимадор нақшли уйлари
кўзга ташланиб туради. Фонтанлар ярақлайди, ариқ-
ларда зилол сув шилдираб оқади. Ўхтин-ўхтин қушлар-
нинг чуғур-чуғури эшитилиб қолади.

Қайда энг мовий осмон? Ҳиротимдадир.

Гўзаллар ёногидек тўқ қизил гуллар,

Хушбўй гуллар қайдедир? Ҳиротимдадир —

дея ҳиргойи қилиб борарди Алишер. У жонажон шаҳри-
да қайта туғилгандай бўлди. Бир боғнинг ўймакор эши-
гидан тўқ яшил баргларга бурканган каттагина қизил
атир гул мўралаб турарди. Алишер уни узиб олди-да,
табассум билан искади, кейин тиконларини олиб таш-
лаб, чаккасига қистирди; гул унинг буғдой ранг ёноқ-
лари устида қадамига ҳамоҳанг тебрана кетди. Алишер
ўзини узоқ тоғ сайридан қайтаётган боладай ҳис этди.
Баланд тоғлар ёй шаклида Ҳиротни ўраб турар, юма-
лоқ қоялардан салқин шамол эсарди. Алишер қадамини
тезлатди. Хиёбон мовзуида, авлиё мазорининг ёнгинаси-
да яшаётган шоир Жомийни ўйларкан вужудини қувонч
туйғулари чулғаб олди. Алишер машҳур шоирнинг уйи-
га аслзодалар ва мартабали кишилар, ҳатто Султоннинг
ўзи ҳам тез-тез келиб туришини биларди; аммо шоир
мартабаси, ёшига қарамай, ҳаммани иззат билан кутар,
маслаҳатини аямасди.

Қуёш тобора қиздириб борар, бироқ шохлари бир-бирига чирмашиб кетган дарахтлар кўча бетига қуюқ соя солиб турарди. Алишер Муғ кўчасига қайрилди. Бирдан у, бу кўча ўз ҳовлиларига олиб борадиган энг қисқа йўл эканини эслади. Кимнингдир минғиллаган овози уни тўхтатди. Муюлишда бир тиланчи ўтирарди; бутун бетини яра-чақа қоплаган, эғнидаги чурук камзулининг ямоқ тушмаган ери қолмаган...

— Худо йўлига хайр қилинг! Аёлим, бола-чақам оч-яланғоч, вайронада ўтиришибди...

Тиланчининг аянчли қиёфасини кўриб Алишернинг раҳми келди. «Ўзимнинг бор пулимни йиғиштириб келганда бир тангадан ошмайди, бунинг устига ҳозир бу ердан сариқ чақа топишим ҳам маҳол, лекин мен ёшмен, куч-қувватим бор. Ҳиротдек шаҳри-азимда тирикчилик бир амал бўлар. Тангамни унга бера қоламен»,— деди у ўзига.

— Мана! Бирор егулик нарса харид қилиб, оилангиз билан баҳам кўринг-да, сўнг ишнинг ҳаракатини қилинг.

Бор-йўқ пулини тиланчига бергач, Алишер шайх Абдуллоҳнинг: «Ёрдам керак бўлса, тортинманг» деган гапларини эслади, аммо шу заҳотиёқ бу фикрдан қайтиб, ўзи бирор илож топмоқчи бўлди. Ҳарқалай, тезроқ пул топиш керак эди. Бир қултум сувни ҳам ҳеч ким текинга бермайди. Шунда у хўрсиниб, усти ўйма гулли чарм жуздониға боқди; бу — Султон Абулқосим Бобирнинг Алишер қўлида қолган охирги совғаси эди. «Начора, жуздондан ажралишга тўғри келади»,— деди Алишер ва шу ондаёқ бозорга йўл олди.

У Ҳиротга олиб келадиган йўллар туташадиган чорсуга келди. Бу — шаҳарнинг энг гавжум ери эди. Катта кўчалар шу ердан бошланарди. Алишер оломон ўртасидан қисилиб ўтиб, ёнвердаги тор кўчалардан бозорга етиб борди.

Ним-қоронги, усти берк расталарда қизгин савдо борарди. Алишер мисгарлар, дегрезлар ва кулоллар ёнидан ўтиб, чарм моллар дўкони олдида тўхтади. Дўкон тахталарида туя терисидан тикилган сариқ ва долчин ранг этиклар жуфт-жуфт қилиб қўйилган, қоziқларда қўй тери пўстин, бежирим қилиб тикилган ханжар ва пичоқ қинлари, яна кўп буюмлар осиглиқ турарди. Уткир чарм ҳиди димоққа урди. Алишер нафис жуздон, кисса ва ҳамёнларни кўздан кечирди. Бироқ

уларнинг ҳеч қайсиси Алишернинг жуздонидек нафис нақш билан безалмаган эди. Жуздон вақт ўтиши билан бир оз уринган бўлса-да, бежирим кўринишини йўқотмаган, ипакдай майин чарми эса ярақларди.

Жуздонни кўриб, хитойи пиёлада чой ичиб ўтирган кекса савдогарнинг кўзлари ёниб кетди.

— Сотиладими?

Алишер бир лаҳза тараддудга тушиб, кейин жуздонни савдогарга узатди. Савдогар молнинг нархини пасга уришга қанча уринмасин, барибир хайратини яширолмас эди. Алишер савдолашиб ўтирмади: унинг жуздонни сотишга кўзи қиймас, ҳамонки сотиладиган бўлгач, бир танга ортиқ олди-ю, кам олди — унинг учун қизиги йўқ эди.

Ўтмишини эслатиб турувчи охирги буюмини сотгач, кутилмаганда Алишер ўзини енгил тортгандай ҳис қилди ва йўлида давом этди. У шипигача чет элдан келтирилган моллар билан тўлган растадан ўтди, ҳинд кашмири билан рақобатлашиб турган хитой атласи ва ранг-баранг бухоро шоҳиларини кўрди. Бошига оппоқ салла ўраган кекса савдогар гумашта болага боши билан бир имо қилса, у харидор талаб қилган молни очиб кўрсатарди.

Кейин мис, чинни, сопол идишлар растаси бошланди: даста-даста пиёлалар, тақсимчалар, чиройли-чиройли кўзачалар тизиб қўйилганди.

Алишер расталардан илдам ўтиб борди. Бозор чеккасидаги қўл ёзма китоблар тахлаб қўйилган кичик дўкончалар унинг эътиборини жалб қилди. Бу совуқ ва ним-қоронғи дўкончаларда инсон ақлининг хазиналари ўйма гулли чарм муқаваларга ўралиб тахланиб ётарди. Китоб дўконлари ёнига муқавасоз усталарнинг дўкони жойлашган. Алишер тўхтаб, машҳур муқавасоз устанинг гул солиш олдида чармни таранг қилиб тортиб, ийлашини узоқ томоша қилди. Айниқса ана шу расталарда Алишер ўзининг ҳиротлик эканини яққол ҳис этди. Эски қўл ёзмаларнинг ҳидини ҳузур қилиб искаркан у кетишга шошилмасди.

Кекса бир киши дўкон олдида бошига табиблар сингари катта салла ўраган, оппоқ соқолли жиккаккина мўйсафиддан:

— Хотифий битган «Темурнома»нинг янги қўл ёзмасини кўрдингизми?— деб сўради.

Униси лабини қимтиб, тамшанди-да:

— Мен Ибн Синонинг китобини ахтаряпман. Китобларим орасида кўзни даволаш ҳақидаги машҳур рисола етишмайди. Мени инсон ёстиғини қуритадиганлардан кўра унинг дардига малҳам бўладиганлар кўпроқ қизиқтиради,— деди Темурга шама қилиб.

Дўконга шовқинлашиб, бир неча муллабачча кирди. Улар бир-бирларига гал бермай, Жомийнинг янги қасидасини мақташарди. Бири ёнидаги ошнасидан:

— Бугун устоднинг қабул кунлари. Борасенми, Холбек?— деб сўради.

Аксар толиби илмлар сингари юпун кийинган ва бошига тўқ сариқ салла ўраган, қорачадан келган новчагина йигит иккиланиб жавоб қилди:

— Ҳа, борамен, мана буни кўрсатмоқ ниятим бор.

У салласига қистириғлиқ найча қилиб ўралган қозғозни олди-да, очиб, газалини қироат билан ўқиди. Ҳаммалари газалнинг бир байти ҳақида баҳслаша кетдилар. Кимдир бошқачароқ айтишни таклиф қилди.

Шоирдан бўлак буни ҳаммалари маъқуллашди. Шунда Алишер ўлар ёнига келди-да, одоб билан лекин қатъий қилиб:

— Менимча шоирнинг ўзида туроғи ҳам келган, қофияси ҳам пишиқ, мазмунан ҳам яхши айтилган, ҳеч бир сатрини ўзгартиришга ҳожат йўқ,— деди.

Ҳаммалари таажжуб билан бу натониш йигитга қарашди. Сўнг шовқинлашиб Алишер билан баҳслаша кетишди.

— Нима ҳам дея олардим, ҳаммаларинг бир фикрни қувватлайдиган бўлсанглар, сизларни ишонтирмоғим мушкул. Аминменки, бу хусусда сизлар билан гаров бойлашмоғим ҳам мумкин, шеърятни чуқур билатурғон киши менинг тарафимни олғай. Шундай кишининг ҳукмига тан берурмисиз?

— Албатта, албатта!— дейишди улар. Фақат байтни ўзгартиришни таклиф қилган муллабаччагина: «бу бегона йигит бировларнинг ишига аралашиб нима қилади-я!» дегандай елкасини қисиб қўйди.

— Бугун кечқурун устод Жомий ёшларни қабул қиладилар,— деди хотиржамлик билан муллабаччалардан бири.— Баҳсни ўша ерда ҳал қиламиз. Сиз ҳам келинг,— деди у Алишерга.— Устод Жомийнинг эшиклари барча толиби илмга очиқ. У киши Хиёбонда, устоз-

лари Саъдиддин Қошғарий мақбарасига яқин ерда истиқомат қиладилар.

Муллабаччалар Алишер билан хўшлашиб чиқиб кетишди. У яна бир қанча китобни кўздан кечирди сўнг қўлига пул тушгудай бўлса, қайси-қайси китобларни харид қилиш кераклигини мўлжаллаб, у ҳам дўкондан чиқди.

Ҳали кун эрта эди, Алишер ниҳоят, кеч киргунча бир вақтлар ота-онаси билан турган ҳовлига боришга жазм қилди. Теварак-атрофда янги уйлар қад кўтарган, кўчалар ҳам янги қиёфа касб этган. У йўлни зўрға эсларди, бирор кимсадан сўраб-суриштиргиси келмади. Узоқ адашиб юргач, бирдан таниш кўчадан чиқиб қолди-да, уйга қараб дадил юриб кетди.

Эшик берк экан. Баланд девор нарёғидан тиқ этган товуш эшитилмасди. Алишер эшикни аввал секин, сўнг қаттиқроқ қоқди. Бир лаҳзада миясига ғамгин сатрлар қуюлиб келди:

Кўлда асо, дол ўлди қаддим кўнгил ғуборидин.
Мисоли бир гадоурмен униб-ўсган диёримда.

Қуёш тобора оғиб борарди. Алишер ва унинг отидан уй олдига терилган япалоқ оқ гиштлар устига узун-узун кўланкалар тушиб турарди.

Такрор қоқишга тўғри келди. Шундан кейингина ҳовлидан судраб босилаётган оёқ товуши эшитилиб, эшик очилди.

— Ҳошим бобо!— деб қичқириб юборди Алишер.

У чолни шу заҳотиёқ таниди ва бир маҳаллар болалик чоғида саҳрода адашиб қолиб, бобо топиб олгандагидек севинди. Ҳошим бобо жуда ўзгариб кетган ва қартайган эди. Унинг ориқ елкалари эски камзул остидан туртиб чиқиб турар, бир вақтлардаги дев қомати чўккан, соқоли кул ранг тус олганди. Ёлғиз соғ кўзигина аввалгидек ўткир боқарди. Алишерни кўрган Ҳошим бобо «Оҳ!» деди-да, ер ўпиб таъзим қилди, кейин уни икки қўли билан бағрига босиб, жим қолди.

— Ўзингга минг қатла шукур, оллоҳ, кўзгинамнинг нуруни кўрдим, ўлимим олдидан хизматини қиладиган бўлдим!

Алишер билан кўришиб бўлгач, чол нима қиларини билмай эсанкираб қолди, кейин отни олиб кириб боғлади-да, меҳмонни уйга бошлади. Алишер ота-онасининг ўлгани, уйнинг кимсасиз қолгани ҳақидаги

гамгин қиссани алам билан тинглади. Гиёсиддин Кичкина ўлгач, ундан катта мулк мерос қолганди, бироқ Ҳиротга Абусаид ҳоким бўлгач, Алишер Машҳаддан қайтмаганлиги учун, у қувғин қилинган ҳисобланиб, ота меросидан маҳрум этилганди. Ҳовли энди қандайдир бир мансабдорга қарар, Ҳошим бобо эса, ҳовлига тиркаб солинган бир ҳужрада яшарди. Амалдор чолни боғбон қилиб қолдирибди. Ўзи эса оиласи билан шаҳар четидаги уйда тураркан.

Ҳошим бобо уҳ тортди:

— Ҳўжайинимнинг ўғли шундай ғариб ҳужрада туради энди...

Аммо Алишер бундай кулбаларга ўрганиб қолгани, бобо ғамхўрлик қилиб, ширин сўзини аямаса, боши кўкка етажагини айтиб, чолни юпатди. У чиндан ҳам кекса хизматкорлари билан учрашувни тақдирнинг ажиб бир тортиғи деб ҳисобламоқда эди.

Бироқ уни яна бир қувонч кутарди. Ҳошим бобо Алишерни салқин ҳужрага бошлаб кирди-да, баланд овоз билан:

— Замира, уйимизга бахт келди! Тезроқ овқатга унна!— деб қичқирди.

Ен хонадан: «Вой, ростданми?» деган овоз эшитилиб, кимнингдир енгил оёқ товуши келди.

Наҳотки! Наҳотки беғубор ёз кунларининг бирида у билан ака-сингил тутинган Замира, ўша жажжи Замира аввалгидек шу уйда бўлса?! Алишер бир лаҳза бахтиёр ёшлик қучоғига қайтгандай бўлди.

— Қани у, қаерда?— ҳаяжонланиб сўради у Ҳошим бободан.

— Киргани уяляпти. Бўйи етиб қолган, ахир яқинда ўн бешга тўлади-да. Кўплар совчи қўйиб, катта қалин ваъда қилишяпти, лекин Замира бобомни ёлғиз ташлаб кетмайман деб туриб олган. Мен бўлсам, бу уйдан сира кетолмадим, кўзгинамнинг нури — Алишерим келиб қолар деб умидвор бўлиб ётгандим. Мана эгамнинг ўзи шу кунга етказди.

Алишер уйга туташган боққа чиқди. Қаёқдандир сокин қўшиқ эшитилар, аммо овоз шу қадар тиниқ эдики, ашуланинг ҳар бир сўзини англаб олса бўларди

Кўнглим қуши то сунбулингиз домиға тушти,
Булбул киби ҳар гул сари овози қолибтур...

Алишер боғдаги ёлғиз оёқ йўлдан овоз келаётган тарафга қараб юрди. Бир вақтлар у бундаги ҳар бир бутани яхши биларди. Бир неча қадам юргач, кўзи ариқ бўйида энгашиб, кўзага сув тўлатаётган қизга тушди. Унинг қора кокиллари орқаси билан битта бўлиб сочилиб ётарди. Қиз кўзани тўлдириб ёнига қўйди. У куйларди. Алишер товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб, турган ерида қотиб қолди. Қиз қўшиғини тугатгач, Алишер унинг Замира эканлигига ишонч ҳосил қилиб чақирди:

— Замира.

Қиз ирғиб ўрнидан турди. Уялганидан ёноқлари қизариб кетди; чап қўлига кўзани олиб, ўнг қўлини кўтарди-да, ени билан юзини беркитиб, жим қолди.

Алишер югуриб унинг олдига борди:

— Синглим, мени танияпсенми?

Замира жимгина бош ирғитди.

— Уялма мендан, акангмен-ку. Сен мен учун ҳамма вақт ўша кичкина Замирасен. Илон ёдингдами?..

— Ҳа, у илон бир умрга ўзидан нишона қолдириб кетди,— деди қиз ҳамон юзини яширган ҳолда.

Алишер Замиранинг юзи баробар кўтарилган қўлига қараб, кўрсаткич бармоғининг бир бўғини йўқлигини кўрди.

— Ушанда менинг ҳаётимни сиз сақлаб қолган эдингиз, жаноб Алишер, буни унута оламенми?

— Қўй, мени жаноб деб атама!— деди Алишер ранжигансимон.— Вафодор итимиз Йўлбарс қаерда?

Итни эслаш дарҳол улар орасидаги тўсиқни олиб ташлади. Замира қўлини туширди, Алишер қизнинг офтоб қизиғидан буғдой ранг тусга кирган юзини, майин қизиллик югурган ёноқларини кўрди.

— Бечора ит! У энди йўқ, аллақачон ўлиб кетган.

— Юр, мен боғимизни сайр қилмоқчимен. Ҳовузни кўрамыз, эсингдами, бир кун унга тушиб кетганинг...

—...Ҳа, Йўлбарс олиб чиққанди,— ўша дамларни эслар экан жилмайди қиз.

Ака-сингил ёшликда қувишиб-чопишган йўлдан юриб кетишди.

ЖОМИЯ ҲУЗУРИДА УТКАЗИЛГАН КЕЧА

Алишер уйқудан енгил бўлиб турди, ҳаммомга тушди, Гиёсиддин ўлгандан сўнг содиқ Ҳошим бобо эҳти-

ёт қилиб қўйган тоза кийимларни кийди-да, Жомий ҳузурига йўл олди.

Юрак ҳаяжонини босиб олиш учун у боғнинг нақшли эшиги олдида узоқ кезиниб юрди. Кўкка бўй чўзган икки адл сарв дарахти ҳовли эшигини қўриқлаётгандай туришади. Алишер ниҳоят журъат этиб, бир гуруҳ нотаниш кишилар ортидан ичкарига қадам қўйди. Сўри остидан ўтиб борди-да, уй билан туташган пастак бўм-бўш равоига кирди. Уйдан гўнғир-гўнғир гаплашган овозлар эшитиларди. Алишер бир лаҳза тараддудланиб турди-да, ҳатлаб, оддийгана безатилган ичкари хонага кирди. Уйда талайгина киши ўтирарди. Йиғилганлар орасида турли ёш ва хилма-хил мансабдаги кишилар: қиммат баҳо, ҳашамдор либосга беланган катта мансабдорлар, зарбоб ёқа тўн кийган амирлар, катта-катта саллалли олимлар ва уйда тўқилган кўпол матодан тикилган кийимдаги камбағаллар бор эди. Алишер чопонига ола-була ямоқ солинган бош яланг ва оёқ яланг дарвишни ҳам кўрди. Ҳамма дарвишни иззат қилар, унинг ўзи эса дам-бадам камтарин қиёфаси билан ажралиб турган бир мўйсафид томонга эгилиб, алланималар дерди. Мўйсафид бўздан яхтак кийиб, белини боғлаган, салласи ҳам кичкинагина эди.

Бир чеккада, пастаккина хонтахта ёнида ўтириб, шилдироқ қоғоз бетига чиройли қилиб шеърлар кўчираётган хаттот Алишернинг диққатини жалб қилди. Чамаси, у ишини тезроқ тугаллашга ошиқарди. Одат бўйича бир одам гапирганида бошқалар жим қулоқ солишарди. Урушлар ҳақида кўп гапирилди; Султон Ҳусайннинг номи тилга олинди; Алишер дўсти ҳақида анча вақтдан бери ҳеч нарса эшитмаган эди.

«Йўлбарс тирноқларини яширди,— деди бир бек,— аммо бу қачонгача экан? Султон Ҳусайн, Абулхайрхон ҳузурида бўлиб, уни ҳар қанча ичса ҳам маст бўлмаслиги билан танг қолдирибди, деган гаплар бор».

Уруш Машҳадни четлаб ўтди; шундай ёнгинасида янгради-ю, бироқ қалъа девори четда қолди. Шунинг учун шунча йиллар ичи Алишернинг ўйлагани урушдан кўра кўпроқ илм-фан тўғрисида бўлди.

Алишернинг келиши ҳеч кимнинг эътиборини жалб қилмаганидан у тезда йиғиндагиларга элакишиб кетди. У ўзини ўз уйидагидек, енгил ҳис этди. Алишер келганидан бери кўзлари билан уй соҳибини излар, бироқ ҳеч

кимни унга ўхшатмас эди. Йиғилганлар орасида бирорта ҳам таниш киши кўринмас, шайх Абдуллоҳ келмаган эди.

Кимдир шеър ўқий бошлашни таклиф қилди.

— Менимча,— деди совлат тўкиб бек,— ҳамма фикримга қўшилишса керак. Орамизда тарихчи Абдусамад Бадахший борлар. Маълумингиз бўлса, у киши улуг султонимиз, иқболи баланд соҳибқирон Абусаиднинг подшолик тарихини битмоқдалар. Илтимос қиламиз, назмда ёзилмиш бу асарнинг бир бобини ўқиб берсалар.

Ҳамма эҳтиром билан назар ташлаган киши бош ирғитди-да, ортиқча такаллуфни кутиб ўтирмай, ўқишга киришди. У Абусаид Мирзонинг Серахс остонасида Санжар устидан зафар қозониши тасвирини ўқиди. Бу воқиа ҳали кўпларнинг хотирида эди. Кекса бек айниқса зўр мамнуният билан тинглади. Шоир ўқиб тугатгач, уни гуриллаб олқишлашди ва шеърини мақтай кетишди.

— Шеърим мақтовга сазовор бўлганидан бахтиёрмен,— деди шоир.— Бироқ мен истардимки, шеърда бор нуқсонлар ҳақида ҳам сўзласангиз ва мен уларни бартараф этсам.

Шунда Алишер сўз олди. У шеърнинг фазилатларини батафсил таҳлил этди. Ҳамма уни диққат билан тинглади. Лекин Алишер асарнинг энг яхши ва етук ерларини қайд этиш билан бирга, сўзининг охирида шеър вазнидаги бир нуқсонни ҳам кўрсатди. Бир тинглашдаёқ хотирида қолган сатрларни баланд овоз билан, дона-дона қилиб ўқиди. Ҳамма танг қолди, гоят хайратланган Абдусамад Бадахшийнинг ўзи эса, Алишер олдига келди-да, унинг қўлини олиб, асарига кўрсатган эътибори учун миннатдорчилик изҳор этди.

— Дарҳақиқат, бу нуқсон бир вазндан иккинчисига ўтишда деярли сезилмайди. Бироқ уни дарҳол пайқаб олмоқ учун шеърни нозик ҳис эта билиш керак. Йиғилганларни шеъриятнинг янги билгичи билан табриклаймен. Йигит, исмингиз нима? Айтинг, бу ердагилар эшитиб, хотирларида сақлашсин.

— Фиёсиддиннинг ўғли Алишер; шеърларимни Навоий тахаллуси билан битурмен.

— Навоий... Навоий...— деб шивирлашди атрофдагилар.— Ёдимизда...

— Икки тилда бирдек маҳорат билан битувчи...

— Бугун шеърларингиздан тинглашга умидвор-миз...

— Шунча вақтдан бери қаерда эдингиз?

Ҳар тарафдан сўроқ ва хитоблар эшитила бошлади. Аммо шу пайт бир чеккада ёзув билан машғул бўлиб ўтирган хаттот:

— Тугатдим. Устоз Жомийнинг «Мўйсафидлик ҳақида» қасидалари оққа кўчирилди. Қим ўқийди?— деб қолди.

Овози ниҳоятда ширали бир йигитча истак билдирди.

Қасидани чуқур ўйчанлик билан ўқиди, давом этиб, қасидага тизилган доно сатрларни ўқиркан, унинг овози янада жўшқин, эҳтиросли жаранглади. У нафис ва мураккаб ёзилган қасидани ширали охангда ажиб бир маҳорат билан талқин этарди.

Қасиданинг таъсири шу қадар зўр бўлдики, ғазалхон ўқиб тугатгач, тингловчилар узоқ жим қолишди. Йиғилганлар орасида талайгина кексалар бор эди. Улар ўз туйғулари ва кечинмаларининг нақадар маҳорат билан ифода этилганига танг қолдилар. Ёшларнинг вужудни келажак орзулари чулғади.

Бир лаҳза сукутдан сўнг Алишернинг овози янгради:

— Етуклик намунаси бўлган бу қасидани ўқиб, ўрганмоқ учун шеърнинг кучи нимада эканини ҳар ким аниқлаб, ўқиб олмоғи лозим. Утмиш сўз соҳибқиронларидан бирортасининг бундай қасида битганини эслай олмаймен.

Шунда дарвиш билан ёнма-ён ўтирган ҳалиги камсуқум мўйсафид хотиржам, мулойим товуш билан:

— Мен узоқ умр кўриб, ҳаётимда бир мартагина шундай қасида битдим,— деди.

Алишер шундагина бу ердагилардан қай бири уй соҳиб — машҳур Жомий эканини билди.

Ҳамма гўё унинг гапиришинигина кутиб тургандай эди. Жомий эса, Алишерга меҳр билан тикилиб, шеърнинг моҳияти ҳақида гапирар, турли мамлакат ва халқларнинг қадимги ва ҳозирги замон шоирларидан ҳисобсиз мисоллар келтирарди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди, бироқ меҳмонларнинг ҳамон кети узилмасди. Хонага Алишер билан китоб растасида баҳс бойлашган муллабаччалар кириб

келишди. Уй соҳиби сўзини тугатгач, улардан бири унга мурожаат қилди:

— Устод, баҳсимизни ечиб беринг.— Муллабачча баҳсларининг боисини айтиб берди.

Жомий ўйга толди, келтирилган сатрларни ўзи хошиш қилиб ўқиди-да:

— Шундайлигича қолсин деган киши ҳақ,— деди.

— Сиз ютдингиз,— мурожаат этди муллабачча Навоийга.

Алишер жилмайди ва Жомийга таъзим қилди. Устод Жомий сўз қотди:

— Еш меҳмонимиз бугун учинчи марта мўлжалга уряптилар. Йигит фикрининг замини шеърятни чуқур идрок этиши ва унга бўлган зўр муҳаббатда.

Ениб тугаган шам аллақачон алмаштирилди, бироқ меҳмонлар уйнинг илиқ оғушидан кетишга ошиқмасдилар. Ниҳоят хайрлашиш вақти етди. Навбат Алишерга келганда, Жомий ундан яна бир оз ўтиришни илтимос қилди ва эртага келишга ваъда олиб, ҳаммадан сўнг кузатди.

Навоийнинг Ҳиротга келган биринчи куни шундай ўтди. Унинг Жомий билан дўстлиги шундай бошланди.

ҚУВҒИНДА

Султон Абусаид Алишернинг Ҳиротга келишини маъқул қилгандай эди. Султон уни бирор мансабга тайинлаб, керакли нарсалар билан таъминлашни буюрди. Бироқ Султоннинг илтифоти шамол олдиға солиб қуваётган булутлар шаклидек ўзгарувчан эди. Абусаид ўзининг ашаддий душмани Ҳусайн билан унинг ўртасидаги дўстона муносабатдан хабар топса, шоирнинг Ҳиротдаги тартиб қонунларни маъқул кўрмаганини эшитса, шу заҳотиёқ уни пойтахтдан қувғин қилажани Алишер яхши биларди. Шундай бўлди ҳам. Бир мажлисда Навоий Низомийнинг «Махзанул асрор» достонидан ҳикоя келтириб айтган гапларини Абусаид қулоғига етказишди. Еш бир бойўғли уйланмоқчи бўлиб, бошқа бир бойўғлининг қизига совчи қўяди. Қизининг отаси қалин эвазига бешта вайрона қишлоқ сўрайди.

Воқиа ўз юришлари билан гуркираб яшнаётган шаҳар ва қишлоқларни хонавайрон этаётган золим Нўширавон Султоннинг замонасида бўлади. Қуёвнинг отаси, кекса бойўғли таажжубланиб: «Бор-йўғи бештами? Бешта эмас, беш юзта вайрона совға қилишим мумкин: Султон Нўширавон омон бўлсалар вайрона қишлоқлар кўпая беради»,— дейди.

Абусаид бу ҳикоятни очиқдан-очиқ ўз подшолигига ишорат деб билди. Шухратпараст султон худди шу кезларда янги юриш тараддудини кўраётган бўлиб, солинган янги солиқлар халқнинг норозилигини кўзгамоқда эди.

Бир воқиа Алишернинг хотирида абадий сақланиб қолди. Кунлардан бирида у янги дўсти, Ҳиротнинг танилган шоири Паҳлавон Муҳаммад билан адабиёт хусусида баҳслашиб бориб, шаҳар четига етганларини пайқамай қолди.

Шунда бир мўйсафид улар олдига келди-да, чуқур таъзим қилиб:

— Нон-намак учун биттанга хайр қилинглар,— деб тиланди.

Дўстлар чолга раҳмлари келиб тўхташди. Тўсатдан қария бошини кўтариб, оқ чекди ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Дўстимнинг ўғли, бошимга шундай ташвишлар тушган кунда сени учратарман деб ўйлаганмидим?

Паҳлавон Муҳаммад ҳам:

— Юсуф ака!— деб қичқириб юборди.— Не сабабдин бу ҳолга тушдингиз?

Чол алампидан тилка-пора қилиб юборгудек бўлиб кўйлагининг ёқаларидан тутди. Кўкраги тез-тез кўтарилиб-тушиб турарди.

— Қиёмат қойим бўлди. Мен ҳалол меҳнат қилдим, ер ҳайдаб, фарзандларимни боқдим, невараларимни катта қилдим. Аммо Султон Абусаиднинг бош вазири келиб-келиб менинг ерим ёнидан боғ қилса бўладими? Ариқ қазиб ўзи сув келтириш ўрнига, менинг еримга оқиб келадиган сувни ўзига бурди-қўйди. Экилган дон қовжираб битди, ер сувсизликдан тошдай қотиб кетди, мен эсам, кишилардан хайр тилаб, тиланчилик қилиб кун кечирмоқдамен. Султоннинг остонасига бош уриб бордим. Йўл бўлсин! Ясовуллар мени унинг ҳузурига киритишмади.

Алишер мўйсафидга маъюс боқди-да, ўзича гапираётгандай паст овоз билан деди:

Кулбада дарвишки, қониъ дурур.
Фойиқ эрур шоҳғаки, томпъ дурур.
Чунки тама бўлди гадолар иши
Билки, гадодур тама этган киши!

— Адолатни қайдан ахтармоқ лозим? — унга кўзини тикиб сўради чол.

Алишер жим қолди. Паҳлавон Муҳаммад ҳамёнидаги бор пулини чиқариб отасининг қадрдон дўстига берди.

Адолат ҳақидаги савол жавобсиз қолди.

Ҳа, Абусаид Алишернинг ўзига дўст бўлиши мумкин эмаслигини билар, унинг тоғаси Саид аканинг ўлимини кечирмаслигига кўзи етган эди. Бояги Алишер айтгандай ҳикоятларнинг тарқатилиши, унинг фикрича, курашнинг бошланиши эди.

Султон Алишердан қутулиш йўлини топди. Уни ўша вақтларда ўғли Султон Аҳмад ҳокимлик қилаётган Самарқандга жўнатмоқчи бўлди: «Яхшиси Самарқандга бориб илмингизни оширинг» деган мазмундаги мулойим, аммо қатъий қарорини вазири орқали шоирга етказди.

— Самарқанд ажойиб мадрасаларга бой, у ерда сиз ўз билимингизни камолга етказишингиз мумкин, — деди вазир қуруққина қилиб, сўнг: — Жадалроқ жўнашингизни маслаҳат берамен: сизнинг Султон Ҳусайн билан дўст эканингиз Ҳиротда кўпларга маълум, — деб илова қилди.

Навой фармонни хотиржам тинглади, вазирга иззат-икром билан жавоб қилди, аммо унинг қалбида бўрон гурилларди.

Одатдагича у ўша куниёқ кайфиятини шеърый мисраларда ифода этди:

Неча хажридин бузуқ кўнглимда бўлғай дамба-дам,
Ғам уза ғам, дард уза дарду алам узра алам.

Ҳаёти эндигина изга туша бошлаган эди. Унинг истаклари оддийгина бўлиб, ишлаши учун холи бир бурчак, дардлашадиган ҳамфикр дўст ва китоблар

бўлса бас эди. Ҳиротда у мана шу истакларга эришган эди. Жомий билан дўстлашиш уни маънавий бойитди. Кун сайин янгидан-янги шеърлар ижод эта бошлади. У «Муҳокаматул луғотайн» номи билан катта асар ёзиш ва унда туркий тилининг бойлиги, нафислигини намойиш этиш фикрига тушди. Уз режаларини Жомий билан ўртоқлашди ва ундан анчагина фойдали маслаҳатлар олди. Мана энди султоннинг хоҳиши билан ҳаммаси созурилмоқда.

Навой аламини ичига ютди; четдан қараган кишига у ҳатто хушвақтдек кўринарди.

— Начора, Самарқандда ҳам таҳсил кўрмоқ мумкин,— дер эди у дўстларига.

Алишер сафарга жуда тез отланди, Ҳошим бобони ўзи билан бирга олиб кетишга ижозат сўради, холос.

ЗАМИРАНИНГ УЎИРЛАНИШИ

Алишер Самарқандда тирикчилиги нима бўлишини аниқ тасаввур қилолмасди. Унинг бу сафари билан боғлиқ бўлган вазият ота меросидан бирор нима олишга ҳам имкон бермасди. Мероснинг ҳаммаси Ҳиротда қолди.

Унга Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад хизматидан бирор вазифа олурсиз, деб ваъда қилган эдилар, бироқ Абусаиддан шунча «марҳамат» кўрган Алишер, ўглидан яхшилик кутишни хаёлига ҳам келтирмади.

Ҳар қачонгидек бу сафар ҳам Ҳошим бобо уддабурролигини кўрсатди. У Алишернинг ота-онаси ўлгандан бери асраб келаётган баъзи қиммат баҳо буюмларни сотди. Тушган ақча кўп бўлмаса-да, дастлабки вақтга етиб туриши мумкин эди. Қалби миннатдорчилик туйғуларига тўлган Алишер бунга жавобан:

— Менга бунчалик ғамхўрлик қилаётганингизни кўрса, онагинам нақадар қувонарди!— дея олди, холос.

Ўзича эса у: «Яхшиямки, бу қиммат баҳо тошлардан Абусаиднинг хабарн йўқ экан. Бўлмаса ваҳшийлик ошиёнига айланган ҳозирги Ҳиротда кишининг энг сўнгги буди-шудини тортиб олишдан ҳам тоймайдилар»,— деб уйлаб қўйди.

Сухбат тугади, бироқ Ҳошим бобо яна алланарса деб сўрамоқчи бўлар, аммо журъат этмай, жим турар-

ди. Алишер савол назари билан унга боқди, шундагина бобо оҳиста деди:

— Замирани нима қиламиз? Уни ўзимиз билан бирга олиб кетолмаймиз. Қишлоққа элтиб қўйсам дейман. У ерда бир йигит анчадан бери Замиранинг йўлига кўз тутади. Онаси эрга берсин. Вақт етди.

Алишер Замиранинг Ҳиротдаги боғда яйраб-яшнаб, қўшиқлар айтиб кечираётган ҳаётига чек қўйилишини ўйлаб қайғурди. Қўнғироқдай овозли бу қизни султоннинг ўзи ҳам жон-жон деб ҳарамига қабул қиларди. Йўқ, йўқ! Бундан ёмонроқ қисматни тасаввур қилиш ҳам қийин.

Бир неча кундан сўнг эса, кутилмаган, даҳшатли ҳодиса рўй берди.

Алишер бир қисмини олиб кетиш учун қўл ёзмаларини саралаб ўтирарди. Ёшлик чоғларидаги севимли китобларини кўрар экан, хотиралар қўйилиб келди. Саралаш жуда оғир бўлди: унинг кўзлари жовдирар, ҳаммасини олиб кетгиси келарди. Кеч кириб қолди. Алишер ўз ишига шу қадар берилиб кетгандики, хонага кирган Ҳошим бобонинг ҳаяжонли товушини дарҳол эшита қолмади.

— Оҳ, хўжам, пешонам қурсин!— Чолнинг биттагина соғ кўзи жонсарак жалангларди.— Замира йўқ!

Уйчан ўтирган Алишернинг кўзларида ташвиш пайдо бўлди.

— Замира йўқ? Нима деяпсиз ўзи?

— Эрталаб бозорга кетган эди, мана шу вақтгача қайтгани йўқ.

Алишернинг ранги қув ўчди. Кейинги вақтларда болалар, қизлар ва ёш-ёш йигитчаларни ўғирлаш ҳодисаси Ҳиротда тез-тез содир бўлиб турар, кўчаларда шубҳали кишилар кезиб юришарди. Йўлтўсарлар катта карвон йўлларидан аста-секин пойтахтга ҳам кириб келишмоқда эди.

Ўғирланганлар баъзан катта тўлов эвазига қайтариб олинар, баъзан уларни ўлик ҳолда топишар, кўпинча эса, улар дом-дараксиз, йўқоларди.

Замира, оҳ бечора Замира!.. Унинг қўнғироқдек овози! Муаммо ана шунда бўлиши керак. У баланд деворлар билан қўршалган боғда, шу деворларнинг ҳимоясида юриб кўпинча қўшиқ айтарди. Бирор киши унинг овозини эшитиб, пайига тушган; бой амалдор

ёки бекларнинг хонадонида бундай қизларнинг нархи жуда баланд.

Алишернинг миясидан ялт этиб ана шу фикр ўтди.

— Зудлик билан ахтара бошламоқ лозим,— деди у, бироқ бу бирор фойда келтиришига унинг ўзи ҳам ишонмасди, чунки шаҳарда тартиб-осойишталикни кузатиб туриш, жиноятчиларни тутиб, уларнинг қурбони бўлганларни халос этиш топширилган кўпчилик сарбозларнинг ўзи жиноятчиларга сотилган бўлиб, тева-рак-атрофдаги ҳодисаларга бепарво қарар, баъзан эса ўзлари жиноятни ёпиб юборардилар.

Агар унинг Абусаид саройига яқин, эътиборли дўстлари бўлгандаям бошқа гап эди, улар орқали сарбозларга таъсир кўрсатиши мумкин бўларди, аммо Жомий саройдан узоқ, бошқалар эса, ...О, худди шулар жатидан султон билан унинг ораси узил-кесил бузилди-да.

Жомий ҳузуридаги биринчи учрашувда танишгани шоир Абдусамад Бадахший Алишерни бошқа бадахшонликлар билан таништирди.

Абдусамад Бадахший Абусаид хизматига кириб, унинг подшолик тарихини назмда ёзаётган бир вақтда, унинг дўстлари бир вақтлар ўз сулолаларига қарашли бўлган Бадахшонни босиб олган султонни ёмон кўрар эдилар.

Адабиётга бўлган қизиқишларининг муштараклиги Алишер билан уларни яқинлаштирган эди, аммо бу алоқанинг тафсилотлари султонни қизиқтирмас, у бадахшонликларни ўзига душман деб биларди.

Тўғри, Ҳиротда Алишернинг Саид Ҳасан Ардашер исмли ёши улуғ дўсти бор эди. Алишер билан доим илиқ муомилада бўлувчи ва дўстона ғамхўрлик қилувчи бу киши саройга яқин одамлардан эди. Аммо бу ишда кўмак сўраб, уни оз бўлса-да, хавф-хатарга қўйишни Алишер хаёлига ҳам келтирмади. Чунки Алишерни ёқлаб бир оғиз сўз айтган ҳар бир кишини Абусаид ўзининг душмани деб биларди.

Чуқур хаёлга толган Алишер Ҳошим бобонинг гапларини чала-ярим эшитарди. Шу лаҳзада Паҳлавон Муҳаммад келиб қолди.

— Худди вақтида келдингиз-да,— деди севиниб Алишер.

Паҳлавон Муҳаммад кўнгил очар ерлар, шаробхоналарда кўп бўлар, у ерларда хитой кўзбойловчилари, ҳинд фақирлари, донг таратган полвонлар, моҳир раққосаларни учратиш мумкин эди. Қора ниятли кишилар ҳам одатда шундай ерларга тўпланишарди.

Алишер Паҳлавон Муҳаммад бирор ерда Замирандан хабар топармикин деб умид қилди. Ахир бундай ажойиб овозли қизлар кўп эмас-ку.

Ҳамма вақт хушчақчақ, серҳаракат бўлган Паҳлавон Муҳаммад бу хабардан гангиб қолди. У бир неча бор Замиранинг қўшиқларини эшитган бўлиб, қизнинг овози дур ва олмасдан ҳам қиммат дерди. Алишерга ўхшаб, у ҳам дарҳол қизни овози туфайли ўғирлашган деган қарорга келди ва уни топиш осон эмаслигини англади.

— Акангиз ва қадрдон дўстингиз сифатида инонинг, кўлимдан келган ҳамма чорани кўрамен. Агар биргина бўлсин умид юлдузи милтиллаб турар экан, қидирувни тўхтатмаймен ва бирор янгилик бўлса дарҳол Самарқандга хабар қиламен. Бироқ мен ҳозир сизга хатарли хабар олиб келдим. Сиз дарҳол Ҳиротни тарк этишингиз лозим. Бадахшонликлар бош кўтаришибди, буни мен ишончли кишилардан ҳозиргина билдим. Абусаид ҳозир кимда-ким бадахшонликлар билан заррача алоқада бўлган бўлсин, шафқат қилмайди. Ҳозир сизга Самарқандга жўнашни таклиф қилишяпти, эртага зиндонни рўпара қилишлари ҳам мумкин. Бу ерда қолганингиз билан қизга ёрдам беролмайсиз, балки аксинча, ўзингизга ҳам, унга ҳам зарар етказасиз. Менга орқа қилинг-да, шу бугун кечаси, узоғи билан эртага сарҳарлаб жўнанг.

Кекса хизматкор сифатида суҳбатда иштирок этган Ҳошим бобо ўз фикрини айтишга ижозат сўради.

— Тақсирим ҳақ гапни айтдилар. Сарбозларнинг бизга ёрдами тегмайди. Худо хайрларини берсин, Замирани қидиришни Паҳлавон ўз зиммаларига оляптилар. Отларимиз тайёр, юклар ортилган... Ижозат берсангиз... яхшиси шу бугун жўнаймиз. Тун пардаси остида ҳеч ким бизнинг кетганимизни пайқамайди. Йўлда эса, ҳеч кимдан қўрқмасак бўлади — бизнинг қароқчилар оладиган нарсамиз йўқ.

— Чолнинг гаплари тўғри, — деб уни қувватлади Паҳлавон Муҳаммад. — Абусаиднинг ясовуллари қа-

роқчилардан хавфлироқ. Ким билсин, эҳтимол у бугун сизга бошқа бирор нарса ўйлаб қўйгандир? Ҳа, шу бугун, ҳозироқ жўнанглар.

Алишер олдида тартибсиз ёйилиб ётган китобларга қаради.

— Улуғ шоирлар ва олимларнинг сўз жавҳарларига фарқ эканмен, шунча ҳодисалар юз берибди!.. Азиз дўстим, ғамхўрлигингиз учун раҳмат. Жўнашга тўғри келади. Аммо жонажон шаҳримга қайтиш умидим ҳеч қачон сўнмайди.

* * *

Замира эрталаб кўчага чиқаркан, қуёш чарақлаб турган ана шу ёп-ёруғ кун унинг учун ҳадемай қора тунга айланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тўғри, ҳар вақт ҳаётда бирор ўзгариш юз бериши олдида бўладигандек унинг кўнгли ғаш эди. Қиз шаҳарга кўникиб қолган бўлиб, дала ишларини билмас, ҳаммадан ҳам Алишер совға қилган дуторга жўр бўлиб қўшиқ айтишни яхши кўрарди.

Унга, сен қишлоққа қайтишинг, эрга чиқишинг керак дердилар. Ҳошим бобоси билан шундай яхши яшаб юрган, Алишер унга шундай меҳрибон бўлгандан кейин бунинг нима кераги бор? Қани энди бошига нима ишлар тушишини олдиндан билиб олса. Мана ҳозир билади, ҳозир. Бахтни қарангки, кеча уйларига бир гадой хотин кириб келиб, фолбинга кўрсатишни ўргатди.

Замира енгил одим отиб борар, уйдан чиқиши биланоқ иккита киши кетидан тушиб, уни бир неча қадам орқада пойлаб келаётганини пайқамас эди. Муюшга етганида қиз шаҳар четида турадиган фолбин кампирнинг уйига қаёқдан борганим тузук экан деб тўхтади. Орқасидан келаётганлар ҳам тўхташди.

Замиранинг кўнгли тобора ғаш бўлиб борди. У умрида биринчи марта фолбинникига кетяпти. Одамлар бу фолбинни чинакам жодугар дейишади, атрофини мушуклар ўраб ўтирармиш. Шунинг учун ҳам уни мушук фолбин деб аташаркан. Замира ҳеч нарсани ўйламасликка тиришиб, қадамини тезлатди.

Ҳалигина тонг отганига қарамай, шаҳарда ҳаёт қайнар, кўчалар гавжум эди. Ҳамма қаёққадир ошиқади.

Замира ҳам шошиб боряпти. Мана, тор кўчага ҳам етди. Фолбин шу ерда, деворлари қийшайиб қолган хароба уйда туради. Шовқинли кўчалар узоқда қолди, ҳамма ёқ жимжит. «Худди қишлоқдагидек-а», деб хаёлидан ўтказди қиз. Бирдан орқасидан кимдир келаётгандай бўлиб кетди, Замира беихтиёр ўгирилиб қаради, лип этиб ўзини ичкарига урди-да, аллақандай ғалати ҳовлига кириб қолди. Бошига қора кашмир рўмол ўраган, эгнига ранги ўнгиб кетган ола-пес кўйлак кийган семиз бир кампир кенг саҳнли тахта сўри устида ўтирар, атрофини йигирматача ҳар хил мушуклар қуршаб олганди. Кампир уларга овқат улашар, мушуклар эса, бири-бирининг оғзидагини юлиб биғиллашарди.

Замира ҳайрон бўлиб тўхтади, бироқ кампир тизасида олиб ўтирган иккита арзандасини секин ерга олиб қўйиб, қизни уйга таклиф қилди. Ичкари қоронғи ва зах бўлиб, чўл ўтларининг иси келар, бурчакда терисига сомон тиқилган бойқуш турарди.

— Қизим, фол очириб, пешонангда нималар борлигини билгани келгандирсан-да, шундайми?

Замира жимгина бош ирғади.

— Утир. Икки тангага ҳаммасини айтиб берамен.

Замира шоша-пиша харажатга қанча пул қолишини ҳисоблаб кўрди-да, етишига қаноат ҳосил қилгач, жимгина кампирга икки тангани узатди. Фолбин ўчоққа ўт ёқди. Кейин ўзича алланималар деб ғудраниб юриб, қозон осди-да, сув қўйди.

Замиранинг бир оз юраги увишди, аммо энди кетиб бўлмасди: пулни тўлаб қўйди, кампирнинг нималар дейишини ҳам жуда эшитгиси келарди.

Қозондаги сув биқиллаб қайнади. Кампир пичирлаб афсун ўқиркан, қизни қўли билан имлаб чақирди, у яқин келгач, қозонга қандайдир юмалоқ қора нарсалар ташлади. Қуюқ буғ кўтарилди, кампир эса, қозон устига энгашиб, унда каттакон сарой кўраётганини, қиз ана шу саройда яшаяжagini айтиб шанғиллай бошлади.

— Пири бадавлат бўласен, симу зарга кўмиласен,— деб ғулдирадди у.

Ќулдираш бўғиқ пичирлашга ўтди, кейин кампир бирдан қаттиқ қичқирди-да, жим бўлди.

Замирани кўрқув босди. Худди шу пайт кимдир эшикни қаттиқ-қаттиқ тақиллатди. Кампир ўзига келгандай бўлди.

— Ким у?— деб сўради одатдаги сўниқ овози билан.

— Ҳоқонимиз Султон Абусаид ҳазратлари номидан буюрамен: оч эшикни, қари алвасти!

Қампир инқиллаб-синқиллаб ўрнидан тураркан:

— Вой ўлмасам! Бу нимассийди?— деб гингшиди.

Эшик тагида ҳали Замиранинг кетига тушган кишилардан бири турарди. Қиз дарҳол рўмолини юзига ташлади, юраги тузоққа тушган қушдай типирчилаб тепарди. Замира ҳаяжон ва қўрқувга қарамай ичкарига кирган кишига бошдан-оёқ қараб чиқди. Унинг ёвуз афти чўтир босган эди. Эгнида қиммат баҳо кимхоб тўн, унинг остидан язда тикилган қиммат баҳо камар кўриниб турибди; оёғида тугмалик «арабий» этик, бошида эса, қоракўл қалпоқ. Белбоғига ханжар осилган. Одатда Ҳирот ясовуллари шундай кийинишарди. Бу Юсуф Мирзо деган ўғри ва муттаҳам эди. Ушлик диёнатли ва бообрў эгарсоз устанинг ўғли бўлмиш Юсуф Мирзо ёшлигидан энгил-елли ҳаёт кечириш истагига тушиб, ёмон одамлар таъсирида йўлдан адашган, катта йўлларда босқинчилик қилиш ва бошқа ҳар хил қора ишлар билан шуғуллана бошлаган эди. Туғилиб ўсган шаҳрини у аллақачон тарк этганди. Ҳирот бундай кишилар учун айни қулай жойга айланиб қолди. Шаҳарда талайгина бекорчилар ва бебошлар сандирақлаб юрар, саройга яқин кишиларнинг ҳузур-ҳаловатига ҳалал бермаса, уларни кўпда таъқиб қилинмасди.

Юсуф Мирзо ўзини савдогар деб танитиб, харидорларини роса лақиллатиб юрарди. Унинг савдо қилиб кўрмаган нарсаси йўқ эди. Фарғонадан табулға деган жаҳонда тенги йўқ қизил ёғоч келтирарди-да, арзимаган пулға усталар ёллаб, ундан ҳасса, қуш боқиладиган қафаслар ясаттирарди, сўнг уларни пойтахт боёнларига жуда баланд нархда пулларди.

Унинг жуда кўп гумашталари бўлиб, улар Марғилондан олхўри таъмини берадиган дони йирик-йирик анорлар, Самарқанддан чиллаки олма, Ахсидан қовун келтиришарди.

Савдогар ниқоби остида у ҳар хил одамлар билан осонгина алоқа боғлар ва улар орқали янги-янги ишларни бошларди. Шу кунларда бугун-эрта Ҳиротга олиб келинадиган машҳур Хитой раққосасига айрибошлаш учун қандай йўл билан бўлмасин бир хушовоз қиз толиш керак эди.

Бечора Замира атрофини баланд девор ўраган боғда кўнгил ғуборини ёзиб, қўшиқ айтarkan, қўнғироқдек овози ана шундай ярамас кишининг қулоғига етиб қолишидан беҳабар эди. Юсуф Мирзо бир неча кундаёқ бу хонадонда яшовчиларнинг кимлигини суриштириб билди. Уйнинг эгаси бир вақтлар катта мартаба эгаси бўлган марҳум бекнинг ўғли эканини, шу кунларда у подшонинг ғазабига дучор бўлгани ва ҳадемай Ҳиротни тарк этишга мажбур эканини аниқлади.

Боғда қўшиқ айтган қиз хонадондаги кекса бир хизматкорнинг набираси экан. Демак, унга жон куйдирадиган кимса йўқ. Қизни қандай қилиб бирор чеккароқ ерга алдаб олиб бориб, шовқин-суронсиз ўғирлаб кетса бўларкин, деган савол туғилди. Шунда ялт этиб фолбин эсга келди. Қизлар фолбинга ўч бўлади! Фолбин кампир эса кўпдан бери Юсуф Мирзонинг хизматини қиларди, кампир унинг садақалари билан кун кўрар ва унинг ифлос ишларида содиқ кўмакдоши эди.

Қуёш чарақлаб турган ёз кунларининг бирида эрта-лаб Замира ана шундай қилиб бу даҳшатли уйга келиб қолди. Юсуф Мирзо ёвуз кўзларини лўқ қилиб, унга тикилиб турарди.

— Худди сен керак эдинг-да менга,— деди у Замирага.

— Мени нима қиласиз?— эшитилар-эшитилмас сўради қиз.

— Бун «шу қизни олиб кел» деб мени юборган жабондан сўраб биласен. Қиз кечгача шу ерда қолади,— деди у кампирга.

Кампир қўлини кўксига қўйиб, итоаткорона таъзим қилди. Замира ўзини фолбинникига йўллаган гадой хотинни эслади ва бирдан булар ҳаммаси олдиндан келишиб қилинган иш эканини, фолбин кампир билан бу кишининг тили бир эканини англади. Беихтиёр эшикка томон отилди, бироқ Юсуф Мирзо йўлини тўсди:

— Ўзингни бос, булбулим! Бундан буён сен бошқа боғда сайрайсен.

— Қўйиб юборинг мени! Бобом билан жаноб Алишер мени кутиб ўтиришибди... Улар жўнаб кетиши керак... Сизга нима ёмонлик қилдим?

— Бас, етар!— деб ўшқирди Юсуф Мирзо — Ҳужрага олиб кир,— деди у фолбин кампирга.— Кечаси олиб кетамиз. Менга қара, агар жонингда қасдинг бўлмаса,

овозини чиқармасликнинг йўлини қил. Бирор кимса келиб, бу ерга ҳеч ким кирмадими деб сўрагудай бўлса, «Туя кўрдингми, йўқ!» қабилида жавоб қила бер.

Замира «дод!» деб бақирингга ҳам улгурмай Юсуф Мирзо унинг оғзига қаттиқ қилиб ўралган бир нарсани тикди-да, овози чиқмайдиган қилиб орқасига тортиб қўйди. Кейин қўлини боғлади-да, ҳовлининг ичкарисидеги каталакдек, қоронғи ҳужрага судраб кетди. Ҳужрадан мушук ва ачиган қаттиқ ҳиди анқирди.

Қаттиқ турткидан Замира ерларчин бўлиб йиқилди. Шу заҳотиёқ эшикка фирчиллатиб тамба урилгани эшитилди.

* * *

Алишер йўл бўйи чурқ этмай борди. Қизнинг тақдирини уни ўзидан ҳам кўпроқ ташвишга соларди. У шоирнинг фикрини, унинг куйини ҳеч бир тутқин қилиб бўлмаслигини биларди. Аммо бояқиш Замиранинг ҳоли нима бўлди, у кимларнинг қўлига тушдикин? Эндигина ҳаётга кириб келаётган қизчанинг аҳволи не кечаркин? Кекса хизматкор ҳам қайғусини ичига ютиб, жим борар, ҳатто хўрсиниб бўлса ҳам суюкли хўжасини безовта қилишдан чўчир эди. Ярим кечада йўл ёқасидаги бир работга етиб боришди. Улар ташвиш-ҳаяжон, сафарга жадал отланиш, шаҳардан тезроқ чиқиб кетиш мақсадида йўл бошида тезлаб юрганлари туфайли анча ҳолдан тойгандилар.

— Туннинг қолган ярмини мана шу меҳмондўст работда ўтказмаймизми?— сўради Алишер отини секинлатаркан.

Ҳошим бобо жон деб рози бўлди ва улар болхонали бино эшигини қоқа бошлашди.

Хўжайин ухлаб қолган экан, тўнғиллаб юриб, эшикни очди, бироқ қўлига тутқизилган тангалар дарҳол уни тинчитди.

Отлар бошқа яна бир неча от ва эшак турган оғилхонага киритиб боғланди. Йўловчиларга кигиз солиб берилди.

Алишер ётди, бироқ ухлай олмади. Миясига мисралар қуйилиб келаверди, фикрлари чувалашарди, аммо ҳамма ўйлари Замирага, тўғрироғи, унинг бахти қаро тақдирига бориб тақаларди. Аста-секин ўтмишнинг буюк шоирлари томонидан яратилган аёллар сиймоси За-

мира билан ёнма-ён саф торта бошлади: Лайли, Ширин, қўшиқчи Фитна... Бегуноҳ нобуд қилинган гулдай вужуд хотираси қўққисдан Алишернинг қалбига ўқдай қадалиб, уни зирқиратиб юборди.

Кўз ўнгида беш аср муқаддам Балхда яшаб, ижод этган ажойиб шоира гавдаланди. Унинг ҳақида таъсирли афсона сақланиб қолганди. Мана шу қайғули туи қўйнида Алишер ўша шоира ўзининг гоят қисқа ҳаётида бошдан кечирган савдоларни ипидан-игнасигача хотиридан ўтказди.

Қиз Балх ҳокимининг тўртинчи фарзанди бўлиб, исми Робия экан. У ёшлигиданоқ қушларнинг сайрашига диққат билан қулоқ солади; ўзи ҳам булбулдай ёқимли куйлайди. Тўнғич ўғил отанинг умидларини пучга чиқаради. У давлат арбоби бўлишдан кўра, фан ва шеърят билан шуғулланишни афзал кўради. Узоқ илтижолардан сўнг отаси унга Бухорога бориб, таҳсил кўришга ижозат беради. Бироқ Бухорога кетгунга қадар у синглиси Робияга кўп нарсаларни ўргатганди. Ака ўз синглисига шеърлар ўқиб беради, улуғ кишилар ҳақида ҳикоя қилади.

Уртанча ўғил юришлардан бирида ҳалок бўлади. Қобилиятсиз, дангаса бўлганидан, унга кўпда ачинишмайди ҳам.

Энди отанинг бутун умиди кенжа ўғлидан бўлиб қолади. У ёш болалик чоғидаёқ саркарда бўлгудек қобилияти бор эканини намойиш қилади. У иштирок этган ҳар бир юриш зафар билан тугалланарди.

Балх ҳокими вақти-соати етиб, дунёдан кўз юмаркан, ўлими олдида унга:

— Ўғлим, сендек ворисим борлигидан хотиржам кўз юяпмен, Балхни асра, синглингни тарбият қил...— деб васият қилади.

Сингил! Оға умрини муттасил юришларда ўтказар экан, ҳар сафар уйга қайтганида синглиси билан янгитдан танишгандай бўлади. Кичкина ва нозик қизча аста-секин хипча бел, бодом қовоқ, шахло кўз гўзалга айланади. У парилардек мулойим ва енгил одим отади. Уни айни ҳуснга тўлган чоғда кўрган акаси «шоҳ саройига лойиқ қиз бўлибди» деб кўнглидан ўтказади.

Балхнинг ёш ҳокими хийла вақт дам олиб, хордиқ чиқаргач, кунлардан бир кун яна қўшини билан сафарга отланади. Юриш тез кун ичида ғалаба билан тугал-

ланади. Ғалаба муносабати билан у жуда катта инъомлар олади ва Бухоро амирининг ҳузурида бўладиган базмга таклиф этилади.

Сомонийлар саройининг зеб-зийнати таърифга сикмас, унда инсон тасавури орзу этган жамики нарса муҳайё эди. Ҳаммасидан ҳам кўрками у замоннинг шоирлари эди. Базмда «шоирлар шоҳи» деб донг таратган Рудаки* ҳам иштирок этади ва ғалаба шаънига ҳозиргина ёзиб битказган қасидасини ўқиб беради.

Тингловчилар гуриллашиб уни мақтай кетишади. Шовқин бир оз босилгач, шоир ўрнидан туради-да:

— Мен бутун умрим давомида диққатга сазовор баъзи нарсаларни ёздим. Бироқ уларнинг ҳаммаси бир ёш қаламқаш ижод этган мана бу ғазал олдида ожиздир; ҳозир уни сизларга ўқиб берамен,— дейди.

Ҳамма эҳтиром билан қулоқ солади, кекса шоир ҳали ҳам ширали бўлган овозининг бутун ҳарорати билан муҳаббат ҳақидаги ажойиб бир шеърни ўқийди. Мисралар замирида маъшуқанинг ўз севгилиси билан бир умр бахтли бўлиш орзуси яшар, унда эҳтирос ва назокат мужассамланган эди.

Рудаки ўқиб бўлгач, яна шов-шув кўтарилади, ҳар тарафдан:

— Ким ёзган? Исми нима? Исми?— деган саволлар ёғилади.

Шоир яна ўрнидан туради-да, ҳамма тинчлангач:

— Айтсам хайратингиздан бармоғингизни тишлаб қоласиз. Буни бир маъсума, ёш қиз ёзган,— дейди.

— Исми нима? Ўзи ким?— деган овозлар эшиталади чор атрофдан.

— Ҳозирги Балх ҳокимининг синглиси. Бундан буён у қизнинг номи бутун дунёга машҳур бўлмоғи лозим! Исми Робия!

Кимдир «А?!» деб қичқириб юборади. Бу Балхнинг ёш ҳокими, Бухоро амирининг марҳаматига сазовор бўлган ғолиб ҳукмдор эди. У сездирмай базмдан чиқадиганда, навкарларини чақиради. Отини келтирадилар, у қутурган йўлбарсдай ҳаммадан олдинда елиб учди. Бухородан Балхгача бўлган бутун йўлни сира дам олмай босиб ўтади.

Ҳолдан тойган от саройга етиб келади-ю, чўккалаб

* Рудаки — X асрда яшаган улуғ тожик-форс шоири.

қолади. Устидан эгаси сакраб тушгач, гурс этиб ағдарилади-да, хириллай бошлайди. Аммо Балх ҳукмдорининг кўзига бу вақт ҳеч нима кўринмасди. У шиддат билан саройига киради-да, синглисини чақиртиради.

У назарида синглисини биринчи бор кўраётгандек бўлади. Акасининг «ашъор битишинг тўғрими» деб берган саволига Робия «ҳа» деб жавоб берар экан, қизнинг бодом қовоқ, шаҳло кўзларида чуқур маъно бор эди.

— Ғазалингни эшитдим,— дейди ака бўғилиб.— Муҳаббатдан ёзибсен. Қимни севишга журъат этдинг?

— Мен Балх ҳукмдорининг бир жасур навкарини севамен.

— Менинг хизматкоримни-я!— деб ғазабдан қичқиб юборади акаси.— Мен шоҳ саройига лойиқ деб билган қиз-а!... Айт, у бахти қоранинг исми нима?!

Робия қуёш юзини кўрган ойдек оқариб кетади, лекин хотиржам ва қатъий дейди:

— Балх ҳокими мени ўлдирмоғи мумкин, аммо мен севгилимнинг номини айтмаймен.

— Исми нима?! Исми?!

— Йўқ, айтмаймен, айтмаймен!

— Бўлмаса ўласен!..

— Мен ўлимга тайёрмен.

— Юзимни ерга қаратганинг учун даҳшатли ўлимга маҳкум этиласен!

Ҳоким Робияни ертўлага қамаб, эшигини кўмиб ташлашни буюради.

Ҳамма нарса тахт қилинган, ажал ошиёни бўлган ертўла оғзига қизни унинг ўзи бошлаб келади.

Робия узун оқ либос кийган, баркамол чеҳрасини юпқа парда тўсиб турарди.

— Охирги марта сўраймен, ҳали ҳам ёш жонингни сақлаб қолишинг мумкин: сенга қарашга журъат этган беодобнинг исмини айт, сенинг ўрнингга ўша ўлдирлади.

Робия лом- мим демай зинадан пастга тушиб кетади.

— Улиб кетавер бўлмаса, лаънати!— деб қичқиради Балх ҳукмдори ва ўзи биринчи бўлиб ертўланинг эшигига тупроқ тортади.

Беш кун деганда ертўлани очишади. Робия ухлаётгандек, тиззасини бир оз букиб, тинчгина ёнбошлаб ётарди. У дим ертўлада очликдан ўлишни кутиб ўтир-

мабди. Енгида кичкина ханжар яшириб кетган экан, ўша билан томирини кесибди-да, қонсизликдан аста-секин жон берибди. Бироқ унинг табаррук қони беҳуда тўкилмабди; машъаллар шуъласи ертўланинг оқ гиштин деворларини ёритганда ҳамманинг кўзи ундаги тўқ қизил ёзувларга тушади: Робия умрининг сўнгги дақиқаларигача бармоғини ўз қонига ботириб, ғазал ёзибди. Бутун деворларни байтлар билан тўлғазиб юборибди. Бу вафоли, соф севгининг ажойиб мадҳияси эди. Қиз шунда ҳам севгилисининг номини айтмабди.

— Ювиб ташланглар!— деб амр қилибди ғазаб ва даҳшатдан ўзини йўқотган Балх ҳукмдори.

Аммо қанча ювиб, қанча қиртишламасинлар, қонли харфлар тош девор бетиде яна пайдо бўлаверибди.

Даҳшатдан Балх ҳукмдорининг ўтакаси ёрилибди. У тинчини йўқотиб, тунлари боғда танҳо кезадиган бўлиб қолибди. Янги туққан ой кўзига эгри қилич бўлиб кўринибди. Бир куни ногихон буталар орасидан навкар кийими кийган бир йигит отилиб чиқибди. У жадал юриб, Балх ҳукмдори олдига келибди-да, унинг кўксига ханжар урибди, ҳоким ўзининг энг жасур ва энг севимли навкарини танибди.

— Сенмидинг ўша...— деб гап бошлабди-ю, аммо тугатолмабди: ханжар қоқ юракка санчилган экан. Ҳукмдор шу ондаёқ ўлибди. Ертўлада эса, Робия ғазалларининг ўлмас сатрлари ҳали-ҳали порлаб турармиш.

Ҳиротдан қувғин этилган дастлабки куни кечаси Алишер ана шу лавҳани хотиридан кечирди.

— Аёлларнинг тақдири нақадар аянчли!— деб хаёлидан ўтказди у.— На ўз эрклари билан севишга, на ижод этишга ҳуқуқлари бор.

Шафқатсиз расм-одат жатидан ажойиб севгилари поймол этилган икки ёш ҳақида «Лайли ва Мажнун» достонини ижод этиш фикри эҳтимол мана шу тунда тугилгандир. Низомий ва Хусравлар куйлаган Лайли образи энди Алишер тасаввурида янгича қиёфа ва маъно касб этди.

Шу вақтгача Алишер фақат ғазаллар ёзар, баъзан мухаммаслар битар, шеърий жумбоқлар — муаммоларни севар, бироқ унга катта асарлар яратиш ҳали узоқ кўтарилиб бориш керак бўлган юксак чўққидай туюларди. Шунга қарамай, қалбининг чуқур ерида келгу-

сидаги катта дostonлари учун лавҳалар пайдо бўла бошлаганди. Улар кундалик ҳаётнинг маҳсули бўлиб, унинг тасаввурини ҳаяжонга соларди.

* * *

Кечасилари Ҳиротнинг Ишратхона манзили шов-шувга тўларди. Эшиклари кўчага очиладиган, зарҳал нақш ва зангори бўёқлар билан безатилган икки қаватли уйлардан катта-кичик дўмбира ва доираларнинг овози эшитилар, қулоқни батанг қилувчи бу дўмбир-дўмбир орасидан гоҳо найнинг ноласи ва гижжакнинг навоси келиб қолар, буларнинг ҳаммасини эса, ўқтин-ўқтин қўш ноғоранинг гумбурлаши босиб кетарди.

Паҳлавон Муҳаммаднинг Ишратхона манзилига келмаган куни бўлмасди. У улфатлар билан ўтириб сатранж ўйнаш, аччиқ қаҳва ичиш, кишини руҳлантирувчи шўх куйларни тинглашни яхши кўрар, саргузаштлар ва сирли воқиаларни тинглашга ишқивоз эди.

Аммо бу куни унинг диққатини тамомила бошқа нарса банд этганди. У бир қанча ишратхонага кириб чиқди, бироқ ўзини қизиқтирган нарсадан бирон ерда дарак топмади. Шунда у хиёбондаги барча қаҳвахоналарни бирма-бир айланиб чиқа бошлади. Қоронғилик қуюқлашган сари, музика тобора баландроқ янграрди.

Паҳлавон Муҳаммад бошқалардан кўра хирароқ ёритилган пастаккина бир уй олдига борди. Деразадан музика садоси ўрнига англаб бўлмайдиган узуқ-юлуқ қийқириқлар эшитилмоқда. Одатда бу ерга ўтакетган майхўрлар тўпланишарди. Бу гўшага келиб, шу ердагилар билан баравар ичишмаган киши хўжайиннинг ва шу ердагиларнинг нафратига дучор бўларди. Паҳлавон Муҳаммад қуввати ва саломатлигини эҳтиёт қилар ва меёри билан ичарди, аммо у ҳозир бу уйни четлаб ўтолмади, негаки муҳим бир вазифани бажаришга отланганди.

Паҳлавон саҳни кенг, кўримсизгина хонага кираркан, бир гуруҳ бадмаст кишиларга кўзи тушди; уларнинг ҳаммаси ёқавайрон, қайфи тарақ эди, уй саҳнида бўш шишалар юмалаб ётар, улардан баъзиларининг остида қуйқум силқиб қолганди. Бир маст зўр бериб шу қуйқумларни сузиб беришни талаб қиларди.

— Сузгични бер!— деб қичқирарди у майхона хўжайинига.— Сузгични бер дейман, ит! Ҳали яна икки пиёла май бор буларда. Мен ҳаммасига пул тўлаганман.

Аммо сузгични топишолмади. Кўринишдан улусифат бир мўйсафид гандираклаб, бақираётган кишига яқин келди:

— Мана бу оппоқ соқолимга бир қара. Топ-тоза, кўр-япсанми? Доим совунлаб ювиб тураман. Кел, майингни шундан ўтказамиз-да, тенг бўлиб ичамиз.

Маст киши бу таклифдан қувониб кетди-да, соқол остига катта коса қўйиб, май қуйқумини суза бошлади. Паҳлавон Муҳаммад Ҳирот мачитларидан бирида сўфилик қилувчи бу чолни таниди. Бу манзара уни ажаблантирмади, у Ҳиротда яшаб, кўп нарсага кўникиб қолганди.

Бақириб-чақириб сўкинаётган одамларнинг бирини иккинчисидан фарқ қилиш амри-маҳол эди, улар орасида учиб қолган ўртоғига паст овоз билан алланимани қайта-қайта уқдираётган хийла ҳушёр бир киши Паҳлавоннинг эътиборини ўзига тортди. Унинг кийим-боши ҳам бошқаларники сингари ёқавайрон бўлиб, оёғида арабий этик ярақлаб турарди. Бундай этик кийган кишини Паҳлавон бугун Алишерни кузатаётганида унинг уйи ёнида кўрган, қоронғида ўзини таниёлмаган эса-да, этиги эсида қолган эди. Паҳлавон ўзини мастликка солиб, улар олдига борди-да, қоқилиб ерга йиқилди ва ухлаб қолгандек хуррак ота бошлади, аслида у суҳбатлашувчиларнинг ҳар бир сўзига диққат билан қулоқ солмоқда эди.

— Юр деяпман сенга! Эрталабгача кутиб бўлмайди.

— Бе, қушча пишиқ қафасда, учиб кетолмайди.

Паҳлавон нафасини ичига ютиб, ўзини данг қотиб ухлаётганга солди.

— Жигарингни жин егур! Эс-ҳушингни ўзингга оласанми-йўқми? Ҳозироқ бориш керак. Мушук жинниси қари бойқуш ухлаб қолади.

«Қушча»... «Мушук жинниси, қари бойқуш». Паҳлавон бу ким бўлди экан деб ўйлаб кетди. Бўлди-бўлди! Топдим! Фолбин кампир-ку! Ҳиротда болаларни кўр-қитмоқчи бўлишса ўшанинг номини айтишмасмиди! Бир вақтлари унинг фол боқишига қизиқиб, ўзи ҳам борган эди.

Паҳлавон бир лаҳзада воқиянинг қандай содир бўл-

ганини аниқ тасаввур этди. Қушча дегани — Замира. Уни қандайдир йўл билан фолбин кампирнинг уйига алдаб олиб боришган-да, энди ярим кечада уни Ҳиротдан олиб чиқиб кетишмоқчи. Тез бўл, Паҳлавон, арабий этик кийган киши кайфи тарақ шеригини кўндиргунча етиб бор!

Паҳлавон Муҳаммад сездирмай сал нарироққа суррилди, секин кўзини очиб қараб, унга ҳеч ким эътибор бермаётганига қаноат ҳосил қилди-да, шартта ўрнидан туриб, билдирмай чиқиб кетди.

У фолбин кампирнинг уйини яхши биларди, шунинг учун энг яқин йўлдан кетди. Тезроқ етиб бориш керак, эҳтимол қизни кампирдан бошқа яна бирор кимса қўриқлаб тургандир.

Бироқ иш тамомила бошқача бўлиб чиқди. Паҳлавон Муҳаммад эшикни оҳиста қоққан эди, ичкаридан инграган, бўғиқ овоз эшитилди. Эшикни итариб кўрса, очиқ. Уйга кирди. Кампир ерда ётар, кичкина жинчи-роқ уй ичини ғира-шира ёритиб турарди.

— Жон афандим, раҳмингиз келсин, мени ўлдирманг!— деб ёлборди кампир, қўрқув ичида Паҳлавон Муҳаммадни Замирани ўғирлаб келган кишилардан бири ҳисоблаб.— Бошгинангни егур симёнингиз қўлимдан чиқиб кетди. Энди сув берай деган эдим, қорнимга қаратиб чунонам тепдики, ағдарилиб тушдим, лип этиб қочди — кетди.

Дастлаб Паҳлавон Муҳаммад хурсанд бўлиб, енгил тортди, чунки қушча қафасдан озод бўлганди. Бироқ шу заҳотиёқ: «Қиз уйга боргани билан ҳеч кимни тополмайди-ку», деб ўйланиб қолди. Ҳарқалай, дарҳол кетидан етиб бориш керак. Бунинг устига, дам ўтмай келиб қолиши мумкин бўлган жиноятчилар билан тўқнашишга ҳам унинг тоби-тоқати йўқ эди. Кампирни қандай жазоласалар жазолай берсинлар, унга барибир эмасми? Алвасти жазосини тортиши керак.

Алишерлар ҳовлиси жимжит, қоронғи эди. Боғнинг эшиги очиқ, аммо уйнинг эшиклари беркитилган. Паҳлавон Муҳаммад деразалардан бирининг тагига бориб, секин:

— Худо ҳақи, овоз беринг! Ҳеч ким борми бу ерда?— деди.

Тиқ этган овоз эшитилмас, фақат шамолда тебранган терак баргларигина шитирларди.

ТЕМУР ПОЙТАХТИДА

Ҳар томондан шаҳарга оғир-оғир саватлар ортилган эшак, хачир, туялар кириб келарди. Эгалари бир-бирлари билан бақиршиб-чақиршиб гаплашар, вақти-вақти билан жониворларга қамчи бериб қўйишарди.

Бугун Самарқандда бозор куни. Қовун-тарвуз, аноранжир, машҳур Самарқанд олмалари ва соҳиби узумлар бозорга тоғ-тоғ қилиб уйиб қўйилган.

Ҳаво очиқ, мовий осмонда қуёш чарақлаб турган кезлари Самарқанд нақадар гўзал! Бу қадар беғубор, мовий осмон билан Темур қурдирган Бибиҳоним мадрасасининг гумбазигина рақобат қилиша оларди. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий уни таърифлаб: «Осмон унинг такрори бўлмаганда, мадраса гумбази дунёда танҳо бўлар, Сомон йўли мадраса пештоқиға йўлдош бўлмаганда у ягона бўлиб қола берарди» деган экан.

Бибиҳоним мадрасаси ўзининг ҳашамати, нақшларининг нафислиги билан кишини хайратга соларди. Темурнинг жасади дафн этилган Гўри Амир мақбараси меъморчилик санъатининг етук намунаси сифатида кўзларни қувонтирар, икки ёнида иккита адл минора кўкка бош ургандай қад кўтариб турарди.

Самарқандга кўҳна Афрасиоб ўрнида қад кўтарган тепалик томондан келинса, узоқдан ниҳоятда нафис Шоҳи Зинда мақбарасини кўриш мумкин. Мақбара шу ерга биринчи бор дафн этилган авлиёнинг номига қўйилган.

Бу улуғ шаҳарга жило бериб, унинг шуҳратини таратган жаҳонгирнинг вафот этганига ярим асрдан ортиқ вақт бўлди. Моварауннаҳр ва Хуросонга бўлинган Темур давлати бу даврда катта-катта воқиалардан ларзага келди. Темур қурдирган баъзи бинолар нурай бошлади, бироқ кўркамликда ҳамон Самарқанднинг олдиға тушадиган шаҳар йўқ эди.

Самарқандда қирқ йил муттасил ҳукмронлик қилган Улуғбек замонида талайгина янги бинолар қад кўтарди.

Аммо бобоси асосан мачит, мақбаралар қурдирган бўлса, Улуғбек фан саройлари қурдириш билан шуҳрат топди. У ҳарбий шон-шавкат кетидан қувмади. Ҳамма нарсадан кўпроқ уни математика ва астрономия қизиқтирарди. Бу фанлар соҳасида у беқиёс юксакликка кўтарилди, осмон сайёралари ҳаракатини шарҳлади ва

астрономик жадвал яратиб, бутун жаҳонга донг таратди. Узн каби фанга содиқ дўстлари билан биргаликда осмон сайёраларини кузатадиган асбоблар яратди. Кишиларда илму-маърифатга муҳаббат уйғотишга интилди. Қўл остидаги шаҳарларда мактаб ва мадрасалар солдирди.

«Илмга интилиш — мусулмон бўлмиш ҳар бир эркак ва аёлнинг бурчидир»,— дерди Улуғбек, бу сўзлар унинг томонидан Бухорода қурдирилган мадраса эшигига ўйиб ёзилганди.

Шаҳарнинг марказий майдонига солинган янги мадраса бутун Самарқанднинг кўрки бўлди, унда талабаларга ҳар томонлама кенг маълумот бериш мўлжалланган эди; бу мадрасада ўқитиладиган фанлар орасида математика ва астрономия ҳам бор эди. Мадрасанинг очилиш куни самарқандликлар хотирида узоқ сақланиб қолди.

Қуёш найзага келган пайт. Ёш, аммо тўлишиб келатган султон худди белгиланган вақтга етиб келди. Шаҳарнинг тўқсонга олими, бошига катта-катта салла ўраган шайх ва муллалар Моварауннахр ҳукмдори янги мадрасага кимни мударрис этиб тайинлашни тоқатсизлик билан кутардилар.

Ҳаммадан четда юпунгина кийинган бир киши ўлтирарди. Юзлари йўл чангига беланган, кўзлари эса, бутун ички дунёсини ифода этиб тургандай боқади.

Улуғбекнинг келганидан дарак бериб чалинган карнайларнинг овози тинди, султон ўзига тегишли ўринга бориб ўтиргач, орага жимлик чўкди. Ҳамма диққат билан унга қарарди. Янги бинони табаррук этиб, элни қутлагач, Улуғбек босиқ овоз билан:

— Мадрасага барча илмлардан хабари бор киши мударрис бўлади. Шундай киши борми орангизда?— деди.

Шунда ҳалиги юпунгина кийинган киши бошини кўтарди.

— Бор,— деди у секин, қатъий қилиб.— Бу мен, Муҳаммад Ҳавофий.

Совлат тўкиб ўтирган шайх ва муллалар таажжубдан катта саллали бошларини сарак-сарак тебратдилар. Аммо Улуғбек сўз қотган кишига диққат билан, жиддий боқди.

— Истаган киши ҳурматли Муҳаммад Ҳавофийга савол берсин.

Олиму фузалолар савол ёғдира кетишди.

Мунажжим ундан осмон сайёраларининг ҳаракати ҳақида сўради. Муҳаммад Ҳавофий олимга маълум гапларнигина айтиб қўя қолмай, бу ҳақдаги ўз тахминларини ҳам баён этдики, улар Улуғбек билан унинг энг яқин дўсти олим Қодизода Румий ўзаро келишиб қўйган фикрга мос тушарди. Икки олим чеҳрасига қувонч табассуми ёйилди.

Тақводорлар олдида Ҳавофий ислом динини, ундаги оқимлар кураши ва бидъатнинг келиб чиқишини чуқур билажагини намоиш этди.

Фақат Самарқанддагина эмас, бошқа кўп юртларга ҳам донги кетган машҳур бир табиб Ҳавофийнинг инсон жисмининг тузилишини на қадар мукамал билишига қаноат ҳосил қилди.

Муҳаммад Ҳавофий, Фирдавсий ва бошқа кўп машҳур шоирларнинг асарларидан катта-катта парчаларни ёд ўқиб берди. Тарих ва фалсафа соҳасида ҳам билимдон эканлигини кўрсатди.

Енгилган шайхлар унинг барча илмлардан хабардор эканини таи олишга мажбур бўлишгач, Ҳавофий ўрнидан туриб, шундай мураккаб бир рисоласини ўқиб бердики, уни Улуғбек билан Қодизода Румийгина тушуна олдилар. Муҳаммад Ҳавофий ҳақли суратда мударрис этиб тайинланди, кўпгина шайхлар кўнглида эса, унга нисбатан кек туғилди.

Самарқанд ва бошқа шаҳарларда яна кўп бинолар — хонақо, карвонсарой, ҳаммом ва расталар қурилди. Бироқ Самарқанддан ташқарида, Кўҳак тоғининг этагидаги Оби Раҳмат сойи ёқасига қурилган расадхона Улуғбек фаолиятининг асл маъносини ифода этди ва у қурдирган иншоотларга тож бўлди. Уч қават қилиб кўтарилган юксак бино ичида юлдузлар баландлигини ўлчайдиган асосий асбоб — улкан квадрант жойлашганди. Расадхона деворларида ер куррасининг тузилиши, ундаги тоғлар, денгиз ва океанлар, осмон сатҳи, юлдузлар ва сайёралар тасвири акс этдирилганди. Бунда фан ҳукмронлик қиларди.

Фанни чуқур эҳтирос билан севган Улуғбек кўп вақтини расадхонада ўтказарди. Расадхона яқинида хушманзара боғлар барпо этилди. Улардан бирига султон «Чил стун» деб аталган ажойиб қаср тиклади. Яна бир боғда тахт ўрнатилган хона шаклида улкан бино қад

кўтарди. Бениҳоят катта яхлит харсангдан ясалган тахт тоши узоқдан келтирилди. Хитой чиннисидан ишланган мухташам кўшк боғни безатган меъморлар ижодининг нафис маҳсули бўлди. Улуғбек ўз саройида илму маърифатга чинакам берилган ҳар бир кимсани қабул қилаверарди.

Улуғбекнинг илмий фаолияти унинг шуҳратини дунёга ёйди, унинг ҳалок бўлишига ҳам ана шу юксак илмий фаолияти сабаб бўлди.

Шайх ва хўжаларнинг расадхона биносини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди, чунки бу бино улардан осмонни тортиб олди. Улар олло-таолонинг карам-қудрати билан содир бўлади деб келган табиат ҳодисалари илм кучи билан шархланди. Ниҳоятда бой ўлканинг ҳукмдори бўлмиш султоннинг ўз мартабасига нолайиқ бундай ғалати ишлар билан шуғулланганини ким эшитибди тарихда!

Улуғбек дахрий, шариат қонун-қоидаларини бажармайди, кундалик беш вақт намозни канда қилади, деган миш-миш овозалар тарқала бошлади.

Дарвишлар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, дахрийлар худонинг қаҳрига учрайди, деб каромат қилишар, халқни қўрқитиб, подшога қарши қайрашарди.

Илмий-тадқиқот ишларига муккадан кетган Улуғбек теварак-атрофида бўлаётган ишларнинг кўпидан беҳабар эди. Унинг тепасидаги қора булутлар эса, тобора қуюқлашиб борарди.

«Сен Муҳаммад динини барбод бериб, кофирлар удумини жорий қилдинг» деб тўғридан-тўғри бетига айтишга журъат этганлар ҳам бўлди. Улуғбек саройидаги базм чоғида шундай гапни очиқ айтганлардан бири Саид Ошиқ эди. Улуғбек Саид Ошиққа тегмади, балки улуғворлик билан, фан йўлидан ҳеч қачон чекилмаймен, негаки илм-фан ҳақиқат нурини ёйди, деб жавоб берди. «Ҳақиқатдек гўзал, олижаноб нимарса борми дунёда?»— деди у.

Уғиллари ўсиб-улғаймоқда эди. У жасур ва очиқ кўнгил бўлгани учун кичик ўғли Абдулазизни яхши кўрарди. Қамгап ва ҳасадчи тўнғич ўғли Абдулатиф унга ёт эди. Унинг совуқ кўзлари, хўмрайиб боқиши отага ёқмас, Улуғбек кўпинча беихтиёр, лекин кўпчилик яққол пайқаб оладиган қилиб, Абдулазизга алоҳида меҳр билан қарарди.

Бу бора-бора султоннинг бошига етди.

Шоҳруҳ вафотидан сўнг мамлакатнинг тинчи бузилиб, тахт учун кураш бошланган пайтда Улуғбек билан унинг амакиваччаларидан бири ўртасида катта жанг бўлди. Қўшинга Улуғбекнинг иккала ўғли саркардалик қилди. Жанг Улуғбекнинг ғалабаси билан тугалланди, бироқ хутба Абдулазиз номига ўқилди.

Бу — аламзада Абдулатифнинг тоқатини тоқ қилди. У юрагининг чуқур ерида қасос олишга онт ичди. Ҳарбий санъатга истеъдоди бўлмагани, фан билан шуғуллангани учун отасидан нафратланарди. Абдулатифга фан кўршапалак учун ёруғликдек гап эди.

Шунга кўра шайхлар уни ўзларининг дўстлари деб билдилар.

Шайхлар Абдулатифнинг кекидан ва Улуғбекнинг ҳарбий санъатга қобилиятсизлигидан фойдаланадиган пайт келганини англадилар. Ўғли отага қарши уруш бошлаб, унинг қўшинларини тор-мор этди. Улуғбек у қалъадан бу қалъага чекиниб, жон сақлашга беҳуда уринди, чунки Абдулатиф ҳамма ерга ўз кишиларини қўйганди, улар султонни қувишар, баъзилари эса, ҳатто тутиб беришга уринардилар.

Улуғбек Самарқандга қайтиб бориб, Абдулатифнинг ўзи билан гаплашишга қарор қилди.

Абдулатифнинг мудҳиш башарасида совуқ табассум кўринди. У одоб юзасидан отасига эҳтиром билан таъзим қилди, аммо салом-аликдан кейиноқ дағаллик билан:

— Қилган гуноҳларингизга худонинг қаҳри келди. Маккага ҳаж қилмоқни истасангиз, иззатингизни ўрнига қўйиб, кузатиб қолурмиз,— деди.

Қанчадан-қанча бахтли соатлари, кунлари ва йилларини ўтказган расадхонасини ўйлаб, Улуғбекнинг юраги эзилди. Севимли шогирдлари билан осмон жисмларининг ҳаракатини кузатиб, одамларга уларнинг сирри-асрорини очиб берган онларини хаёлидан кечирди. Аммо энди бўйсунмоқдан ўзга чора йўқ эди. У бошини кўтариб, ҳорғин кўзларини ўғлига тикди.

— Хўп, мен ҳажга кетамен, агар иложи бўлса, тезроқ йўлга чиқсам.

Улуғбек шунча қабохат ва сотқинликни кўрган эсада, йўлда уни нималар кутаётганини хаёлига келтирганди.

У бир қисимгина мулозимлари билан Самарқанддан чиқиб жўнади дегунча, шайхлар кенгаш қилиб, орқаваротдан унинг устидан ҳукм чиқардилар.

Кенгашда Самарқанднинг бош майдонида янги мадраса очилиб, унга ҳеч ким танимайдиган Муҳаммад Ҳавофий мударрис этиб тайинланган кундан бери юрагида кек сақлаб келаётган мўйсафидлар йиғилган эди. Унда бу мўйсафидларнинг таъсирида бўлган ёшлар ҳам иштирок этди. Улар Улуғбекни ўлимга ҳукм этишди ва шариатдан бу ҳукмни оқловчи йўлни топишди. Кенгаш қатнашчиларидан фақат бир киши бу даҳшатли ва хиёнаткорона ҳукмга ўз муҳрини босишдан бош тортди: бу — қози Шамсиддин Муҳаммад Мускии эди.

Абдулатиф кенгашда иштирок этмади, бироқ кенгаш ҳукмини унингчалик тоқатсизлик билан кутган ва у қадар қувонч билан қарши олган бошқа бирор кимса бўлмаса керак.

Хоинона қатлнинг бутун тафсилотлари обдан ўйлаб қўйилган эди. Улуғбек хўжа Муҳаммад ва бир даста отлич йигитлари билан Самарқанддан Маккага йўл олди. Пойтахтдан сал наридаги қишлоқларнинг бирида Абдулатиф юборган чопар уларни кувиб етди; у эҳтиром билан, аммо қўярда-қўймай, Улуғбекка шу қишлоқда ётиб қолишни таклиф қилди ва эрталаб қишлоққа султоннинг мартабасига лойиқ мулозимлар этиб келишажагини айтди.

Узангидан оёғини узар экан, Улуғбекнинг юраги гашланди. Жонажон далаларни босиб ўтаркан, бугунги кун у шундай эркин нафас олгандики! Ҳокимият энди қўлдан кетди деган фикрга у кўниккан эди. Қайтага шу ҳам дуруст. Фан-чи? Юлдузлар ҳаракати ҳақидаги фикрини жиловлашга кимнинг қурби етади! Қалбининг чуқур бир ерида ҳаж қилиб, яна ўз расадхонамга қайтиб келаман ва юлдузлар билан ёлғиз ўзим, тинчгина умр ўтказиб ҳаётдан кўз юмаман, деган умид яшарди. Мана энди у яна бошқаларнинг амри-иродасига буйсуниши керак. У ўз она юртида ўзини ҳар қандай қашшоқ, эркисиз кишидан ҳам ожиз, тобе ҳис этаётган дамда мулозимларнинг, дабдабанинг нима ҳожати бор?

Улуғбек кўнган уй, анчадан бери одам турмаган бўлса керак, ниҳоятда зах ва мудҳиш уй эди. Хўжа Муҳаммад ўт ёқишни буюрди. Олов худди тутқунликдан қутулгандек гуриллаб, ёна бошлади, чирсиллаб теварак-ат-

рофга учқунлар сочди. Учқунлардан бири Улуғбекнинг барига келиб тушди. У сесканиб кетди:

— Оббо, сен ҳам хабардормидинг...

«...ўлимим яқин эканидан» демоқчи бўлди-ю, у ёғини айтмай қўя қолди.

Улуғбек бемаъни ирим-сирим гапларга ишонмасди, бироқ бу даҳшатли тунда ҳаммаси ўшандай гапларга мос бўлиб чиқарди.

Бир соат ўтар-ўтмас бир неча отлиқ уй олдига от чоптириб келди-да, бири Улуғбек ўтирган уйга отилиб кирди; султон ўзининг ашаддий душманини таниди.

Миясидан ялт этиб: «Мени ўлдириш шунга топширилган эканда!» — деган фикр ўтди.

Улуғбекни қўлларини боғлаб, боққа олиб чиқишди. Қоп-қоронғи тун. Ариқ бўйида биттагина фонус милтиллаб ёниб турибди; Моварауннахрнинг собиқ ҳукмдори, буюк олим Улуғбекни фонус ёнига ўтқаздилар, жаллод унинг бошини танидан жудо қилди.

Улими олдида Улуғбек юқорига қаради, бироқ осмонни булутлар қоплаган, юлдузлар кўринмасди.

* * *

Абдулатиф отасини ўлдириб муродига етгани йўқ: у ниҳояти бир неча ой ҳукмронлик қилди. Шунда ҳам мудом қўрқув ичида яшади. Ўз ҳукмронлиги даврида у бирорта яхши иш қилгани йўқ, юрт сўрашни ҳам ўрганолмади.

Улуғбекнинг дўст ва шогирдлари у бошлаган ишни давом эттирдилар, уни «илм ва ақл денгизи» деб атадилар ва унинг қотилларини лаънатладилар. Абдулатиф кексаларни ҳурмат қилмас, ёшларга ҳомийлик қилишни билмас, теварак-атрофини унинг ўзидан норози ва аламзада кишилар ўраб олган эди. Ҳарбий фитналар тузилди, охири бир кун у овда ўлдирилди.

Яна ўзаро урушлар бошланиб кетди; голиб чиққан Абусаид аввал Самарқанд тахтини, Абулқосим Бобир ўлиmidан кейин эса, Хуросонни ҳам эгаллади.

Хуросон ва Моварауннахр яна бир кишининг қўли остида бирлашди. Абусаид пойтахтни Ҳиротга кўчирди, Самарқандда эса ўз бекларини қолдирди. Аммо бутун Моварауннахрнинг ҳақиқий ва мутлоқ ҳокими хўжа Аҳрор исмли шайх эди. Айтишларига кўра, бир вақтлар у

Абусаиднинг ғолиб чиқиб, султон бўлишини каромат қилган экан.

Иродали ва ақл-фаросатли бу киши ашаддий мута-ассиб эди.

Одамлар унга турлича муносабатда бўлардилар: баъзилар пирим деб унга қўл беришар, баъзилар ундан нафратланишар, баъзи бировлар қўрқишарди.

Унинг мол-дунёси ҳисобсиз эди, Абусаид унга яна кўплаб суюрғоллар бағишлади. Хўжа Аҳрорнинг ерлари Тошкентдан Амударёга қадар чўзилиб кетганди. У қудратли султон ҳомийлик қилгандагина ўзининг ҳукми дахлсиз бўлажagini яхши англади. Абусаид худди у ўйлагандай султон бўлиб чиқди.

Ҳиротда яшаган Абусаидга Моварауннаҳрда унинг ҳокимиятини қўллаб турувчи ва у билан дўст тутинишдан манфаатдор бўлган қудратли бир киши керак эди. Шунинг учун султон у ердаги кўп ишларга кўз юмиб қарарди. Фақат у бир мартагина Самарқанд ҳокими ва амирларнинг хўжа Аҳрорнинг ўзбошимчалигидан қилган шикоятига қулоқ солмоқчи бўлди. Аҳвол билан муфассал танишмоқ учун ҳатто ўзи Самарқандга келди.

Бироқ султоннинг бу ерга келиш боисини жуда яхши англаган хўжа Аҳрор шаҳарнинг жамики казо-казолари билан биргаликда унга пешвоз чиқди-да, Абусаиднинг кўзига тик боқиб туриб, тантана билан деди: «Мирзо! Биз сизга қанчалик ишонсак, сиз ҳам бизга шундай ишонинг; биз нимаки иш қилсак, барчаси тахт-давлатингиз манфаати йўлида, мусулмонларнинг тинчлик ва осойишталиги йўлида қилингусидир».

Бу сўзларни у уч марта такрорлади.

Абусаид ўзини совуққон тутди ва сир бой бермади, бек ва амирлар ғимирлаб қолишди. Хўжа Аҳрор такаб-бурлик билан жилмайди ва бошқа бир огиз ҳам сўз айтмади.

Аммо Абусаид хўжа Аҳрорнинг ўзига ёқмаган кишиларни зимдан йўқ қилиб юбора олишини биларди. Султон ҳар икки ёқнинг кучини, бор имкониятларни чама-лаб кўрди-да, Самарқанд ҳокимини ҳузурига чақиртирди. У билан танҳо суҳбатлашаркан, овозини пасайтириб шивирлади:

— Яхшиси, бу ишларнинг ҳаммасига қўл силтаб қўя қол, бўлмаса нобуд бўлиб кетасен.

Пойтахтга жўнаш олдидан эса, у хўжа Аҳрорга ўзининг энг қиммат баҳо олмосларидан бирини ва Шоҳруҳнинг собиқ шахсий китобхонасидан олинган бебаҳо бир қўл ёзмани ҳада эди.

* * *

Атрофи кўркам боғлар билан ўралган, улуғвор бинолар қад кўтарган Самарқанд ниҳоятда гўзал ва бой эди. Узоқ мамлакатлардан келиб кўрган сайёҳлар ундаги қурилишлар, дон-дуи ва шаробга, анво турли мевалар, парранда, гўшт-ёққа тўла бозорлар, ажойиб қуроласлаҳа, ниҳоятда нозик заргарлик буюмлари, шиша ва сопол идишлар ясовчи, ранг-баранг шоҳи адраслар тўқувчи моҳир ҳунармандлар ҳақида хайратланиб ҳикоя қилишарди. Оч пушти ранг машҳур Самарқанд кимхоби кўп мамлакатларга олиб бориб сотиларди. Самарқандда ишланган қоғоз жаҳонда энг яхши қоғоз саналарди.

Шунингдек унинг расталаридан ажнабий мамлакатлардан келтирилган ҳар хил молларни харид қилиш мумкин эди. Нималар топилмас эди дейсиз, бу ерда! Россиядан келтирилган сурп ва нафис мато, хитой шохиси, ҳинд марвариди ва ширинликлари...

Самарқанд гўзал ва бой эди. Аммо бу ерда илм завол топди, илм-фан аҳллари хўрланди, қувғин этияди.

* * *

Кун ботар пайт. Узоқ-узоқларда, мусаффо осмон сатҳида қатор тизилиб кетган тепаликлар кўринади; бир мўйсафид бузилиб вайрон бўлган юксак бинога тикилиб ўтирибди, унинг ёнгинасида ариқ майин шилдирамоқда.

Гуё бу яқин атрофда одам зоти яшамайдигандай, ҳамма ёқ жимжит. Тасодифан келиб қолган бир йўловчи бўлмаганда бу ерларга одам оёғи тегмаган экан деса дегундай.

Ана, ҳартугур, йўлда яна биров кўринди. У енгил ва тез одим отиб келарди. «Умр савдолари бошига тушмаган кўринади ҳали»,— деб хаёлидан ўтказди, ариқ лабида ўтирган мўйсафид. Кейин у келаётган кишига қизиқсиниб қарай бошлади.

Йўловчи мўйсафидни пайқади шекилли тўппа-тўғри шу томонга қараб юрди. Яқин келгач, эҳтиром билан таъзим қилди-да:

— Бу ерларга шунча вақт келиб, биринчи марта бошқа бировни учратишим,— деди.

— Ҳа,— деди мўйсафид, чуқур хўрсиниб.— Бир вақтлар бу ерда замонамизнинг энг ўткир кишилари тўпланишарди. Энди бўлса бу илм-фан макони бойқушларга уя бўлиб қолди,— деди у вайрон бўлган бинога ишора қилиб.— Утиринг, ўғлим, агар зерикмасангиз мендай қарияга ҳамсуҳбат бўлинг. Кўзларингиздан пайқаб турибман, фан йўлига умрини тиккан толиби илмлардан кўринасиз. Исмингиз?

— Гарчи каминанинг исми сизга ҳеч нарсадан дарак бермаса-да, жоним билан айтаман: исмим Алишер, Ғиёсиддин Кичкинанинг ўғлимен. Мавлоно, агар беодоблик бўлмаса, ўзларининг исм-шарифлари билан танишсам.

— Бу зулм шаҳрида бир вақтлар фан оламининг буюк қуёши, ўлмас Улуғбек Султоннинг яқин шоғирдларидан бўлган кишининг исмини тилга олмоқ даркор эмас.

Мўйсафидга зўр қизиқиш билан боққан Алишер Улуғбекнинг номини эшитгач, шу заҳотиёқ чолнинг ёнига ўтирди.

— Сиз Улуғбекни билармингиз? Расадхонада бўлганмисиз?

Хотираларга берилган чол узоқ жим қолди. Сўнг қайғу билан бош иргитиб, гап бошлади:

— Ҳа, бундан йигирма йил муқаддам, мен бу бинодан чиқмас эдим ҳисоби. Ҳар бир соат, ҳар бир дақиқа ҳаётимга нур бағишларди. Мен бошқа олимлар билан биргаликда осмон жисмларининг йўлини ҳисобловчи асосий асбоб устида ишлашдек улуғ шарафга муяссар бўлгандим. Мана энди барча меҳнатларимиз самараси тупроққа қоришиб ётибди. Бу фан қасрини тиклаш учун ҳазилакам меҳнат сарф этилганмиди, энди эса, уни ер билан яксон қилмоқчилар.

Расадхонага тез-тез келиб турадиган Алишер бино атрофида сочилиб ётган мармар синиқлари ва рангбаранг қошиқ безакларга доимо қайғу билан боқарди.

— Мана бу мармар, мана шу ложувард тошларни,— деб сўзида давом этди мўйсафид овозини баландлатиб,— йиртқиқлар қабохат ва жиноят макони бўлмиш ўз уй-жойларини безатиш учун ташиб кетмоқдалар. Локин қуёшни сўндириб бўлмаганидек, ҳақиқат нурини ҳам ҳеч қачон сўндириб бўлмайди. Улуғбекнинг юлдузлар жадвали бутун жаҳонга машҳур, кишилар бу жадвални ўр-

ганиш орқаснда фаннинг янги чўққиларига кўтарилади-лар.

— Албатта,— деди Алишер қатъий қилиб.— Улуғбек фан оламига қўл берган, бу соҳада кўп нарсага эришган буюк зотдир. Унинг қотиллари дунёда энг ашаддий жиноятчилардир.

— Толиби илмларнинг қисмати шу. Хоразмлик машҳур олим Бирунийнинг бутун умри қувғинда, бошпана излаб ўтганлигини эсланг.— Чолнинг ғамгин кўзлари чақнаб, у бирдан ёшариб кетди.— Мудҳиш қатл ҳақидаги хабар Самарқандга етиб келган кун эсимда. Бир гуруҳ қутурган безорилар бу бинони тошбўрон қила бошладилар. У дунё-ю, бу дунё лаънатдан бошинг чиқмагур Абдулатифнинг ўзи бу қабнҳ ишни кузатиб турди. Аммо: «Падаркушга тож-тахт бақо қилмайди. Башарти тахтга ўлтурса ҳам олти ойдан ошмайди», дейдилар. У падаркушнинг кесилган калласи майдонга чиқариб осиб қўйилган кун ҳам яхши эсимда. Унинг калласини бир вақтлар энг муътабар кишилар дарс берган мадрасанинг дарвозаси тепасига осиб қўйишди. Мен ўша ерда таҳсил кўрган эдим.

Алишер суҳбатдошига эҳтиром билан боқди:

— Ҳавасим келади сизга! Мен мадраса яқинида истиқомат қиламен. Каминаникига бир қадам ранжида қилсалар...

— Илтифотингиз учун раҳмат, мулло йигит, кулбам ана у ерда, мен уни сира тарк этолмаймен. Хотираларни яна уйғотиш на даркор? Мадраса очилган кун, ҳазрат Муҳаммад Ҳавофий билим доирасининг кенглиги ва зеҳнининг ўткирлиги билан ҳаммани қойил қилган онлар шундоқ ҳам ипидан игнасигача ёдимда. Мен у маросимда иштирок этганларнинг энг ёши эдим...

Мўйсафид ажойиб ўтмиш ҳақидаги хаёлларга чўмгандай жим қолди.

— Энди қариб, куч-қувватим кетди, локин кўзимга юлдузлар осмонини очиб кўрсатган кишининг хотираси мен учун азиз. Менга ўхшаганлар бу ерларнинг ҳоқимига номақбулдир...

— Сиз айтмоқчисизки, Султон Аҳмад...

— Султон Аҳмад ким бўлибди? Бу ерда ундан кучлироқ ҳоқим бор. Бу атрофдаги жамики ерлар унга қарайди. Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Самарқандгача кезиб чиқинг-да, кўз ўнгингизда ястаниб ётган энг

серҳосил ерларни кимники деб сўранг, ҳар бир киши сизга...

Бироқ чол гапини тугатишга ҳам улгурмай, салгина нариларида аллакимнинг қичқиргани эшитилди:

— Мен у авлиё эшонни ўлдираман! Нега ўз мол-мулкимни менга бермайди?

Баланд чинор ортида бир одам кўринди. У қилич ўйнатиб келарди. Бошида пала-партиш ўралган салла; яхтагининг кенг ёқаси остидан забардаст кўкраги кўринади. У шундай паҳлавон эдики, кўлидаги оғир қилич ўйинчоқдай туюларди. Паҳлавон ариқ ёқасида ўтирганларни кўриб, улар олдига келди.

— Азизлар, менинг исмим Ҳинду! Лақабим Паҳлавон. Мен кучлиман, ниҳоятда кучлиман, ҳеч кимдан қўрқмайман ҳам. Мен хўжа Аҳрор бу мартабага қандай эришганини биламан: у бева-бечоралар ва ожизларнинг мол-мулкани тортиб олиб, шундай бойиган. Мен уни ўлдираман.

Чол унга маънос жилмайиб боқди:

— Қўй, ўғлим, катта кетма! Бир вақтлар бир қаландар бўлгувчи эди. Кунларнинг бирида ҳазрати эшон Самарқанддаги ерларига кетаётган экан, у йўлини кесиб чиқибди-да: «Ҳой эшон, сен яна қанча бойлик ортирмоқчисан?»— деб сўрабди. Эшон лом-мим демай жўнабди, эртасига эса, қаландарни бир бурчакда тош билан уриб ўлдириб кетибдилар. Сен бўлсанг ундоқ қиламан, бундоқ қиламан деб бақирасан. Эҳтиёт бўл, ўғлим!

Аmmo Паҳлавон Ҳинду бу гапларга жавобан кулиб қўя қолди:

— Қаландарингизнинг чумолидек жони бор экан-да! Мен паҳлавонман, мендан ҳамма қўрқади. Эшоннинг қилмишларини мен айтиб берай, сиз эшитинг.

Чол чўчиб, атрофга аланглади:

— Оғзингни юм! Ҳамма ерда эшоннинг қулоғи бор. Боятдан бери суҳбатни жимгина тинглаб ўтирган Алишер гапга аралашди:

— Майли, гапириб берсинлар. Китоб билан бўлиб, мен бу шаҳардаги, бу юртлардаги кўп нарсалардан ҳали беҳабарман. Ҳурматли Ҳинду, қулоғимиз сизда.

Паҳлавон қувонч билан жилмайди:

— Хайрият, толиби илмлар орасида ҳам ёруғ оламда нималар бўлаётганини билишга қизиқадиган одам-

лар бор экан. Тингланг бўлмаса. Мен эшон ҳузурига келганимда, у янги уй солдираётган экан. Бундай қарасам, одамлар инқиллаб-синқиллаб томга қопда тупроқ ташияптилар. Мен уларга қандай ишлай олишимни кўрсатдим. Қопга обдан тупроқ тўлдирдим-да, пар ётиқдай кўтариб, юқорига ташидим. Ишни тамомладик, менинг чунонам қорним очдики, азбаройи худо, битта қўйни бутун еб юборгундай эдим. Шундай оғир ишдан сўнг бизларга нима берди денг? Бир косада ёвғон хўрдаю, икки тишлам келмайдиган зогора кулча. Юк ташигандан кўра, тинмай зикир тушаётганнинг «ҳа-ҳу!» ларидан кўпроқ чарчадим. Бошим ғувиллаб, охири шикоят қилдим. «Ҳа-ҳа, ҳали зикр тушганлар сенга халақит берадиган бўлдим! Биз қулоғингга хуш ёқадиган, ўзингга муносиб товушни эшитадиган қилиб қўямиз!» — деди хўжа Аҳрор ва мени эшакнинг ёнига боғлаб қўйишни буюрди. Йўқ-йўқ, мен унн ўлдираман!

Ҳиндунинг юзи шиддатли тус олди ва у эси оғиб қолган кишидай яна қиличини у ёқдан-бу ёққа силкита бошлади.

— Гапга қулоқ сол, ўғлим. Ҳозирча тутқиндан қутулибсан. Бошинг оққан ёққа бора оласан. Жонингда қасдинг бўлмаса, мол-мулкингни ташла-да, тезроқ Самарқанддан бош олиб кет. Ёшсан, куч-қувватинг бор, иш топиб оласан.

— Қайёққа бораман? Бу атрофдаги ерлар ҳаммаси эшонга қарайди-ку. Хуросонгами? У ер бундан баттар. Қўшинга ёлланай десам, ҳозир уруш йўқ. Бир йўл қолди, холос; у ҳам бўлса, катта йўлларда қароқчилик қилиб, ҳазрати олийнинг қарвонларини талаш. Мана бу яхши фикр! Ишимни энди топдим, бориб қароқчилик қиламан, шериклар ҳам топилади.

Алланарсани чамалаб кўраётгандай паҳлавонга диққат билан тикилиб ўтирган Алишер бирдан гап бошлади:

— Менга қаранг, паҳлавон. Жиноят йўлига киргунча, яхшиси хайрли иш қилинг. Мана бу узукни олинг. Ўзим камбағалман, бу узук отамдан ёдгорлик қолган. Аммо мени алдамассиз деб ишонганимдан, уни сизга бераётганимга заррача афсус қилмаймен. Ҳиротдан беш фарсах* ерда бир қишлоқ бор. Уша ердан Ҳани-

* Фарсах — узунлик ўлчови (6—7 километр)

фа исмли аёлни топасиз. Унга ҳозирда ўз хўжаси Алишер билан Самарқандда яшаётган отаси Ҳошим бободан салом айтинг ва қизи Замира ўзи билан биргами-йўқлигини сўранг. Узукни сотган пулингиз бутун йўл харажатингизга етиб, яна ортиб ҳам қолади. Уша пулдан аёлга озроқ беринг, чунки улар пулга жуда муҳтож. Кейин Ҳиротга қайтиб, Паҳлавон Муҳаммад деган кишини қидириб топинг. У киши машҳур полвон, сизга иш топиб берадилар. Қилган ишларингизни Паҳлавонга айтинг, сўнг у киши менга ёзиб юборсинлар. Пушаймон бўлмайсиз, бу танишишининг сизга катта нафи тегади.

Мўйсафид Алишерга хайратланиб боқарди. Ҳинду эса, хангу-манг бўлиб қолди. У узукни олишга ботинмай турди, бироқ Алишер қўярда-қўймай унатгач олди-да:

— Агар топширигингизни бажармасам, мени жин урсин. Ҳинду бўридек йиртқич, бироқ у итдек садоқатли ҳам. Шайх отимни тортиб олди, аммо мен наъмасини эшитишга мажбур бўлганим эшаклардан бирини миниб кетаман. Яхши қолинг, олижаноб йигит. Улмасам бир вақтлар келиб, яна учрашармиз. Хайр, отахон.

Паҳлавон қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди.

Тезда кеч кирди. Тоғдан салқин шабада эсди.

— Кўнгилни хушнуд қилган суҳбатингиз учун раҳмат, отахон. Мирзо Улугбек ҳақида айтганларингиз тарихдан муносиб ўрин топгусидир. Унинг номи ҳеч қачон ўчмайди.

Алишер чолнинг ўрнидан туришига кўмаклашди, кўлига ҳассасини тутқазди.

— Уғлим, қайси фанлар сизни кўпроқ қизиқтиради?

Алишер ўйчанлик билан жавоб қилди:

— Имкони бор қадар кўпроқ нарсани билиш иштиёқидамен.— Сўнг камтарлик билан қўшиб қўйди:— Шеърлар битамен. Дунёни билмай туриб, у ҳақда бирор нарса демоқ мумкинми?

— Шеър? Бу олижаноб иш. Айтингчи, ғазалларингизни қандай таҳаллус билан битасиз? Балки номингизни эшитган чиқармен?

— Ҳали арзигудек иш қилганим йўқ. Сўнг, мен Ҳиротликмен, Самарқандга яқинда келдим. Туркий тилининг оҳангдорлигини таъкидлаш ниятида ғазалларимни «Навой» таҳаллуси билан битамен,

Мўйсафиднинг кўзлари яна чақнаб, чеҳраси ёшариб кетди:

— Қандай яхши! Устод Улуғбек туркийда ижод этувчи шоирлар: Лутфий, Саккокийга ҳомийлик қилардилар.

— Буюк Лутфий! У киши менинг дастлабки устозим эдилар.

Бироқ мўйсафид ўйга толиб, бу сўзларни эшитмади. У ниманидир хотирлашга тиришарди, ниҳоят, уйқудан уйғонгандек ҳушёр тортиб деди:

— Мен энди одамларни жуда кам кўрамен, аммо баъзилари ўлиб, баъзилари узоқларга бош олиб кетган дўстларим ва ҳамфикрларимнинг фарзандлари бўлмиш бир неча ўспирин ора-сира кулбамга келиб, ҳолимдан хабар олиб туришади. Ушалардан бири сизнинг номингизни тилга олиб: «Самарқандда бир одам пайдо бўлибди, нурсиз ҳаётимизга ёғду сочмоқда. Унинг атрофига ёш шоирлар тўпланишмоқда» деган эди. Ҳа, ҳа, эсимда, Навоий деган эди у. Умримнинг охирида тақдир тухфа қилган бу учрашув қалбимда катта бир шодиёна сингари илиқ хотира қолдиради.

Навоий қаттиқ хижолат чекди:

— Бироқ мен сиз учун ҳеч нарса қилолганим йўқку! Мен ҳатто номингизни ҳам билмаймен.

— Сиз менинг гапларимни фаҳм-фаросат билан тингладингиз. Инсон учун бундан қувонарли ҳол борми? Номимни дейсизми? Мен улуғ устоднинг шогирдларидан бири сифатида хотирангизда қолсам бас... Кулбам яқин, кузатиб овора бўлманг.

Алишер чолнинг ортидан узоқ қараб қолди. Унинг кўз ўнгидан Улуғбек замони ўтгандек туюларди.

САМАРҚАНДЛИК ДУСТЛАР

Боғни тушки мудроқ босган. Гул косаларига бош суқиб, асаларилар гўнғиллашади. Дарахтларнинг қуюқ барглари орасидан танга-танга бўлиб қуёш шуълалари тушмоқда. Жамики жон эгасини ялқовлик ва уйқу босгандай.

Чинорлардан бирининг остида икки киши: оппоқ либос кийиб, оқ салла ўраган чол билан одмигина кийинган бир йигит ўлтиришибди. Чолнинг олдидаги кур-

сида пўлат муқовали катта китоб турибди. Йигит сабогич қалам билан дафтарга тез-тез алланималарни ёзмақда. Иккаловлари ҳам диққат билан, жимгина ишламоқдалар.

— Бугун ажабтовур тинч ва салқин кун бўлди-да,— деди ниҳоят чол, китобдан бошини кўтариб.— Қонунга илова қиладиган энг мушкул ва чалкаш изоҳлар бугун фавқулодда аниқ ва осон идрок этилади. Маҳкама ишларини шундай кунларда кўрган дуруст. Пайғамбар алайҳиссалом: «Қози тортишувларни жаҳл устида ажрим қилмасин» деб бежиз айтмаганлар. Идрокнинг расолиги — адолатнинг дастлабки шартидир. Шундай, эмасми, Алишер?

— Хўжа Фазлуллоҳ, гапларингиз ҳар вақтдагидек ҳақ. Камина сиз билан суҳбатлашаркан, ўз фикр-мулоҳазасининг тўғрилигига қаноат ҳосил қилади. Бугун кун билан бир мураккаб масала устида бош қотириб, ҳуқуқ тушунчасини белгилаш юзасидан узил-кесил бир қарорга келолмай турибмен. Фикримча, ҳар бир ажрим ишида ҳақиқат ва адолат нимадан иборат эканлиги аниқлансагина адолатли қонунлар қабул қилиш имкони бўлур. Бироқ ер юзида одам қанча бўлса, бундай ишлар ҳам шунча кўпдир. Қози ҳар сафар масалани янгича ҳал этмоғи лозим. Шунинг учун ҳам қозининг вазифаси оғир ва фахрлидир. Муҳаммад алайҳиссалом ўзлари ўттиз кун мулоҳаза қилгандан кейингина қозилик лавозимини тайинлашга қарор берган эканлар.

Ҳовуз бўйига олиб борадиган ёлғиз оёқ йўлда чиройли товус кўринди. У рангба-ранг товланаётган патларини ёзиб, ўз чиройини кўз-кўз қилаётгандай виқор билан қадам ташларди.

— Бу муъжизага назар ташлай туриб, табиат нақадар бой-а, деган фикр хаёлдан ўтади. Аммо инсон ҳали унинг бойликларини очишни ўрганолган эмас.

— Бу беҳисоб бойликлардан ҳамма баҳраманд бўла оладиган қилиш доно ва адолатли ҳукмдорларга боғлиқ. Яратганнинг ўзига шукурким, бизда уруш ва низолар тугади, энди тинч меҳнат билан шуғулланиш вақти етди.

Алишер жим қолди, у қарор топган тинчликнинг вақтинча эканлигини биларди. У Абусаиднинг тинчлик ва осойишталик тарафдори эканига ишонмасди, лекин бу ҳақда оғиз очмади: чунки Самарқанднинг ҳар бир

бурчагида Абусаидга қарши бирор ёмон гап айтиб қолинармикан деб пойлаб юрганлар топилар эди. У ҳолда исёнкор шоирнинг умри зиндонда ўтиши турган гап. Йўқ, ҳозир яхшиси бирор фикр айтишга ошиқмаслик керак.

Қора кучларга қарши курашиш мумкин бўладиган куннинг келишига Алишер қаттиқ ишонарди. Ҳозир эса билим олиш даркор... Эҳ-ҳе, ҳали яна қанча нарсани билиш лозим!

Хўжа Фазлуллоҳ Абуллайси ҳам жим қолди. Замо-насининг машҳур олими, қонуншунос, инсон қалбини чуқур тушуна оладиган бу доно киши ўз шогирди ва дўстининг вужудини қандай ҳис-туйғулар чулғганини яхши англади, бироқ ҳеч қачон бу ҳақда гапирмасди. Уз ҳовлиси ва боғида кечмиш осуда ҳаёти, қўл ёзмалари ва китоблари унинг учун ҳар нарсадан афзал эди.

Тушлик пайти бўлиб қолган эди. Алишер ўрнидан қўзғалди.

— Уғлим, бугун тушликни бизнинг боғда қилсак нима дейсиз?

— Узингизга маълум — мени Ҳошим бобо кутиб ўтиради. Бориб бирга овқатланмасам, кўнгли ранжийди. Ажойиб ошпазингиз борлигини биламен. Лекин бу сафар узр, кейинчалик бир кун жоним билан бирга бўлурмен.

Хўжа Фазлуллоҳ Алишернинг келишган қомати дарахтлар орасида кўздан ғойиб бўлгунча унинг ортидан қараб турди.

Езда хўжа Фазлуллоҳ аксари вақт боғда овқатланарди. Бугун ҳам хизматкор кўзичоқнинг барра гўштидан тайёрланган овқатни катта тобоққа солиб боғга олиб чиқди-да, гўштининг суяксиз еридан кесиб, пичоқнинг учида хўжайинга узатди. Овқатга қўл уришдан аввал хўжа Фазлуллоҳ хизматкорга тайинлади:

— Этдан каттароқ қилиб кес-да, Ҳошим бобогз олиб бор. Уз номингдан «гўштдан тотиб кўринг» деб айт. Эҳтиёт бўл, Алишернинг кўзига кўринма.

Алишер таниш сўқмоқлардан шахдам одим отиб, боғнинг у бурчидаги тўрт бурчак мадраса биноси олди-га етиб борди, мадраса ортидан мачит кўриниб турарди. Алишер мачитнинг икки ёнидан юзагина қилиб учтадан аркчалар ўйилган ва нақш солиб, даста гул шаклида безалган найзасимон аркига ҳар вақт бирдек қу-

вонч билан боқарди. Кираверишга кошинли ёзув билан мачитнинг ўлчови ва уни қурдирган кишининг номи битилган эди. Уйма нақш берилган устунлар гумбаз оғирлигини писанд қилмагандай ғоз туришарди. Эшикдан кирган заҳотингиз бошланадиган қатор ҳужраларнинг эшиги тўрт бурчак шаклидаги муъжазгина ҳовлига қараган эди. Алишер билан Ҳошим бобо шу ҳужралардан бирида истиқомат қилишарди.

Алишер қўлини ювиб, кекса хизматкор тутган сочиқнинг бир четига артди-да, кичкинагина тақир гиламга ўтирди. Ҳошим бобо унинг олдига бир тобоқ қатиқ билан битта нон келтириб қўйди. Бу Алишернинг тушлиги эди.

Тили узун баъзи ҳасадчилар уни: «Ҳаддан ташқари мағрур, кеккайган, ҳеч кимдан кўмак сўрамайди!»— дейишарди.

Устоз хўжа Фазлуллоҳ эса уни «Бировнинг олдида бош эгмайдиган, ориятли йигит», деб биларди.

Новни еб бўлай деганида Алишер Ҳошим бобонинг нимадандир ташвишда эканини, бироқ айтишга ботинолмай турганини пайқаб қолди.

— Бобо, қиёфангиздан кўнглингизда бир гап борга ўхшайди. Шундайми? Айта беринг!

Ҳошим бобо ортиқ тоқат қилиб туролмай, бошини кафтлари орасига олиб, фиғон чекди.

— Хўжамни ташвишга солмай қўя қолай, аввал тинчгина овқатланиб олсинлар дегандим.

— Нима гап? Нима бўлди?

— Ҳиротдан мол олгани бир савдогар келган экан, Паҳлавон Муҳаммад жанобларидан мактуб олиб келибди, мана,— Ҳошим бобо титроқ қўллари билан белбоғидан найча қилиб ўралган қоғоз олди,— кейин оғзаки ҳам айтиб кетди: жаноб Паҳлавон Муҳаммад Замирдан дарак топибдилар-у, бироқ изини яна йўқотибдилар. Ҳозирча уни топишнинг иложи бўлмай турганмиш. Бечора Замирагинам!

Алишер энди чолнинг сўзларини эшитмасди. У Ҳиротдан чиқиб жўнаган кунлари кечаси бўлган воқиялар тафсилотини мактубдан ўқирди. «Ҳа, бедодлик ҳукм сурган замонда арзимаган тасодиф ҳам кишини ҳалок этиши мумкин»,— деб хаёлидан ўтказди Алишер алам билан. Унинг қалбида эҳтимол Замира қишлоғига етиб олгандир, деган умид туғилди.

— Қайғурманг, Хошим бобо, ноумид шайтон. Уша савдогарни топиб, Паҳлавон Муҳаммадга қизингиз қайси қишлоқда туришини айтиб, хат бериб юбориш керак. Бориб хабар олсин, Замира уйга борганмикин, йўқми. Паҳлавон, Замира у аблаҳлар қўлидан чиқиб қочибди, дебди-ку... Савдогар қаерга қўнганини биласизми?

— Бухорога ҳам борамен, қайтаётганда яна кирурмен, деб айтди.

Алишер жимгина бош ирғади, курси устида очиглиқ турган китобини олдига суриб, ўқишга киришди; ўқиркан, у маълум ерларини алоҳида қоғозга белгилаб, баъзан эса кўчириб оларди. Куидузлари у қимматли вақтининг бир дақиқасини ҳам бекор ўтказмас, тунлари эса, кўпинча ярим кечагача ўтириб мутолаа қиларди.

* * *

Вақт аста-аста ўтиб бормоқда. Алишернинг Самарқандга келганига бир йилдан ошди. Бу давр ўй-мулоҳазалар билан ўтди. Алишер бу ажойиб шаҳар аҳолисининг бошига тушаётган ҳад-ҳисобсиз кулфат ва жабр-ситамларни кўрди. «Талон-тарож қилмишлар, халқнинг бор буди-шудин»,— деб алам билан ёзди Алишер устозим ва отам деб атагани ҳиротлик Саид Ҳасан Ардашерга юборган шеърини мактубида. Бундай мактублар ёзиш хавфли эди, бироқ Алишер ҳарқалай қалбида тўлиб-тошган туйғуларни тийиб туролмади. У ўз мактубларини ишончли кишилардан бериб юборишга ҳаракат қиларди. Бундай имкониятлар аҳён-аҳёнда бўлиб қолар, шунинг учун Алишер ўзининг туйғу-ҳисларини кўпинча шеърда ифода этарди. Шу камтар ва фақир қувғин йигит шайхларни айбловчи сатрлар битади деб ким ҳам гумон қиларди дейсиз!

Иродатдин ўлғай эдим бандаси

Агар топсам эрди бир озода шайх.

Аммо ундай шайхни қайдан изламоқ керак?

Еяр доми тазвир эл сайдиға,

Қилиб субҳадни дона омода шайх.

О, бу мисралар хўжа Аҳрорнинг қўлига тушса борми, у хиротлик бу йигитнинг ишлари билан қизиқиб қоларди! Хиротлик бу йигит ҳақида унинг «кўз-қулоқлари» аллақачоноқ хабар етказишган эди. Самарқандда янги шоир пайдо бўлибди, отоқли кишилар эътиборини жалб қилаётир, деб етказишди улар. Хиротлик бу йигит ҳатто хўжа Аҳрорнинг ҳурматли ҳамшаҳари тошкентлик шоир Али Шоший билан муаммолар ёзишибди, шоир ва олимларнинг мажлисида иштирок этаётганмиш.

Аммо Алишер ўзига нисбатан шубҳа уйғотмаслик учун етарли даражада эҳтиёткор эди; у аввало ҳомийси ва дўсти Фазлуллоҳ Абуллайсийга гап текизмасликни ўйларди. Бунинг устига, у бутун вужуди билан адабиётга берилиб кетганди.

Алишер шеърӣ асарларнинг мазмуни ва формаси ҳақида кўпроқ ўйлай бошлади. Ҳиссиёт билан узвий боғлиқ бўлган фикр, қандай формада ифода этилган бўлганига қарамай, шеърнинг мағзи-мағзига сингдирилган бўлсин. Ҳазал мисралари сочилиб ётмасин, балки ипга терилган марварид шодасидай мазмунан бир бутунликни ташкил қилиб, ҳар сафар янги-янги фикрлар ифода этсин.

«Сўзламоқдан мақсад фикр айтишдир,— деб уқдирарди Алишер дўстларига.— Ким гапирганига боқма, нима гапирганига боқ».

Бу сўзлар мартабасини пеш қилиб, маъносиз, баландпарвоз ғазаллар ёзиб юрган баъзи шуҳратпараст шоирларнинг норозилигига сабаб бўлди. Аммо ҳақиқий шоирлар қалбида Алишерга нисбатан катта ҳурмат ва ихлос уйғотди. Булар орасида бир вақтлар Хиротда ҳокимлик қилган, ҳозир эса, Самарқанд ҳокими бўлган Аҳмад Ҳожибек ҳам бор эди.

Улар ўртасидаги муносабатнинг бошланиши қизиқ бўлди. Самарқанд ҳокими Алишернинг сўз ва ҳаракатларини кузатиб юриш ҳақида махфӣ хат олади. Хатда Навоийнинг шеърлар ёзиши айтилган эди; шунингдек унинг мағрурлиги, кўпда одамга аралашмаслиги ва ўз раъйи билан иш юритиши қайд этилганди; хатда Алишер одамларга ўз таъсирини ўтказишга уста бўлган хавфли киши деб, ҳамда ўзининг бу эътиборидан қачон фойдаланишни мўлжаллаётгани номаълум бўлган маккор шахс деб кўрсатилган эди.

Алишернинг шеър ёзиши ҳокимни жуда қизиқтирди, чунки такаббур Самарқанд ҳокимининг ўзи ҳам шоир бўлиб, кўпларга ўзини танитмай оддийгина Вафой тахаллуси билан ғазаллар ёзарди.

Дастлабки учрашувдаёқ Аҳмад Ҳожибек Навоий билан ўзи орасидаги айрмани дарҳол сездириб қўйди. У Алишернинг саломига қуруққина алик олди, ўзини вазмин ва бетакаллуф тутди. Алишер ҳам ўзини вазмин тутди. Бек бир вақтлар ўзи ҳокимлик қилган Ҳирот ҳақида сўраб-суриштирди.

Бошда гап қовушмади, Алишер қисқа-қисқа жавоб қилиб ўтирди. Кейин суҳбат шеърятга кўчди.

Суҳбатдошлар жонланиб кетишди. Ниманидир исботлаш учун Алишер:

— Масалан мана бу ғазалнинг икки байтини олайлик...— деди-да, Вафойнинг ғазалидан парча ўқиди.

— Сиз бу шоирнинг ғазалларини биласизми?— қизиқсиниб сўради бек.

— Ҳа, ғазалларингизни яхши биламен,— деди Алишер оддийгина қилиб, сўнг ҳеч нима бўлмагандай суҳбатни давом этдирди.

Шеърят ҳақидаги суҳбатдан сўнг Алишер бекка жуда ёқиб қолди; кейинги ҳар бир янги учрашув ундаги бу майлни тобора мустаҳкамлай борди. У шоирга Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасидан жой берди ва тез орада Алишер ўз назорати остидаги қувғин эканини деярли унутиб юборди.

Алишер ҳам кўпинча бунини унутарди, у Самарқанд ҳақида кўплаб шеърлар ёзар, ҳамиша ҳам ўз шеърларини бажонидил тингловчилар топилишига имони камил эди. Бундайлар доираси тобора кенгая борди.

Қуёш атрофини сайёралар қуршаганидек, Навоий қаерда бўлмасин унинг теварагига ёш шоирлар йиғилишадиган бўлиб қолди. Еши жиҳатдан салгина катта бўлган Алишер қатъият билан уларни тўғри йўлга бошларди. Кўплар унинг таъсирида шеърят чиройли сўзлар ўйинигина эмас, балки юксак маъно ифода этувчи санъат эканини англайдиган бўлдилар.

Самарқандлик катта бой, амалдор Дарвиш Муҳаммад тархон сиймосида Алишер ишончли ҳомий ва катта дўст ортдирди; Муҳаммад тархон Султон Аҳмадга тоға бўларди, яъни Дарвишнинг опаси Абусаиднинг рафиқаси эди.

Қўли очиқ, хушмуомала ва адолатпарвар бу киши мўллабачча ва олимларга ёрдам қилар, кўплаб пул сарфлаб, мачит ва мадрасалар солдирарди. У шахмат ўйинини жуда севар, бу санъатни ёшлигидаёқ етук эгалдаган Алишер билан кечқурунлар узоқ-узоқ шахмат суряшарди. Баъзан Дарвиш Муҳаммад, Алишерни овга таклиф қилар, Алишер анча вақтдан бери ов қилмаган бўлса-да, лочин овида донг таратган ҳурматли ҳомийсининг кўнгли учун рози бўларди. Алишер гоҳо яқингинасидаги ўлжани отиб олишга муваффақ бўлар, бундай пайтларда Дарвиш Муҳаммад тархоннинг ҳазил-аскияларига ниҳоя бўлмасди. Алишер одатда ортиқча ҳазилга тоби йўқ эса-да, ундан сира ранжимасди.

Самарқандда шундай отоқли кишиларнинг дўст бўлгани ва ҳомийлик қилгани билан Алишернинг боши барибир муҳтожликдан чиқмасди. У ҳар қандай қийинчиликка чидаса чидардики, аммо бўйинини ҳам қилиб бировдан ёрдам сўрамасди.

Айниқса ҳужрада ҳам сув музлайдиган қиш кунлари аҳволлари қийин кечарди. Бундай пайтларда Ҳошим бобо унга ёлборгансимон боқар, Алишер бу қарашнинг маъносини яхши англади: кекса хизматкор лоқал чой қайнатиш учун ўтин харид қилишга битта-яримтадан озроқ қарз кўтариб туришни илтижо қиларди. Бироқ Алишерни бунга унатиш оғир гап эди. Қушларнинг бирида у Ҳошим бобонинг бундай сўзсиз илтижосига жавоб қила туриб шундай деди:

— Ҳечқиси йўқ, азизим, мен дунёда жуда катта бойликка — соф виждонга ва хушомадгўйлик қилмай илму-фан билан шуғулланиш имконига эгамен. Буни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди. Билимларимни бошқалар билан ўртоқлашмоқни ҳам ҳеч кимса таққилай олмайди. Оламда бундан қувончлироқ нимарса борми?

Алишер бу сўзларни айтар экан, миясига янги байтлар қўйилиб келди, шоир ҳаяжонли мисраларни қоғоз бетига тўкишга ошиқди:

Қимми махлуқ хизматига намар
Жуст эгар, яхшироқ ушалса бели.
Қўд қовуштиргуча бу авлодур

Ки, онинг чиқса эгни, синса али.
Чун хушомад демакни бошласа, кош
Ким, тутулса дами, кесилса тили.

Алишер бу ғазабкор сатрларни ёза борган сари вужудини эркинлик, ўз қадрини билишдек фахрли туйғу чулғай борди, унинг шу олижаноб туйғуси баъзибир калтабинларга кеккайишдек туюларди.

ҲОШИМ БОБОНИНГ УЛИМИ

Кунларнинг бирида Алишер ҳужраларига анча кеч қайтди. Ичкарида жинчиरोқ милтиллаб ёнарди, бироқ Алишер ҳужра эшигига яқин келганда ичкаридан оҳиста инграган овоз эшитилди. Юраги орқасига тортиб кетди. Умрида биринчи марта Ҳошим бобо унинг истиқболига чиқмаган эди.

— Нима бўлди, бобо?— деб сўради Алишер, Ҳошим бобони ётган ҳолда кўриб.

Бобо ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо инграб, яна ётиб қолди. Алишер югуриб унинг олдига борди:

— Ўрнингиздан қўзғалманг, жим ётинг, ҳозир табиб чақирамен.

Ҳошим бобо бош чайқади, нафасини ростлаб олиб, оҳиста деди:

— Ҳожати йўқ. Кечаси одамларни безовта қилишнинг нима кераги бор? Вақт-соатим етди. Оллонинг омонатини топшироқ ҳар бир бандасининг бурчи. Узи кўпдан бери тобим келишмай юриб эдим...

— Нега менга бир оғиз айтмадингиз? Ўзингизни уринтириб юришнинг нима ҳожати бор эди?..

— Оҳ, кўзимнинг нури, қандай қилиб хизматингизни қилмай тура оламен? Шухратингиз элни тутганда мен бу дунёдан кўз юмган бўламен, аммо мен сиздек кимсани тарбиялаб ўстирганим билан фахрланамен.

Алишер саросимада ёниб, ўрнидан сапчиб турди:

— Ҳошим бобо, азизим, бирор дори қилиб берай? Дори-дармон тайёрлашга ўзингиз устасиз-ку. Неча марталаб мени шифолагансиз... Тузаласиз, албатта тузаласиз... Бу қандай бўлди-а? Эрталаб ноппа-нозан-

дек юрувдингиз... Мен ҳеч нарсани пайқаганим ҳам йўқ...

— Узингизни қийнаманг, ўғлим. Мен жуда қаридим, қувватдан қолдим... Мадорим шундай қурибдики... Ҳатто нафас олгани кўкракни кериш ҳам маҳол. Яхшиси, энди тинчгина ухлай... Сизни кўрмай қоламенми деб кўрққан эдим. Келсангиз, тиззангизга бош қўйиб, жон берсам деб, ётган эдим. Елғиз ташлаб кетишга кўзим қиймади, энди дўстларингиз кўп. Хўжа Фазлуллоҳ яхши одам, сизни ўз ўғлидек кўради.

— Мен сизга кишмиш, бодом келтирган эдим... бордан...— деди Алишер.

— Ҳимматли йигитсиз, чироғим! Аммо ёдингизда бўлсин: ҳар кимга ҳам ҳиммат қила бериш ярамайди. Мен шунча яшаб, кўп одамларни кўрдим. Кишиларнинг сўзига қараб эмас, ишига қараб баҳо бериш керак. Кўп гапиргани билингки, гапида маъно бўлмайди, кўзингизга тик қарай олмаган киши — алдайди; сотқин сертаклуф бўлади, хоин эса — хушомадгўй.

Ҳошим бобо узоқ гапирганидан толиқиб жим қолди. Алишер унинг ҳар бир сўзини зўр ташналик билан тингларди. У афсус ва алам билан ўйларди: бобонинг доно гапларини нақадар оз эшитган-а!

Ҳошим бобонинг нафас олиши тобора оғирлашиб борди. Қўллари жон талвасасида кўрпани пайпасларди.

— Юзимни Маккага қаратиб қўйинг.

Алишер ўрnidан сакраб туриб, жон бераётган бобо олдига борди-да, унинг ёнига чўққайиб кафтлари билан бошини тутиб турди. Чол эшитилар-эшитилмас бир нималар деб шивирлади, кейин бутун кучини йиғди-да, баланд овоз билан деди:

— Башарти Замирани яна учратиб қолсангиз, айтиб қўйинг, мен ундан мингдан-мингга розимен.

Ҳошим бобо бир оз жим қолди, сўнг яна:

— Имоним комил, ўғлим, шуҳратингиз асрлар оша яшайди...— деб илова қилди.

Унинг товуши узилди, Ҳошим бобо бошқа бир оғиз ҳам сўз айтгани йўқ.

Алишер чолнинг бошини тиззасига қўйганча, узоқ вақт қимир этмай ўтирди.

Кейин авайлаб мурданинг кўзини юмди.
Алишернинг қалби ғам-ғуссага қанчалик тўлиб-тош-
масин кўникмай иложи йўқ эди.

«Вақти келиб мен ҳам ана шундай соф қалб ва
тиниқ ақл билан дунёдан кўз юмишни истардим», деган
фикр ўтди унинг миясидан.



Учинчи қисм



КАМОЛОТ

Одами эрсанг демагил одами
Ониким йуқ халқ ғамидин ғами.

Н а в о и й. „Хайратул аброр..“



АЛИШЕРНИНГ БИРИНЧИ МАРТА САФАРДА ҚАТНАШИШИ



ума куни эди. Самарқанд султон
ни Аҳмад мачити жомеъдан чиқди.
Жума намози ҳозиргина тугаганди.
Кимхоб тўн унинг қўпол гавдасини
чирмаб турар, Абусаиднинг барча

ўғиллари ичида Султон Аҳмад энг семизи бўлиб, ёшига қараганда каттароқ кўринарди. Атрофини вазир ва амалдорлар ўраб олган султон текис қилиб терилган харсанглар устидан тантана билан юриб борарди. Султон Аҳмад жуда олифта бўлиб, кийимга зеб беришда Самарқанднинг барча амалдорларига намуна кўрсатарди. У йил сайин қорин солиб борар, битта-ю битта армони — қоматини сира келишимли қилиб ололмагани эди. Кунларнинг бирида Султон Аҳмад қаттиқ бир керишган экан, камари узилиб кетибди.

Султон Аҳмад мачит эшиги олдида оломоннинг ғовур-ғувур қилиб уни қутлаб олганини яхши кўрар, одамларнинг итоаткорлик билан таъзим қилиб туришлари унга ҳуш ёқарди. У бир маҳаллар оқсоқ Темур севимли хотини шаънига қурдирган Бибиҳоним мадрасисининг ложувард гумбазини, кошин ва нафис нақшлар

билан безатилган деворларини кибр-ҳаво билан кўздан кечирди.

Султонга эндигина от келтириб тутганларида оломон шиддат билан елиб келаётган отлиққа йўл бериб, икки ёнга тисарилди. Отлиқнинг орқасида ўқ тўлғазилган садоқ силкиниб турар, белига ҳиротлик навкарлар тақадиган катта эгри қилич осилганди. Отлиқ узоқдан келаётган кўринарди.

— Фалокат! Фалокат!— деган нидолар янгради ҳар тарафдан.

Отлиқ отидан ирғиб тушиб, султон оёғига бош урдида, инграгандай қилиб:

— Офат!— деди.

Султон Аҳмад оёғи остида икки букилиб ётган чопарга боқди:

— Тур ўрнингдан, чопар. Гапир.

— Шаҳаншоҳ Султон Абусаид форслар мамлакатига қўшин тортиб кетгандилар. Ҳирот тип-тинч эди. Бироқ кутилмаганда душман чиқиб қолди. Тўғри, бизлар қараб турганимиз йўқ, деворларни мустаҳкамлаб, хандоқлар қазидик. Ихтиёридин қалъасини унча-мунча қўшин забт этолмайди. Аммо душман лак-лак лашкар тортиб келаётганмиш, унинг қўшинида кўчманчи ўзбеклар, туркманлар, хоразмликлар бор эмиш. Оҳ, улуғ султон, сиз шаҳаншоҳнинг ўнг қўлларисиз, Ҳиротни фалокатдан қутқаринг!

— Пойтахтга қасд қилган душман ким?— сўради Султон Аҳмад.

— Султон Ҳусайн Бойқаро,— жавоб берди чопар.

Султоннинг ёнида турган Аҳмад Ҳожибек ва Муҳаммад тархон бир-бирларига маъиоли қараб қўйишди. Улар кўпдан бери Абусаид ўзининг янги юришлари билан ҳали тўла мустаҳкамланмаган мамлакатни бўшаштирмаслиги керак, деб гапирардилар. Султон Ҳусайн ҳужум қилиш учун жуда қулай вақтни танлаган эди.

Улар бу юришларнинг ҳақиқий илҳомчиси хўжа Аҳрор эканини билишар, аммо бу ҳақда чурқ этиб оғиз очолмасдилар.

Султоннинг мулозимларидан бир оз нарироқда турган Алишер чопарнинг сўзларини аниқ эшитди. Султон Ҳусайннинг номи тилга олинганда унинг юраги дук-дук ура бошлади. Шу дақиқа у қалбининг чуқур ерида Султон Ҳусайннинг улуғ даражага кўтарилишига ҳеч қачон

шубҳа қилмаганлиги ва ўзи буни орзиқиб кутганини яққол тушунди.

Донг қотиб қолган Султон Аҳмад тезда ўзини тутиб олди-да, ҳарбий кенгаш чақирини буюрди.

Бир неча кундан кейин кўп минг кишилик қўшин баҳор ёмғиридан бўккан бўм-бўш даштлар орқали Самарқанддан Амударё томон йўлга чиқди. Султон Аҳмаднинг укаси Султон Маҳмуднинг қўшини ҳам уларга қўшилиш мақсадида ўша томонга қараб юрди. Аҳмад Ҳожибек, Султон Аҳмаднинг энг яқин кишилари орасида келар, Алишер ҳам у билан бирга эди, чунки уни назоратсиз қолдиришдан чўчир эдилар.

Аҳмад Ҳожибек улар билан бирга боришни таклиф қилганида, Алишер:

— Мен навкар эмасмен,— деб гапни бурди. Аммо Аҳмад Ҳожибекнинг:

— Навкар эмассиз, бироқ урушнинг нима эканлигини биласиз,— деб айтган сўзлари буйруқ эди.

* * *

Султон Аҳмаднинг қўшини Мурғоб дарёси ёқасида дам олгани кўнди. Узоқ ёққан март ёмғирларидан сўнг ҳали селгимаган ерларда йўл босиш қўшиннинг тинкасини қуритган эди.

Султон Аҳмад ўз чодирда ўтирарди. Ҳар хил хунук ўйлар кўнглини ғаш қилмоқда. Қовоғи солинган. Қўшин тортишга жуда ноқулай вақт, аммо, бормасдан иложи йўқ: Ҳиротнинг қўлдан кетиши Самарқанд учун ҳам катта хавф. Султоннинг эти жунжикди. Тулки тери чакмони ҳам иситмасди.

Қандайдир шу яқин орадан даҳшатли фарёд эшитилди. Бирор кимсанинг ўлганини эшитган кишигина шундай дод солади. Султон Аҳмад Ҳожибекни чақириб, чодирга ҳеч кимни киритмасликни буюрди.

— Ўзи нима гап? Навкарларга бир бало бўлдимиз?— деб сўради у Аҳмад Ҳожибекдан.

— Ижозат этсалар, чиқиб билиб келсам,— деди тоғаси босиқ товуш билан, бирор хунук воқиа бўлганини ҳис этиб.

— Боринг.

Аҳмад Ҳожибек бир неча дақиқадан сўнг қароргоҳ бошлиғи ва Навоий билан бирга қайтиб кирди.

— Девон бошлиғим Алишер айтиб берсинлар,— деди Аҳмад Ҳожибек:— улар ҳаммасини ўз кўзлари билан кўриб, ўз қулоқлари билан эшитибдилар.

Султон бош ирғитди. Алишер хотиржамлик билан, дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Ажойиб совет ва дубулға кийган бир отлиқ араб тулпорида қўшин олдидан чопиб ўтди. У бир дақиқа тўхтади-да, овозини баланд қўйиб: «Абусаид жангда ҳалок бўлди. Ҳой навкарлар, жаҳон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро номидан, мен Мусабек сизларга айта-мен: тўхтанглар! Беҳуда қон тўкилмасин. Ҳиротни барибир кўролмайсизлар»— деб қичқирди.

Алишер нотаниш навкарнинг бу сўзларини қандайдир тантана билан айтди.

— А-ҳа! Ҳусайн бизни қўрқитмоқчи, қўшинимиз орасига ғулгула солмоқчи. Хўш, кейин нима бўлди?

— Навкарлардан бири унга қарата ўқ узди, бироқ ўқ визиллаб унинг ёнидан учиб ўтди, жасур навкар эса, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Кейин ҳамма эс-ҳушини йиғиб, ҳалок бўлган Султон Абусаидга аза очди.

— Дарҳол йўлга тушилсин!— деб қичқирди даргазаб Султон Аҳмад.

Бироқ энди, Абусаиднинг ўлиmidан сўнг Султон Аҳмаднинг албатта мағлубиятга учраши Алишерга аён эди.

АЛИШЕР ВА ҲУСАИН

Ҳирот шод-хуррам. Шаҳар гул ва байроқлар билан безатилди. Халқ уч ҳафта бурун пойтахтга ғолибона кириб келган Султон Ҳусайнни олқишларди. Янги султон пойтахт аҳолисига осойишталик, фаровонлик ва шон-шуҳрат ваъда қилди.

Сарой баҳор қуёшининг нурларида жилваланади. Дарвоза байроқлар билан безатилган. Қатор саф тортган соқчилар қўлидаги найза учини ҳурпайган от думлари безаб туради. Баҳайбат равоқлар олдида жуда кичкина кўринадиган ичкари ҳовлиларда фонтанлар отилиб туради. Хитойдан келтирилган пакана-пакана дарахтларнинг эгри-бугри шохларига рангба-ранг ҳинд қушчалари қўниб ўтирибди. Ҳовлининг зангори ва ҳаво

ранг кошин ётқизилган йўлкаларида чиройли товуслар юрищади. Гоҳ-гоҳида уясидан қувиб безовта қилинган каптарлар учиб ўтиб қолади. Султон Ҳусайн ҳамон каптарни севар эди.

Бош дарвозага ўз йигитлари ва қулларини эргаштириб, отличма-яёв келиб турган амалдорларнинг кети узилмайди.

Меҳмонлар эрон, гиламлари тўшалган қирқ устунли қасрда тўпланишмоқда эди. Ярим доира шаклида қўйилган хонтахталар ёнига шоҳи болишлар терилган. Ярим доира нарироқ бориб кўтариларди. Олти зина билан чиқиладиган бу ерга ниҳоятда гўзал ва нафис гилам тўшалган. Бу тахт эди.

Султоннинг келишига саноқли дақиқалар қолган: йиғилганлар шивирлашиб гаплашадилар. Бирдан қасрга шамол елиб киргандай бўлди. Султон Ҳусайн жанг майдони билан қасрни фарқ этмайдиган навкарлардек шахт билан юриб келарди. Эғнидаги олтин гуллар порлаган тўқ қизил тўнининг этаклари елпиниб борар, унинг остидан эса, кумуш безаклар тикилган шоҳи чакмони кўриниб турарди. Кечаси ҳам кундузи ҳам, сира ёнидан қўймайдиган эгри қиличининг бриллиант қадалган банди ярақлайди. Султон Ҳусайн ҳаммадан ҳам ўзининг қилич чопишдаги маҳорати билан фахрланарди.

Бошига гулдор дўппи устидан оқ шоҳи салла ўраган. Салла учидан эса оқ жиға ҳилпирайди. Бўталоқ терисидан тикилган ихчам маҳси этик кийиб олган султон енгил қадам ташлаб келарди.

Султон Ҳусайн тахтга чиқиб ўтирди-да, меҳмонларга ўтиринг, деб ишорат қилди. Шу заҳотиёқ лаганларда таомлар тортилиб, зиёфат бошланди.

Зиёфат учун Абусаид отхонасидаги энг сархил тойчоқлар сўйилган; уларнинг ёққа қовурилган барра гўшти марғилон жўжа-хўрозлари гўштининг тамини берарди. Тортилган таомлар орасида Уш атрофларидан отиб келинган ёввойи ўрдак ва Фарғона чўлларидан келтирилган ёш оҳу гўшти ҳам бор эди. Самарқанднинг олмаси, Хўжанд анори, Марв қовунлари ва магизлари дастурхонни безаб турар, ярим ой шаклидаги қадаҳларга Бухоро майи дарёдай қуйиларди. Бухоро майи Хуросонда энг асл май ҳисобланар, Султон Ҳусайн ўз саройида фақат энг асл нарсалар бўлишини истарди.

Талайгина жанг ва юришлардан сўнг у Ҳиротни кутилмаганда жуда осон, бамисоли пишиб етилган мевадай қўлга киритди. Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд қаршилиқ кўрсатиша олмади. Иккала оғанини Мурғоб ёқасида учрашишди; Ҳиротдан келаётган Султон Маҳмуд Султон Аҳмадга қалъа беги Ҳусайн Бойқаро тарафига ўтиб, исён кўтарганини айтди.

Алишернинг тақдири дарҳол ҳал этилди. У Ҳиротга боришини айтиб, Аҳмад Ҳожибекдан ижозат сўради, Ҳиротдан — Ҳусайн Бойқародан ҳам шу мазмунда илтимоснома келди. Алишерга шоҳона либос, бир қанча хизматкор ва отлар тортиқ қилинди. Аҳмад Ҳожибек Султон Ҳусайн билан муносабатини бузмаслик учун Алишерга имкон борича илтифот кўрсатди. Хайрлашаётганда эса, чин кўнгилдан:

— Мен ўз ижодимда энг яхши маслаҳатдошимдан ажралаймён,— деб иқрор бўлди.

— Мен дўстимдан ажралмоқдамен,— деди Дарвиш Муҳаммад тархон.

— Мен ўғлимдан,— деди мулойимлик билан Фазлуллоҳ Абуллайсий ва Алишерни уч марта бағрига босди.

Навойнинг барча самарқандлик ҳомийлари, ниҳоят шоир улуғ мартабага эришадиган бўлди, деб бирдек қувонишарди.

Алишер билан Ҳусайн ўн икки йил кўришмагандилар, бироқ Алишер балоғатга етган навкар қиёфасида Ҳусайннинг ёшликдаги юз ифодаларини, шунингдек унинг ирода акс этиб турган ўткир кўзларини дарҳол таниди. Ёшлари ва тутган мавқелари уларга дўстона «сансираб» гапириш имконини бермасди, аммо улар бу дастлабки учрашувда танҳо қолишиб, бир-бирларига ўз туйғуларини изҳор этишдан тортинишмади. Қудратли султон ва машҳур шоир ўртасидаги суҳбатни эшитган кимса таажжубланмай иложи йўқ эди. Бу суҳбатда ўтган йиллар давомида Ҳусайн туну-кун машғул бўлган урушлар ҳам, давлатнинг келгусидаги ишлари ҳам тилга олинмади.

Дўстларнинг суҳбати орасида шеърый байтлар эшитилиб қолар, ўтмиш лавҳалари жонланар, баъзан эса, аввалгидай самимий кулги янграрди. Алишер ноғиҳон ўзлари ўқиган мадрасадаги кекса муллани эслади: унинг малла ранг соқолини доим қорага бўяб юриши

минғиллаб гапириши, муллабаччалар битта жавобни бир кунда неча марталаб қайтариб айтишларига қарамай, унинг фарқига бормайдиган заиф хотирасини эслаб роса кулишди. Кейин Ҳусайн ўз шеърларидан ўқиб берди; Навоий уларни мақтади, ҳаддан зиёд назокат билан битилганини таъкидлади.

Шунда Ҳусайн ўз шеърларидан ўқиб беришни Навоийдан илтимос қилди. Алишер Машҳад ва Самарқандда ёзган ғазалларидан бир нечасини ўқиб бергач, султон ҳаяжон билан:

— Давлатим қудратини мустаҳкамлаш йўлида қандай ишлар қилишим маълум эмас, аммо сиз каби шоир бу давлатда яшашининг ўзи уни абадий шон-шуҳратларга буркагусидир,— деди.

«Шон», «шуҳрат». У фақат шунгагина интилади,— деб хаёлидан ўтказди Навоий.— Узоқ йиллар юришларда кечирилган ҳаёт, тахт, салтанат иштиёқи ва ниҳоят, ғалабага эришиш унинг шафқатсизлигини бадтар ошириши, уни янада тоқатсиз ва ўзбиларман қилиб юборган бўлиши турган гап. Бу хусусиятлар унда болаликдан бери бор, муттасил таъсир кўрсатибгина уларни жиловлаб туриш мумкин. Бироқ ким, қандай қилиб кўрсатади у таъсирни? Олдинда султонга халқнинг бахт-саодатга эришмоғи учун, демакки, унинг ҳам шон-шуҳратга эришмоғи учун не тадбирлар кўрмоқ лозимлигини уқдириб туришдек оғир вазифа туради. Ҳусайнга шон-шуҳрат ваъда қилиш унга таъсир этишнинг асосий омили. Султоннинг ёнвериди ростгўй, соф фикрли кишилар турмоғи нақадар муҳим...»

— Уйланиб қолдингиз чоғи, дўстим,— деди Ҳусайн қувноқлик билан.— Давлат ишларида ҳам кўмакдошим бўлурсиз деб умид қиламен.

— Маъқул, айтганингизча бўлсин!— деди Навоий; бир вақтлар ўсмирлик чоғлари Машҳадда хайрлаша туриб ҳам Алишер унга худди шундай деган эди.

БАЗМ

Базм авжи қизиган пайт эди.

Қўққисдан Алишер қўлини кўтарди. Ҳамма унга тикилди.

— Ижозат берсалар, Султон Ҳусайнга бағишланган қасидамни ўқиб берсам.

Бу Алишернинг Ҳиротга келганидан бери кўпчилик олдида дастлабки чиқиши эди, уни энди кўпинча адабий тахаллуси билан Навоий деб атайдиган бўлишганди. Ҳамма нафасини ичига ютиб тинглади. «Ҳилолия» қасидаси жасорат ва куч-қудратни мадҳ этар, Ҳусайини доно ва адолатли подшо бўлишга чақирарди. Навоий узоқ ўқиди: ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари қасрнинг нақшин деворларига тушиб турган пайтда бошлаб, ёқиб киритилган шамлар ёруғида тугатди.

— Офарин! Офарин!— деган хитоблар янгради атрофдан.

Навоийнинг яқинида ўтирган Жомий қасидага қойил қолганини шу заҳотиёқ шеърда ифодалади.

Навоийнинг Ҳиротга қайтиши Жомийни ниҳоятда қувонтирди. Бундан уч йил бурун қилган суҳбатлари кунни кечагидек унинг ёдида эди, дўстлик туйғулари бу жудалик йилларида сўнмади, балки илдиз отди ва равноқ топди. Навоий устози ва дўстининг уйига яна тез-тез келиб турадиган бўлди. Улар биргаликда Низомий дostonларидан бирини ўқиб, унинг ҳар сатрига жо бўлган маъно ҳақида узоқ гаплашиб ўтиришни севардилар.

— Низомийнинг улуғ асаридек бир нимарса яратмоқни мақсад қилиб қўймоқ керак,— деди кунлардан бир кун Жомий.

Бу сўзлар Навоий анча вақтдан бери кўнглига тугиб келаётган фикрга акс садодай эшитилди. Шоир ўз дўстига бу ҳақда камтарлик билан, аммо қатъий қилиб айтди. Жомий унга диққат билан боқди-да, ишонч билан:

— Улуғ асарлар ижод этмоғингизга имоним комил,— деди.

Жомий агарда янги мазмун, янги маъно билан суғорилса шеърятнинг эски формаларидан бирортаси ўлмайдди, деб уқдирар эди.

Навоий бир кун устозига Ҳусайиннинг уни давлат ишларига қўйиш нияти борлигини айтди. Уни таажжубда қолдириб, Жомий бу фикрни қутлади:

— Давлат ишларида сиз каби олижаноб зотлар қанча кўп бўлса, юртимиз шунчалик тез равноқ топгусидир.

Жомийнинг ўз қасидасига жавобини тингларкан, Навоий ана шу сўзларни эслади.

«Ҳилолия»нинг байтлари бир ўқилгандаёқ кўпларнинг ёдида қолди ва гоҳ у, гоҳ бу ерда такрорлана бош-

лади. Баъзилар ўша заҳотиёқ шеърда жавоб қайтаришарди.

— Ҳиротда аввалги вақтлардагидек қанча одам бўлса, шунча шоир бор кўринади,— деди Ҳусайн жилмайиб.

— Навкар бўлганида яна ҳам дуруст бўлур эди!— деди тўнғиллаб кўса Музаффарбек, бироқ унинг овозини хитоблар кўмиб юборди.

Музаффарбек султон ўзига яқин олган ҳар бир кишини ўз рақиби деб биларди. Ҳусайннинг ҳокимияти мустаҳкамланган сари унинг бошқаларга адовати ошиб борди. «Тахтга Ҳусайн билан мен биргаликда курашиб эришдик, султоннинг ўнг қўли мен бўлишим керак», дерди у. Ҳусайннинг курашиб қўлга киритилган ҳамма ерларнинг учдан бирини унга ваъда қилиши бежиз эмасди: султон ўзига керакли кишиларни рағбатлантира биларди.

Паст бўйли бир киши даврага кириб, ҳамма тарафга таъзим қилди, сўнг гижжакни олиб, созлади-да, чала бошлади. Жомий Алишер томонга эгилди-да, хайратланиб деди:

— Бу киши Шоҳ Қули исмли улуғ машшоқ. Ўз санъати билан кишига чинакам тасалли беради.

Навоий ногихон ўзи яратган куйни тингларкан, хайратдан лол қолди. Бу куйни у бир вақтлар Жомийнинг уйида чалган эди. Машшоқ бу куй билан Навоийни қутламоқда эди, бунга англаган шоир унга тўқ қизил атир гул узатди.

Гижжак удга* алмашинди, кейин найчи ўз маҳоратини намойиш қилди, бу мусобақада машшоқларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш жуда мушкул эди.

Тўсатдан қасрга ёшгина бир навкар кирди-да, Музаффарбекнинг қулоғига алланима деб шивирлади. «Бу навкарни қаерда кўрган эканмен?»— деб ўйлади Навоий. Хотиридан ялт этиб, Мурғоб ёқаси, Султон Аҳмад кўшинларига Абусаиднинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни етказган отлиқ ўтди. Энди яқиндан бу довурак навкар Навоийга яна ҳам ёқди.

Найчи куйни чалиб тугатгач, Музаффар сўз қотди:

— Мусабек полвонларни олиб келди. Улуғ султон ижозат этсалар, олиб кирилсин.

Афтидан базм Ҳусайнни зериктира бошлаган эди.

* Уд — ўн икки торли, ноҳин билан чалинадигач чолғу асбоби.

Полвонлар хабарини эшитиб, у жонланди ва дарҳол олиб киришни буюрди. Енгил чолвор ва калта кигиз чакмон кийиб, белига узун белбоғ боғлаган иккита полвон кириб келди. Улардан бири япалоқ юзли, кўзлари қисик бўлиб, мўғул наслидан экани кўриниб турарди. Иккинчисининг лаблари занжиларники сингари қалин, бурни япасқи, бадани эса сариқ эди.

Паҳлавон Муҳаммад Алишер ёнига келиб, унга эгилди-да, фахр билан:

— Каминанинг шогирдлари,— деди.

Қалин лабли полвоннинг башараси Алишерга кимнидир эслатар, бошида ғира-шира хотира кезарди-ю, аммо ким эканлигини аниқ эслай олмас эди. Полвонлар учи юқорига қайрилган намат кавушда товуш чиқармай одим отар эдилар. Улар султонга ер ўпиб таъзим қилдилар. Кейин кураш бошқарувчининг ишорати билан ўринларидан сакраб турдилар, бир-бирлари билан қўл олиб кўришгач, чакмонларини ечиб ташладилар. Ҳушбўй мой суртилган баданлари ялтирарди. Кураш бошланди. Қоидага кўра, полвон ўз рақибини азот кўтариб, қайтиб туролмайдиган даражада ерга уриши керак эди.

Кўзи қисик полвон кучсизроқ кўринарди, аммо дастлабки дақиқалардаёқ унинг ниҳоятда абжирлиги аён бўлиб қолди. Ҳамма курашни зўр диққат билан кузатиб турар, Султон Ҳусайннинг қўллари мушт бўлиб қисилганди. У май тўла қадаҳни тушуриб юборганди, оқ яхтагига қизил томчилар сачради. Бир печа дақиқа кураш тушаётганларнинг оғир нафас олишларигина эшитилиб турди. Қалин лабли полвон қисик кўзли рақибини икки марта даст кўтарди-ю, аммо ерга уролмади. Энди унинг роса мадори қуриганди, шу пайт қисик кўзли эпчиллик билан рақибининг баҳайбат гавдасини азот кўтарди-да, яғрини билан ерга урди. Утирганлар ғовур-ғувур қилишиб полвонни олқишладилар, бироқ қалин лабли полвон қутургандек шижоат билан қисик кўзлини устидан улоқтирди, сўнг ирғиб туриб, уни даст кўтарди-да, ғазаб ичида бир чеккада турган курсининг ўткир қиррасига урди. Қий-чув кўтарилди. Тирқираб чиққан қон гиламга оқди. Қалин лабли полвон бўлса, ҳали ҳам содир бўлган ҳодисани англаб етмай ҳолсизланган танани ғазаб билан ерга босарди.

— Табиб чақиринглар, табиб!— деган товушлар эшитилди ҳар тарафдан.

Бир неча дақиқадан сўнг каттакон салла ўраган ушоққина киши пайдо бўлди. Ҳамма унга йўл бериб, орқага тисарилди. Бу киши Низомиддин Абдулхай исмли машҳур табиб эди. Навоий у билан бирга ярадор ёнига келди-да, полвонни бошқа хонага олиб чиқишни буюрди.

— Тирик! Хайрият!— деган овозлар янгради, атрофдан.

Иккита шайх бундай ўлимни қандай ўлимлар сирасига қўшмоқ керак, уни жанг майдонида шаҳид кетганга ҳисобласа бўладими, жон берган жаннатга борадими, дўзахгами, деб баҳслаша кетди.

Бу орада табиб Навоий ва бир неча мулозимлар билан бирга жароҳатланган полвон ёнига борди. Полвоннинг боши қонга беланганди, жароҳат шундай катта эдики, ичидан мияси кўриниб турарди. Полвон донг қотиб ухлаётгандек қисик кўзларини қаттиқ юмиб ётарди. Хизматкорлар табибнинг ишораси билан бир неча кигизни тахлаб, полвонни ўшанинг устига олиб ётқи-зишди.

Мусабек кириб, табиб устига эгилди:

— Музаффарбек ҳазратлари паҳлавонни бир илож қилиб даволашни сўраяптилар.

— Паҳлавонни даволаш оллонинг қўлида. Мен бор билимимни ишга соламен — бундан ортиқ бирор нарса қилолмаймен.

Табиб тўпланишган кишиларнинг чиқиб кетишни сўради ва Навоийга мурожаат қилиб:

— Сизнинг илм-фанга муҳаббатингиз зўрлигини ва тиббиётдан хабарингиз борлигини биламен... Ёнимда бўлинг. Эҳтимол ёрдамингиз тегиб қолар,— деди.

Сўнг фотиҳа ўқиб, ишга киришди. Навоий унинг эпчил ва нозик бармоқлари дарз кетган бош суягининг майда парчаларини териб олиб, муъжазгина кумуш эгов билан суяк чеккасидаги қирраларни текислаётганига ҳаяжон билан тикилиб турди. Табиб жароҳатга дори қўйди, устидан янги тол барги ёпиб, маҳкамлаб боғлагач, полвон кўзини очиб, ингради.

— Тирик қолади!— деди табиб.

— Худога шукур!— деди хонага сездирмай кириб олган аллаким.— Агар унинг ўлимига сабабчи бўлсам, бир умр ҳузур-ҳаловатимни йўқотардим. Мен ҳалол курашдим...

Алишер ўгирилиб қараб, иккинчи полвонни кўрди. Унинг чеҳрасида саросима ва шодлик акс этарди. Кўзлари-кўзларига тушгач, ҳаддан зиёд таажжубланган полвон чуқур таъзим қилиб деди:

— Ҳазрат, сизни бундан икки йил муқаддам Самарқанд яқинидаги Кўх ариғи ёқасида толиби илмлар либосида кўрганмен десам хато қилмайменми? Бу жаҳонда ҳеч кимнинг кўзи сизнинг кўзингизга ўхшамайди. Бу кўзлар кишининг юрагида нелар бўлаётганини кўриб тургандай боқади.

Навоий Улуғбек расадхонасининг вайрон этилган биноти яқинида кун ботар пайти суҳбатлашиб ўтиргани нуроний чолни ва Самарқанддаги тартиблардан ғазабга келган Ҳинду исмли паҳлавонни эслади. Унга берган топшириғи ёдига тушди. Ҳиндудан ўша-ўша жавоб бўлмади, чунки бечора Замира ҳақида Паҳлавон Муҳаммад ҳам ҳеч нарса билмасди.

— Ҳа, ўша толиби илм мен эдим,— деди Навоий.— Сизни эслаяпманку, лекин сиз...

— Тақсирим, сиз мени диёнатсиз одам экан деб ўйламанг! Узугингиз очликдан ўлмай қолишимга ва катта йўлларда қароқчилик қилиш ниятидан қайтишимда катта ёрдам берди. Узукнинг пулидан бир қисмини сиз тайинлаган оилага олиб бориб бериш учун кўрсатган қишлоғингизга бордим. Афсуски, қишлоқдаги бошқа кўпгина уйлардаги сингари уларнинг уйидан ҳам ҳеч кимни топмадим. У ерда қулоқ эшитмаган даражада қаттиқ қурғоқчилик бўлибди, очликдан одамлар қирила бошлабди, шундан сўнг улар бошпана излаб ҳар томонга тирқираб кетишибди. Мен Ҳиротга бориб, Паҳлавон Муҳаммад жанобларига учрашмоқчи ва сиз тайинлаган ҳамма гапни у кишига бирма-бир айтиб бермоқчи эдим, аммо шундай деб турганимда мени чунонам иситма чалдики, шаҳар четидаги мачит хонақосида қанча вақт чўзилиб ётганимни ўзим ҳам билмаймен. Пулни бетоблик вақтимда ёнимдан дарвишлар ўғирлаб кетишибди, ўзим эса Паҳлавон Муҳаммад жаноблари ҳузурига эгим устихонимга бориб ёпишган ҳолда қилтиллаб боришни эп кўрмадим: гапимга ишонмаслар деб ўйлادим... Шундан кейин бошимдан кечган саргузаштларни гапириб берсам, минг бир кечага етади. Аммо зувалам пишиқ экан, яна куч-қувватга кириб, ўз аслимга қайтдим. Курашларда қатнаша бошладим. Ҳиротликлар ку-

рашни севиб томоша қилишади — кўриб турибсизки, мана султон саройигача етиб келдим. Мен қиёмат қарзимни сизга қайтарамен. Энди мени Паҳлавон Муҳаммад жаноблари ҳам биладилар.

«Шўрлик Замира!»— деб қўйди Навоий.

— Гапларингизга ишонамен,— деди шоир вазминлик билан.— Қарзингизни кечдим...

Табиб ҳамон жароҳатланган полвон ёнида эди. Ярадор иситмада ёнар, сув сўрарди.

— Ҳозирча бу ердан чиқиб турунг,— деди Навоий Ҳиндуга.— Ярадор сизни кўрса, бетоқат бўлади, бу унинг сиҳатига зарар етказиши мумкин.— Кейин табибга мурожаат қилиб, ташвиш билан сўради:— Хатар даф бўлгани ростми?

— Ҳа, у тирик қолади.

Султон Ҳусайн энди бошқа эрмак билан овора эди. Жароҳатланган полвон йиқилиб, сафдан чиққан заҳотиёқ шоҳ уни унутди. Фақат бу полвон Музаффарбекнинг сеvimли қули бўлганидан ҳатто ҳарамга ҳам бемалол кира берадиган ўз табибини чақириб келтиришга ижозат этди. Аммо ўзи қайтиб полвонга мутлақо эътибор бермади.

Навоий эса, совуқ ҳовли орқали олиб утилганидан жунжикиб қалтираётган паҳлавоннинг устига ёпгани эғнидаги чакмонини ечиб берди. Қасрга қайтиб киргач, Навоий султонга табибнинг жарроҳликдаги маҳоратини сўзлаб берди. Ҳусайн бўлса:

— Бе, бу нима бўбди! У менинг сеvimли отимни даволаган!— деди.

Кейин султон шар отиб ўйнаб, ўз маҳоратини намоиш қилаётганлардан кўз узиб, Навоийга табиб кўрсатган муъжизалар ҳақида ҳикоя қила бошлади.

Базм давом этарди. Кўплар саройдан чиқиб аслзода йигитлар «гўй ва чавгон»* ўйнаётган кенг далага йўл олди.

От миниб олган ўйинчи йигитлар узун чавгонлар билан коптокни уриб, уни рақибларидан нари олиб кетишга тиришардилар. Бу ўйин ниҳоятда эпчилликни талаб этарди. Отларни гоҳ таққа тўхтатиб, бир ерда тутиб ту-

* Гўй ва чавгон — қадимда учи букук узун тасқ — чавгон билан копток уриб ўйнайдиган ўйин. (Таржимон).

риш, гоҳ юмалаб кетган копток кетидан чопиб, қўлдаги таёқни усталик билан ишлата билиш керак бўларди.

От устида қуйиб қўйгандай ўтирган ва айниқса шижоат кўрсатиб ўйнаётган ўн бир ёшлар чамасидаги ўсмир ҳамманинг диққатини ўзига жалб қиларди.

— Барака топкур шаҳаншоҳимиз Султон Ҳусайннинг худди ўзлари-я!— деди Навоий билан ёнма-ён турган аллаким, бола улар олдидан от чоптириб ўтганда.

— Ҳа, султон ҳазратларининг тўнғич ўғиллари худди ўзларига ўхшайди,— деб тасдиқлади Алишер, шаҳзодага завқланиб боқиб.

Боланинг қора тўрдан келган юзи қизариб кетганди. У Алишерга Султон Ҳусайннинг шу ёшдаги даврини эслатди. Уша кўзлар, бурун, юз бичими, ўша кучли, кескин ҳаракат, фақат ноз билан чўччайган юқори лабла-ригина Беканикига ўхшаган.

Султон Ҳусайн Бадиуззамоннинг бирор ишидан ранжиган чоқларида унинг шу ўхшашлигига ишора қилиб, жаҳл билан:

— Онангга ўхшаш шалпайгансан-да,— деб қўярди.

Навоий Бека билан яқиндан танишгач, Султон Ҳусайннинг бу аёлга бўлган муҳаббати узоққа бормаслигини англади. Инжиқ, талабчан, аммо иродаси бўш Бекабегим султон билан муроса қилишни билмасди. Баъзан у ҳатто бошқалар олдидан ҳам Ҳусайнни гап билан узиб-узиб олар, ўзининг бош хотин эканлигини таъкидламоқчи бўларди. Қани ундаги латофат ва қувноқлик! Бир вақтлар у Ҳусайнни табассум билан кутиб оларди, энди бўлса кўзидан ёш аримайди.

ЯНА УРУШ

Байрам шодиёналари тинди. Бир неча ойдирки, Ҳирот ҳар қачонгидай оддий ҳаёт кечирмоқда. Фақат қури-лаётган бинолар сони сезиларли даражада ўсди. Ҳамма кўча ва ялангликларда гишт, ёғоч, пайраҳалар тўда-тўда бўлиб ётар, пойтеша ва арра кўтарган бинокорлар у ёқ-бу ёққа ўтиб туришарди. Улар орасида туркманлар ва мўғуллар, хитойлар ва Ҳиндистондан келганлар кўзга ташланиб қоларди. Ҳиротда жуда кўп карвон йўллари туташарди. Кўплар бу ерда бир умр қолиб кетишарди.

— Тешаларнинг тақир-туқирини яхши кўрамен,— дерди Ҳусайн, авжи иш қизиган пайтда шаҳар кўчаларидан ўта туриб.— Мен бутун мамлакатда янги бинолар қурдирамен. Тўғонлар қурдириб, ариқлар қаздириб, Хуросондаги ҳамма дарёлардан аҳолига сув чиқартириб берамен.

Султон Ҳусайн бу режаларни тузган ёки кўнглига солган Навоий эканлигини унутиб, уларнинг ижодчиси ўзим деб ҳисобларди. Алишернинг муддаоси ҳам шу эди; киши ўз истак-хоҳиши билан туғилган деб ҳисоблаган ишнинг амалга оширилишига жон-жаҳди билан киришишини Алишер яхши биларди.

Султон томонидан муҳрдорлик лавозимига тайинланган Навоий қувғинлик ва камбағалликнинг машаққатли йилларида тўплаган ҳаёт тажрибасини эндиги фаолиятида ҳамма соҳага татбиқ этишга тиришди.

Навоийга отасининг барча мулклари қайтариб берилди ва талайгина янги ерлар тортиқ қилинди. Бироқ Навоий юксак мартабага, мол-дунёга эришгач, буни фақат мамлакат ва халқ бахти-саодати йўлига бағишлаганига ўйлади. Узоқ йиллар жудоликдан сўнг у ниҳоят гўдаклик чоғидан бери кўрмаган иниси Дарвиш Али билан учрашди. Каттагина йигит бўлиб қолган Дарвиш Али оғасига улуғ эҳтиром билан боқарди.

Туйғу-ҳисларини ифода этишда ҳамisha оғир-вазмин бўлган Навоий инисининг бошидан нима воқиалар кечганини бирма-бир суриштириб билди, юз тузилиши, овози ва гап-вошларига диққат билан разм солди. Инисининг юрагида нима ўйлар борлигини билишга тиришди. Бу суҳбатдан сўнг у, иниси Дарвиш Алини ўз ёнида олиб қолиб, кутубхонани унга топширишга қарор қилди.

Унинг бу қарорини эшитиб, Дарвиш Али жилмайиб қўйди, Навоий тўғри қилганини англади.

Навоий Ҳайдар исмли тоғабаччасини ҳам ўз ёнига чақириб олди. Ҳайдар бир вақтлар Абусаиднинг қўлида ҳалок бўлган Саид аканинг ўғли эди.

Серғайрат Ҳайдар ва оғир табиатли Дарвиш Али бир-бирларини тўлдириб турардилар. Улар бир-бирлари билан унча яқин эмасдилар, аммо иккалови ҳам Алишерга қизгин меҳр қўйган бўлиб, унга ўз хизматларини манзур қилишда бир-бирлари билан мусобақалашарди.

Саройда эрталабки қабул вақти эди. Султон Ҳусайн уйқудан таъби хира бўлиб турди ва дарҳол кеча кечқурун Астрободдан келган мудҳиш хабарни эслади. Шоҳруҳнинг набираси Едгор Муҳаммад ўзини тахтнинг қонуний вориси ҳисоблаб, исён кўтарган эди.

— Муҳрдорни ҳузуримга чақиринг. Тез!— деди султон ювиниш учун дастшу кўтариб кирган мулозимга.— Ким у, келганлар?— деб сўради, қўлида қоғоз, кириб келган вазирдан норози оҳангда.

— Сабзавор ва Нишопур ҳоқимлари. Солиқлар миқдорини белгилаб олгани келишибди. У тарафларда ғалаён...

— Бўпти, тагин ким?— деб унинг гапини бўлди Ҳусайн кўзларидан ўт чақнаб.

— Бир қэзи, учта эшон...

— Уларнинг ишини ким кўрган? Нега дарров бизга рўпара қилдинглар?

Ҳусайннинг ғазаби алангаланиб борарди.

— Мана,— деди вазир, мулозимат билан қоғозларни узатаркан.— Ҳозир айтаман, уларнинг иши анчадан бери кўрилмоқда.

— Муҳрдор керак менга ҳозир!— деб бақирди Ҳусайн қоғозлар солинган жуздонни четга суриб.

Вазир чурқ этмай ғойиб бўлди ва бир неча дақиқадан сўнг Навоий билан бирга кирди.

— Иккимизни ҳоли қолдиринглар, ҳеч ким киритилмасин,— деди Ҳусайн.— Кейин тўнғиллаб Навоийга мурожаат қилди:— Кеча кечқурун сизии кўриш қувончидан маҳрум бўлдик.

Алишер кеча кечқурун аллавақтгача Жомий ҳузурда бўлиб, унинг янги достонини тинглаганини ётиги билан тушунтирди:

— Ҳиротда талайгина ёш шоирлар, машшоқлар ва рассомлар чиқяпти, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турмоқ керак,— деди Навоий.— Тажриба кўрган, ишончли бирор кимса раҳбарлик қилмаса, улар йўлдан озмоқлари мумкин. Кўплари майхўр. Бизга қолса, майхоналарнинг ярмини беркитишни таклиф қилардик. Шуниси муҳимки, кўп шоирлар ўз она тилимизда ёза бошладилар. Шу дамгача она тилимиз хазинаси кишилардан яцириниб ётарди. Ваҳоланки тилимиз бойлик, нафосат ва шеъри-

ятга мақбулликда форсидан қолишмайди. Мавлоно Лутфий каминанинг болаликдаги шеърларини ўз она тилимизда битилгани учун ҳам олқишлаган эдилар.

Султон Ҳусайн Навойнинг сўзларига эътибор бермаётгандай эди. Унинг пешонасида чуқур ажин пайдо бўлган, чимирилиб бир-бирига тутшиб кетган қошлари остидан боқётган қисқ кўзлари ялтирарди. У ҳаво ранг шоҳи кўйлагининг ёқасини кенг очиб юборди. Султон бўғилиб кетмоқда эди.

— Гапларингиз маъқул. Аммо ҳали уруш тугагани йўқ. Фанимлар тахтимизга яна ҳамла қилмоқда. Улар мамлакат юраги Ҳиротга интилмоқдалар.

Султон Ҳусайн пар тўшак устидан турди-да, кескин қилиб деди:

— Астробод нотинч. Ёдгор Муҳаммад бош кўтарибди.

— У бебошга бир фарсах ҳам ер бериш керак эмас,— деди Навой.— Узаро урушлар юртимизни жуда вайрон қилиб юборди. Мансабпараст Хуросон ҳукмдорлари парчалаб, талаб, мадорини қуритган мамлакатимизни бирлаштириш учун озмунча қон тўкилгани йўқ.

Навойнинг кўзларида ўт чақнади. Мамлакатда янги ғалаён кўтарилганлиги ҳақидаги хабар унинг қалбда ғазаб оловини ёққанди.

— Мардонавор сўзларингизни эшитиб ғоят хурсандимиз,— деди Ҳусайн қувониб.— Сиз — ўнг қўлимизсиз. Сизни ҳамма вазир ва беклардан юқори кўтарурмиз.

— Шоҳим бахтиёр ёшлигимиз кунларида каминга қилган илтимосни унутдилар чоғи?

Ҳусайн қизиқсиниб унга боқди.

— Мени бош китобдорингиз этиб тайинлашга ваъда этгандингиз,— деди Навой.

Ҳусайн қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Ёдимда-ёдимда. Ушанда боғ қушлар чуғур-чуғурига тўлган эди. Ҳирот осмони ҳозиргидек кўм-кўк, ажойиботларга тўла ҳаётимиз ҳам эндигина бошланаётган эди. Болалик орзулари... Қаршимизда янги кураш турибди. Наҳотки букун жангга чиқишдан бош торгасангиз? Жангга чиқмоқ учун эса амалдор бўлмоқ керак.

Алишер Ҳусайнга диққат билан тикилди-да, ўз ҳаётида учинчи марта:

— Маъқул, айтганингизча бўлсин,— деди.

ПАЙТНИ ҚУЛДАН БЕРМАЙ, ДАРҲОЛ ОТЛАНМОҚ КЕРАК

Қўшинни йиғилишга чорлаб карнай ва ноғораларнинг овози янгради. Астрободни олишда бир неча бор қатнашган энг чапдаст ва довжурак навкарлар Ёдгорга қарши йўлга чиқдилар. Энг кучли тўданинг тепасида Музаффарбек турарди. Кўса бек ўз отлиқлари билан фахрланарди. Отлиқлар тўдаси қўшинда марказий ўринни ишғол қилган бўлиб, ҳар икки қаноти пиёдалар билан яхши ҳимоя қилинган эди. Орқада учқур қорабайр минган султон борар, ундан кейинда султоннинг оиласи ва сарой аҳллари келарди. Ҳусайннинг ўнг тарафида оқ туркман от минган Алишер, чап тарафида эса, Бекларбеги борарди. Уларни чор атрофдан Мусабек бошлиқ соқчилар қўриқлаб келарди. Энг орқада чодир, озиқ-овқат, запас қурул-аслаҳа ортилган катта туя карвони келмоқда. Карвон билан бирга талайгина мулозимлар, табиблар, асир ва чўрилар борарди.

Одатдагидек Бекабегим ҳам эри билан бирга келарди. Аммо сафар ҳаётидан анча чиқиб қолган Бека хуноб бўлиб, тинмай кўз ёши қилар, қўрқувлари ва бемаъни йиғи-сигиси билан Ҳусайннинг жигига тегарди.

Ҳусайн Ҳиротни эгаллағач, Бекабегим энди султоннинг кўчманчилик ҳаётига чек қўйилди, энди у урушни лоақал вақтинча тўхтатиб, кайфу-сафо суради деб ўйлаган эди. Тўғри, Ҳусайн очилиб-чочилиб кетган вақтларида неча-неча марталаб ўзининг келгусида қаерларга юриш қилмоқчи эканини унга сўзлаб берар, машҳур бобоси Темурни эсларди. Бироқ ҳозир содир бўлаётган воқиалар Ҳусайннинг бу орзуларига сира ёпишмас: у бошқа ерларни босиб олиш учун эмас, балки душман ҳужумини даф этиш учун Ҳиротни тарк этмоқда эди. Ҳали бу юриш нима билан тугалланади — нэмаълум!

— Эрим энди улур султон бўлар деб ўйлагандим, у эса ҳамон бир вақтлар Марвдан қувилган дарбадар навкар! — деди у кунларнинг бирида жаҳл билан, қўшини қароргоҳга қўнган пайтда.

Ҳусайн бу таънадан туюқиб кетди ва «шундай қилаверсанг, сен билан ажрашиб, ўғлимни олиб қоламен» деб пўписа қилди. Бутун умидини Бадиуззамонга тиккан Бека учун бундан қўрқинчли нарса йўқ эди. Ҳусайннинг ўзидан совиб бораётганини пайқаган Бека бутун меҳрини Бадиуззамонга берди ва уни Ҳусайнга қарши

қайрай бошлади, унга бобоси Мирзо Санжар ҳақида ҳикоя қилиб берди, бир вақтлар унинг ўз хоҳиши билан ташлаб кетилган отаси Санжар энди боланинг тасаввур-ида олижаноб, довурак ҳоким сифатида гавдалантирилди. Баъзан Бека усталик билан гапни келажакка буриб, Бадиуззамоннинг миясига: «Мана, ҳадемай ўсиб улғаясан, ҳокимият ўз қўлингга ўтади», деган фикрни қуярди.

Аммо ҳали бунга анча вақт бор. Хусайннинг жиғига тегиш эса хавфли, шу сабабли айёр Бека ўз вақтида эсини йиғиб олди. Султоннинг оёғига йиқилди-да, мен бу сўзларим билан сизнинг ғайратингизни қўзғатиб, тезроқ зафарга йўлламоқчи бўлгандим, деб эридан узр сўради.

— Мен хотин кишининг кенгашига ҳеч қачон муҳтож бўлган эмасмен,— деди жеркиб Хусайн.

Шу-шу бўлдию, уларнинг ораси кун сайин совиб борди.

* * *

Қўшин Машҳадгача ҳеч қандай қаршиликка учрамай борди. Машҳадда узоқ тўхташмади. Аммо Алишер бир вақтлар, ўқиб юрган даврида унга қизгин меҳр-шафқат кўрсатган кекса шоирни бориб кўришга улгурди.

— Мартабангиз улуг бўлиб кетди, азизим,— деди шоир меҳр билан.

Шоир жуда мункиллаб қолган, аммо унинг боғидаги атир гуллар ҳамон ҳушбўй ва кўркам эди. Навоий ўйчанлик билан гуллардан бирини узиб олди-да, кекса шоир билан сайр қиларкан, узоқ вақтгача уни қўлида кўтариб юрди. Уруш ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Улар бир вақтлардагидек яна шеърят ҳақида, сўзнинг аҳамияти ва кучи тўғрисида суҳбатлашишди. Давлат арбоблари ҳам, олимлар ҳам у билан суҳбатлашган чоғларида гапни беихтиёр шеърят оламига кўчиришларини Навоий бир неча бор пайқаган эди. Умри бўйи ўз боғида яшаб, ижод этган, кексайган чоғида ҳам севгини тараннум қилаётган кекса шоирнинг у билан фақат шеърят ҳақида гаплашуви эса — табиий нарса. Қани энди Навоийнинг ўзи ҳам бир муддат борлиқни унутиб, шеърятга берилса. Алишер бир нафаслик хордиқ учун кекса шоирга миннатдорчилик изҳор этди.

Кейин отига миниб, чапги тўзиб ётган кўчадан ўсмирлик чоғларида истиқомат қилган фақир ҳужраси то-

мон аста-секин йўл олди. Бир вақтлар ишқи тушган қиз турувчи ҳовли ёнидан ўтаркан, чуқур хўрсинди. У қизни ўйларкан, ҳар вақтдагидек ғазал ёзиш иштиёқи жўш урди.

Кўнглим ичра сенсану ишқинг, не дий холим сенго,
Чун бу янглиғ махрами рози нихоним сен менинг.

Алишер бу мисраларни овоз чиқариб ўқиди. Шундан сўнг отнинг қадам ташлашига монанд бир оҳангда ғазал сатрлари қуйилиб кела бошлади ва у етук маъноли, пишиқ байт билан тугалланди:

Улди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен они,
Эртаги нозик мизожи бадгумоним сен менинг.

Уша қизга кўзи тушгандан бери Алишернинг қалби неча бор муҳаббат оташи билан ёнди, бирок у ҳеч қачон чуқур ва улкан севгининг бахт-сурурини тўла тотмади. У ўхтин-ўхтин отасининг: «Тақдир сенинг пешонангга уруш ва саёҳатлар битган...» деган сўзларини эсларди. Дарҳақиқат аввал йўқчилик кўрди, дунёни ва унинг муъжизаларини ўрганди, мутолаа қилди, кейин қувғинликда дарбадар кезди, ниҳоят уйига қайтди, энди бўлса уруш, у ўзини четга ололмайди. Халқ бахти-саодати кўп жиҳатдан ҳозир унинг ҳаракатига боғлиқ. Навоий кишилар тақдири учун ўз зиммасида масъулият ҳис этарди. Олда эса, жамики бошқа ишлардан устун бўлиб, улугвор бир мақсад турарди. Алишернинг қалбида ҳали мисраларга қуйилиб тушмаган улкан шеър дарёси жўш урар, гувиллар, куйларди. У шу вақтгача ёзган шўх эҳтиросли ғазаллари, аҳён-аҳёнда бирор муносабат билан битган тантанали қасидалари ҳали олис, юксак чўққига томон қўйилган дастлабки қадамлар, унга чиқиб боришдаги дастлабки пиллапоялар эканини биларди. У жаҳонга шундай асарлар тақдим этмоғи керакки, улар қандай яшаш лозимлигини, ҳаётнинг маъноси нимада эканини англашда кишиларга кўмаклашсин. Буни ғоят ишонarli қилиб равон сўзлар билан тараннум этмоқ даркор. Бу иш кўкдан юлдузни узиб олишдек маҳал бўлганида ҳам у албатта бунга жазм этмоғи керак, чунки шоир ўзида буюк асарлар яратишга куч-қувват ҳис этмоқда. «Низомий, о буюк Низомий! Навоий шеърят

оламининг ана шу шери билан беллашмоғи керак. Ҳамонки улуг шоир асарларига жавоб қилмоқчи экан, қуйида ўралашиб қолмасдан, юксакликка интилмоқ лозим...» «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»... Бугун уларнинг тақдири ўзгача. Буюк Озарбайжон шоири қуйлаган ошиқ-маъшуқларнинг ана шу ўзгача тақдири ҳақида ҳикоя қилмоқ даркор. Шундай ёзиш керакки, инсонлар қалбига бориб етсин, кулдирсин ва йиғлатсин, уларда даҳшат ва умид, муҳаббат ва нафрат туйғуларини уйғотсин...

Ана шундай фикрларга толган Алишер оти қадамини тобора жадаллатиб, шаҳар чеккасига чиқиб қолганини ҳам пайқамади. Кеч кириб, салқин туша бошлаганди. Алишер отга қамчи босди. Ҳадемай, у лашкаргоҳга етиб келди ва отдан тушиб, тўғри Султон Ҳусайн чодирига йўл олди. Машҳадда ўтказган бир неча соат вақт хотиралари шу лаҳзада уфққа бош қўяётган қуёш билан бирга ғойиб бўлди.

* * *

Султоннинг амри билан қўшин тезда яна йўлга тушди.

Анча илгарилаб кетган дурбошлар Машҳаддан нарида душманнинг кичик тўдасига дуч келишди. Душманлар Ҳусайн қўшинининг яқин келиб қолганини хаёлларига ҳам келтирмай бепарво борардилар. Ҳусайн катта ҳарбий кенгаш чақирди. Дурбошлар Ёдгорнинг қўшини қаерда эканини хабар қилишди, шунда Музаффарбек бундай деди:

— Бизнингча, хужумга ўтмоқ вақти етди. Бироқ, мунажжим не дер экан? Унинг фикрини ҳам билмоқ даркор. Жанг қатъий бўлғуси, зероки толе юлдузи кулиб боққан чоғда отланмоқ мақбулдир.

Султон Ҳусайн Музаффарбекнинг сўзларини ташвиш ва тоқатсизлик билан тинглади. У урушлардан чарчаган, тинч ҳаёт, тож-тахт кайф-сафосидан эса, ҳали қониб лаззатланмаган эди. Олдинда уни нималар кутаётганикин? Мунажжимни чақириш буюрилди.

Алишер йиғилганларни диққат билан бир-бир кўздан кечирди. Юришларда чиниққан, юзларини шамол ялаган, забардаст, абжир бекларнинг жиддий қиёфасида, кўзида қатъият ва жасорат акс этарди.

— Подшо олий ҳазратлари ижозат этсалар ўз мулоҳазамизни айтсак,— деди Навоий.

Алишернинг ҳар бир сўзи жиддият ва ишонч билан жарангларди.

— Сусткашлик қилишдан наф бўлмас. Мунажжим осмон китобини ўқиб, сўнг уни инсон тилига таржима қилиб, ҳужум бошлаш учун қулай фурсатни белгилагунча талай қимматли вақт ўтиб кетур. Ваҳоланки душман яқинлаб келмоқда. Наҳотки мунажжим ҳали муддат етгани йўқ деса, қўл қовуштириб ўтирурмиз?.. Узимизни тиг остига ташлаб беришнинг фойдаси йўқ... Мунажжимнинг жавоби қандай бўлишидан қатъий назар, биз бундан ортиқ кутиб туролмаймиз. Имоним комилки, ҳар бир ҳарб кишиси фикримга қўшилур.

Ҳар томондан унинг сўзини маъқуллаган овозлар эшитилди. Фақат Музаффаргина Алишерга адоват билан боқди. Султон Ҳусайн ҳужум фурсатини белгилаб, мунажжим келмаса ҳам бўлади деб буюргач эса, бек бадтар газабланди.

Тун сукунатида отларнинг кишнаши, қурол-аслаҳанинг шақирлаши ва буйруқ овозларни эшитиларди.

Қўшин Чинорон қишлоғи яқинида душман билан тўқнашди. Тонг ғира-ширасида жанг майдони яққол кўриниб турарди. Жангга Ҳусайннинг ўзи бошчилик қилди. Баъзан у Музаффар ёки Алишер билан маслаҳатлашарди. Кўнглида Музаффарга нисбатан шубҳа уйғонган шоир уларни ёлғиз қолдирмасликка аҳд қилди. Аммо ҳозир Музаффар ҳарбий санъат қондаларига биноан тўғри ҳаракат қиларди. Бунинг устига, Ҳусайннинг қўли баланд эди. Навоий ҳақ бўлиб чиқди: қўққисдан қилинган ҳужум душманни эсанкиратиб қўйди. Султон Ҳусайн байроғини зафар шамоли ҳилпиратди.

Танга-танга совут кийган хушқомат бир отлик қаерда хавф туғилса дарҳол ўша ерда ҳозир бўларди. Шерюрак Мусабек жангдан лаззатланарди. Бунинг устига олға ташлаган ҳар бир қадами уни ўзи бутун вужуди билан интилаётгани Астрободга яқинлаштирмоқда эди. Едгорнинг тор-мор этилган қўшинлари чекиниб, Ҳусайн қаршисида Астробод йўли очилди.

Худди шу пайт бир чопар елиб келиб: «Ҳиротда исён!» деган даҳшатли хабарни етказди.

ҲИРОТДА ҚУЗҒОЛОН

Ҳирот анчадан бери нотинч эди. Султон Ҳусайннинг мамлакатда тинчлик ўрнатаман деб берган ваъдаси амалга ошмади. Кўплар янги урушнинг сабабини билмас, шунинг учун норозилик кучайиб борарди. Уруш учун эса пул керак. Султон Ҳусайн пулни қандай топиш кераклиги ҳақида бош қотириб ўтирмасди. Хазина амалдорларига буйруқ қилинса кифоя, деб ҳисобларди у.

Ҳусайннинг хазинани бошқарувчи амалдорлари хўжа Убайдуллоҳ, хўжа Қутбиддин ва хўжа Низомиддин Бахтиёр султон ва унинг кенгашчиси амир Алишернинг пойтахтдан жўнаб кетишини кутиб тургандилар. Яширин кенгашда улар аҳолига янги солиқ солиш ҳақида тил бириктиришди.

Урушлар бусиз ҳам мамлакатнинг тинчасини қуритган эди. Аммо очкўз амалдорлар ҳеч кимни аямадилар: мисгар ва дегрезлар, темирчи ва дурадгорлар, поновой ва қассоблар, деҳқон ва ҳунармандлар — ҳамма ўзипинг охириги чақасини уларнинг тубсиз ҳамёнларига келтириб ташлашлари керак эди. Амалдорлар Султон Ҳусайн номидан иш кўрмоқда эдилар.

— Жин ургур Ҳусайн бошимизга битган бало бўлди, бор-йўгимизни еб битиради у, — дейишарди оналар, озиб кетган болаларига термулиб.

Ҳиротда алғов-далғов бўлмаган кун йўқ эди. Арзиманган нарса ғала-ғовурга сабаб бўларди.

Нима бўлди-ю, кўчаларнинг бирида девор қулаб тушиб, ўша ерда ўйнаб юрган бир болани босиб ўлдирди ва яна иккитасини майиб қилди. Юрган йўлини қон қилиб, гувалалар остидан бир мушук ўрмалаб чиқди. Кекса бир ҳунарманд қонга беланган салласини қайта ўрарди.

Ғожа содир бўлган жойга аламзада халойиқ тулланди. Мартнинг изғирин кунлари эди. Қонга беланган жонсиз гўдагини қўлига кўтариб элган она аччиқ-аччиқ фарёд чекарди. Одамлар орасида турган бир дарвиш асаби бузилиб кетиб, бирдан қаттиқ қичқириб юборди. У жазаваси тутиб чир-чир айланар, ирғишлаб қичқирарди. Тугёнга келган халойиқ ҳам бақира бошлади. Деворнинг босиб тушиши халқ қалбида тўлиб тошган қаҳр-ғазабга йўл очгандай бўлди.

— Лаънати девонхона ҳам бир кунмас бир кун ана шундай қулаб тушади!— деб қичқиришарди қора соқолли аллақандай кишилар, бўёққа беланган узун, ориқ қўлларини силкитиб. Булар бир ҳафта ичи ишлаб топган бор-йўқ пулларини худди шу бугун эрталаб солиққа бериб юборган кўнчилар эди.

— Лаънати амалдорлар ҳаммани хонавайрон қилди!

— Қирилиб кеткурлар!

Шовқин-суронни эшитиб, соқчилар етиб келишди. Узук-юлуқ ҳайқириқларни эшитибоқ, бу ерда ҳокимиятга қарши гап бўлаётганини англаб, дуч келган кишини тута бошлашди.

Оломон ҳар тарафга тирқираб кетди, аммо бир неча киши соқчилар қўлида қолди. Булар орасида — асаби энди бир оз жойига тушган ҳалиги дарвиш, шаҳарнинг бу қисмига дайдиб келиб қолган, белига зуннор* боғлаган бир бутпараст ва афтини буруштириб ясовулни мзақ қилган ўн тўрт ёшлар чамасидаги бир бола, Мусабекнинг укаси Салим бор эди. У улғайиб, бўйига тортган ва жуда ориқлаб кетганди. Салим худди шу кун қолган-қутган охирги қовунқоқини сотиб ун олгани қишлоқдан Ҳиротга келган эди. Хўжайинлари унга ишонар, ҳаёт муҳтожликлари ва машаққатларини бирга тортишиб, Салим уларга ўз ўғилларидек бўлиб қолганди. Бирга кечирилган машаққатли кунлардек кишиларни бир-бирига яқинлаштирадиган нарса борми дунёда?

Уларнинг қўлига ўн ёшлик чоғида келгани Салимнинг эсида. Еши ўнга тўлгандан бошлаб ҳар бир кишидан жон солиғи олинарди. Бола ориқ ва ушоқ бўлганидан бир йилгача уни тўққизда деб юришди. Хужайинларининг бусиз ҳам аҳволи танг эди: улар солиқ йиғувчи золимларни ўзлари боқишга мажбур эдилар; фақат солиқ йиғувчилар эмас ёзув-чизув ишларини бажарувчи котибларни ҳам, сув тақсимловчи тўраларни ҳам, ҳаттоки ҳосилнинг ҳисобини олиб борувчиларни ҳам халқ боқарди.

Ушланганларни зиндонга олиб кетишди.

Салим болалигига бориб йиғлади, аммо қизиқиш

* Зуннор — мусулмон диндан бошқа динга мансуб миллат кишилари белбоғ ўрнига белига ўраб юрадиган чилвир.

қўрқувдан устун келиб, унда зиндонни томоша қилиш иштиёқи уйғонди.

Уни зиндонга олиб кирганларида қизиқишдан асар ҳам қолмади. Гавдали, бадбашара бир киши кимни қаерга жойлаштиришни кўрсатарди. Ташқарида аёллар фарёди эшитиларди. Бола-чақаларини судраб ва ортмоқлаб, дод солиб эрлари кетидан зиндон эшигигача келган бу аёллар солиқ тўламаганларнинг хотинлари эди. Халқни йўлдан оздиришда шубҳаланилган кишилар қўллари орқаларига маҳкам боғланган ҳолда келтирилларди. Қоқилиб мункиган ёки йиқилган ҳар бир кишини таёқ билан савалаб турғизиларди. Кун билан ҳеч нима емаган Салим бу манзарани кўриб, гандираклаб кетди ва оз бўлмаса йиқилаёзди. Бордию йиқилсам, мени ҳам шундай уриб турғизишади деган фикр ялт этиб миясидан ўтди-ю, у ўзини тутиб қолди.

* * *

Бу ғалаённинг бошланиши эди, холос. Халқнинг қаҳр-ғазаби алангаланиб, борган сари даҳшатли тус ола борди.

Бир неча кундан кейин халойиқ кечки пайт девор босиб тушган ердан сал нарида бир ўткинчи воиз атрофига тўпланди. Воиз пайғамбарнинг Маккадан Мадинага қилган сафари ва унинг ҳукмдорларга қилган насиҳатлари тўғрисида узундан-узоқ қисса айтди. Кейин теварак-атрофда содир бўлаётган воқиалар, катта йўлларда авж олган босқинчиликларга тўхтаб, бу бебошликлар ҳалол меҳнат қилиб яшовчи кишиларнинг ҳаётини оғирлаштириб юборганини таъкидлади, у ўз ваъзини Саъдийнинг «Бўстони» дан келтирилган: «Ўз мамлакатида ўғри ва қароқчиларни яйратиб қўйган шоҳ, жанговар шоҳ эмас, хотинчалиш» деган мазмундаги байти билан тугатди.

Халойиқ орасидан кимдир қичқирди:

— Воизнинг айтгани тўғри! Қани бизнинг қўшинимиз? Кимга қарши жанг қилиб юрганининг тайини йўқ!

— Пайғамбар алайҳиссалом султонларга бева-бечораларнинг, оч-яланғочларнинг гамини егин, деб таъинлаганлари бежиз эмас,— дея гапни илиб кетди воиз.— Ўз шон-шавкатидан бошқани ўйламайдиган кимса улуғ мартабага лойиқ эмас.

Халойиқ тўпланган жойдан нарироқда оломонга қизиқсиниб қараб турган иккита муллабачча бир-бирига қараб олди.

— Йе! Ҳиротга «Ғалаёнчилар китоби»ни олиб келган воиз шу киши эмасми? Ўзи ҳам роса довиюрак экан! Аммо очиқ майдонда бундай ваъзхонлик қилиш хатарли,— деди бири иккинчисининг қулоғига.

— Халойиқ тарқагач, олдига бориб, танҳо гаплашамиз. Хўпми? Бу ишларнинг боиси нима, тушунолмайд турибман,— дерди бошқаси; у ёшроқ ва уятчанроқ бўлиб, кийими пойтахт муллабаччаларининг кийимига ўхшамас эди.

— Гапингиздан Ҳиротга яқинда келган кўринасиз. Бу ерда анчадан бери аҳвол шундай! Ҳар кимнинг ўзига яраша ақли бор, ҳар ким ҳам ўз ақлим билан яшасам дейди, ҳалол меҳнат қилиб топган пулини солиқ йиғувчилар — тўғрироғи қароқчилар тортиб оламан деса, кимга ҳам ёқарди; ана шу сабабдан одамлар бу аҳволдан қутулиш йўлини топиш учун ақлли кишиларнинг ваъзига қулоқ солмоқдалар.

— Бунақада зиндонга тушиш ҳам ҳеч гап эмас-ку.

— Ҳамма баҳамжиҳат бўлиб қўлига тош олиб ҳам-ла қилса, зиндонни ҳам бузиб ташлаш мумкин...

Бу гапларни эшитган ёш муллабачча дарҳол атрофга аланглади, чеҳрасида қўрқув акс этди. У юришларда ҳам шуҳрат қозонолмай, тинч ҳаётда ҳам иши ривож топмай, бор буди-шудидан ажралган бир бекнинг ўғли бўлиб, бутун умидини қўли баланд ҳукмдорлар оёғига бош уриб, уларга итоаткорлик билан хизмат қилиш орқали бирор мансабга эришишга тиккан эди. Унга кимдир «Ғалаёнчилар китоби»ни кўрсатган эди, шунинг учун у ҳаммадан ҳам бу китобни кўрганимни биров билиб қолмаса эди, деб қўрқарди.

— Ҳозир қўрқоқлик қиладиган вақт эмас,— деди каттаси афсусланиб.

У ўртоғи билан алоқасини узмоқчи эмасди, негаки, вақт-бевақт ундан қарз кўтариб туриш мумкин эди. Ўзи эса, аҳён-аҳёнда бирор муносабат билан шеър ёзсагина озроқ пул ишларди, аммо бунга ўзининг кўпда хоҳиши йўқ эди; у шоирлик истеъдодини хасис кишидек эҳтиётлаб сақлар, келажакда шу орқали катта бойлик ортдиришни мўлжалларди.

Бунга ўхшаш гаплар тез-тез эшитиладиган бўлиб

қолди. Оломон орасида ҳунармандлар ва деҳқонлар сони тобора орта борди, улар очиқдан-очиқ норозилик билдириб чиқардилар. Ниҳоят кўзғолон кўтарилди.

* * *

Шу кунги бозор ғалати манзара олди: халқ кўп, аммо ҳамма дўконлар берк. Одамлар тўда-тўда бўлиб тўпланар эдилар. Ҳамманинг чеҳрасида изтироб, қўллар гўё кўкдан адолат талаб этаётгандек ғазаб билан кўтарилади.

Кучайиб бораётган ғала-ғовур орасида аллакимларнинг ҳайқиргани эшитилиб қоларди. Бир дўнглик ерда салласи чанг босиб кул ранг тусга кирган, бўз чопонини елкасига ташлаб олган киши турарди. У ҳаддан ташқари узун, ориқ қўлларини силкиб, оломонга мурожаат қилди:

— Мусулмонлар, қулоқ беринглар, мен ўз кўзим билан кўрганларимни гапириб бераман. Узоқдан келяпман. Чўл-биёбонларни кездим, тоғ-тошлардан ўтдим, жуда кўп шоҳ ва ҳукмдорларни кўрдим, ҳамма ерда ўзбошимчалик ҳукмрон. Аммо мен Форс қўлтиғи қирғоғида кўрган манзарамдан айниқса қаттиқ таъсирландим. Ғоввослар денгиз гирдобига шўнғиб, марварид қидиришади, ўзларини ўлимга тикиб марварид олиб чиқишади. Кўпларни қайтиб чиқмай ўлиб ҳам кетишади. Шунчалик захмат чекиб топиб чиққан марваридларига савдогар бор йўғи ўн беш дархамдан* тўлар экан. Агар ўша марваридларни ғоввослар ўзлари сотса қанчадан-қанча пул бўлади, аммо ҳамма фойда савдогарнинг чўнтагига киради, ғоввослар эса ўн беш дархамни олиб қолаверади. Ахир бундай шайтон тўраларнинг ўзбошимчалигига тоқайгача тоқат қиласизлар? Ахир қачонгача ҳалол меҳнат қилиш ҳақ-ҳуқуқи учун қўлингиздаги охириги дархам пулни ҳам солиққа тўлаб келасиз, худо билсин олинаётган бу солиқлар қайга кетяпти экан?

Воизнинг нутқи тингловчиларнинг қалбини ўртаб юборди. Оломон чунон ўкирдик, шовқини бозор деворларидан ошиб, узоқ-узоқларга бориб етди. Уйларда аёллар даҳшатли воқиа юз беришини англаб, ўзларини ерга отдилар.

Энг * Дархам — майда пул.

Гўё ҳавода учқунлар ўт ташиб юргандай эди. Бу нутқ ҳали у, ҳали бу майдонда ваъзхонлик қилаётган дарвишларнинг мужмал сўзларига ўхшамасди. Кул ранг саллали киши сўзида давом этди:

— Ҳақиқат ва адолат ўрнатаман деган султоннинг ўзи қани? У сизларни қўй подасидек ўз чўпонларига топшириб кетди; бу чўпонлар сизларни йиртқич бўрилардан ҳимоя қилишлари керак эди. Лекин у тайинлаб кетган чўпонларнинг ўзи жигарбағрингизни тилка-пора қилувчи очкўз бўрилар бўлиб чиқди. Қани, қаерда у чўпонлар?! Маҳкамада ўтириб олиб, сизларнинг тер тўкиб топган пулларингизни ҳамёнларига урмоқдалар. Мусулмонлар, қараб турманг, бориб бу диёнатсиз пасткашларни у ердан қувиб чиқаринг.

Шундан кейин воиз дўнгликдан тушди-да, оломонни орқасидан эргаштирганча дадил қадам ташлаб, бозор орқали девонхонага йўл олди.

Ҳамма қўлига тушган нарса билан қуролланди: найза, таёқ, тош, фиш — ҳаммаси асқотади. Одамларнинг кўзида ғазаб ўти чақнарди. Оломон тўлқиндай ёпирилиб борар, энди уни ҳеч нарса тўхтата олмасди. Ҳатто соқчилар ҳам вақти-соати етмагунча икки орада қон тўкмасликка қарор қилиб, чекинди.

Одамлар девонхонага қараб боришарди. Ҳачир ва отларда узоқ-яқиндан келган кишилар ҳам йўл-йўлаккай оломонга қўшилишиб борди. Уларнинг кўплари шаҳарда юз бераётган воқиалардан хабар топиб, қўзғолонда иштирок этишга олдиндан аҳд қилиб келишганди.

Халойиқ девонхона олдида гуж бўлиб, бекларни чақира бошлади:

— Ҳой, итлар, чиқ бу ёққа! На худодан қўрқасан, на халқдан уяласан, бадбахтлар!

Девонхона дарчасидан бир неча қути ўчган башара кўринди-ю, шу заҳоти бинонинг ичкарасига кириб ғойиб бўлди. Улар ичида ҳаммадан кўра хўжа Убайдуллоҳ дарчага яқинроқ келди. Хўжа чал кўзининг кўрлиги билинмасин учун каттакон салласининг печини кўзига тушириб олганди.

— Чиқ бу ёққа, бир кўзли шайтон, у кўзингни ҳам ўйиб оламиз!

Девонхонанинг эшиклари тақа-тақ беркитиб қўйилганди, бироқ бир неча юз чўғли оломон сиқувиға ни-

ма ҳам бардош бера оларди дейсиз? Бир қисм оломон дарвозани очиш билан овора экан, қолганлар дарчаларни тошбўронга ола кетди.

Ниҳоят дарвозалар очилиб оломон ичкарига ёпирилиб кирди. Ҳовлига биринчи бўлиб кирганлар баланд бўйли бир кишининг букчайиб, юзини кимхоб тўнининг енги билан тўсиб олган ҳолда кўзни шамғалат қилиб, оломон орасига аралашиб кетмоқчи бўлаётганини пайқаб қолишди. Унинг жуссаси таниш кўринди: ўзига бино қўйган хўжа Убайдуллоҳнинг Ҳирот кўчаларидан отда кеккайиб ўтганини ким кўрмабди, дейсиз!

Оломон орасидан аллаким:

— Ур маккорни, тилка-тилка қил! Кўзим ситилиб оқсин агар шу хўжа Убайдуллоҳ бўлмаса!— деб қичқирди-да, югуриб бориб, чап қўли билан хўжанинг бетини очди, фишт ушлаган ўнг қўли билан эса, қулочкашлаб унинг башарасига сэлди.

* * *

Султон Ҳусайн ҳали жанг ҳовуридан тушмаган эди. Ҳиротдан келган чопарни у эгнида совути, қўлида қиличи билан қарши олди. Қўзғолон ҳақидаги хабарни эшитаркан кўксига ғазаб оташи ёнди. Хабарни ёзган вазир давлат хазинаси биносига бостириб кирган халққа қарши султоннинг ғазабини алангалатишга тиришганди. У, қўзғолон кўтарган халқ оллонинг қаҳрига дучор бўлсин, деб илтижо қилганди, бироқ халқнинг гуноҳи кўпиртириб ёзилган ушбу хабардан ҳам амалдорлар ўзбошимчаликни ҳаддан ошириб юборганликлари ва халқнинг ғазабига маълум асос борлигини пайқаса бўларди.

Ҳозир Султон Ҳусайн Ҳиротга қайтолмас, урушнинг қандай тугалланиши қўшинга ўзи саркардалик қилишига боғлиқ эди.

— Бу масалани бирёқлик қилмоқ учун Ҳиротга фақат амир Алишернигина юбормоқлик мумкин. Айрилиқ нақадар оғир бўлмасин, ўзга иложимиз йўқ, — деди Ҳусайн.

Алишер Ҳиротдан келган хабарни бир неча топқир диққат билан ўқиб чиқди. Уқиган сари кўзи ўнгида қўзғолон сабаблари тобора яққолроқ намоён бўлди.

— Одами эрсанг демагил одамв, ониким йўқ халқ гамидин гами.— Ҳусайнга бир неча бор айтган бу сўзларини бу сафар Навоий ғазаб билан такрорлади.

Навоий қалбининг чуқур бир ерида амалдорларнинг тобора очкўз ва тамагир бўлиб бораётганига Ҳусайннинг ўзи сабабчи деб ҳисоблар, аммо бун айтиб бўлмасди. Султонга халқпарварликда намуна кўрсатиш орқалигина таъсир этиш мумкин эди.

— Бир неча баднафс, чиркин махлуқлар очикдан-очик халқни таламоқдалар. Бунда улар сизнинг номингиздан ҳаракат қилиб, сизга қарши халқнинг ғазабини кўзғатмоқдалар. Улар — сизнинг душманларингиз.

Ғазабдан туюқиб кетган Ҳусайннинг ўткир тишлари кўринди, у ҳозир айбдор қўлига тушса нақ ғажиб ташлагудай эди. Амалдорлари халқни талайдими йўқми бу унга мутлақо барибир,— унга пул керак, пулни қаердан оладилар, бу билан унинг иши йўқ. Аммо кўзғолон-чи? Кўзғолон кўтарилишида айбдор бўлганларнинг ҳаммаси дарҳол жазолансин! Ким бўлишидан қатъий назар! Ҳусайн бу ишни Алишергагина ишониб топшириш мумкинлигини тушунар, чунки у халқ ўртасида шоирнинг эътибори нақадар баландлигини биларди. «Юксак ақл ва катта қалб эгаси,— деб ўйларди у Алишер ҳақида.— Бу икки ҳикматнинг бир кишида мужассам бўлиши камдан-кам учрайди. Алишер бу мушкул аҳволдан қутулиш йўлини топади».

— Дуруст, лозим топган барча тadbирларингизни ёзинг. Муҳр чекурмиз.

Алишернинг Ҳиротга жўнашини эшитган Музаффарнинг димоғи чоғ эди. Навоий эса, Ҳусайнга ҳеч кимнинг маслаҳатига кирмай, ўз билгича ҳаракат қилишни тайинлади.

— Астрободни биринчи марта забт этаётганимиз йўқ,— деди Ҳусайн,— бу даргоҳда жанг қилган йилларимиз хотирда. Йўлдаги ҳар бир тош бизга таяиш, шаҳарнинг ўзида эса, талайгина ишончли кишиларимиз бор, улар қўшинимизга кўмаклашади. Ҳозир энг муҳими — Ҳиротни тинчитиш. Илдамроқ жўнай беринг. Ишончли кишилар кузатиб боришади.

Тонг ёришмоқда. Имом Маккага сажда қилиб, бамдод намозини ўқимоқда. Жанг майдонида бутун қўшиннинг намоз ўқиш манзараси тантанали ва алла-нечук даҳшатли.

Намоз тугади. Мингларча навкар ўрнидан турар экан, худди шамол гувиллаб ўтгандай бўлди. Эрта-лабки говур-гувур бошланди. Баъзилар қуролларини тозалар, ёй ўқига пат тақишар, баъзилар отларга ем солишарди.

Чодирлардан бирида ярадор навкар ётарди. Унинг болдирларидан ҳали-ҳозиргина ёй ўқи чиқариб олинди. Оғриқнинг зўридан у инграб, тўлғанарди; ўқнинг қиррали темир учи болдир гўштига кириб кетганди. Табиб ўқнинг гўшт орасидан чиқиб турган ерига моҳирлик билан мис найча солди-да, ярага ботирди, сўнг ўқ билан қўшиб, оҳиста суғуриб ола бошлади. Навкар бадтар ингради, аммо ўқ чиқа бошлади. Найча ўқнинг қиррасини ўз ичига олиб, силлиқ сирти билан уни танадан ажратган эди. Табиб кўп машаққатлар чекиб, ниҳоят ўқни чиқариб олди. Хизматчилардан бири ярани эпчиллик билан боғлади, навкар ўрнидан туришга уринди.

— Ҳой шошманг, ҳазир бўлинг...— деб қичқирди табиб.

— Шу пайт чодирга кираверишда:

— Мусабек қаерда? — деган овоз эшитилди.

Ярадор ўрнидан ирғиб турди-да, табибнинг ҳай-ҳайига ҳам қулоқ солмай, оқсоқланганча эшикка отилди.

— Мусабекни ким чақиряпти? — деб қичқирди ярадор.— Бу ердамен. Эҳ, лаънати ўқ! Келиб-келиб оёққа текканини айтинг! Зарари йўқ, энди тузалиб кетади. Ким йўқлатган экан?

— Музаффарбек ҳазратлари амир Алишер жанобларини Ҳиротга кузатиб бориш учун бир тўда соқчи тайинладилар. Шу соқчиларга бош бўлишни сизга топширдилар.

— Бунга тегманглар, ярадор! — деб дод солди табиб, гавдаси билан Мусабекни тўсиб.

— Ўз ҳолимга қўйнинг, мен соппа-соғмен! — деди Мусабек.— От мина оламен, хўш, йигит кишига тагин нима керак?

Мусабек Навоий билан суҳбатлашишни орзу қилар, шоирга қаттиқ ихлос қўйганди. Унинг ўзи ҳам яширинча шеърлар ёзиб юрар, вақти билан уларни амир Алишерга кўрсатишни ўйларди.

Музаффарбек эса, Мусабекни ўз одамим деб ҳисоблаб, унга рақибини кузатиб бориш вазифасини топширмоқда эди.

Музаффарбекнинг кўзига Навоий тобора ёмон кўри-
ниб борарди. У Алишернинг ҳеч қандай мансаб-лаво-
зимга ихлоси йўқлигини тушунар, шунга сари шоир,
Музаффарбек назарида бадтар хавфлироқ бўлиб тую-
ларди. Султон Алишерга қаттиқ ишонар ва унинг таъ-
сирида Музаффардан юз ўгириши мумкин эди. Мансаб-
параст бек Навоийдан қутулиш йўлини изларди, лекин
уни шундай йўқотиш керакки, ўзи шубҳадан четда қол-
син. Навоийнинг урушда ҳалок бўлиши эҳтимолдан
узоқ, чунки у жангда бевосита иштирок этмайди. Қўз-
ғолон авж олган Ҳирот эса, бошқа гап. Султон Ҳусайн-
нинг муҳрдорни пойтахтга жўнатиш ҳақидаги қарорини
эшитган Музаффар шунинг учун хурсанд эди.

— Йўлда ҳеч қандай хавф-хатарга учрамассизлар,—
деди у сафар олдидан Мусабекка.— Султон қўшини ўт-
ган ҳамма ерда осойишталик барқарор, ҳамма бизга
хайрихоҳ, аммо Ҳиротда... Тушундингми гапимни?
Амирнинг бошига тасодифан бирор гишт келиб тегиб,
шоирни ҳаётдан, бизни эса нуридийдамиздан маҳрум
этиши мумкин,— деди Музаффарбек маънодор қилиб.—
Биз ишончли соқчилар тайинляпмиз, аммо борди-ю,
ўшандай бахтсизлик юз бергудай бўлса, ҳеч ким айбдор
бўлмайди.

Мусабек Музаффарнинг ниятини тушунди, аммо
бек қаттиқ янглишган эди, бутун қўшинда Навоийга
Мусабекдан кўра содиқроқ кишини топиш маҳол эди.

Ҳусайннинг олдидан кетаркан, Навоий ҳаяжонланар-
ди. У ўзи йўқлигида Ҳусайннинг бирор ножўя иш қилиб
қўйишидан чўчир, аммо ҳозир Ҳиротга бориши ундан
ҳам муҳимроқ эканини биларди. «Э-э, баҳодирнинг зар-
би ҳам шиддатли бўлади, бир ҳамла билан ағдаради
қўяди, деб хаёлидан кечирди у Ҳусайн ҳақида ўйлар-
кан: — Ҳарбда унга ўргатгулик нарса йўқ, менсиз ҳам
у ўн икки йил курашган, мақсадига эришган. Аммо
Ҳирот-чи... Халқнинг султонга ишончи қолмаса, барча
ҳаракатлари уч пул. Ҳали Султон ақл-идрок билан иш
тутар экан, халқ фаровонлиги учун лозим бўлган жами-
ки тадбирларни кўрмоқ керак...»

Навоий Мусабекка тикилиб қарар экан, унинг бун-
дан ярим йил муқаддам Мурғоб ёқасида турган Султон
Аҳмад қўшинига Абусаид ўлди деган хабарни етказган
ўша навкар эканини таниди. «Довюрак навкар, ростгўй
йигит»,— деб дилидан ўтказди Навоий, унинг тик бо-

қувчи қора кўзларига кўзи тушаркан. Алишер бу навкар билан бир неча бор суҳбатлашиб, ҳар сафар ҳам бамаъни жавоблар олди. Мусабек айниқса ҳарб ишларини яхши биларди.

— Едгор Астрободдан қувилганидан сўнг қўшинимизнинг орқа тарафига қараб йўл солса-чи?— деб сўради суҳбатлардан бирида Навоий.

— Ит ҳеч қачон йўлбарс ва шер босган издан юрмайди,— деб қизиққонлик билан жавоб қилди Мусабек. Кейин ўйчанлик билан қўшиб қўйди:— Агарда ўзимизнинг ичимиздан биронта ўшанақа ит чиқиб қолмаса.

«Ақлли ва соф дил йигит,— деб хаёлидан ўтказди яна Алишер.— Қани энди уни бир умр ёнимда олиб қолсам».

Бир кун кечқурун Навоий Ҳирот йўлида Мусабекнинг қадимги бир қўшиқни айтиб бораётганини эшитиб қолди:

Содиқ тулпорим айёр!
Қамчи кўтарсанг бир бор
Ўтга киришга тайёр.
Тулпоримнинг тенги йўқ,
Хавф-хатардан кўнглим тўқ.

Бу қўшиқни Ҳошим бобо кўп айтгувчи эди. Навоий йигитни чўчитиб юбормаслик учун, узоқ вақт жимгина тинглади. Йигит қўшиқни айтиб бўлгач:

— Бу қўшиқни кимдан ўргангансиз?— деб сўради. Мусабек оғир хўрсинди:

— Бу қўшиқни менга етти иқлимда тенги топилмайдиган бир қиз айтиб берган. Мен у қизга бўлган муҳаббатимни урушга алмашдим. Шаҳарларни урушиб қўлга киритилганидек, муҳаббатга ҳам курашиб эришмоқ керак деб ўйладим. Йиллар ўтиб боряпти, мен эсам, ҳамон унга етишолмаймен. Мана, ҳозир ҳам Астробод сари юрар эканмиз, севгилимни топа олармиканмен, у мени кутаётганмикан, ўзи эсон-омон бормикан деган ташвишли ўйлар юрагимни ўртамоқда эди. Мен уни Абусаид қўшинида хизмат қилаётган чоғимда Астрободда учратгандим. Ушанда у ўн беш ёшда эди, орадан саккиз йил ўтди. Аммо менинг совутим ва отимдан бўлак ҳеч нимам йўқ эди. Мен навкармен, касбим — уруш. Султон Ҳусайннинг куч-қудратига ишонганимдан Абусаид қўши-

нидан кетдим. Ушандан бери дарбадармен, жанг қилиб, висол дамани орзиқиб кутамен. Балки бахтим кулиб боқадиган кун ҳам келар. Унинг ўзи менга: «Йигитнинг сараси жангда билинади» деб айтган.

— Бахтингиз кулиб боқгуси,— деб жавоб қилди Навоий.— Шу орзиқиб кутишнинг ўзи бир бахт эмасми?

Бу сўзлар Мусабекнинг кўнглига ёқиб тушди. Ҳордиқ чиқариб бўлгач, яна йўлга отланарканлар, Мусабек уларни ўзича такрорлади. Эртаси куни эрта билан Ҳиротга кириб боришлари керак эди.

Навоий эса, бу суҳбат ҳақида, довюрак навкарнинг астрободлик қизга бўлган муҳаббати тўғрисида узоқ ўйлаб борди, кейин унинг фикрлари Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида тараннум этилган ва ўз хаёлини анчадан бери банд этган улуғ севги ҳақидаги достонга кўчди. Аммо Навоий фақат севгинигина куйлаб қўя қолмоқчи эмасди. У, кишилардаги туйғу-ҳисларни қадрламоқ керак, одамлар қалб садосига қулоқ солмоқлари лозим, кишидаги ҳиссиётни ўлдириш — унинг ўзини ўлдириш билан баробар, деган фикрларни илгари сурмоқчи эди. У ўз қаҳрамонларини севар, уларнинг жонли қиёфасини яққол кўриб турарди. Улар ҳақида ўйларкан, ўша заҳоти шеър мисралари қуйилиб келарди. Эҳ-ҳе, ҳали бундай катта асар ёзиш учун яна қанча йўлни босиб ўтиш керак! Навоий фақат «Лайли ва Мажнун» достонини ёзиш билангина чекланмай, Низомийнинг беш достонига беш дoston билан жавоб бермоқчи эди. Аммо қачон?! Мусабек билан севги ҳақида қилинган суҳбат қалбининг чуқур еридаги мана шу ўй ва орзуларни қўзғатиб юборганди.

Пойтахтга муҳим топшириқ билан бораётган йирик давлат арбобининг ўйлари шу пайтда севги ҳақидаги фикр ва ғазаллар билан тўла деб кимнинг хаёлига келарди дейсиз!

Пойтахтга яқинлашган сари Ҳиротдан келаётган йўловчилар, отлиқ ва карвонлар тез-тез учрай бошлади. Навоий юк ортилган бир неча туя олдида пастаккина от миниб бораётган улуғсифат кекса бир кишига мурожаат қилди:

— Отаҳон, Ҳиротда нима гаплар бор?

— О, тақсир,— деди отлиқ эҳтиром билан қўлини кўксига қўйиб,— пойтахтда ҳеч кимнинг тинчи қолмади. Мен узоқ юртдан мол олиб келаётган эдим, шаҳардаги

ғала-говурни эшитиб, орқамга қайта қолдим. Ҳалол савдогар ҳозир бу ерда тирикчилик қилолмайдиган кўринади. Ҳирот ҳунармандлари ғазабга келиб, амалдорларнинг додини беришяпти. Мана, гуноҳдан нарироқ бўлай деб қайтиб келяпмен. Менинг молим ҳеч қаерда касод бўлмайди...

СУЛТОННИНГ ФАРМОНИ

Бутун Ҳиротга, амир Алишер султондан фармон олиб келибдилар, деган хабар тарқалди. Дўконлар берк, кўчалар сув қуйгандек жимжит. Одамлар уй-уйларига яшириниб олишган. Оломон хазинага босдириб киргач, шаҳар маъмурияти кескин чора кўриб, қўзғолонни шафқатсизлик билан босдиришга киришди. Қуроли соқчилар қўзғолон қатнашчиларини ва қўзғолонга хайрихоҳликда гумон қилинган кишиларнинг ҳаммасини зиндонга ташладилар. Ҳокимият тепасида турганлар қатъий ишонч билан, энди қўзғолон такрорланмайди, деб айтолмасдилар, чунки ҳар бир хонадонда норозилар топиларди.

Жума куни эрталаб жарчилар жума намозидан кейин жомеъда султоннинг муҳрдори ва ўнг қўл вазири амир Алишер ваъз айтадилар деб хабарладилар. Эрталабданоқ одамлар кўчаларда тўда-тўда бўлиб оқа бошлади. Шаҳар байрам тусини олди. Аммо кескин хитоблар, ғазабнок боқишлар ҳали халқнинг ғалаён кайфияти тамом босилмаганидан, арзимаган бир ноўрин ҳаракат ёки ножўя айтилган бир оғиз сўз яна қонли тўқнашувлар келтириб чиқариши мумкинлигидан далолат берарди.

Ҳирот қашшоқларга ҳеч қачон бунчалик тўлган эмасди: жулдур кийимларга ўралган, оёқ яланг, бош яланг, соч-соқоли ўеиб кетган қашшоқлар, ориқ қўлларини ҳавога чўзиб, овозлари борича дуо ўқирдилар. Ишга ўрганган қўлларини кўксига қовуштирган усталар оломон ичида улугсифат важоҳатлари ва дурустроқ либослари билан ажралиб турардилар.

Ҳиротга шаҳар атрофидан деҳқонлар ҳам келишганди. Улар туя, эшак ва отларда кўчанинг ўртасидан аста-аста боришарди. Оломон орасида Едгор тарафдорлари — хонлар ҳам бор эди. Улар атайлаб халқ ўртасида низо уруғини сочишарди. Ана шундай хилма-хил, ола-

шовур оломон одамга тўлиб-тошиб кетган жомеъга йўл оларди.

Қадди-қомати келишган, ўрта бўйли, эгнида одми чопон, калта қора соқоли юзига ҳошия бўлиб тушган киши минбарга чиқиши билан халқ тиичланди. Бу Навоий эди. У тўпланган кишиларга, уларнинг адоват акс этиб турган ташвишли, интизор чеҳраларига диққат билан боқди ва ушбу дақиқаларда кўп нарса ҳал этилмоғи кераклигини айниқса яққол фаҳмлади. Халқнинг қалбида султонга ишонч уйғотмоғи керак, ҳозир фақат шугина халқ бахти-саодати йўлида қилинадиган бошқа ишларга йўл очиб беради. У сукут этди, йиғилганларга разм солди-да, кейин бир маромда вазмин сўз бошлади:

— Мен Ҳиротга Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазрат олийларининг амри билан тўппа-тўғри жанг майдонидан келдим. Улуғ султон ўз фуқароларини бахтиёр ва бадавлат қилмоқчилар; адолат йўли билан мамлакатни гулла-тиб-яшнатмоқчилар; ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир кимсага кўмаклашмоқчилар.

Жомеънинг гумбази остида Навоийнинг сўзлари тантанали жарангларди. Бу сўзлар унинг султон номидан халққа қарата айтган ўз фикрлари, орзуси эди. Навоий бир лаҳза жим қолди, халойиқни кўздан кечирди-да, яна сўзида давом этди:

— Пойтахт осойишталигини ким бузди, хўш? Бу га-лаёнларнинг чиқишига ким айбдор? Ўз мансабига номуносиб бўлган давлат арбоблари. Султон ҳокимияти шундай бир биноки, унинг муҳташам гумбази устуиларга таяниб туради. Бордию бу устунлар чириган бўлса, ҳолига вой.

Навоий бир оз қизишиб, овозидаги аввалги ҳотир-жамлик ўрнини эҳтирос эгаллади:

— Ҳиротга гамхўрлик қилиш вазифаси топширилган кишилар таловчилар бўлиб чиқдилар. Халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ўрнига улар ўз ҳамёнларини тўлдириш пайига тушиб кетдилар. Давлат ишларида адолатпарварлик бор, золимлик бор: ерни тўнғиз ковлагани бошқа-ю, деҳқоннинг чопгани бошқа. Деҳқон ерни чопиб экин қилади, тўнғиз эса, ана шу экинган экинни поймол этади. Ҳирот амалдорлари халққа нотўғри солиқ солиб, зўр жиноят қилганлар. Улар бамисоли чигирткадай йўлларида дуч келган нарсани еб битиришдан



тоймайдилар. Бунинг учун улар қаттиқ жазоланурлар. Халқ уларнинг номини билиб олсин. Улар хўжа Убайдуллоҳ, хўжа Қутбиддин, хўжа Низомиддин Бахтиёрлардир.

Кишилар чеҳраси қувончдан порлади.

— Султоннинг мақраби бизга хушхабар олиб келибди!

— Амир Алишернинг умрлари узоқ бўлсин!

Ҳар тарафдан қувончли хитоблар янгради. Алишер қўлини кўтарди, орага чуқур жимлик чўккач, Султон Ҳусайннинг фармонини ўқиб берди:

— «Пойтахтимиз Ҳирот шаҳрининг жамики аҳли-мўминларига етиб маълум бўлғайким, биз, улуғ Султон Абдулғозий Ҳусайн Бойқаро сўзимиз бу дурур...» — деб бошланарди фармон.

Сўнг унда ҳамма ногўғри солиқларни бекор қилиш, айбдорларни жазолаш, қўзғолон иштирокчиларини озод этиш ваъда қилинганди. Фармоннинг охириги сўзларини шодиёна олқиш садолари босиб кетди. Навоий ўқиб бўлгач, қоғозни баланд кўтарди-да, атрофга назар ташлади. Унинг диққатини бошига кўк салла ўраган, оппоқ соқолли, новча, ориқ бир чол жалб этди:

— Ҳақ ҳамма вақт — ерда ҳам, кўкда ҳам жойини топади! Мирза йигит, кекса бўлсам ҳам қаршингизда бош эгиб таъзим қиламен!

Шу оддий ҳунарманд чолнинг таъзими унга султоннинг таъзимидан ҳам зиёда бўлди, кўнглини тоғдай кўтарди.

Ҳиротда осойишталик ўрнатилди. Халқ қувончли кайфиятда Ҳирот кўчалари бўйлаб уй-уйларига тарқала бошлади. Узини айниқса бахтиёр ҳис этган кишилар орасида Мусабек ҳам бор эди; у ўзига шунчалар эътибор билан қараган амир Алишер учун лозим бўлса жонини ҳам аямасликка онт ичди. Бунинг устига, Мусабек шу куни укаси билан учрашди. Салим ўша куни уни зиндонга ташлаганларича ҳам бўлмай, назоратчининг кўзини шамғалат қилиб қочиб қолган экан. У жомеъда йиғин бўлишини эшитиб, шу тарафга югурибди ва Мусабекни бир кўришдаёқ таниб олибди. Ака-ука энди ажралмасликка аҳд қилдилар. Мусабек амир Алишердан укасини бирга олиб кетишга ижозат сўради.

— Зийрак ва чаққон бола, дурбошлик ишларида асқотади.

«БОҒИ ЗОҒОНЪГА ТУНДА БОСИБ БОРГАН МАЪҚУЛ

Халқ султондан мамнун эди, аммо кўпгина амалдорлар қалбини ғазаб ништари жароҳатлади. Мансабдан туширилган амалдорларнинг уруғ-аймоғи кўп бўлиб, улар орасида талайгина беклар бор эди. Беклар кўмагидан ажраб қолиш хавfli эди, чунки мамлакатнинг ҳарбий қудрати шулар қўлида эди.

Едгор Мирзони тор-мор этиб, тезда Ҳиротга қайтган Султон Ҳусайни халқ шодиёна билан қарши олди. Аммо аламзада амалдорлар яширинча Едгор билан алоқа боғлар, ўзларининг унга содиқликлари ва уни қўллаб-қувватлашга рози эканликларини изҳор этиб мактублар йўллар эдилар.

Ҳиротдан карвон билан бораётган савдогарлар қиёфасида талайгина ёлланма навкарлар жўнатилди. Едгорга кўмак тариқасида юборилган бу навкарлар уни яхши қўриқланувчи катта йўллардан эмас, пастқам сўқмоқлардан Ҳиротга бошлаб келишлари керак эди.

Қўққисдан шаҳар душман қуршови ичида қолди. Едгорнинг қўшиилари пойтахтга яқинлашиб келди. Бу хабар Ҳусайнинг қулоғига етганда, шаҳардан чиқилган биргина йўл очиқ қолганди. Султон Навоийни ўз ҳузурига чақиртирди.

Ез пайти. Аста-аста кеч кириб келаётир. Сарой боғидаги дарахтлар қимир этмайди. Ҳусайн Алишерни соясалқин хиёбонга бошлаб, ҳаяжон билан гапира кетди.

— Ҳозиргина бизни воқиф этишди: Едгорнинг қўшинлари уч томондан Ҳиротни ўраб келаётганмиш. Бекларимиз орасида хоинлар бор экан. Улар йўлдаги соқчиларни олиб ташлаб, Едгорни устимизга бошлаб келишибди. Биз ҳозир фақат жануби-ғарбий дарвозадан чиқиб кетмоғимиз мумкин. Сусткашлик қилсак, эҳтимол, бу йўлдан ҳам маҳрум бўлурмиш. Аммо мен қўрқаётганим йўқ. Қиличимнинг тиғи ярақлаб, бутун жаҳонни ёритган. Ҳиротнинг ўзида жанг қилишим мумкин. Қамалга ҳам бардош бера олармиш, дейман. Аммо шундай қилишга арзийдими? Ҳамма гап шунда. Ана шу масала хусусида сиз билан кенгашсак деган эдим.

Навоий дарҳол жавоб қилди:

— Ўзим ҳам бекларингиз хоинлик қилмасалар деб гумонсираб юрардим. Аммо халқнинг меҳр-муҳаббати бир тўда қабиҳ сотқинларнинг нафратидан минг чандон

афзалдир. Ҳозир қай йўсинда ҳаракат қилмоқ керак дейсизми?.. Менимча қамалда қолгандан кўра, қамал қилган дурустроқ. Ҳозироқ Ҳиротдан чиқиб жўнаймиз, бизнинг шошилинич ҳаракатимиз душманда «улар кучсиз экан» деган таассурот қолдиради. Биз эса, кучларни тўплаб, қулай фурсатни танлаймиз-да, унга узил-кесил зарба берамиз.

— Авлодимиз шаънига иснод келтираётган Ёдгорнинг бошини тезроқ янчиб ташласам дейман. Қарорингиз маъқул. Бекларни кенгашга чақиринг, аммо уларнинг ҳеч бири не боисдан чақирилаётганини билмасин.

Беклар кенгашга йиғилганларида кўк юзида дастлабки юлдузлар милтиллай бошлаган эди. Ҳусайн уларни бошдан-оёқ яроғ-аслаҳа тақиб қиличига суянган ҳолда қабул қилди. Ҳусайннинг либосини кўриб, ҳамма бир-бирига қараб олди. Ҳусайн йиғилганларни диққат билан назардан ўтказди-да, учта йирик лашкарбошиси йўқлигини дарҳол пайқади.

— А-ҳа! — қичқирди у. — Итлар думларини қисиб, янги хўжайин ҳузурига қочиб қолибдилар-да!

Кейин Ҳусайн бекларга уларни не хусусда чақиртирганини айтди-да, сўзини шундай деб тугатди:

— Сизларга айтадиган гапимиз шу: кимки бизга садоқат билан ҳақ-ҳалол хизмат қилар экан, жамики ўлжамиз ва эришган шон-шавкатимизни инсоф билан баҳам кўришимизга имони комил бўлсин. Кимдаким бизга инонмас экан, ҳозироқ даргоҳимиздан чиқиб кетсин. Майли, жавоб, биз ҳеч кимдан қўрқмаймиз!

Шунда Ҳусайннинг отасини ҳам яхши биладиган, бир маҳаллар уларнинг уйларида қурилган базмларда кўп иштирок этган кекса бир бек олдинга чиқди-да, деди:

— Садоқат билан хизмат қилмоққа қасамёд қиламиз. Сўзимизнинг устидан чиқмасак, каломулло урсин. Ишонмасангиз, мана қилич.— Бек неча-неча душманининг бошини танидан жудо қилган оғир қиличини ечиб, сўлтонга тутди.— Ўлдиринг бизни.

Йиғилганлар орасида Музаффарбек ҳам бор эди. У дард-дунёси қоронғи, маъюс турарди. Вужудини бир-бирига зид туйғулар чулғаган. Навоийга бўлган хусумати ортган. Ўзбошимча бекларни жазолаб, қўзғолонни бартараф қилган Навоий эл орасида танилди. Энди уни халқ «олийҳиммат», «етук инсон», «фазилатлар макони», «ақл чироғи», «кўнгиллар малҳами» ва «ҳаёт

бўстони» деб атайди. Ниҳоятда камтар Алишернинг бу ордоқларга бефарқ қараши Музаффарбекни бадтар газаблантирарди. Алишер кибрланиб, кеккайса у қувонган бўларди. Иккинчи томондан, Музаффарбек Ҳусайндан ажралмоқчи эмасди. Шунча йиллар бирга бўлишди, бирга жанг қилишди. Музаффар Ҳусайнга ҳалол хизмат қилди, султон ҳам ўз ваъдасининг устидан чиқди: барлос беги Ҳирот яқинидан бир неча бўлак серҳосил ерлар олди, қасрлар қурдириб, боғ-роғлар барпо эта бошлади. Едгор билан бошланган уруш ишнинг белига тепди. Музаффарбек бу исёнчидан нафратланар, унинг узилкесил ғалаба қилишига ишонмасди; Ҳусайндан ажралишни истамаганлигининг боисларидан бири ҳам ана шу эди.

Музаффар дадил туриб қасамёд этди.

Бир соатдан кейин Ҳусайн қўшинлари тун пардаси ичида Ҳиротни ташлаб чиқа бошлашди.

— Едгорни биламен. Бу муғомбир тантиқ шаҳзода Ҳиротда узоқ туролмайди,— дерди Ҳусайн олдинда бораётган отлиқларнинг дўпир-дўпирига қулоқ соларкан. Султон пишқириб бораётган отнинг жловини тортиб, Навоий томонга эгилди-да, сўзида давом этди: — У майхўрлик ва таловчиликни касб қилиб олган ожиз ва очкўз шахс.

— Бундай одам давлат тепасида турмаслиги лозим,— деди Навоий ишонч билан.

* * *

Султон Ҳусайн ўз қўшини билан Маймана мовзуида чодир тикди. Дурбошлар тез-тез Ҳирот томонларга бориб қайтишарди. Орадан кўп ўтмай, Едгор Мирзо ўзини султон деб эълон қилганлиги маълум бўлди; унинг тахтга чиқиши зўр дабдаба билан байрам қилинди. Бундан хабардор бўлган Ҳусайн тутоқиб кетди, аммо Навоий:

— Жангга отланишга яна бир оз сабр қилмоқ лозим. Едгорнинг ҳукмронлиги нима оқибатларга олиб келишини эл-юрт ўз кўзи билан кўрсин,— деб уни босди.

Едгор Мирзонинг ўзини султон деб эълон қилганини эшитган Музаффарбек тамомила бошқача йўл тутди: у ҳамма ерда, Ҳиротни зудлик билан қамал қилиш керак, «ишни пайсалга сола берсак мағрурланиб кетган душман бизни қўрқоққа йўяди» деб таъкидлади. Қалби-

нинг чуқур ерида эса, ўзи Едгорнинг ҳокимияти чиндан ҳам қатъий қарор топса, унинг тарафига ўтиб кета қолсаммикан, деб иккилана бошлади.

Кунларнинг бирида Мусабек айгоқчиликка бориб келди.

Тонг чоғи эди. Мусабек шиддат билан султоннинг хобгоҳига яқинлашди-да, эшик олдида турган эшик оғага тезлик билан султонни кўриши зарур эканини айтди. Эгри қилич ва узун ханжар тақиб олган баҳайбат гавдали эшик оға:

— Киргизмаймен,— деб остонада туриб олди.

— Қайтиб кетгандан кўра жанозангни ўқиб қўя қоламан,— деди Мусабек ғазабланиб.— Бир лаҳза кечиксак бутун иш расво бўлиши мумкин.

— Иложим йўқ,— деб такрорлади эшик оға.— Эрталаб жаҳонгирнинг олдиларига энг аввал Музаффарбек кирадилар.

Бу гапни эшитган ҳамон Мусабекнинг кўзларига қон қуйилди: у анчадан бери, Музаффарбек хоин эмасмикан, деб гумонсираб юрарди. Агар шу пайт Навоий келиб қолмаганда, ким билади дейсиз, эшик оға билан бўлаётган бу суҳбатнинг оқибати нима бўларди.

Осмоннинг ярмини тонг ёғдуси қоплади, муаззин минорага чиқди. Тезроқ кириш керак, нафас ўтмай Музаффарбек келиб қолиши мумкин. Мусабек югуриб Навоийнинг олдига борди-да, шоша-пиша унга алланималар деб пичирлади.

— Албатта,— деди Навоий,— бу хабарни улуғ султонга ўз оғзингиз билан айтганингиз дуруст, буни ҳали сиздан бўлак ҳеч ким билмаслигини ҳам қўшиб қўйинг, англадингизми? Ҳузурларига сизни мен киргизиб юборганимни айтинг; муҳим бир иш билан келаётган эдим, боҳабар қилсангиз, сиздан кейинноқ қабул қилсалар,— деб таъкидлади Навоий.

Мусабек Навоийнинг ишораси билан шовқинсиз очилган эшикдан лип этиб кириб кетди. Унинг кетидан эшик ёпилган заҳоти, қаршидаги иккинчи эшикдан Музаффарбек кириб келди. Навоий унга пешвоз турди, одатдагича иззат-икром билан бир-бирларига таъзим қилганларидан сўнг, Алишер уни боққа таклиф қилди.

— Бугун улуғ султоннинг уйқулари бир оз беҳузур бўлибди. Шунга кўра, табиб бугун у кишининг оромларини бузмасликни тайинлаган экан.

Музаффарбек бир ўқрайиб қўйди-да, таъзим қилиб, чурқ этмай чиқиб кетди.

Навоий қизариб бораётган осмонга боқди; эрталабки мусаффо ҳавода унинг юзини ҳам қизиллик қовлади. Мисралар ўзидан-ўзи қуйилиб кела бошлади:

Ваҳ ки чамандин яна эсди шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Қани энди қўлига қалам олса-ю, сўз гавҳарларини қоғоз бетига тиза бошласа. Аммо уни кечиктириб бўлмайдиган давлат ишлари кутмоқда. Навоий чуқур тин олди, алланима эсига тушиб жилмайганча султоннинг хобгоҳига кирди.

Қаттиқ ҳаяжонланган Ҳусайн гилам устида катта-катта қадамлар ташлаб, у ёқдан-бу ёққа юрарди. Навоийнинг саломини эшитар-эшитмас, қизғин гапира кетди:

— Ёдгор Мирзонинг навкарлари Ҳиротда бебошлик қилаётган эмиш. Лекин гап бунда эмас. Ёдгор Муҳаммад кайф-сафога берилмоқда. Бунинг учун унга пул керак, пулни эса, унинг одамлари тўғри келган кишидан тортиб олмоқдалар. Кимда-ким қаршилик қилса ўлди-радилар. Довюррак айғоқчимиз Мусабек қассоб либосини кийиб, Ҳиротда бўлибди, уйларга, майхоналарга, мачитларга кирибди; зиндон олдини айланибди, ҳатто сарой ошхонасига ҳам кириб чиқибди. Ёдгорнинг ҳокимияти омонат эмиш. Зудлик билан сафарга отланмоқ керак. Вақт етди. Музаффарни чақиринг!

— Тўғри айтасиз, улуғ султон, оллонинг ўзи сизга ишониб топширган фуқароларингизни зулм-истибдод панжасидан озод қилиш вақти етди,— деб вазмин гап бошлади Навоий.— Айтганларингизнинг ҳаммаси ҳақ гапнинг дуридир, аммо бу андешани менга ҳам айтмаганингда яна ҳам дурустроқ бўлурди.

Ҳусайн узук таққан қора-мағиз қўли билан ёноқлари ва соқолини асабий силади ва Навоийга шубҳали назар ташлади.

— Бунчалик эҳтиёткорликнинг боиси недир? — деб кескин сўради у.

— Ғоят ҳушёр бўлмоқ зарур. Ҳамма масала шундаки, душманга қўққисдан ҳужум қилиш керак, токи у ғафлатда қолиб куч тўплашга улгурмасин. Сизга ўргатгулик ери йўқ-ку, султон...

— Тўғри-ку, аммо Музаффарбек...— Навоийнинг маънодор боқишини кўриб, Ҳусайн жим қолди.

Худди ана шунда Султон Ҳусайннинг кўнглида Музаффарбекка нисбатан биринчи марта шубҳа туғилди.

Бу суҳбатдан кейин Музаффарбекка шошилиш суратда қўшинни йиғиш тўғрисида фармон берилди. Ишни Ҳусайннинг ўзи кузатиб турди. Отланиш сабабини билиш мақсадида Музаффарбек томонидан қайта-қайта берилган сўроқлар жавобсиз қолдирилди. Ҳусайн бирор нарсани айтишни истамаса, уни унатиш амримаҳол эди.

Яхшигина дам олиб олган навкарлар сафар дарани эшитиб қуванар эдилар.

— Оёқларнинг чигалини ёзиб, қонни юриштирайлик.

— Уқ-ёйларимизни занг босиб кетди...

— Менинг отим адирни кўрмай, чопишни ҳам унутаёзди...

Навкарлар совутларини ярқиратиб тозалашар, нақш солиб безатилган эгарларини тартибга солишарди. Мусабекнинг тўдасидаги навкарларнинг оти айниқса серҳашам эди. Мусабек ўз навкарларига доимо ғамхўрлик қилар, уларга керакли нарсани қаердан бўлмасин топиб келар; улардан ҳам жасорат ва сал ҳақат талаб этар, ҳар ишда ўзи намуна кўрсатарди. Қўшин тўплангач, Мусабек сафларни кўздан кечирди. Қўшиндан унинг кўнгли тўқ, чунки ҳар бир юзлик тўдада бирорта фитна бўлса; сизди дегунча дарҳол хабар берувчи ишончли кишилар бор.

Лашкар шовқинсиз, жадал борарди. Қўшиннинг ҳаракатини ошкор этиб қўймагин учун ноғора чалиш тақиқланди. Ҳусайн йўл бўйи бир оғиз ҳам сўз айтмади. Фақат Бекабегимдан киши келиб, жадал ҳаракатдан беканинг кўнгиллари беҳузур бўлаётганмиш, деган хабарни етказганда:

— Қаерда кўнгиллари беҳузур бўлган бўлса, ўша ерда қола қолсинлар. Хотинларнинг оҳ-воҳидан қутулсак, бизнинг ҳам юришимиз енгиллашади,— деди, холос.

Аммо қайсар Бека бундай жавобни эшитгач, Ҳусайннинг раъйига зид ўлароқ йўлда давом этди: у ҳар қадамда ўз ҳаётидан худога нолиб борарди.

Шу куни Лангарбукан қишлоғига етиб боришди. Бундан бу ёққа юришнинг мақсадини яшириш мумкин эмасди. Султон вазир ва бекларни кенгашга чақирди-да, ўзининг Ҳиротни забт этиш ниятини маълум қилди. Бу

хабарни ҳамма қизгин маъқуллади. Хиротга кечаси бостириб кирилсамикан ёки кундузими деган масалани муҳокама қила бошладилар. Биринчи бўлиб Музаффарбек сўз олди.

— Аввало «Боғи зоғон»да Мирзо Едгор билан унинг яқинларини қўлга олмоқ даркор. Қоқ пешинда одамлар иссиқдан қочиб, ўзини боғлардаги ҳовуз бўйига уради, ҳамма уйлар бўм-бўш бўлади, худди шу пайтда шаҳарга бостириб кириб, қасрни эгаллаш ва ҳаммасини асир олиш керак.

Музаффарбекнинг таклифини баъзилар маъқуллади.

Бироқ шу пайт Навоий сўз олиб:

— Бу таклиф нотўғри; шундай тажрибали саркардадан шу гапни эшитиб, гоят таажжубланамен,— деди.

Музаффарбек тутоқиб, қора соқолининг учини тутамлади. Бек ва амалдорлар бир-бирларига эгилиб, шивирлаша бошладилар.

— Бу сўзларнинг маъносини билсак дердим! — деб ҳайқирди Музаффарбек қизишиб.

— Ақлли одам гапнинг маъносини чақиб олади,— деб жавоб қилди Навоий, сўнг олдида турган қоғоз солиқлиқ нафис қутичани узуги билан чертиб сўзида лавом этди: — «Боғи зоғон»ни тунда, ҳамма ухлаб ётган пайтда босган дуруст. Кундузи бизни кўчада ҳар бир киши пайқаб Едгорга хабар қилиши мумкин. У эса дарҳол лашкар тўплайди. Натижада икки ўртада ортиқча қон тўкилади. Сўнгги дақиқада ҳамма ишни барбод қилладиган бўлсак, бунчалик эҳтиёткорликнинг ҳожати йўқ эди. Йўқ, кечгача буни сир сақлаш керак; уни ошкор қилган кимса ўлимга маҳкум этилгуси. Кейин эса «Боғи зоғон»га қўққисдан бостириб кирамиз. Эҳтимолдан узоқ бўлса-да, ишнинг бошқа томонини ҳам ўйлаб кўриш керак: бордию душман устун келиб, бизга зарба берди дейлик, у ҳолда тун қоронғисида яшириниб кетиб, навкарларимиз ва ўзимизнинг ҳаётимизни сақлаб қолишимиз осон бўлади.

Ҳамма гур этиб бу таклифни маъқуллади. Ҳусайн ҳам унга қўшилди ва вазифаларни кишиларга бўлиб чиқишни буюрди. Музаффарбекнинг ёнида тутуруқсиз шоир ва маккор амалдор Али Соний ўтирарди. Алишер бир неча бор унинг ғазалларини қаттиқ танқид қилганди. Навоий гапирга ётган вақтда Соний Музаффарбекка бир нима деб пичирлади. Беклар бўладиган ҳужумдаги ўз

ўринларини белгилаб олишгач, у овозига ясама мулоимлик бериб, истеҳзо билан:

— Эртага қиличлар қинидан суғурилганда амир Алишернинг маҳоратларини бир кўрар эканмиз-да,— деди.

Алишернинг одатда жангда иштирок этмаслигига шама қилиб айтилган бу аччиқ ҳазилнинг маъносини ҳамма тушунди.

Навоий индамай қўя қолди, аммо ўзича «Соний жазолангуси» деб қатъий аҳд қилиб қўйди. Алишер майдачуйда инсоний туйғулар ҳаяжонга солган пайтларда, ўзини вазмин тутиб, ҳаминша ақл-идрокка таянарди. Бироқ бу ўринда Соний уни камситиш билан умумнинг ишига путур етказмоқчи эди.

НАВОИЙНИНГ ҚИЛИЧИ

Лангарбукондаги кенгашдан сўнг қўшиндан саккиз юзта отлиқ навкар саралаб олинди. Улар Ҳиротни иш-гоя қилмоқлари лозим эди. Отлар мисли кўрилмаган суръат билан йўл босар, навкарлар тутган найзалар қални дарахтзорни эслатарди. Ҳусайннинг бир ёнида Музаффарбек, иккинчи ёнида Навоий от қўйиб боришарди. Музаффарбекнинг бутун вужудини ҳужум иштиёқи эгаллаган, яна ўз қаршисида фақат бир мақсадни — Ҳиротни забт этиш мақсадинигина кўрарди. «Султон Ҳусайн бир кўриб қўйсин ким чинакам навкар эканини,— деб ўйлаб борарди у.— Бизга дарвишлар эмас, навкарлар керак».

Кеч кириши билан отлиқлар юришларини анча секинлатдилар. Паст-баланд адирлик, кейин эса баланд-баланд тоғлар бошланди. Энди тез-тез биттадан бўлиб, кетма-кет юришга тўғри келарди.

Ҳусайн шу атрофда, тоғдаги бир ғорда Бобо Али деган кекса шайх яшашидан хабардор эди, ҳаммага шу ерда тўхташни буюрди, ўзи эса ҳеч кимга ҳеч нарса демай, отининг бошини шайхнинг ғори томонга бурди. Султоннинг қаерга йўл олаётганини Навоий дарҳол фаҳмлади: улар ёшлигидан бери дунёдан «этак силкиб» одамлардан узоқда яшовчи дили пок ва ақли равшан донишманд Бобо Али тўғрисида неча дафъа суҳбатлашган эдилар.

Ғор тепасида улкан қоя осилиб турарди.

Ҳусайн отдан тушиб эндигина қоронғи ғорга энгашиб хирай деган эди, ғор оғзида шайхнинг ўзи кўриниб қол-

ди. Чиллакдай ориқ саксон яшарлик чолнинг қомати ҳали тик эди. Қишин-ёзин у қўпол матодан тижилган чопош ва кигиз қалпоқ, кийиб юрарди. Кексаликдан бармоқлари қинғирлашган ялаиғ оёқларининг томирлари бўртиб чиққан. Эгри-бугри, қилтириқ қўллари узун ҳасса тутганди. Ич-ичига тушиб кетган қорамтир кўзларида фикрий туйғунлик акс этарди. Бир вақтлар шайхнинг талайгина қўйлари ва Мурғоб дарёси воҳасида серҳосил ерлари бор эди. У ҳамма мол-мулкни таркана қилиб, ёшлигидан ана шу ваҳший тош масканида ибодат билан машғул бўлди:

— Ассалому алайкўм,— деб таъзим қилди Ҳусайн.— чолнинг ориқ қўлларини ўпаркан.

— Кел, подшо, ўзим ҳам келарсан деб ўйлагандим. Янги-янги урушлар юртнинг мадорини қуритди. Қачон бунга чек қўйилади?— деб сўради чол қовоғини солиб.

— Худо шоҳид, мевинг уруш қилиш ниятим йўқ. Аммо Темур авлоди номига иснод келтираётган баъзи итлар юртни хонавайрон қилаётир. Едгор бир гуруҳ хонинларга таяниб пойтахтни босиб олди; энди ювиндихўр малайлари билан биргаликда бойлигимизни талон-тароҳ қилиб, элга зулм ўтказмоқда. Фотиҳа беринг, ота, душманни йўқ қилиб, юртни тинчитай.

Бобо Али дуо ўқиб, Ҳусайнга фотиҳа берди.

Вақтичоғ ва миннатдор бўлган султон чолнинг қўлини кўзига суртди, сўнг сакраб отига минди-да, ғалабага тўла ишонч билан қўшин сари от чоптириб кетди.

Ярим кечага бориб, Ҳиротнинг ёнгинасидаги Жуздуқ чашма мовзуида яна тўхташди.

— Ишончли кишиларни айғоқчиликка юборилса, дуруст бўларди. «Тил» тутиб келтирмоқ лозим,— деб таклиф қилди Навоий.

Хатарли ишларни бажаришга ҳамма вақт тайёр турган Мусабек талабгор бўлиб чиқди. У билан бирга яна иккита йигит жўнади. Улар жуда тез қайтишди ва ўзлари билан оёғида зўрға турган бир кишини тутиб келтиришди. Асир:

— Ҳирот уйқуда,— деди-да, ерга чўзилганча ухлаб қолди.

— Мана Едгор таянганларнинг ҳоли,— деди жирканиб Султон Ҳусайн.

Ҳиротга тўрт тарафдан баравар бостириб киришга қарор қилинди. Отлиқлар тўдаларга бўлинди.

Шаҳарга тун пардаси остида шовқин-суронсиз киришди. Дарвозаларни қўриқлаб турган соқчилар қичқиришга улгурмасдан, грибонларидан тутиб, оғзи юмилди. Ҳиротнинг сертупроқ кўчаларида от туёқлари майин дупурларди. Тинч аҳоли донг қотиб ухларди, элас-элас эшитилган говур-гувурдан уйғониб кетган битта-яримта эса: «Э, Ҳироти азимда не-не ишлар бўлмайди дейсиз! Яхшиси ҳеч нарса эшитмаган бўлиб ёта бериш керак» деб яна уйқуга кўз юмарди.

Тун қўйнида гунчалар гул очиб, атрофга ёқимли ис таратмоқда. Шамол боғларни тарк этган, хиёбонлар четида саф тортган дарахтлар соқчилардай қимир этмай туради. Юлдузлар тун қоронғилигини яна қуюқроқ қилиб кўрсатади.

Ёдгор ўз яқин кишилари билан хурсандчилик қила-қила чарчаган. Маст-аластларнинг «Боғи зоғон» даги саройдан эшитилаётган узуқ-юлуқ товушлари ва мусиқи садоси аллақачон тинган. Августнинг бу зим-зиё тунда Ёдгор хотиржам. Унинг ўрнида Ҳиротни бошқараётган, фармонбардор, қаттиққўл аммаси Поянда Султонбегим яқинида бир фолбинни чақиртириб, ром очирганди: шоҳ ойдин кечадан кўрқсин, зим-зиё тунда ҳеч қандай хавф-хатар бўлмайди,— дебди фолбин.

Ҳусайннинг навкарлари «Боғи зоғон»га товуш чиқармай яқинлаб келишди. У ердаги кўшкда талайгина амалдорлар донг қотиб ухлаб ётарди. Деярли ҳаммасини ҳеч қандай шов-шувсиз тутиб боғланди. Саройнинг аёллар турадиган қисмида қий-чув кўтарилди; овоз чиқаришмаса тирик қолажаклари ваъда қилиниб, улар ҳам тинчтилди.

Энди баланд тепаликдаги тевараги мустаҳкам девор билан қуршалган султон қасригина қолганди.

— Қасрга дабдурустдан бостириб бориш хатарли,— деб тўнғиллади Музаффарбек ижирғаниб.— Ҳозир бунга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Тонг отишини кутиш керак. Ҳар бир тош орқасида душман пусиб ётган бўлиши мумкин. Ҳирот энди ўзимизники, хотиржам кутишимиз мумкин.

— Ҳирот бизники, аммо ҳали Ёдгорни қўлга олмаган эканмиз, хавф-хатар ҳар дақиқа сайин ортиб борур,— деди Навоий қатъий қилиб.

Султон Ҳусайн қасрга ким биринчи бўлиб чиқишини беқларнинг узига ҳавола қилиб, жим кутиб турарди.

— Навкарларимиз довиюрак,— деди баланд овоз билан Музаффарбек.— Ҳеч ким уларни қўрқоқликда айблай олмайди. Бироқ ҳозир юқорига чиқишга кимнинг юраги дов берарди?

Навкарлар индамай турардилар. Шунда Навоий Султон Ҳусайнга мурожаат қилди.

— Бизга ижозат берсангиз.

— Бир ўзингиз чиқасизми?— ташвишланиб сўради султон.

— Бошқалар қўшилмаса, бир ўзим чиқа берамен,— деди Навоий.

У отдан тушиб, тизгинни ёнида турган навкарга тутқизди, қиличини қиндан суғурди-да, унга ҳассадек таяниб, аста-секин юқорига кўтарилди бошлади.

— У кишининг қилич ўйнатишларини ана энди кўрамиз,— истехзо билан пичирлади Соний Музаффарга.

— Овозингизни ўчиринг!— деди бек зарда билан.

Навоий ўзининг мардонавор таклифи билан султон ва барча навкарлар олдида зўр эътибор қозонганини Музаффар англаган эди. Шу заҳотиёқ Навоийнинг ортидан навкарлардан Қулали, Ҳожияли ва Мусабек тепага кўтарилди бошладилар.

Улар чиқиб борганларида қаср қоронғилик ва уйқу оғушида эди. Катта хоналардан ўтиб боришаркан, оёқлари гилам, болиш ва думалаб ётган кўзаларга илашарди. Фақат бир уйғина ёруғ.

Ҳатто ёниб бўлай деб қолган иккита шамнинг хира нурида ҳам хона нақадар ажойиб гиламлар билан безалгани сезилиб турар эди. Гилам устида атлас кўрпага ярим-ёрти ўралиб бир сулув жувон ётарди. Кенг қилиб солинган ўрин пойгагига каттакон қоплон териси тўшалган.

Қоплон териси устида аллаким мук тушиб ухламоқда. У гўё аллакимга узатаётгандай қўлида ярим ой шаклидаги қадаҳ ушлаб ётарди. Қадаҳ бир оз қийшайиб ундан ҳаво ранг гиламга қирмизи май тўкилганди. Тўрдаги ўринда чиройли бир йигит узала тушиб ётар, унинг эгнидаги тўқ қизил тўн бухоро шоҳисидан бўлиб, унга олтин безаклар тикилганди, чаккасига сирғалиб тушган салласидаги катта жиға ва қўлидаги узукларида гавҳар тошлар жилва қиларди. Нозик, лўппи юзлари қизарган. Узув киприклари ёноқларига соя ташлаганди. Унинг

оёғида каттакон бароқ мушук ғужанак бўлиб хур-хур ухларди. Навоий бу йигит Ёдгор эканини шу ондаёқ англади.

— Жим,— деб шивирлади у ўзи билан бирга келётганларга.— Уларни уйғонмасидан қўлга олиб қуролсизлантириш зарур.

Кимнинг қўлига тушганини кўриб, Ёдгорни қалтироқ босди. Юзи бужмайди. Бутун чиройи бир зумда йўқолди. Навоий у билан сўзлашиб ўтирмади. Миясидан: «Ҳиротга мана шу аблаҳ ҳокимлик қилмоқчи эди!»— деган фикр ўтди, ундан жирканди.

— Мағлуб бўлганининг ишораси қилиб қиличи билан садоғини бўйнига осиб қўйинг,— деб буюрди у навкарларга.

Ёдгор тихирлик қилиб, қаршилиқ кўрсатишга уринди, Темур авлодиданмен, деб ўдағайлади.

— Юртни алғов-далғов қилган кишини ҳар қанча хўрланса ҳам оз,— Навоийнинг унга берган жавоби шу бўлди, холос.

Ёдгорни султоннинг оти оёғига келтириб ташлашди. Ҳусайн ўзининг исёнчи қариндошига, унинг қўрқувдан ола-кула бўлган кўзлари ва чанг-тупроққа беланган шоҳона либосига тикилди.

Тонг отиб келарди. Ҳиротнинг оппоқ уйлари, тўгарак майдонлари, кўкка бўй чўзган миноралари кўзга чалиниб қолди. Навоий чуқур сўлиш олди. Мана, у тагин ўзининг жонажон Ҳиротида, бу шаҳар учун у жонини фидо қилишга тайёр. Ана у ердаги ҳовлида унинг болалик йиллари ўтган... Нарироқдаги Хиёбонда устози ва дўсти Жомий яшайди... Қани энди бу шаҳар яна ҳам кўркам, улуғвор этилса...

— Энди Султон Ҳусайн зафар билан қайтдилар деб элга маълум қилинсин,— деб буюрди Ҳусайн,— Мана бу итнинг эса,— деди у Ёдгорга хўмрайиб боқаркан,— бошини танидан жудо қилинсин.

Жаллоднинг темир қўлларида ханжар ялтиради. Ёдгорнинг боши қонли из қолдириб, юмалаб кетди.

— Ёдгорнинг боши халойиққа кўрсатилсин,— деб буюрди Ҳусайн.— Ҳар бир исёнчининг тақдири шундай бўлишини билиб қўйсинлар.

Августнинг қоронғи кечаларида Ёдгор хотиржам бўлаверсин деган фолбин ўша кунидеъ Поянда Султонбегимнинг буйруғи билан пинхона қатл этилди.

БОШ ВАЗИР

Ташқарида февраль қуёши илиқ нур сочади. Навоийнинг хобгоҳидаги дарча шарққа қараган. Алишер бир нафаслик қаттиқ уйқудан уйғонди. Кеча унинг бош вазир этиб тайинланиши муносабати билан уйда берилган зиёфат ярим кечагача чўзилганди.

Бу воқнадан бир оз илгари Навсий билан Ҳусайн ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

— Ҳазратларига ва эл-юртга бунингсиз ҳам хизмат қилмоққа тайёرمىз,— деди Алишер.

— Ҳар қандай хизмат давлат даргоҳида туриб қилинмоғи керак,— деб эътироз билдирди Ҳусайн.

— Аммо шоир ҳам ёвузликларга қарши курашади. Қола берса барлос беги Музаффардек таянчингиз бор, ахир у ҳам Темур уруғидан-ку.

Ҳусайннинг қовоғи солинди, қисик қора кўзларида ўт чақнади. Бармоқлари қаҳрабо тасбиҳни асабий ўгира бошлади.

— Унинг даъволаридан ўлиб бўлдим. Жиловини бир оз тортиброқ қўйиш керак бўлади. Бунинг учун сиздан кўра мақбулроқ кимса йўқ.

Суҳбат шу билан тугади. Алишер ортиқ тихирлик қилса Ҳусайннинг ғазабини қўзғатиши турган гап эди. Бунинг устига, олий мансаб халққа ғамхўрлик қилишда кўпроқ имкониятлар берарди.

Бир неча кундан кейин Алишернинг вазир этиб тайинланганлиги ҳақидаги фармон эълон қилинди. Шу куни Навоийнинг ҳовлисида одам аримади, ҳамма уйлар ва боғ Навоийни қутлаш учун келган кишиларга лиқ тўлган эди. Меҳмонларнинг аксари дўстлар эди, бироқ чехрасига сохта табассум қўндириб, кўксиди ҳасад ва ғазаб туйғуларини яширган ғанимлар ҳам йўқ эмасди. Навоийнинг вазир этиб тайинланишини айниқса Музаффарбек оғир олди; у, энди султон илгаригидай қўлга киритган ерларининг учдан бирини менга бермай қўяди деб чўчир, бу ерларни Алишер халққа олиб бериш учун тиришажагига ақли етарди, тез орада уни гўрга тикқан жигар касали эҳтимол шу куни бошланган бўлса. Ҳарқалай, барлос беги Навоийни қутлаш учун унинг уйига келдигина эмас, рақибига султоннинг туҳфаларини тақдим этаётганларида ҳам ҳозир бўлди.

Ҳусайн Алишерга вазирлар киядиган кўкиш зарбоб тўн ва қордек оплоқ салла бериб юборган эди.

Навоий иззат-икром билан вазирлик либосини кийди, султоннинг фармонини тантанали вазиятда ўпиб, кўзига суртди-да, найча қилиб ўраб, салласига қистирди. Одат бўйича у фармонни уч кунгача салласидан олмаслиги керак эди.

Бетоблигини баҳона қилиб, Музаффар тезда уйига жўнади. Қолган расмий меҳмонлар ҳам аста-аста тарқалишди. Навоий дўстлари даврасида қолди. Иззат қилиб, Мавлоно Жомий ҳам шахсан ўзи шоирни олий рутба билан табриклагани келди.

Тантанали маросим муносабати билан ҳаммалави ғазал битишдаги ўз маҳоратларини намойиш қилиб, ярим кечагача ўтиришди.

— Энди шеърни қўйсак-да, бир оз мусиқа тинглаб лаззатлансак,— деди ниҳоят Навоий.

Зиёфат музика тинглаш билан якунланди.

* * *

Навоий девонга бормоқчи бўлиб чиққан эди, унга янги от келтириб тутдилар. Эски оти байрам пойғала-рида қатнашавериб оқсоқланиб қолганди. Энди Навоийнинг барча мулкларини бошқараётган Мусабек ўзининг сеvimли хўжаси учун узоқ вақт от танлади. Қадди-басти келишган ва сиртдан соғлом кўринган бир отни танлаган эди, кунга қараб юрса кўзи қамашиб қолар экан, яна бирини топган эди — чолиб кетаётган ерида таққа тўхтатилса, қайтиб чополмас экан, учинчисининг бўйи пастроқ кўринди. Ниҳоят Мусабек Навоий ўзи яхши кўрадиган тўриқ отни танлади.

Амир Алишер девонга келганда деярли ҳамма йиғилиб бўлганди.

У султоннинг ўнг қўли эканлигини таъкидламаслик учун жўрттага бошқалардан кейинроқ келган эди. Ҳар вақтдагидек, у ўзини камтар ва хушмуомала тутди. Йиғилганларнинг кўпчилиги уни самимий эҳтиром билан қарши олишди.

Султон Ҳусайнни узоқ кутишга тўғри келди. У эрталабдан бери каптарларнинг парвозини томоша қиларди. У эндигина зерика бошлаган ҳам эди, осмонда калхат пайдо бўлди; каттакон қоп-қора йиртқич бир тала

оппоқ каптарга чөвүт солди. Аммо каптарлар ундан ай-
ёрлик қилиб, жуда ҳам баландга кўтарилиб кетди, энди
улар ердан пашшадай бўлиб кўринардилар. Қалхат
ҳам улар кетидан баландга кўтарилмоқчи бўлиб бир
неча бор уриниб кўрди, уддасидан чиқолмагач, қанот-
ларини жаҳл билан қаттиқ-қаттиқ силқитиб учиб кетди.

Ҳусайн бу қизиқ манзарадан кўз узолмай турарди,
каптарлар ўз ошёнларига омон-эсон келиб қўнғидан
сўнғина у саройга кирди. Ҳамон ўзи ҳозиргина томоша
қилган манзара таассуроти билан тўлиқ бўлган султон
вазирнинг атрофида давра олиб турган аёнларга қувонч
билан кўз югуртириб чиқди.

«Бамисоли атрофини калхатлар қуршаб турган ка-
бутар,— деб хаёлидан ўтказди султон, сўнғ шу ондаёқ
ўз хатосини тўғрилади:— Йўқ, қанақасига у кабутар
бўлсин? Алишер — бургут».

Навоий ҳам ҳаммани диққат билан кўздан ўтказар-
ди. Утирганлар бундан буён у билан биргаликда мам-
лакатни бошқарадиган кишилар.

Мана, масалан, хўжа Салимни олинг, камсуқум, ўти-
ришларда қўшиқ айтиш ва кучук* ичишни яхши кўради-
ган киши. Унинг ёнида Мажидбек ўтирибди. Анави бир
вақтлар Абулқосим Бобирнинг отбоқари бўлган, машҳур
Умарбек, серғайрат ва иродали, аммо бахил ва очкўз
киши; хушомад билан уни ҳамма вақт оғдириб олиш
мумкин.

Мана бу киши Навоий дилдан суйган Сайид Ҳасан
Ардашер; худди Навоий вазир этиб тайинланган кунни
у ҳам бекликка кўтарилган. Навоий ҳамон уни ўғиллик
меҳри билан иззат қилар, энг яқин кишиларидан деб
биларди. Сайид Ҳасан Ардашер ғазаллар битар, ҳамма
нарсадан ҳам илм-фан ва адабиётни севар эди. У ёш-
лик чоғларида жуда кўп ичган ва ўйин-кулгига берилган
эса-да, ҳозир фақат шеърят майидан лаззатланар, Жо-
мий ва Навоийлар билан дўст эканлигидан вақти хуш
эди.

Мана Музаффарбек. «Унинг юрагида нималар бор?»—
деб ўйларди Навоий, вазирнинг қовоғи солиқ чеҳрасига,
ажин босган туксиз ёноқларига назар ташларкан.—
Ёдгор билан уруш вақтида мен унинг Ҳусайнга содиқ-

* Кучук — мусалласнинг бир тури.

лик хусусидаги иккиланишларига кўпда эътибор бермадим. Қани кўрайлик-чи, бу ёғи нима бўларкин...»

Халқ бахти-саодати учун курашиш фикри унинг кучига-куч қўшарди. Ҳозир, Ҳусайн ҳали у билан бир фикрда экан, эл-юрт фаровонлиги йўлида ўйлаб қўйган барча эзгу ниятларини тезроқ рўёбга чиқариб олмоғи керак. Султон беқарор. Ким биладми дейсиз, эртага шохнинг миясига нима фикрлар келиб, кимлар унинг яқин кишиси бўлиб қолади. Давлатни идора қилиш жуда мураккаб иш. Халқ фаровонлиги ва юрт ободончилиги йўлида баъзан ўз бахтинг, ҳузур-ҳаловатингдан кечишга тўғри келади. Ҳусайннинг олижаноблиги, халқпарварлиги узоққа борармикин?...

Дарвоқе, унда шундай хусусиятлар борми ўзи?

— Арқони давлатимиз бугун қандай масалаларни муҳокама қилурлар?— деб сўради Ҳусайн тантанали оҳангда.

Музаффарбек салобат билан маъруза бошлади. Янги мадраса биноларининг лойиҳалари кўрилди. Бу ишлар Навоийнинг маслаҳати билан қилинаётган эди, шунинг учун Музаффарбекнинг маърузасида унинг бундан норози экани сезилиб турарди. Бек очиқдан-очиқ бир нима демади, аммо меъморни қоралашга тиришди. У гапириб бўлгач, Навоий сўз олди:

— Мен бу меъморни биламен. Ҳиротнинг шухратини таратишда анчагина меҳнати синган киши. У бизга яна кўп хизмат қилгуси. Биноларнинг лойиҳаси тўғри, қурилишни тезда бошлаб юбориш зарур.

Ҳамма Навоийнинг фикрига қўшилди. Кейин иккита жанжалли масала кўрилиб, янги белгиланган мансабларга кишилар тайинлашга ўтилди. Султон Ҳусайн Машҳадга янги ҳоким тайинлаш ҳақида фармон чиқарди.

Фармонга ҳамма вазирлар муҳр босиши керак эди.

Мансаби бўйича янги вазир—амир Алишер биринчи бўлиб муҳр босиши лозим эди. Ҳаяжонли дақиқалар чўкди. Алишерлар оиласи Темур авлодига хизмат қилиб келган юқори табақали амалдорлар уруғидан бўлса ҳам, уларнинг насл-насаби бу ердаги кўпчилик бекларникидан пастроқ эди. Ҳар бирининг миясидан ялт этиб: «Энди у ҳаммамиздан юқори. Султоннинг фармонларига биринчи бўлиб муҳр босади»,— деган фикр кечди.

Алишер вазирларнинг дилидаги бу фикрни яққол се-

зиб турарди. Музаффарбек маънос илжайиб фармонни унга узатди. Навоий кулимсираб қўйди-да, ёрликнинг энг пастига муҳр босди. Бу билан у ҳар қандай мансаб парастликдан жиркангани ва ҳокимиятнинг шаклий кўринишидан нафратланишини намойиш қилганди, Навоийдан ҳамма вақт фавқулодда ажойиб ишлар кутган Хусайн ҳаммага тантана билан боқди. Фармон қўлдан қўлга ўтиб, ниҳоят Сайид Ҳасан Ардашерга етиб борди.

— Бундан буён ҳар ким ҳаммадан қўйига муҳр босишни ўзига шараф деб билгуси,— деди Сайид Ҳасан Ардашер, сўнг кулимсираб Навоийнинг муҳри ёнига ўз муҳрини босди.

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Отларнинг туёқлари остидан чанг-тўзан кўтарилмоқда, аммо эрталабки ҳаво салқин ва мусаффо. Отлиқлар Ҳиротнинг шовқинли кўчаларидан чиққанларига анча бўлди. Шаҳар чеккасидаги яшнаган бог-роғлар ҳам орқада қолди.

Улар дамба-дам тўхташиб, теварак-атрофини, йўлларни, ариқлар устига қурилган кўприкларни кўздан кечиришди.

Навоий Ҳирот атрофини айланмоқда. Унинг: «Серҳосил далалар ва бог-роғларга айлантилмаган бир қарич ҳам шўрхок ер қолмаслиги керак»,— деб айтганидан бери орадан бир неча йил ўтганди.

Уни йўл солиш, ариқ қазиш ва кўприк қуриш ишларига миришкор кишилар кузатиб боришарди.

Соқолига оқ оралай бошлаган бир киши доим бош вазир билан бирга олдинда отини йўртдириб борди. Улар қизгин суҳбатлашиб борардилар.

— Алишер ҳазратлари,— деди уста,— бу ёққа қаранг. Мана бу Баумлоҳ дашти ва Қозаргоҳ мазори теварагидаги адирлар ташландиқ бўлиб, бўм-бўш ётган вақтлар ҳали хотиримда. Энди сув чиқарилгач, бу ерларга ҳам одамлар кўчиб келиб, деҳқончилик қилмоқдалар. Каминанинг фикрича, даштнинг ичкарасига яна анчагина кириб бориш мумкин.

— Бу ерларга Абусаид даврида сув келтирибмидинглар?

Марҳум султоннинг ҳозирги ҳукмдор билан, шунингдек унинг бош вазирини билан душман мuposабатда бўл-

ганини билган уста нима деб жавоб берарини билмай жим қолди. Аммо у Навоий билан яқиндан танишгач, унинг ким қилган бўлишидан қатъий назар, пухта қилинган ишнинг қадрига етишини англаганди. Бир зум индамай тургач, уста:

— Ҳа, Мухтор тоғи этакларига сув бундан ўн йилча муқаддам келтирилган эди,— деди-да, ўнг томондаги узоқ-узоқларга тўлқинланиб кетган адирларни кўрсатди.— Осонликча бўлмади. Аммо шаҳарнинг шарқий қисмига сув чиқариш олдида бу нима бўпти!— деб қўшиб қўйди уста.— Тоғ ва қоялар орасида ишлашга тўғри келди. Тоғларни тешиб ўтдик, осма кўприклар солдик. Катта-катта харсангларни майдалашга тўғри келди.

— Аминменки, ораларингизда ўз Фарҳодларингиз ҳам бўлгандир?— жилмайиб сўради Навоий.

Уста ўқимишли киши бўлиб, ўзи ҳам бўш вақтларида шеър машқ қилиб юрар эди. У Алншернинг саволига мамнуният билан жавоб қилди:

— Нимасини айтасиз, ажойиб паҳлавонлар бор эди! Аммо кўплар зўриқиб ҳалок бўлди. Нима ҳам дердик, улар ҳалол ишлаб, халқ олдида ўз бурчларини адо этдилар, тонг-ла маҳшарда азиз-авлиёлар қаторидан жой олишлари шубҳасиз.

Навоий суҳбатдошига маъноли боқди:

— Шундай денг? Менимча, машаққат чекиб меҳнат қилаётган кишиларга дурустроқ қаралганида, улар ҳам ёруғ оламда роҳат қилиб яшай берардилар. Бу тарафлардаги ерларга жон киргизмоқ учун ҳали кўп ишлар қилгумиздир, аммо ишловчиларни овқатдан қисиб қўймаслик керак. Менинг омборларим сизнинг ихтиёрингизда бўлсин.

Бош вазир бўлиб тайинлангач Навоий юртни тез-тез айланиб турди. Ҳокимият уни маст этмади, балки у халқ олдидаги ўз масъулиятини яна ҳам кучлироқ ҳис этди.

Хиротда ҳунармандлар кўзғолони кўтарилиб, халққа зулм ўтказган айбдор амалдорлар ҳақли суратда жазога тортилгач, юртда хийла осойишталик қарор топди. Шунга қарамай, саҳрода қум бархонлари бир ердан иккинчи ерга кўчиб тургани сингари мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида ғалаёнлар кўтарилиб турди. Қасалликлар, очлик, ҳаддан ташқари оғир меҳнат кўплаб кишиларнинг ёстигини қуритарди. Баъзан қаттиқ қурғоқчи-

лик бўлиб, бутун-бутун қишлоқлар янги ерларга кўчиб-кетарди. Ҳошим бобонинг оиласи ҳам шу қурғоқчилик жатидан дарбадар бўлиб кетгандир-да. Унинг набираси Замира-чи? Булбулдек овози бор қиз-а? Навоий юрак-да аллақандай севинч ва алам билан қизни эсларкан, гўё болалик чоғларининг қувончларини, қайтиб келмас ёшлик йилларини эслагандай бўлди.

Вақт пешинга яқинлаб қолганди. Кун чидаб бўлмай-диган даражада исиб кетди. Узоқда бир қишлоқ кўринди.

— Амир ҳазратлари, бир оз дам олсалармикин?— деб сўради уста эҳтиром билан.

— Ҳа. Шу ерда дам олиб, аҳолидан ҳол-аҳвол сўраб ўтамиз.

Аммо қишлоққа яқинлашгач, улар бу ерда дам олол-масликларини англадилар. Ҳамма ҳовлилардан дод-фарёд эшитилар, кўчаларда одамлар зир югуриб юришарди. Халқ безовта. Аллақандай отлиқлар қамчи ўйнатиб одамларни ҳайдашади. Болалар йиғлашар, итлар ҳурар, бу овозлар ҳаммаси бирга қўшилиб, қулоқни батангга келтирувчи сурон кўтариларди.

Навоий ҳамроҳлари билан тўхтади. Уста, Алишерга ўгирилди-да, огоҳлантиргандай қилиб:

— Амир ҳазратлари, бу ерга кириб ўтирмасак ҳам бўлади,— деди.— Қишлоқни четлаб ўта қоламиз. Афтидан, қишлоқ оқсоқоли тартиб ўрнатаётган кўринади. Ҳадемай ўроққа тушилади, одамлар ўрим-йиғимгача солиқ тўлашга унамаётган бўлса керак.

Навоий суҳбатдошига вазмин ва жиддий боқди:

— Тўлашга қурбилари келмайдигандир-да. Бу ерлар яқиндагина очилди-ку. Албатта кирамиз, суриштириб билиб, одамларга ёрдам қиламиз.

Навоий ўз сўзларини таъкидлагандек ҳаммадан олдинда от чоптириб кетди. Алишер қишлоқнинг чеккаси-га келиб қолганда ноғиҳон кўзи бир аёлга тушди; аёл боласини қўлидан етаклаб бошқалар ичидан отилиб чиқди-да, йўл ёқалаб тўғри унга томон югурди.

Навоий сдамларни бостириб юбормаслик учун отининг жиловини тортди, аёл эса, чопганича иелиб улардан бир неча қадам нарида ерга йиқилди.

— Ҳимматли жаноб,— деди у оқ чекиб,— ё отингизга бостириб ўтинг, ё бир бева хотин билан унинг ёлғиз ўғлига раҳм қилинг!

Аёл ўрнидан туриб тиз чўкди-да, ёлбориб қўлларини чўзди. Шунда Навоий аёлнинг ўнг қўлидаги кўрсаткич бармоғининг бир бўғини йўқлигини кўриб қолди.

Хотиридан ялт этиб бир хаёл ўтди.

— Туринг, синглим, сўзланг, бошингизга не қулфат тушди?

Ғам-ташвишдан эзылган аёл зўрба-зўр ўрнидан турди. Унинг юзини кўзига қадар рўмол беркитиб турар, аммо жиққа ёш тўла бу қора шаҳло кўзлар Замиранинг кўзлари эди. Навоий энди бунга шубҳа қилмасди. Унинг илтифот билан боқишидан руҳи кўтарилган аёл сўзлай бошлади.

— Муҳтожликдан бутун қишлоқнинг аҳволи танг, ўтган йилги ҳосилдан бир кафт ҳам донимиз қолган эмас, янги ҳосилни кутиб зўрға кўнимизни ўтказаямиз, энди бўлса ясовуллар йиғим-теримгача солиқни тўлайсанлар деб тикилинч қилаётир. Ҳеч нимамиз йўқ солиққа тўлайдиган, ҳеч нимамиз! Бунинг устига ариқ қазиш учун ҳамма эркакларни ҳайдаб кетишмоқчи. Мана шу болани ҳам юборасан деб буюришади. Ахир ҳали бу она сути оғзидан кетмаган ёш бола-ку, ўнга ҳам тўлгани йўқ. Худо ҳақи, буларга бир нима деи...

Аёл жон-жаҳди билан болани бағрига босаркан, яна хўнграб йиғлади, бола эса, серҳашам от афзалини қизиқиб томоша қиларди.

Бу орада вазирнинг барча мулозимлари етиб келишди.

Навоий улардан бирига ясовулларни тўхтатиб, халқни тинчйтишни топширди-да, отдан тушиб, тизгинни навкарга тутқазди:

— Шу ерда дам оламиз. Бизни уйингизга бошлаб борингчи, синглим.

Бу орада аҳволни билиб, халойиқни тинчйтиш учун кетган мулозим қайтиб келди:

— Амр ҳазратлари, бир оғиз айтишим билан ясовуллар сув сепилган оловдай тўхтади қолди. Ана бошлиғининг ўзи ҳам келяпти!

Қилич жароҳатларидан бетини чандиқ босиб кетган ўрта ёшлардаги бир киши икки букилиб таъзим қилиб, Навоийга қараб келарди.

— Ассалому алайкўм! Бу ерлар султон ҳазрати олийларига қарайди, мана бу ишەқмаслар эса, хазинага тушадиган пулни тўлашдан бош тортяптилар.

Навойй унинг юзига диққат билан разм солди. Афтидан, ўтмишда навкар бўлган кўринади, ёши қайтгач, бир қадар тинч, аммо сердаромад ишга кўчган. Қилич чопишга одатланиб қолган бу киши, энди ўзининг бутун ҳарбий эҳтиросини тинч аҳоли бошига кўчирган, бечора халқ унинг қорасини кўрибоқ зир титрарди.

— Сиз фармонларни билмоғингиз лозим: йиғим-теримгача солиқ олинсин деган қонун йўқ. Илгари бўлган эса ҳам, ҳозирда бекор қилинган.

— Беодоблик бўлмасин-у, аммо бу кишилар ўтган сафар Музаффарбекнинг буйруғи билан сочилган солиқни тўла берган эмаслар. Биз ўша қарзларни йиғяпмиз.

Яна Музаффар! Асло кўзи тўймайди!

— Гапларимни қулоғингизга олинг! Бу қишлоқ яқинда бунёд этилган, деҳқонларнинг олаётган ҳосили ҳали оз; йиғим-теримгача бир кафт ҳам дон олинмасин, хирмовдан кейин эса, эски қарзлар талаб қилинмасин, акс ҳолда уларнинг ўзига ҳеч нарса қолмайди. Қарзларини мен тўлаймен.

Амалдор икки букилиб таъзим қилганча орқаси билан юриб узоқлашди.

Навойй ўз кишилари билан қишлоққа кириб борди. Аҳоли уни миннатдорчилик билдириб, олқишлар билан қарши олди. Ҳар ким Навоййни ўз ҳовлисига чорларди.

Навойй хайрат тўла кўзларини ундан узмай келатган ҳалиги аёл билан унинг ўғли кетидан уларнинг пастаккина кулбасига кирди. Супуриб-сидирилган муъжазгина ҳовлида мулозимлар гулхан ёқиб, қўй гўшти пиширдилар.

Овқатланиб, бир оз дам олгач, Навойй аёлни ҳузурига чақиртирди. Аёл уйга кирди-да, ибо билан бошини қуйи солиб, остонада тўхтади.

— Келинг, синглим,— деди Навойй.— Чамамда, мен сизни бир вақтлар яхши билардим.

Аёлнинг кўзларида узоқ хотиралар бир шуълаланди-ю, шу заҳотиёқ яна сўнди.

— Сиз бир маҳаллар Ҳиротдан Самарқандга бош олиб кетган Ҳошим бобонинг невараси эмасмисиз?

Аёл қичқириб юборди ва намоз ўқиётгандай қўлларини қовуштириб, Навоййга яқинлашди:

— Жаноб, жаноб Алишер... Йиғлайвериб кўзларим хиралашиб қолибди шекилли, танимай қолибмен!

Орадан шунча йиллар ўтиб кетди? Сўрашга ҳам тилим бормайди, бобомлар ҳаётмилар?..

— Ҳошим бобо авлиё одам эдилар. Бу дунёдан кўз юма туриб, сизни алқадилар ва сиздан мингдан минг рози эканликларини айтиб қўйишимни сўрадилар. Вақти-соати етиб, раҳматликнинг васиятини бажо қилаётганимдан бахтиёрмен. Биз сизни кўп қидирдик, бу ерларга келиб қолган экансиз. Сўзланг, синглим, бошингиздан нелар кечди?

Замиранинг ҳикояси унинг ўзига ўхшаган бошқа мингларча аёлларнинг қисмати сингари қайғули ва оддий эди. Фолбин кампирнинг чангалидан қутулиб чиққач, у ўз кўланкасидан ҳам чўчиб, тунда Ҳирот кўчаларида роса чошибди. Ниҳоят тинка-мадори қуриб, ҳаллослаганча етиб келса, уйда ҳеч кимса йўқ!

Назариди ҳар томондан аллақандай бадбашара одамлар уни таъқиб этаётгандай бўлаверибди, қиз бу ерда бир дақиқа ҳам ҳаялламай, уйдан бирорта буюминини ҳам олмай, тўппа-тўғри туғилиб ўсган қишлоғига қочишга аҳд қилибди. Шаҳардан эсон-омон чиқиб, таъқибдан хотири жам бўлгач, у очиқиб жуда ҳолдан кетганини сезибди, мадори қуриб, судралиб қолибди. Оёқлари шилиниб қонга беланибди, эгнидаги чиройли кўйлагини йиртилиб тилка-пора бўлибди. Йўлдаги бир неча қишлоқда раҳмдил кишилар нон-чой берибдилар, кечасилари уйларида ётиб қолишга рухсат этибдилар.

Ниҳоят туғилиб ўсган кулбасига етганда у бир оғиз сўз айтишга ҳам мадори қолмай, ерга йиқилибди ва бир неча кунгача шу аллозда ётибди.

Естикдан бошини кўтариши биланоқ онаси уни аллақачон унашиб қўйганларини, куёв қалинни келтириб берганлигини айтиб, тўйни тезроқ ўтказиб юбора қолиш лозим, дебди. Тўй совуққина ўтибди. Замиранинг қалбида алланима мангуга узилгандай бўлибди. Бу орада ўлат бошланиб, ҳаммалари қишлоқдан бош олиб кетишибди. Яқингинада сув келтирилган мана шу қишлоққа келиб тушгунча узоқ вақт кўчиб юрибдилар. Эри хушфёъл одам экан, тез орада фарзанд кўришибди, ҳозир у мана шу боланинг гадоси бўлиб яшаётган эмиш. Эри билан узоқ турмуш қилмабди. Эри иккита акаси билан Абусаиднинг қўшинига олинган экан, унинг охириги юришида ҳалок бўлибди. Яна бир акаси оёқсиз бўлиб қайтибди, далада ишлай ол-

масмиш, кулолчилик, қилармиш, даладаги ҳамма иш Замира билан кампир онасининг зиммасида экан, бояқиш кампир меҳнатнинг оғирлигидан ётиб қолибди, ҳозир ўлим тўшагида ётганмиш. Шуларнинг устига пешонасидаги биттаю битта ўғлини ҳам тортиб олиб, ариқ қазишга юборишмоқчи эмиш. Замира хуноб бўлиб, ахир у иш, ёш бола у ёқда турсин, ман-ман деган катта кишиларни ҳам юзлаб гўрга тикяпти-ку, деди.

Узундан-узоқ қисса, юракни эзувчи хотиралар ва ўғлининг ташвиши билан ҳаяжонланган Замира кўз ёшларини тиёлмасди.

— Узингизни босинг, синглим. Ҳошим бобонинг на-бираси бундан буён муҳтожлик кўрмайди, аллақайтиб янги-дан учрашиб қолибмиз-у, мен сизни ташлаб қўяр-мидим. Ўғлингиз бир оз ўсиб улғайгач, ўзим олиб тарбия қиламен, бирорта дурустроқ ҳунар ўрганади. Иста-са уста бўлар, ёки олим, шоир ёки машшоқ бўлиб чиқар. Қандай қўшиқ айтишларингиз ёдингиздами?..

Замиранинг ҳорғин, маъюс кўзларида бир лаҳза аллақандай болаларга хос қувлик акс этди. Сўнг у жимгина бош чайқади.

— Шундай хушовоз эдингизки, сиз қўшиқ айтганда боғдаги қушлар ҳам маҳлиё бўлиб қоларди.

Аммо Замира, афтидан, бир маҳаллар болалик чоғ-ларида ўзи билан ака-сингил тутунган бу эътиборли жаноб нималар деяётганини ҳозир ҳатто англаб олол-масди. Бу меҳрибон жанобнинг дўстона сўзларидан у ўзида йўқ севинар, унинг ёрдам кўрсатиб, ўзини ва жон-дан азиз ўғлини ўлимдан сақлаб қолажagini ўйларкан, қалби миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб тошарди.

Навой чуқур ўйга толди. Замира унинг фикрини бўлиб юбормаслик учун секингина чиқиб кетди. Шоир эса, қалбини ташвишга солиб турган нарсалар ҳақида: юрт ободончилиги, халқ ҳаётини фаровон ва маъмур қилиш тўғрисида ўйларди. Султон Ҳусайн унга катта имкониятлар берди, аммо султоннинг ўзи улус эҳтиёж-лари билан тобора камроқ шуғулланмоқда, халқ ҳаё-тидан узоқлашмоқда. Ахир халқ гамини емаган одам — одам эмас-ку. Навой энди султоннинг эзгу ниятларига ишонмай қўйганлигини ўз виждони олдида эътироф этишга ҳам қўрқарди; Ҳусайннинг кайф-сафодан, сар-рўйдаги бемаъни эрмаклар, хотинлари ўртасидаги макр-фитналардан қўли бўшамасди; у ҳатто ўз ўғил-

ларининг тарбиясидан ҳам хабар олмасди. Ваҳоланки кишидаги олижаноб хислатларни гўдакликдан тарбиялаб бормоқ лозим.

Навоийнинг фикрлари бугунги кун воқиалари ва Замиранинг қайғули қиссаси билан улашиб кетди. Шафқатсиз тақдир ёшлик орзуларини ана шундай завол этади.

Навоийнинг кўнглида бирдан ёзиш иштиёқи туғилди, миясига оҳангдор мисралар қуйилиб келди: «Шоҳ кўнглида сақланурму, қашшоқ-гадо қиссаси?»

СЕВИМЛИ ШОГИРД

Навоийнинг Ҳиротдаги боғи кўп жиҳатдан самарқандлик дўсти ва устози Абуллайсининг боғини эслатарди. Тиниқ сувли ҳовуз ҳам, чамандай яшнаган гулзор ҳам, боғнинг ичкарисига қараб кетган ёлғиз оёқ йўллар ҳам — ҳаммаси ўша боғни ёдга соларди. Қашшоқлик йиллари ўтиб, энди бадавлат ҳаёт кечира бошлаган Алишер бир вақтлар кўнглига тугиб қўйган ният-орзуларини рўёбга чиқармоқда эди. Навоий бир маҳаллар уни меҳрибонлик билан қучоғига олиб, билим берган устози Абуллайсига муҳаббат ва садоқатини абадий сақлаб қолди. У агар зарур бўлса, устози учун ҳар қандай хизматга тайёр эди. Ҳамиша бирор кимсанинг ғамини еб юрадиган Абуллайси ҳам Навоийга тез-тез мурожаат қилиб турарди. Кўпинча унинг илтимослари: «Самарқанддан Ҳирот орқали Маккага кетаётган фалончига илтифот кўрсатсангиз», дейишдан иборат бўларди. Абуллайсининг хатини олиши биланоқ Навоий мулозимларига меҳмонлар учун жой ҳозирлашни буюрарди. Алишерникида меҳмон бўлган ҳар бир киши унинг боғига кирар экан, албатта хайратланиб: «Бу ердаги ҳамма нарса худди устознинг боғини эслатади!» дерди.

— Ҳа, у киши қалбимда эзгу хотира қолдирмишлар. Устознинг боғларида мен инсон ва унинг яшаш қоидалари ҳақида кўп нарса ўргандим. Хўжа Абуллайсидан мен мақсад йўлида собитқадам бўлиш ҳақидаги буюк ҳақиқатни ўргандим:

Улармен то етармен мақсадимга, ёнмоқ ямон йўқ.

Бадан заъфи била йўл шиддатидан гарчи толгаймен,

Бу сатрларни Навоий муҳтожлик пайтларида битгаиди. Бу байтни шоир дамба-дам ўзича такрорлар ва бошқаларга ҳам ўқиб берарди; бу мисралар меҳнатга даъват қилар, кишида ижодга иштиёқ уйғотарди. Узининг истеъдоди билан унга дунё-дунё қувончлар бахш этган, аммо ярамас хулқи билан ташвишга солган киши билан дўстлиги худди шу байтдан бошланган эди.

Навоий халқ ўртасидаги гаплардан хабардор бўлиш, шаҳар аҳолиси қандай яшаётганини кўриш мақсадида бошқаларга сездирмай танҳо ўзи Ҳирот кўчаларида сайр қилишни севарди. Янги бинолар қуриш тобора кенг қулоч ёзди. Янги иморат солинимаётган бирорта яланглик йўқ эди. Бу ерда биронта бадавлат ўз иморати ёнига яна янги бино солдираётган бўлса, яна бир ерда янги мачит қурилаётган бўларди. Айниқса мактаб-мадраса, шифохона, карвонсаройлар қурилиши кўп бўлиб, Навоий шаҳарда бундай муассасаларни кўплаб барпо этишга жазм қилганди.

Оппоқ соқолли чоллар, мўйлови энди сабза ураётган йигитчалар, суяги меҳнатда қотган барваста кишилар ғишт солинган қоп ёки узун-узун тахталар кўтариб, тонг саҳардан шом намозигача ишлашарди. Икки ғилдиракли қўқон аравалар ғижирлаб, қурилиш бўлаётган ерга ёғоч, бўёқ, тош ва шағал ташиб туришарди...

Баъзан Ҳирот кўчаларида фил ҳам кўриниб қоларди. Улкан жонивор хартумини маъюс осилтириб, аммо қулликда ҳам ўз иззатини сақлаб, катта-катта мрамар тошларни таширди. Бадтар чанг-тўзон кўтариб отлиқлар елиб ўтар, кечгача кўчалардан одам аримасди.

Кунларнинг бирида Навоий ўтиб кетаётган ерида тўхтаб, сувоқчиларнинг ишини узоқ кузатди: улар гангир-гунгир гаплашиб, ғайрат билан ишлашарди. Гаплари орасида ўткир ҳазиллар, қочириқ ва аскиялар, аниқ бир кишига қаратилмаган сўкишлар эшитилиб қоларди. Баъзан эса, бирдан гап орасига бир-икки сатр шеър қистириб кетиларди. Навоий ўз ғазалларидан келтирилган парчаларни ҳам эшитди, аммо ғазал жуда ўзгартириб юборилганди. Навоий кулимсираб, бир маҳаллар Ҳусайннинг бошидан кечган бир воқияни эслади. Султон тахтга ўтирган дастлабки ойларида халқ унинг ҳақида нималар деётганини билдиш учун

дарвиш кийимини кийиб, шаҳар айланишни яхши кўрарди. Кунлардан бир кун у худди ана шундай бир қурилиш ёнидан ўта туриб, бир сувоқчи унинг ғазалини ниҳоятда бузиб ўқиётганини эшитиб қолади. Султон одати бўйича қизишиб кетиб, улардан бири янгигина шувоқ қилган деворни тош билан тирнай бошлайди. «Ҳей, нима қиляпсан, баччағар? Янги сувалган деворни нега расво қиляпсан?» деб қичқиришади сувоқчилар. «Сизлар-чи, сизлар менинг ғазалимни нега бузиб айт-япсизлар?»— деб жавоб қилади Ҳусайн ва ғазалнинг аслини ўқиб беради.

Битай деб қолган бу бинодан сал нарида яна бир қурилиш, учун пойдевор ҳозирлашмоқда эди. Заранг бўлиб кетган ерга урилган кетмон кўкка сачрар, ишлаётганлар бақириб-чақириб, бир-бирларига далда беришарди. Уларнинг офтобда қорайган, чанг босган юз ва бўйинларидан тер қуярди. Салласини пала-партиш ўраб олган бир йигит (афтидан устабоши бўлса керак) шу ўртада айланиб юрарди, унинг ақл барқ уриб турган чеҳраси, жовдираб турган ўткир кўзлари Навоийнинг эътиборини ўзига жалб этди. Йигит ишлаётганларни назар-писанд қилмас, уларга тез-тез буйруқлар бериб кўярди. Навоий унинг:

— Чуқурроқ ковланглар, чуқурроқ! Миноранинг баландлиги қанча бўлса, пойдеворининг чуқурлиги ҳам шунча бўлади. Шунини ёдинглардан чиқарманглар!— деганини эшитиб қолди.

Кейин йигит қандай ишланса яхши бўлишини муфассал тушунтира бошлади. У оддий кишиларга тушунарли ва аниқ қилиб гапирар, сўзининг орасига жонли Ҳирот шевасида ўткир ҳазиллар қистириб ўтарди. Кўча-кўйда ва майхоналарда ҳеч кимдан ҳеч нарсани сир тутмайдиган кишиларгина тап тортмай ана шундай ҳазиллар қилардилар. Унинг ҳазил-мутойиба гаплари, ўринли қочириқлари ишлаётганларни кулдириб, чеҳралардаги хорғинликни ёзар, одамлар янада ғайрат билан ишлай бошлашарди. Мана, у аллакимнинг саволига қофиядош қилиб жавоб қилди, натижада ўткир бир байт тўқилиб, кўнчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. Байт, ишлаётганлар орасида оғиздан-оғизга ўта бошлади. Ҳозиржавоблик билан келтирилган қофия ҳаммани кулдирди. Шунда Навоий кутилмаганда байт тўқиб юборган йигитга мурожаат қилиб:

— Бунн қарангки, Ҳиротда йўл-йўлакай, ҳар бир
иш устида байтлар яратила бераркан,— деди.

Йигит шартта Навоий тарафга ўгирилди-да, ўткир
қора кўзларини унга қадади; лаблари четида пайдо
бўлган икки чизиқ унинг табассумига истеҳзоли тус
бериб турарди.

— Тўғри айтдингиз, амир Алишер. Қаршимизда
сизнингдек машғал порлаб тургач, бу ернинг фазосида
шеърят учқунлари чақнаб туриши табиийдир.

Шу пайт орқасидаги дўнгликдан харсанг орқалаб
ўтиб бораётган бир тоштарошнинг тирсаги унинг сал-
ласига тегиб кетди.

— Ҳей, кўзингга қарасанг-чи! Ҳаром қўлларингни
бошимга тегизяпсан!

— Беҳуда қизишяпсиз,— деб орага тушди Наво-
ий,— ахир бинони шу қўллар қуряпти-ку.

— Агар бош бўлмаганда бу бино бунёдга келар-
миди?— деб ҳозиржавоблик билан гап қайтарди йигит.

Навоий кулиб юборди.

— Тўғри, бири-иккинчисини тўлдиради. Арасту*
айтганидек бу дунёдаги жамики нарсалар ана шундай
бир-бири билан боғлиқ...— деди у кейин ўз сўзини бў-
либ:— Ҳарқалай, бу инсофдан эмас, сиз мени тани-
сангиз-у, мен сизни танимасам. Исми-шарифингиз ва
касбингизни билмоқ истардим,— деди.

Навоийнинг гап оҳангида шунчалик мойиллик, чеҳ-
расида шундай илтифот бор эдики, ҳатто йигитнинг
наштардек нигоҳи ҳам мулойимлашди.

— Жоним билан, амир ҳазратлари. Исми-шарифи-
миз Камолиддин ибн Муҳаммад ал Ҳиравий. Касбимиз
меъморлик, отамиз ҳам меъморлар.

— Дуруст, демак меъморлик ота касби экан-да.
Аmmo сиздек азамат йигитга минг ҳунар ҳам оз,— деб
ҳазиллашди Навоий.

— Каминанинг шоирликдан ҳам хабарлари бор.
Тахаллусимиз Биноий. Қисқа қилиб, Биноий дея атай
беринг, амир ҳазратлари.

Бу орада қуёш уфққа бош қўйди. Минорадан сўфи-
нинг намозшомга чақириб азон айтгани эшитилди. Иш-
лар тугади. Кечки салқин туша бошлади.

* Арасту — қадим юнон файласуфи Аристотель.

— Уйда овқат тайёр,— деди Навоий.— Бирга бўлсангиз.

Биной мамнунлик билан рози бўлди.

Улар кечки салқинда яйраб, аста-секин уйга қараб юришди. Биной бугун ҳар қачонгидан ҳам хушчақчақ ва мулойим эди. У турмушининг оғирлиги, кўнглини бутунлай шоирлик ҳаваси банд этганлиги сабабли ота касбига ихлоси қолмаганлиги тўғрисида гапирди. Савдойиларга ўхшаб, юрган йўлида ғазаллар тўқиб юришини айтди. У гапираётган гапи орасига ҳам ўхтин-ўхтин шеър қўшиб юборарди; Навоий ёш шоирнинг истеъдод ва маҳоратига қойил қолди. Шу билан бирга, турли фанлардан гап очилганда Биной ўзининг фан соҳасидан ҳам тузуккина хабардор эканини намойиш қилди. Мадрасадаги ўқишинини ташла деб қистаётган хасис, жоҳил отасидан шикоят қилди. Биной аҳён-аҳёнда, қурилишдаги ишдан чарчаб қайтибгина ёшлигидан бери фикри-зикрини банд этган китобга қараш имконини топар, кечасилари кўз нуруни тўқиб, мутолаа қилар экан. Ана шунда Навоий ўз ғазалидан байт келтирди:

Улармен то етармен мақсадимға, ёнмоқ имкон йўқ,
Бадан заъфи била йўл шиддатидин гарчи толғаймен.

Бу байтни эшитган Бинойдаги ҳолатни аниқ тасвир этиш маҳол. У қай даража хайратланиб қувонган бўлса, шу даража норизо бўлиб ғижинди ҳам.

— О, бу сўзлар мен учун бир умр дастуруламал бўлғуси! Байт гарчи туркида битилган эса-да, бағоят гўзал...

Биной одобсизлик қилиб қўйганини англаб, тилини тишлаб қолди. Бироқ вақт ўтган, кейинчалик уларнинг мурасасиз адоватига сабаб бўлган сўзлар айтиб юборилган эди. Аммо, улар ўртасидаги дўстлик энди бошланмоқда эди, бу дўстлик талай вақтга қадар равноқ топиб борди, Навоий бу истеъдодли йигитга астойдил ҳомийлик қилди.

* * *

Биной амир Алишернинг уйига бот-бот келиб турадиган бўлди. Навоий бу ҳиротлик йигитнинг истеъдодли ва заковатига шунчалар ихлос қўйдикки, унинг одоб-

сиэ хулқидан ҳам кўз юмди. Биноий табиатан заҳар эди, бунинг устига унинг ҳаёт йўли сон-саноксиэ қийинчиликлар билан тўлганди.

Мағрур ва қайсар Биноий бировларнинг унга ҳомийлик қилишини ёқтирмас, буни ўзига ор деб биларди. Ҳар ким ва ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи Биноий кўпннча ақл бовар қилмайдиган ўринлардан макр-ҳийла уруғини ахтарарди. Биноий авваллари ўзини аччиқ ҳазил ва заҳар гаплар билан ҳимоя қилиб юрган бўлса, бу хилда гаплашиш бора-бора унга одат бўлиб қолди. Аммо у дастлабки пайтларда Навоийга нисбатан ўзида қизғин майл ҳис этди. У ҳаётида биринчи марта ўзида ана шундай самимий туйғу ҳис этмоқда эди, амир Алишернинг олижаноб қалби, унинг самимий меҳрибончилиги шундай кишини ҳам ийдиролди. Уларни бир-бирларига шеърятга бўлган қизғин муҳаббат яқин қилди. Боғда ўтиришиб узоқ-узоқ гаплашишлари Навоийга унинг Абуллайси билан Самарқандда қилган суҳбатларини эслатарди. Биноийнинг шеър санъатидаги муваффақиятлари устозни хайратга солар, ҳар бир ўтган кун шогирднинг бирор янги асарини билан нишонланарди. Навоий Биноийнинг музыкага ихлоси йўқлигидангина ранжирди. «Музиқини сира тушунмаймен», дерди Биноий. Музыка ҳақида гап очилганида у оқ-сариқ, чувак юзини кулгили қилиб жийирарди. Навоий чолғу асбобларини мароқли қилиб тасвирлаш билан уни қизиқтиришга уриниб кўрди, тор садолари ҳақида жаннат боғларидаги ҳуриларнинг қўшиқ айтишини тасвирлаётгандек, шоирона завқ билан ҳикоя қилди. Ўзи турли созларда қийин-қийин куйларни маҳорат билан чалиб кўрсатди; унга ўзи яратган куйларни намойиш этди. Музиканинг гўзаллиги ва моҳиятини тушунтиришдан толмади.

Кунларнинг бирида Биноий мураббийси ва дўстининг бу хусусдаги узоқ мулоҳазаларини тинглагач, ялқовлик билан кулимсираб:

— Фаросатли киши бир оғиз айтганда уқиб олади, жоҳилга минг марта такрорлаганингизда ҳам нафи бўлмас,— деди.

Шунда Навоий биринчи бор тутоқиб кетди.

— Музиқини идрок этмаган шоир ним шоирдир.

Шу кундан эътиборан у Биноийга музыка ҳақида ҳеч бир гапирмади, орадан кўп ўтмай Султон Ҳусайн

билан Марвга жўнаб, у ерда узоқ туриб қолди. Шухратпараст Ҳусайн гоҳо Марвга келиб ўзининг ҳукмдор эканини намойиш қилиб қўйишни севарди. Султон Бекабегимни ҳам албатта ўзи билан олиб кетар, ёшлик хотиралари билан лаззатланаркан унга кўҳна мачит гумбозига яшириб қўйилган тилсим ҳақидаги афсонани яна бошқатдан айтдирадди.

Марвга боришдан Навоийнинг ҳам ўз мақсадлари бор эди. Карвонлар йўлига жойлашган бу шаҳар бир вақтлар ўзининг серсув ариқлари, ерларининг ҳосилдорлиги билан донг таратганди. Кейинчалик шаҳар бир неча марта вайронгарчиликка учраб, эндиликда унинг теварак-атрофидаги ерлар сувсизликдан қақраб ётарди. Навоий янги ариқлар қаздириш ва бузилиб кетган оски ариқларни тиклашни мўлжаллаб қўйганди.

Жўнаш олдидан Навоий Биноийга унинг уйига кўчиб келиб, кутубхонасидан бемалол фойдаланишни таклиф қилди. Улар дўстона хайрлашдилар.

* * *

Навоий Ҳиротга эрта баҳорда қайтди. Боғига тонг ёришганда етиб келди. Гул ва ўтларда ҳали эрталабки шабнам ялтирадди. Боғ ичкарисидан най садоси эшитиларди. Нотаниш куй чалинар, бироқ у кишининг тонг чоғидаги кайфиятига ниҳоятда мос тушар эди. Куй шўхчанг эмасди, аммо унда машаққатли ишни муваффақиятли тугатган кишининг ороми ва ўй-хаёллари тараннум этиларди. Навоий куй эшитилаётган томонга илдам юрди. «Бунчалик барвақт туриб, най чалаётган ким бўлса экан?— деб ўйлади у қизиқсиниб.— Наҳотки мусиқини ҳуш кўрмайдиган Биноий бирор кимсанинг бу ерда соз чалишига йўл қўйса?»

У овоз келаётган томонга бораркан, куй тўсатдан ўзгарди. Битта-битта одимлаб бораётган от бирдан йўртиб кетгандай тезлади. Теракзорда чалинаётган музика тобора яққол эшитиларди. Навоий сўқмоқдан ўша тарафга бурилди-ю, кўз ўнгида кутилмаган манзара намоён бўлди: барикарам чопон кийган Биноий каттакон дарахтга суяниб, кўм-кўк майса устида ўтирар ва кўзларини қисиб, завқ билан най чаларди.

Навоий кўпдан бери Биноийнинг қизнқ-қизнқ ишларига ўрганиб қолганди, аммо бу манзара уни ҳам қу-

вонтирди, ҳам хайратга солди. Алишер қўлларини чўзиб унга ташланди, қизгин кўришарканлар, Биноийнинг кўзлари ҳам ҳар маҳалдагидан равшанроқ чақнади. Алишернинг ёш дўсти бир неча ой давомида най ва торли чолгуларни чалишнигина ўрганиб қолмай; ҳатто ўзи ҳам куй яратиш билан шугуллана бошлади.

— Бу мен учун ҳаётимда энг аъло тухфадир! — деди Навоий.

Шу куни уларнинг дўстона суҳбатида бирорта ҳам аччиқ сўз аралашмади.

* * *

Навоий Биноийнинг истеъдодини меҳр билан парвариш қилди, ҳар бир ишда дўстона кўмагини аямади. Уни сарой кишилари қаторига олиб кирди; гарчи Биноий ўзини юқори лавозимдаги кишилардан нафратланадиган қилиб кўрсатишга тиришса ҳам, сарой доирасига киришни кўпдан орзу қиларди. Ундан бошқа одам бўлганда Алишердек устози ва дўстидан бир умр миннатдор бўларди. Аммо у бундай қилмади. Кейинги вақтларда унинг кўнглида яна шубҳа ва ғайирлик туйғулари уйғонди. Табиатан ҳасадчи Биноий Навоийнинг ўзидан устун туришини, ундаги самимият, бошқаларга беғаразлик каби фазилатларни кўролмади. У ҳар ишда Алишерга ғайирлик қиларди. «Мен ҳам Навоийдек машҳур ва бадавлат бўлишим мумкин эди; истеъдодда ундан камлик жойим йўқ», — дерди у ҳамманинг Алишерни иззат қилишини кўриб. Биноий туркий тилида нафис ғазаллар ёзиб бўлмайди деб ҳисобларди. Навоий эса, фақат туркий тилидагина эмас форс тилида ҳам гўзал шеърлар ёза олар, натижада Биноийнинг «Навоий форсийда шеър битолмагани учун «авом» тилида ёзади» дейишига асос қолмасди. Бу эса Биноийни бадтар ғазаблантирар эди.

Улар орасида борган сари тез-тез баҳс чиқадиган бўлиб қолди. Авваллари бу — арзимаган нарсалар хусусида бўладиган кичик-кичик келишмовчиликлар эди. Аммо бора-бора Биноий ўз устози ҳақида дағал гаплар айтишдан ҳам тоймайдиган бўлиб қолди. Гап туркий тилида ёзилган шеърлар ҳақида борганда ҳаддан зиёд кўрслик қила бошлади. Бир куни эса, жаҳл

устида: «Султонимиз ўзлари ҳам авом тилида ёзадилар!» деб таъна қилди.

Шундай бўлса ҳам Навоий қайсар дўстининг дағаллигини аскияга йўйиб, кечирарди. «Бинойнинг тили заҳарликка-заҳар, хўш нима қипти?— дерди Алишер ўзича ўйларкан.— Унинг бу одатини ташлаши маҳол, негаки бунда машаққатли ўтган ҳаётининг таъсири бор...» Баъзан Навоий унинг аччиқ-аччиқ қочириқларидан ҳатто завқланар, ўзи ҳам айтишишдан қочмасди.

Кунлардан бир кун унга Бинойий ялқовланиб қолгандай туюлди. Алишер иззат-нафсига тегиб, уни ғайратга солмоқчи бўлди.

— Шеър ёзишга юксак қобилиятингиз бўла туриб,— деди у,— шунчалик оз шеър битганингиз ва фурсатни маъносиз ўтказаётганингиз кишини тааж-жубга солади.

— Йўғ-э, нима деяпсиз, амир ҳазратлари!— деб жавоб қилди Бинойий қизишиб.— Афтидан, хотирингиз заифлашиб қолган кўринади. Кун кеча кечқурун икки ахчоқ*ли шам ёниб битгунча йигирмата ғазал ёзиб ташладим.

Навоий бир оз жим қолди, кейин ҳамма вақт ҳазиллашмоқчи бўлганида қилганидай, кўзларини қисиб:

— Сиз кеча битган ўшандай ғазалларнинг юзтаси бир ахчоқ-да,— деди.

Бир кун кечқурун Навоийнинг боғида талайгина шоир ва олимлар йигилишди. Йигил жуда жонли ўтди: шиийлар ва суннийлар** ўртасида қизиб кетган кураш хусусида кўп гап ва баҳслар бўлди. Алишернинг кўпчилик меҳмонлари дин аҳллари ўртасида бўлаётган бу баҳсга киноя билан қарардилар. Жомийнинг яқинда энг яқин дўстлари даврасида: «Жонимга тегди бу жанжал, эшитсам кўнглим озади», деб айтган сўзлари қувонч билан тилга олиниб, оғиздан-оғизга кўчди.

Шу сўзларни бошқа биров айтгудай бўлса, ҳаёти таҳлика остида қоларди, аммо Жомийнинг обрўси шу қадар баланд, дўст ва ҳимоячилари шу қадар кўп эдики, ҳатто энг ашаддий душман ҳам унга бирор ёмонлик қилишга журъат этолмасди.

* Ахчоқ — чақа пул: бу ерда шамнинг кичкиналигига шама қилинган.

** Шиийлар ва суннийлар — мусулмон динидаги икки оқим вакиллари.

Жомий ҳақида гап очиладиган бўлса, сира тугамасди; ҳар ким устознинг ўз оғзидан эшитган бирор гапни айтиб беришга ошиқарди. Янгилик кетидан қувиб, савдогарлар турли мамлакатлардан нимаки олиб келадиган бўлса, суриштирмай нетмай кия берадиган ҳиротлик бир олифта ҳақида айтилган латифа ҳаммани роса кулдирди. Кейинги вақтларда Ҳирот бозорларида Фарангистондан* келтирилган кўзойнаклар пайдо бўлганди. Савдогарлар бу кўзойнакни кўрлар тақса, кўзи очилади, кўзи очиқлар тақса, кўзи равшанроқ кўрадиган бўлади деб мақташарди. Улар олимларни ўчиб кетаёзган қўл ёзмаларни ўқий оласиз деб ишонтиришар, рассомларга кўз ўнгингизда бўёқлар яна ҳам равшан ва ранго-ранг товланади дейишар, амалдорларга қўл остингизда ишлаганлардан ҳеч қайси бири сохта ҳужжатларни рўпара қилишга журъат этолмайдиган бўлади деб уқтиришарди. Қўйингчи, ҳамма кўзойнак сотиб ола бошлади. Қандай кўзойнакни қанақа кўзга тақиш кераклигини ҳеч ким билмасди, натижада шу вақтгача кўзи соппа-соғ бўлган кишилар кўзойнакни таққач, китобда ёзилган нарсалар чаплашиб кўри-наётганидан шикоят қила бошладилар.

—Кўзи очиқ кўрлар!— деди Жомий олифтахарчилик учун бурнининг устига кўзойнак қўндириб олган икки йигитчани кўриб.— Икки кўзи соғ бўла туриб, керакли нарсани нокарагидан ажрата билмаган бу калтафаҳмларга ойнак тақиш билан ақл кирармиди дейсиз!

Алишернинг ошпази бутун Ҳиротга донғи кетган пазанда эди. Унинг уйида олдига қўйилган таомни емаган киши бўлмасди, ҳатто шайхлар ҳам маҳорат билан қовурилиб, сопол тобоқларга сузилган ва оғизга солса, эриб кетадиган барра жайрон гўштларини кўрганда нафсларини тиёлмасдилар.

Шу кеча лаззатли таомдан сўнг истеъдод эгаларининг мусобақаси бошланди. Бутун Хуросонга машҳур бўлган шоир ва машшоқлар билан бир қаторда ҳали ҳеч ким танимаган ёшлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Баъзида Навоийнинг бир оғиз мақтаб қўйиши билан бирор истеъдодли ёшнинг номи эр-

* Фарангистон — ўша даврда Фарб мамлакатларини Яқин ва Урта Шарқда шундай аташарди.

тасига бутун Хиротга маълум бўлиб кетарди. Муваффақиятли чиққан ҳар бир байт йиғилганларнинг қизгин олқишига сазовор бўларди.

Навоийнинг кўзларида қувонч порларди. Утириш жуда дўстона давом этарди. Ногихон Биноий айнади қўйди. Нима ҳам бўлибди-ю, хизматкор унинг олдидаги қадаҳга май қуйишни унутибди. Бу мутлақо тасодифий бўлган эди, хизматкор шу ондаёқ ўз хатосини тузатди — май келтириб қуйилди, аммо тирноқ остидан кир қидирувчи Биноий бундан «мени энди менсимайдиган бўлиб қолишибди» деган хаёлга борибди. Хизматкорнинг бу арзимас хатосини ҳеч ким пайқагани ҳам йўқ, аммо Биноий Навоийнинг меҳмонларига заҳрини соча бошлади. Унинг бундан тутган асосий мақсади уй эгасини ноқулай аҳволга солиб қўйиш эди. Бир кекса бекни хафа қилиб, бир маҳаллар жангда муваффақиятсизликка учраганини юзига солди; бир ёш шоирни сиздан ҳеч бало чиқмайди деб мулзам қилди; ўрта миёна ўйнайсиз деб машҳур бир сатранж устасининг иззат-нафсига тегди. Навоийнинг ўзига эса, унинг туркий тилида ёзган бир ғазалини форсчага қилган ўз таржимасида ўқиб берди-да, заҳархандалик билан:

— Мана энди нафис фикрларингизга ҳақиқий жон кирди, улар муносиб либос кийдилар,— деди.

Навоий иззат-нафсига қаттиқ теккан бу пичингга, қулай фурсат келганда жавоб қилинар, деб индамай қўя қолди.

Кеча охирида барча меҳмонларга қиммат баҳо соғва-саломлар: чиройли шоҳи тўнлар, кимхоб чопонлар улашилди, баъзиларга асл матодан қилинган салла, баъзиларга қиммат баҳо тошлар қадалган олтин камар ҳадя қилинди. Биноийга эса, «Гулистон»нинг моҳир хатот томонидан кўчирилган «Тавозе ҳақида» деган боби тақдим этилди. Навоий бунинг маъносини англаб, бадтар аччиғланди.

Меҳмонлар тарқалиша бошлаганда, Навоий дўстини қолишга таклиф қилди. У, бутун сабри-тоқатини бир ерга тўплаб, вазминлик билан Биноийга такаббурлик ва манманликка бир оз чек қўйиш лозимлигини уқдирди. Навоий ғамхўрлик қилгандай насихатомуз гапирар, бу эса, кейинги вақтларда бировнинг ўзига ғамхўрлик қилишини жонидан ёмон кўрадиган бўлиб қолган Биноийнинг тоқатини тоқ қиларди.

Суҳбат вақтида бир мушук хуриллаб келди-да, Биноийнинг тиззасига суйкалди, у бепарвогина мушукнинг орқасини силай бошлади. Навоий бир лаҳза жим қолган эди, Биноий салмоқлаб оҳиста деди:

— Нақадар бахтиёр мушук: амир ҳазратларининг меҳр-шафқатларидан баҳраманд-у, аммо панд-насиҳатларини тинглашга мажбур эмас...

Навоий бу пичингга ҳам индамади, бирёқ ораларидаги жарликнинг тобора кенгая бораётганини англади. Кейинчалик Навоий ораларига дастлаб нима сабабдан совуқчилик тушганини хотирламоқчи бўлганида, аввало Биноийнинг ҳар қанча истеъдоди ва ақл-заковати бўлишига қарамай, ичи қора, пасткаш киши эканлигини яққол намоиш этган шу ўтириш ва шу суҳбатни эсларди.

Шунга қарамай Биноийнинг тўсатдан Ҳиротдан жўнаб кетиши унинг учун оғир зарба бўлди. Биноийнинг бу сафари қастма-қастликка қилинаётган ишга ўхшарди. У чиндан ҳам қастма-қастига, атайлаб шундай қилган эди. У одамларнинг кўнглида Биноийни таъқиб қилишаётган экан, деган таассурот туғдирмоқчи эди. Жўнаб кетаркан, у ҳамма ерда «қудратли амир» (Алишерни у шундай деб атади) билан чиқишолмадим, деб овоза тарқатди. У фан ва санъатга ҳомийлик килувчи туркман султони Яқуббек қошига жўнади: бундай отоқли шоирнинг ўз саройига келиши Яқуббекни қувонтирди.

«Бу одам манманликка берилиб кетган — ҳамма касофат шунда», — деб ўйларди чуқур қайғуга ботган Навоий. Қайсар дўстини у ҳамён севар, унинг ҳазил-мутоибалари, аскиялари ва шеърларини қўмсарди. Ҳаммадан ҳам, у Биноийдек фаросатли кишининг кек ва ҳасад асири бўлиб, унинг беғараз ва самимий туйғуларини англамаганидан қайғурарди.

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибони топмадим,
Жон баси қилдим фидо, ороми жони топмадим.

Алишер ўз қалбидаги фикр-ўйларини у билан ўртоқлашмаганмиди? У бир оғиз гапданоқ фикримни англайдиган фаросатли кишини топдим деб ўйлаганди. Дўстнинг бевафолик қилиши кўнгилни чил-чил қилиб, қалбни қанчалар жароҳатлашини айтмаганмиди унга? Дўстга муҳаббат Ихтиёриддин қалъаси каби мустаҳкам бўлмоғи керак деган эди-ку. Биноий нақадар ҳая-

жонланиб тинглагани бу сўзларни! Шунда Навоий унинг кўзларида ёш кўрганди... Мана, энди ўша Биноийнинг ўзи қўпол бир тарзда бу дўстликка хиёнат қилди, туркман шоҳининг сарой шоири бўламан деб она юртни ташлаб кетди. Киши учун ўз турилиб-ўсган шаҳаридан узоқ муддат жудо бўлиш нима эканини Навоий яхши биларди.

НАВОИЙНИНГ БИР КУНИ

«Чўл биёбондаги жамики бўш ётган ерларга жон киргизилди: Мурғобдан Марвга қадар ўттиз фарсахча қаровсиз даштга ва Серахс яқинидаги йигирма беш фарсахча ерга ариқлар ўтказилди. Деҳқонлар кўчиб келиб, бу мовзелар энди бир бутун воҳага айланди», — Навоий юртни айланиб чиқаётган бош ноиби йўллаган хабардаги ушбу сатрларни зўр мамнуният билан ўқиди. «Буларнинг ҳаммасини бориб ўз кўзим билан кўришим керак», — деб ўйлади у. Бирдан Марвдаги маъитнинг бир кунлик йўлдан кўриниб турадиган ҳаво ранг гумбазини кўз олдига келтирди. «Сув! Қашшоқлигимизнинг боиси ҳам, бойлигимизнинг манбаи ҳам ана шу!» деб хаёлидан ўтказди у. Кейин бурчакда ўтирган котибни ёнига чақирди:

— Эсан чиқмасин, ёзиб қўйинг: Чашмаи Гулистондан Машҳадга ўтказиладиган ариқни қазиш ишлари қандай бораётганини зудлик билан текшириб кўрилсин. Ер ўлчанганда тепасида ўзим тургандим.

Навоий чанг-тўзон кўтарилиб ётган Машҳадни гуллаб-яшнаган кўркам шаҳар қиёфасида тасаввур этди. Дарҳақиқат, бу ўтган йиллар мобайнида давлат учун кўп ишлар қилинди; энди буткул шеърят билан шуғулланиш пайти келмаганмикин? Кун бўйи иш билан банд бўлиб, зўрға бир неча байт ёза оласан, холос. Баъзан ҳатто бош қашишга ҳам қўл тегмайди.

Бугун келган ҳамма хат-хабарларни ўқиб бўлиб, ҳар қайсисига яраша топшириқлар бергач, Навоий боққа чиқди-да, соя-салқин бир шийпончага кирди. Бу шийпончага Навоийнинг уйдаги ҳамма ишларини ишониб топширган энг яқин кишиси Шайх Бахлулгина кира оларди. Шайх Бахлул сўққабош бўлиб, шеърятни севар, аҳён-аҳёнда ўзи ҳам газал битар, Навоийга ихлоси баланд эди. Шу билан бирга у рўзғор ишла-

рини пухта бошқарар, ўз ҳомийси ва дўсти Алишернинг осойишталигини таъминлаш ва бўлар бўлмасга келувчи кишилардан халос этишга уқувли эди.

Кеч кириб, Навоий ёзишга ўтирган пайтларда фақат Шайх Бахлулгина унинг ҳузурига ижозатсиз кира оларди.

Навоий шийпонга кириб ўтирганича ҳам йўқ эдики, шошиб Шайх Бахлул кирди:

— Тақсир, Муҳаммад Шамс келяпти. Момагулдирак-дек овозини эшитяпсизми? Боғда сизни ахтариб юрибди. Мен қаердалигингизни айтганим йўқ эди, аммо баъзида ўйламай-нетмай гапириб юборадиган жаноб Ҳайдар...

Навоий тезгина ўтирди:

— Анави саёқ Шамсми? Ҳамма ўз касби-кори билан машғул пайтда унга не даркор экан?

— Зарур иш билан келдим деб айюҳаннос соляпти. Енида бир бола ҳам бор.

Шамс жанжалкашлиги билан танилган киши эди. У на тартиб, на одобни билар, кўнглига келган ишни қила берарди. Аскиябозлиги ва гапга чечанлиги учун Навоий уни севарди ҳам. Кечқурунлари у билан суҳбат қилинса, кишининг кўнгли ёзиларди. Шундай барвақт келишининг боиси не бўлди? Ана, ўн ёшлар чамасендаги ниҳоятда чиройли бир болани етаклаб ўзи ҳал келяпти.

— Ассалому алайкўм, амир ҳазраглари, илоё иқболингиз баланд, мартабангиз улур бўлсин!— деб таъзим қилди у Навоийга, сўнгра:— Таъзим қил, Порсо,— деб болани туртиб қўйди-да, Шайх Бахлулга ўгирилиб истеҳзо билан деди:— Ҳа, муҳтарам Шайх, ҳали ҳам йилига биттадан газал ёзиб юрибсизми? Сиз алдамчисиз, шоирлик даъво қиласиз-у, ўзингиз... Товуқ бўлса-ю, йилига биттадан тухум қилса, хўп қизиқ-да! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Шайх Бахлул тутақиб, Шамсни жеркиб ташламоқчи бўлган эди, Навоий қўяверинг дегандек ишора қилиб, уни тўхтатди:

— Дўстим Шамс, ана шу гапингизга хотиримга келган бир шеър билан жавоб бермоқчимен. Тингланг-а:

Шарқда дерлар: бир ниёла ясаш-чун

Қирқ йил ишлаб, берилар пардоз.

Боғдодда-чи, кунига юзин

Пиширарлар, қайси бири соз?

— Шайх Бахлулнинг газалларини тинглаган киши роҳат қилади, демак ҳазилингиз ноўрин бўлганлиги учун ўткирлиги қолмайди. Дарвоқе сизни бундай бевақт келмоққа мажбур этган мақсад недур? Бу чиройли йигитча ким бўладилар?

Афтидан, Шамс Навоийнинг ўғитидан заррача ҳам ранжимаган эди. У болани елкасидан ушлаб, Навоийга яқин олиб келди:

— Бу ўз ўғлим — Порсо; мен пайғамбаримизнинг қабрларини зиёрат қилгани кетаётган эдим, ўтиниб сўраймен, шу бола вақтинча сизнинг қўлингизда қолса.

Навоий жилмайди:

— Зиёратга кетяпман дейсизми? Сиз-а?! Боладан кўнглингиз тўқ бўлсин. Ҳар қалай бу ерда бўлса бирор фойдали нарса ўрганар. Шайх Бахлул, болани олиб борингда, унга уйдан жой ажратиб беринг. Шамс, ҳамонки дам олиш вақтимда келибсиз, ўтиринг сатранж ўйнаймиз.

— Мана бу таклифингиз дуруст бўлди! — деди Шамс қувониб ва бошидан салласини олиб қўйди.

Бундай беадабгарчиликни кўрган Шайх Бахлул оз бўлмаса бақриб юборай деди, аммо Навоий хотиржамлик билан кулимсираб яна уни босди.

Сатранж ўйини айни қизиган пайт эди. Шамс зўр бериб тер босган тепакал бошини артарди. Шу вақт ҳаллослаганча хизматкор бола югуриб келди.

— Шайх Бахлул оёғингни қўлингга олиб югур дедилар. Шайх Абдуллоҳ келибдилар, қабул қиладиларми йўқми, амир ҳазратларидан сўра, дедилар.

Навоий ўрнидан турди:

— Мен Шайх Абдуллоҳ хоҳ кечаси, хоҳ кундузи — қай вақтда келсалар суруштирамай киритинглар деб тайинлаган эдим. Сиз эса, — деди у Шамсга мурожаат қилиб, — саллангизни бошингизга кийиб олинг, иззатли меҳмонга асло қаттиқ тега кўрманг.

Шамс итоаткорлик билан салласини бошига қўндирди-да:

— Агар ўнқови келиб қолмаса, эҳтимол айтганингиздай ўтирармен, — деб тўнғиллаб қўйди.

Навоий бир вақтлар Машҳаддан Ҳиротга биргалашиб келган кекса дўстига ўзи пешвоз чиқди. Шамс ҳам ўрнидан туриб, янги меҳмоннинг келишини кутди,

— Қуёшдан ерлар баҳра олганидек сизни кўрсам кўнглим тоғдай кўтарилади,— деди Навоий.— Қулба-мизга камдан-кам қадам ранжида қиласиз. Аммо илтифот қилиб юбормиш китобларингиз каминга ҳамма вақт сизни эслатиб туради. Кеча юборганингиз ҳинд масаллари туни билан овунчоғим бўлди: биринчи саҳифасини ўқий бошладим-у, тонггача ундан бош кўтаролмадим. Ҳаммасини ўқиб чиқдим.

— Буни қаранг-а!— деди Шайх Абдуллоҳ.— Устод Жомий ҳам шундай қилибдилар. Ушал китобни бериб юборган куним эртасига бир ўтиришда ўқиб туширганларини сўзлаб эдилар.

Навоий мамнуният билан жилмайди. Жомий билан ўзи ўртасида бирорта муштараклик бўлса, у ҳамма вақт қувонарди.

Шайх Абдуллоҳ анча қартайиб қолган бўлиб, соқоли оппоқ оқарган, қўллари қалтирарди. Навоий уни тўрга, юмшоқ тўшакка ўтқазди. Меҳмоннинг олдида дастурхон ёзиб, таомлар тортилди. Шайхнинг одатини билган Навоий чилим солиб келишни буюрди.

— Ҳар вақт айтардим, Алишер баландпарвозлар деб... Шийпон жуда кўркам бўлибди! Менимча, жаннат ҳам бундан аъло бўлмаса керак, а, лаббай?— Шайх Абдуллоҳ назокат билан Шамсга қаради.

Шамс эса, ҳеч бир тап тортмай:

— Дарҳақиқат, жуда кўркам бўлган, аммо бу хиргоҳ баъзан харгоҳга айланади,— деб жавоб берди.

Навоийнинг кўзлари ғазабдан чақнади. Аммо ўткир аскиячилар ва латифачиларнинг китобларини кўп ўқиган, ўз ақл-заковати билан танилган шайх Абдуллоҳ қулимсиради-да:

— Каминалари бу хиргоҳга баъзан келиб туришларини таъкидламоқчи бўладилар чоғи?— деди.

Бу жавобдан уювлари ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулишди, сўнг дўстона суҳбат бошланди. Ноғиҳон Шамс ўзига ҳас шижоат билан ўрнидан сапчиб турди:

— Бизники узр, амир ҳазратлари, сиз ҳам афв этасиз, муҳтарам зот, оз бўлмаса мутлақо унутаёзибман, пайгамбаримизнинг қабрларини зиёрат қилмоқ ниятида эдим, эртага шу маҳалда йўлда бўламен, бугун эса, уйдагиларга ул-бул гахлаб бермоғим керак. Битта ўғлимни жойлаштирдим, аммо бу барака топкурлар менда биттагина эмас.

Енгил табиат Шамс шоша-пиша кетди.

Шайх Абдуллоҳ унинг орқасидан қараб қоларкан, мулойимлик билан:

— Гоҳи одам — ундай, гоҳи одам — бундай; шуниси ҳам дуруст, бўлмаса бу оламда яшаш кишини зериктириб юборарди, — деди. Кейин бир оз жим тургач, кулимсираб: — Мен ҳам кексайиб, қўлларим қалтирайдиган бўлиб қолдим, — деб қўшиб қўйди мулойимлик билан. — Шундай бўлса ҳам мавлоно Жомий ўз қўл ёзмаларини мен кўчириб ёзганимни афзал кўрадилар. Яқинда бир чаласавод котиб устоднинг асарларини кўчирмоққа жазм этибди; хатосининг ҳисоби йўқ!.. Жомий ҳазратлари қусурларни тўғрилаб чиққач, қоз бетига қараб бўлмади. Устод қўл ёзмага қараб туриб: «Котиб мен битган сўзларнинг маъносини қай ҳолга солган бўлса, мен ҳам унинг маҳсулини шу қўйга солдим» деб ҳазил қилдилар.

Навоий ёзилиб кулди:

— Бугун сизни китобхонамга олиб кириб, бир ажойиботни кўрсатамен. Фарангистондан Ҳиротга вақтни кўрсатадиган бир қути келтирган эдилар. Бош китобдорим Муҳаммад Наққош ўзи ҳам шундай қути ясашга жазм қилди, улуг кашфиёт.

Шийпонга шаҳар маҳкамасининг бир амалдори келиб кирди:

— Вазир ҳазратлари, бир лаҳза осойишингизни бузмоққа ижозат этсангиз.

— Сўзланг, — деди Навоий унга дўстона боқиб.

— Шамсиядаги шифохона қурилиши тўхтатиб қўйилди. Ишлаб турган ҳамма усталарни қўярда-қўймай вазиримиз Сонийга янги чорбоғ солмоқ учун шаҳар ташқарисига олиб кетишди.

Алишер Сонийнинг вазирлик лавозимига қабиҳ йўллар билан эришганини билар, бу айёр вазирни кўпдан бери кўз остига олиб қўйганди. Соний ишни Ҳусайнга асл туркман бедовлари тортиқ қилишдан бошлади. Унинг бу отларни қандай қўлга киритгани ҳақида ҳар хил миш-миш гаплар юрар, ҳатто Соний бу отларни қўлга тушган бир тўда қароқчини қочириб юборгани эвазига олган деган гаплар ҳам бор эди. Аммо совғадан хурсанд бўлган Султон Ҳусайн, бу гаплар — оғзига кучи етмаган, тили узун ҳасадчилардан чиққан деб қўя қолди.

Соний асосан савдо аҳли билан боғлиқ бўлган ишларни олиб борарди. Султон Ҳусайн саройида денгизнинг нариги ёғидаги мамлакатлардан келтирилган ажэйиб-ғаройиб буюмлар пайдо бўлди. Сонийнинг ўзи эса, ниҳоятда бойиб кетди.

Сонийнинг шифохона қурлишида ишлаётган усталарни олиб кетиб, шаҳар ташқарисига янги ҳовлижой солдираётганини эшитган Навоийнинг қовоғи солинди.

— Ким буюрди шуни?— деб сўради у қуруққина қилиб.

Навоий вазмин гапирар, бироқ унинг овозида ғазаб сезилиб турарди.

— Вазир Соний ҳазратлари.— Амалдор қўрқа-писа атрофга аланглади-да, пичирлаб:— Меъмори «шифохона биносининг лойиҳаси нотўғри, лойиҳага бу ишдан хабари йўқ киши ўзгартиш киритган», деб айтишга мажбур этдилар,— деб қўшиб қўйди.

Лойиҳага ўзгаришни Навоий киритган эди.

— Меъмор ким?— деб сўради Алишер ҳамон аввалгидек хотиржамлик билан.

— Муҳаммад ал Ҳиравий.

Бу Биноийнинг отаси эди.

— У ҳам шундай деб айтдимми?

— Айтди, амир ҳазратлари.

— Меъмор ишдан четлатилсин. Усталар жойларига қайтарилиб, шифохона тез муддатда қуриб битирилсин. Қурилишни ўзим кузатиб борурмен. Юзлаб беморлар қаерда шифоланишни билмай саргардон бўлиб юрсин-да, диёнатини йўқотган бир амалдор ўзига муҳташам чорбоғ солдирсин! Эҳ, Соний, Сэний, шошмай тур, энди жавобгарликдан қочиб қутула олмайсан,— деди Навоий ўзи билан ўзи гаплашаётгандай. Кейин қизгинлик билан шайх Абдуллоҳга мурожаат қилди:— Ҳиротдаги ҳамма уйлар янгидан солинади. Инжил дарёсининг ёқасида эса, янги маҳалла барпо этамиз. Бугун қурилишларни бориб кўрмоқчи эдим, бирга бўлсангиз. Ҳэзир эса, китобхонага ўтамиз.

Навоий кетатуриб мулозимларига бугун тушликка Султон Ҳусайн ташриф буюришини эслатди. Бу учрашувга у катта умид боғлаган эди.

Китобхонада уларни хўжа Муҳаммад Наққош кутиб олди. Хўжа уларни катта бир қути ёнига бошлаб

келди. Қути ичида ёғочдан ишланган одам турар, унинг қўлига таёқ тутқазиб, олдига дўмбира қўйилган эди. Шайх Абдуллоҳ қути ва ундаги одамнинг ниҳоятда нафис ишланганини кўриб ҳайрэн қолди.

— Шошмай туринг,— деди хўжа,— ҳозир у вақтни кўрсатади.

Худди шу пайт ҳалиги ёғоч одам ҳаракатга келиб, дўмбирани ура бошлади. Навоий ҳаяжон билан санаб турди.

— Уҳў, кеч бўлиб қолибди-ку!— деди у ва шайхни орқасидан эргаштириб жўнади.

* * *

Улар Ҳиротнинг тупроқлари билқиллаб ётган кўчаларидан ўтиб боришаркан, кўп йиллар муқаддам бу шаҳарга икковлашиб кириб келишганини эслашди. Ушанда йиртиқ-ямоқ чопэн кийган бу камтаргина йигит бир вақтлар келиб Хуросон султонининг ўнг қўл вазири ва отоқли шоир бўлади деб ким ўйлабди дейсиз!

Улар янги бинолар қурилаётган Инжил ёқасидан боришарди. Тешаларнинг тақир-туқури, қурувчиларнинг бақириб-чақиринганлари, ҳатто ҳавони қоплаган тўзон ҳам Навоийга лаззат бағишларди. Энди уни қурувчилар «мураббий» ва «ҳаёт бўстони» деб атардилар.

— Келишдан мақсадимиз фақат бу ерни кўриб қайтиш эмас,— деди Навоий, шайх Абдуллоҳнинг янги биноларни хайрат билан томоша қилаётганини кўриб.— Қосим ал Анварийнинг қабрига ҳам борамиз; у ерда шоирлар учун алоҳида бир уй қурилмоқда.

Навоий ёш болалик чоғларида энг олдин ана шу шоирнинг шеърларини ёд олганлигини бот-бот хэтирлаб турарди.

Улар катта кўчадан ён томонга бурилишди-да, бир оз юриб, баланд-баланд сарв дарахтлари кўланка ташлаган майдончага етиб келишди. Бунда Ҳиротнинг донғини оламга ёйган оппоқ тошлар уюлиб ётарди. Ишлаётганлар орасида баланд бўйли бақувват бир тоштарош бошқалардан ажралиб турарди; у катта-катта харсангларни эпчиллик билан, осонгина таширди. Навоий келишган гавдали, юзи бир оз япалоқ, кўзлари қийиқ бу йигитга шайх Абдуллоҳнинг диққатини жалб қилди:

— Мен бу ерга баъзан атайлаб ана шу йигитнинг ишлашини томоша қилгани келамен. Уз қаҳрамонини кузатган рассомдек разм соламен. Фарҳодни мен ана шундай тасаввур этамен. Азиз дўстим, Низомий панжасига панжа урмоқ фикри ўйларимни тобора кўпроқ банд этмоқда; унинг «Панж ганж»ига беш дoston билан жавоб қилсам дейман. Қани энди фурсат бўлса! Ҳозир бутун хаёлим Фарҳод бирла Ширинда.

— «Хусрав ва Ширин» демакчи бўлсангиз керак? — таажжубланиб унинг гапини бўлди шайх Абдуллоҳ.

— Йўқ, Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар Эрон шоҳи Хусравни куйладилар. Уларнинг дostonларида Фарҳодга оз ўрин берилган. Менимча эса, чин қаҳрамон худди ана шу. Фарҳод шижоатли, олижаноб, меҳнатсевар йигит. У Шириннинг бахт-саодати йўлида ариқлар қазийди, қасрлар бунёд этади. Ширин уни севади. Хусрав эса, уни зўрлик йўли билан олмоқчи, юртини забт этиб, озод халқини қул қилмоқчи бўлади. Фарҳод Хусравга қарши курашади, тенгсиз жагда ҳалок бўлади, аммо руҳан у тантана қилади. Бу дostonимда мен даставвал халқни куйлаймен. Мақсадим шундай. Бошқалар босиб ўтган йўлдан юрмоқ истогим йўқ.

Навой давлатни оқилона бошқариб, уни мардларча ҳимоя қила оладиган, фан ва санъатни севгувчи, соф дил, вафодор аёлларни тасвирламоқни мақсад этганини айтмади. У кўпдан бери ана шундай аёл сиймосини кўз олдида тасаввур этар, аёлларнинг шундай бўлишига ишонарди ҳам; бироқ ҳаётда бундай етук аёлни учратмаганидан қайғурарди. Эҳтимол, унинг ишқ-муҳаббат ва оила қуриш бахтига муяссар бўлмаганлигининг боисларидан бири шудир...

Шайх Абдуллоҳ ҳам ўзича аллақандай ўйларга берилганди, улар Қосим ал Анварий қабридан шу кўйи жимгина узоқлашишди. Навой ўзи меҳр қўйган тоштарошга сўнги бир назар ташлаб, унинг ҳорғинлик билан офтобда қорайган юзидаги терни артаётганини кўрди.

* * *

Султон Ҳусайн чоштгоҳда етиб келди. Мулозимлар катта-катта кўзаларда май олиб киришди (султонга ҳеч кимнинг майи ёқмас, у ҳамма вақт ўзи билан май

олиб юрарди). Ҳусайн Навоийнинг боғида бўладиган бундай тушки ўтиришларни яхши кўрарди. У шоир билан бирга бўлса ҳеч қачон зерикмас, қолаверса, Алишернинг ошпази Ҳусайнга айниқса манзур эди. Улар учрашмаган кун бўлмас, баъзи кунлари бир неча бор кўришардилар. Аммо аксари учрашувлар иш шароитида бўлар ёки қабул маросимлари ва дабдабали базмлар вақтига тўғри келар, бундай учрашув уларга бир-бирлари билан ёзилиб гаплашиш имкониин бермас эди. Ҳусайн Навоийнинг ёшликдаги дўсти сифатида унинг ҳовлисига аҳён-аҳёнда келарди. Гарчи Навоий аввалгича ҳамма ишларда султоннинг яқин маслаҳатчиси бўлса-да, кейинги вақтларда Ҳусайн камроқ келадиган бўлиб қолди. Навоий унинг иш соатларини белгилар, фармонларини халққа эшитдирилишидан олдин ўқиб чиқарди. Шунга қарамай, Ҳусайн янги дўстлар ортдирди. Бу янги дўстлар султонга хушомад қилиб, унинг илтифотидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишар, эл-улусга ғамхўрлик қилишмас, аксинча, унинг зарарига иш кўрардилар.

Навоий бу ҳақда Ҳусайн билан суҳбатлашмоқ учун анчадан буён қулай фурсат кутарди. У турли хил йўллар билан султонга таъсир этишга ҳаракат қилиб кўрди. Ҳусайннинг ҳазил-мутойибага ишқивозлигини билганидан бу ўткир қуролни ҳам ишга солди. Гап уриниб келганда лаганбардорлардан кулиб:

— Ахир улуғ султон куппа-кундуз куни: «Ҳозир ярим кеча, ҳамма ёқ қоронғи» десалар, лаганбардорлар: «Ҳа, тўғри айтадилар» деб тасдиқлашнинг устига, «осмон тўла юлдуз» деб қўшиб қўйишдан ҳам тоймайди-да,— деди.

Ҳусайн бу ҳазилдан қаҳ-қаҳ отиб кулди ва кейинчалик уни бот-бот эслаб юрди.

Султоннинг янги дўстлари орасида Навоийни айниқса ташвишга солган киши парвоначи Маждиддин эди; Алишер уни ўзининг энг жиддий рақиби ва саройдаги ашаддий душмани деб ҳисобларди. Ёвуз, очкўз ва мансабпараст Маждиддин бу юксак лавозимга Алишер билан бир йилда эришган эди. (Султон ўзининг шахсий фармойишларини шу киши орқали берарди). Ҳусайнга Алишернинг таъсири ҳали анча кучли эди, аммо амирнинг ўзидан кўра устунлиги Маждиддинга сира тинчлик бермас, у ҳар бир нарсадан шоирнинг

обрўсини тушириб, эътиборини пасайтиришга вaж қидирарди. Бу одам бошқа бир кишининг амалда ўзи билан тенг бўлишига чидай олмасди. Маждиддин битта бармоғингизни узатсангиз, бутун қўлингизни узиб олишдан ҳам қайтмайдиган кишилар тоифасидан эди. У мансабга ҳам ана шундай ёпишиб олиб, ниҳоят мақсадига эришди. У халқни бениҳоя эзиш ҳисобига пул топиш йўлини биларди. Ҳусайн учун эса, пул бўлса бўлди эди — уни бу пул қандай йўл билан топилганлиги қизиқтирмасди. Маждиддинни фаҳм-фаросатсиз кишилардан деб бўлмас, аммо у ўз ақлини даставвал тирноқ остидан кир қидириш, одамларга хусумат қилиш йўлига ишлатарди. У ниҳоятда кўрс ва тажани киши эди. Уйда ҳам сира чиройи очилмасди. Хотини ва бола-чақалари унинг олдида зир титрашарди.

«Маждиддин Ҳусайннинг ожиз томонларини биларди,— деб ўйларди Навоий,— пул топишга омил...— Бу одам ҳақида султон билан гаплашишга ҳали вақт эрта».

Таом лаззатли ва мўл-кўл бўлди. Ҳусайн ҳамма вақт ҳам кўп овқат ер, Навоийнинг уйда эса, ҳамма таом ҳам унга ниҳоятда ширин туюларди. Уй эгасининг ўзи эса, барча овқатлардан оз-оз тотиниб ўтирар, аммо Ҳусайн келтирган шаробдан бажонидил ичмоқда эди. Қўшни хонадан чанг овози келар, созамданинг моҳир қўлларидаги ингичка чўплар таранг тортилган торлар узра маҳорат билан ҳаракат қилиб, ёқимли куй таратарди.

— Султон олий ҳазратлари, Биноийнинг куйи маъқулми?

— Оббо сиз-ей, ўшандан алоҳа машшоқ чиқардингизми!— деди Ҳусайн кулиб.

— Гарчи газаллари ҳам анча дуруст эса-да, камина ҳамма вақт унинг майл ва лаёқати мусиқида деб ҳисобларди. Афсуски, у бебошлик қилиб дўстлардан юз ўгирди.

— Мен ҳамма вақт унинг беодоблигига таажжуб қилардим. Сиз уни илтифот ва эътиборингиздан баҳраманд этардингиз; унинг шаънунгизга номуносиб ҳазиллар қилганидан ҳам хабарим бор. Ҳиротга қайтганини эшитган чиқарсиз? Ҳамон тилини тиймай, аввалгича беодобгарчилик қилиб юрганмиш, Кунини шу бугун менга

хабар етказдилар: эшагига аллақандай тўқим қилдириб: «Тўқими Алишер» деб ном берганмиш.

Бу сўзлардан кўнглига қанчалик озор етган бўлмасин, Навоий сир бой бермади, қайтага кулимсираб:

— Биноий мағрур ва қайсар,— деди.— Бошқалар ўзидан устун бўлмоғидан чўчийди; совутилмаган отдай шаталоқ отиши ҳам шундан. Аммо жамики илмлар бобида тенгсиз бўлган у киши катта эътиборга сазовордир. У каминадап ҳомийлик қилгани учун ўч олмоқда.

Бу гапларни айтар экан, ичида ўзича: «Хайрият, Биноий яна Ҳиротга қайтибди» деб такрорлар, кўнглида севинч ва алам кураши борарди. У гапни бошқа томонга бурди:

— Ҳазрат олийлари билан Соний хусусида сўзлашмоқчи эдик.— Алишернинг кўзларини қоронғи босди, овози дағаллашди.— У Шамсиядаги қурилиш ишларини тўхтатдириб қўйибди. Шунча ойдан бери қилинаётган ишни бир кунда барбод қилай деди. Амалдор либосидаги бу юлғич жуда ҳаддидан ошмоқда. Бевафо итдек Сонийнинг буйругига қулоқ осиб, усталарни унинг чорбоғига юборган меъморни ишдан четлатдик. Аминмиким, султонимиз бу бебошни бир оз тийиб қўюрлар.

Султон Ҳусайн ғазабдан тутоқиб кетди:

— Бундай ўзбошимчаликларга чек қўймоқ керак!— Бир вақтлар Самарқандда қад кўтарган биолар Темирнинг донғини таратганидек, Ҳиротдаги қурилишлар ҳам Султон Ҳусайннинг шуҳратини келгуси асрларга еткурмоғи керак. Кўлдан бери Сонийнинг устидан ҳар хил шикоятлар эшитиб келамиз, бундай бебошликка чек қўйилгуси. Худога шукур, Музаффар барлос ўлиб, давлатимизга човут солган бир суллоҳдан қутулдик, десак, энди бу пасткаш унинг изидан бормоқчимиз?! Йўқ, ҳақтаолога қасамёдиким, у жаззасини тортажак...

Музаффарбекнинг номи тилга олинishi билан Навоий ялт этиб Ҳусайнга қаради. Шоир хотирида ҳасад ва шуҳратпарастликдан ич-этини еб юрувчи кўса бек қиёфаси гавдаланди. Навоий юқори кўтарилган сари, кексайиб қолган Музаффарбекнинг тобора қовоғи осилиб, рангги сарғаярди. У Алишернинг халқ манфаати ва юрт ободончилиги йўлидаги ишларига кўп тўсқинлик қилди. Унинг гамгин қиёфаси ва хунук кароматлари Ҳусайнни ҳайратга соларди. Музаффарнинг ўлимини

эшитиб, султон ҳам, Навоий ҳам елкаларини босиб турган тоғ қулагандай енгил тортган эдилар.

Хизматкорлар қўйнинг об-тобида пиширилган ёғлиқ биқинини келтиришди. «Шу лаззатли гўштдан бир бўлагини мавлоно Жомийга юборилса жуда соз бўлардида»,— деган фикр ўтди Алишернинг хаёлидан.

— Хўжа Дехдор!— деб чақирди Навоий.— Мана шу қўйнинг биқин гўштидан бир бўлагини мавлоно Жомийга олиб борсангиз. Қалам-қоғоз беринг.

Навоий оби гулгунга қўлини ювиб, сочиққа обдан артди-да, жадаллик билан форсийда бир неча байт битди. Кейин варақни жимгина Хусайнга узатди: у ўқиб чиқди-да, маъқуллаб бош иргитди. Фазал қўй гўшти билан бирга Жомийга жўнатилди.

— Мавлоно Жомий нақадар олижаноб кимса!— деди Хусайн.— Биз у кишининг ҳар бир газалларини Кўҳиқофдин учиб келувчи қушларни кутгандай орзиқиб кутамиз. У киши осойишта ҳаётимизда ҳам бизга кўмакдошлар.

— Дарҳақиқат шоир ҳам ҳарб майдонидаги бир навкар мисолидир. Фақат у, қўлига найза эмас, қалам тутган, холос.

— Алишер, кейинги вақтларда форсийда бот-бот ёзадиган бўлиб қолдингиз, чоғи?

— Мен ғанимларим фикрига зид ўлароқ, форсийни етук билишимни, лекин шеъриятдан эл-улус баҳраманд бўлсин учун ўз она тилимда ёзаётганлигимни исбот этмоқчиман. Мавлоно Жомийга атаб, фақат форсийда ёзилган газалларимдан бир девон яратмоқчимен, токи барча ғанимлар ва ҳасадчилар тилларини тишлаб қолсинлар. Вақти келиб, бу икки тил ҳақида китоб ёзури менким, унда шеъриятнинг юксак намуналарини яратиш бобида туркий тилининг форсийдин қолишмаслигини ҳар тарафлама исбот этурмен. Оҳ, қани энди давлат ташвишларидан халос бўлсам-у, фақат шеърият билан шуғуллансам!..

Хусайн ўзини Алишернинг кейинги сўзларини эшитмаганга солди. Аммо Навоий юрагида бор гапларни: ўзининг ижодга кўпроқ вақт бериш ҳақидаги истагини ҳам, султоннинг хатти-ҳаракатидаги ўзига маъқул бўлмаган айрим жиҳатларни ҳам — ҳаммасини худди мана шу бугун, ниҳоят улар бақамти суҳбатлашиш имконига эга бўлган чоғларида айтмоқликка аҳд қилганди. Буни

билитирмайдиган қилиб, шундай айтиш керакки, жасорат итоаткорликка йўйилсин. Ноғиҳон Алишернинг миясини бир фикр чақмоқдай ёритди. У жовондан олинган қўл ёзмани оҳиста варақлай бошлади.

— Камина анчадан буён ҳазратларига «Ҳайратул аброр» аталмиш дostonимдан ушбу янги бобларни ўқиб бериш ниятида эдим. Ҳозир эшитмоққа таъблари бўлурму?

Кайфи чоғ ўтирган Ҳусайн жон-дилдан иштиёқ билдирди. Навоий бош иргитди-да, шеър оҳангига қулоқ бергандай ўқий бошлади:

Қасрки, базм анда муҳайё бўлиб,
Зийнати фирдавси муадло бўлиб,
Пардалари риштаси эл жоиниди,
Лаълию шингарфи улус қониди;
Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гувҳор нигор;

Шоир сатрлар мазмунига кириб бораркан, ўқиган сари овози баландлашар, эҳтироси булоқдай мавж урарди. У ўз шеъри билан амр қилар, даҳшат соларди. Овозидаги бу оҳангларга бепарқ қолиш мумкин эмасди. Султон Ҳусайн ўзига шама қилинаётганини, шоир ўз сатрлари билан уни огоҳлантираётганини англади, бироқ буни ҳатто ўз виждони олдида бўлсин иқрор қилмоққа бўйни ёр бермади.

— Туркийда ажиб сатрлар битибсиз! Сизни бола чоғингиздаёқ «зуллисонайн» деб атаганлари бежиз эмасди. Лекин бу даҳшат-дағдағалар нечун? Қалб изтиробига малҳам бўлувчи гўзаллар, ишқ-муҳаббат ва май ҳақида ёзмоқлик афзал эмасми?..

Навоий доволик барқ урган кўзлари билан Ҳусайнга тикилиб боқди, сўнг қадаҳга май тўлдириб таъзим билан унга тутди.

— Султон Ҳусайн ҳазратлари, ўзингиз-чи? Кўп вақтлардан бери ғазалларингизни ўқиш бахтига муяссар бўлолмадик.

Ҳусайн майдан хўплади, кўзларидан ўт порлади.

— Мен ишқ дардида ёнган дамларимда ёзамен. Энг яхши ғазалларим Бека султонбегимга бағишланган. Энди бўлса...— Султон Ҳусайн қовоғини солиб, жим

қолди,— энди уни кўргани кўзим йўқ! Кўпдан бери сизга айтмоқчи бўлиб юргандим... Мен бу хотин билан ажрашмоққа узил-кесил қарор бердим.

Навоий:

— Аммо...— деб гап бошлаган эди, Хусайн унинг гапини бўлиб, қизишган ҳолда тез-тез гапира кетди:

— У ҳокимиятимнинг пайига тушган. Қачон қарасангиз улуғ Санжарнинг қизимен, деб писавда қилади. Улуғ эмиш! Улуғ деган номи қолган холос. Ахир Абу-саид уни қўзичоқдай ғажиб ташлади-ку. Энди Бека ўз ўғлимни ўзимга қарши қайраяпти. Бадиуззамон менга дағал гап қилишдан тоймайди. Йўқ-йўқ, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди! Уйдаги хотинингки ярамас бўлгач, бу дунёнинг дўзахи шу. Унинг жавобини берамен, бошқа гап йўқ. Хоҳлаган ерига қаср қурдириб берамен; кетига одам қўямен, шундай қилиб, бошимни муттасил минғир-минғирлар ва даъволардан халос этамен. Бека енгилтак, иродаси бўш аёл, барибир саройга муносиб малика бўлолмайди. Хотинларим ичида энг маъқули Хадичабегим.— Султон Хусайннинг кўзлари порлади.— Хадичабегим шоҳона гўзал, эркаклардек ақлли,— ана у султонбегим бўлса арзийди.

Навоий бу қўйди-чиқдига қарши эди. У ота билан унинг ўғиллари ўртасига аста-секин совуқлик тушишини олдиндан сезар, оиланинг бузилиши давлат миқёсидаги катта можароларга сабаб бўлиши мумкинлигини ўйларди. Гарчи ҳозир Хусайнни раъйдан қайтаришга уриниш бефойда эканини англаса-да, у ўзининг бу далилларини бир неча топқир айтди.

Хадичабегим Навоийга шафқатсиз ва маккор аёлдек туюларди. У саройга келгандан бери фитна-иғволар кучайди. Аммо ишқ-муҳаббат ақл-ҳушини олган Султон Хусайнга бу ҳақда бир нима дейиш маҳол эди.

Хусайн ва Навоий осойишта сўхбатлашиб, яна узоқ ўтиришди. Хўжа Дехдор Жомий ҳузуридан қайтди. У ҳаяжонланган ва шод эди; чамаси Навоийдан совға-салом ва мактуб олиб боргани учун кекса шоир уни бирон нарса билан хурсанд қилган эди.

— Мана, тақсир, мавлоно Жомийнинг жавоб ва тухфалари.

Хўжа Дехдор Алишерга барқут тақия, майин бир сочиқ ва мактуб узатди. Навоий овоз чиқариб ўқиди:

— «Юборилмиш тақия ва ушбу мато улуғ мансаб

тожини бошидан олган ва дунё ишларидан қўл ювган кишига аталур».

«Боплабдилар!— деб хаёлидан кечирди Навоий.— Устоз айни мўлжалга урибдилар. Энди гап бошлаш осон...» Навоий Жомийнинг хатини яна бир марта ўқиб берди.

— Бунинг маъноси не бўлди, амир Алишер?— деб сўради Ҳусайн ўзини хотиржам кўрсатишга тиришиб.

Навоий ўзига тикилиб турган султонга тик боқди-да, деди:

— Ҳали сиз ҳазрат олийларига айтган гапларини камина баъзан устозга ҳам айтгувчи эди: бутун вақтимни ижодга берсам деймен, бунинг учун эса, вазирлик лавозимидан кетмоққа пайт етди.

Навоий ва Жомий ўртасидаги ҳамкорликни ўйларкан, Ҳусайн ғижиниб қўйди. Бутун элга шуҳрати кетган тақводор кекса шоирга тил текизиб бўлмасди, бироқ у давлат ишларига аралашиб, бир оз ҳаддидан ошяпти-да! Бир вақтлар аллақайси бир юриш олдидан Жомийнинг Навоийга: «Имкони борича бу юришга қаршилик кўрсатинг, сира иложи бўлмаса, мактуб билан менга хабар қилинг» деб тайинлаганини эшитиб Ҳусайннинг тепа сочи тик бўлганди. Албатта, Навоий бу сўзларнинг Ҳусайнга маълум бўлганидан мутлақо беҳабар. Алишер уйдаги талайгина мулозимлар орасида қайси бири чақимчи эканини билмасди.

— Сиз халқ ва Ҳиротнинг шон-шуҳрати учун зарур кишисиз, амир Алишер. Аввало шу ҳақда ўйлаб-кўрмоғингиз лозим.— деди Ҳусайн маъноли қилиб.

— Халқ учун шоирлар ҳам даркор,— деди Навоий сўзида қаттиқ туриб.

Аммо Ҳусайн, панд-насиҳатлар жуда кўп бўлиб кетди, деган маънода ранжигансимон юзини терс ўгирди. Қўлидаги қадаҳни бир кўтариб бўшатди-да:

— Хаттот Султон Али қаерда?— деб сўради.

Навоий Султон Алини йўқлатиб, китобхонага одам юборди. Бир неча дақиқадан сўнг қадди-басти келишган, суқсурдай бир йигит шогирдларини эргаштириб кириб келди. Улар орасида Замиранинг ўғли Масъуд ҳам бўлиб, Навоий ўз тарбиясига олган бу бола ҳуснихатга ниҳоятда қобилиятли чиққан эди.

Замира энди яна бир маҳаллар ўз ёшлиги кечган боғда яшарди. Аммо бу мағрур аёл бирор кимсанинг

ҳисобига яшашни истамас, ҳатто тутинган акаси Алишернинг ҳам ёрдамини рад этарди: у дўппи тикишда катта маҳорат касб этган бўлиб, шу билан тирикчилик ўтказарди.

Султон Али тиз чўкиб, янгигина ёзиб тугалланган қўл ёзмани тавозиё билан султонга тутди.

— Ҳар вақтдагидек дуруст,— деди Ҳусайн унинг кўнглини кўтариб.— Энди шаҳар чеккасидаги қасримиз «Боғи жаҳон аро»нинг деворларига нақшлар бита бош-лашингизни истардик. Қасрни Азхор Ҳиротийнинг ўзлари «хаттотлар шоҳи» деб атаган киши ўз қўли билан безамаса, ким безайди?

— Камина «Боғи жаҳон аро»га тонг шамоли билан борурмен.

— Нақ шоирлардек сўзлайдурсиз,— деб кулимсиради Ҳусайн.

— Бу киши шоирлар!— деди Навоий.— Ҳиротнинг энг яхши хаттоти етук ғазаллар ҳам бита олиши яқин кунларда элга маълум бўлгуси.

— Навоий қошида бўлса даричадан мўралаб турган анави сарв ҳам шоир бўлиб кетиши турган гап,— деди Ҳусайн хушчақчақлик билан.

Султоннинг кайфи чоғлигини кўрган Навоий, унинг бугун ўзидан эшитган таъналарни бутунлай унутганини англади.

Султон Алига жавоб берилгач, Ҳусайн ҳам ўрнидан турди. Суҳбат тугаган эди. Эшик олдига зарбоб чодирли баланд тахтиравон келтирилди. Султон Ҳусайн саройга жўнади.

* * *

Кечқурун ғира-ширада Мусабек келди. Отасининг ҳамма ҳовли-жой ва ер-мулклари қайтариб берилгач, Алишер Мусабекни барча ерларига бош ноиб этиб тайинлаган эди. Жасур навқар деҳқонларнинг эҳтиёжини яхши билар, хўжаликни ҳам кўнгилдагидек бошқарарди, ернинг ҳосили ортиб, деҳқонлар ўзига тўқ бўла борди. «Дон экканлар ҳаммани боқади. Бу захматкеш деҳқонга кўмаклашмоқ — ҳайрли иш»,— дерди Мусабек. Навоий ўз бойлиги ортиб бораётганлиги ҳақида тез-тез маълумотлар олиб турарди.

Бу сафар Мусабек зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган хабарлар келтирган эди.

— Амир ҳазратлари! Сабзавор ҳокими қалъага кўпроқ дон ғамламоқни ўйлаган эканлар. Афтидан, қўшинга зарур бўлганда шошиб қолмаслик учун бўлса керак. Бутун Сабзаворда ортиқча бир қоп ҳам дон йўқ, аммо у ерда бизнинг катта омборимиз бор, ғамлаб қўйилган дон-дуннинг асосий қисми ҳам ўша ерда. Бу ҳақда ҳокимга хабар етказибдилар. Ҳоким донни қарзга сўраб, менга мурожаат этдилар. Мен: «Алишер ҳазратларига маълум қилмоғим керак, у кишидан беижозат бир нарса деёлмаймен»,— деб айтдим.

Навой Мусабекнинг чангга беланган, хоргин чеҳрасига боқди-да, меҳрибонлик билан сўради:

— Хўш, ўзингиз бўлсангиз не қилардингиз?

Мусабек бир лаҳза жим қолди, сўнг қатъий қилиб:

— Ҳамонки навкарларга экан, аямасдим,— деди, сўнг яна дарҳол:— Қарзга-да, албатта,— деб қўшиб қўйди.

Навой кулиб юборди:

— Қоғоз билан қалам келтиринг.

«Худо ҳақи, агарда ҳар бир дона буғдой ўрнида марварид бўлганда ҳам аямасдим»— деб ёзди у.

— Мана. Овқатланиб, ҳордиқ чиқаринг-да, хатни олиб Сабзаворга жўнанг. Отингиз чарчаб қолмадими? Сизнинг: «Содиқ тулпорим айёр...» деб қўшиқ айтишингиз бежиз эмас. Янги шеърлардан борми, Мусабек?

— Бор.

— Дуруст. Қолдириб кета қолинг. Эндиги келганингизда гаплашамиз. Бугун кечқурун мавлоно Жомий ҳузурларида бўлмоқни ваъда қилгандим. Сабзавордагиларга айтинг, дон-дун лозим бўлса яна топиб берур-миз.

* * *

Орадан неча йиллар ўтиб кетди, аммо Жомий ҳузурларидаги суҳбатларга аввалгидек одам кўп йиғиларди.

Бу кеча одам айниқса кўп йиғилган эди. Ҳамма узоқ сафардан қайтган Биноийнинг кўрган-кечирганларини эшитишга муштоқ. Кўплар унинг охангдор шеърларини соғиниб қолганди. Навой бу суҳбатга аллақандай бир кайфият билан келди. Унинг олижаноб қалби барча гуноҳларни кечиб юборишга тайёр бўлса ҳам, миясига қўйилиб келган фикрлар тинчлик бермасди:

Қимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Навоий ҳамма вақт ҳам қалб туғёнларини сабр-тоқат билан босар, қайсар дўстига ақл кучи билан таъсир этмоққа тиришарди. Унинг кўнглида ҳали ҳам ярашиш умиди бор эди. Шунинг учун ҳам у Биноий билан Жомий ҳузурида учрашишга жазм қилди.

Ҳиротга қайтиб келган дастлабки кунларида Биноий, Навоий ҳузурига борсаммикин, йўқми, деб иккиланиб юрди. Энди боришга аҳд қилган ҳам эдики, амирнинг буйруғи билан отасининг ишдан четлатилганлигини эшитиб қолди. Бу уни туюқтириб юборди. Шундан кейин Биноий тўғри Жомий қошига йўл олди, бу билан у Навоийдан бутунлай ихлоси қолганлигини таъкидламоқчи эди.

Биноийнинг бетидан заҳар томарди. У қўл ва юз ҳаракатлари билан якки гапнинг бирида ўткир ҳазиллар қилиб сўзлар, ҳамманинг диққатини ўзига жалб этганди. У узоқ сафардан қайтгач, дўстлар даврасига биричи марта кираётгани учун азиз меҳмон сифатида Жомий билан ёнма-ён ўтирарди.

Алишерни ҳамма ўрнидан туриб, қувончли олқишлар билан қарши олди, аммо Биноийнинг ғараз-адоват тўла нигоҳи унга ништардек ботди.

Навоий Биноийнинг чеҳрасидаги норозилик ифодасини йўқотиш ниятида дастлабки салом-аликдан сўнг мулойимлик билан тўғридан-тўғри унга мурожаат қилди:

— Туркман султони Яқуббекнинг қандай фазилатлари бор экан, сўзлаб берсангиз, мавлоно Биноий.

Биноий кўзларини қисиб, нима дейишини ўйлаб олди. Кейин башараси бадтар тўнг қиёфага кирди.

— Лўндасини айтсам, Яқуббекнинг энг катта фазилатлари шунда эканки, у киши сира туркийда ғазал битмас эканлар.

Навоийнинг кўзларига совуқлик чўкди, қиёфаси айрича улуғворлик касб этди.

— Биноийнинг оғзи илон заҳрига тўла. Бу унинг истеъдодини ҳам завол этади, ўзининг ҳам бошига етади.

— Дўқ-пўписалардан кўрқмаймен!— деб қичқирди Биноий.

Бироқ унинг товуши ҳар томондан янграган норозилик хитоблари ичида кўмилиб кетди:

— Биноийнинг беодобгарчилигига худонинг қаҳри келади!

— Унинг нафаси оғу билан тўла...

Биной яккаланиб қолганини кўрди. Ҳатто унинг ўткир ҳазилларига ишқивоз бўлганлар ҳам ундан юз ўгиргаидилар.

Жомий салобат билан, жиддий қилиб, унга алланима леди. Бир неча дақиқадан сўнг Бинойий шоирнииг уйини тарк этди.

Меҳмонлар эса, яна узоқ ўтиришди, мусиқи ва ғазаллар тинглашди. Навоий бу кеч форсийда ёзган ғазалларини ўқиди, уни яна ўқиб беринг деб қайта-қайта қисташди. Алишернинг кайфи чоғ эди, у мураккаб муаммолар айтди, топганлар ҳам худди шундай муаммо билан жавоб қилдилар. Афтидан у ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам эди.

Уйга алламаҳалда қайтди. Алишер кўпинча тунларини болаҳонада ўтказишни севар, бу ердан шаҳарнинг узоқ-узоқларигача чўзилиб кетган баланд-баланд терак, сарв ва чинор дарахтлари, улар орасида эса оқариб, уйлар кўринарди. Тонг шамоли эса бошладди. Навоий чуқур сўлиш олиб, вужудидан ҳорғинликни қувди. Хаёлидан ҳали яна қанчадан-қанча ишлар қилинмоғи керак, деган фикр кечди. Ахир у асосий ишни энди бошлаган эди-да.

Чун вафо гул барги боғида очилмади,

Бежихаттур, кимки истар бу гулистондин вафо.

Кимса кўнглим кимсадин истаб вафо олурмусан,

Ким, менга худ етмади ул кўнглим олгондин вафо.

У тез-тез қоғоз бетига шеър сатрларини ёзди, бу унинг бугун қилган энг сўнгги иши эди.

САРОЙДАГИ ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СОДИР БУЛГАН ВОҚИА

Хонақоҳда пешин намозини ўқиб бўлач, Султон Ҳусайн вазирлари, амирлари ва аслзода аёнлари билан саройга йўл олди. Шу кун туркман султони Яқуббекдан элчи кутилмоқда эди; бу икки давлат ўртасида кўпдан буён тинч муносабатлар қарор топганди. Саройнинг тахт қўйилган кенг хонасида ҳамма Ҳусайнни кутар, элчи шу ерда кутиб олиниши керак эди. Ҳамма бир-би-

ри билан суҳбатлашар, ҳол-аҳволи сўрашарди. Кўпларнинг тилида шакар-у, дилида заҳар; иззат-икром, мулозимат пардаси остида ғазаб ва нафрат яширинган. Бу мунофиқликни кузатаркан, Алишер аччиқ жилмайди. Унинг ўзини олинг, қанчадан-қанча душманлари бор. Ой сайин уларнинг сони ортиб бормоқда. Унинг Султон Ҳусайн билан яқинлигига душманлар асло тоқат қилолмасдилар. Алишер бор экан, улар солиқларни ошириб, ўз киссаларини тўлдира олмасдилар. Ҳусайннинг ўзига пул керак бўлиб қолган чоқларида эса, амир Алишер бир неча топқир ўз ёнидан бериб юборганди.

Алишер амалдорларга разм соларкан, чехраларидан уларнинг фикрларини ўқирди. Мана, уни ниҳоятда ёмон кўрган Мажиддин. У яқинда вазирлик лавозимидан маҳрум этилиб, парвоначи сифатидагина саройда қолдирилди. Мажиддин сарой хазинасини талон-тарож қилаётгани маълум бўлиб қолгач, пастлатилган эди. Бўйнидаги айби шундай оғир бўлса ҳам султон унга анча кўнгилчанлик қилди. Вазир отмиш минг динор жарима тўлашга ҳукм қилинди ва девон ишларига аралашши ман этилди; аммо Султон Ҳусайн ҳар хил буюмлар, май ва от топиб келишдаги устомонлигини қадрлаб, уни сарой парвоначиси вазифасида қолдирди. Аламзада Мажиддин ўзини фош этган кишиларга нисбатан ғазаб-адоватини юрагига яширди. У ўзининг фош этилишида бош гуноҳкор деб Навойини ҳисобларди.

Мана, хушомадгўй, сермулозамат, писмиқ Низомулмулк; у сиртдан хушфезъл, хушмуомала кўринса-да, ичи қаҳру-ғазабга тўла, тулкидай айёр. Бир вақтлар у Ҳиротга яқин бир ерда қози эди. Алишер биринчи марга Машҳаддан Ҳиротга сафар қилган вақтда худди шу киши билан баҳслашиб, уни мулзам қилган эди. Орадан кўп йиллар ўтган бўлишига қарамай, у кийимга зеб бериш одатини қўймас, унинг тўнлари ҳашамдорлиги билан донг таратган, салла ўраши эса, олифталар учун ибрат эди. Лекин бу соҳада ҳам Алишернинг устунлиги бор эди. Алишерни жон-дилдан севган, астойдил ихлос қўйган ҳиротликлар унинг қандай кийинишини кузатиб борардилар. Бир куни у тиши оғриб, кўчада юзини кўк рўмолча билан боғлаб олган экан, эртасига ҳамма олифталар кўчага шундай қилиб чиқишибди.

Мажиддиннинг акси ўлароқ, Низомулмулк оилапарвар, болажон киши эди. У ҳаммадан кўпроқ ўғил-

ларидан ташвишланар, уларни дурустроқ ерга жойлаштиришга ҳаракат қиларди.

Низомулмулк султоннинг мақраби ва машҳур шоир Навоий бир вақтлар ўзини мулзам қилган камтарин йигит эканини таниган эса-да, сир бой бермади. Низомулмулк Маждиддинни ёмон кўрар, аммо Навоийга ҳам терс эди.

«Уларнинг ҳаммаси шундай,— деб хаёлидан ўтказди Навоий.— Соф дил киши билан қўл олиб кўришар экан, айнаи вақтда бу қўлни кесиб олишни орзу қиладилар».

Алишер Афзалиддин исмли вазирнинг қувлик-шумлик билмаган, ёқимтой чеҳрасигагина мамнуният билан боқди. «Диёнатли, дуруст одам,— дерди доим унинг ҳақида Навоий,— Ҳиротда бундай кишилар кўпроқ бўлса, талайгина ёвузликларнинг олдини олиш мумкин бўларди». Замонасининг илми, маданиятли кишиси бўлган бу вазир Алишернинг яқин суҳбатдошларидан эди. Навоий кўп вақтини у билан бирга ўтказар, давлат ишларини бошқариш хусусида кенгашарди.

Султондан ҳамон дарак йўқ. Навоий яна таниш кишиларни кўздан кечира бошлади. Бошига каттакон шоҳи салла ўраб олган Сонийни кўриб, кўзларида ғазаб ўти ёнди. Уғри ва муттаҳам Сонийни у ниҳоятда ёмон кўрар, инсонлик қиёфасини йўқотган, уят-андишани унутган бу амалдорнинг бошига жамики балолар ёғилишини истарди.

Шу пайт нақшин эшик очилиб, Султон Ҳусайн ўз мулозимлари билан кириб келди. Ҳамма ер ўпиб таъзим қилди. Элчининг карвони яқинлашиб қолганидан хабар бериб, ташқарида карнай овозлари янгради. Бир неча дақиқадан сўнг қуллар бурунлари ерга теккудай бўлиб, туркман султонининг совға-саломлари солинган катта-катта тўққиз сандиқни кўтариб киришди. Ҳусайн очкўзликдан кўзлари ёнган вазирларга разм солди. Яқинида турган бир навкарни чақирди-да, унга алланима деб буюрди. Бу пайт барча сарой аёнлари элчи кириши билан уни қутлаш учун эшикнинг икки томонида қатор бўлиб саф тортишганди. Орага жимлик чўкди, худди шу вақт ҳалиги навкар Сонийнинг олдига борди-да, бир уриб, унинг бошидаги салласини тушуриб юборди. Салла чувалашиб, Сонийнинг бўйнига осилиб қолди. Сонийнинг ранги қув ўчиб кетди. Унинг кўпчилик олдида шарманда қилиниши султоннинг ғазабига дучор бўлган

нини англатарди. Сонийни ҳамма ёмон кўришига қарамай, кутилмаган бу воқиядан ҳамма бир сесканиб олди. Ҳар ким «ноғихон мен ҳам ана шундай жазога дучор бўлишим мумкин» деган фикрни хаёлидан кечирди. Фақат Навоийгина жиркангансимон кулимсираб, Ҳусайнга мурожаат этди:

— Бошини салладан енгиллатдингиз. Бўйинини ҳам бошидан енгиллатсангиз сира ортиқча бўлмагай.

Ҳусайн қаққаҳлаб кулди-да:

— Вақти-соати билан,— деб қўйди.

Шу лаҳзада хонага қизил зарбоб тўн кийиб, бошига катта салла ўраган элчи кирди.

Сонийни олиб чиқиб кетишди. Элчини қутлаш маросимида Алишер тақир бошидан салласи уриб туширилган Сонийнинг аянчли башарасини бир неча бор эслади: «Хайрият, Ҳусайн очкўз амалдор ҳақида бўлиб ўтган яқиндаги суҳбатни унутмабди». Кейинги вақтларда султон гуноҳкорларнинг ҳаммасини ҳам жазолай бермасди.

ҲАЗРАТ АЛИНИНГ ҚАБРИ

...Ҳа, султон ҳар бир юмушда Навоийнинг маслаҳатига қуроқ сола бермасди. Улар орасига тобора совуқлик тушиб борди.

Султоннинг кўнгли аввалда у қадар сезилмай, аста-аста совиб борди. Гоҳ хушомадгўй сарой аёнларидан бири Ҳусайнга Навоийнинг саройдаги ортиқча зеб-зийнатни қоралаб айтган сўзларини етказар, гоҳ унга Навоий қаёқдаги тайини йўқ ишларга кўплаб пул сарфлаяпти деб айтишарди.

Бутун юртда қизғин иш борарди. Навоий савдогарлар ва сайёҳлар учун ҳамма йўлларда работ ва карвонсаройлар қурдириш, кўпроқ мадраса, мактаб ва шифоналар барпо этиш; ариқлар қаздириб, қақраб ётган ерларга сув чиқариш; ўтмишнинг қиммат баҳо ёдгорликларини вайронгарчиликдан асраб қолиш; олим ва шоирларни қўллаб-қувватлашга интиларди. Буларнинг ҳаммаси муттасил назорат қилиб туришни, сабот-матонат билан меҳнат қилиб, катта маблағлар сарфлашни талаб этарди.

Султон Ҳусайнга кўплаб пул керак эди. Унинг оиласи жуда катта бўлиб, ҳамма ўғиллари ўзи сингари исрофгарчилик ва зеб-зийнатга берилган эдилар. Маблағ топиб келинганидан кўра тезроқ муддатда сарфланарди.

Ҳусайннинг норозилиги кун сайин ортиб борди. Унинг назарида Навоий давлатнинг барча маблағини ўз ишларига сарфлаётгандай туюларди. Ҳиротдаги қурилишлар — бошқа гап. Бунга Ҳусайннинг ўзи ҳам ҳеч нарса ни аямасди. Аммо қандайдир чекка бир қишлоққа ариқ қазиб, сув келтириш ёки аллақайси бир катта йўлга ортиқча работ қурдиришнинг нима ҳожати бор? Маждиддин қулай фурсат топди дегунча унинг қулоғига шундай деб қуяр. Маждиддиннинг рақиби Низомулмулк ҳам шу гапни айтарди. Бир-бирига ашаддий душман бўлган икки вазирнинг бир хил мулоҳазани айтиши Ҳусайнга айниқса ишонарли туюлди. Сарой парвоначиси Маждиддин Султон Ҳусайн билан тез-тез ёлғиз суҳбатлашиш имконига эга бўлиб, бу суҳбатлардан у ўзининг аввалги нуфуз-эътиборини тиклаш учун фойдаланарди. У Ҳусайннинг заиф томонларини яхши билар ва унинг кўнглини топишга уста эди.

Ҳокимиятга бўлган иштиёқи, кайфу-сафога берилиш йил сайин Ҳусайнни халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда адолат ўрнатиш каби аввалги эзгу ниятларидан четга тортмоқда эди. У борган сари кўп ичар, юзлари салқиб, ҳийлагина қариб қолганди. Хонақоҳда пешин намози ўқиб бўлинди дегунча, у базм бошларди. Ҳар кун саройда янги-янги кўнгил очар ишлар ўтказиларди: гоҳ улоқ ёки пойга ташкил қилиниб, унда Ҳиротнинг энг сара бедовлари қатнашар, ёйдан отиш бўйича мусобақа қилинар, гоҳ кураш бўларди.

Ҳусайннинг атрофига талайгина айёр ва ғаразгўй кишилар тўпланиб олганди. Навоий ҳам энди ўзининг аввалларидек султоннинг кўнглига яқин эмаслигини сезарди. Оқибат шундай бўлишини Алишер олдиндан билар, бироқ ўзи қилаётган ишларнинг давлат манфаати учун нақадар муҳим эканини султон англаар, деб кўз тутарди. «Султон мактаб ва мадрасалар қуриш ишининг саройдаги амал пайида уюштирилган майда-чуйда фитналардан муҳимроқ эканини тушунар» деб ўйларди Навоий. Аммо Ҳусайн энди буни тушунмас, тушунишга ҳаракат ҳам қилмасди. Алишернинг: «яхшилик истасанг — яхшилар билан бирга бўл!» деб муттасил уқдиришлари энди унга малол келиб, ғашига тега бошлаган эди.

Ҳусайннинг Навоийни вазирлик лавозимидан бўшатиш ҳақидаги гапларни эшитгуси ҳам келмайдиган вақтлар

ўтиб кетганди. Энди Алишер ўз мақсадига осонликча эришди.

Ҳусайн Навоийнинг илтимосини қондиришга розилик бераркан, вужудини қарама-қарши ҳислар чулгади. Алишернинг кўмагидан маҳрум бўлишни ўйларкан, бирдан уни даҳшат босди. Шунинг учун ҳам у, амирни давлат ишларидан озод этса-да, ўзининг баъзи вақтларда зарур бўлиб қоладиган муҳим ишларни бажарувчи шахсий маслаҳатчиси сифатида қолишга кўндирди. Шундай қилиб, Навоий мансабини зиммасидан соқит қилган бўлса ҳам, давлат ишларидан тамомила бўшолмади. Халқни очкўз, ёвуз амалдорлар қўлига бутунлай топшириб қўймаслик учун Алишер бунга розилик берди.

Халқни талаш ҳоллари беҳисоб эди. Ҳазрат Али қабри воқиясини Ҳирот аҳолиси узоқ вақтгача эсдан чиқармади.

Ҳиротда байрам. Султон Ҳусайн яқинда Балх сафаридан қайтганди. У ерда Ҳазрат Алининг яқинда тикланган қабри тантанали вазиятда зиёратгоҳга айлантирилди. Афсоналарга кўра, бу қабр Чингизхон истеълоси вақтида бузилиб кетганди. Унинг икки асрдан сўнг яна тикланиши Ҳусайнга аллақандай қутлуғ ишдай туюлди. Султон Ҳиротга қайтгач, бу қувончли воқиа муносабати билан қўшин ва халққа совға-саломлар улашди.

Муъжизаларга ишонган халқ тўда-тўда бўлиб, янги қабрни зиёрат қилгани бора бошлади. Қабр ёнида ўз бозори, ҳаммомлари ва карвонсаройлари бор катта бир қишлоқ бунёдга келди. Амалдорларга бойишнинг янги манбаи топилганди: улар дўкандорлар ва содда дил зиёратчиларга катта-катта солиқлар сола бошладилар.

Навоий бундай зиёратгоҳларнинг очилиш сирини яхши биларди. Бирон бир юлғич, бойлик ортдириш пайида, фалон ерда фалон авлиёнинг қабрини топдим, деб хабар қиларди. Гарчи бу ерларга бир умрда азиз-авлиёларнинг қадами тегмагани ҳаммага маълум бўлса-да, фойда ортдиришга умидвор бўлган баъзи кишилар бу уйдирмага бажонидил ишонишарди. Ҳазрат Алининг қабри ҳам ана шундай очилди. Совға-саломлар улашиш ва амалдорларга ҳақ тўлаш учун жуда кўп маблағ сарфланди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас, Ҳиротнинг худди ўзида ҳеч ким танимаган бир аравақаш, ўша Ҳазрат Алининг яна бир қабрини топдим деб жар солди.

— Авлиёларнинг номини бозордаги ёнроқ-пистадай

сотмоқдалар. Ахир Ҳазрат Алининг қабри неча ерда бўлиши мумкин?— деди Навоий ғазабланиб, янги қабрининг очилишига бағишланган тантаналарни эшитиб.

Орадан кўп ўтмай Навоий аравакашга шоҳона тортиқлар берилганини эшитди. Айтишларига кўра, қабрни тиклашга Мажиддин ҳаммадан кўп пул сарфлабди, ўзи учун фойдали бўлган ишга унда ҳамма вақт пул тайёр турарди.

Аммо тез орада кўпчилик бу воқиаларни ақл тарозига солиб кўриб, ҳақиқатни англаб олди. Устумон аравакаш Ҳиротдан қочишга мажбур бўлди. Бундан кейин ҳам Ҳиротнинг теварак-атрофида Ҳазрат Алининг янги қабри топилганлиги ҳақида яна неча бор овозалар тарқалди. Шундагина Султон Ҳусайн бу хабарларнинг қипқизил ёлғонлигига ишонч ҳосил қилди ва бундай овозаларни тарқатишда айбдор бўлганларни қаттиқ жазолашни буюрди. Бир неча киши майдонга олиб чиқиб, шаҳар аҳолиси олдида калтакланди.

Бир йил муқаддам Ҳазрат Али қабрининг очилиш тантанасига одамлар қандай тўда-тўда бўлиб борган бўлса, у маросимга ҳам ана шундай келишди.

Жиноятчилар жазоланган куннинг эртасига Навоий Ҳусайннинг ҳузурига ҳаммадан илгари келди. У Ҳусайн билан суҳбатлашиб, унга юз берган воқиалардан керакли сабоқ чиқариб олишни уқдирмоқчи эди.

Ҳусайн Навоийни очиқ чеҳра билан қарши олди.

— Улуғ султоннинг сихатлари яхшими?— дўстона сўради Алишер.

— Иншоолло; пайгамбар номини ҳақорат қилган товламачилар гуноҳига яраша жаззасини тортганидан хурсандмиз.

Алишер ўзини тутолмай жилмайди-да:

— Қабр ҳақида биринчи марта гап чиққандаёқ шундай қилмоқ лозим эди. Бу қабрларга харжланган барча маблағ бир тўда муттаҳамларнинг тубсиз ҳамёнларига оқди,— деди.

Ҳусайн қовоғини солди:

— Бу ҳали исбот талаб этади.

— Султон ҳазратлари истасалар, бу найрангбозликнинг сирини ҳам илгаригилари сингари, илidan-игмасигача очиб бермоғимиз мумкин.

— Амир Алишер қачондан бери ўзгаларнинг ишини мен қилдим деб кўрсатадиган бўлиб қолдилар?— сўради

Хусайн.— Мана Маждиддиннинг ахбороти, бунда Хиротда содир бўлган бутун воқиалар муфассал баён этилган.

Навоий ахборотга кўз югуртириб, ҳайратидан лол қолди. Қоғозда унинг айтмоқчи бўлган гаплари қарийб сўзма-сўз ёзилган эди. Афтидан Маждиддин унинг бу ишлар хусусида Афзалиддин билан қилган суҳбатини яширинча эшитиб олган ва бундан-буён қаллобликни яшириш мумкин эмаслигини англаб, ўзи Хусайнга барча сирни ошкор қилганди. Келиб-келиб ана шу қабиҳ, айёр шахс ҳақиқатпарвар бўлиб чиққанини қаранг! Навоий: «Маждиддин менинг гапларимни эшитиб олибди» дейишни ўз шаънига номуносиб деб билди. У фақат Хусайнга тикилди-да:

— Демак, бу ҳақда иккимизнинг ҳам фикримиз бир экан,— деб қўя қолди.

Қабулхонага оҳиста юриб, тилёглама, мулўйим Низоумулмулк, унинг ортидан дадил қадамлар ташлаб, Маждиддин кириб келди. Навоий ўзининг ортиқ бу ерда қолиши Хусайнга малол келаётганини пайқади ва одоб юзасидан яна бир неча дақиқа туриб, сўнг чиқиб кетди.

«Мен ҳамма вақт зулм-истибдод қиличини ўз қўлим билан синдиришга тиришдим, аммо ҳозир мени қуршаган фанимлар бениҳоя кўп, султон ҳам энди ақл-идрок өвозига қулоқ осмай қўйди...»

Унинг манглайида чуқур ажин пайдо бўлди ва то уйга бора-боргунча ёзилмади.

И Ж О Д

Дарчага тутилган ҳаво ранг шоҳи парда ҳилпиллайди. Шам тили лип-лип қилиб юқорига интилади. Алишер гилам устига қўйилган чоққина курси ёнида ўтириб, тез-тез ёзарди: қоғозга тегар-тегмай равон югураётган сабоғич қалам саҳифа бетига бежирим қилиб сўз гавҳарларини термоқда. Ухтин-ўхтин у бир лаҳза тўхтар, ёзганларига кўз югуртиб чиқиб, яна ёза кетарди. Шам ёниб, курсининг устига эриб тушмоқда. Навоий саҳифага нуқта чекиб, қаламини бир четга қўйди-да, ўйга ботиб, чуқур сўлиш олди. Унинг ёқимтой чеҳрасида ёшлик барқ урар, аммо кузак пайти ям-яшил дарахтларнинг

учларида сарғиш япроқлар пайдо бўлгани каби қора соқолига оқ оралаб қолганди.

Бир неча саҳифани варақлагач, Навоий овозини чиқариб ўқиди:

Атоси замонида ҳар наъв иш
Ки, ондин халойиққа озор эмиш,
Тамомин улус бошидин қилди дафъ,
Етишсун деб ондин халойиққа нафъ
Яна шоҳлар ҳодис эткан русум
Ки, бедод эмиш эл аро бу умум.
Алар тархини бузди бунёддин.
Халойиқни қутқорди бедоддин.

«Умрим бўйи шундайин султонни орзу қилдим, — деб хаёлидан кечирди Навоий. — Ана шундай шоҳни тарбиялаб етиштирамен, болаликдаги дўстим, жасур саркарда, истеъдодли шоир Султон Ҳусайн Хуросонда давлатни мустақкамлаб, адолат ва истиқбол байроғини баланд кўтарур, деб катта гапириб юборган эканмен, Афсус!»

Навоий кейинги саҳифани очди-да, ўқишда давом этди:

Адолат тариқини фош айлади,
Снёсат анга дурбош айлади.
Раъиятга маълум этиб нхтиёж,
Икки йил алардан кўтарди хирож,
Амал аҳлига қилди машғуллик,
Ёмонларга еткурди маъзуллик,
Вале яхшига тақвият айлади,
Яна яхшилар тарбият айлади.
Бу янглиғ, чу оз вақт тузди русум,
Ғани бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Навоий яна бир неча саҳифа варақлаб эди, ҳеч бир ёзуви йўқ оппоқ саҳифа очилди. «Шундай қилиб, асаримни ёзиб тугатдим!» Бир лаҳза қалби қувонч ҳислари билан тўлиб тошди; у ўрнидан туриб дарча олдида борди-да, пардани очди. Юксак осмон юлдузга тўла. Уч йиллик меҳнати, эллик минг мисрани ташкил этган «Хамса»си тугалланди. Қирқ йиллик умрида ортдирган бутун тажрибасини мана шу беш достонида намойиш қилди. Севимли қаҳрамонларга бир умрлик ҳайкаллар

яратди. Низомий, Хусрав Деҳлавийлар унинг устози бўлдилар.

Мана, ғира-шира тун қоронғисида кўз ўнгидан бахти қаро ошук-маъшуқлар Лайли ва Мажнун ўтиб бормоқда. Қулоғига харсанглар гумбури эшитилади; бу — гўзал Ширин ишқида тоғ бағрида ариқ қазиётган баҳодир Фарҳоднинг наъраси. Қақраб ётган ерларга сув чиқиб, халқ шодиёна қилмоқда. «Фарҳод чинакам халқ қаҳрамони, ижодкор,— деб ўйлади Навоий.— Ҳар бир ҳақиқий инсон шундай бўлмоғи керак».

Ҳамма дostonларини ўз она тилида ёзганидан у нақадар бахтиёр! Бу ҳақда у «Фарҳод ва Ширин» дostonининг хотимасида ғурур билан баралла айтди:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти-фармонимга осон
Чирик чекмай хитодин то Хуросон...
Кўнгил бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркман ҳам.
Не мулк ичраки бир фармон юбордим,
Анинг забтига бир девон юбордим.
Бу девон тутти ул кишварни андоқ
Ки, девон тузмагай дафтарни андоқ.

Ҳорғинлик ва қувончдан Навоийнинг бир оз боши айланиб, аллақердан ёқимли куй эшитилаётгандай туюлди. «Э, бунини ўзим бастлаётган эканмен,— деб кулимсиради Навоий.— Шоҳ Баҳром ўз Дилоромини қўмсаб, унинг хижронида ўртанаётган чоғда, эҳтимол, саройда шундай куй янграб тургандир.» Шоир жасорат ва адолат, дўстлик ва садоқат ҳақидаги ажойиб эртақларга тўла «Сабъаи сайёра» дostonини севарди. Бироқ Навоий нима ҳақда ҳикоя қилмасин: «Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ гамидин гами» деган фикр асарининг асосий мағзини ташкил этарди.

У ўзининг биринчи дostonи «Ҳайратул аброр»да султонга қарата:

Эки кавий айлади давлат қўлинг,
Зулм сари тушти ва лекин йўлинг,

деб айтишдан тап тортмади.

Султон Ҳусайн бу ғазабкор сатрларнинг ўзига қаратилганлигидан кўз юмиши мумкин, бироқ у Навоийни яхши билади, бу сўзларнинг маъносига тушунмай иложи йўқ.

«Хамса»нинг сўнгги достони «Садди Искандарий»да Навоий ўз тасавуридаги етук ҳоқон сиймосини яратди: Искандар Зулқарнайн олижаноб, жасур ва қудратли шоҳ; шувинг учун ҳам у енгилмас.

Сипоҳи қачон шаҳга толиб келур,
Адусиға шак йўқки, ғолиб келур..
Яна улки чун адл зоҳир дурур,
Бари қавм ила хайли шокир дурур.
Сипоҳисн гар тиге урар бедод,
Раъият дуо бирла айлар мадад.

— Ҳар бир одамни кўз қорачиғидай асрамоқ лозим — шунда бутун халқни сақлай оласан,— дерди Навоий.

Ҳусайн Навоийнинг дostonларини ўқиди, уларни мақтади, бироқ улар ҳақида жиддий мулоҳаза қилганини ҳеч қачон айтмади. Навоий Искандар Зулқарнайннинг жасур, олижаноб сиймоси Ҳусайнга давлат ҳукмдори қандай бўлиши кераклигини кўрсатар, деб умид қилганди. Балки у ҳали ҳам бўлса ақлу-ҳушини йиғиб олар ва ақл-идрок садосига қулоқ осар — ахир унга ҳар вақт шоирнинг сўзлари жуда кучли таъсир қиларди-ку.

«Эҳ, Ҳусайн! Менга қилган ноҳақликларингни кечиришим мумкин эди, аммо улусга кўрсатаётган адолатсизликларингни кечириб бўлмайди. Истеъдодингни айт! Баъзан май ичиб туриб, севги ҳақида ғазаллар айтиб қоласан. Ижод сенга эрмак, халос...» Навоий Ҳусайнга бир неча бор ана шундай фикран мурожаат этди. Аммо бу ҳақда очиқ-ойдин сўзлаш бефойда эди. Бу йиллар мобайнида дағаллашиб, бағритош бўлиб кетган Ҳусайн энди эътирозларга тоқат қилолмасди. Унга ёт-бегона кишилар ҳаддан зиёд хушомадгўйлик қилишар, султон бошқалар таъсирига осонликча бериларди. Ҳокимият дағдағаси билан бўлиб, у ўғилларини ўзига содиқ, меҳрибон қилиб тарбиялай олмади. Ҳусайн билан ажрашган Бека тўнғич ўғли Бадиуззамонни унга қарши қайраб тарбияламоқда эди. Суюкли хотини Хадичабегим эса, қолган ҳамма фарзандларини отасига қарши кайфиятда ўстирди.

Навойни атрофдан ўргимчак тўри каби фитна-и-волар тобора ўраб борди. Тўғри, эски рақиблар йўқ қилинган: Музаффар аллақачон ўлиб кетган, Соний зиндонга ташланганди. Соний бир марта Навойдан шафқат тилаб шеър ҳам ёзиб чиқарди:

Етмайди қулоғингга на арзу ва на додим,
Сонийнинг хотираси қалбингда ўлди мудом.

Ҳа, ўлган. Инсонлик қиёфасини йўқотган кишиларга шафқатсиз бўла билмоқ керак. Сонийнинг ишини текшириш натижасида унинг хазинани ўмариб катта мол-дунё ордиргани аниқланди. Давлат мансабида ишларкан, у фақат ўз манфаатинигина кўзлади. Кийимларини Бадахшон ёқутлари безар, уйларида сон-саноқсиз бухоро гиламлари осиглиқ турар, отхонасида араб тулпорлари кишнар эди. Бироқ энг муҳими булар ҳам эмасди: маълум бўлишича, у Хуросоннинг душманлари тарафига ўтиш мақсадида улар билан музокаралар олиб борган экан. Сонийнинг иши бўйича олти йил тергов борди, натижада унинг барча жиноятлари миридан-сиригача ошкор бўлди. Энди ҳаммаси равшан, Соний дорга осилажак.

Навой бошқа душманларини ҳам эслади.

Маждиддин ҳали ҳам девондан четлаштирилганича юрибди. Аммо у — сарой парвоначиси; султоннинг қўйнига қандай қилиб қўл солишни билади.

Қуёшдек шоҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёвутқай.
Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик оламни тутқай.

Навой аччиқ ҳақиқат ва доно фикрларга тўла бошқа бадиалари сирасидан бўлган бу қитъани ўша йилларда ёзган эди. Энди шоир уларни дўсти Жомийгагина ўқиб берарди. Ҳеч ким Алишер билан унингчалик ҳам-фикр эмасди. Ҳар маҳал ва ҳар хусусда уларнинг фикрлари бир ердан чиқарди. Алишерга кўпдан сингиб кетган одатни Жомий жуда ўринли ифодалади: «Ўз пешона терини тўкиб топган нарчасигина киши учун ҳалолдир.» Мана, ҳозир Навой ўз достони «Ҳайратул аброр»ни варақлаб, Жомийга берилган жавобини ўқиди: «Меҳнат

қилиб топилган бир дирхам, инъом қилинган хазинадан афзалдир.»

Кекса шоир, Алишернинг дастлабки ва энг асосий тингловчиси, уни янги-янги асарлар яратишга илҳом-лантирувчи мураббий эди. Мана, ҳозир ҳам Навоий устоз қошига бориш ва унга «Садди Искандарий» нинг ёзиб тугатилган хотима қисмини ўқиб бериш иштиёқида тонг отишини орзиқиб кутмоқда.

Ухлагиси келмайди. Бироқ бедор ўтказилган тун бекор кетмади, у ижодга бағишланди. Шу кеча Навоий улкан меҳнатига якун ясади. Узига бениҳоя талабчан бўлган Навоий учун шундай меҳнат ҳам оз туюлди. «Ҳали қилинадиган ишлар беҳисоб...» — деб хаёлидан ўтказди Навоий. Бу фикр тонг оқариши олдида хаёлидан кечган сўнгги фикр бўлди. Боши ўзидан ўзи болишга эгилди. Алишер Навоий уйқуга кетганди.



Тўртинчи қисм



КЕКСАЛИКНИНГ
ЎГИТ-НАСИҲАТЛАРИ

Дегонимни улусқа марғуб эт!
Езгонимни кўнгилга маҳбуб эт!
Тилга лафзини ногузир айла,
Жонга назимни дилпазир айла!
Халққа зеби торак айла они!
Уқуғонга муборак айла они!

Навоий „Собҳи сайёр“



СУРАТ



оғдаги чийдан ишланган шийпонда Навоий билан қоп-қора, туйғун кўзли йигит шахмат ўйнаб ўтиришарди. Бу — шоир Ҳилолий эди. У қуёшда қорайган нозик қўли билан тахта устидаги шахмат донасини сурди-да,

хониш қилиб байт ўқиди.

Худди ўша лаҳзада, гўё унинг овозига акс-садо бўлгандай боғдан музика садоси янгради. Навоий қулоқ солди:

— Ана, машшоқларимиз ҳам келишди! Азизим Ҳилолий, сатранжда бир йўлни юришингиз «Шоҳ ва гадо» достонингизни ёзишдан ҳам оғир бўлди-да, чоғи. Бу ҳолда сизни эртагача ҳам ютиб бўлмайди.

— Устоз, ҳадеб ўзингиз юта берасизми, бизга ҳам лоақал бир сафар гал беринг-да, бош қотириб, узоқ ўйлашимнинг боиси шу.

— Лекин бугун эмас! Иш-юмушлардан бўшаб мусиқи тинглаш ва машшоқларнинг янги куйлари билан танишмоққа бағишланадиган бундай кунни сатранж тахтаси устида ўтказолмаймен. Сизга ҳам бот-бот мусиқи тинглаб туришни маслаҳат берамен. Шоир учун мусиқи тингламоқ ҳам ижод демакдир. Сатранжда менга ютқазаётганингиздан қайғурмасангиз ҳам бўлади: бу ўйинни камина илк ёшликдан ихтиёр этгандим; болалик чоғимдаёқ, уйимизда етук устозлардан сабоқ олганмен.

Ҳилолий тезда тахта устидаги доналарни аралаштириб юборди:

— Таслим бўлдим! Ҳамоики қошингизда эканмен, музиқи тинглаймизм, сатранж суришамизми каминага барибир! Ҳузурингизда ўтказилган бир кун узоқ вақтгача йўлимга нур сочиб туради. Бугун кўрсатмаларингиз бўйича дostonга киритган ўзгартишларимни тингларсиз деб умид қиламен?

— Албатта, лекин кечқурун, шоирлар йиғилишгач тинглаймиз. Бугун,— деб давом этди Навоий,— камина қизиқ бир туҳфа олди. Эрта билан қошимга бир нота-ниш киши келиб, ўзини бир рассомнинг хизматкори деб танитди; рассом ўз номини сир тутишни илтимос қилибди. Хизматкор каминага бир расм бирла мактуб бериб, жавобини ҳам кутмай, кетиб қолди. Расми очиб, ўз аксимни кўрдим. Мактубда рассом, такомилнинг юксак чўққиларига эришмагунимча ўз номимни ошкор қилмоқчи эмасмен, ушбу расмда, ўз назаримча, озми-кўпми ютуққа эришгандай бўлдим, деб ёзибди. Шунинг бирла, у яна, каминани кўп марта кўрганлигини, хулқу-одатим, суйган рангларимни билиши ва расмимни хотирдан чизганлигини айтади. Сўнгра у каминанинг илтифотида баҳраманд кишилардан эканини ёзган, гўё шу илтифот туфайли рассом бўлиб етиша олган эмиш. Расмга «Фақир Али» деб имзо чекилган. Бу истеъдодли рассомнинг номини билиб олмай, хизматкорни жўнатиб юборганимга эрталабдан бери ачинамен. Янглишмасам, расм анча дуруст чиққан. Тез-тез кўз ташлаб туриш ниятида камина уни ётоғимга қўйдим. Эҳтимол, услубини синчиклаб ўргансам, бу кимнинг қўли эканлигини аниқлармен. Беҳзод ҳам суратимни тугатиш олдида экани каминага маълум. Шунинг-чун расми тезроқ унга кўрсатмоқчимен. Юриш.

Навоий ва Ҳилолий музыка садолари остида боғдаги хиёбондан аста-аста боришарди.

Хонаки сурпдан яхтак кийган бир неча киши баланд ўсган сарв остида тўпланиб туришарди. Улар бирор дарахтни бошқа ерга безарар кўчириб ўтказиш учун унинг илдизини қандай ковлаб олиш кераклиги ҳақида қаттиқ-қаттиқ гапириб, баҳслашардилар. Хатти-ҳаракатининг абжирлиги, салобатли овози ва навкарларнинг чакмони-ни эслатувчи либоси билан бошқалардан ажралиб турган Мусабек дарахт кўчираётганларга йўл-йўриқ кўрсатиб турарди. Яқинлашиб келаётган Навоийни кўриб

ҳамма таъзим қилди, Мусабек эса, шоир истиқболига юриб:

— Буйруғингизга биноан Унсия хонақосининг боғига кўчириб ўтказиш учун камина бир неча дарахтни танлади,— деди.

Буни эшитган Ҳилолий шодланиб:

— Ҳазрат Навоийнинг боғларини безаган дарахтни хонақомиз боғида кўриш кўзларга қувончдир! Бу сарвни каминанинг даричаси рўпарасига ўтқазилса, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим!— деди.

— Шундай бўлсин,— деб тайинлади Навоий Мусабекка.— Толиби илмлар хонақоҳга жойланиб олишдими? Кўпдан бери у ерда бўлолмадим.

— Иншоолло, жойланиб элдик,— деди Ҳилолий.— Сояи давлатларида хонақоҳга кўчиб келганимдан бери ишларим анча унумли бўлмоқда. Шоир, олим ва рассомлар учун бу хонақоҳнинг қурилиши — улуг иш... У ерда ижод этмоққа барча шароит муҳайё, жаҳоннинг эиг но-дир китоблари ихтиёримизда. Сиз, ёлғиз сиз туфайли эришдик буларнинг барига, устод.

— Демак, Ҳиротда тунарсиз?— деб Мусабекка мурожаат қилди Навоий.

— Шундай, амир ҳазратлари, камина бугун қайтмоққа улгуролмаса керак.

— Дуруст. Аммо эртага иш ҳужжатлари солинган жилдни менга барвақт етказинг.

— Бугун Ҳиротдан келатуриб эшитиб қолдим,— деб гап қотди Ҳилолий, улар яна нари юришгач,— улуг султонимиз Хоразмни жонлантириш мақсадида Хуросондан у ўлкага уч минг хўжаликни кўчириш ниятида эмишлар.

— Наҳотки, яна-я? Бундай бўлиши мумкин эмас,— деди қовоғи солинган Навоий вазмиplik билан.

Аммо юрагининг чуқур ерида олдинда яна қизгин кураш турганлигини англади. У, Хуросон аҳолисини кўчиришга сира хожат йўқлигини айтиб, султонни бу йўлдан неча бор қайтарганди.

Дарахт остига макон қурган бир гуруҳ машшоқларни кўргач, ҳалиги хабардан дили ранжиган Навоийнинг яна чиройи очилди.

— Марҳабо мавлонэ Қулмуҳаммад, марҳабо азиз Шайхий! Бугун оромбахш куйларингиздан диллар яйрар экан-да!

Қулмуҳаммад ўзи яратган куйлар билан шуҳрат топ-

ганди. Аммо барча созларни чалишда, айниқса най чалишда Шайхийнинг олдига тушадиган кимса йўқ эди. Машҳур машшоқларни уларнинг шогирдлари қуршаб олишганди: ҳар бирининг қўлида ғижжак ёки най. Навоийга кўзи тушиши билан Шайхий шоирни қутлаб най чала бошлади. Куй гоҳ баҳор кунларидаги қушлар навосини эслатар, гоҳ уйқуга кетаётган хаста боласи тепасида куйлаётган онанинг алласи сингари ўйчан ва мунгли янграрди; аммо кейинроқ бориб, қувонч садолари тантана қилди, бир меёрда хазин оқаётган куйга шўх оҳанглар келиб қуйилди. Шайхий куйни роса авжига олиб чиқиб, шартта тўхтатди-да, Навоийга таъзим қилди.

— Бағоят гўзал, тенги йўқ мақом!— деди кўзлари ёшланган Навоий ва машшоқни бағрига босди.

Қулмуҳаммад ҳам ғижжагини созлади.

— Ижозат берсалар, шу куйни ғижжакда чалиб боқсам.

Ҳамма жим қолди. Қулмуҳаммад оғир куйни асосан тўғри тараннум этди-ю, бироқ пардадан пардага ўтишда уйғунлик бўлмади, натижада куй жонсиз бўлиб чиқди. Машшоқнинг буришиб кетган бетидан ҳам, тингловчиларнинг чеҳраларидан ҳам ижродан қониқмаганликлари сезилиб турарди. Шунда Шайхий Қулмуҳаммаднинг қўлидан ғижжакни олиб, ўша куйни чала бошлади. Шу ондаёқ ҳамманинг чеҳрасига табассум ёйилди. Ғижжак Шайхийнинг қўлида ҳалиги найдек сайрарди.

Енгилган Қулмуҳаммад, Шайхийнинг маҳоратини биринчи бўлиб олқишлади.

— Мавлоно Шайхийдан ўтқазिश мумкин эмас,— деди у.— У кишининг соз чалганларини эшитар экансан, янги-янги куйлар ижод этгинг келади, негаки, бу куйлар мавлоно Шайхийнинг созида камолатга етишини биласан киши.

Вақт кунботарга яқинлашиб уфққа ёнбашлаган қўшнинг қиялама нурлари дарахтларнинг учини ёрита бошлади.

— Мавлоно Беҳзод қаерда эканлар?— сўради Навоий.— Бугун кун бўйи боғда бўлган эдилар.

Худди шу пайт, Навоийнинг саволига жавоб бўлгандай, хиёбонда башанг кийинган рассом кўринди. У эгнига олтин илгаклар тақилган тўқ зангори чакмон кийиб, белига сербар ҳаво ранг белбоғ бойлаган, устидан эса ҳаво ранг зарбоб тўн кийиб олганди. Чап қўлининг

кўрсаткич бармоғида Навоий совға қилган каттакон ёқут кўзли узук порларди.

Бир вақтлар Беҳзод ушоққина, камбағал етимча бўлиб, Султон Ҳусайннинг китобдори Мирак наққош уни ўз ҳимоясига олиб тарбиялаганди, энди Беҳзоднинг номи тилга олиниши билан ҳамманинг кўзида қувонч порлар, у чизган расмларни кўрган киши беихтиёр: «Кўлинг дард кўрмагур, жонсиз нарсаларга ҳам жон киргизиб юборибди-да!»—дерди.

Беҳзод ўз шогирдини эргаштириб келарди. Хаттотлик санъатини эгаллаб, энди наққошликка ҳавас қўйган Масъуд тез орада Беҳзоднинг сеvimли шогирдларидан бирига айланганди.

Булар орасида енгил табиат Шамс Муҳаммаднинг ўғли Порсо ҳам бўлиб, у меҳмондўст ва меҳрибон Навоийнинг тарбиясида бутунлай қолган эди.

Беҳзод қўлида ўроғлиқ бир сурат кўтариб келарди. У Навоийни кўриб, қувонч билан жилмайди-да, қадамини тезлатди.

— Худди ўзингизни йўқлаб тургандим, азизим,— деди меҳрибонлик билан Навоий.— Камина сизга бир нарса кўрсатмоқчи, аминменки, у сизни ҳам қувонтирур. Куни билан кўринмадингиз, қаерга яшириниб олгандингиз?

— Соя-салқин бир дарахт остида эдим. Оромбахш боғда ўтириб, жанобларига тезроқ кўрсатмоқни ният этганим бир суратни тугаллаш билан банд бўлдим.

Навоий Беҳзодни бир ёнига, Ҳилолийни бир ёнига олди, ҳаммалари уйга қараб юрдилар. Даричалари кенг, ёп-ёруғ уйга киришгач, Навоий деворга осиглиқ расмни олди-да, дарча ёнига келди:

— Боқинг, дўстим! Қандай баҳо берурсиз? Билолмайсизми, кимнинг қўли экан?

Бу Навоийнинг сурати эди. Туйғун кўзлар оппоқ салла остидан ўйчан боқади. Салла орасидан яшил кулоҳнинг учи кўриниб турибди. Олди бир оз очиқ малла ранг тўн остидан зангори чакмон кўзга ташланади. Қай тарафдан қараманг, Навоийнинг кўзлари сизга қараб тургандай туюлади.

Беҳзод жим қолиб, суратга узоқ тикилди. Унинг чеҳрасида олдинма-кейин турли хил туйғу-ҳислар акс этди. Кейин у ўзи қўлида кўтариб келган суратни най қилиб маҳкам ўради-да, Навоийга эҳтиром билан таъзим қилди:

— Бугун камина суратингизни тугатдим деб ўйлаганди. Аммо мана бу тасвирни кўргач, уни ҳатто ўзингизга ҳам кўрсатмасликка қарор бердим.

— Ана холос! Мен сизни ҳеч қачон бировларнинг санъатига бунчалик рашк қилурсиз деб ўйлаган эмасдим!— деди Навоий таажжуб билан, мулойимгина қилиб.

— Йўқ, йўқ,— деб эътироз билдирди Беҳзод.— Бу рашк эмас, балки етук санъат олдида тан беришдир.

Энди мен ўз асаримни бундан ҳам дурустроқ чизишим мумкинлигини англадим, шундай қиламен. Фақир Али ҳали ҳам ўз номини сир тутмоқ лозим деб ҳисоблар экан, унинг бойлигига етадиган бойлик йўқдир.

Беҳзод ҳаяжон билан ташқарига отилди, Навоий эса, ўзига-ўзи гапиргандай, паст овоз билан деди:

— Қамтарлик — олға томон интилаётган инсоният кемасининг елкандир. Санъаткорнинг чинакам улуғлиги ва куч-қудрати шундаким, у ўзи яратиб бўлган асаридан мардона воз кечиб, ундан кўра мукамалроғини ижод этишга интилади. Беҳзод — улуғ санъаткордир.

ЮЗ МИНГ КЕБЕК ДИНОРИ

Шам еган ой тоғ бошига кўтарилиб, водийга ёғду сочди, кенг дашт, имон изи бўлиб чўзилган йўл ва ёлғиз кетиб бораётган отлиқни ёритди. Йўртиб бораётган от қамчи босилгач, елиб кетди. Орадан кўп ўтмай атрофни баланд девор билан ўралган боғ кўринди. Отлиқ дарвоза ёнида тўхтаб, эгардан тушди-да, эшикни қаттиқ-қаттиқ ҳоқа бошлади. Таниш овозни эшитиб, дарвозани дарҳол очишди.

— Мусабекмисиз, бунча кеч? Бугун қайтмаймен демабмидингиз?— сўради дарвозабон, уйқули кўзларини уқаларкан.

— Зарур юмуш бор!— деди қуруққина қилиб Мусабек.— Амир ҳазратлари уйқудамилар?

— Билмадим. Ҳали яқинда уйларида чироғ кўринганди. Меҳмонлар алла-паллагача ўтиришди...

Мусабек бедовни отхонага олиб кириб боғлади-да, тўғри уйга қараб юрди. Навоий шаҳар ташқарисидаги боғида яшаган чоғда Мусабек унинг олдига хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи — истаган вақтида кира оларди. Амирнинг осойишини жон-жаҳди билан қўриқлайдиган Шайх Бахлулга шундай деб буюрилганди. Мусабек баъзан Ҳиротдан шошилинич хабарлар келтирарди. Бу са-

фар у айниқса шошилпич иш билан келган бўлиб, хийла ташвишли кўринарди. Шонр ҳали уйғоқ эди. У бир ғазалнинг тўрт мисраси устида анча бош қотириб, қўлидаги қаламни ҳозиргина давогга қўйганди. Ғазал мисралари ҳали хотирида жарангламоқда бўлганидан Навоий ўз ноибига хомуш назар ташлади.

— Амир ҳазратлари! Сизни бевақт безовта қилишим бежиз эмас. Султон Ҳусайн ҳазрат олийлари Марвдан амир Валибек ҳазратларига фармон йўллаб, Ҳирот шаҳри ва унинг теварагида яшовчи аҳолидан тезлик билан юз минг кебек динори тўплаб юборишни буюрибдилар. Амир Валибек ҳазратлари бу маблағнинг ярмини баъзи бой заминдорлардан йигибдилар. Энди қолган қисмини Ҳирот аҳолисидан жон бошига солиқ солиб йиғмоқчилар. Шаҳар ва қишлоқда, айниқса йўқсиллар орасида норозилик кўпаймоқда. Хайриятким, амир ҳазратлари кенгашчингиз хўжа Мир Сер Барахнани чақириб, бу хусусда сизнинг фикрингизни билмоқ истабдилар. Амир ҳазратлари сизнинг бунда эканингиздан беҳабар эканлар. Хўжа Мир Сер Барахна ҳазратлари бу хабарни тезроқ сизга етказиб, фикрингизни билмоқ учун мени юбордилар.

«Бу не хол?— ғазаб билан ўйлади Навоий.— Ҳусайн Марвга шикор қилиб, кўнгил ёзгани кетганди. Ҳар сафар шикорга юз мингдан сарфлана берса, давлат ҳадемай хонавайрон бўлади-ку».

— Шоқолга ёнбосмоқ— товуқ зотини қурутмоқдир!— деди Навоий ва шошиб тўнини елкасига ташлади.

— Амир ҳазратлари, отни эгарлашсинми?

— Йўқ. Мен ўйимдан қайтдим. Мир Сер Барахна ҳазратларига бориб айтинг, ҳеч қандай сабабсиз фуқародан бунча олтин ундириб олишни музаффар шоҳимиз шаънига ярашмаган иш деб биламен. Ҳамонки пул юбормоқ зарур экан, каминанинг ўз маблағидан ола қолсинлар.

— Эллик минг кебек динорини-я?— деди кайфи учиб Мусабек.

— Халқ осойиши йўлида юз минг сўрасалар ҳам аямасдим.

* * *

Қуёш ўттиз марта чиқиб, ўттиз марта ботди, аммо Султон Ҳусайн ҳамон Ҳиротга қайтгани йўқ. Марв те-

варагидаги муваффақиятли ов шаҳарга қайтилгач, базмга уланиб кетарди. Базмлар Мирзо Санжарнинг собиқ саройида ташкил этилар, Султон Ҳусайн бир вақтлар ўзи қувиб чиқарилган бу саройда энди тўла ҳуқуқли ҳукмдор эканидан айниқса лаззатланарди. Қайнатасининг суяклари аллақачон чириб кетган бўлса ҳам Ҳусайннинг қалбида ҳамон унга нисбатан ғазаб ўти ёниб турарди.

Сўнгги вақтларда Султон Ҳусайн ора-сира кичик юришлар қилиб қўяр, аммо тез-тез катта-катта базмлар уюштириб турарди. Бу базмлар исёнкор амакиваччаларининг попугини пасайтириб қўйиш учун қилинар, базмларда эса, улар билан сулх тузиларди. Аммо бу юришлар ҳам, базмлар ҳам катта-катта маблағ талаб қиларди. Ички низолар эл-юрт бошига қийинчилик ёғдирар, тинч меҳнат билан машғул бўлган деҳқонлар ўз оғаниларига қарши боришга мажбур бўлардилар.

Алишер юришларда кўпинча аввалгидек султон билан бирга бўлар, бироқ маъносиз қон тўкишдан бошқа нарсани кўрмасди.

Навзайнинг бу юришларга рағбати йўқлигини Ҳусайн кўпдан бери сезар, шоирнинг яқинлиги унга тобора малол келиб борарди. Виждонининг муттасил тергов остида бўлиши унинг жонига текканди. Халқнинг Навоийга бўлган муҳаббати Ҳусайннинг ғашини келтирарди. Ундаги бу туйғу шоирнинг душманлари таъсири билан бадтар кучайиб борди.

Марвдаги ов ва базмлар бу сафар айниқса катта бўлди. Маждиддин султоннинг исрофгарчилигига кенг йўл қўйиб берди, албатта, ўзига ҳам озмунча ўмариб қолгани йўқ: минглар сарфланган ерда юзларнинг ғойиб бўлиши сезилмайди, юзлардан эса, минглар йиғилади.

Аҳолига янги солиқ солиш фикри Маждиддиндан чиққан фикр эди, аммо ўзи девон ишларидан четлатилган бўлганидан, у пора ва хушомадгўйликни ишга солиб, бошқалар орқали иш кўрди. Маждиддин девон ишларидан четлатилганига тобора бадтар куйинарди. «Давлат ишларини мен, ёлғиз менгина бошқаришим керак,— деб ўйларди у.— Эҳ, қани энди юртнинг жилови менинг қўлимда бўлса, уларга тўла ҳуқуқли ҳукмдорнинг кучқудратини кўрсатиб қўярдим... Сарой парвоначисининг қўлидан нима келарди?! У худо берган кунни султонни кўради, унинг ожизликлари ва иллатларини, равиш-

рафтори ва инжиқликларини биледи-ю, бироқ сарой доирасидаги ишларгагина аралаша олади».

Маждиддин Султон Ҳусайннинг Навоийга бўлган ишончини буткул йўқотибгина ўзининг аввалги мовқеини тиклаши мумкинлигини яхши билар, шунинг учун ҳам миясига бири биридан даҳшатли ҳар хил ўйлар келарди. Қани энди Навоий ўлса-ю, у қутула қолса. Аммо халқ шу қадар ихлос қўйган шоирнинг жонига қасд қилиш қанчалик хатарли эканини Маждиддин тушунарди. Шу сабабдан унинг бутун фикр-ёди Навоийни бир амал қилиб саройдан узоқлаштириш бўлиб қолди. Охири Маждиддин бунинг йўлини топгандай бўлди. Эндиликда Султон Ҳусайннинг эртаю кеч ўйлагани зебу-зийнат ва кайфу-сафо эди. Бунинг учун кўплаб пул керак. Пул эса етишмайди. Юрт ободонлиги, халқ фаровонлиги, фан ва санъат аҳлларига ҳаддан зиёд маблағ сарфланмоқда. Буларнинг барчасига Навоий бошчилик қилади. Султоннинг хасислигини бадтар қўзғатиб, шоирни унинг газабига дучор этмоқ керак.

Ҳиротдан йиғилган пулни олиб, хазина амалдорлари келишганида базм роса авжида эди. Келганлар орасида Мир Сер Барахна ҳам бўлиб, у янги солиқдан Навоийнинг норози бўлганини ётиғи билан, аммо қатъий қилиб Султон Ҳусайнга етказмоғи керак эди.

Саройга биров келгудай бўлса одатда энг аввал парвоначи Маждиддинга маълум қилинарди. Ҳиротдан амалдорлар келганини эшитган Маждиддин базмдагиларни диққат билан кўздан кечирди. Султон Ҳусайн ширакайф. У Низомулмулкнинг нафосатни жондан севучи акасига ўгирилиб, қироат билан ғазал ўқимоқда. Низомулмулк эса, мулойим кўзларини хушомад билан султонга тикиб, ўзини ғазалдан лаззатланаётгандай қилиб кўрсатишга тиришарди. Ёнверидогиларнинг ҳаммаси айқириб-ҳайқириб вақти-хушлик қилишар, қадаҳларга шарбат пайдар-пай қўйилиб турарди.

Маждиддин эс-хушини йўқотмаслик учун ҳеч қачон маст бўлгунча ичмас эди. Кўпчиган хамирдай семиз, серсоқол Низомулмулкка қараркан, аччиқ табассумдан унинг чўққи соқол чуваккина юзи буришиб кетди. Маждиддин келган амалдорлардан ўзини қизиқтирган нарсаларнинг тафсилотини билиб олгач, Султон Ҳусайнга мурожаат этиб, тавози билан деди:

— Шаҳаншоҳ, ҳақ-таолога минг қатла шукур! Та-

йинланган пулни олиб, Ҳиротдан амалдорлар келишди.

Ҳамма чеҳраларга бир лаҳзада жон кирди. Султон Ҳусайн эса, мамнунлик билан Низомулмулкка ўгирилди-да:

— Амалдорларни қабул этинг,— деди.

Бу орада хизматкорлар сарой ертўлаларига олтин ва кумуш тангалар тўлдирилган қопларни таширдилар, базмхонага эса, бир хитой савдогаридан катта пул эвазига сотиб олинган раққосалар кириб, қушдек енгил уча бошладилар.

Тонгга яқин базм тугаб, Султон Ҳусайн ўз хабгоҳига йўл олганда Маждиддин унинг ортидан эргашди. У башарасига ташвишли тус бериб, султон ўзини «гурс» этиб ташлаган тўшак пойгагига чўққайди.

— Бир нима гапингиз борми? — деб сўради Ҳусайн, фикри-хаёли ҳозиргина тугаган базм таассуротлари билан банд экан.

— Улуғ султоним, камина ўзига нақадар оғир бўлса ҳам амир Алишер ҳазратларининг илтимосларига биноан у кишининг сўзларини ҳазрат олийларига зудлик билан етказмоғи керак: у киши фуқарога сабабсиз бунча катта солиқ солишни ҳазрат олийларининг шаънига ярашмаган иш деб ҳисоблабдилар.

«Ярашмаган иш» ва «сабабсиз» сўзларини Маждиддин алоҳида таъкидлаб айтди.

Султоннинг маст-аласт кўзларида ғазаб чақнади. У бирор кимса раъйини қайтарадиган бўлса, тоқат қилолмасди. Кейинги пайтлар унинг хаёлидан бир неча бор: «Алишернинг муддаоси нима? Мен уни улуғ шоир ва олижаноб кимса сифатида иззат қиламен, бироқ мен абадиян унинг маслаҳати билан иш тута олмаймен-ку ахир!»— деган фикр ўтган эди.

— Амир ҳазратлари,— деб гапида давом этди Маждиддин,— давлатнинг куч-қудрати унинг ҳашамати билан белгиланишини ҳисобга олмайдилар чоғи. Амирнинг ўзлари лозим деб ҳисоблаган ишларга катта-катта маблағ сарфлайдилар, бу кўзларига кўринмайди. Султон ҳазрати олийларига олтин зарур бўлиб қолганда эса, андишасизликка борадилар.

Султон бўлди дегандай қўл силкиди.

— Амир Алишер — мислсиз одам, у кишини бутун эл севади,— деди мунофиқликка ўтиб Маждиддин.—

Аmmo, менимча, у киши бу сўзларини хизматкор орқали айтдирмасдан ўзлари Марвга келишлари ва дўстона суҳбатда султонга ўз оғзилари билан айтишлари лозим эди. Бунинг устига, у киши халқдан солиқ йиғишни тўхтатдириб, пулнинг ярмини ўз ёнларидан берибдилар. Бу—султонни ножўя йўлдан қайтарганимни ҳамма кўрсин, эл-юрт мени яна мақтаб кўкларга кўтарсин, деган мақсадда қилинган иш.

Маждиддиннинг бу мулоҳазаси Ҳусайннинг иззатнафсига қаттиқ ботди. Айёр парвоначининг нияти ҳам шу эди.

Султон ўзини бир оз босиш учун қаҳрабо тасбиҳини тез-тез ўгира бошлади.

— Нима маслаҳат берасиз?— деб сўради у ниҳоят.

Маждиддиннинг ёвуз кўзларида қувонч порлади, чунки султон у билан биринчи марта бундай очиқ-ойдин гаплашмоқда эди.

— Амир ҳазратларининг холисона хизматлари туфайли Ҳирот ободончилиги ҳаддан зиёд равноқ топди,— деди Маждиддин мунофиқлик билан.— Бошқа вилоятларда ҳам ободончиликни йўлга қўйишга ғамхўрлик қилсалар, чакки бўлмасди. Масалан, Астрободда...

Кўзларини қисиб ўтирган Ҳусайн Маждиддиннинг сўзларини паришонхотирлик билан тинглаётгандек туюларди. У парвоначига: «Бор, кета бер» деб ишора қилди. Маждиддин хабгоҳдан оёқ учида юриб чиқди-да, оғир гилам тўсиқни зич қилиб ёпди.

СУЛТОННИНГ ҒАЗАБИ

Ҳиротга қайтгач, Султон Ҳусайнга яна бир оз пул керак бўлиб қолди. Олтин қаердан бўлмасин тезлик билан топиб келтирилиши лозим эди, султоннинг хази-насида эса сариқ чақа ҳам қолмаганди.

Ҳусайн эрталаб девонда вазирлари билан ҳар хил ишларни кўрди: сўнг гап орасида айтгандай, бепарволик билан уларга ақча топиб келтиришни буюрди. Низомулмулк ва Афзалиддин хавотирланиб, бир-бирларига қараб олишди-да, жим қолишди. Лозим бўлган ақча у қадар кўп бўлмаса-да, уни топиш қатор қийинчиликлар туғдирарди: янги солиқ аҳволининг норозилигини қўзғамоғи мумкин эди. Тахт пойгагида турган Маждиддингина маънодор илжайиб қўйди.

— Бирор маслаҳатингиз борми?— деди Ҳусайн унга совуққина қилиб.

— Худди шундай, шоҳим! — деди парвоначи.— Лекин овлоқ бўлса айтамен.

«Бу тулки яна нималар қилмоқчи?»— деб хаёлларидан ўтказишди вазирлар гижиниб, аммо султон уларга жавоб берди. У, парвоначи нима маслаҳат бераркин, деб тезроқ билишга ошиқарди. Маждиддиннинг ақча масалаларида устомонлигини билган султон «гайир» деб ишора қилди.

— Шоҳим!— деб гап бошлади парвоначи қуллик қилиб.— Камина қулингиз ҳазрат олийлари айтганларидан зиёдроқ олтин муҳайё қилмоққа қодир...

Маждиддин эшик ва деворларни синчиклаб кўздан ўтказди, Султон Ҳусайн қулогини тутиб, устомон парвоначининг гапларини диққат билан тинглади.

Кечқурун Ҳусайн Навойни ўз ҳузурига чақиртирди. Икковларининг ҳам қовоқлари солиқ, икковлари ҳам дилгир эдилар.

— Марвдан қайтгач, жанобингиз билан бафуржа суҳбатлашмоққа муяссар бўлолмадим,— деб гап бошлади Ҳусайн,— ваҳоланки икки ўртада баҳамжиҳат ҳал қилинадиган янги ишлар бор эди.

— Камина шаҳаншоҳимиз хизматларига ҳамиша тайёрдир,— деб қуруққина таъзим қилди Навой. У ўзи билан Ҳусайн орасига совуқлик тушганини яққол ҳис этмоқда эди.

— Камина хазинанинг аҳволидан хийла ташвишда. Бу борада бот-бот монеликка дуч келмоқдамизким, эндиликда бу ишларни тadbир билан изга солиб тургудай бирор кимсани тополмай қолдик... Мавлоно Маждиддинни яна иш бошига тайин этсак, амир ҳазратлари не дейдилар?

— Шаҳаншоҳ каминанинг бу хусусдаги фикрини биладилар.

— Билмадим, амир ҳазратлари не сабабдин бунчалик тихирлик қиладилар? Мавлоно Маждиддин даврида юрт равноқ топган эди.

— Аввало унинг ўз ишлари равноқ топган, эл-улуснинг эса, оғир солиқлардан қадди дол бўлган эди.

Навой чуқур ташвиш билан юрагида йиғилган дард-ҳасратларини тўка кетди:

— Маждиддин одам эмас, бамисоли бир бойқуш.

Макр-ҳийла, инсофсизлик унга одат бўлиб қолган. У тошни ҳам олтинга айлантисам, дейди. Эл бошига бало ёғдириб, бундан ўзи фойда ортдиради. Ўз ерларида ҳалол меҳнат қилиб тер тўкаётган деҳқонларни Хуросондан Хоразмга кўчириб, сарсон-саргардон қилиш фикри ўшандан чиқмадими? Очкўз Маждиддин кўплар пора бериб, кўчмай қолишга ҳаракат қилишини билади; у, шу йўл билан улус ҳисобига ҳамёнини бойитиб олиш пайида. Шоҳим сиздан ўтиниб сўраймен, бу ишни асло ихтиёр этманг. Улусни кўчириш Хуросонни хароб этади, Хоразмга ҳам ҳеч қандай нафи бўлмайди. Очкўз Маждиддин иш бошига тайин этилса эл-юртни зулм исканжасига олиши муқаррар.

Бироқ Султон Ҳусайн энди ҳар қанча далил-эътироз бўлсин, қулоқ солмас, бу туганмас панд-насиҳатлар унинг жонига текканди. Амир Алишернинг фикрини у шунчаки одати бўйича сўраганди. Бундан ташқари, бу суҳбат тайёрланаётган жазо олдидан Навоийнинг этини ўлдириш учун қилинган суҳбат эди. Қалбининг чуқур бир ерида Ҳусайн Алишернинг фикрларига қўшилишар, аммо амирга унга панд-насиҳат қилиш ҳуқуқини бераётган самимий ва соф олижаноблиги бадтар газаблантирарди. Суҳбат узоқ чўзилмади. Улар номигагина бир оз янги шеърлар ҳақида гаплашишди, сўнг Ҳусайн Навоийга ижозат берди.

Эртасига Маждиддин «султоннинг маҳраби» деган янги унвон олганлиги маълум бўлди: энди у ҳужжатларга султон номидан муҳр босарди; ҳатто вазир ва амирлардан келувчи ахборот ва шикоятлар ҳам унинг ижозатисиз қабул этилмасди.

Амир Алишерга ҳеч бир бўйин тобламай Астробод ҳокимлигини қабул қилиш таклиф этилди.

АСТРОБОДГА!

Содиқ тулпорим айёр!
Қамчи кўрсатсанг бир бор
Утга киришга тайёр.

Йўловчи отининг бошини қўйиб юбориб, овозининг борича ашула айтиб борар, шаҳарга яқинлашган сари тоқатсизланиб отини қистарди. У бир вақтлар жондан

азиз севган ёри яшаган Астрободга яқинлаб келмоқда эди. Ким билади дейсиз, яна қайтиб севиклисини кўриш пешонасига ёзилганми, йўқми? Навоий билан бирга йўлга чиққан Мусабек шаҳарга хабар бериб, янги ҳокимни муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриш учун карвондан анча илгарилаб кетди. Навоий бегона юртда ҳам ўзини меҳрибон қўллар қучоғида ҳис этсин учун, у Алишер қўнадиган янги уйни шинам қилиб безатмоқчи эди.

Алишер Астрободга жўнар экан, энг ишончли, содиқ кишиларини бирга олиб кетди. Улар орасида жияни Ҳайдар ҳам бор эди. Навоийни жондан азиз кўрган Ҳайдар унинг ҳурматига бош эгмаганларни ўзининг душмани деб биларди. Унинг ҳаддан зиёд мулозимати Алишернинг тинкасини қуритар, аммо у Ҳайдарнинг шеърдаги истеъдодини қадрларди.

Навоий сафарга тахтиравонда чиқишни истамади. Қирқ олти ёшли, зуваласи пишиқ Алишер водий ва дарёларни, чўл-биёбонларни отда босиб ўтди.

Мусабекнинг чопар сифатида жўнаб, шаҳарга олдиндан хабар бериши бежиз эмасди: янги ҳоким ким эканлигини эшитиб, Астробод аҳолисининг қувончи кўкка етди. Кўча-кўйда одамлар хушхабар билан бир-бирларини қутлардилар.

— Ана энди бизнинг шаҳримизга ҳам адолат кулиб боқади,— дейишарди улар.

Бу хабарни олим ва шоирлар, мадраса ва мактабларнинг талабалари айниқса севиниб қарши олдилар.

Навоийни кутиб олишга ҳамма байрамдагидек ясаиб чиқди. Астрободга келинган дастлабки кунларда тўда-тўда меҳмонларни қабул қилишга, уларнинг таҳсинларини тинглашга ва ўз навбатида уларга маслаҳатлар бериб, насиҳатлар қилишга тўғри келди. Ҳар ким унинг кўнглини ҳушнуд қилишга тиришарди: совға-саломлар келтиришар, унинг шаънига қасидалар битишарди. Ҳокимнинг ҳовлисида бўлаётган шодиёна ҳеч тугамайдигандай эди. Аммо бундагилар ичида бир кишининг қалбини қайғу-ҳасрат ўртар, бу ана шу тачтаналарнинг сабабчиси ва бош иштирокчиси амир Алишернинг ўзи эди. У одоб юзасидангина табассум қилиб, ўзини хотиржам тутар, қалбида эса, тугён жўш урарди. Уйқусиз тунларда у дарду ҳасратини изҳор этиб, ғазаллар битар, бироқ бу ҳам ғуборини ёзмасди.

Юз меҳнату ҳам кўнглима еткурди фироқ,
Жонимға балою дард ўқин урди фироқ,
Жисмимни фаю ўтиға куйдирди фироқ,
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.

У Ҳиротни қўмсар, аммо ноилож эди. Бунинг устига, бутун Хуросонда бўлганидек, Астробод ва унинг тева-рак-атрофида ҳам унинг кўмагига муҳтож кишилар бор эди. Биринчи кунлардаёқ ўзидан олдин ўтган ҳокимлар-нинг ишини кўздан кечираркан, Алишер даҳшатга келди. Бутун Хуросонда халқи Астробод халқичалик таланган ўлка бўлмаса керак. Эл-юрт оч-яланғоч. Амалдорлар мулозимат билан таъзим қилиб, аҳолидан тушган ҳад-сиз-ҳисобсиз шикоятларни маълум қиларканлар, Навоий бу ерда ҳукм сурган адолатсизлик, халқ фаровон-лигига ғамхўрлик қилиш топширилган кишиларнинг очкўзлиги ва шафқатсизлиги ҳақида алам билан ўйлади. У ўзининг қувғинликда, сеvimли дўстларидан ва талай-гина меҳнати синган шаҳардан узоқда ҳам фойда келтириши мумкинлигини англади. Шу эмасми ҳаётнинг асл маъноси? Бу фикр хаёлидан ўтаркан, у анча енгил тортди.

Навоий иш қоғозларини бирма-бир кўздан ўтказар экан, мана шулар ҳақида ўйларди. Бу сотқин ёвуз ки-шиларга сира шафқат қилмаслик керак, қаттиққўл бўлмоқ даркор. У қозиларга мурожаат қилиб деди:

— Кишилар орасидаги низони ажрим қилиш чоғида адолат юзасидан иш тутинг. Бир соат адолат билан иш тутмоқ олло-таолога олтмиш йил тоат-ибодат қилмоқдин афзалдир.

«Кишилар қалбига қувонч бахш этмоқ — бизнинг асосий мақсадимиздир», деди у ўзига ўзи.

Янги мактаб-мадрасалар, шифохоналар қурила бош-ланди. Уткинчи савдогарлар қулай карвонсаройларда қўниш имконига эга бўлдилар. Одамлар кўча-кўйда бир бирлари билан учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашар экан, аввал: «Қалай, бугун амир ҳазратларининг кайфлари чоғ-ми?» деб сўрар эдилар. Аммо Навоийнинг қалби ҳамон илгаригидай на қувонч биларди, на осойиш.

АСТРОБОДДАГИ УЧРАШУВЛАР

Эрталаб денгиз тарафдан шиддат билан совуқ ша-мол эсди. Навоий қавима шоҳи тўн устидан қора мўйна ёқали чакмон кийиб олди. Қийимлар эрталабки туман-дан бир оз намиққан эди.



Навоий бугун кечаси ишга берилиб кетиб, икки соат чамаси ухлади, холос. Шоир авваллари ўзига мутлақо тугаллангандай туюлган ғазалларини узоқ ўтириб қайта ишлади, кейин кеча Астрободда қандай воқиялар юз бергани ва яқин кунларда шаҳар ободончилигини яхшилаш учун яна қандай ишлар қилинмоғи лозимлигини ёзди. У фақат ишга берилибгина қайғу-ғамларини унутар, ана шу иш билангина ўзи қурбони бўлган буюк адолатсизлик ҳақидаги, қора кучларнинг ғолиб келганлиги ҳақидаги қайғули фикрларни қуварди. У ўзининг бу ерда, Астрободда халқ ҳаётини яхшилашга урингани билан, Ҳиротда ва ёвуз Маждиддиннинг узун қўли етган бошқа кўп жойларда, турмуш аввалгидан бадтарроқ оғирлашганини биларди. Навоийнинг уни қўмсаган кишилардан кўплаб мактуб олиб туриши бежиз эмасди. Унга шоирлар ва олимлар, сарой аёнлари ва савдогарлар, шайхлар ва дарвишлар, амирлар ва заминдорлар— ҳамма ёзарди.

Мана ҳозир ҳам, совуқдан жунжикиб, катта қабулхонага чиққан эди, Ҳиротдан бир даста мактуб олиб келган чопарни кўрди. Навоий мактубларни тезгина кўздан кечираркан, дўсти Паҳлавон Муҳаммаднинг мактубини алоҳида диққат билан ўқиб чиқди. «Сиз кетиб, Ҳирот ҳувиллаб қолди. Қалбимиз таянчидан ажради. Оллодан эртаю кеч висолингизга етказмоқни тилаб ётибмиз...» Бу сўзлар кўпчиликнинг кайфиятини ифода этарди. Навоий мактуб устида чуқур ўйланиб қолди. У ҳам қувонар, ҳам юраги эзиларди. Аммо шу дақиқада қабулхонага кириб келганлардан бирортаси бўлсин амирнинг қалбини ўртаётган туйғуларни пайқамади, чунки у ҳамма вақтдагидек вазмин ва хотиржам эди. Қабул бошланди. Ҳар қандай тасодиф ва мушкулотларга ҳозир турмоқ лозим эди.

Бу аснода шамол қора булутларни қувиб, тевааратроф чароғон қуёш нури билан қопланди. Ҳамма беихтиёр жилмайди, Навоий эса шоҳи тўни устидан кийиб олган мўйна ёқали чакмонини ечди. Бироқ ҳали Алишер Астробод яқинида таланган бир савдогарнинг арзини тингларкан, яна кўк юзини булут қоплаб, ёмғир қуя кетди.

Алишер қарвони шу ерда талангани учун мол-мулкни тўлаб беришни талаб қилган бу савдогарнинг тасодифдан фойдаланиб, кўпроқ нарса ундириб олиш нияти-

да молларини йўқолганидан кўра кўпроқ қилиб кўрсатаётганини тушуниб турарди. Иккинчи томондан эса, Навоий Астрободдаги савдони жонлайтириш мақсадида четдан шаҳарга мол келтирувчи кишиларни кўпайтирмоқчи эди. Йўллардаги қоровулларни кучайтирмоқ, соқчиларнинг ўзини ҳам текширмоқ лозим эди: эҳтимол соқчилардан бирортаси қароқчилар билан тил бириктиргандир. Бу иш анча вақтни олди. Уни ҳал қилиб бўлгач, Алишер бирор кўнгил ғуборини ёзадиган масалани танламоқчи бўлди; у ҳоким саройи қаршисида мадраса тиклаётган Астрободнинг бош меъморини ҳузурига чорлатди.

— Уста Абдурахмон, қурилиш ишлари қандай бормоқда, толиби илмлар машғулотни жилла қурса қиш кириши билан бошлай олурми?

— Амир ҳазратлари даричадан қараб, ишлар қандай жаҳду-жадал билан бораётганини ўзлари бир кўрсалар.

Навоий дарҳол тўшак устидан туриб, меъмор билан биргаликда дарича тагига борди. Атрофни аёллар бетига тутадиган чимматдек қора парда билан қоплаб, ташқарида жала қуймоқда. Ҳеч нарса кўролмаганидан унинг юраги сиқилиб, пешонаси буришди.

— Бу шаҳарнинг ҳавоси шоир қалбидек инжиқ.

— Шаҳримизнинг бир кунда йилнинг тўрт фаслини кўриш мумкин,— деб жавоб қилди меъмор Абдурахмон.

Орқасига ўгирилиб, ўз ўрнига кетаётган Навоий меъморнинг бу сўзларини эшитгач, тўхтаб, оғир хўрсинди, бироқ шу лаҳзада унинг кўзлари яна ёшлик завқи билан чақнади. Алишер имкони бор қадар эҳтиром билан жавоб қилишга тиришиб:

— Сўзларингиз аини ҳақиқат! Зотан бу шаҳарнинг бир куни бир йил билан тенг,— деди.

Чоштгоҳга бориб қуёш яна булутларни ёриб чиқди. Алишернинг уйи олдидаги кенг ҳовли отлиқларга тўлди. Юз-кўзларини чанг босган, хорғин; чамаси, узоқдан келаётган бўлсалар керак. Алишерга булар туркман султони Яқуббекдан совға-салом ва мактуб олиб келган кишилар эканини маълум қилдилар.

— Бугун мактуб оладиган кун экан,— деди Навоий кулимсираб,— меҳмонларни яхшилаб тўйдирилсин.

Хонага сандиқ ва гиламлар олиб кира бошладилар.

— Ҳайдар, келганларнинг бошлиғини бу ерга бошлаб киринг-да, султоннинг мактубини ўқинг,— деди Навоий жиянига.

Навоий Яқуббекнинг уни эсга олиб, йўқлаганидан ажабланмади. Туркман султони фан ва санъат аҳллари-га ҳомийлик қилар, унинг саройида талайгина истеъдодли шоирлар тўпланган эди. Биноийнинг Ҳиротни тарк этиб, худди ана шу Яқуббек қошига жўнагани ҳам бежиз эмасди. Яқуббек Навоийга ёзган мактубларида унинг истеъдодига қойил қолганини бир неча топқир изҳор қилганди. Навоий бир қизиқ воқияни эслади. Султоннинг Жомийга ихлоси баландлигини билган Алишер кунларнинг бирида унга устоднинг девонини ҳадя қилмоқчи бўлади. Китобдор янглишиб, чопарга жавобдан Жомийнинг девони ўрнига бошқа шоирнинг муқоваси ўшанга ўхшаган китобини олиб беради. Чопар китобни юкларнинг остига солиб юборади-да, йўл бўйи бирор марта ҳам олиб қарамайди. Туркман султонининг саройига етиб боргач, Яқуббек, одоб юзасидан ундан: «Йўлда зерикмай келдингизми?» деб сўрайди.

— Йўқ, асло,— дейди чопар тавозе билан китобни султонга узатаркан,— амир ҳазратлари улур султонга ҳадя этиб юбормиш ушбу девондаги мавлоно Жомийнинг ўлмас ғазалларини ўқиб, йўл бўйи лаззатланиб келдим.

Султон Яқуббек чопардан роса кулган экан. Навоий эса, ўшанда китобдорнинг янглишгани ва ўз чопарининг ёлғон галирганини эшитиб, қаттиқ ғазабланган эди. Бироқ ҳозир буни эсларкан, Алишернинг лабларига табассум ёйилди.

Яқуббекнинг бу сафарги совға-саломлари нуқул ноёб, қиммат баҳо моллардан иборат эди. Мактуб эса султоннинг мутафаккир шоир ва доно шаҳар ҳокимига бўлган баланд ихлоси ва чуқур муҳаббатини ифода этарди. Бу оддий мактубгина эмас, сиёсий ҳужжат ҳам эди. Аммо мактубнинг замиридаги маъно Навоийга маъқул тушмади: унда ҳозир амир Алишернинг туркман султони саройига ўтиши айни муддао бўларди деган маънога очиқ-ойдин ишора қилинарди. «Мана энди қўшни султонлар мени ўз ҳузурига чорламоқда,— деб хаёлидан кечирди Навоий алам билан.— Ҳамойки пойтахтдан узоқлаштирилган экан, ўз султониغا хиёнат қилади, деб ўйласалар керак».

Кеч кириб, Навоий отда сайр қиладиган пайт бўлганди. Аксари вақт Мусабек амирни кузатиб борарди, аммо бугун Навоий ёлғиз чиқишни ихтиёр қилди. У танҳо қолиб, ўй-фикрларга берилишни севарди. Алишер ҳар қадамда йўловчилар таъзим қилаётган катта кўчадан бориб, эгри-бугри тор кўчага қайрилди. У мўрисидан тун бурқсаб чиқаётган пастак-пастак уйлар ёнидан ўтиб борди. Учоқларга ўт қаланган, одамлар кечки овқатга ҳозирлик кўришарди. Ҳадемай у шаҳар ташқарисига чиқиб борди. Янгигина ёғиб ўтган ёмғир йўлни пилч-пилч лой қилиб юборган. Жийрон от илдам йўртиб кетди.

Навоий қуёш ботаётган ғарб томонга қараб борар, у тарафдан шамол олиб келаётган денгиз исси тобора яққолроқ сезиларди. Ора-сира кўриниб қоладиган йўловчилар орасида бир неча балиқчи учради; уларнинг бошларидаги балиқ тўла саватлари қадам ташлашларига монанд тебраниб борарди. Навоийнинг хаёлидан бу ердаги халқнинг тирикчилиги сувсиз ердагиларга қараганда хийла осонроқ, деган фикр кечди. Кейин у, исталган парсани харид қилиш мумкин бўлган гавжум бозорлар қандай бўлиши лозимлигини тасаввур этди. Унинг фикрлари ҳар хил моллар ортилган карвонлар ўтадиган катта йўлларга кўчди. У муттасил урушлар ва очкўз амалдорлар мамлакат ва халқни хонавайрон этмаганда, меҳнат қилиб, пешона терини тўккан деҳқонлар ердан олган ҳосилнинг дурустроқ қисмидан ўз тирикчиликлари учун фойдалана олганларида, оғир солиқлар бекор қилинганида Хуросон нақадар бой давлат бўлишини ўйлади. «Бу бошлиқлар бамисоли тўнғизлардек ер титадилар, бу титилган ер ҳосил тўкиш у ёқда турсин», макруҳ бўлади, деҳқон ҳар бир туп донни пешона тери ва юрак қони билан ўстиради, пировардида эса, унинг меҳнат маҳсулини бошлиқлар тортиб оладилар...» Навоий кейинги вақтларда ўз миясини тобора кўпроқ банд этаётган фикрлар ҳақида ўйлай-ўйлай бир вайрона қабр ёнига етиб борди. Қуёш тобора пастлаб борар, нураган пастак деворлар қинғир-қийшиқ кўланка ташлаб турарди. Ерда бошига гувала қўйиб, жулдур кийимга ўралган бир чол чўзилиб ётибди. Яланг оёқлари лойга беланган; кир салласининг печи кўзига тушиб турибди. Қиммат баҳо кийимлар кийган отлиқни кўриши билан у ўрнидан ирғиб турди-да, хайр-садақа сўраб тилана бошлади.

— Кимсиз?— сўради Навоий.

— Тақсир,— деди ғиғон чекиб чол,— авваллари одам эдим, энди номим қолди, холос. Оллонинг карами билан ҳали бу дунёда судралиб юрибмен, йиғлай бериб кўзларимдан ажрадим, юрак-бағрим изтиробда қоврилди. Бир ғарибн бечорамен. Ҳар куни кечаси ҳазрат Жабранл келиб омонатларини оладилар деб ўлим кутиб ётамен, эрта билан эса янги кунни аччиқ-аччиқ йиғлаб қарши оламен.

Алишер ўз умрида жуда кўп қашшоқларни кўрган бўлишига қарамай, ҳар сафар уларнинг аянчли қиёфасидан юраги қаттиқ эзиларди.

— Ўзингиз кимсиз?— яна сўради у.

— Деҳқон эдим, ҳалол меҳнат қилардим, фарзандларим бор эди. Улар бири-биридан жасур, бири-биридан абжир йигитлар бўлиб етишди. Тўнғич ўғлим темирчи эди. Болғаси сандонга гурс-гурс урилиб турганда уй ичимиз севинчга тўлар, ўзимизга ҳам тўқ яшардик.

Чол изтироб билан тўлғаниб жим қолди. Унинг ёшли кўзларида қўрқув акс этар, қиёфаси бангиларнинг ба-шарасига ўхшаб кетарди.

— Қўрқмай сўзлай беринг,— деб унга далда берди Навоий.

— Нима бўлдию, ўғлим билан солиқ йиғувчи ўртасида гап қочди. Ўғлим ҳақсизлик ва истибдодга қаршилиқ кўрсатди. Эртасига соқчилар келиб ўғлимнинг қўл-оёғига ўз болғаси билан кишан уришди-да, аллақаёққа ҳайдаб кетишди...

Чолнинг кўзларидан тинмай ёш қуйиларди. У ҳўнграб, сўзида давом этди:

— Кичик ўғлим заминдорнинг отларини минишга ўргатарди. Жуда азамат бола эди. На кундузи тиним биларди, на кечаси. Бир куни асов от олиб қочиб, болагинам боши ёрилиб ўлди.

Чол гўё аллакимларни лаънатлаётгандай тобора қаттиқ гапирарди:

— Гулранг деган гўзал қизим бор эди, у кўзимнинг оқу-қароси, овунчоғим, уйимнинг бекаси эди. Кўчманчи-чорвачилар олиб қочиб кетишди.

Навоийнинг юрак-бағри эзилиб кетди, бироқ чолни энди тўхтатиб бўлмасди.

— Кампирим бу мусибатларга бардош бера олмади, оллога омонатини топширди, мен сўққа бош бўлиб қол-

дим. Сахродаги тош ҳам менчалик ғариб эмасдир. Деҳқончилик қилишга мадорим етмай, еримни ташлаб мешкоплик қилдим. Менинг мешкопчилигим қаёққа борарди, дейсиз. Қўлларим қалтираб, қуйган сувим тўкилиб кетади... Кўнглимга тасалли бериш учун Маккага жўнамоқчи бўлдим, йўлда пешонамдаги биттаю-битта эшгимни ҳам ўғирлаб кетишди. Мана энди тоқатим тоқ бўлиб, худодан ўлим тилаб ётибман.

Бир одамнинг бошига шунчалик мусибат тушишини ақл бовар қилмасди. Навоийнинг жигар-бағри эзилди. Эҳтимол хотини ҳаётлик вақтида бу киши уни сўкиб-койигандир, гўзал Гулрангни неча-неча марталаб хафа қилгандир, эҳтимол Гулранг ҳозир ота тасоввур этаётгандай гўзал ҳам бўлмагандир, аммо чол айтган гаплар ҳаммаси бир бўлиб, шундай қайғули манзара яратган эдики, бунга амалдорларнинг ўзбошимчалиги, илмсизлик, барча меҳнат самараларини ўз дамига тортувчи адолатсиз солиқлар сабабчи эди. Битта шу чолнинг ўзи ҳаёт қаршисига бирданига шунча айб қўйдики, бу муаммолар чигили бутун бир юртнинг қозилари учун етиб ортарди.

— Менга қаранг, ота,— деди Навоий бир оз жим қолгач,— оллонинг ўзи омонатини қистамаётган экан, ўлишга ошиқманг. Эртага эрталаб шаҳарга, тўғри ҳокимнинг уйига боринг. Амир Алишер юборди деб айтинг. Улимга яқин бўлмоққа жуда орзуманд бўлсангиз, бирор қабристонга қоровул қилиб қўйишади. Тепангизда бошпанангиз бўлади, овқатингиз тайин. Бир оз шундай яшаб кўринг, яна ҳаётга муҳаббат қўйиб қоласиз...

Навоий шундай деди-ю, отини ниқтаб ғарбга томон оҳиста йўлга тушди. Денгиз тарафдан эсаётган шамол кучайиб борарди. Совуқдан Навоийнинг эти жунжикди. У денгизнинг сирри-асрори ҳақида ўйларди. Денгиз унинг бутун хаёлини банд этди. Унинг «Сабъан сайёра» достонига кирган денгиз қароқчиси ҳақидаги сеvimли эртагини нақадар шавқ-завқ билан ёзганлиги бежиз эмасди. Бу эртақда у денгизнинг ўзига хос гўзаллигини, денгизда саёҳат қилган одам дуч келиши мумкин бўлган барча хавф-хатарларни намоён этиб кўрсатишга ҳаракат қилганди. У ўзини бунинг уддасидан чиққандай ҳис этарди. Энди гоҳ мовий тус олиб, гоҳ қорамтир ранга кириб, гоҳ оппоқ кўпикланиб мавж ураётган денгиз тўлқинларини тез-тез келиб кўраркан, у буни айниқса яқ-

қол ҳис этди. Тўғри, денгизни томоша қиларкан кўпинча унинг юраги сиқиларди. «Агар ўз хоҳишинг билан яшасанг, қабрдек тор ҳужрада ҳам бахтиёр бўлишинг мумкин,— деб ўйларди у кўпинча.— Аммо ғурбатда яшашга мажбур этсалар, бепоён кенглик ҳам кўзингга зиндон бўлиб кўринади».

Кеч кириб, теварак атрофни гира-шира қоронғилик чулғай бошлади. Йўл-йўлакай ҳали унда-ҳали бунда атрофи нураб тушган деворлар билан ўралган хароб кулбалар учарди. Ана шундай кулбаларнинг биридан қандайдир бақирган овозлар эшитилди. Навоий яқинроқ бориб, маст-аласт кишиларнинг бақириваётганини англади. «Астрободнинг донғи кетган пастқам маҳаллалари-ку! Ҳа, буларни обод қилмоқ учун ҳали кўп заҳмат чекиш керак»,— ўйлади у дард билан. Навоий отни ниқтади ва яна бир оз нари боргач, шаҳарга бурилди.

* * *

Бу кеч амир Алишер ҳеч кимни қабул қилмади. Бугунги сайр ва қашшоқ чол билан бўлган учрашувдан таъсирланган Навоий қалбини ҳаяжонга солаётган нарсалар ҳақида ўйлаб олиш учун китобхонага ўтди. У анчадан бери Султон Ҳусайнга жудолик ойлари мобайнида юрагида йиғилган дарду-ҳасратларини ва бу ерда кўрганларининг ҳаммасини ёзмоқчи бўлиб юрарди. Ким билади, балки ҳали ҳам кеч эмасдир, султон ақлу-ҳушини йиғиб, юрт фаровонлиги ва давлатнинг куч-қудрати йўлида нималар қилиш лозимлигини англаб олар.

Эндигина хат ёзишга тутинган Алишер қўлидаги қаламини қайтиб қўйишга мажбур бўлди: Ҳиротдан бир тўда отлиқ келиб қолди, улар кетидан бутун бир карвон келарди. Астрободга хўжа Афзалиддин келмоқда экан.

Ҳурматли вазир истиқболига Алишернинг ўзи чиқди. Навоий вазирнинг чеҳрасидан аллақандай тасодиф юз берганини англади.

— Ҳиротда даҳшатли ишлар содир бўлмоқда,— деди Афзалиддин салом-аликдан кейиноқ, қўрқа-писа атрофга аланглаб.— Бу даргоҳда ўғил ўз отасини ўлдирса, камина ҳеч бир ажабланмагай. Бутун Хуросонда кекатоват аждари ўрламоқда. Мен Маккага йўл тутдим.

Алишер меҳмонларга энг лаззатли таомлардан тортишни буюрди. Аммо шарбат ва ёғлиқ қўй гўштини як-

ши кўрган Афзалиддин бу сафар овқатга қайрилиб ҳам боқмади. Унинг бир вақтлардаги лўппи юзлари солқиб қолган, ҳамма вақт диққат билан тараб юрадиган соқоли пахмайиб кетган, кўзлари хомуш боқарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, у уйқуга ётишни истамади. Шундан сўнг Навоий Ҳиротда содир бўлаётган воқиялар ҳақида батафсил сўраб олишга жазм қилди.

— Каминанинг Султон Ҳусайнга ва умуман Темур авлодига нақадар содиқ эканини ўзингиз биласиз, амир Алишер. Эзгулик душмани бўлган ана у қашқир ҳокимиятни ўз қўлига олгандан сўнг менинг садоқат билан қилган ўн беш йиллик хизматим сўнган гулхан тутунидек бўлиб қолди. Тухмат ортиб, номимни ёмонга чиқарди. Қим билсин, вақти ғаниматда Маккани зиёрат қилмоқ учун ижозат олмаганимда озодликда узоқ яшай олармидим, йўқми.

Гап ким ҳақида бораётганини сўраб ўтиришнинг хожати йўқ эди.

— Шундай қилиб, аввалгидек Маждиддиннинг қўли баланд денг?— эҳтиёткорлик билан сўради Навоий.

— Айтгани-айтган, дегани-деган! У султоннинг мақраби. Барча вазирларга дағал муомала қилади. Атрофига бир тўда ювиндихўрларни тўплаб олган. Уйида базмлариинг кети узилмади. Зиёфатларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган таомлар тортилади. Бундай таомларни унинг уйида тез-тез меҳмон бўлиб турадиган фарангистонлик савдогарлар келтиришади. У ўзи учун кўнгли истаган жамики нарсани муҳайё қилган, халқни эса, хаёлига ҳам келтирмади. Хуросонда ундан жабр тортмаган бирорта киши қолмади...

«Оҳ, Хуросон, Хуросон, бу зулм-истибдодга токайгача тоқат қиласан?!»— деб фиғон чекди Навоий. Сўнг борган сари кучайиб вужудини сирқиратаётган аламни босиш учун сўради:

— Низомулмулк-чи?

— Униси ҳамон ўша-ўша хушомадгўй ва айёр. Ишқилиб, ўғилларимга-қўл тегизишмаса бўлгани, дейди. Низомулмулк қудратли вазирга ҳар томонлама ён босиб ўғилларини катта-катта мансабларга ўрнатди. Барбод бўлишига бир баҳя қолган эди, йўқ, қаддини яна пастроқ букишга қарор қилди. Маждиддин, бундай одамлар қўл остимда бўлса, чакки бўлмас деб ўйлади. У тўғридан-тўғри Низомулмулкнинг олдига: «Мени қўллайди-

ган бўлсанг, — яша, бойий бер, йўқса ўзингдан ўпкала!» — деб шарт қўйибди деган гаплар бор. Гарчанд бир-бирларини ёмон кўрсалар-да, ҳозир улар жуда иноқ, чунки Маждиддин — умуман ёвуз махлуқ, Низомулмулк эса — унга қарам.

— Султон Ҳусайн-чи? — деб сўради Навоий шивирлагандай паст овоз билан.

— Султон ғафлатда. Ҳар ҳолда кўп нарсани кўриб, билиб туради. — Афзалиддин атрофга қараб олди. — У сизни эсламайди деб ўйлайсизми? Йўқ, зўр эҳтиром билан тилга олади ва ҳар сафар бошқалар олдида ўзини оқлаётгандек, Астрободга ҳоким бўлиш фахрли вазифа деб таъкидлаб қўяди.

— Маждиддин шунисига хурсанд, денг! — аччиқ кулди Навоий. — Унинг муддаоси, ишқилиб мен бу ерда кўпроқ қолсам, — деди Навоий сўнг бир оз ўйлаб туриб, қўшиб қўйди. — Ҳажга жўнайверинг, дўстим, илдамроқ жўнанг. Камина ҳам бажонидил ҳамроҳ бўлган бўларди, аммо ўзига ишониб топширилган кишиларни ташлаб кетмоққа ҳаққи йўқ. Фалак гардишининг менга қилган бевафолиги ўз бошимдан йитсин, халқ унинг жабрини тортмаслиги лозим.

Навоий меҳмони билан хўшлашганда вақт ярим кечадан оққанди, бироқ кўзига уйқу келмади. Унинг миясига Султон Ҳусайнга айтмоқчи бўлган оташин сўзлар қўйилиб келарди, шунинг учун у ишни пайсалга солмай, шу ондаёқ мактуб ёзишга ўтирди.

МАКТУБ

— Уқи! — деб буюрди султон қовоғини солиб котибга. Котиб Навоийнинг мактубини шавқсиз бир оҳангда ўқий бошлади. Эрталабки қабул эндигина бошланганди. Кеча кечаси Султон Ҳусайн алламаҳалда ётди. Балхдан хунук хабар келганди. Мамлакатда яна ғалаёнлар бошланмоқда, аммо энди уни бостиришга султонда на хоҳиш бор, на куч-қудрат. Зебу-зийнат ва айш-ишратга мойил кўнгил бошқа ҳеч нарсани истамасди: «Ўз Ҳиротимни шон-шуҳратга буркамадимми? Нима истайдилар яна мендан?!»

Алишер уни эл-улус хизматига даъват этарди. Султон ҳар куни маълум соатларда халқнинг шикоят ва

илтимосларини ўз қулоғи билан тингласа ва тегишли чоралар кўрсагина мамлакатда тартиб-интизом ўрнатилгуси, деб ёзганди у. Ҳар бир ишни айрича муҳокама қилмоқ, ҳар бир кишига алоҳида диққат бермоқ зарур. Майхона, қиморхоналарни ёпмоқ, кўпроқ мадраса-мактаблар очмоқ лозим; султон то бозордаги нарх-нивони текширмоққа қадар барча ишга ўзи бош қўшмоғи даркор. Айниқса солиқ йиғувчиларнинг ишини, уларнинг хатти-ҳаракатларини жиддий кузатиб бормоқ, маҳкамаларда порахўрликка барҳам берилмоғи лозим.

Алишер ўз фикрларини шеърда ифодалаб, ҳеч кимнинг номини атамаса-да, пардали қилиб, султонни қуршаган вазирларнинг ўз манфаатини кўзловчи пасткаш кишилар эканлигини фош этганди. Унинг ғазалкор сатрлари ушбуларга қаратилганди:

...Босира шамъин ўчургудек қариҳ,
 Ақл ҳаёсин кетарурдек сафиҳ...
 Қатл бўлиб одату хўйн анинг,
 Марг рағи ҳар сари мўйи анинг.
 Дуилигидин ит била яқсон бўлиб,
 Бал ит анинг қошида нисон бўлиб.
 Чарх оин соҳиби шоҳ айлабон,
 Тобнъ анга хийла сипоҳ айлабон
 Ўт каби ҳар нечаки, саркаш бўлиб,
 Хильват анга хуллан заркаш бўлиб.
 Гарчи йнлондек зарари ом анга,
 Ганжи Фаридуи уза ором анга.
 Қатл ишнга гарчи қиличдек самар,
 Айлаб анн шоҳ мурассаъ қамар.

Алишернинг эҳтиросли сўзлари, оқилона далиллари Султон Ҳусайинни бир лаҳза ҳаяжонга солди; султон мамлакатда ўз шаъни-шавкати ва Хуросон салтанатининг таянчи бўлиб турган диёнатли ва олиёҳиммат киши борлигини тушунарди. Аммо энди халқнинг Навоийга бўлган муҳаббати унинг ҳасадини келтирар, шунинг учун у амир Алишернинг душманлари тўқиган бўхтон ва уйдирмаларга бажонидил қулоқ солар эди.

У мактубга эҳтиром билан, аммо совуққина қилиб жавоб ёзди; жавобнинг замирида «ҳаливери Ҳиротга қайтишни хаёлингизга ҳам келтирманг» деган маъно ётарди,

ИЖОЗАТСИЗ ҚАЙТИШ

Бир йил ўтди. Навоийга баъзан бутун умри гурбатда ўтиб кетадигандай туюларди.

Хазони боғ аро ул ой тан чеҳрамни кўрган чоғ,
Дедиким, бир қуруқ шоҳ узра қолмиш бир сариф япроғ.

Янги бинолар қад кўтараётган кўчалар манзараси, қашшоқларнинг тобора камайиб бораётгани, Мусабекнинг янги ариқлар қазилаётгани ҳақидаги хабарларигина унга тасалли берарди. «Элга бу ерда ҳам фойда келтириш мумкин,— деб қайта-қайта такрорлади у ўзига-ўзи.— Бироқ Ҳирот бошқа олам... Қани энди лоақал яна бир марта унинг ҳавосидан қониб нафас олсам, Хиёбонда кезсам, Жомий ҳазратлари билан суҳбатлашсам!..»

Ниҳоят сабр-тоқати тугаб, у ижозатсиз Ҳиротга йўл олди.

Эрта тонг пайти. Султоннинг қабулхонасига қовоғини солиб, шижоат билан Маждиддин кириб келди-да, тоқатсизлик билан у бурчакдан-бу бурчакка юриб, Султон Ҳусайннинг уйғонишини кута бошлади. Бугун Маждиддиннинг тақдири янгитдан ҳал бўлмоғи керак: у Навоийнинг ўзбошимчалик билан қайтиб келганлиги ҳақида хабар келтирганди, аммо Ҳусайннинг бунга қандай қарашини билмасди. Кўпда қаттиқ кетмай, султонни ишонтирмоғи, жигар-бағри ўтда ёнаётган бир пайтда ўзини вазмин тута билмоғи лозим эди.

Кўп ўтмай Маждиддин султоннинг хабгоҳига кирди. Бир оздан сўнг, у ичкаридан мулойим қоплон юриш қилиб қайтиб чиқди, лабларида табассум, чунки Навоийга эртагаёқ яна Астрободга жўнаш таклиф қилинадиган бўлди. Ҳусайн Астробод аҳолиси ўзининг доно ҳокимисиз яшай олмайди, деган далилни дастак қилиб олганди.

Бу кўнглисиз сафарда Навоийнинг кўнглига тасалли берган бирдан-бир нарса унинг Жомий билан учрашуви бўлди. Улар шошилич учрашганларига қарамай, жуда самимий суҳбатлашдилар.

— Токайгача ҳар тарафга шамолдек елиб юрамен,— деди Навоий.— Туриб-туриб: «Мени бу изтироблардан халос эт!» деб юборгудек бўламен. Юрагимни фақат сизга очамен, холос.

— Умид боғи ҳамиша меваларга тўлиб, бахтингиз ёр бўлғай! Бир вақтлар Самарқандда ҳам таҳсил кўрса бўлади деб эдингиз, энди эса ўз-ўзингизга: «Астрободда ҳам ижод этса бўлади!» деб айтмоғингиз лозим.

— Эвоҳ! У вақтда Ҳиротдан Абусаиднинг хоҳиши билан жўнагандим, мени Султон Ҳусайннинг дўсти деб айблашганди, энди бўлса...

— Улуғ ишингизни асло ташламанг! Сиз яратган «Хамса» санъат оламида чинакам муъжиза бўлди. Шу билан қаноатланиб қолманг. Ўз она тилингизда битган ғазалларингизни бир неча девонга тўплагансиз; шуларни бир-биридан ажратинг ва ҳар қайсисини ўзига муносиб ном билан безанг.

— Истақларингизни жоним билан бажо келтиргумдир. Камина ўзи ҳам шуни ўйлаб юрганди. Биринчи девонимни «Ғаройибус сиғар» деб атасам, ўспиринлик даврида битилган ғазаллар тизилмиш иккинчи девонни «Наводируш шабоб», учинчисини «Бадойиул васат» ва бундан буён битилган ғазаллар киритилгуси тўртинчи девонни «Фавоидул кибор» деб атасам, устод нима дейдилар?

— Бағоят гўзал,— деб жавоб қилди Жомий.

Хўшлаша туриб, улар бир-бирларига совға тақдим қилдилар. Навоий кекса дўстига Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си билан сандал дарахти пўстлогининг ширасидан тайёрланган қиммат баҳо дори ҳадя этди.

— Араб табибларининг сўзига кўра бу дори кишини бақувват қилади. Каминанинг табиби бу дорини тайёрлаш хусусида Астрободда донг таратган.

Жомий Навоийга Беҳзод рангба-ранг нафис нақшлар билан безатган ўз девонини туҳфа қилди.

Ҳусайн-чи?

У ортиқча таъналар эшитмай, осонликча қутулганига севиниб, Алишерга бош-оёқ сарпо кийгизди ва унга ўзининг ошпазини бирга олиб кетишни таклиф қилди.

— Лазиз таомга иштиёқингиз зўр-ку,— деди у назокат билан жилмайиб.

Навоий бундай илтифотга таажжубланди, бироқ таклифни бажонидил қабул қилди. Ошпазни қўшиб юбориш фикри Мажиддиндан чиққан эканини у хаёлига ҳам келтирмади.

— Ҳиротдан бундай тез қайтиши кўнглига оғир бот-

масин учун унга дўстона илтифот кўрсатмоғнигиз лозим,— деганди Маждиддин, Султон Ҳусайнга.

Навобий қалбида оғир дард билан жўнади.

Жўнаш фурсати етганда оти анча вақтгача жойидан жилмади.

— Бу олақароқ от, кунга қараб юролмайди,— деди стбоқар.

Кун ботар пайт бўлиб, қуёш ғарбдан, Навобий кетаётган тарафдан тушиб турарди.

СУЛТОННИНГ ОШПАЗИ

Тепада катта-катта узум бошлари осилиб турибди. Шундай қўлингизни узатсангиз, хоҳлаганингизни узиб оласиз. Қаҳрабодек сап-сариқ йирик-йирик гужумлар қуёш ёлқинида товланади. Жазирама иссиқ ер бетини торс-торс ёриб юборган. Тинкаси қуриган Ҳайдар қақраб кетган ерга ўтирди. Шира олган узум энди чанқов босмасди, шунинг учун Ҳайдар ишкомнинг ёнгинасидан оқаётган ариқдаги сувга зўр ташналик билан юзини пишди.

«Бу лаънати шаҳарда тоқайгача сандирақлаб юрамен! — деди у хун бўлиб ўзига-ўзи. Ҳирот шовқин-суронли ҳаёти, шоир ва машшоқлари, базм ва овлари билан уни ўз бағрига чорларди. Ҳайдар пойтахтнинг олди олифталаридан эди. У аёлларга ўхшаб турли хил безаклар ва ғалати-ғалати кийимларни севарди. Базм ва қабул вақтларида у гоҳо пишиқ ипдан тикилган мўғулча қалпоқ кияр, гоҳо эғнига хитойи шоҳисидан тўн кийиб, белбоғига чақмоқтош солиғлиқ халтача, атир қутича ва бошқа безаклар осиб оларди.

Ҳайдар денгиздан қўрқарди, астрободликлар эса унинг назарида, улфат бўладиган кишилар эмасди. Аммо севимли дўсти ва тоғаси Алишернинг таҳқирланиши уни айниқса ғазаблантирарди: «Румдан то Чинмочин*гача донг таратган шоирни, тинмай ғайрат қилиб Хуросонни обод қилган вазирни Ҳиротдан бадарға қилсалар-а!»

Ҳайдар Алишернинг уйини қулай қилиб жиҳозлаш учун нима илож бўлса — ҳаммасини қилди. У мулозим-

* Румдан то Хитойгача дейилмоқчи. (Тарж.)

ларга ўзи бош бўлиб қилинадиган юмушларни тақсимлаб берар, отларга қараб турарди. Ҳиротдан Навоий билан бирга келган янги ошпаз унга ҳеч бир ёқмади. Ранги-рафтори хунук, кўзлари бежо бу индамас кишининг ўзига сира алоқаси йўқ ишларга аралашини, гап пойлаши, ҳамма ерга бош суқиб юришини Ҳайдар бир неча бор пайқади. Шундан сўнг у ошпаз кетидан пойлашга аҳд қилди.

Бир куни Ҳайдар ўз шубҳаларини Навоийга айтган эди, у:

— Сўзларингиз ноҳақ, бутун фикру-зикрингизни интиқом иштиёқи оғулаган,— деди.

— Сиз ҳаддан зиёд кўнгилчан ва олижанобсиз,— деб эътироз билдирди Ҳайдар, қизиққонлик билан.

Ҳозир у боғда ясланиб ётаркан, ғазаб тўла қалбини аллақандай мужмал ташвиш ғулғулага соларди. У бир ўтни тиши билан узди-да, жаҳл билан яна тупуриб ташлади. Ола-була бир бароқ мушук аста-секин унинг олдига келди-да, пинжигга тикилиб, қўлига суйкала бошлади. Ҳайдар беларволик билан мушукнинг орқасини силаркан, бирдан ишқомнинг нарёғида гўнғир-гўнғир гаплашган овозни эшитиб қолди: икки киши гаплашмоқда,— бири эркак, бири аёл.

— Мен сизни дарҳол танидим, Мусабек ака...

Эркак киши унинг гапини бўлди:

— Умрим бўйи висолингга интилдим, Дурсултон...

— Шу-шу бўлиб, бутун умрим мана шу боғда ўтди...

— Юзингни бир кўрсат, жоним, дийдорингга тўяй. Эсингдами ху ўша ойдин кеча?.. Ҳамон ўшандагидай гўзал эканингга ишончим комил.

— Йўқ, йўқ! Менинг умрим хазон бўлди!

— Аммо муҳаббат ҳеч қачон хазон бўлмайди. Эсингдами, бир маҳаллар: мен узоқ юртлардан излаб келган лочин мерганга тегаман дегандинг... Мен ўша лочин мерганман, ниҳоят висолингга етишдим.

— У вақтда қиз бола эдим. Сизни бир йилгача кутдим, мени роса қийнашди, оч қўйишди, сочларимни юлишди, обдан савалашди, аммо аҳдимдан қайтариша олмади. Бир йил ўтгач, ноилож тақдирга тан бердим. Худога шукур, узоқ азоб тортмадим, мени бир чолга узатишганди, кўп ўтмай у ўлди, ўшандан бери мана шу боғда ишлаб ётибман...

Шамол овозни босиб кетди. Ҳайдар жилмайди — у Навоийнинг мулкларини бошқарувчи ҳурматли гумашта, довьорак навкар Мусабек муҳаббат дардида ёнган одамдир деб сира ўйламаганди. Ҳайдар ўрnidан оҳиста туриб, уйга қараб юрди. Ҳали у хаттотдан ишни қабул қилиб олиши керак: Жомийнинг маслаҳати билан амир Алишер девон тўплаётган бўлиб, хаттот ҳар кун камидан эллик байт ғазал кўчиради эди. Навоийнинг ғазалларини айниқса севган Ҳайдар ўз уйининг деворига қуйидаги байтни ёзиб қўйганди:

Ўн саккиз минг олам ошибу агар бошингдадур,
Не ажаб чун сарви нозим ўн саккиз ёшингдадур?

Навоий буни кўриб кулди:

— Бу ғазални битганимда мен навқирон йигит эдим. Ҳа, ёшликнинг жозибали савдолари энди сенинг бошингдан кечмоқдами?

Тушлик пайти яқинлашиб қолганди. Ҳамма вақт тушлик тантанали вазиятда ўтарди. Хилма-хил ишлар билан банд бўлган Навоий чоштгоҳга бориб бутун ишларини тугатар ва тушлик овқатдан сўнг дам оларди. Тушки овқат пайтида меҳмонлар кўп бўларди. Улар шарбат ичиб ўтириб ғазаллар ўқишар, янгиликлардан гапириб беришарди, Навоий шундай пайтларда нарироқдан музика эшитилиб туришини яхши кўрарди.

Шу кун Навоий уйига одатдагидан кеч қайтди: у жуда чарчаган ва дилгир эди. Таҳорат оларкан, уйнинг бир бурчагида алланарса ерга тушиб кетди-да, жаранг этиб синди. У яқин келиб, пушти гулли қиммат баҳочинни коса чил-чил бўлиб синганини кўрди ва юраги жиз этди. Ола-була бароқ мушук ўзини эшикка отди.

— Эҳ, Ҳайдар тушмагур-а!.. Ҳамма ёқни мушук бос-тириб юборди!

Шу пайт Навоийнинг ҳузурига кирган Мусабек чинни синиқларини териб олди, кейин жимгина шоир қаршисига келиб тўхтади. Унинг қиёфасидан нимадир айтмоқчи экани сезилиб турарди. Навоий ўз гумаштасининг хулқи-атворини яхши биларди. Ҳошим бобо ўлгандан бери Навоий яқин кишиларидан ҳеч кимга Мусабекчалик меҳр қўймаганди. Алишер соф диллиги, довьораклиги учун уни жуда севар, садоқатини қадрларди.

— Чамаси камянага бир нима айтмоқчилар?— деди Навоий Мусабекка мулойимлик билан.

— Камина ўз бахти кулиб боққанини дастлаб ҳазратларига баён этмоқчи: Дурсултонимни топдим, унга уйланмоқчимен. Йиллар қизил гул ёнидан оққан сувдек унинг кўркига-кўрк қўшибди.

— Кўрдингизми, иним, бахтга лойиқ киши албатта унга муяссар бўлганидек бир кунмас-бир кун сизнинг ҳам бахтингиз кулиб боқади демаганмидим.

Шу куни тушлик овқатда уй ичидагилардан бўлак ҳеч ким бўлмади. Навоий хитойи чинни коса синганини айтиб Ҳайдарни койиған бўлди, аммо унинг хижолат бўлганини кўриб, ўзи кулиб юборди.

Баковул дастурхонга турли хил мевалар келтириб қўйди, қадаҳларга шарбат қуйилди, сўнг каттакон лаганда ховури кўтарилиб турган палов келтирилди. Навоий билан Ҳайдар ҳали ошга қўл узатмаган ҳам эдиларки, гўё тўсатдан бўрон эсгандай, гилам тўсиқни шахт билан очиб, Мусабек югуриб кирди ва одоб-эҳтиромни ҳам унутиб, ўзини Навоий томонга отди:

— Худо ҳақи, овқатга қўл урманг, тақсир!

Навоий қўлини энди лаганга узатишга чоғлаган ерида яна тортиб олди-да, диққат билан Мусабекка тикилди, Ҳайдар сапчиб ўрнидан турди.

— Сўзланг!— деди Навоий қисқагина қилиб.

— Бу шундай даҳшатли гапки, қаттиқ сўзламоқ ҳам бўлмайди. Ижозат берсангиз, қулоғингизга айтсам.

Навоий қўл ишораси билан ижозат бергач, Мусабек энгашиб, унинг қулоғига шивирлади. Навоийнинг кўзлари хиралашди. У Ҳайдарга, хириллаб унинг оёғига суйкалаётган мушукка боқди. Сўнг қўлини аста узатиб бир чимдим ош олди-да, мушукка ташлади. Мушук ирғиб туриб, гилам устидаги қизғиш гуруч доналарини апил-тапил териб ея бошлади. Бир дақиқадан сўнг у тўсатдан ўзини осмонга отди, жон-жаҳди билан миёв-лаб, гир-гир айланди-да, узала тушиб, қимир этмай ётиб қолди.

— Аҳа, ҳали шундайми?— деб ўкирди Ҳайдар.— Ҳамиша айтардим-а, бу ошпазнинг оёқ олиши... Сиз қардан билдингиз?— деб шахт билан сўради у Мусабекдан.

Мусабек бир лаҳза кечикилса олдини олиб бўлмай-

диган даҳшатли ҳодиса рӯй беражагини ўйлаб, ғазабдан титраркан, жавоб қилди:

— Дурсултон овқатга қарашиб турарди, бугун у ошпазнинг паловга ғалати бир нарса сепганини кўрибди. Сал олдин ошхонадан чиққан экан, қайтиб кирганини ошпаз пайқамай қолибди.

— Дарҳол тутиб, қўл-оёғи боғлансин! — деб қичқирди Ҳайдар ғазаб билан ва отилиб ташқарига чиқиб кетди.

Навоий индамай ўтирарди. Миясига бутун ташвиш ва тахликалар қуйилиб келди. У ўзи ҳақида, ҳозиргина даф қилинган хавф-хатар ҳақида эмас, инсон қалбининг қабихлиги, вафо эвазига хоинлик, садоқат эвазига беқадрлик қилиниши ҳақида ўйларди. «Наҳотки Султон Ҳусайн бундан хабардор бўлса? — деб ўйлади Навоий, аммо шу заҳотиёқ бу фикрни ўзи рад этди. Йўқ, бу Маждиддиннинг иши...»

Шу куни қуйидаги сатрлар битилди:

Фурқат саҳари ғамға йўлуқтирди мени,
Хижрон куни юз балоға топшурди мени,
Ғам шони ўлим холиға еткурди мени,
Тонг откуча уйқусизлик ўлтурди мени. .

Эртасига Ҳайдар чопар сифатида Ҳиротга жўнади. У амир Алишернинг ҳаётига суи қасд қилингани ҳақидаги хабарни етказиши керак эди.

Қ А Й Т И Ш

Навоий Ҳиротдаги ўз уйининг меҳмонхонасида тоқатсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юрарди. Аксари вақт бу ерда шоирлар мажлис қураб эдилар. Нақш солиб безалган деворлар, гилам устига ярим доира шаклида солинган пар тўшаклар — ҳаммаси бу ерда Ҳиротнинг фузало ва шуаролари билан ўтказилган кечаларни эслатади.

Алишер Астрободдан қайтгач, «Ҳазрат олийларининг ишончли кишиси» деган унвон олди. Ҳайдардан Навоийнинг ҳаётига суи қасд қилинганини эшитиб, хавотирга тушган Султон Ҳусайн шоирни ўз ҳузурига чақиртириб олганди. Энди Алишер Хуросон ҳукмдорининг бар-

ча ишларига бош қўшиши керак эди. Ишлар эса пачава, юрт нотинч. Бунинг устига Ҳайдарнинг ўзбошимчилиги ошиб тушди.

Навой қарс чалди. Мулозим кириб, таъзим қилди.

— Муҳтарам инимизни йўқлатганимизга кўп вақт бўлди. Буйруқ бажарилмаслигига боис недур? — деб сўради Навой аччиғланиб.

Унинг аҳён-аҳёнда ана шундай қаттиқ жаҳли чиқар, бундай пайтларда атрофдагилар зир титрашарди. Аммо кути ўчган мулозим жавоб беришга ҳам улгурмасдан, ҳар қачонгидек кайфи чоғ ва хушчақчақ Ҳайдарнинг ўзи кириб келди. Навойнинг кўзлари вазмин боқар, у ўз кўксига туғён ураётган ҳисларни сездирмасликка тиришарди.

— Йўқлатибмидингиз, тақсир? — бепарволик билан сўради Ҳайдар.

Унинг беғамлиги Алишерни бадтар ғазаблантирди. Қап-катта йигит токайгача ёш боланинг қилиғини қилади?

— Ҳа, йўқлатиб эдим, ўтинамен, сўзларимни диққат билан тингланг. Саволларимга фақат ҳақ гап билан жавоб қайтаринг.

Ҳайдар ҳамишагидай лабларида жилва қилиб турган табассумни яширишга тиришиб, қўлини кўксига қовуштирди-да, таъзим қилди.

— Ошпаз воқиасини султонга сўзлай туриб, ўзингиздан ҳеч нарса қўшганингиз йўқмиди?

Ҳайдар хижолат бўлиб ерга қаради, бироқ тезда ўзини тутиб олди-да, Навойнинг кўзларига тик боқиб:

— Уша кезларда Астрободда юз берган барча воқиаларни сўзлаб берганмен, — деди.

— Туркман султони Яқуббекнинг совға-салом билан киши юборганини ҳам сўзлабмидингиз? — деб сўради Навой шивирлагудай паст овоз билан.

— Ҳазрат олийлари беҳабармидилар бундан?

— Хабардор эдилар. Бироқ сиз бу хабарга ўзингизча нима маъно бердингиз? Ҳазрат олийлари буни ўзларига хиёнат маъносига тушунибдилар.

— Каминанинг фикрича шундай йўл тутганингизда сиз тамомила ҳақ иш қилган бўлурдингиз. Бундай хўрлик ва ҳақоратларга чидаб, ўлим хавфи остида яшамқдин кўра...— Ҳайдар энди хотиржам гапирарди.— Айтган гапларимнинг қандай таъсир кўрсатганини ўзин-

гиз ҳам кўриб турибсиз: сизни дарҳол Ҳиротга чақиртириб олишди.

Бу сўзлар Навоийни момақалдироқ овозидек қарахт қилди.

— Бефаросат тентак! — деб ҳайқирди Навоий.— Шунча йилдан бери ҳузуримда яшаб, замонамизнинг оқил ва фозилларини кўрасиз-у, аммо ҳалигача одамни одамдан фарқ қилмас экансиз-да! Шу вақтгача мени билмас экансиз! Наҳотки менинг хиёнатдан жирканишимни, Султон Ҳусайн олий ҳазратларига хиёнат қилмоқ: Ҳиротга, Хуросонга, мен кўзимнинг нури, дилимнинг сурури деб билган жамики нарсага хиёнат қилмоқ эканини англамасангиз?!

Бирдан Ҳайдар қизишиб, оз бўлмаса тоғасининг гапини ярмида бўлиб қўйгудек бўлиб, эҳтирос билан сўзлай кетди:

— Мен эса, сизни ўз жонимдан афзал кўрамен, хўрланмоғингиз ва хавф-хатарда яшамоғингизга тоқат қиллолмаймен. Мен учун буларни кўрмоқдин ўлим афзалроқдир. Сиз мени меҳр билан тарбия қилдингиз. Даргоҳингизда яшаб муҳтожлик кўрмадим, қўлимдан келганича хизматингизни қилдим. Энди буларнинг ҳаммасидан воз кечурмен. Сиздан йироқлашмоқни ўйласам, ғам-ғусса калхатлари қалбимни пора-пора қилади, аммо мен бутунлай бош олиб кетмоққа аҳд қилдим. Ҳиротда, бу оч бўрилар орасида бўлсам, бирор ножўя иш қилиб қўймоғим мумкиндирки, мени ҳам, сизни ҳалок этар.

Бу сўзларни эшитиб, Навоий хайратда қолди. У енгилтак Ҳайдардан буни асло кутмаган эди. Алишер ўзини хотиржам тутишга тиришиб, совуққонлик билан деди:

— Бундан илгарироқ сизни зиндонга ташламасалар деб қўрқамен; у чоқда ёрдам бермоққа каминанинг ҳам қурби етмас.

— Мен зиндондан қўрқмаймен.— Бу жавоб яна ўша аввалги енгилтак Ҳайдарнинг жавоби эди.

Навоий алланарса деб эътироз билдирмоқчи эди, мулозим кириб, Мажиддиндан киши келганини хабар қилди.

Навоийнинг кўнгли бадтар ғаш бўлиб, ғазаби аланга олди. У ўзининг Астрободдан қайтгани ва янги унвон олганидан Мажиддин қанчалик норози эканини биларди. Бу бадкорнинг яна не муддаоиси бор? Аммо Навоий

яқингинада Ҳиротга қайтганидан Маждиддиннинг юлдузи аста-аста сўнаётганини ҳали пайқаганича йўқ эди. Маждиддиннинг ўзи эса, енгил, аммо совуқ шамол эса бошлаганини сезганди: султон ҳузурда бўлганида гоҳо бирдан Ҳусайннинг пешонаси тиришиб, қовоғи солинар, гоҳо султоннинг суюкли хотини Хадичабегим саройда рўпара келиб қолганда бирдан кўркам ва қаҳрли юзини терс ўғирарди. Бу, албатта, андиша қилганидан бўлма-са керак. Хадичабегим олдида унга нисбатан Низомулмулкнинг эътибори бирмунча зўр эди.

Навоий тоқатсизлик ва кўнгилғашлик билан Маждиддиннинг одами нима деркан деб кутмоқда эди. Чо-пар таъзим қилди-да, тантанали оҳангда деди:

— Хўжам Маждиддин Муҳаммад сиз ҳазратларининг Ҳиротдан ярим фарсах йўлдаги Барза қишлоғида бўлмиш ўз чорбоғларига қадам ранжида қилмоғингизни ўтиниб сўрадилар. Зиёфатга Ҳиротнинг барча улуғлари йиғилгусидир, амир ҳазратлари зиёфатнинг кўрки бўлгайлар. Хўжам, агар амир Алишер ҳазратлари таклифни қабул айласалар, бундай илтифотдан бошимиз кўкка етгусидир, дедилар.

Навоийнинг миясидан таъқиб қилинган жайрондек учиб, турли фикрлар ўтди. «Муроса қилмоқчи... Рақибининг чеҳрасини яқиндан кўрмоқчи... Балки ўз тарафига оғдириб олмоқни ўйлар... Ахир у Низомулмулкни мендан ҳам ёмон кўради-ку... Низомулмулк эса ҳозир саройга танда қўйган...

Таклифни қабул қилмоқ керакми, йўқми?.. Қабул қилмоқ лозим! Бу кўп нарсани билиб олишга ёрдам бергай!»

Навоий шошилмай гап бошлади:

— Хўжангга бориб айт, таклиф этганларидан бениҳоя шодмен, зиёфатни қай кун ва қай фурсатда тайин этсалар, ўша соатда албатта борурмен.

Чопар икки букилиб таъзим қилди-да, тисарилиб, бориб меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Ҳайдар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Навоийнинг пешонаси тиришди:

— Тентаклигингиз энди чинакам овсарликка айланмоқда. Нима гап ўзи?

— Ҳурматли тағойи, не қилайки, кишилар дилидаги пинхоний мақсадларни пайқаб турадиган бўлиб туғилганмен. Айёр тулки сизни ўз томонига оғдириб олиб,

сўнг йўқ қилмоқни истайди. Амиппенки, буни ўзингиз ҳам жуда яхши англаб турибсиз.

Навоий Ҳайдарнинг баъзан тентак кишидай туюлса-да, асли ўзи бир қадар ақл-идрокли йигит эканини биларди. Аммо Ҳайдар миясига келган фикрни ҳозир айтиш лозимми-йўқми ўйламай гапириб юбораверарди.

— Ҳозир бу гапнинг мавруди эмас, аввал султон билан суҳбатда айтган аҳмоқона сўзларингиз учун жазодан қутулиш йўлини ўйламоқ даркор.

Ҳайдар бирдан шахт билан Навоийнинг олдига келди-да, ҳаяжон билан:

— Майли, пешонага ёзилганини кўрамен,— деди. Аммо омон қолсам, бу чаёнлар орасидан бош олиб кетамен. Сиздан ажралмоқ мен учун ўлим билан баробар, шунинг учун бу фоний дунё можароларидан этак силкиб, дарвишлик қилмоқни эҳтиёр тутамен.

Ҳайдар рақсга тушаётгандай қўллари билан бир неча ғалати ҳаракатлар қилди, сўнг чуқур таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Навоий унинг ортидан ғамгин боқиб қолди. Жўшиб келган ғазабни энди босилган эди. «Бояқиш,— деб қўйди у Ҳайдарни ўйларкан.— Ҳамиша ғалати-ғалати ишлар қилиб юрарди, сотқинлик ва адолатсизликни одат қилиб олмиш кишилар билан тўқнашиш уни эс-ҳушидан бутунлай маҳрум этмоқда».

Навоий яқин кишисини йўқотаётганини англади. Ҳайдар садоқатни баъзан жуда ошириб юборар, аммо ўзи ниҳоятда соф дил, самимий йигит эди.

Иниси Дарвишали ҳам узоқда. У Султон Ҳусайнинг ўғли Иброҳим Мирза номидан Балхга ҳоким этиб тайинланганди. Балх нотинч, деган овозалар бор. Ҳали бирор хавф-хатарнинг тайини бўлмаса-да, Хуросонда тинчликнинг беқарорлиги тобора сезилиб бормоқда. Ҳозир султон билан бу ҳақда гаплашиш бефойда: хавф-хатар кўзга яққол ташланмагунча у ҳеч нарсани парвосига келтирмайди.

Қон-қариндошлар ўртасидаги янги ўзаро уруш хавфини даф этмоқ учун қанчадан қанча куч керак. Навоий ноғиҳон қаттиқ ҳорғинлик ҳис этди. Бундай чоқларда у ҳамма вақт танга ором берувчи шифобахш меҳнатга — ижодга тутинарди. «Чор девон»ни тўплаш ишини охирига етказиши, яқингинада вафот этган дўсти Сайид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишлаб китоб ёзмоғи ло-

зим. Алишер кишиларни тарихдан, машҳур тарихий шахсларнинг ҳаётидан воқиф этувчи китоблар яратишни орзу қиларди. Шу мақсадда у «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳокимлар тарихи») ва «Тарихи мулуки Ажам» («Эрон подшолари тарихи») китобларини ёзишга киришди. Аммо «Мажолисун нафоис» асарини айниқса зўр иштиёқ билан ёза бошлади.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва «Тарихи мулуки Ажам» китобларида Навоий ҳар хил тарихий асарлар ва манбаларда айтилган воқиаларни ёш толиби илмларга ёрдам тариқасида туркий тилида қисқа ва тушунарли қилиб ҳикоя қилди. «Мажолисун нафоисда» эса, у ўз давридаги шоирлар, уларнинг ҳар қайсисига хос фазилят ва нуқсонлар ҳақида ҳикоя қилишга қарор берди.

Алишер улар ҳақида буюк масъулиятни ҳис этган ҳолда, гоят холислик билан ҳикоя қилди. У, ҳар куни бу ишга ҳеч бўлмаганда бир соат вақтини бағишлар ва бу онларни ўша куннинг энг қувончли дамлари деб ҳисобларди. Бундай чоқларда барча ташвишлар унутилади, атрофини қуршаган фисқи-фужур ва иғволар, қалбни кемирувчи пасткашликлардан бир оз узоқлашгандай бўлар, санъаткорлар билан танҳо қоларди. Уларнинг пжоди унинг учун ўз ҳаётини ишидай туюлар, эришган муваффақиятлари уни ҳамиша қувонтирар, аммо ҳеч қачон унинг қалбида ҳасад уйғотмасди.

Ҳайдар чиқиб кетгач, Навоий кўнглига чўккан айрилик дардини ёзиш мақсадида ўз хонасига ўтди-да, дарҳол китоб устида ишлашга ўтирди. У ўз китобини эндигина бошлаган бўлиб, ҳозирча хотирида яққол гавдаланган шахслар ҳақида хомаки ёзмоқда эди. Шу кеч унинг ёдига бириичи бўлиб Биноий келди.

Биноий. Навоий жилмайди. Қачонлардир бу истеъдодли йигит унга қанчадан-қанча қувонч бағишлаганди. Улар ўртасидаги муносабатни шунчалик бемаъни кек ва такаббурлик бузди-ки! Ҳозир у қайдадир узоқларда, Лйтишларига қараганда, ҳали-ҳали ўшанақа эмиш.

Навоий ўйчанлик билан сабоғич қаламни давогга ботирди-да, қулайроқ ўтириб олиб, тез-тез ёза кетди:

«Мавлоно Биноий — авсотин иосидиндур, муваллади Ҳири шаҳридурур. Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилга машғул бўлди, анда кўп рушди бор эрди, бот тарк қилди. Хатқа ишқ пайдо қилди, оз фурсатда ободон битиди. Мусиқа фанига майл кўргузди, бот ўрганиб

хили ишлар тасниф қилди, рисола дағи адворда битиди. Аммо муъажжиб ва мутасаввирлиғидин, эл кўнглига мақбул бўлмади...»

Қалам қоғоз бетида силлиқ йўрғаларди. Биноий ўткир боқиши ва заҳарли табассуми билан Алишернинг кўз ўнгида яққол намоён бўлди.

«...Эл таъна ва ташниидин Ҳирида тура олмай, Ироққа борди, андин дағи ушбу рангда овозалар юборди. Аммо чун йигитдурур ва қобил ва кўп ғурбат ва шикастликлар тортди. Умед борким, нафсига ҳам шикаст етмиш бўлғай...»

Навоий иш билан бўлиб, вақтнинг қандай ўтиб кетганини пайқамай қолди. Тонг шабадаси дарчадан елиб кириб, шамни ўчирди.

МАЖДИДДИННИКИДА БЎЛГАН ЗИЁФАТ

Маждиддиннинг ҳашаматли боғида байрамдагидек шодиёна ҳукм суради: анво турли атир гулларнинг муаттар иси димоқларни хушнуд этади, ўртадаги кўшкнинг гўзаллиги шоирлар ғазалида мадҳ этилган. Ғоят қисқа вақт ичида кўшк рўпарасида мармар ҳовуз бунёдга келди; унга лиммо-лим қилиб тўлдирилган шарбатни тайёрлаш учун саккиз юз калла қанд кетди. Қиёмда пиширилган гўшт, ихлос билан тайёрланган чак-чак, қанд-қурс ва ҳар хил ҳўл мевалар баркашларга уюб ташланган.

Маждиддиннинг ошпази лаззатли таомлар тайёрлашда Навоийнинг ошпази билан рақобат қиларди. Ҳаммани ҳайратда қолдириш учун бу ўтиришга у ҳали ҳеч ким тотиб кўрмаган қирқ хил янги таом пиширди. Зиёфатга юз минг танга сарфланди. Маждиддин ҳасис ва ғаразгўй одам эди, бироқ у ўз бойлиги билан бошқаларни танг қолдирмоқчи бўлганида ҳеч нарсани аямат, шуҳратпарастлик ҳасисликдан устун келарди.

Меҳмонларга совға қилиш учун тайёрлаб қўйилган либослар яна ҳам ҳашамдор эди.

Маждиддин бу зиёфатга катта умид боғлаганди. Султон билан Навоий ўртасидаги дўстликни ҳар қандай бўрон ҳам ларзага сололмаслигини, барибир Султон Ҳусайн шоир билан муносабатини бузмаслигини у яхши биларди. Маждиддиннинг мавқен эса, омонат; у билан

султон ўртасида на меҳр-оқибат ва на дўстлик алоқалари бор. Бу ёқда Низомулмулкнинг Хадичабегим олдида эътибори ортиб бораётир, Хадичабегим эса, кундан-кун эрига ҳукмини ўтказаётир. Маждиддиннинг бу аёлни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ! Шунинг учун у иззатнафсини букиб бўлса ҳам, Навоий билан дўст тутинмоқчи, унинг кўмаги билан Низомулмулкнинг йўлига ғов бўлиб, бош вазирлик лавозимида ўзи мустаҳкам ўрнашиб олмоқчи эди. Аммо Маждиддин ҳар қанча фаҳм-фаросатли бўлмасин, Навоийнинг у билан Низомулмулкдан султоннинг марҳаматига сазовор бўлишга интилувчи рақиблари сифатида эмас, балки инсон деган номга номуносиб кишилар бўлгани учун жирканишини англаб етмас эди.

«Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами»,— Навоий бир вақтлар ўз дўстига айтган бу сўзлар «Хамса» ни ташкил этган дostonлардан бири «Ҳайратул аброр»га киритилди. Шоир ўзининг тинчлик, инсон ва унинг бурчи тўғрисидаги фикрларини бу дostonнинг мазмуни ва мундарижасига сингдирди.

Маждиддиннинг зиёфатига у: бу маккор мени не мақсадда чорлади экан? — деб қизиқсиниб бормоқда эди.

Навоий нонуштадан сўнг ўз мулозимлари билан Барза қишлоғига йўл олди.

— Бу, ҳаётимнинг энг бахтли онларидир,— деди Маждиддин орзиқиб кутилган меҳмонни қутларкан.

Узоқдан Навоийнинг қораси кўрингунига қадар у амирнинг келишига ишонмасди. Энди бўлса, унинг вужудини ҳам қувонч, ҳам кўрқув туйғулари чулғаб олди. Навоийнинг келгани яхши, бироқ у кўнглига неларни тугиб келганикин? Маждиддин шоирнинг чеҳрасидаги ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузата бошлади.

Навоий эса вақтихушлик билан аския қилиб ўтирарди. Зиёфатга Ҳиротнинг энг илғор кишилари:— олимлар, шоирлар, ҳофизлар, машшоқлар, хаттотлар, тери ишлайдиган ва кимхоб тўқийдиган машҳур ҳунарманд усталар, муқавасозлар ва эгарсозлар тўпланишган эди. Аммо Навоий кўпроқ аскиябозлиги билан шуҳрат топган кишиларга мурожаат қиларди.

Гап чортанг келиб, суҳбат қизий борди. Ногоҳон Навоий ўтирган ерга дурустгина кийинган шўх бир йигит яқинлашиб келди-да, худди каптар учирмоқчи бўлган-

дай бир бармоғини оғзига тиқиб, ҳуштак чалди, сўнг чапак чала бошлади. Навоий билан учрашувни орзиқиб кутган ва ҳозир меҳр тўла кўзларини унга тикиб ўтирган ёш бир шоир аччиғи чиқиб, ҳалиги йигитни ҳайдаб юбормоқ учун ўрнидан даст турган эди, Навоий уни тўхтатди:

— Қани кўрайликчи, тағин нима ҳунар кўрсатаркин.

Ҳалиги йигит тўнининг этагини ҳали унга, ҳали бунга тегизиб, ўйнай-ўйнай даврадан чиқиб кетди, шунда Навоий кулиб:

— Сўраб кўрингларчи, бу кишининг исми ё Шамс, ё Аҳмад, ё Тожиддин бўлса керак,— деди.

Ёш шоир бу илтимосни бажо келтириш учун югурди. Бу орада ҳалиги нотаниш йигит бир дарахт остига бордида, энг баланд шохдан барг узиб олишга интила бошлади.

— Тақсир, муҳтарам меҳмонлар исмингизни билмоқ истайдилар.

Йигит шохни қўйиб юборди-да, иржайиб:

— Шамс Аҳмад Тожиддин,— деб жавоб берди.

Ўтирганлар бараварига кулиб юборишди. Меҳмонлардан бири қалқиб кетиб, чунонам йўталдики, салласи тушиб, қип-қизил боши очилиб қолди.

— Э, каромат қилдингиз, амир ҳазратлари. Қайдан билдингиз? — деб сўрашарди ҳаммалари кулги орасида Навоийдан.

Алишернинг кўзлари кулиб турарди:

— Нечундир исм-шарифи ана шундай кишиларнинг аксарияти ўта кетган тентак бўлади. Анчайин бир тасодиф-да.

Хизматкорлар кетини узмай, янги-янги таомлар келтиришар, соқийлар қадаҳларни пайдар-пай тўлдириб турардилар. Найнинг мунгли ҳавосига танбур ва гиж-жак садолари қўшилди.

Суҳбат тобора қизиб борди. Муаммолар айтишиб, назмда бир-бирларига ҳазиллар қилишди.

Аммо бу пайтда мезбоннинг қанчалик изтиробга тушганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Зиёфат авжи қизиб турган вақтда Маждиддин ҳар қандай воқиа содир бўлганда ҳам ўзидан бўлак ҳеч кимга билдирмасликни тайинлаб қўйган бир мулозим уни чақириб олиб, Балхдан отини ўлар холатга етказиб, шошилинич бир чопар келганини хабар қилди. Балх кўпдан бери нотинч эди. Балх ҳокими, Навоийнинг иниси Дарвишали оға-

сининг Астрободга ҳоким қилиб тайинланишига очиқдан-очиқ норозилик билдирган эди; у Маждиддин ҳокимият тепасида экан, Алишернинг хаёти ҳамиша хавф остида бўлади дер ва кўзғолон кўтариб, Султон Ҳусайнга қарши уруш бошлашга даъват этарди. Дарвишали фақат оғасидан эмас, ўзидан ҳам хавотирда эди. Шундай бўлишини олдиндан билган Маждиддин Балхга аллақачон ўз кишиларини юборган эди; улар дарвиш ёки майда амалдорлар қиёфасида изғиб юриб, Балх казо-казола-рининг оғзидан нима гап чиқса миридан сиригача унга етказиб туришарди.

Чопар ташвишли хабар келтирди: исён кўтарилай-кўтарилай деб турганмиш. Балхнинг ҳамма кўчаларида жанговар хитоблар янграмоқда, халқ ғазабга тўлиб, кўзғолонга шайланиб турибди. Маждиддинга ҳамма Султон Ҳусайнни ром қилиб олган иблис деб қарамоқда. Шунинг билан бирга, бу ишлар ҳаммаси амир Алишерни ҳимоя қилиш ниқоби остида бўлмоқда.

О, қани энди ҳозир осмон узилиб тушса-ю, боғда ўтирганларнинг ҳаммасини, биринчи галда ашаддий душмани Навоийни янчиб ташласа! Аммо, афсуски, Маждиддин ўз ғазабини табассум остига яшириб, Алишернинг ёнига бориши ва уни ўз томонига оғдириб олишга уриниб кўриши керак. Маждиддин бутун ирода кучини тўплаб, чеҳрасига жиддийлик ва очиқ кўнгиллик ифодасини бериб, меҳмонлар ҳузурига қайтди-да, қулай фурсат топиб туриб, Навоийнинг ёнига келиб ўтирди.

— Каминанинг боғида зерикмай, кулишиб ўтирганингизни кўриб, бениҳоя бахтиёрмен.

— Ҳа, бунда шундай ажойиб кишилар тўпланишиб-диким, дунёдаги ҳар қандай юраги сиқилган одам ҳам зерикмаса керак. Боғингиз эса, Эрам боғини ҳам йўлда қолдиради.

Маждиддин афтидан Навоийнинг ҳар бир сўзини обизамзам ўрнида сипқораётган кишига ўхшарди.

— Қани энди бу осойишта манзарани муҳтарам инингиз Дарвишали ҳам кўрсалар! Аммо у киши йироқдалар, сиз билан бизнинг орамизда адоват бор деган бўлмагур иғволардан ўзгани эшитмайдилар.

Навоий хавотирланиб қолди. У ҳам Балхда бўлаётган ҳодисалардан ташвишда бўлиб, кўпдан буён Дарвишалидан мактуб олмаган эди.

— Бирор ҳодиса юз берибдими?— деб сўради у вазминлик билан.

Маждиддин, айтсаммикин, айтмасаммикин деб ўйлаб, бир оз жим қолди, сўнгра айтишга қарор қилди:

— Балх ҳокими нодонлик қилиб, Султон Ҳусайн ҳазрати олийларига қарши қўшин суришга ҳозирланмоқда.

Маждиддин билан Навоий юзларида табассум билан, оҳиста гаплашаётганлари туфайли ўтирганлардан ҳеч ким улар ўртасида яккама-якка кураш бораётганини пайқамади.

— Каминанинг фикрича, амир ҳазратлари фақирнинг ўзларига бўлган чексиз эҳтиромини султон ҳазрати олийларига маълум этиб, ғазаб важҳида йўлдан озган иниларига ҳақиқий аҳволни англамоққа қодир-дурлар.

Навоийнинг юзидаги табассум йўқолди. Қовоғи солиниб, чеҳраси қоронғилашди. «Бунчалик ҳовлиқмоқликнинг нима хожати бор эди!— деб ўйлади у иниси ҳақида.— Мен билан кенгашмай, ўғитларимга қулоқ осмай, қонли уруш бошлаши нимаси! Ахир менинг ҳамма вақт бундай низоларга қарши туришимни билади-ку...»

Ҳозир Навоий Маждиддин ҳақида ўйламасди ҳам. Тезлик билан бу бемаъни урушнинг олдини олиш учун бирор тadbир кўрмоқ лозим эди. Аммо у худди мана шу онда бош вазирнинг не мақсадда уни зиёфатга чақирганини англаб олди. Маждиддин ўз мавқеининг омонатлигини пайқаб, Навоий султон олдида мени ёқлар, деган хаёлда ўзини унга яқин олаётган бўлса керак. Ҳайдар ҳақ гапни айтган экан. Ҳа, инсон пасткашлиги хилма-хил шаклларда намоён бўлар экан.

Таомилга кўра зиёфат охирида меҳмонларга совғасалом: кимга ясатилган от, кимга қиммат баҳо қизил чакмон, кимга олтин ва кумуш тангалар улашилди.

Навоий Шайх Бахлулни чақириб, унга кетишга ҳозирлик кўришни тайинлади.

МАЖДИДДИННИНГ ИНҚИРОЗИ

— Бу қутурган итни нима жин урди?

Султон Ҳусайн бесўнақай гавдасини зўрба-зўр кўтариб, ўрнидан турди-да, у бурчакдан-бу бурчакка юра бошлади. У самимий суҳбатлашиш ниятида эка-

нини таъкидлаб кўрсатмоқчи бўлиб, Навоийни ўз хосхонасига чақиртирган эди. Султон оддийгина кийинганди, фақат бармоқларида бир талай узуклар ярақларди холос:

— Шундай,— деди Навоий дилгир бўлиб,— Дарвишали ҳозирда бутун Хуросонга ёйилган бўлмағур овозаларга ишониб, оғамнинг ҳаёти хавф остида қолибди деган ўйда, ўйламасдан иш қилмоқда.

Султон Ҳусайн Навоийга хўмрайиб боқди:

— Бу бўлмағур овозаларни ким тарқатмоқда? Яна ўша жиянингиз Ҳайдар бўлса керак-да. Еки ўзингиз...

Султон Ҳусайн гапиришга гапирдию, тилини тишлаб қолди. У Навоийнинг бир оз букилган қадди ростланганини, кўзлари ғурур билан порлаб, лаблари қисилганини кўрди. Султон Ҳусайн гапини давом этдиришга журъат қилолмади. Албатта, у Навоийдан сал илгари Маждиддинни қабул қилгани ҳақида оғиз ҳам очмади. Қабиҳ вазир сўнгги чорани ишга солиб:

— Дарвишалининг исёнида амир Алишернинг қўли бор,— деган эди.

Йўқ, Султон Ҳусайн бу гапга ишонмади. У Алишернинг ғурури ва пок қалби разил хиёнатдан ор қилишини биларди. Кўнгли қора султоннинг хиралашган шурида ҳали эски қадрдон дўстига ишонч учқунлари бор эди.

— Амир ҳазратлари, келинг, бу ҳақда бамайлихотир гаплашиб олайлик. Жанобларини йўқлатмоқдан мақсадимиз дўстона кенгашигизни тингламоқ эди.

— Балх ҳокимини насихат қилиб, йўлга солинса бўлур деган умиддамен,— деди Навоий улуғворлик билан. У инисидан ранжиганини кўрсатиш учун атайдан унинг номини атамади.— Аммо камина бу хусусда олий ҳазратлари билан бамаслаҳат эркин иш тутмоғи даркор.

Султон эҳтиёткорлик билан:

— Маъқул, бироқ Маждиддин...— деб гап бошлаган эди, Навоий тоқати тоқ бўлиб, қизишиб кетди. Бу разилнинг тухматларига тоқай чидаш мумкин; султон очиқ айтмаган бўлса-да, Навоий иккиюзламачи Маждиддиннинг найрангини: кеча уни боғига чақириб, хушомадгўйлик қилгани, бугун эса султон ҳузурига келиб, унга тухматлар ёғдирганини жуда яхши тушуниб турарди.

— Камина ҳазрати олийлари ихтиёр этмиш қарорларга аралашолмайди,— Навоий қалбида газаб жўш ургани сари хотиржам сўзлашга тиришарди,— лекин бир нарса мен учун ойнадек равшан: Маждиддин ҳокимият тепасида экан, ҳаётим хавф остида экани тўғрисида миш-миш овозалар тарқала беради. Бу эса, афсуски, инимнинг ноўрин ҳаракатларига сабаб бўлур.

Саройнинг ичкари томонидан най овози эшитилди. Гўё овози ниҳоятда гўзал ва тиниқ аёл киши ашула айтаётгандай туюларди. Султон Ҳусайннинг чехраси ёришиб, кўзлари қисилди. У канизлари орасида найчи қизнинг машқини тинглаб ўтирган суюкли хотини Хадичабегимни ўйлаб қолди. Унда ўша тарафга бориш, бу зерикарли ташвиш-можаролардан тезроқ қутулиб, хордиқ чиқариш истаги уйғонди.

Иродали, гўзал ва ситамкор Хадичабегим Ҳусайннинг қалбини батамом асир этганди: у ҳеч қачон ҳеч нарсани сўраб ўтирмас, балки талаб қиларди. Султон унинг сўзини икки қилмас, хоҳишларини бажо келтирарди. Хадичабегим барча ишни шошилмасдан, ишонч билан қилар, бу хусусда Бекага сира ўхшамасди.

Хадичабегимни ўйлар экан, султоннинг миясида Маждиддин ҳақида янги бир фикр туғилди. Хадичабегим анчадан буён султонни унга қарши қайраб келарди, чунки у ўзи ва ўғилларининг ишончига сазовор бўлган Низомулмулкнигина бош вазирлик лавозимига лойиқ кўрарди.

Узоқни ўйлаб иш қиладиган Хадичабегим Султон Ҳусайн ҳаётлигидагина ҳукмини ўтказа олишини биларди. Борди-ю, у ўлиб, Хуросон тахтига Бадиуззамон ёки султоннинг бошқа хотинидан бўлган бирор шаҳзода ўтирса, унинг ҳукмига чек қўйиларди. Шунинг учун ҳам Хадичабегимнинг фикри-ёди ўз ўғли Музаффар Мирзони Султон Ҳусайнга яқинлаштиришда бўлиб, бу ишда кўмаклашган кишигина ундан илтифот кутиши мумкин эди.

Султон Ҳусайн ишнинг бу томонига эътибор бермас, фақат Хадичабегимнинг кўнглини олишни ўйларди, Маждиддинни вазирликдан четлатиш эса Хадичабегимни қувонтирарди. Бунинг устига, низоларга ҳам барҳам берилади. Бу хусусда Навоий унга кўмаклашади.

Алишерга нима деб жавоб қилишни ўйларкан, султоннинг хаёлидан ана шу фикрлар ўтди.

— Амир ҳазратларига маълум бўлсинким,— деб гап бошлади у тантана билан,— биз Маждиддин Муҳаммад жанобларини лозим совға-саломлар инъом қилиб маъқулгина нафақа тайинламоқ баробаринда вазирликдан озод этмоққа қарор қилдик.

Навоий таажжубланганини сездирмай, эҳтиром билан сукут этди. У Султон Ҳусайннинг бундай тасодифий ишларига кўникиб қолганди, бундан ташқари, Навоий бу ишнинг тагида бошқа бирон сабаб борлигини сезиб турарди.

Бу вазифага кимни тайинлаш хусусида Султон Ҳусайн Навоий билан маслаҳатлашишни лозим кўрмади. Навоий ҳам буну суриштириб ўтирмади. Маждиддиннинг бош вазирлик лавозимидан четлатилганини эшитиб, унинг вужудини қувонч туйғулари чулғади. Аммо эҳтимол бу ўринга Низомулмулк тайинланар, деган фикр хаёлидан ўтиб, бир лаҳзада яна кўнгли хира бўлди.

Султон Ҳусайн эса, маълум бир қарорга келганидан чиройи очилиб, дўстини яна ҳам қувонтирмоқчи бўлди:

— Ҳазратларини ишонтириб айтамиким, агар Дарвишали мурасага келса, ҳеч қандай жазога тортилмай, яқин мулозимимиз этиб тайинланур. Аммо исёнчиларни тинчитиш учун Балхга қилинадиган юришимизда амир ҳазратларининг иштирок этмоқлари лозим.

Навоий бош тортмоқликни маъқул кўрмади. Қайтага боргани дуруст. Ҳаммасини ўз кўзи билан кўради, лозим бўлган тақдирда ишга ҳам аралаша олади.

— Султон ҳазратларининг хоҳишларича бўлсин,— деди у ва таъзим қилиб чиқди.

* * *

Аммо бу адолатсизлик денгизида ҳамма нарса кўпикдек беқарор эди. Дарвишали мурасага келди, шунга қарамай Султон Ҳусайн уни зиндонга ташлатди.

— Гуноҳига яраша жазосини тортсин,— деди Хурсон ҳукмдори.— Исёнчини афв этиш янги исёнлар бошланишига сабаб бўлади.

Навоий султоннинг раъйига қарши чиқмади, чунки у қаршилик қилиш билан инисининг аҳволини бадтар оғирлатиши мумкинлигини биларди. У аламини ичига ютиб, ишнинг охирини кута бошлади. Навоий янглишмаган эди: Дарвишали тез орада озод этилди.

ОҒИР МУСИБАТ

Ҳирот бозорлари гавжум ва шовқин-суронли бўларди. Навоий рангба-ранг кийинган, ола-говур оломонни севар, кишиларнинг гапига мароқ билан қулоқ солар, сўзларига қараб, уларнинг қай тарафдан келганлигини аниқлаб олишга тиришарди.

Эрталаб бозорда савдогарлардан мол харид қила туриб, улар келган ерда юз бераётган воқиалар ҳақида қизиқ-қизиқ хабарлар эшитиш мумкин эди. Бу хабарлар оғиздан-оғизга ўтиб, шу қадар янги ва қизиқ-қизиқ тафсилотлар билан тўлдирилар эдики, дастлаб айтган киши кечга бориб ўзи ҳам таң қоларди.

Навоий уйдан эрта чиқди. Ҳаво очиқ. Шимол ёқдан эсаётган енгил шабада қуёш таптини бир оз босиб турарди. Ҳозир Навоий мулозимларсиз сайр қилиш имконига эга эди. Фақат Шайх Бахлулнинггина ҳамроҳ қилиб олган шоир ўз одатича, арғувон ҳассасига сал-пал таяниб, илдам одим отарди.

Улар бозор ўртасидаги улкан бино олдидан ўтишди. Атрофдаги бошқа бостирмалар каби пишиқ гиштдан ишланган, кўркамлиги ва қулайлиги билан кўп мамлакатларга донғи кетган баланд гумбазли бу думалоқ бино тепасидан бутун шаҳар кафтдай кўриниб турарди. Олис юртлардан келган сайёҳлар ўз ватанларига қайтгач, меҳмондўст Ҳиротнинг улуғвор биноларини узоқ вақтгача эслаб юрардилар. Бу юмалоқ бинодан ҳар тарафга қараб турли хил расталар тизилиб кетганди.

Навоий ўз ҳамроҳи билан ана шу расталардан бирини ёқалаб кетди:

— Шу ерда учратардим, дедингизми?— сўради Алишер.

— У Ҳиротнинг ҳамма бозорларини кезиб юради, аммо мен ҳам, бошқалар ҳам уни кўпинча мана шу растадан ўтаётганда учратардик.

Қаердандир қаттиқ-қаттиқ бақирган овозлар эшитилар, оломон овоз келган тарафга қараб оқарди. Навоий билан Шайх Бахлул ҳам ўша томонга қараб юрдилар.

Чорраҳалардан бирида жарчи шу бугун қуёш найзага келганда, кўп мартабалаб жиноят қилган ва шаҳар осойишталигини бузган икки қароқчи қатл этилажагини айтиб бақирарди. Султон Ҳусайннинг амри

билан улар қаттиқ қийноқларга дучор қилиниб, шу бугун бошлари танларидан жудо қилинар экан. Жарчи, жамики мўмин-мусулмонлар жиноятчиларнинг жазога тортилишини кўриб шодланмоқлари керак деб, ҳамма ни қатл маросимини томоша қилишга чақирарди.

Эгнилари дабдала бўлган, ёқалари вайрон, юз-кўзлари қийноқлардан даҳшатли тус олган жиноятчилар ҳам шу ерда, соқчилар қуршовида туришарди. Уларнинг бири кексагина киши бўлиб, унинг ярми юлиб олинган соқоли башарасига айниқса аянчли ва жирканч тус бериб турарди.

Замира шу ерда бўлганида бундан йигирма йил муқаддам уни ўғирламоқчи бўлган киши шу чол эканини таниёлмас ҳам эди. Ҳисобсиз жиноятлардан сўнг ниҳоят қароқчи жазосини тортмоқда.

Навоий Ҳиротнинг тинч аҳолиси ҳали ҳам ўғри-муттаҳамлар томонидан тез-тез таланаётганлигини ўйлади. Султон Ҳусайн ҳатто ҳар бир кўча ва ҳар бир маҳалла аҳолиси ўғирликда шубҳаланилган ҳар қандай кишини тутиб, тахт пойгагига келтирсин, акс ҳолда шу кўча ва маҳалла аҳолисининг ўзи жазога тортилади деган фармон ҳам чиқарди.

Мамлакатдаги гулгула ва исёнлар бебошларни кўпайтириб юборган ва ярамас кишиларнинг фаолияти учун имконият яратиб берганди.

Кўққисдан эсган шиддатли шамолданми, одамлар зўр қизиқиш билан томоша қилаётган қароқчиларнинг аянчли қиёфасини кўрибми, ҳарқалай Навоийнинг эти жимирлашиб кетди, у Шайх Бахлул билан орқага бурилди. Улар қаршисидан ноғоранинг хавотирли така-туми, жарчининг ноғора овозини босиб кетгудай ҳайқиригини эшитган одамлар тўда-тўда бўлиб оқиб келмоқда эди.

Изтиробга тушиб, қаттиқ таъсирланган Навоий энди бозор расталарида мақсадсиз кеза бошлади. Навоийнинг кайфи бузуқ бўлган бундай чоғларда Шайх Бахлул у билан гаплашишга журъат этолмасди. Бироқ ноғихон у бир дўконнинг олдида ўзлари қидириб келган кишини кўриб қолди.

— Амир ҳазратлари, қаранг, ана у!

Улар қаршисида бир вақтлар жуда олифта кийиниб юрадиган, шўх йигит — Ҳайдар турарди: эгнида ранги

айниб кетган бўз чопон, бошида дарвишлар кулоҳи, қўлида тол ҳасса, белини лунги билан боғлаб олган.

— Одамларнинг кўзидан панароқ ерга олиб чиқинг. Хув анави бостирманинг тагига бора қолинглар,— деди Навоий.

Ҳайдар дарҳол Шайх Бахлул ортидан эргашиди. Бир неча дақиқадан сўнг Навоий ҳам уларга бориб қўшилди.

— Сизмисиз бу, иним?— деб сўради Алишер ҳаяжонланиб.

Ҳайдарнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, бироқ кўзларида бир лаҳза қадимгидай ўт чақнади.

— Олло-таолога минг қатла шукурки, менга бундай қувончли дамни туҳфа қилди. Фоний дунёдан этак силкиб, дарвишликни ихтиёр этганимдан бери бу оламнинг кўп ишлари кўзимга алланечук бўлиб кўринади.

— Муаммо қилиб сўзлайдиган бўлиб қолибсиз, иним. Очигини айтиб қўя қолай: хайр-садақа билан тирикчилик қилаётганингиз қулоғимга етди. Бу ерга келишимнинг боиси ҳам буни ўз кўзим билан кўриб билмоқ эди.

Ҳайдар Навоийнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглаётган эса-да, сир бой бермай турарди.

— Мен ёлғиз эмасмен. Ҳазратларининг саҳоватлари орқали ортдирган чақамга Ҳавзи Моҳиён мовзуида хонақо солдирган эдим, у даргоҳда ўзимга ўхшаган кўпгина кишилар бошпана топган, ҳаммамиз аҳил яшаймиз. Яратган парвардигорга биргаликда ибодат қиламиз, етказганини бирга баҳам кўраемиз.

Бу сўзлар ва уларни бўйнини ҳам қилиб, ювошлик билан айтган Ҳайдар Навоий бир вақтлар меҳр қўйган Ҳайдарга сира ўхшамасди, буни кўриб учрашувнинг дастлабки онларида босилгандай бўлган ғазаби яна алангаланди.

— Бозорларда дайдиб, бегона одамлардан садақа сўрашнинг не ҳожати бор, тирикчиликка зарур бўлганини мендан ола берсангиз бўлмайдими? Сизни бутун Ҳирот танийди, бундай қилиб юрмоғингиз мешинг шаънимга иснод-ку.

Ҳайдарнинг кўзлари ёшга тўлди, самимий ҳаяжондан овози титради:

— Сиздан ажралмоқ қалбни иккига бўлмоқ билан баробар эди. Бироқ мен сиздек улуг зотнинг хўр-

ланмоғи, хатарда яшамоғига тоқат қилолмадйм. Ҳамонки кетмоққа аҳд қилган эканмен, буткул кетмоғим лозим. Бир вақтлар мен сизнинг «инингиз» эдим, энди «ҳеч қандай иним йўқ» деб ҳисобламоғингиз керак.

— Ҳамон ғазаллар битасизми?

— Бундан ҳам воз кечганмен.

Навоий бирдан Ҳайдарнинг онгини қандай туман чулғаб олганини равшан тасаввур этди. Бир вақтлар билган, қўлидан келган жамики ишдан воз кечибдию, аммо бирор арзигулик янги нарса ўрганмабди.

— Мен сизга улуғ устоз Жомий ҳаётидан бир ҳодисани сўзлаб бермоқчимен. Бир йигитча Ҳиротдан Самарқандга борибди-ю, у ерда дарвишликка қизиқиб қолибди. Бундан хабардор бўлган Жомий ҳазратлари унга: ёшликда инсоннинг бутун фикри-зикри фойдали билимлар ордирмоқдан иборат бўлмоғи лозим, дарвишликни ихтиёр этган киши бундан маҳрум бўлади, дебдилар ва дарвишларни нодон, жоҳил кишилар деб атадилар. Устозимизнинг устозлари Садриддин Қошғарий ҳам тиланчилик билан эмас, ҳалол меҳнат қилиб яшамоқ керак демаганмилар? Баховиддин Нақшбандийнинг ўзлари айтган гапларичи: «Токайгача азиз-авлиёлар мозорига сиғиниб яшайсан? Эр кишидек меҳнат қил,— тирикчилик ғамидан қутуласан», деганлар у киши.

Ҳайдар одоб билан эътироз билдирди:

— Жомий ҳазратларининг ўзлари ҳам дарвишона ҳаёт кечирадилар-ку.

— Устоз дарвишона камтар яшайдилар, холос; аммо у киши дунё ишларидан этак силкиган эмаслар, одамлардан ёрдамларини аямайдилар, умрни фойдали ўтказиш тўғрисида маслаҳатлар берадилар. Менимча, ҳар ким ўзи пухта билган ишни қилмоғи керак. Сиз дурустгина ғазаллар битар ва бу билан одамларнинг кўнглини хушнуд қилардингиз. Дарвишона яшамоқни ихтиёр этган бўлсангиз бирор фойдали меҳнат билан шуғулланинг: деҳқончилик қилинг, кавшдўзликними, тўқувчиликними ўрганинг. Тиланчилик қилиш, топганингизни ўзингизга ўхшаш бекорчилар билан баҳам кўриш — номус. Бу касб инсонни улуғламайди, балки маънавий тубанликка олиб боради,— меҳнатдан қўл силтаманг, одамлардан юз ўгирманг, аксинча уларга кўмаклашинг. Шу ерда мен яна устоз Жомийнинг сўзларини эслатиб ўтамен: «Қирқ кун чилла ўтирган шайхдан қоч, негаки

бу кунлар қиш чилласидин ҳам совуқдир». Сиз серзавқ, хушчақчақ йигит эдингиз, савдойи бўлиб қолибсиз; серғайрат эдингиз, энди бўлса ялқовланиб, куч-қувватни беҳуда сарфламоқдасиз.

Ҳайдар бошини қуйи солиб турарди.

— Аммо мен сизнинг даргоҳингизга қайтиб боролмаймен,— деди у қайсарлик қилиб.

— Афсус ва минг афсус, аммо менинг бу сўзларимни обдан ўйлаб кўринг. Азизлар қабрига сизгина бермай, меҳнат қилинг, одамларга нафингиз тегсин. Илтимосим шуки, Ҳирот бозорларида хайр-садақа тилаб юрманг. Қийналиб қолсангиз ҳамма вақт ёрдамга тайёрмен.

Навоий Шайх Бахлулга имо қилиб, Ҳайдар билан хўшлашди-да, тез юриб жўнади.

У, куни бўйи ташвишланиб юрди. Ҳайдар билан учрашув ва унинг қайсарлиги ҳаяжонга солар, қатл ижро этиладиган майдонга ошиқиб кетаётган оломонни эслаб, аъзойи баданини титроқ босар; ҳаммадан ҳам Жомийнинг бир неча кундан бери бетоб ётгани қаттиқ ташвишлантирарди. Бу ташвиш унга сира тинчлик бермади, газал билан қоғоз бетига тўкилди, кечқурун боққа чиқиб сайр қилганида ҳам у билан бирга кезди. Кечаси эса, хавотири ортиб, юраги шу қадар сиқилдики, ўрнидан туриб, отни эгарлашни буюрди.

— Бемаҳалда қайга йўл тутмоқчилар, ҳазрат?— деб сўради қути ўчган Шайх Бахлул.— Кеча совуқ. Ҳирот кўчалари нотинч.

— Дарҳол отланинг, жўнаймиз!— деб буюрди Навоий, қисқа қилиб.— Мен ҳозироқ бориб, устозни ўз кўзим билан кўрмоғим керак.

Шайх Бахлул яна бир неча кишини уйғотди; отлиқлар Ҳирот кўчаларидан елиб кетишди. Шаҳар чеккасига, Хиёбонга чиқиб боришгач, Навоий беморни чўчитиб юбормаслик учун, уйдан анча берида отдан тушиб, яёв боришни буюрди. Жомий уйғоқ ётарди. У дўстининг бевақт келганига ажабланмади, чунки уларнинг ҳаётида бундай тунги учрашувлар кўп бўлиб турарди. Жуда ҳолсизланиб қолган кекса шоир пастовоз билан оҳиста сўзлар, кўпроқ тингларди. Навоий устознинг кўнглидагини топгандай, сўнги кунларда битган газалларини ўқиб берди, ёзмоқчи бўлган китоби ҳақида сўзлади. Кейин Ҳайдар ҳақида гапирди. Унинг хусусида маслаҳат сўради. Жомий аста-аста тетикланиб, яна икки

қадрдон дўст самимий суҳбат қурдилар. Ҳар вақтдагидек, яна шеърят хусусида, улуғ дўстлик ва садоқат хусусида гап борди.

— «Бирорта ҳам дўсти бўлмаган киши, марваридсиз чиганоқдай қадр-қимматсиздир»— деди Жомий, Навоий дostonидаги бир байтни эслаб.— Фақат ҳамкорлик орқасидагина киши бирор мақсадга эришмоғи мумкин. Қарс икки қўлдан чиқади.

— Бу дунёга келиб, дўст ордирмасанг, яшашдан не фойда?— деди Навоий Жомий газалидан келтирилган сўзлар билан унинг фикрини қувватлаб.

Кекса шоир ўйчан табассум қилди: бир-бирларининг ижодларини нақадар чуқур биладилар-а!

— Ўз ҳаётида сизнингдек дўст ордирган киши бахтиёрдир,— деди у эшитилар-эшитилмас.

Ўз ҳис-туйғулари ҳақида камдан-кам гапирадиган Жомийнинг бу сўзлари Навоий қалбининг энг нозик ерларига бориб етди. Устознинг бирор сўзини эшитолмай қолмаслик учун, Алишер у томонга энгашди.

— ...Мен бахтли умр кечирдим, ўлимдан қўрқмаймен!— деди шоир хотиржамлик билан.

Навоийнинг юраги қафасдан чиқиб кетгудай зарб билан тепарди. Унинг: «Устоз, бизни ташлаб кетманг!» деб қичқиргуси келди. Бироқ тантанали сукунатни бузишдан чўчиб, ўзини босди: узоқ суҳбатдан толиққан Жомий пинакка кетганди. Қисқа-қиқса нафас олаётган устознинг кўкраги билинар-билинемас кўтарилиб-тушиб турарди.

Уйқу беморнинг руҳини енгиллаштирар деган умидда Навоий уйдан жимгина чиқиб жўнади. Аммо тонг қайғули хабар келтирди: Жомий ўсал бўлиб қолганди. Кечга бориб жони узилди.

МАККАГА ЕТОЛМАДИ

Султон Ҳусайннинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Кун ўтиб тун кирар, сўнг яна кўнгилсиз тонг отарди. Вақт шу зайлда ўтиб борар, энди уни қанча қадаҳ май ичилгани билан ҳисоблаш мумкин эди. Базмлар ёппа ичкиликбозликка айланиб кетарди; бир куни эрталаб май идишлари ва қанд-қурсе солинган патнуслар тартибсиз сочилиб ётган базмхонада уйғониб, на Султон Ҳусайн,

на сарой аёнларндан бирортаси шу кун ҳафтанинг қайси куни эканини билишолмаган экан.

Султон кўнгли овқат тусаганларга таом келтириб бораётган баковулга бармоғини бигиз қилиб:

— Айт, кўчага чиқиб билиб келсинлар.— деди.

Баковулнинг ўзи ҳам гандираклаб зўрға юрар, лекин султоннинг буйруғини бажо келтирмай иложи йўқ эди.

Кўчада ҳалн йўловчилар сийрак эди, бироқ қаердан-дир бақиршиб-чақирибган овозлар эшитилди. Тез орада алланималар деб шовқинлашиб келаётган бир тўда одам кўринди. Уларнинг ёқалари йиртилиб кетган, башаралари қизариб кўзларига қон тўлган эди.

Баковул ҳаммадан олдинда гандираклаб бораётган йигитчага қараб қичқирди:

— Ҳой, мулла, бугун ҳафтанинг қайси куни?

Келаётганлар қийқириб кулиб юборишди. Кейин улардан бири тутила-тутила:

— Биз ҳам жанобларидан худди шуни сўрамоқчи эдик,— деди.

Тунги қоровуллар кетиб қолишган. Яқин атрофда бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Баковул саройга қайтиб кириб, султонга бугун қайси кун эканини ҳеч кимдан сўраб билолмадим, деди.

Девонга бориш учун ҳали вақт эрта эди. Бунинг устига, кўп вазирлар кечаги базмда қатнашган бўлиб, ҳали ўзларига келмаган эдилар.

Султон Ҳусайннинг мудроқ кўзлари бирдан чақнаб кетди.

— Амир Алишерга одам юбориб, сўраган нарсамни дарҳол билиб келинг!— деб қичқирди у.

Сўнгра ўзини тахтиравонда хабгоҳга олиб киришни буюрди. Кейинги пайтларда Султон Ҳусайннинг оёғи қақшаб оғрир, майхўрликдан сўнг эса, у мутлақо юрочмай қоларди.

У худди шу бугун қатл тўғрисида янги фармон чиқармоқчи бўлганини хотирлаб, эс-ҳушини бутунлай йиғиб олди. Султон қирмизи либос кийиб тахтада ўтирган ҳолда қароқчиларни тутиб келтирган Ҳирот аҳолисини қабул қилиши лозим эди.

Бир вақтлар у воқиа-ҳодисаларнинг моҳиятини жуда тез англаб олар, дарҳол бир қарорга келиб, ҳукм чиқарарди. Энди эса, ишқилиб мени тинч қўйсалар бўлди, дейди. Давлат ишлари ўз йўли билан кета берсин,

уларни ҳокимиятни идора қилиш топширилган амалдорлар бошқара берсинлар. Уни пул, навкар билан таъминлаб, давлат ишлари ҳақида бош қотирмай яшашига имкон яратиб берсалар бас.

Аммо у бош вазирга сира ёлчимади. Маждиддинга боғлаган умидлари пучга чиқди.

«У муттаҳам мени роса товлаб юрган экан» — дерди Султон Ҳусайн. Маждиддин ҳақида ўйларкан ғазаб билан.

Султон Ҳусайн бомдод намозини амал-тақал қилиб ўқиди-да, кийниб Низомулмулкни ҳузурига чақиришни буюрди.

Вазирнинг кўркам, лўппи юзида энди тунги кайфисафодан асар ҳам қолмаганди. Султон ҳузурда у ҳаминша ўзини хотиржам ва ҳушёр тутарди. Бугун айниқса эҳтиёткор ва сўзамол бўлиши керак — негаки қалтис ишга бел боғлаганди.

— Сиз ҳамма вақт беғамсиз, турмушингиз айқинжайқин, — деб тўнғиллади султон, — менинг бўлса, шаҳардаги босқинчилар қачон тугатиларкин деб жоним ҳалак. Қандай тадбирлар кўрмоқдасиз?

— Ҳазрат олийлари, ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Бироқ босқинчиларнинг кўпайгани бежиз эмас. Фўқаро баъзи амирларнинг ундан кўра каттароқ ўғирликлар қилишини ўз кўзи билан кўриб турибди.

Низомулмулкнинг гапни қаёққа бураётганлигини пайқаган Султон Ҳусайн тутақиб унинг сўзини бўлди:

— Яна Маждиддинни гапирасиз-а! Ахир у совға қилинган пулдан йигирма минг динорини хазинага қайтариб берди-ку. Бу — хотамлик.

Низомулмулк пинагини бузмай гапида давом этди:

— Маждиддин бундан ўн баробар ортиқ берганда ҳам, сиз ҳазрат олийларининг хазинангизни талаб ордирган мол-дунёси заррача камаймасди. Ким қиммат баҳо тошлар билан безалган зарҳал тахтиравонда шаҳар кезади? Олтин ва чинни қадаҳларда энг ноёб шарбатларни ким ичади? Кимнинг зиёфатлари сиздек улур султоннинг базмларидан тўкин ва дабдабали? Фақат Маждиддинники! Бунинг учун ҳисобсиз мол-дунё, бойлик керак. Булар ҳаммаси унда муҳайё.

Одатда жуда кам гапирадиган писмиқ Низомулмулк тили ва дилига эрк бериб, жўшиб сўзларди.

Султон Ҳусайн унинг гапини чўрт кесди:

— Далилингиз борми?

Низомулмулк сермулозиматлик билан таъзим қилди ва тилёғламалик билан деди:

— Ижозат берсангиз, ҳазрат олийларининг ўзлари тайинлаган бир неча гувоҳиштирокида Маждиддиннинг мол-мулкани хатга олсак.

«Гувоҳ... кимни тайинласамикин гувоҳликка,— саросима ичида ўйлади Султон Ҳусайн.— Алишерни тайинланса дуруст бўлармиди. Йўғ-е, у ўз рақибининг ишига асло қўл урмайди».

Ўйлайвериб боши оғриб кетди. Султон ҳар вақт ёнида тайёр турадиган қадаҳни олиб, май сипқарди. Руҳи бир оз енгил тортди.

— Мақбул! Шундай қилинг, лекин тезроқ. Кейин менга маълум қиларсиз.

Султон Ҳусайн қабул вақтигача шаҳарни бир оз сайр қилиб келишга жазм этди. Чорраҳаларда қўй эти пиширилаётган мацқаллар ва ош дамланаётган қозонлар атрофига тўпланишган кишилар унинг эътиборини тортди.

Султоннинг тахтиравонини кўриб, ҳамма орқага чекилди ва ер ўпиб, таъзим қилди. У шаҳарда нима ҳодиса рўй бераётганини билиб келишни буюрди. От минган бир навкар гуруҳ-гуруҳ бўлиб турган одамлардан бориб сўради-да, қайтиб келиб:

— Мавлоно Жомийнинг вафот этганларига бугун бир йил тўлибди. Амир Алишер худойи қилиб, элга йил оши бераётган акавлар. Ана ўзлари ҳам келяптилар.

От минган Навоий олимлар, шоирлар ва оддий кишилар қуршовида султонга қараб келарди. Халойиқ уни: «Устозимиз!», «Қуёшимиз!», «Ҳаётимиз бўстони!» деган шодиёна хитоблар билан қарши олди. Кўплар оҳиста одимлаб келаётган отининг тизгинини ушлашга ҳаракат қиларди.

Навоий Султон Ҳусайннинг тахтиравонини кўриб, отдан тушди-да, унинг олдига бориб, тавозиъ билан таъзим қилди. Султон Ҳусайн шоирнинг йил бўйи кийиб юрган мотам либосини ташлаб, оқ кийинганини пайқади.

— Сизни лоақал кўчада учратганимиздан гоят хурсандмиз,— деди султон ғазабини босишга тиришиб.— Кўпдан бери саройда бўлмадилар.

Икки жуфт кўз бир-бири билан тўқнашди. Навоийнинг боқиши жиддий ва ўткир эди; Султон Ҳусайннинг

кериккан қовоқлари остида бир вақтлардаги сингари ўт кўринди. Улар бир-бирларига мутлақо ўхшамасдилар: Султон Ҳусайн йўғонлашиб, семириб кетган, Навоий эса, ҳамон ёшлигидаги сингари қотма эди.

— Камина бугун ҳазрат олийларини албатта зиёрат қилмоқ ва унутилмас устозимизни эслашиб, ҳамдамлашмоқ ниятида эди. У кишининг сўнмас хотирасига аталмиш китобимизни биткурдик.

Султон Ҳусайннинг қалбида бирдан бутун ишлар, саройдаги ҳамтовоқлари ва вазирларини тарк этиб, эски қадрдон дўсти билан шеърият, ҳаёт хусусида бақамти суҳбатлашиш, мириқиб дилкашлик қилиш иштиёқи туғилди.

* * *

Кечки пайт Султон Ҳусайн билан Навоий икковлари шаҳар четидаги қасрда ҳоли қолишди; соқчиларга бошқа ҳеч кимни киритмаслик буюрилди. Боғ совуқ бўлганидан улар қасрнинг хоналаридан бирига киришди. Унинг деворлари Навоий севган зангори тусга бўялган бўлиб, кўзларни қувонтирар ва кишига ҳузур бағишларди.

Навоий марҳум устози ҳақида ёзган китобини «Хамсатул мутахаййирин» деб атади. Китобни ёзаркан, у гўё барча учрашувларни бошидан қайта кечиргандай бўлди ва ўз асарини қалбида жўшган оташин муҳаббат билан тўлдирди. У султонга ёзганларининг бир қисминигина ўқиб берди, холос. Шоир китобнинг биричи бобини қуёш ботиб, бу оламда хосиятсиз кўршапалакларгина қолди, деган аламли сўзлар билан тугаллаганди.

Китобга Жомий билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳақида ҳикоятлар киритилган бўлиб, улар донишманд, мулоийм ва хушчақчақ, дўстга содиқ ва меҳрибон шоирнинг севимли қиёфасини гавдалантирарди. Султон Ҳусайн бу хотираларни мароқ билан тинглади. Эски қадрдон дўстлар анчадан бери бундай дилкашлик қилмагандилар. Улар гўё давлатни бошқариш ишлари ҳақида гаплашмасликка шартлашгандай эдилар, бўлмаса Навоий султонга анча-мунча аччиқ сўзлар айтган бўларди.

Қоронғи тушди, мулозимлар шамларни ёқишди, дарчадан салқин куз шамоли елиб кирди.

Султоннинг шахсий соқчиларидан энг забардасти ва даҳшатлиси ноғиҳон остонада пайдо бўлди (бу соқчиларни халқ орасида «Малонки азоб» деб аташарди). Паҳлавон тиз чўкиб, шанғиллади:

— Ҳазрат олийлари гуноҳимни кечиргайлар!

Султон Ҳусайн ғазабли кўзларини унга тикди:

— Чамаси, шайтон йўлдан оздирган кўринади, осойишимни бузишга нечук журъат этдинг?

— Ҳазрат олийлари, бош вазир ҳазратлари ўз кишилари билан боққа кирдилар. Биз у кишини қасрга қўймадик, аммо «улуғ султонимизнинг буйруқлари шундай...» деб, киритишимизни талаб этмоқдалар...

Султон Ҳусайн ширин уйқудан уйғонгандай бўлди.

— Ҳа, Маждиддин хусусида... Кирит вазирни,— деб буюрди у қовоғни уйиб; кейин Алишерга ўгирилди:— Амир ҳазратлари, сиз ҳам қолинг.

Низомулмулк ҳар вақтдагидек виқор билан юриб кириб келди. Унинг кўзларида зафар учқунлари чақнарди. Вазир гап бошлашга ижозат кутиб сукут этди.

— Сўзланг! Нелар аниқланди?

Низомулмулк Навоий тарафга назар ташлади, аммо шу ондаёқ унга «султоннинг мақраби» деган унвон беркорга берилмаганлигини фаҳмлади.

— Улуғ султонимизнинг камина қуллари собиқ вазирнинг даргоҳида намоз асргача бўлди. Унинг молмулкини хатга олиш яна бир неча кунга чўзилади. Локин ҳозирданоқ маълумки, мол-давлатда бутун Хуросонда унга тенг кимса йўқ. Қиммат баҳо буюмлари беҳисоб, унинг баркаш-баркаш фируза, зумрад ва ёқутлари бор. Боғи зеб-ҳашамда ҳазрат олийларининг боғини йўлда қолдиради.

Навоий Султон Ҳусайннинг бу сўзларни эшитиб кўзига қон тўлаётганини пайқади ва унга юракдан ачинди.

— Ҳаҳ!— деб ўкирди Ҳусайн.— Шошмай турсин, ярамас! Биз олган ҳамма қиммат баҳо нарсаларини келтириб беряпти деб ишонган эдик. Бутун кирдикорлари энди бизга аён.

Низомулмулк мақсадига эришганини англади ва тоқатсизлик билан:

— Ҳали қанчадан-қанчасини яширишга улгурганикин! Энди билиб бўлармиди дейсиз?— деб қўшиб қўйди.

Султон Ҳусайн бадтар тутоқди:

— Зиндонга ташлансин! Енини олмоқчи бўлганлар ҳам зиндонга ташлансин! Сўроқ қилинсин! Лозим бўлса, қийноққа ҳам солинсин!

Бироқ шу ондаёқ у ўз фармонининг қандай маънода тушунилиши мумкин эканини англаб қолди. Йўқ, у бундай демоқчи эмасди.

— Аммо эҳтиёт бўлинглар. Маждиддиннинг ҳаёти хатарда қолмаслиги лозим. Бутун мол-мулки тортиб олингач, қолган умрини тинч ва фақирона ўтказишига имкон берамиз.

Бу аснода Навоий рақиби бўлмиш қудратли вазирга тақдирнинг бевафолик қилгани ҳақида ўйлар, бироқ нечундир кўнглида ҳеч қандай мамнуният туйғуси йўқ эди. Эзгу ишлар йўлида ғов бўлган душмanning йўлдан олиб ташланиши яхши. Аммо бири олиб ташлангани билан унинг ўрнига бошқаси турди, буниси ҳам ундан қолишмайди. Навоий бу маккор, худбин зотни яхши биларди. Низомулмулк Маждиддинга ўхшаб беш панжасини оғзига тикқан эмасди, у тор доирада, зимдан иш юритарди. Бироқ Маждиддин ҳам, Низомулмулк ҳам бир мақсадни кўзлар: ҳар қандай йўл билан бўлмасин ҳукмронлик қилиш, айш-ишрат суришни ўйлардилар.

Султон Ҳусайн Низомулмулкка жавоб бериб юборди, бироқ энди ширин суҳбат бузилган, султоннинг бадиаларга қизиқиши қолмаганди. У Навоийнинг саволларига пала-партиш жавоб қила бошлади ва тез орада у билан хўшлашди.



Қолган умрини тинч-фароғатда ўтказиш Маждиддинга насиб бўлмади. Султон Ҳусайннинг феъли-атворини яхши билган собиқ вазир зиндондан чиққач, Хуросонни тарк этишга қарор берди-да, дарвиш либосини кийиб, ўткинчи бир қарвон билан яширинча Ҳиротдан чиқиб жўнади. У Маккага ҳаж қилмоқ ниятида эди. Аммо бир вақтлар бутун вужуди билан интилган жамики нарсасидан ажраган, шуҳратпараст Маждиддин бу аҳволга сира тоқат қилолмасди.

У оромини буткул йўқотди. Назарида ҳамма уни қўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандай, «қаранглар, давлатнинг каттаси, собиқ бош вазир шу киши бўлади» деб

мазақ қилаётгандай туюларди. Юраги алам билан тўлган, миясини турли хил мудҳиш ўйлар чулғаб олган эди.

Макка йўлидаги Табук шаҳрининг мачитларидан бири Маждиддинга сўнгги ошиён бўлди; у августнинг жазирама иссиқ кунларидан бирида, мачит хонақосида тақир бўйра устида жон берди. Тепасида ҳаёт дарёси қирғоққа улоқтириб ташлаган бир неча гадо турарди. Улаётиб сув сўраган эди, ўшалардан бири ўз сувини у билан баҳам кўрди. Бу киши ўз қаршисида бир вақтлар оғир солиқлар билан унинг қишлоғини хонавайрон этиб, оиласини сарсон-саргардон кездирган собиқ қудратли вазир ётганини жаёлига келтира олармиди дейсиз!

Қ О Н Л И Н И З О

Алғов-далғов уруш йиллари бошланди. Бижғиб ётган ботқоқдан виж-виж кўпириб чиққан пуфакчалар сингари мамлакатнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида исён ва қўзғолонлар кўтариларди. Хуросон ҳукмдорининг давлат ишларини ўз йўлига ташлаб қўйганидан фойдаланиб, айрим бекларгина эмас, ҳатто унинг ўз ўғиллари ҳам унга итоат қилишдан бўйин товлаб, мустақил ҳаракат қилишга уринардилар. Султон Ҳусайн яна совут-қалқонини кийиб, оғир сафар тараддудини кўришга мажбур бўлди.

Султоннинг қўшинлари Хисор қалъасини икки ойдан кўпроқ қамал қилиб ётди.

Гарчи жанг майдонини бир дақиқа бўлсин тарк этмай, ҳар бир ишдан хабардор бўлиб турса-да, энди у истар-истамас жанг қилар, илгариги шашти йўқ эди. Ҳамма қурол-аслаҳалар ишга солинди: замбараклардан, ўқ-ёйлардан, палахмонлардан отиб турилди; шаҳар ичига бостириб кириш учун ер остидан йўллар қазилди. Аммо қамалдагилар ҳам тинч ётмади: қалъа ичидан кутилмаганда ёпирилиб чиқиб, жангга ташланиш учун улар ҳам ер остидан ўр қазидилар.

Бир пайт қамалдагилар билан қамал қилиб ётганларнинг ўрлари тўқнаш келиб қолди. Қамалдагилар Султон Ҳусайннинг навкарларини қувиб чиқариш учун ўрга тутун қўйдилар. Хира машъал липиллаб ёниб тур-

ган ола қоронғи йўлакда бирдан нафас олиб бўлмайд қолди: аччиқ тутун димоқларни тўлдириб, томоқни қичиштирар, кўзлардан ёш оқизарди.

— Дарҳол бунга чора кўрмоқ керак,— деди йўлакка биринчи бўлиб кирган кекса навкар.

Бу, Навоийнинг ерларидаги тинч ноиблик ишини тарк этиб, яна қўлига яроғ-аслаҳа олган Мусабек эди. Султон Алишердан унинг хизматида бўлган кишилар орасидан тажрибали навкарларни ажратиб беришни илтимос қилган эди.

Кексайиб қолганига қарамай ҳамон довюррак ва абжир бўлган Мусабек ҳамма ерда ҳозир эди.

— Ҳа-ҳа! Улар бизни ўрдаи қувиб чиқармоқчилар, қани, ўзлари ҳам бир оз димиқиб кўрсинлар-чи!— деди Мусабек ва дарҳол катта-катта тош келтириб, лой қоришни буюрди: ҳадемай, қамал қилувчилар ўрнинг оғзини беркитдилар. Қуюк тутундан нафаси бўғилган қамалдагилар чекиндилар.

Аммо чинакам катта жангдан ҳамон дарак йўқ эди.

— Эҳ, қани энди бир мириқиб жанг қилсак!— деб орзу қиларди Мусабек, Султон Ҳусайннинг ёшликдаги юришларини эсларкан.

Бироқ бутун кучини ишга солиб жанг қилишга султоннинг юраги дов бермасди. У, ҳатто ўзи қўлга кириб турган муваффақиятдан ҳам чўчирди.

Катта-катта тошлар отиб, қалъадаги миноралардан бирида тешик очилди. Бир неча соатдан сўнг минора бутунлай қулаб тушди.

Бу муваффақиятдан қизишиб, мушаклари камон инидек таранглашган Мусабек энди жанг қиладиган бўлдиг-у, деб бир неча навкар билан султон чодир олдига от чопдириб келди. Султонга миноранинг қулаб тушганини ва душман қароргоҳидагилар саросимада эканини хабар қилдилар.

Чор атрофдан:

— Жанг бошлаш вақти етди!— деган хитоблар янгради.

Аммо султон ҳамон иккиланарди. Бир вақтлар ёв устига от солиб, қилич чопишда тенги бўлмаган довюррак саркарда энди оғир совутни кийиб, қилич-қалқонни кўтарса дам ўтмай ҳарсиллаб қолар, ўзи дармонсиз бўлганидан навкарларнинг ҳам куч-қудратига ишонмасди. Жанг бошлашга ижозат берилмади.

Эрталаб эса, Ҳусайннинг навкарлари хисорликларнинг бир кечада минорани аввалгисидай қилиб тиклаб олганларини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолдилар.

Мусабек тутоқиб ўзига ўзи: «Бу уруш эмас, майна-возлик!»— дер, уйига, сокин далаларга қайтиб кетгуси келарди.

Бошқа бир ерда отасининг тахтини ҳимоя қилиб урушаётган Бадиуззамон ҳам сусткашлик қилар, узил-кесил ғалабадан дарак йўқ эди. У кўпгина чапдаст йигитларидан ажралди. Бу орада баҳор ёмғирлари бошланиб қолди. Султон Ҳусайн ишни сулҳ билан тугаллаб қўя қолишга қарор қилди.

Султон Ҳусайннинг Бадиуззамон билан биргаликда қилган бошқа юришлари ҳам сулҳ билан тугади. Тишдан қараганда, султоннинг Бекабегим билан ажрашгани туфайли ота билан ўгил ўртасига тушган совуқлик кўтарилиб, энди улар жуда иноқ бўлиб қолгандай эди. Умрининг сўнгги йилларида ёлғиз яшаган Бека аллақачон ўлиб кетганди. Ҳусайн томонидан хўрланган, аламзада Бека Бадиуззамонни отасига қарши бош кўтариб, тахтни эгаллашига ундади, бироқ бунга Бадиуззамоннинг кучи ҳам етмас, иродаси ҳам ожизлик қиларди. У ҳамиша онасига содиқ қолди; уни шоҳона дабдаба билан кўмди, Ҳусайн эса, ҳатто дафн маросимида ҳам қатнашмади.

Султоннинг валиаҳди сифатида Бадиуззамонга Астробод ҳокимлиги топширилган эди.

Ота бирор ерда уруш чиққудай бўлса баъзан уни бирга юриш қилишга чақирарди, аммо кўпинча улар айрим-айрим ҳаракат қилардилар, мақсадлари ҳам турлича бўларди.

Астрободнинг ҳокими бўлиш фахрли ва даромадли иш эди. Бадиуззамон Астрободда талайгина олтин ва кумуш аслаҳа, қиммат баҳо жиҳозлар, тулпор отлар ордирди.

У отаси билан Балх устига юриш қиларкан, Астробод ҳокимлигини ўн икки яшар ўгли Муҳаммад Мўминга қолдирди. Мўмин Мирзо илмга ҳавас қўйган, ақлли, ўтюррак бола эди. Султон Ҳусайн ҳамма набираларидап уни афзал кўрар ва шу набирасини валиаҳд этиб тайинлаш орзусини кўнглига тугиб қўйганди. Аммо султоннинг имон-ихтиёрини тобора ўз қўлига олаётган Ҳади-чабегим Муҳаммад Мўминни жуда ёмон кўрарди. У

Мўмин Мирзони ўз ўгли Музаффарнинг жиддий рақибидеб биларди. «Султон Ҳусайннинг валиаҳди ёлғиз Музаффар Мирзо бўлмоғи керак, вассалом»,— фармонбардор Хадичабегимнинг нияти ана шу эди. У султондан Астробод ҳокимлигини ўз ўглига берилишини талаб қилди.

Султон Ҳусайннинг қўшини зафар билан Балхга кириб борди.

Галаба шарафига бўлган тантана пайтида Султон Ҳусайн бундан буён Балхни Бадиуззамонга, Астробод ҳокимлигини эса, Музаффар Мирзога топширажагини эълон қилди.

«Кўрамиз ҳали, ким қаерда ҳокимлик қиларкан!»— деди газаб билан Бадиуззамон ўзига ўзи. Газабда у отасига ўхшаб кетарди. Бироқ у тартибни бузишга журъат этмади ва султоннинг фармонини олар экан, одат бўйича Музаффар билан бирга тиз чўкиб таъзим қилди.

Музаффарнинг севинчи ичига сизмас, Бадиуззамоннинг қалбида эса, газаб ўти ёнарди.

* * *

Беғубор баҳор кунларидан бирида эрта билан Балх кўчаларида бир тўда отлиқ пайдо бўлди.

Шаҳар аҳолиси олдинда келаётган нуроний мўйсафидга эҳтиром била таъзим қилишарди.

Амир Алишернинг Балхга келганлиги ҳақидаги хабар бир зумда бутун шаҳарга ёйилди.

«Зора энди эл-юрт тинчиса», дейишарди одамлар хўрсиниб.

Йил бўйи Балхдан Ҳиротга, Ҳиротдан Балхга элчи қатнади. Бироқ ота билан ўғил ўртасидаги муносабат тобора жиддийлашиб борарди. Ниҳоят Навоийнинг ўзи элчи бўлиб боришга аҳд қилди. Кейинги вақтларда тинкаси қуриб, тез-тез тоби қочиб туришига қарамай, отга минди-да, энг яқин кишиларидан иборат мулозимлар билан Балхга йўл олди.

Навоийни ниҳоятда қизгин қарши олишди.

— Сиз — тинчлик машъали, ҳаёт бўстони мизсиз! — деди Бадиуззамон.

У, Навоий менинг тарафимни олар, деб мўлжаллар эди.

— Шаҳзода ҳазратлари,— деди Навоий дарҳол,— мен бу ерга султон ҳазратларининг илтимослари билан эмас, ўз хоҳишим билан келдим. Қаминанинг бирдан-бир орзуси Хуросонии тинч ва осойишта кўрмоқдир. Низолар тинсин ва одамлар эркин нафас олсин.

Навоий шарафига тантанали қабул маросимлари ўтказилди, зиёфатлар берилди. Алишер шаҳзода билан гаплашишга ошиқмади, у Бадиуззамонни ва Балхдаги шароитни яқиндан, синчиклаб ўрганмоқчи эди.

«Отаси сингари қизиққон, онаси сингари инжиқ»— деб қўйди Навоий Бадиуззамон хусусида ўйларкан, аввалги фикрларини тасдиқлаб. Шунга қарамай, ўзинча давлат манфаатини назарда тутиб, тўнғич ўғилнинг вазис этиб тайинланиши лозим деб ҳисобларди, негаки султоннинг бошқа ўғиллари бири-биридан бадтар пасгаш ва жоҳил эди, Музаффарнинг ортида эса, маккор ва фармонбардор Хадичабегим турарди.

Ниҳоят у бир куни кечки мажлисда назмда муаммолар айтилиб бўлгач (ўзи муаммога ниҳоятда уста бўлган Навоий бошқаларнинг ҳам бу соҳадаги маҳоратини юксак қадрларди), ёнида ўтирган Бадиуззамонга мурожаат қилди.

— Азиз меҳмонлар тарқалишгач ҳазратлари билан бақамти суҳбатлашмоқ ниятида эдик.

Навоий билан Бадиуззамоннинг тунги учрашувлари ўтган хонанинг деворлари ва саҳни энг моҳир туркман ҳунармандлари тўқиган чўғдек гиламлар билан безалган бўлиб, бу гиламлар ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам ҳеч қандай шовқин ўтказмас эди.

Шунга қарамай, суҳбатдошлар шивирлашгудай паст овоз билан гаплашдилар.

— Илгари айтганимдек,— деб гап бошлади Навоий,— мен бу ерга ўз хоҳиш-иродам билан келганмен, бироқ султон ҳазрат олийлари ўз хонадонларида ва мамлакатда осойишталик қарор топмоғини бутун вужудлари билан истайдилар десам, янглишмаган бўлурдим.

Бадиуззамон унга диққат билан боқди:

— Амир ҳазратлари, сиз олижаноб ва донишманд кишисиз, эзгу тилакларингизни тушуниб турибмен. Аммо осойишталик каминанинг камситилмоғи ҳисобига тикланмаслиги керак, мен Астрободдан воз кечмаймен. Бир вақтлар султон эл олдида Астрободни менинг ўғ-

лим Муҳаммад Мўминга ишбoм қилган эди. Ўз лафзи-қароридан қайтишдан ҳам номақбул иш бўлурму?

Навоий Бадиуззамоннинг ўз отаси ҳақида бирор ноўрин сўз айтиб юборишидан чўчиб, унинг гапини бўлди:

— Бу ишда ғолиб султон айбдор эмаслар...

— Султонни қуршаганлар айбдор демоқчисиз-да?

Хадичабегим ва бош вазир Низомулмулкни эсларкан, шаҳзоданинг кўзларида ғазаб ўти ёнди, юқори лаби кўтарилиб, оппоқ тишлари кўриниб кетди. Навоий индамади.

— Жим қолдингиз, амир ҳазратлари, чунки биласиз менинг ҳақлигимни. Энди ёш бола эмасмен, ҳатто ўз отам ва султоннинг ҳам хўрлашига йўл қўймаймен. Ана у нокас Музаффарни эса...

— Қўйинг, шаҳзода, ундай деманг! Дунёда қон-қардошлар урушидан даҳшатли нимарса бўлмас. Муроса қилмоқ, бу мушкул аҳволни осойишта ҳал этмоқнинг йўлини топмоқ лозим.

Навоий бир лаҳза тараддудланиб, Бадиуззамонга диққат билан разм солди-да, сўзида давом этди:

— Сиздан яширмаймен, султон ҳазратлари ноқобил кимсалар таъсирида қолганлар. У киши энди ҳаммага шубҳа билан қарайдилар, аммо сиз итоатга келиб, ўғиллик меҳрингизни ошкор этсангиз, у киши сизнинг ворислик ҳуқуқларингизни ҳеч қачон бузмаслар. Эҳтиёткорлик билан иш тутинг, оғир бўлинг, ана шунда муросага келмоғинглар мумкин.

Бадиуззамон Навоийнинг сўзларини диққат билан тинглади. Сўнг бир муддат мулоҳаза этиб, жавоб қилди:

— Мен шундай бўлишини истардим. Бироқ Астро-бодга Музаффарни киритмаймен!

— Кўриб турибсизки, султон ҳазратлари сизнинг иззат-нафсингизга қаттиқ тегадиган бирор иш қилаётганлари йўқ, сиз билан биз ўртамиздаги музокараларнинг ниҳоясини кутмоқдалар. Ўлжага човут солиш учун пайт пойлаётган калхатянглир кишилар фурсатдан фойдаланиб, султонга яна ҳам кўпроқ ҳукм ўтказмасинлар учун тезроқ қайтиш керак. Аминменки, давлатнинг бахт-саодати йўлида бу гапларни унутиб юборурсиз?

Бадиуззамон Навоийга маъноли боқди.

— Қайси сўзларни, амир ҳазратлари? Мен ҳеч нима эшитмадим. Орамизда ҳеч қандай ортиқча гап бўлгани йўқ.

Навоийнинг қалби қувонч билан тепди: демак ёшлигидан жон куйдириб, айтиб келаётган гаплари беҳуда кетмабди. Шаҳзодаининг бундай одоб ва эҳтиром билан жавоб қилишидан, унинг мактубларидаги панд-насиҳатларини бир оз бўлса-да қулоғига олгани кўриниб турарди.

— Бўлмаса, энди мен йўл тараддудини кўрай.

— Сизнинг келишингиз Балхни мунаввар этиб эди, бироқ монелик қилолмаймен. Ҳаддим сиғса, сафарингиз олдидан эртанги кунга тайин этилган шикорда иштирок этмоғингизни илтимос қиламен.

* * *

Ой ўроғи гўё масхара қилаётгандай, қир ва дўнгликлардан ошиб, Ҳиротдан Балхга елиб келаётган отлиққа совуқ жилва қилади.

Тезроқ етиб бориш лозим, тезроқ! Султоннинг фармони унинг бир вақтдаги қилич чопишидай аниқ. Тезроқ Балхга етиб бориб, у ердан ясовулни топмоғи (ясовулнинг номи бир умр ёддан чиқариб юборилиши зарур) ва унга султоннинг яширин фармонини топширмоғи керак.

Султон Ҳусайн Бадиуззамоннинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриш учун Балхда талайгина ишончли кишиларини қолдирган эди.

Тезроқ етиб бориш лозим, тезроқ! Ой хиралашиб қолди, тун яримдан оғди, шаҳарга эса, тонг отмасдан етиб бориш даркор!

* * *

Шайх Бахлул тонг қоронғисида келиб уйғотганида Навоий ширин уйқуда эди:

— Амир ҳазратлари, сарой бетинч, шаҳзода ҳазратлари сизни ҳузурларига йўқлатяптилар.

Навоий ўз умрида дарғазаб чеҳраларни кўп марта кўрганди. Бироқ Бадиуззамоннинг ҳозирги башараси босириққан одамнинг даҳшатли тушидагина кўриниши мумкин эди. Шаҳзода шу даражада эс-ҳушини йўқотган эдики, ҳатто Навоий билан саломлашмасданоқ бақира кетди:

— Мана, султондан келган иш! Амир ҳазратлари, сиз бебаҳо сўзларингизни елга совуриб, бизни яраштириш умидида юрибсиз, виждонини унутган султон эса,

Ўша оч бўриларнинг айтганини қилиб. менга чоҳ қазимоқчи бўлибди. Ҳа-ҳа, кўрамиз! Яхшиямки, ғафлатда қолмадик.

Бу сўзлардан сўнг ярашув ҳақидаги музокараларнинг муваффақиятли тугашига бўлган охириги умиди ҳам пучга чиқиб, бошидан ҳуши учган Навоий, аҳволдан дурустроқ воқиф этишни сўради. Бадиуззамон жавоб бериш ўрнига бир қоғоз узатди:

— Уқинг.

Бу султон Ҳусайннинг яширинча ўзига хизмат қилаётган бир ясовулга йўллаган фармони бўлиб, унда Бадиуззамон овдан қайтаётганда Балх дарвозаларини беркитиб олиш, унинг ўзини эса, асир олиб, пойтахтга келтириш тайинланган эди.

— Амир ҳазратлари, қанчадан-қанча меҳнатларингизнинг зое кетганини энди ўзингиз ҳам кўриб турибсиз. Аммо менинг соқчиларим ғафлатда ётгани йўқ. Фармон вақтида қўлга тушурилди, қабиҳ фитначилар гуноҳларига яраша жазога тортилурлар. Бугуни қатл маросимини томоша қиласиз: бунақасини ҳеч қаерда кўрмагандирсиз.

— Мен Балхда ортиқ қололмаймен,— деди Навоий Султон Ҳусайннинг хоинлиги туфайли жўшиб келаётган ғазабини зўрба-зўр тийиб.— Бу ерда мен қиладиган иш қолмабди.

Бадиуззамон уни иззат-эҳтиром билан кузатди.

«Бахтиқаро Хуросон!— дея алам билан такрорларди Навоий ўзига-ўзи йўл-йўлакай.— Энди у яна таланади ва хонавайрон бўлади».

Бу орада Балхдаги катта майдонда хоинлар ва уларга кўмаклашишда шубҳаланилганлар шафқатсизлик билан қатл этилмоқда эди. Яширин фармон келтирган отлиқни қозиққа ўтқазишди. Кейин унинг мурдасини осиб қўйишди, у бир неча кун халққа даҳшат солиб, шу кўйи осилиб ётди.

Бадиуззамоннинг навкарлари Султон Ҳусайнга қарши жанг қилиш учун ҳозирлик кўра бошладилар.

Астрободга, Мўмин Мирзога шаҳарни сўнгги қатра қони қолгунча ҳимоя қилиш ҳақида буйруқ жўнатилди.

* * *

Бироқ кучлар тенг эмасди. Ота билан ўғил Жарзвон тоғи этакларида тўқнашишди. Бадиуззамон қизиқ-

қонлик қилиб, эҳтиёткорликни унутди. Султон Ҳусайннинг тажрибакор беклари, чапдаст отлиқ аскарлари бор эди. Бадиуззамоннинг энг яхши аскарлари отдан ағдарилиб, асир олинди ва барчасининг боши танидан жудо қилинди.

Бадиуззамон қолган-қутган аскарлари билан тоғлар оша қочди. Тик қоялар ва чуқур жарликлардан ўтаётганда у яна кўп одамларидан ажради. Ўзи бир муъжиза билан ўлимдан қолди ва Хуросондан чиқиб Қундузга, отасининг душмани Хисровшоҳ ҳузурига йўл олди, у ердан эса, Қандахор ҳокими Зуннун Арғун тарафга жўнади.

Униси ҳам, буниси ҳам Бадиуззамон бир кунмас-бир кун тахтга ўтиради деган умидда, унга иззат-икром кўрсатдилар, талайгина от, туя, қўй, чодир ва қурол-аслаҳа тортиқ қилдилар.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Бадиуззамон ўзи мағлуб бўлган куннинг эртасига унинг фармони билан шаҳарни ҳимоя қилган ўғли Муҳаммад Мўмин Астробод яқинида Музаффарга асир тушганини эшитди. Болани Ҳиротга олиб бориб, қалъага қамаб қўйишди. Уша кезларда Ҳусайн Мурғоб мовзуйига чодир тикканди.

Шу куни султоннинг дард-дунёси қоронғи эди. Ўғли билан бўлган уруш, Бадиуззамон билан Музаффар Мирзо ўртасидаги низо, даҳшатли урушларнинг бошланиши эканини у англаб турарди. Маждиддиннинг маккорлиги фош этилгандан бери у ҳеч кимга ишонмасди.

Султон фақат Навоийнигина соф дил ва бенуқсон деб билар, бироқ Алишер ундан тобора узоқлашмоқда эди. Балхдан қайтгач, Навоий янги қазилган ариқларни кўздан кечиришни баҳона қилиб, Машҳадга боришга ижозат сўради.

Мўмин Мирзони қалъага келтириб қамашган куни Навоий Машҳадда эди. Кечасига бориб, Ҳусайннинг кайфи ошиб қолди. Сўнгги йилларда у анча дармонсизланиб қолган ва озгина майдан ҳам маст бўла берар эди. У ёлғиз ўтираркан, ғазабланса яна ҳам чиройли бўлиб кетадиган Хадичабегим жиғибийрон бўлиб кириб келди, унинг ортидан ўғиллари билан Низомулмулк бошлашиб кирди. Улар Ҳусайн қаршисида ер ўпиб таъзим қилдилар ва ўз ҳоқонларининг ўлимига сира тоқат қилолмаёжакларини айтдилар.

— Бу нима деганингиз?— сўради Ҳусайн, кўзларини зўрба-зўр очиб.

Шунда Хадичабегим ўрнидан турди-да, ваҳимали қилиб шивирлай кетди:

— Султоним, ўз ҳаётингизни, менинг ва фарзандларингизнинг ҳаётини сақлаб қолай десангиз, Хуросонда ҳукмронлик қилай десангиз, ўн икки ёшиданоқ ўз бобоси улур султонга қарши қўл кўтарган анави безорини ўлдиртириб юборинг. Шундагина сиз ўзингизни ҳам, бутун хонадонингизни ҳам қирғиндан сақлаб қоласиз! Ўлдиртириб юборинг!

Ҳусайннинг боши ғувиллаб айланарди. Хадичабегимнинг кўзлари «Ўлдир!»— деб буюрар, хина қўйилган носик қўллари султоннинг тиззаларини силарди. Ҳозир Ҳусайн фақат ётиб тинчгина ором олишни ўйлар, миясига бошқа ҳеч нарса кирмасди.

— Билганларингни қилинглар!— деди у хириллаб, сўнг Низомулмулк келтириб тутган қоғозга муҳр босиб шу ондаёқ маст уйқуга кетди.

Ҳусайн эрта билан барвақт уйғониб, кечаси кайф устида қилиб қўйган мудҳиш ишини эслади, шу ондаёқ кечаги фармонини бекор қилувчи бошқа фармон ёзиб, чопарни чақиртирди.

— Қушдек учасан. Қалбимнинг бир умр ороми, ҳаётим, номусим... фармонни ўз вақтида етказиб боришингга боғлиқ.

Чопар кечикди. Унинг етиб келишидан бир неча дақиқа бурун Муҳаммад Мўминнинг бошини танидан жудо қилгандилар.

Қалъага жаллод кириб келганда бола хотиржам китоб ўқиб ўтирарди.

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ,— деди у. — Мен отам топшириб кетган шаҳарни ҳимоя қилдим. Мен айбдор эмасмен. .

Ноғиҳон унинг ранги қув ўчди — у боши тепасида қилич кўтарилганини кўрди.

Навой бу воқиаларни бола ўлдирилгандан бир неча кун кейин, Ҳиротга қайтганида эшитди.

— Султон ўз салтанатининг илдизига болта урмоқда,— деди у ғазаб билан.— Мамлакатни ҳалокат ва қирғинлар маконига айлантирмоқда...

Навой султоннинг ўзига ҳам бунини очиқ айтишдан ҳайиқмади:

— Хуросон қонга ботди.. Мамлакатни мусибат чулғаган.

Хусайн тез орода чўкиб ва қартайиб қолди. Ғам-ғусса унинг ич-этини кемирмоқда эди. Ниҳоят қарор топган тинчлик ҳам, Низомулмулкнинг шафқатсизлик билан жазолиниши ҳам — ҳеч нарса султонга тасалли беролмасди. Хусайн юз берган жиноятнинг бош айбдори Низомулмулк деб ҳисоблади. Вазирнинг бутун молмулки мусодара қилиниб, ўзи ўғиллари билан бирга зиндонга ташланди. Сўнгра эса унинг кўзи олдида ўғилларини бирма-бир қиличдан ўтказиб, охири ўзининг терисини шилиб олдилар.

ҲАЙДАРНИНГ УЛИМИ

Шафқатсизлик кишини майдек маст қилади. Бўлар-бўлмасга одам ўлдириш Ҳиротда жазонинг бирдан бир усули бўлиб қолди. Хақларни ҳам, ноҳақларни ҳам ўлдиришар, аввал арзимаган туҳмат билан бирор кимсани осишар, кейин эса унга туҳмат қилган кишининг ўзини қатл этишарди. Айниқса айбланувчи шахснинг бирор хатти-ҳаракати султонга ҳуш келмаса ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта ўлдирила берарди.

Султон Хусайн Навоийга қилинган суи қасдда султоннинг ҳам қўли бор деб, ундан гумонсирагани учун Ҳайдарга қаттиқ қасд бўлиб қолганди.

Ҳайдарнинг ҳам Ҳиротнинг шовқин-суронли ҳаёти-ни тарк этиб, дарвишликни ихтиёр этгани бежиз эмасди. Аммо Навоий, унинг дарвишлиги узоққа бормади, деб тўғри айтганди. Серғайрат ва қизиққон Ҳайдар ҳеч қандай иш билан машғул бўлмай, бир ерда мудом туrolмасди. Кўп ўтмай у Хавзи Моҳиёндаги хонақони ташлаб, Балхга жўнади.

Бироқ ўзбошимча Ҳайдар бу ерда ҳам чиқишолмади. Хонақо расм-русумларини бажармаган бир дарвишни ўлгудай дўппослаб, ўша вақтдаги Балх ҳокими Иброҳим Хусайннинг қаттиқ ғазабига дучор бўлди. Шундан сўнг Ҳайдар Хуросонни бутунлай тарк этиб, бир вақтлари дилига яқин бўлган нарсаларнинг баридан кечишга аҳд қилди.

У Хисровшоҳ ҳукмронлик қилган Қундуз шаҳридан бошпана топди. Дарвишона ҳаёт мутлақо унутил-

ди. У яна дабадали сарой ҳаётига, базмларга берилди. Аммо севимли тағойиси ва устози Алишернинг хотираси қалбининг чуқур бир срида яшириниб ётарди.

Хисровшоҳ билан Султон Ҳусайннинг ораси тез-тез бузилиб турар, навкарлар яқингинада бўлиб ўтган жангларнинг жароҳатини тузатиб улгурмасданоқ, янги юриш бошланарди. Бу сафар урушни тобора очкўзлашиб бораётган Қундуз ҳукмдори бошлади. У, ўз ўғиллари билан урушавериб Султон Ҳусайннинг кучлари путурдан кетган, деган ўйда Хуросонга бостириб кирди. Бироқ Хисровшоҳ янглишди. Султон Ҳусайннинг ҳужумини даф қилди, сўнгра иккаловлари сулҳ музокаралари бошлашга қарор қилдилар.

Султон Ҳусайнга элчи бўлиб боришни Ҳайдар ўз зиммасига олди. Бу ўйламай қилинган иш эди. Ҳайдар Султон Ҳусайн ҳузурига унга тобе бўлмаган мустақил киши сифатида кириб боришга қизиқди-ю, аммо душман қароргоҳида ҳимоясиз қолишини ўйламади.

Хисровшоҳ ўйламасдан иш қиладиган, бепарво кишилардан эмасди; у Ҳайдарга бу иш унинг учун хатарли эканини айтди, аммо ёшлигидаги каби энгилтак Ҳайдар охирини ўйламай:

— Элчига ўлим йўқ деганлар. Беозор элчига қўл тегизмоққа кимнинг ҳадди бор?— деб жавоб қилди.

Аслида унинг Навоийни кўриш умиди бор эди; Хуросонга бориш унга туғилиб-ўсган ерларини қувона-қувона томоша қилишдек туюлар, ўзича қадрдон дўстлари билан учрашишни ўйларди. Унинг ишонч тўла сўзларига Хисровшоҳ эътироз билдиролмади.

— Майли, боринг,— деди у ниҳоят,— Султон Ҳусайн аъло ҳазратларига менинг у киши билан тинч ва тотув яшамоқ иштиёқида эканимни етказинг. Совга-саломларни элтинг.

Хуросон ҳукмдори Бобохоки мовзуга чодир тикканди. Султон Ҳусайн ўзининг зарҳал чодирда Хисровшоҳдан элчилар келишини кутиб, совлат тўкиб ўтирарди. Элчилар олдида ўзининг улуғвор салобатини намоиш қилиш учун эрталабдан бери оғзига бир хўплам ҳам шароб олмаган султоннинг ҳозир тажанглиги тутиб турар, бармоқлари қаҳрабо тасбиҳни асабийлик билан ўгирарди. Миясида ўғиллари ҳақидаги фикрлар чувалашиб кетган, чунки ҳамон улар билан мурасага келолмасди.

«Хисровшоҳ билан гапни бир ёқлик қиламан-да, сўнг бу ишга киришаман!»— деб ўйларди у.

Султон шу қадар чуқур ўйга толгандики, ҳатто элчилар келганини хабар қилиб, карнай чалганларини ҳам эшитмади. Ясовулбоши кириб, элчининг келганини маълум қилгандагина ўзига келди.

— Улуғ Султон ҳазрат олийлари! Хисровшоҳнинг кишилари талайгина от ва қўй-қўчқорлар келтиришибди.

— Меҳмонлар иззат-икром билан қарши олинсин! Ким элчи бўлиб келибди? Энг яхши чодирга олиб киринг. Мен қабул маросимига тайёрланамен.

Ясовулбоши эҳтиром билан жавоб қилди, бироқ унинг лабларида истехзоли табассум ўйнарди.

— Ҳазрат олийлари бу кимсани яхши биладилар; Ҳайдар жаноблари келибдилар...

Ғазабланган Султон Ҳусайн қичқириб юборишдан ўзини зўрга тийиб қолди.

«Улар мени мазақ қиляптилар шекилли! Демак, амир Алишер олдида менинг юзимни қора қилган. дўстлигимизга раҳна солган киши келибди-да! У Хуросонни тарк этган, хоинлик қилиб, душманимиз тарафига ўтиб кетган эди, энди ҳеч нарса билмагандек қайтиб келибдими! Ҳа, ҳа! Ҳали ўзини ғолиб ҳам деб юргандир! Хисровшоҳ мендан куляпти! Йўқ, бунга йўл қўймаймен!»

— Ҳайдарни олиб келиб, чодир оғзига турғизиб қўйинглар!

«О, бечора, иззат-икром билан қарши олиниш ўрнига гуноҳкор сифатида чодир оғзига турғизиб қўйиларкан-да!»— деб ўйлади ясовулбоши. Ўз умрида бундай воқияларни кўп кўрган ясовулбошини Қундуздан келган элчининг тақдири нима бўлиши кўпда қизиқтирмади ҳам. Ҳозир у ҳаммасидан кўра гулханда пишираётган барра жайрон гўштидан тотиб кўришга ошиқарди.

Ҳали Ҳайдарнинг чеҳрасидан саломлашиш табассуми тушмай туриб, шартта уни икки қўлидан тутдилар-да, султон чодир томон судраб кетдилар. Ҳайдар, бу тушунмовчилик бўлса керак, деб ўйлади, аммо шу чоқ зарҳал тахтировонда Ҳусайнни кўтариб чиқдилар: султон ниҳоятда дарғазаб эди.

— Ҳў лаънати итвачча, сени ўлдирганининг ҳақи

кетеди! Худодан қўрқмай, бандасидан уялмай қилган ишингни қара! Аввал Хисровшоҳни авраб-савраб бизга қаршн қўшин тортишга кўндирдинг, энди бўлса, элчи либосини кийиб, яна уруш бошлаш учун бизнинг заиф еримизни билиб кетиш пайида келибсан-да!— деди Хусайн.

У ўзи гапирган сайин бу шубҳалари назарида тобора ўринли туюла борарди.

Ҳайдарнинг юмалоқ кўзлари саросима ичида атрофга жовдирарди.

— Олийҳиммат султон, бундай фикрлар менинг етти ухлаб тушимга киргани йўқ. Мен дилда алам билан Хуросондан бош олиб кетдим. Қундуз вилоятдан бошпана топдим, қолган беш кунлик умримни ўша ерда тинч ва осойишта яшаб ўтказмоқчи эдим. Бу орада лаънати уруш бошланиб қолди. Мен кечаю кундуз олло-таолодан урушнинг тезроқ тугагини тиладим, тинчлик қарор топиши билан эса, қувонганимдан ўзимга топширилган бу вазифани бажонидил бажаришга отландим. Хуросонни яна бир бор кўриш орзуси мудом қалбимда яшарди.— Кейин у паст овозда қўшиб қўйди:— Яна бир орзум — олийҳиммат тағойимиз амир Алишер ҳазратлари билан дийдор кўришмоқ эди.

Аммо ҳозир султон Хусайннинг қулоғига ҳеч нима кирмасди. Шу лаҳзада у, бошқа кўпгина юришлари сингари, Хисровшоҳга қарши қилган бу юриши учун ҳам маблағни Алишер берганини, ҳатто Ҳайдар билан гаплашиб турган еридаги ана шу чодир ҳам Навоий инъом қилмиш шоҳилардан тикланганини ўйла-масди.

— Ҳа, ҳа! Сенинг муддаонг маълум: ортдирган бойлигинг ва мансабинг билан менинг олдимда гердай-моқчи бўлгансан, эл олдида ўзингни кўрсатаман дегансан. Биламан мен сени!

Ҳайдар қўлларини кўзига суртиб, итоатгўйлик билан деди:

— Пешонамнинг шўрлиги-да! Улуғлар ўзи фаҳмлаб олади деб ўйлабман.

— Ҳа, улуғлар ўзи фаҳмлаб олади! Сен муттаҳам энди мени чалғитолмайсан! Хоин шу бугун кун ботгунча қатл этилмоғи керак.

Ҳайдарнинг қўлларини боғлаб, олиб кетдилар. Бир зумда унинг кўзи олдидан ўзининг маъносиз кечган

ғалати ҳаёти ўтди, унинг бутун умрида фақат Навоий ҳузурида ўтказган йилларигина ёрқин хотира қолдирган эди.

ХОТИРАЛАР

Навоийнинг Астрободдан пойтахтга қайтганига ўн йил бўлди.

Шабъон ойининг ўн тўртида, чоршанба куни Ҳиротдаги кўҳна мачитнинг беағи қўлдан чиқарилди. Уч аср муқаддам қурилган бу мачит қаровсиз қолиб, нурай бошлаган, аммо ҳали пойдевори мустаҳкам эди. Ижод ва қурилишлар ҳомийси амир Алишер Навоий унинг емирилган гумбазини аслидай қилиб тиклаб, бинони қайтадан тузатишни буюрди. Унинг ўзи ҳар куни қурилиш бўлаётган ерга келар ва чопонининг барини белига қястириб олиб, бошқалар билан бирга ишлашарди. Навоий совға-саломлар улашиб, қурувчиларни рағбатлантириб турар, иш пайтида эса, ҳазил-мутойиба қилиб, хордиқларини чиқарарди. Натижада уч-тўрт йилга борадиган иш олти-етти ойда тугалланди.

Мачитнинг кумушдек ярақлаётган гумбази ва муҳташам қуббалари кўзларни қувонтирарди.

Қурилиш тугаллангани шарафига катта зиёфат берилиб, амир Алишер унга эллик бош қўй, тўққизта от сўйдирди. Эрталабдан бошлаб Навоийнинг боғи ва уйи олдидаги кўчаларга гулханлар ёқиб, қозонлар осилди. Уларда мўл-кўл таом пиширилар, ҳар бир ўткинчи бу ердан овқатланиб кетиши мумкин эди. Бева-бечоралар ва етим-есирларга қиммат баҳо ҳадялар улашилди. Навоийнинг катта уйига шоирлар, созандалар, олимлар ва турли амалдорлар тўпланишди.

Наққош Беҳзоднинг бу йиғилишга Навоийнинг расмини кўтариб келиши катта воқиа бўлди. У, ниҳоят ўз ишини тугаллаб, энди уни бошқаларга кўрсатишга муносиб деб топганди.

Расмда Навоий гуллаб-яшнаган боғ ичида тасвир этилган бўлиб, дарахт шоҳларида турли хил рангдаги қушлар қўниб ўтирарди. Санъатдан яхшигина хабардор бўлганлардан бири расмни кўриб:

— Чамандай очилган бу гулларни кўрганда, қўлимни узатгим ва биттасини узиб олиб, салламга қястиргим келди,— деди.

Яна бир санъаткор бу кишининг сўзларини қувватлаб:

— Менда ҳам худди шундай истак туғилган эди, бироқ гулга қўл узатсам, дарахтлар шоҳидаги қушлар учиб кетмасмикин деб ўйлаб қолдим,— деди.

— Мен эса,— деди учинчиси,— амир ҳазратлари ранжиб қовоқларини солиб олмасинлар учун, яхшиси қимир этмай ўтира қолай деган қарорга келдим.

Навоий қаҳқаҳлаб кулди, сўнг оёғи остидаги тобоққа ишора қилиб (расмда унинг оёғи остида олтин ва кумуш тангалар тўла тобоқ тургани тасвирланган эди), хушчақчақлик билан деди:

— Мен бўлсам, анави тангаларни бошингиздан сомоқчи бўлиб тургандим. Беҳзод, ҳар қачонгидек, қўли теккан нимарсага жон киргизиб юборибди.

Наққошга ясастиғлиқ бир от инъом қилинди, қолган меҳмонларга эса қиммат баҳо сарполар кийгизилди.

Зиёфат Навоийни толиқтирган эди, у барвақт кириб ётди, аммо кўзига уйқу келмади. Хаёлини хотиралар чулғаб олди. Кўзи ўнгидан болалик йиллари, машаққат билан кечган ҳаётининг хилма-хил кунлари бир-бир ўтди. Ўзи қилган хайрли ишларни эслади, бироқ буларнинг ҳаммаси унга оздек туюлди. «Дунёдан камолатга етмай ўтиш, ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишнинг ўзи.» «Бу гапни ўзим айтганмен,— деб ўйлади Навоий,— ва ўзим биринчи бўлиб ибрат кўрсатмоғим даркор.»

У ҳамиша олдинга, камолат сари интилди. Хўш, камолатнинг ўзи нима? Камолат улкан меҳнат ва инсонга нисбатан чуқур меҳр-муҳаббатдир. Камолат — кишининг ўз истеъдодини юксалтириши ва билимини бойитишидир. Энг муҳими шуки, киши ўзи ортдирган билимини бошқалар билан ўртоқлашмоғи лозим. «Билим ортдириб, уни ишлатолмаган кишининг ер ҳайдаб, экин экмаган деҳқондан фарқи йўқдир»,— бу Навоийнинг севимли гапи эди. Бу йилларда у кетма-кет илмий ва тарихий асарлар ёзди. Эрон шоҳлари тарихи, шеър вази ҳақида илмий иши, замирида кишиларнинг исми яширилган муаммолар, Ҳиротда ўзи бош бўлиб қурдирган бинолар ҳақидаги мулоҳазалар шулар жумласидандир. У ўзининг «Мажолисун нафоис» китобида ўтмишда яшаган ва ўз замондошлари бўлган шоирлар ва олимлар ҳақида ҳикоя қилди. Туркий тилининг

нафосати ва салоҳияти, унинг адабий тил бўлишга тамомила лаёқатли эканини баён қилмоқ учун у кўп йиллар ўз фикр ва мулоҳазаларини тўплаб юрди. Ҳар вақт шоирларни ўз она тилида ижод этишга ундади. Бу соҳада унинг ўзи бошқаларга ибрат кўрсатди. Ижодининг йирик дурдонаси — «Хамса»ни ёзишга киришар экан, фахр билан деди:

...Форсий бўлди чу аларга адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо:
Форсий эли топти чу хурсандлиқ
Турк дағи топса барумандлиқ.

«Муҳокаматул луғотайн» китобида у туркий тилининг ўзига хос томонларини чуқур таҳлил қилди, уни форс тилига қиёс этди ва фикр гавҳарларини назм ипига теришда унинг форс тилидан кўра кўпроқ имкониятларга эга эканини кўрсатди.

Алишер дарча ёнида туриб, тунги салқин ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар, юлдузларга боқарди. Дарвоқе, Астрободдан қайтганига ўн йил бўлди. Энди бир вақтлар хўрлик ва аламдан қалбига етган озор бир қадар унутилган эди. Аммо Астрободдаги умри ҳам беҳуда ўтмади. У ерда Навоий бутун ҳаёти давомида ёзган шеърларини девонга тўплади ва талайгина янги ғазаллар битди. Ҳиротда ўтказган йиллари ҳам енгил кечгани йўқ: мамлакатда ғалаён, Султон Ҳусайннинг хонадонида адоват кучайганди. Навоий тож-тахт учун олиб борилган шафқатсиз курашлар гувоҳи бўлди, бу курашлар туфайли ўзи ҳам қанчадан-қанча жабр тортди. У ҳамон душманлар билан қуршалганди. Улар Алишернинг обрўсини тўкиш учун унинг яқинлари ва қариндош-уруғларига туҳматлар қилишарди. Бу орада қанчадан-қанча қурбонлар берилди!

Навоийнинг ўзи неча бор хавф остида қолди. Султоннинг яқин кишилари ўзгариб турар, бироқ сарой фитна, фисқи-фужур уяси бўлиб қола берарди.

«Бутун умрим машаққат ичида ўтди, кўп марта азият чекдим, иккиюзламачилардан жабр тортдим... Бу дунёда умр кечириб, иш кўрмоқ учун турли йўлларга кириб чиқишга тўғри келди. Бир вафо қилган кишимдан юзлаб жафолар кўрдим».

Золимдин вафо тилама, фосихдин ҳаё,—

деб ёзди у ўзининг «Маҳбубул қулуб» китобида...

Навойй бу китобида ўзининг узоқ умрида кўрган-билганларини акс этдиришга тиришди. Донишманд кишиларнинг қадрига етмаган, инсонлик ҳуқуқини поймол этган нолайиқ ҳукмдорларга у такрор-такрор лаънат тамғасини босди. Барчани боқувчи ва кийинтирувчи деҳқонни ҳар вақтдаги каби кўкларга кўтариб мақтади.

Бутун китоб ҳикматли ўғит-насиҳатлар билан тўлдирилди. Навойй ўзининг ҳаёт тажрибаси орқали бошқаларни яшашга ўргатмоқчи эди. Бу тажриба оғир машаққатлар чекиб ортдирилди, бироқ у раҳмдил ва доно кишиларга ҳам дуч келди, улардан беминнат илтифотлар кўрди. Агар ундан дунёда нима кўп: ёмонликми, ё яхшиликми, деб сўрасалар, сира ўйлаб ўтирмай, соф юракдан: яхшилик деб жавоб берган бўларди.

Қизиқ, энди, Мажиддин ўлиб кетгач, унинг Навоййга қилган ёмонликлари худди узоқ бир нарсасдек туюларди.

Аmmo Ҳайдарнинг қатл этилиши кечаси ҳам, кундузи ҳам унга тинчлик бермасди. Эҳ, агар ўшанда ўзи султон қароргоҳида бўлганда Ҳусайн ҳеч қачон бунга журъат этмасди. Эссизгина навқирон йигит! Бояқиш Ҳайдар ўз содда диллиги ва енгилтаклигининг қурбони бўлди.

Ҳайдарнинг жасади Навоййнинг талаби билан дарҳол унга берилди. Алишер Ҳайдарни бир вақтлар унинг ўзи истиқомат қилган Ҳавзи Моҳиёнга иззат-икром билан дафн этди. Бу ишлар ҳақида Навойй шоҳ билан бир оғиз ҳам гаплашмаган эса-да, Ҳайдарнинг иззат-икром билан дафн этилиши Султон Ҳусайнга билдирилган пинхоний норозилик эди.

Ақл-ҳушидан ажраб, ўзининг севимли набирасини ўлимга ҳукм этиб юборган султонга нима ҳам деб бўларди?!

Бу кеча Навойй алам билан ана шуларни хотирляди. Аксарч дилгир бўлган чоғларида у ўзининг энг асл дўстлари — китобларига мурожаат қиларди. Бу сафар ҳам унинг ўз дostonларидан айрим ўринларни такрор ўқигуси келди. Дуч келган бир саҳифани очиб, гўё кўнгилдагини топгандай, ўқий бошлади:

— «Танангга ўйлаб кўр, битта ўғилни вояга етказгунча она озмунча азоб тортгани йўқ... Бир одам вояга етгунча қуёш ўттиз, қирқ йил кўкда болқиб, нур сочади. Сен бўлсанг, ўйламай-нетмай бир фармон билан унинг бошини танасидан жудо қиляпсан».

Навоий бошқа ерни очди:

Эки қави айлади давлат қўлинг,
Зулм сари тушти ва лекин йўлинг.
Чунки фарах базмига азм айладинг,
Айшу тараб азмига жазм айладинг.

Алишер бу сатрларни овоз чиқариб ўқиди ва аччиқ кулимсираб, ўйга толди: «Бу сўзларнинг ҳар бири Ҳусайнга қарата айтилмоғи мумкин... Ҳозир тинчлик қарор топгандай, аммо Ҳусайн кексайиб қолган, аҳли мўмин нидоси унинг қулоғига етмайди; кўриб турибман, Ҳусайннинг ўғиллари бахти қаро Хуросонги талон-тарож қилмоқ учун унинг ўлимини тоқатсизлик билан кутмоқдалар. Улардан қайси бири шижоатли, қудратли ва соф дил бўлиб чиқаркин, қайси бири бутун халқни қайтадан бирлаштираркин?»

Эшик тикиллаб, Мусабек кирди. У зиёфатга келганди. Мусабекнинг шамол ялаган ва офтоб таптида қорайган бети очиқ ҳавода, далалар ва боғ-роғлар бағрида яшаётганидан далолат берарди. Навоий ўз мулкларидан бирига кўчиб боришини неча бор орзу қилар, бироқ у шаҳарга жуда қаттиқ боғланиб қолган эди.

Навоий Мусабекка бўлиниб қолган суҳбатни давом этдираётгандек мурожаат қилди:

— Келинг, иним, сизни бот-бот кўришга муштоқмен. Умр охирлаб қолди. Танамдан қувват кетиб бораётган бўлса ҳам ҳар вақтдагидек: «Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут»,— деймен. Менга бирор юмушингиз бормиди?

— Ҳазратим! Сиз билан хайрлашгани келгандим: тонг қоронғисида жўнаймен. Дурустроқ хизмат ҳам қилолмадик, зиёфатга келтирилган қўй-қўзилар манзур бўлдимми?

— Иним Мусабек, сиз қилаётган ишларнинг ҳаммаси манзур. Энг мақбули шуки, сиз ўз бахтингизга эришдингиз, фарзандлар ўстиряпсиз...

Алишер енгилгина қўл ишораси билан унга ижозат

берди. Уйга шабада елиб кириб, шам алангаси билан ўйнашди. Навоий сабоғич қалам, қоғоз, давот олди-да, ёзишга ўтирди. Шу дамда у хотиржам ва ижодга мойил эди. Алишер «Лисонуттайр» («Қушлар тили») китобини тугаллаш олдида бўлиб, кунда лоақал қирқ сатр шеър битмаса кунини беҳуда ўтган ҳисобларди.

Ёш Алишер Фаридиддин Атторнинг йиртиб ташланган «Мантиқуттайр» китоби устида йиғлаганига эллик йилдан зиёдроқ вақт ўтди; ўшандан бери китобни у тез-тез хотирлаб турар ва ўша китобга ўхшаш бир асар ёзишни кўнглига тугиб қўйганди.

Алишер яна бир вақтлардаги сингари китобнинг бутун-бутун саҳифаларини ёддан такрорлади. Болалик чоғларидаги эртақлар қоғоз бетига кексаликнинг доно ўғитлари бўлиб қўйилди.

Фаридиддин Атторга жавоб тарзида ёзилган «Лисонуттайр» китобида у ҳар бир инсон ўзида вужудга келтириши лозим бўлган энг юксак хислатлар ҳақида, меҳнат қилиб, машаққат чекибгина камолатга эришиш мумкинлиги тўғрисида ҳикоя қилди.

ОХИРГИ ЙИЛЛАР

Виждон азобида эзилган Султон Ҳусайннинг Навоий билан учрашишга юраги дов бермас, бироқ у Алишернинг Хуросондан кетиб қолишидан бадтар қўрқарди. Навоий саёҳат қилиш орзусида эди. У, бошқа мамлакатларни кўрсам ўз юртимга кўпроқ манфаатим тегар, деган ўй билан ижозат сўраб Ҳусайнга тўққиз марта мурожаат қилди, аммо тўққиз мартасида ҳам рад жавобини олди.

«Занжирбанд шер эркин юрган шердан хавфсизроқ бўлади»— деб ёзиб қўйди Навоий дафтарига.

Сўнг шу заҳотиёқ занжирбанд шернинг расмини чизди ва унда ўз қиёфасини акс этдирди. «Султон менга ижозат беришдан қўрқяпти. Энди у ҳеч кимнинг садоқатига ишонмайди...»

Таомилга кўра ўнинчи марта мурожаат қилиш номақбул бўлса-да, Навоий ижозат сўраб султонга яна мурожаат қилди. Ҳусайн уни бақамти суҳбатга чақиртирди. Бу учрашув Серахс мовзуида бўлди, чунки Султон яна сафарда эди. У гапни узоқдан келтириб, Навоийга яна рад жавобини берди.

— Сиз бўлмасангиз,— деди у мунофиқлик билан,— муътабар зотларнинг ишига ҳам, фуқароларнинг турмушига ҳам путур етгусидир. Сиз улусимизга ҳаводек зарурсиз.— Ўзи эса ичида ташвиш билан: «Ҳали мени бутун оламга бадном қилмайдими...» деб ўйларди.

Ҳусайини бир неча ҳафтадан бери кўрмаган Навоий ҳозир унинг нурсиз кўзлари, қўрғошиндай бўзарган совуқ башарасини кўриб хайратда қолди. Алишер султон чодиридан чиқди. Қуёш ботай деб қолганди. Шоирни иккита мулозимини кузатиб келган эди.

— Султон олий ҳазратлари ҳадя қилмиш тўн мунча чиройли!— деди улардан бири.— Зарҳал сирти-ю, олтин безаклари қуёш билан рақобат қилишади-я.

— Бу — ботаётган қуёш,— деди Навоий жилмайиб,— шоҳнинг илтифоти эса, кўпинча хўжа кўрсингагина қилинадиган илтифотдир.

Оқшом ҳавоси мусаффо. Енгил шабада эсди. Кундузи иссиқдан лоҳас бўлган Навоий кўксини тўлдириб нафас олди. Унга от келтириб тутдилар. Шоир эркалаб, мадорсиз қўли билан отнинг бўйнини силади, чиройли кўзларига боқди. От тек турарди. Мулозимлар қўлтиғидан олиб Навоийни отга миндиришди, у зўрбазўр эгарга ўрнашиб ўтирди.

— Эвоҳ!— деди у паст овоз билан.— Икки киши қўлтиғимдан олиб юбормаса, кечки салқинда айланиш учун отга ҳам минолмайдиган бўлиб қолибмен.

От одимлаб кетди. Навоий ўзини хийла тетик ҳис этди. У қишлоқнинг қашшоқ кулбалари ёнидан ўтиб борарди. Йўлда тез-тез одамлар учраб турди; улар Навоийни кўриб, қувонч ва эҳтиром билан таъзим қилишарди. Аста-секин шоирнинг ёноқларига қизиллик югурди, кўзлари тийрак боқа бошлади.

У ўз ғазалларидан бир байтни эслади:

Замона гулбининда гунчадекдур эл кўнгли,
Аларға, шукрки, бори қотилмади кўнглим.

Қалбида қувонч куйлари жарангларди: «Таним нимжон, аммо руҳим енгил. Мен қилич кўтармаймен, бироқ сўзларим аввалгидай кескир. Аминменки, бадиаларим яхши-ёмонни ажратишда, ижод ва меҳнатда кишиларга кўмаклашгусидир».

У қаршисида ястаниб ётган бепоён даштга ва уфқ-даги тўлқинсимон тоғ тизмаларига кўз ташлади.

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмасдур чу суръат кўргузиб.

От йўртиб кетди. Унинг югуришидан завқланиб, Навоий ўзини яна навқирон ва бақувват ҳис этди: «Юртим нақадар кўркам! Йўқ, мен ватанимни бир лаҳза бўлсин тарк этмаймен!»

ХОТИМА

Хижрий тўққиз юз олтинчи йил, жумадил охир.

Султон Ҳусайн Астробод сафаридан қайтяптилар деган хабар Ҳиротга келиб етганига ҳали бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ. У билан ўғли ўртасида яна уруш бўлган эди.

Навоий бир қанча зодагонлар билан бирга султонга пешвоз чиқиш учун шаҳар ташқарисига йўл олди. Унинг ҳамроҳлари орасида Алишернинг сўнгги йиллардаги сеvimли шогирди ёш тарихчи Хондамир ҳам бор эди.

Анчадан буён давом этаётган хасталик тинка-мадори-ни қуритган бўлишига қарамай, Алишер султонни кутиб олиш учун чиқиб бораётган эди. Хондамир шоирнинг синиқиб кетган чеҳрасига ташвиш билан боқар, аммо Алишер ҳазил-мутойиба билан гам-ғуссани қуварди. У бутун умри давомида ўзини ҳаяжонга солиб келган жиддий масала — инсон бахти-саодати тўғрисида ҳам гапирди.

— Едингизда бўлсин, иним, деҳқон ўз меҳнати билан барчага ҳаёт бахш этади. Деҳқонни ҳамиша ҳурмат қилмоқ лозим.

Хондамир устозининг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглади. Навоий ҳам у билан кўп нарсалар хусусида суҳбатлашди.

— Билмаган нарсангизни билмайман деб иқро-р бўлишдан сира ор қилманг. Бугун гўдаклик йилларим-да мени боқиб катта қилган раҳматлик Ҳошим бобонинг сўзлари тез-тез ёдимга тушяпти: «Билмаганин сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим» — деган эди у. «Шоқолга ён босмоқ — товукнинг

наслини қурутмоқдир», — бу ҳам ўша худо раҳмат қил-
гурнинг сўзлари. Кўп донишманд қария эди...

Эртага султон етиб келади деган кун кечаси, По-
ёб работида Хондамир билан тунни бедор ўтказган На-
воий ногоҳ ўйчанлик билан:

— Кишининг куни битар экан Сўқротнинг ҳам,
Луқмони Ҳакимнинг ҳам ҳикмати кор қилмайди... —
деди.

Бу гулшан ичра йўқдир баҳо гулига сабот
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Бунгача улар юнон файласуфлари ҳақида суҳбат-
лашган эдилар. Хондамирнинг кўзларида ташвиш кўр-
ган шоир дарҳол чеҳрасидаги ўйчанликка барҳам бе-
риб, хушчақчақлик билан:

— Ҳечқиси йўқ, биз ҳали Ҳиротдаги ҳовлимизда
катта-катта базмлар қурурмиз, — деди кейин бир оз
жим қолди-да, оҳиста қўшиб қўйди: — Имоним комил-
дирки, сўзларим беқадр бўлмағай. Қачонлардир киши-
лар асарларимга юксак баҳо берулар. Шундай бўл-
гач, ўлим ҳам қўрқинчли эмас...

...Ҳиротдаги ҳовлисида яна қайтиб базм қуриш На-
воийга насиб бўлмади.

Султоннинг яқинлашиб келаётганидан дарак бериб,
узоқда карнайларнинг овози янгради.

Хўжа Аббос мовзуида учрашилди. Султоннинг тах-
тиравони яқинлашгач, Алишер отдан тушиб, пиёда кет-
ди. Бироқ мадори етмай, ёнида бораётган икки яқин
ҳамроҳининг елкасига суяниб қолди.

Зўр-базўр юриб, тахтиравонга яқинлашди-ю, оёқда
туролмай бирдан ерга ўтирди. Буни кўриб Султон Ҳу-
сайннинг бўғим-бўғимлари бўшашиб кетди, чунки у
агар Навоийдан ажраб қолса, ўзини оёғи остидаги за-
миндан ҳам маҳрум бўладигандай ҳис этарди.

Шу лаҳзада у ўзининг ҳам қариб, дармонсизланиб
қолганини англади.

Султон тахтиравондан инқиллаб-синқиллаб тушди-
да, Навоийни ётқизишни буюрди. Алишерни кечагина
ўзи от миниб чиқиб келган Ҳиротга кўтариб олиб кет-
дилар.

Ҳиротнинг энг яхши табиблари шоирнинг ҳаёти
учун уч кечаю уч кундуз тиним билмай курашдилар.

Бироқ беморнинг аҳволи тобора оғирлаша борди. У ўз ҳовлисидаги катта уйда ётар, куни бўйи ҳол-аҳвол сўраб келган дўстларнинг кети узилмасди.

1501 йил 3 январь, якшанба куни, отмиш ёшида Навоий вафот этди. Улуғимиз, Амир Алишер қазо қилибдилар, мисли йўқ шоир Навоий вафот этибдилар деган мусибатли хабар оғиздан-оғизга ўтиб, бир зумда бутун ёлга таралди. Ҳаёт бўстони ҳувиллаб қолганди.

Алишерни дафн этгач, дўстлари уч кун унинг уйида қолиб, таъзияларини ўтказдилар. Хондамир дамба-дам шоирнинг ғазалини такрорларди:

Мушкил иштур уйда бир ғойибни ҳардам йўқламоқ,
Лекин мухлик йўқлағондин сўнгра истаб топмамоқ.

Навоийни бутун Ҳирот дафн этди. «Бундай таъзияни шу маҳалга қадар ҳеч ким кўрмаган эди»,— дейишарди чоллар.

Кўча-кўйда сағир қолган халқ кўз ёши тўкарди. Еттинчи куни Алишернинг таъзиясини ўтказиш учун бутун халойиқ Ҳавзи Моҳиёнга тўпланди, одам шундай кўп келдики, хизмат қилиб турганлар отда юриб тартибни кузатишга мажбур бўлдилар.

Олимлар ва шоирлар, рассомлар ва машшоқлар ачиқ-аччиқ йиғлаб, ёқаларини чок этдилар. Улар ўзларини ижодга руҳлантирган, истеъдодларини парваришлаб ўстирган улуғ устозлари, ҳомийлари ва дўстларидан жудо бўлгандилар.

Ким билади дейсиз, улуғ шоир ҳамон болалик чоғларисидаги каби «Синглим Замира» деб атаган дўппи тикувчи бева аёл балки ҳаммадан кўпроқ куйиниб йиғлагандир...

Яқин-йироқдаги қишлоқлардан деҳқонлар йиғилиб келишди. Навоий уларга жуда кўп ғамхўрлик қилган — ноҳақ солинган солиқларни бекор этган, ариқлар қаздириб, қақраб ётган ерларга сув келтирган, пул ва маслаҳатлари билан кўмаклашганди.

Таъзияга келганлар орасида ёши улғайиб қолган, навкарлар сингари яроғ-аслаҳа тақиб олган басовлат бир киши бошқалардан ажралиб турарди. Мусабек Навоийни яна қайтиб кўролмади. Алишер ўлим тўшагида ётганида у сўғориш ишларини бошқариб юрарди; дафн маросимига ҳам зўрға етиб келди. Мусабек рафиқаси

Дурсултон ҳадя этган ўн икки ёшлар чамасидаги ўғлини ҳам бирга олиб келган эди.

— Ўғлим Аҳмад, бугун улуг кишини дафн этяпмиз, бу кунни умр бўйи ёдингда тут. Бир вақтлар келиб, ўғил-қизларингга ва неvara-чевараларингга бу киши ҳақида ҳикоя қилиб берурсен; бу кишининг номи авлоддан-авлодга ўтиб, абадий қолур. Алишер буюк шоир, катта олим ва меҳрибон дўст эдилар. Алишер ўз ватанларини, Ҳиротни шон-шуҳратларга буркадилар. Ватаига хизмат қилмоқдин олий нимарса бўлурму?! Ўғлим, сен қишлоқда тиичгина деҳқончилик қилувчи отангни яхши биласен, аммо бугун мен азиз устознинг хотираси учун совут-қалқонимни кийиб келдим. У киши менга: «Инсон ҳаёт экан, ўз ватани учун курашур», деган эдилар.



МУНДАРИЖА

<i>Биринчи қисм.</i> Болалик йиллари	5
<i>Иккинчи қисм.</i> Йигитлик чоғлари	51
<i>Учинчи қисм.</i> Камолот	149
<i>Тўртинчи қисм.</i> Кексаликнинг ўғит-насиҳатлари	255

Д. Сеницкий. Н. Леушин ва В. Алфеевский
расмлари

КАТТА ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

На узбекском языке

Бать Лидия Григорьевна

САД ЖИЗНИ

(Повесть об Алишере Навои)

Перевод с издания Детгиза 1956 г.

Гослитиздат УзССР — 1960. — Ташкент

Редактор *Р. Обидхужаев*
Рассом-редактор *Г. Бедарев*

Техн. редактор *Л. Парпихужаев*
Корректор *Н. Содиқов*.

Босмахонага берилди 31II-1960 й. Босишга рухсат этилди 18/III 1960 й. Формат
84×108¹/₃₂. Босма л. 10,625 Шартли босма л. 17,43 нашр л. 18,5, Индекс б/в
Тиражи 30000 *ЎзССР* Давлат бадий адабиёт нашриётн. Тошкент
Навий кўчаси, 30, Шартнома № 75 — 57.

ЎзССР Маданият министрлиги *Ўзглавиздат*нинг I-босмахонаси Тошкент,
Ҳамза кўчаси, 21, 1960 й. Заказ № 97. Баҳоси 6 с. б5 т.

62557

ЎЗАДАБИИНАШР